

IV. МАЪРУЗА МАТЕРИАЛЛАРИ

1-маъруза. Инсон географиясининг фанлар тизимида тутган ўрни, тадқиқот объекти ва предмети

Режа:

1. Инсон географиясининг фанлар тизимида тутган ўрни
2. Инсон географиясининг ички тузилиши ва бу борадаги қарашлар
3. Инсон географияси фанининг объекти ва предмети.
4. Инсон географиясининг таърифи.
5. Фаннинг асосий тамойиллари.

Таянч сўзлар: *Инсон географияси. Глобалсинтез. Антропосфера (экосфера). Ойкумена. Район ёки регион.*

“Табиий география табиий фанлар туркумига оид фандир (масалан геология ёки биология сингари). Унинг бир тармоғи – инсон географияси (синоним: ижтимоий, иқтисодий ва социал география)-иқтисодиёт, социология, тарих, сиёсатшунослик каби фанлари қатори ижтимоий фандир. Шу билан бирга географиянинг алоҳида йўналишлари орасида техникавий йўналишларни, масалан картография каби фанларни ҳам учратиш мумкин.

Шунинг учун география фанлар тизими табиий, ижтимоий ва техникавий фанлар тизими оралиғида жойлашган деган хулосага келиш мумкин.

Р. Дж. Джонстон инсон географиясида (Социал география) иқтисодий, социал (тор маънода, ижтимоий жараёнлар ва аҳолини географик ўрганишни киритган ҳолда), сиёсий, маданий, тарихий ва регионал социогеографияни ажратиб кўрсатган (Р. Дж. Джонстон, 1987). Питер Хаггет ўзининг “География: глобал синтез” номли китобида географиянинг 4 асосий тармоқларини ажратади:

1. География фалсафаси;
2. Тармоқлар географияси;
3. Минтақавий географи;

4. Тадқиқот методлари.

Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқот объекти ва предмети ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Уларнинг иккиси синоним ҳисобланадими, агар йўқ бўлса, уларнинг қайси бир кенгроқ маънога эга, связано ли возможное разграничение объекта и предмета с соотношением онтологии и гносеологии (объект как явление бытия, предмет – то, что философы называют «объектом познания», а может, как раз наоборот)?

Кўплаб олимлар, масалан, В.С. Жекулин (1989), шулар қатори М.М. Голубчик, Э.Л.Файбусович, А.М. Носонов ва С.В. Макаровлар (2003) тадқиқот объекти икки ва ундан ортиқ фанлар учун умумий бўлиши мумкин (жамиyat-ижтимоий фанлар учун), аммо тадқиқот предмети ҳар бир фан учун алоҳида.

Ижтимоий географияда Р.Морриллу (Ю.Г.Саушкин, 1973, с.379) Хореву (1981, с.3), и Э.Б. Алаеву (1983, с.33)лар кўра бу ҳудудий, ёки минтақавий, жамиятни ташкил этишдир.

Аммо тадқиқот объекти ва предметининг ўзаро муносабатлари бошқача ҳам бўлиши мумкин, ҳар бир фаннинг объекти айнан ўзига тегишли, предмети эса ҳеч бўлмаганда тадқиқот объектини аниқлаштириш ва ойдинлаштириши керак. Турли илмий адабиётларда (юқорида келтирилганларидан ташқари) географиянинг ижтимоий тармоғи объектини қуйидагича аниқлаштириш ҳоллар учрайди:

Инсон ҳаёти ва фаолиятига тегишили ҳудудий мутаносиблик (бу ерда табиий ҳудудий мутаносиблик ҳам мавжудлигини унутмаслик керак); ҳудудий мажмуалар, бу ерда албатта инсон билан боғланган; ҳудудий (территориал, географик) ижтимоий (иқтисодий, социал, сиёсий ва бошқалар) тизимлар; географик қобик планетар геосистема ёки планетар мажмуа-табиий ва иқтисодий географининг умумий тадқиқот объекти (бу ерда глобал табиий тизимлар табиий географиянинг тадқиқот объекти эканлигини сезмаслик мумкин эмас, аммо, географик қобикқа барча иқтисодий, ижтимоий, маданий ва жамиятнинг сиёсий бирлашмаларнинг ҳудудий шакллари киритиш жуда қийин), геOVERCUM; атроф-муҳитнинг инсон томонидан ўзгартирилганлиги (географик қобикнинг бир қисмини инсон томонидан ўзлаштирилиши- Мукитанов, 1979), ёки антропосфера; ойкумена; район ёки регион; ва бошқалар.

А.Ю. Скопин(2001, с.13-14)га кўра иқтисодий географининг объекти геомаконинг бир қисми антропосфера (экосфера) бўлиб, бу ерда хўжалик фаолияти ривожланади, тадқиқот предмети эса- тизимли ва информацион ёндашувлар асосида геоиқтисодий муаммолар ечимини излаш ва антропосферанинг трансформациясини ўрганишдир.

60-70 йиллардан бошлаб география ҳудудий тизимлар ҳақидаги фан деган қарашлар жуда машҳур. Ю.Г. Саушкинга (1973, с.5) кўра, иқтисодий география-ҳудудий ижтимоий иқтисодий тизимларнинг шаклланиши, фаолияти ва ривожланиш жараёнлари ва ушбу тизимларни бошқариш ҳақидаги фандир. А.И. Чистобаев, М.Д. Шарыгин, В.В. Воронин ва бошқалар иқтисодий ва ижтимоий география ҳудудий ижтимоий тизимларни ўрганади деб ҳисоблашади.

Шунга қарамай бу ерда санаб ўтилган бошқа қарашлар тизимли ёндашувга мос келмасмикан?

Людвигу фон Берталанфи фикрига кўра тизим бу доимо ўзаро муносабатда бўлиб турадиган элементлар комплексидан иборат.” (Хаггет, стр.781).

Ҳар қандай фан алоҳида фан сифатида фаолият олиб бориши учун аввало у ўз тадқиқот объектига, ўзининг предметига эга бўлиши керак. Бу ерда объект серкиррали борлик, ҳодиса ёки воқеалар бўлиб, у биргина фан учун эмас, балки кўп фанлар бирикмаси учун хизмат қилади. Фотоаппарат объективига барча предметлар тушади, айти пайтда, бизни қизиқтирмайдиган нарсалар ҳам тушиши мумкин. Ваҳоланки ҳар бир фан ҳодиса ёки воқеаларни ўзининг хусусияти ва моҳиятига кўра фақат бир томонини ўрганади. Ана шу бир томони ёки аспектини ўрганиш ҳар қайси фаннинг предмети ҳисобланади ва у аниқ бир нарсани ўрганишини билдиради.

Демак, объект кенг қамровли тушунча, предмет эса нисбатан тор маънода бўлиб, у шу объектнинг қайси томонини ўрганишини билдиради.

Масалан: аҳоли айти пайтда, иқтисодчилар, демографлар, этнографлар, социал географлар ва бошқа фан вакиллари қизиқтиради. Аммо ҳар қайси фан намоёндаси ўз томонидан аҳолини ўрганади. Жумладан, иқтисодчилар учун аҳоли, бу асосий ишлаб чиқарувчи куч, меҳнат қилувчи субъект сифатида кўрилади. этнографлар учун аҳолининг қизиқтирувчи томони унинг миллий урф-одати, кийиниши, анъаналаридир. Демограф эса, аҳолини биосоциал категория сифатида ўрганади, яъни у аҳолининг

табiiй ва миграцион кўпайиши (туғилиш, ўлиш, кўчиб юриш), никоҳ, қўйди-чиқди (ажралиш) ва бошқа томонларини илмий асосида таҳлил қилади.

Географлар учун аҳоли ўрганиш объекти бўлса, унинг қайси томонлари тадқиқот предмети бўла олади? - деган савол туғилиши табiiй. Бу борада шуни қайд қилиш керакки, аҳоли географиясида комплекс, аҳоли, кенг маънода социал-иқтисодий категория сифатида ўрганилади. Бошқача айтганда, аҳоли ҳам ишчи кучи - моддий ва маънавий бойликнинг яратувчи иқтисодий категория ҳисобланиб, айти пайтда шу бойликни истъомол қилувчи социал категориядир. Дарҳақиқат Н.Н.Баранский айтганидек, аҳоли иқтисод билан бошдан-оёқ чамбарчас боғлиқ: аҳолидан ишлаб чиқариш жарайони бошланади ва аҳоли истъмоли билан бу жарайон ўз якунини топади.

Аҳолининг социал-иқтисодий категория сифатида кўриниши унинг таркиби ва функциясида ҳам ўз аксини топади.

Аҳолининг фақатгина 45-50 фоизи меҳнатга яроқли (меҳнат ресурслари) бўлиб, моддий ва маънавий бойлик яратади. Айти пайтда шу бойликни истъомол қилувчилар эса 100 фоизни ташкил этади. Демак, социал-иқтисодий географияда аҳоли ва аҳоли пунктларини ўрганишда, уларнинг турли жарайонларда (махаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда) жойланиши, зичлиги, аҳоли ишловчи жойларнинг ҳудудий тузумларининг вужудга келиши ва ривожланиши ва социал вазифаларини таҳлил қилиш кўзда тутилади.

Худди шундай, транспорт, саноат корхоналари ва тармоқлари, кишлоқ хўжалиги ва шунга ўхшаш жуда кўп мисолларда фаннинг объекти ва предмети кўриш мумкин. Бунда шуни қайд қилиш лозимки, ўрганилаётган ҳодиса, предмет ёки воқеа, реал борлиқ қанча мураккаб ва серқиррали бўлса уни ўрганувчи фанлар сони ҳам шунча кўп бўлади ва фақат шу фанларда эришилган ютуқларни ўрганиш натижасида бу объект тўғрисида тўла маълумот олиш мумкин.

Энди асосий эътиборни инсон географиясининг объекти ва предмети кўришга қаратайлик. Инсон географиясида социал объект бўлиб ишлаб чиқариш кучлари, уларни ҳудудий ташкил этиш, ҳудудий социал-иқтисодий тизимлар хизмат қилади. Шубҳасиз, бу объект билан иқтисодий географлар билан бир қаторда иқтисодчилар ҳам шуғулланади. Иқтисодий географлар ҳудудий социал-иқтисодий тизимларни (ёки

мажмуаларини) турли районларда ижтимоий ва ҳудудий меҳнат тақсимои жарайонида вужудга келиши, ривожланиши ва бошқариш қонуниятларини ўрганади.

Айтиш жоизки, мазкур фаннинг муайян бир барқарор, барчани қаноатлантирувчи таърифи ҳозирча йўқ. Бунга сабаб-география фанининг кенг қамровлилиги, объект ва номининг давр мобайнида ўзгариб туришидир. Шу билан бирга иқтисодий география таърифларининг кўпчилигида ишлаб чиқариш кучлари уларнинг жойланиш хусусиятлари таъкидланади. Булар ушбу фаннинг узоқ тушунчасига, аксиомасига айланиб қолган. Албатта, бу бежиз эмас. Сабаби иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий географиянинг моҳиятини эса уларнинг жойлашув хусусиятлари белгилаб беради. Бинобарин ривожланиш фақат аниқ бир жойда маконда амалга ошади, зеро жойланиш ривожланишнинг ҳудудий инъикосидир.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда инсон географияси таърифини қуйидагича келтириш мумкин. Инсон географияси ижтимоий фан сифатида турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш кучларини жойланиш ва ривожланиш хусусиятларини ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзининг ҳудудий жиҳатларини ўрганади.

Албатта, ҳар қандай фаннинг предмети таърифи унинг асосий тамойилларини ўзида акс эттириш шарт. Зеро ўзининг методологияси ва методи, тадқиқот предмети ва принципларига эга бўлмаган фан мустақил фан ҳисоблана олмайди.

Шубҳасиз, география фанининг энг биринчи тамойили унинг ҳудудийлигидир. Зеро, географияни ҳудудий муносабатларсиз, макон тушунчасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо шу билан бирга ҳудудга ўзига хос борлиқ сифатида турлича ёндашилади. Масалан муҳандислик (ерсозлик) ҳамда район планировкасида кўпроқ ҳудудни ташкил этишга эътибор берилади. Бунда ер майдонининг ўзи маълум мақсадлар учун тайёрланади. Жумладан, уни барча инфраструктура шаҳобчалари билан жиҳозланган ҳолда саноатчилар учун ижарага бериш ёки сотиш мумкин.

Иқтисодий ва социал географияда анъанавий тарзда ҳудудни ташкил этиш ибораси қўлланиб, у одатда мазмуни ва шакллари бўйича ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга яқинроқ туради. Шу билан бирга оддий жойлаштиришдан фарқ қилиб, ишлаб чиқаришни, аҳоли ёки хўжалик тармоқларини ҳудудий ташкил этиш айни пайтда уни муайян мақсадга йўналтириши ва энг муҳими бошқаришини ҳам ўз ичига оладики,

бу ушбу тушунчанинг илмий ва амалийлигидан дарак беради. Бу ерда тизим (система) қондасига мувофиқ маълум бир воқеаликни ташкил этиш, авваламбор уни бошқариш мақсадида амалга оширилади.

Инсон географиясининг тадқиқот объектига кирувчи барча предметлар турли ҳудудий мажмуа шаклини ташкил этади. Чунончи, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, экинзорлар ёки чорвачилик яйловлари, рекреация манзилгоҳлари, ўрмонзорлар ва бошқалар ареал (майдон) кўринишга эга. Саноат марказлари ва аҳоли пунктлари нукта ёки тугун, транспорт йўллари, гидрографик шаҳобчалар эса тасмасимон (лентасимон) шаклда кўзга ташланади ва худди шу тарзда харитада тасвирланади. Инсон географияси айнан шу майда чизик ва нукталарнинг жойлашуви, уларнинг ўзаро ва ташқи муҳит билан ҳудудий муносабатларини ўрганади. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишнинг шакли сифатида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари (комплекслари, саноат тугунлари ва районлари) аҳолининг бундай ташкил этиш шаклларига эса турли тип ёки йирикликдаги қишлоқ ва катта-кичик шаҳарлар, шаҳар агломерациялари, конурбация ва мегополисларни кўрсатиш мумкин. Транспортда - транспорт тугунлари, аҳолига хизмат кўрсатиш географиясидаги ҳудудий илмий-тадқиқот бирликлари ҳам ушбу соҳаларни ҳудудий ташкил этиш шаклларига киради.

Ҳудуд миқёсида ҳар-хил катталиқ ва йўналишдаги муҳим воқеаликлар вужудга келади. Жумладан, анча кенг бўлган иқтисодий, ва мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлган рақобат муҳити, социал-иқтисодий ва нисбатан тарқоқ доирадаги социал муҳитни ажратиш мумкин.

География фанининг иккинчи бир муҳим тамойили комплексликдир. Бироқ, бу ерда комплекс ишлаб чиқаришни ижтимоий ёки ҳудудий ташкил этиш шакли эмас, балки масалага, фан объекти ва предметиға ёндашув маъносини англатади. Айни пайтда комплекслик география фани учун алоҳида усул (метод) эмас аксинча, у асосий тамойиллардан бири бўлиб ушбу фаннинг ўзига хос ва туб моҳиятини ифодалайди.

Комплекслик тамойили ўрганилаётган объектга атрофлича ёндашув, уни алоқадорликда кўришни тақозо этади. Шу маънода ундан тизимли (системали) ва оқилона фойдаланиш лозим. Акс ҳолда тадқиқот натижаси, ҳар соҳада бир шингил саёз юзаки ва қуруқ бўлиб қолади: баъзан ўзи нимани ўрганиш кераклигини ҳам сезилмай қолади. Бинобарин ушбу тамойил моҳиятини мисли дарахт шаклида тасаввур қилмоқ зарур: дарахт танаси

ўрганилаётган асосий муаммо бўлса, унинг шох ва шохчалари шу муаммо билан бевосита алоқадор масалалар мажмуасидир. Бунда дарахт танаси ўта йўғонлашиб, шох-шаббасиз ва аксинча, шохлар катталашиб, унинг танаси кўринмай қолмасилиги керак. Биринчи ҳолда комплекснинг ўзи бўлмайди, иккинчидан эса ҳаддан ташқари масалалардан четга чиқиб кетмаслик керак. Масалан, боғдорчиликни тадқиқ қилишда темир йўл транспорти ёки аҳолининг туғилишини ўрганиш асло талаб қилинмайди.

Демак комплекслик ҳамма вақт маълум мақсад ва вазифа доирасида барча ҳодиса ва воқеаликни фақат Ўрганилаётган масала атрофида ва у билан бевосита алоқадор бўлганларни таҳлил этишни кўзда тутди.

Худудийликни ва комплекслик тамойиллари география фани учун ўта зарур. Бирок, улар ўз меъёрида бўлиши лозим. Бошқача айтганда, ушбу тамойилларини ҳамма вақт аниқлик билан бирга олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, географияда тарихийлик тамойили мавжуд. Бу тамойил макон ва замон бирлигида келиб чиқади. Зеро, ҳар қандай ҳодиса маълум бир вақтда ва муайян бир жойда содир бўлади. Фақат ўтмишни таҳлил этиш орқали ҳозирни баҳолаб бўлади, бу эса Ўз навбатида келажакни, истиқболни илмий башорат этишга йўл очади.

Тарихийлик тамойилининг муҳимлигини Н.Баранский ҳам таъкидлаган. Бу олим «мамлакат ва районлар иқтисодий-географик таърифини шундай берганки, у оёғи билан ерга - геология, геоморфология ва тупроқшуносликка, танаси билан тарих орқали Ўтиши (*А.Солнев ибораси*), боши билан эса сиёсат ва мафкурага таяниши, тарқалиши керак, деб уқтирган эди. Кўриниб турибдики, тарихийлик иқтисодий-географик тариф ва тавсифни асосий қисмини ташкил этади. Масалан, агар Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрини иқтисодий географик тарифламоқчи бўлсак, унинг илк бор вужудга келганидан кейин, сўнгги муҳим тарихий воқеалар ва босқичларни инобатга олинса кифоя. Улар ўтган асрнинг иккинчи ярмида (1860 йил) Туркистонинг ва Россия томонидан босиб олиниши ва Тошкентнинг Туркистон генерал губернаторининг пойтахти вазифасини бажариши. 1917 йил социалистик инқилоб йили, 1924 йили Ўрта Осиё республикасининг ташкил этиши, 1930 йилда Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг Самарқанддан Тошкентга кўчирилиши, Улуғ Ватан уруши йиллари, 1966 йили Тошкентда ер қимирлаши ва ниҳоят 1991 йил Ўзбекистон мустақилликка эришган

йили. Ана шу бурилиш ёки тарихий воқеалар бугунги Тошкентга, унинг ҳудуди, ҳўжалиги ва аҳолиси, шаҳар қурилишига озмиқўпми ўз таъсирини ўтказган.

Аслини олганда, тарихсиз география (географиясиз тарих) бўлмайди. Демак, улар бир-бирларини тўлдиради. Немис олими А.Геттнер эса тарихийлик тамойилини инкор этган. У хронологияни рад этиб, хорологияни тан олган. Бу жиҳатдан у файласуф И.Кант ғояларига асосланган. Албатта бундай бир томонламалик тўғри эмас, ҳатто анъана бўлиб қолган «Ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши ва жойланиши» ибораси ҳам бу иккиликнинг чамбарчас боғлиқлигини билдиради. Бу эрда агар ривожланиш тарих бўлса, жойланиш география демакдир. ҳар қандай ривожланиш маълум бир ҳудуд доирасида амалга ошади. Жойлашув эса, ривожланишнинг ҳудуддаги аксидан бошқа нарсаси эмас.

География фанининг тамойилларидан яна бири экологик ёндашувдир. экологик тамойил айниқса, ишлаб чиқаришни ижтимоий ва ҳудудий ташкил этиш шакллари, хусусан, мужассамлашув билан уйғунлашиб кетади. Масалан, қанча ишлаб-чиқаришни мужассамлашуви юқори бўлса (корхона ёки йирик корхоналар бир жойда кўп бўлса) экологик вазият одатда бунинг акси бўлади. Демак, бу ерда «ривожланган» деган тушунча кўп ҳолларда экологик носоғлом маъноси билан ёнма-ён туради. Масалан, Бошқирдистон пойтахти шаҳрининг 3 та йирик нефтни қайта ишлаш заводлари мавжуд: Украинанинг Мариуполь (Жданов) шаҳрида ёки Россиянинг Новокузнецк шаҳрида ҳам 3 тадан металлургия корхоналари ишлаб турибди. Бу жиҳатдан айтиш мумкинки, ушбу шаҳарлар ривожланган йирик саноат марказлари ҳисобланади. Худди шундай Республикамизнинг Чирчиқ шаҳрини олайлик. 30-йиллардан бошлаб, бу ерда турли йирик саноат корхоналари бирин-кетин қурила бошланди, айниқса химия заводлари унда кўпроқ жой олади. Шунингдек, Чирчиқда, собиқ СССРда энг йирик «Капролактам» корхонаси ҳам қурилди, шундай қилиб бу шаҳар республиканинг йирик индустриал марказига, ривожланган районига айлантирилди. Аммо, шу билан бирга бу ерда яшайдиган 150 минглик аҳоли учун экологик муҳит ҳам бузилди.

Демак, экологик тамойил ҳам ўта муҳимдир. Бироқ, у асло ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга қарши турмайди. Аксинча, бу эрда жойлаштириш масалаларини кўпроқ барча омил ва шароитларни атрофлича инобатга олган ҳолда «Етти Ўлчаб бир кес» маъносида, географик экспертиза асосида амалга ошириш ҳамда замонавий

чиқиндисиз, экология нуқтаи-назарида мақбул ва тоза технологияни жорий қилишда ҳисобга олиб ҳал этиш лозим.

Шу билан бирга экологик масалалар фақат саноат географиясидагина эмас, балки улар қишлоқ хўжалик, аҳоли ва шаҳарлар, транспорт, рекреация, тиббиёт географияси каби йўналишларни ўрганишда ҳам асосий ўринда туриши керак.

Инсон географиясининг яна бир тамойили - демоцентризм ёки антропоцентризмдир. Чунки, барча ҳудудий иқтисодий муносабатлар асосида энг аввало инсон - моддий ва маънавий бойликларини яратувчи ва айна пайтда уларнинг истеъмолчиси жой олади.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, илмий-техника тараққиёти ва бошқаларда инсон омили унинг талаб ва таклифи, дунёқараши муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи-назардан демоцентризм тамойили ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишда эътиборга олиниши билан бир қаторда уни ўрганиши тақозо этади. Шундай қилиб, ҳудудийлик, комплекслик, тарихийлик экология ва демоцентризм тамойиллари иқтисодий ва социал географиянинг мустақиллигини янада мустаҳкамлайди.

2-март.. Инсон географияси фанининг шаклланиши.

Режа:

1. Инсон географияси фанининг вужудга келиш тарихи.
2. Иқтисодий географик тадқиқотлар, назариялар, концепцияларнинг моҳияти ва мазмуни.
3. Ҳозирги замон иқтисодий географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари.

Мавзуга оид таянч сўзлар: Сиёсий арифметика. Ҳарбий география. иқтисодий география. Социал география. Сиёсий география. Социал -иқтисодий география.

Эпиграф: Маълум бир фанни ўрганишда камдан кам учрайдиган мантиққа эга бўлмаган нарсалар ҳали фанда жуда кўп билим борлигини англатади. Ярим аср илгари география соҳаси бўйича Кембриж университетида таълим олишни бошладим ва ҳозир жаноб Исаак Нютон нимани ўйлаганлигини аниқ биламан. Чунки биз ҳаммамиз кичкина

болалар каби планетанинг мушздай қисми гўзаллиги ва ранг баранглигини тушунишга ҳаракат қиламиз.

Ушбу боб китобни бу қисмигача ўқиб чиқганлар ихтиёрига ҳавола қилинади. Улардан бир қанчаси балки кўпчилиги географияни мактабда ўрганган ва келажакда мусиқа, физика, фалсафа бўйича таҳсил олишни режалаштирганлар. 23 бобдан етарлича қизиқарли нарсаларни топа олдингиз деб ўйлаймиз. Эҳтимолки бир ёки иккита қўйимча дарс олишни ёки географияни асосий фан (йўналиш) сифатида танлашни ўйлаб қўйдингиз.

Кўпчилик ёшлар географияни мактабда дарс предмети сифатида ўрганишларига қарамасдан, ушбу йўналиш бўйича университетда таҳсил олувчилар сони кўпчиликни ташкил қилмайди. Бирлашган қиролликда атиги фақатгина ҳар ўнинчи ўқувчи географияни ўқув фани сифатида ўрганади. Бирлашган давлатлар олийгоҳларида бакалавр босқичи тугатувчилар орасидан фақатгина ҳар 150инчи талаба географияни асосий йўналиш сифатида ўрганган. Фалсафа ёки иқтисодиёт бўйича таълим олувчилар сони билан география соҳаси бўйича ўқийдиганлар сонини таққослайдиган бўлсак, географияни асосий йўналиш сифатида ўрганувчилар сони камчаликни ташкил қилади. География бўйича битта, физика 10та, кимё ва машинасозлик 20га яқин, педагогика бўйича 25та илмий даража олишга эришилган.

Бугунги кунда ўсиб бораётган географикларнинг кичик гуруҳи истиқболи порлоқдир. Биз АҚШдаги вазиятни ҳалқаро контекста кузатишимиз лозим. 19 аср бошларида немис ва француз институтларида география университетнинг замонавий фан соҳаси сифатида ўрганилагн. Немислар ушбу фанга иккинчи жаҳон урушига қадар кўпроқ ҳисса қўшган. Классик ишларнинг кўпчилиги географик адабиётларда дастлаб немис тилида нашр қилинган. Ғарбий европа, Буюк Британия ва Commonwealthда география ўрганувчилар сони нисбатан кўпчиликни ташкил қилган. Канада ва Австрияда катта тадқиқод марказлари жойлашган. Россияда ҳам география соҳаси илдамлаб бормокда.

Аммо вазият доимий равишда ўзгариб туради. 1960 йилларда география йўналиши бўйича шимолий Америка ва ғарбий Европа олийгоҳларига ўқишга қабул қилинганлар сони икки карра кўпчиликни ташкил қилган. Кўрсаткич шу даражада тўхтаб қолди, аммо 1990 йилларда яна кўтарилди. Америка географиклари ассоцияси каби фан жамияти аъзолари сони ўша даврга келиб икки мартадан кўпроқ ошган.

Университет географияси ажиб чалкашликни намоён қилган. Улар эҳтимол кичик бўлган талабалар сони билан ўқув фанларини қиёслаганлар.

Ушбу якунловчи бобда фан контекстда тартиб бўйича жойлаштиришга ҳаракат қилинди.

Биз фаннинг ривожланиш йўлини тушиниш (24.2. бўлим) учун дастлаб фаннинг илгари ривожланишини кузатамиз (24.1. бўлим). Бугунги ҳолат билан келажакка назар ташлаймиз (24.4. бўлим). Ҳаммаси бўлиб 25 та саволга эътиборимизни қаратамиз: География қандай қилиб мустақил фан сифатида ривожланди? Унинг бугунги кундаги структураси қуриниши қандай? Географиклар таълимни якунлагандан кейин нима қиладилар? География келажаги имкон даражада қандай кўринишга эга? Унинг (географиянинг) келажакдаги роли қандай?

24.1. Ўтмиш ўгити

Биз географияни сахна асарининг қисмлари сифатида тасаввур қилсак, уни бугунги кун академик фан сифатидаги хусусиятини тушуна оламиз. Қисмларни унга актга бўламиз.

Биринчи акт: яқка (ёлғиз) тадқиқодчи

Географик тадқиқодларнинг дастлабки пайтларида қадимги Грецияда 19 аср ўрталаригача география билан шуғулланадиган олимлар камчиликни ташкил қилган. Ўзини географик сифатида намоён қилувчилар тадқиқодчилар сони ўша даврда жуда кам бўлган.

Тадқиқодчилар кўпроқ амалий муаммоларга қизиқганлар: ер тадқиқоти методи, навигация жиҳози, карта тузиш (яъни маълум бир давлатни картада акс эттириш) ва картани босмадан чиқариш техникаси, атлантни ишлаб чиқариш. Улар асосан ер қиёфаси тадқиқи, маконга оид маълумотларни картага тушуриш. Илгари даврда одамлар ер қиёфаси ва уни картада намоён қилиш бўйича кўп саволларга жавоблар топдилар. Европа ренессанс даврининг таъсирли асарлари карта тузишда аҳамиятли бўлган. Кўпчилик географик мактаблар қисқа давр фаолият олиб борганлар ва ҳар ҳим муваффақиятларга эришганлар.

24.2. тасвир 1970 йилдан бери география соҳасига бирқанча тадқиқодчилар қўшган ҳиссасини кўрсатади. Кузатишимиз мумкинки тадқиқодчилар сони 18000 йилда 19000 йилга қараганда камроқ бўлган ва 2000 йилга келиб улар сони камайиб кетган. Ўша даврда яшаган географиклар ҳозир ҳам яшамоқдалар!

Турли ҳилдаги фанлар орасида чегаралар унча кўп бўлмаган. Александр Хумболд, Иммануел Кант ва Т.Р.Малтхус турли фанларга аҳамиятга молик ҳисса қўшганлар. Диаграммада фан ривожига Германиянинг роли ифодаланган (1930 йилгача географик публикацияларнинг ярми немис тилида ёзилган).

Улар аҳамиятини баҳолаш қийин 24.2. 19 аср немис географиясини Карл Риттер ва Фридрих Ратцелсиз, француз географиясини Видал де ла Влашесиз, америка географиясини В.М.Дависсиз ёки британия географиясини Халфорд М. Макиндерларсиз тасаввур қилиш қийин (24.3. тасвир, 776 бетга қаранг). Фанга алоҳида ҳисса қўшган географик олимлар ҳақида кейинги бобда фикр юритилади.

Иккинчи акт: гуруҳлар ва жамиятлар

Ривожланишнинг иккинчи босқичи 18000 йилларда бошланган. 19 аср географик жамиятлари умумий тадқиқод қизиқишларига бағишланган.

Қироллик географик жамият (Royal Geographical Society) турли географик клублари бирлашуви асосида 1830 йилда Буюк Британияда вужудга келди. Ундан кейинги ўринда, яъни иккинчи ўринда турадиган жаҳонга машҳур жамият бу Берлиндаги география жамияти бўлиб, унга 1828 йилда асос солинган. Жамиятлар фаолияти сабаб география фани мактаб ва университет ўқув режаларига киритилди. 1836 йилда Франкфурт, 1856 йилда Австрия, 1869 йилда Мюнхен, 1873 йилда Хамбург ва 1877 йилда Боннда географик жамияти ташкил қилинди. Нью Йоркнинг Америка географик жамиятига 1852 йилда асос солинган.

Иккинчи гуруҳ кўпчилик олий ўқув юрти ва бошқа географик олимлардан ташкил топган. Бу ташкилотларга 20 аср бошларида асос солинган. Ушбу гуруҳларнинг типик вакиллари Америка географиклар ассоцияси (1905) ва Британия географиклар институти, регионал фан ассоцияси (1954) ва немис география жамияти.

Жамиятлардан географияни мактабларда ўқитиш учун учинчи гуруҳ вужудга келди, масалан: АҚШда география таълими учун миллий кенгаш ва немис мактаб географиклари бирлашмаси.

Тўртинчи гуруҳ сифатида 1950 йилларда йирик касбий бирлашмалардан чиққан гуруҳларни айтишимиз мумкин. Улар географиянинг махсус соҳаларини қамраб олганлар, масалан: картография, геоморфология, миқдорий методлар.

Қироллик география жамияти 19 асрда асос солинган ташкилотларга тегишлидир. Ушбу жамият дунё ҳақидаги тадқиқодларни ва географик маълумотларни ўзаро алмашиш мақсадида тузилган. Унга географик фанни тарғиб қилиш мақсадида асос солинган. Жамиятнинг асосий мақсади қуйидаги вазифаларни амалга ошириш бўлган:

- ✓ Бирлашган Қиролликда ва чет давлатда географик тадқиқодларни қўллаб қувватлаш,
- ✓ Таълимда Географиянинг аҳамиятини ошириш,
- ✓ Географик маълумотларни эгаллаш ва кенг тарғиб қилиш,
- ✓ Географияга бўлган қизиқиш тарғиботи,
- ✓ Бошқарув кенгаши ва бошқа давлат органларининг географик иши.

Қисқа давр ичида улар бошқа географик жамиятга, 1933 йилда асос солинган Британия География институтига бирлашдилар. Биргаликда катталашган ҳолда жамият бир қатор журналлар нашр қилдирди. Жамият Лондоннинг ғарбий қисмидаги Хюде паркида машҳур университет (imperial College) ва маданий марказ (Albert Hall) яқинида жойлашган. Унда аҳамиятга молик кутубхона, карталар тўплами ва архив бўлган. Қироллик география жамияти илк университетлардан географик институтга асос солди. Ушбу институт география фанини мактаб предмети сифатида ўқитилишида муҳим рол ўйнаган.

Учинчи акт: миллий ва ҳалқаро ташкилотлар

Географик институтларнинг иккитасини 24.5.расмда кўришингиз мумкин. Францияда географик институтларнинг ривожланиши сустраша бошлади. Ўша даврда Буюк Британия ва АҚШда ҳам ривожланиш секинлашди. Янги географик институтларнинг жойлашган ўрни бўлиниб кетди.

Географиянинг Швецияда ривожланиши

Швецияда География Буюк Британия ва Францияга қараганда кечроқ ривожланди. Швеция Антропология ва География жамиятига 1870 йилларда асос солинди. Унинг марказий қисмидаги Штокхольмдаги катта ихтиро саёҳати тўғрисида хабар берилди:

Свен Хединнинг 1920 йиллардаги марказий осие бўйлаб қилган экспедицияси. Хабарлар ва мунозаралар 1877 йилдан бошлаб Емерда жамият газетасида чоп қилинди. Бундан ташқари жамият (1953 йилдан дан 1971 йилгача) Швециянинг миллий атласини нашрдан чиқарди. Ушбу атлас кейингиларини яратишда муҳим рол ўйнади.

1. Швецияда жуда қадимий университетлар бор, масалан Уппасла (1477 йилда асос солинган) ва Лунд (1666 йилда асос солинган). Шунга қарамасдан университетларда география фани 19 аср охирларида ўз ўрнига эга бўлди. Х.Х.фон Шверин 1879 йилда Лундда маъруза ўқишни бошлади. 1910 йилда эса Уппсала, Гўтеборг ва Штокхольм иқтисодий мактабида география бўйича бор эди. Фан аста секинлик билан ўса бошлади. 1929 йилда Штокхольмда ва 1964 йилда Гўтеборг иқтисодий мактабида янги институтларга асос солинди” (Peter Haggett. *Geographie: Eine Globale Synthese*. Verlag Eugen Ulmer, Stuttgart 2004. ISBN-3825280012).

Инсон географияси-(Иқтисодий ва ижтимоий география, қисқача иқтисодий география) бирданига вужудга келмади. Унинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши жамият тарикқетининг ҳудудий томнларига боғлиқ бўлган узгаришлар билан белгиланди. Мавжуд илмий манбааларни ўрганиш шуни курсатадики, иқтисодий географиянинг вужудга келишида унинг тарихий заминда 3 йўналиш ёки омил асосий сабаб бўлган. Бу ҳам бўлса энг аввало камерал статистика, тижорат географияси сиесий ва харбий географиядир. Ушбу йўналишлар ривожланган феодализм ва капитализмни шаклланиши даврига тўғри келиб, улар кўпроқ Ғарбий Европа ва Россияда пайдо бўлди. Масалан: Россияда камерал статистика ёки «сиесий арифметика» давлатшунослик, давлатнинг бойлиги - ери, маблағи ва аҳолисини ҳисоб - китоб қилиш, уни бошқариш солиқ ва аскар туплаш каби масалалар билан шуғулланган ҳолда В.Н. Татишев, ота - угли П.П. ва В.П. Семенов Тянь-шанскийлар фаолияти билан боғлиқ бўлди. Уш пайтларда статистика ўз камровига этнография ва харбий география масалалари ҳамда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланувчи тижорат географиясига доир муаммоларни ҳам олар эди. В.Н. Татишев (1686-1750) география фанини «сифат» жиҳатидан 3 га бўлган математика география (яъни ҳозирги геодезия ва картография) табиий ва сиесий география доирасига киритилган эди.

Айни пайтда буюк географик кашфийетлар натижасида кейинчалик мустамлака эки карам мамлакатларининг вужудга келиши денгиз - сув наклиетининг ривожланиши ва бошқа омиллар давлатлараро савдо - сотик ишларини олиб боришга тижорат географиясини вужудга келишига сабабчи булди. Бу йўналиш даставвал энг кўп мустамлака мамлакатларига кулай транспорт географик мавкега ва юксак денгиз кемачилигига эга бўлган Англияда ривожлана бошлади.

Сиесий ва харбий география Россияда XIX аср уртасида вужудга келиб, кенг таркала бошлади. «Сиёсий география» ҳамда харбий география тушунчаларини ҳам биринчи марта М.В. Ломоносов куллаган эди. Бу йўналишлар ўз объекти ва моҳиятига кура бир - бирларига жуда яқин турдош бўлиб уларга алоқадорликда ривожланиб келди.

Россиядаги Улуг Ватан (1812 й) ва қрим урушлари бошқа сиесий воқеалар эвропа мамлакатларидаги инқилобий узгаришлар янги давлатларнинг шаклланиши ва янги ишлаб-чиқариш муносабатларнинг вужудга келиши сиесий ва харбий географиянинг пайдо бўлишинга замин ясади.

XIX асрнинг 1 - ярмида рус харбийси, профессор П.А.Язиков икки қисмдан иборат «Харбий географиянинг назарий тажрибаси» мавзуида асар яратган бўлса, шу асрнинг урталарига келиб харбий академия бош штаби қошида профессор Д.А. Милютин (1816-1912) харбий география кафедрасини ташкил этди.

Харбий география фақат уруш-юрисшлар билан алоқадор масалаларгина эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий ва демографик қудрати, қазилма бойликлари, улардан фойдаланиш қоби муаммолар билан ҳам шуғулланар эди. Шу билан бирга харбийлар жуда кўп географик экспедицияларни ташкил этдилар ва уларни узлари бу тадбирларда фаол қатнашдилар. Масалан: рус география жамиятининг таъсис этилиши ва уни фаолиятида адмирал с, картография ва географияни ривожланишида генерал - лейтенант В.В.Витковскийларнинг хизмати самарали бўлган. Қозок географи ва этнографи Ч.Ч.Валихонов, Марказий Осиёни ўрганган В.М.Пржевальский ҳам харбий зобит бўлган.

Айни даврда хорижий мамлакатларда ҳам бу йўналишлар вужудга келиб, ривожланиб борди. Чунончи камерал статистикага оид илмий ишларни немис олими Ахенвал (1719-1972) яратди ва бу йўналишини у кенг тарғибот этди. Умуман олганда жаҳон бўйича иқтисодий географияга назарий асос сифатида хизмат қилувчи илмий ишларнинг

яратилишида немис олимларнинг хизмати катта. Масалан, XIX аср бошларида И.Тюнен (1826) қишлоқ хўжалигининг жойлашувига доир назарий ишлар яратган. У исьтемомли, яъни бозорга нисбатан қишлоқ хўжалик экинларини шаҳар атрофида халқасимон жойлашувини илмий жиҳатдан аниқлаб берди ва фан тарихида қишлоқ иқтисодиетининг асосчиси сифатида ҳақли урин олди.

Бошқа немис олими А.Вебер XX аср бошларида (1909) саноат геграфиясининг пойдеворини яратди. У саноат корхонаси кам харажат қилиш тамойилига таяниб, унинг қаерда жойлашувини белгилади. А.Вебер номи билан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари, саноат агломерацияси, агломерацион самарадорлик, «штандорт» каби илмий тушунчалар боғлиқ. Кизиги шундаки, бу олим немис миллатига мос ва хос фикр юритишга содиқ бўлган ҳолда кўпроқ йирик масштаби (микроиқтисод) ишлар билан шуғулланди. Масалан, у ўз илмий гоёсини пиво заводида жойлаштириш мисолида таҳлил қилган эди. Агар Тюнен ва Веберлар асосан моддий ишлаб чиқариш соҳалари билан шуғулланган бўлсалар бошқа немис олими А.Леш бу муаммога янада кенгрок қаради. У умуман хўжаликни тармоқларини географик жойлаштириш тўғрисида илмий ишлаб олиб борди. Кейинчалик бу йўналиш бошқа немис иқтисодчиси В.Кристаллер томонидан маиший хизмат курсатишни ҳудудий ташкил этиш, бу соҳа шаҳобчаларини турли йирикликдаги марказларга жойлаштириш муаммоларини ишлаб чиққан эди.

И.Тюнен, айниқса, А.Вебер А.Лешлар иқтисодиетининг ҳудудий томонига геоиқтисодиётга, яъни ишлаб чиқаришни ҳудудий таҳлил этишга этибор бердилар. Аммо улар «иқтисодий география» тушунчасини қўлламаган эдилар. Хорижда биринчи бор иқтисодий география тушунчаси Ю.Г.Саушкин фикрича, 1882 йилда Ф.Ратцелнинг шогирди немис В.Готц томонидан ишлатилган экан. Ўз-ўзидан маълумки, иқтисодий жараённинг ҳудудий томонини унинг жойлашувини ўрганиш иқтисодий районлаштириш масаласига олиб келади. Иқтисодий районлаштиришни кенгрок ва чуқуррок Россияда XIX асрнинг 1-яримидаёқ ишлана бошланди. Бу борада, К.И.Арсеньев Россияни 2 марта районлаштирди. (1818 ва 1848) шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, уларнинг функционал ва генетик типлари тўғрисида илк бор асарлар яратди. Иқтисодий районлаштириш ва шаҳарлар географиясидан

яратувчи шахс ҳам айнан шу киши эди. Аҳоли жойлашуви ва шаҳарлар муаммоси билан В.П.Семенов, А.И.Войковлар ҳам XX аср бошларида шуғулланган эдилар.

Шундай қилиб Гарбий эвропа ва энг аввало Германияда ишлаб чиқаришни жойлаштириш, ҳудудий иқтисод бўйича илмий асарлар ва мактаблар яратилди. Россияда кўпроқ статистика иқтисодий районлаштириш аҳоли ва шаҳарлар географиясига оид ишлар олиб борилди. Иқтисодий география ва унга асос бўлган фан йўналишларнинг вужудга келишида бошқа олимларнинг хизмати ҳам сезиларли бўлган. Немис олими, географ ва социолог фон Ратцель узининг антропологиясини яратиб, сиесий география ва сиесий географик детерменизмга мансуб ишлар олиб борган бўлса, ундан кейинрок француз олими Видаль де ла Блаш «Инсон географияси» нинг асосчиси бўлган. Унинг бу илмий мактабини Ратцель антропогеографиясидан фарқи шундан ибортки, у сиесий масалаларни чиқариб ташлаган ҳолда кўпроқ инсон ва унинг фаолиятини атроф географик муҳитга мослашуви, мувофиқлашувига (посиблизмга) эътибор берган ва табиий географик омиллар- энг аввало иклим шароитларининг жамият ривожланишидаги ролини бироз «юмшатган». Кейинчалик Ратцель гоёлари асосида, географик детерменизмни сиесий гоёлар билан бойитилиши, сингдирилиши натижасида ута реакцион географик сиесат (геополитика) вужудга келган.

Аммо бу маънодаги анъанавий географик сиесатни регионал эки ҳудудий сиесат, ҳозирги географик сиесат билан тенглаштириш нотўғри. Иқтисодий география ва умуман география фанини ривожланишида немис олими А.Геттнернинг (1859-1941й.) ҳам маълум даражада хазматлари йўқ эмас. Бироқ у асосий эътиборни ҳудудга берган ва географияда тарихийлик тамойилга қарши чиққан, география фақат ҳозирги ҳудудий воқеликни ўрганишни уқтирган. Шу боис А.Геттнер географияси «хорология» (яъни ҳудуд) тамойилига асосланган.

Шунингдек, иқтисодий географияга тегишли илмий муаммолар бошқа давлат олимлари ва турли мактаблар томонидан ҳам ўз эчимини топган. Масалан, инглиз Г.Г.Чизхольмнинг утган аср охирида ёзган тижорат географияси, ундан кейинрок яшаган нидерланд Х.Бос, швецариялик Г.Бешнинг жаҳон хўжалик географияси, америкалик олимлар У.Изард ҳамда В.Леонтьевнинг ҳудудий иқтисод, француз Ф.Перрунинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда кутблар ва ҳудудий

тенгсизлик назарияси, П.Хаггетнинг иқтисодий географияда ҳудудий таҳлил, америкалик Ч.Гаррис ва французлар Ж.Божье Гарнье ҳамда Шаболар, швед Г.Александроснинг шаҳарлар географияси, АКШ олими Д.Харвейнинг география фанининг умумназарий масалалари унинг ватандоши Г.Уайтнинг табиий ресурслар ва табиий офатларга бағишланган асарлари шулар жумласидандир. Албатта, мустақил Ўзбекистонинг булажак географ олимлари бу ва бошқа жаҳон фанига молик илмий ишлар билан таниш булишлари замон талабидир.

Биз юқорида фанимизнинг тарихий келиб чиқишига, унинг илмий асосларига, манбаларига қисқача тухтаб ўтдик. Аммо бу уринда, афсуски маҳаллий алломларимизнинг ишларини қурсатишга ожизлик қилдик. Шубҳасизки, бизнинг ота - боболаримизнинг ҳам бу борадаги илмий мерослари ва хусусан савдо географияси, деҳқончиликни жойлаштириш ва ривожлантириш сугориш иншоатларини қуриш, ипак йўли ва шаҳарлар географиясига оид жуда кўп илмий мерослари мавжуд. Эҳтимол, соҳибқирон бобоқалонимиз Амир Темур даврида, унинг жаҳон буйлаб юришларида ҳарбий география ва статистика билан боғлиқ масалалар ҳам эритилгандир. З.М.Бобур, Носир Хисрав, Беруний, Бехбудий, Фурқат, Аловутдин, Али Қушчи каби донишмандларнинг ҳам бу борадаги хизматларини қурсатиш мумкин.

Иқтисодий географиянинг шаклланиши ва ривожланишда географик жамиятларнинг ташкил этилиши ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган. Чунончи, бундай жамият дастлаб Парижда (1821), сунгра Берлин (1828) ва Лондонда (1830) таъсис этилган эди. Петербургда эса у 1845 йилда ташкил этилди. Россия география жамиятнинг ташкил этилиши ва унинг фаолиятида В.П.Литке, П.Т.Семенов-Тянь-Шанскийларнинг хизмати катта бўлган. Бироқ бу ижтимоий ташкилотлар доирасида соф иқтисодий географик масалалар кам эди. Масалан, Россия География жамиятида 4 та бўлим мавжуд бўлган: табиий география, математик география ва картография; этнография; антропология ва тарихий география; статистика ва сиёсий иқтисод.

Демак, Россияда ҳам хорижий мамлакатларда ҳамда ўтган асрда (хато шуролар давригача) иқтисодий география айнан шу маънода ва ҳозирги мақомда вужудга келмаган. Иқтисодий географик маълумотлар статистика, умумий ва сиёсий географияда берилар эди. Аммо шунга қарамай, мазкур фаннинг шаклланишига тарихий ва назарий асос яратилган эди.

Айтиш жойизки, иқтисодий география фанининг шаклланишида Баранский Николай Николаевичнинг хизматлари катта бўлди. У (27.07.1881–29.11.1963) –рус географ ва картографи, география фанлари доктори, собиқ Иттифок даврида Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, иқтисодий география борасидаги мактаб ва олий ўқув юртлари учун мўлжалланган ўқув дарсликлар ва қўлланмалар муаллифи.

Иқтисодий география фанининг тарихий ривожланиши энг аввало шу фан номи билан юритиладиган кафедраларнинг очилишида ҳам Ўз аксини топди. Жумладан, бундай кафедра биринчи марта Россияда яъни Петербург Политехника Институтида профессор В.Е.Ден томонидан 1902 йилда очилган эди. Кейинчалик бу киши Россия иқтисодий географиясининг биринчи профессори, шуролар даврининг дастлабки йилларида шундай кафедрани Санкт-Петербург Университетида ҳам ташкил килган эди. Собиқ совет иқтисодий географиясининг асосчиси Н.Н.Баранский иқтисодий география кафедрасини 1921 йилда Коммунистлар Университетида очган. Бу уринда эслатиб утамиз, Урта Осиёда бундай кафедра илк бор Тошкент Давлат Университетида 1940 йилда ташкил килинган эди.

Энди кискача иқтисодий ва ижтимоий география фанининг таркибига тухтаб утайлик. Бироқ шуни айтиш керакки, бу ҳақдаги қуйида баён этилган фикр ва мулоҳазаларимиз катъий эмас ва у мазкур масалани узил кесил ҳал этилишини назарда тутмайди. Аксинча, бу муаммо нихоятда мураккаб бўлиб, кўпроқ мунозара ва мушоҳада килинишини талаб этади.

Бу уринда биз узимизни кискача фикрларииз билан чекланамиз холос.

Шундай қилиб Иқтисодий ва ижтимоий география уч асосий қисмдан эки блокдан иборат. Улар қуйидагилар:

1.1. Иқтисодий география - саноат географияси, қишлоқ хўжалик географияси, транспорт географияси қурилиш географияси, табиий ресурслар ва улардан фойдаланиш географияси ва хоказо.

1.2. Социал -ижтимоий география - аҳоли ва аҳоли пунктлари географияси, шаҳарлар географияси (геоурбанистика), қишлоқлар географияси, аҳолига хизмат курсатиш, соҳалар (савдо, маданий, маиший, медицина, мориф ва бошқалар) географияси, тижорат географияси ва хоказо.

1.3. Социал география - медицина географияси, рекреация географияси, дин географияси, жиноят географияси, геопсихология, хулк - атвор географияси, турмуш тарзи географияси ва бошқалар.

1.4. Сиёсий география – геосиёсат, лимология, геоконфликтология, ҳарбий география ва б.

Иқтисодий география (1,1) унинг мазмуни ва ички тузилмаси ҳаммага маълум. Аммо айни пайтда, қолган болқлар қупчиликка унча таниш эмас ва баъзан турли хил эътирозларнинг сабабчиси бўлади. Масалан, социал географияга (1,3) қирувчи фанларнинг туркуми анча ноаниқ, чунки биз аъанавий ҳолда асосий ургуни иқтисодий (ишлаб чиқариш) географиясига берганмиз. Вахоланки, социал-географик масалалар ҳам жуда муҳим ва улар чуқур урганилишига тула ҳақлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижда, масалан, АКШ да «иқтисодий география» бизга нисбатан торроқ маънода қулланилади ва унинг келиб чиқиши энг аввало қишлоқ хўжалик ва тоғ қон саноати географияси билан боғланади. Бундан ташқари АКШ да қайта ишлаш саноати транспорт географиясига ҳам эътибор берилади.

Уртадаги оралик иккинчи блокни социал-иқтисодий география (1,2) сифатида қарашимизни сабаби - бу туркумга қирувчи фанлар моҳиятига қура қўпроқ социал маънога эга ва уларнинг барчаси аҳоли билан боғлиқ. Аҳоли эса, дағалроқ қилиб айтганда 100 фоиз социал (чунки ҳамма эш қари ва ишловчи ҳам овқатланади, дам олади, даволанади ва х.к) , ва тахминан 50 %и иқтисодий тушунчадир. Халқ хўжалик тармоқларида ишловчилар ва умуман меҳнат ресурслари жами аҳолининг яримига яқинини ташкил этади. Шунингдек, шаҳар эки қишлоқлар ҳам социал - иқтисодий тизимдир, зеро улар ҳудудий жиҳатдан аҳоли ва ишлаб чиқариш қорхоналарини бирикмаси ҳисобланади.

Юқоридаги маънода қулланилган «социал иқтисодий география» тушунчасини эки айнан шу кўринишда э.Б.Алаев, Г.Асанов, С.Я.Ниммик, У.И.Мерестелар ишлатиладиган иборани «иқтисодий ва социал география» билан қалқаштириш ҳато. Бу уринда биринчиси иккинчисига нисбатан торроқ мазмунга эга. Лекин шу билан бирга ҳудди шу иккинчи блок боғловчи ва «қуприк» вазифасини утайди. Н.Н.Баранский Ю.Г.Саушкинлар аҳоли ва аҳолига ҳизмат қурсатувчи соҳалар географияни иқтисодий географиянинг социал қаноти, деб таърифлаган эдилар.

Куруниб турибдики, аҳоли ва у билан боғлиқ бўлган соҳалар социал - иқтисодий географияни ташкил этади. Бинобарин, уларни соф социал география сифатида қараш, бизнингча, унча тўғри эмас. Айни пайтда аҳолига хизмат курсатучи тармоқлар географияси билан баъзи социал - географик фанлар ҳам бир эмас. Масалан, медицина географияси ва аҳолига медицина хизмат курсатиш географиясини олайлиқ бу эрда биринчиси маълум бир касалликларнинг турли жойларда тарқалиш шароит ва сабабларни (бу сабаблар табиий, иқтисодий ва ижтимоий бўлиши мумкин) урганса, иккинчи эса аптека, касалхона, шифохона каби тиббиёт шаҳобчаларини аҳоли жойлашуви, унинг зичлиги, эши ва бошқа белгиларига қараб ҳудудий ташкил этиш қонуниятлари билан шуғулланади. Аҳолига хизмат курсатиш соҳалар географиясининг икки томонламалилик хусусияти ана шундан иборатки, бу тармоқларнинг фаолияти ижтимоий жабҳада амалга оширилади. Социал географияга бошқа биз учун ноанъанавий бўлган соҳалар ҳам қиради. Дин эки жинойт географияси, географик психология, турмуш тарзи географияси шулар жумласидандир. Уларни ҳам чуқурроқ ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Иқтисодий ва ижтимоий география тизимига қирувчи барча фан тармоқлари ўз навбатида турли ҳудудий қуламда (жаҳон, мамлакат, вилоят ва хоказо) урганилиши мумкин. Аммо шу билан бирга, фанни ундаги илмий йўналишлар билан қалқаштириш, янги фанлар «иختиро» қилиш мақсадида уни қаддан ташқари қарчалаб юбориш яхши эмас. Бу тизим таркиб қоясига қантиқан қидир. Қунонқи, аҳоли географиясини, қайдалаб аеллар эки эрқаклар географиясини, саноатда - қийим қечаклар эки қон географиясига ўқшаш «фанларни» қратиш қулқили бўлса қерак. Тизим қурилатеган мақсад ва вазифасига қура, узининг мустанқиллиги, яқлитлигини маълум даражақача саклаб қолади. Шу боис тизимни қексиз қайдалаш уни бош мақсадидан қетлаштирани ва энди бу тизим узқача маъно ва моқиятига эга бўлади. Масалан, саноат географиясида бирламқи бўлиб (тизим қомпонент, яъни қичик тизим ва элементлардан ташкил тоқадн) саноат қорқонаси, аҳоли пунктлари географиясида бу мақомда алоқида қишлоқ эки шақарларни олиш мумкин. Шу нақтай назардан уларни янада қисмларга бўлиш қотўғри, қунқи бу қолда биз бошқача тизим билан иш тутган бўлақиз.

Модомқи, иқтисодий ва ижитимоий география яқона, муқаммал тизим экан, фаннинг айнан шу қўринишда ривожланиши унинг ички ва ташқи алоқаларини қучайтиришни

талаб этади. Албатта, тизим нуқтаи назаридан унинг ички алоқалари муҳимроқ, устиворроқ, зеро улар фаннинг яхлитлиги, мустақиллиги, барқарорлигини таъминлайди. Бинобарин, иқтисодий география ҳамда социал географиянинг Ўзаро алоқадорлиги жуда катта аҳамиятга эга.

Такидлаш кенраки жаҳон –миқёсида турли мамлакатларда турли даврларда умумий фан сифатида ҳар хил номлар қўлланган. Бу аксарият ҳолларда табиат ва жамият билан инсон «иккилиги» табиатни ўзлаштирилганлиги, жамият тараққиётидаги ўзгаришларга боғ ьлиқ бўлган. Масалан, табиатга мос ва муқобил равишда «нотабиий» география - ижтимоий эки инсон географияси, табиат ландшафтни ўзлаштирилганлиги маъносида мадани география ва бошқалар қулланилган. Хатто ҳозир ҳам гарб мамлакатларида - Англия, Франция, АҚШ, Хитой ва бошқаларда ижтимоий география, инсон географияси, умумий фан номи сифатида ишлатилиб келинмоқда. Инглиз географи П.Хаггетнинг китоби рус тилига «Пространственный анализ в экономической географии» шаклида ўтирилган бўлсада, унинг асл нусхаси - оригиналида «хуьман» (инсон) географияси ётади.

Умуман олганда, жамият тараққиети, инсон ҳаёти, ва фаолияти билан шуғулланадиган нотабиий географик фанлар социал, сиёсий, ижтимоий, жамият, маданий, социал география, антропогеография, инсон географияси номлари билан юритилади.

3-мъруза. Инсон географияси фанининг тадқиқот усуллари

Режа:

1. Картография усули.
2. Географик таққослаш усули.
3. Тарихийлик усули.
4. Статистик таҳлил усули.
5. Тизим-таркиб усули.
6. Социологик суров усули.
7. Хулқ- атвор усули.

Таянч сўзлар: Картография усули, Бихевиоризм, ҳулқ-атвор^{}, урф-одат географияси, интуиция, зеҳн ва феъл-атвор, ахлоқий муҳит, социум, социал макон.*

Табиат ва жамият ўртасидаги алоқадорлик ва ижтимоий-иқтисодий тизимларини тадқиқ қилиш ғоят мураккаб жараён ҳисобланади. Иқтисодий ва социал географияда қуйидаги усуллар кўпроқ қўлланилади.

- **картография усули;**
- **географик таққослаш усули;**
- **тарихийлик усули;**
- **статистик таҳлил усули;**
- **иқтисодий-математик моделлаштириш усули;**
- **тизим-таркиб усули;**
- **социологик суров усули;**
- **ҳулқ-атвор усули**

Ушбу усулларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Таққослаш усули-картографик усул каби жуда сермахсул ва фойдалидир. Бу усул таққосланаётган объектлар учун умумий ва ўзига хос томонини очиқ беради. Аммо таққослаш усулида энг аввало икки жиҳатга эътибор бериш лозим. Биринчидан, таққосланаётган объектларнинг катта-кичиклиги, Ўз кўлами жиҳатидан бир-бирига маълум даражада тенг бўлиши шарт. Масалан, Тошкент билан Чуст шаҳрини ёки Украина республикасининг хўжалиги билан Фаргона водийси хўжалигини таққослаш илмий нуқтаи-назардан натижа бермайди.

XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошида дунёда қатор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Бу эса жаҳон иқтисодиётига, аҳоли географиясига, минтақалар ривожланишига жуда катта таъсир этди. Ершари картасида кўплаб мустақилликка эришган давлатлар пайдо бўлди, интернационаллашув, глобаллашув, интеграциялашув жараёнлари кучайди.

Сиёсий вазият, дунё хўжалиги ва унинг таркиби, ихтисослашувининг сифат ва миқдори кўрсаткичлари ўзгариб борди. Жаҳон мамлакатлари интеграцияси кучайиб, янгидан-

^{*}Хулқ-атвор географиясининг ахлоқ, феъл-атвор, муомола, юриш-туриш, ўзини туттиш сингари синонимлари мавжуд.

янги сиёсий ва иқтисодий иттифоқлар, бирлашмалар, блоклар вужудга келди. Кўпгина давлатлар иқтисодиётида янгилашни, модернизациялашув амалга оширила бошланди.

Тавсия этилаётган ушбу ўқув қўлланмада иқтисодий ва ижтимоий географиянинг, жаҳоннинг ҳамда Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географиясининг кўпгина долзарб муаммолари, масалалари ўз аксини топган. Китобда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ислохотлар, табиий шароити ва ресурслари, демографик вазияти, саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт алоқалари ва ташқи иқтисодий фаолияти, маъмурий – ҳудудий таркибидаги ўзгаришлар, иқтисодий районлаштириш ва унинг замонавий муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтилади.

Ўқув қўлланмани тайёрлашда 200 га яқин манбалардан, яъни турли адабиётлар, статистик тўпламлар, Давлат дастурлари ва қатор ҳужжатлардан фойдаланилди. Ўқув қўлланма бешта қисмдан иборат: Сўз боши, иқтисодий географиянинг назарий асослари; дунё географиясига умумий таъриф; Ўзбекистон Республикаси ва унинг минтақалари ресурс салоҳиятини баҳолаш; Ўзбекистон Республикаси хўжалик тармоқлари ва иқтисодий районлаштириш. Китобда айрим масалалар муаллифлар назаридан четда қолган бўлиши мумкин. Шу боисдан, ўқув қўлланмани келажакда янада яхшилаш мақсадида билдирган таклиф ва маслаҳатларингизни кутамиз.

География фанининг ривожланиши қадимги Антик даврида мамлакатлар ўртасида ҳудудий (географик) меҳнат тақсимооти, яъни ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий шароити ва ресурслари, иқтисодий географик ўрни, халқларнинг урф-одатлари ва анъаналари асосида маълум бир товарларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашиши ва улар ўртасида товар айирбошлаш жараёнининг шаклланиши даврига бориб тақалади.

Мамлакатлар ўртасида ҳудудий меҳнат тақсимоотининг шаклланиши география фанлари тизимида дастлаб иқтисодий-географик тадқиқотларни вужудга келишига олиб келади. Қадимги юнон олими Страбон ўзининг ўн етти томлик «География» деб номланган асарида, аҳолининг ҳудудий жойлашуви, мамлакатлар ва ҳудудлар ўртасидаги товар ишлаб чиқариш ва савдо сотиқ алоқаларини ёритади.

Ўрта асрларда, жаҳон мамлакатларида натурал хўжалик ҳукм сурган даврда, антик даврда олиб борилган иқтисодий географик изланишлар бир оз сустлашади. Маълумки, Буюк Географик кашфиётлар халқаро савдо ва илк капиталистик муносабатларнинг ривожланишига олиб келади. Бу даврда ҳудудий меҳнат тақсимотини чуқурлашиши ва жаҳон хўжалигининг шаклланиши, ўз навбатида, иқтисодий география фанининг ривожланишини талаб этади. Мамлакатлар ва уларнинг ҳудудий бирликлари ҳақидаги иқтисодий географик тавсиф ғарбий европалик олимларнинг асарларида ўша даврларда жуда чуқур талқин этилган. Айниқса, илк географик билимларнинг назарий жиҳатлари, мамлакатнинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган иқтисодий-географик ўрин, ернинг устки тузилиши, аҳолининг таркиби, шаҳарлар, сиёсий тузум масалаларига қаратилган.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг кириб келиши ишлаб чиқариш жараёнини ривожланишига олиб келади. Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва уни жойлаштириш мамлакат ҳудудлари тўғрисида маълум билимларни ва маълумотларни тўплашни талаб этади. Бинобарин, ишлаб чиқариш корхоналарини самарали ва оқилона жойлаштиришда ҳудуднинг хўжалик жиҳатдан ўзлаштирилганлик даражасини, унинг табиий, демографик, моддий шарт-шароитларини ва имкониятларини ўрганиш эҳтиёжи иқтисодий география фанини география фанидан ажралиб чиқишига ва алоҳида мустақил фан сифатида ривожланишига олиб келди. Агар “Табиий география” фани географик қобикда кечаётган табиий жараёнларни ва ҳодисаларни ўрганса, “Иқтисодий география” фани эса ишлаб чиқаришни, хусусан, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ривожланиш хусусиятларини ва қонуниятларини тадқиқ этади.

«Иқтисодий география» атамасини фанга дастлаб рус олими М.В. Ломоносов томонидан 1760 йилларда киритилади ва кейинчалик бутун дунёда эътироф этилади. Олимнинг асосий ғоясида эътибор, иқтисодиётни ривожланишида мамлакатни иқтисодий географик нуқтаи-назардан тадқиқ қилиш ғоят муҳим ва зарурлигига қаратилади, шунингдек ҳудудларнинг хўжалигини ўрганганда даврийлик жиҳатдан ўрганиш ва табиий ресурсларни ўзлаштириш масалаларига алоҳида эътибор беради.

Ғарбий Европа мамлакатларида ХУІІІ асрнинг ярмида иқтисодий география фанининг илмий мактаблари Германия, Франция, Буюк Британияда шаклланади ва ривожланади.

Бу бежиз эмас албатта, чунки бу мамлакатларда фан-техника соҳасининг тараққий этиши, саноат инқилобининг рўй бериш ва дастлаб бозор иқтисодиёти муносабатларини шаклланиши ишлаб чиқаришни ва бунинг натижасида, мамлакат ҳудудлари тўғрисидаги иқтисодий билимларни ривожланишига олиб келади.

Ўша даврларда иқтисодий география фанига немис олими А.Гумбольд, К.Риттер, И.Тюнен, К.И. Арсеньев жуда катта ҳисса қўшишган. Иқтисодий география фанини собиқ Иттифоқ даврида ривожланишига олдинги асрнинг XX йилларида амалга оширилган бутун мамлакатни электрлаштиришга қаратилган дастурни амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган. Бу режага мувофиқ, иқтисодиётни қўтариш нуқтаи-назаридан, ҳудудлардаги маҳаллий ёқилғи ресурслари асосида йирик электростанцияларни қуриш ва уларнинг негизида металлургия, машинасозлик, химия саноати тармоқларини шакллантиришга қаратилган эди. Бу режанинг асосий мақсади, мамлакат ҳудудларида катта аҳамиятга эга бўлган оғир саноат тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантириш бўлиб, бунинг натижасида, йирик транспорт магистрал йўллари ташкил этиш ҳам эътиборга олинган.

Мазкур режани амалга ошириш ўз навбатида, мамлакат ҳудудларининг табиий ресурслари ва шароитларини, иқтисодий географик ўрнини, аҳоли ва меҳнат ресурсларни, ҳудудий ихтисослашиш ва бошқа имконият ва шароитларни мажмуали ўрганишни талаб этади. Оқибатда, эса иқтисодий географик тадқиқотларни олиб бориш заруриятини юзага келтиради. Иқтисодий географик тадқиқотларнинг асосий илмий йўналишларида, мамлакат иқтисодиётини жадал суръатларда ривожлантириш ва саноатлаштириш мақсадида иқтисодий районлаштириш ва янги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларни ташкил этишнинг назарий масалаларини яратишга катта эътибор қаратилади. Ушбу режа асосида, Ўзбекистон Республикасидаги илк йирик гидроэлектростанцияларининг каскади Чирчиқ-Бозсу гидроэлектроэнергия каскади қурилади ва Тошкент вилоятида электроэнергетика, металлургия ва химия машинасозлик корхоналари ташкил топади. Шу даврда иқтисодий география фанининг ривожланишига Г.М.Кржижановский, И.Г.Александров, Ю.Г.Саушкин ва Н.Н.Баранскийлар ва қатор олимлар катта ҳисса қўшади ва ўзларининг илмий мактабларини яратишади.

Иқтисодий география фанини Ўзбекистонда ривожланиши XX асрнинг биринчи ярмига тўғри келади, 1906 йилларда Туркистон география жамияти ташкил топади, иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркибий қисмлари бўлган сиёсий ва аҳоли география фанларининг тармоқлари ривожланади. Халқ хўжалигини саноатлаштириш, минерал хом-ашё, ер-сув ресурсларини ўзлаштириш, транспорт магистралларини қуриш, шаҳар аҳоли пунктларини яратилиши мамлакатнинг ҳудудий хусусиятларини ва имкониятларини ривожлантиришни талаб этади ва иқтисодий география фанини Ўзбекистонда кенг қамровли ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистонда иқтисодий география фанини ривожланишида М.Бехбудий, В.М.Четыркин, Г.М.Черданцев, К.И.Лапкин, Н.Г. Цапенко, Н.В. Смирнов, З.М.Акрамов, М.К.Қорахонов ва бошқа олимларнинг хизматлари катта бўлган.

Маълумки, ҳар қандай фаннинг тадқиқот объекти ва предмети бўлади. Объект бу кенг ва серқирра маънодаги воқеа ва ҳодиса бўлиб, бу объектни кўпгина фанлар ўрганиши мумкин. Объектдан фарқли ўлароқ, предмет эса шу объектнинг бир томонини ёки маълум бир қирраси ўрганади. Масалан, аҳолини, айти пайтда иқтисодчилар, демографлар, географлар, социологлар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам ўрганади. Бироқ, ҳар бир соҳа вакили бир-биридан фарқли ўлароқ, шу объектнинг бир томонини ўрганишади. Агар иқтисодчилар, аҳолини ишлаб чиқарувчи кучи ва истеъмолчи нуқтаи назардан ўрганишса, демограф ёки аҳолишунослар аҳолини такрор барпо этиш, табиий кўпайиши, миграцион кўпайиши, туғилиш, ўлим, никоҳ ва бошқа жараёнларни, географлар эса аҳолининг ҳудудий жойлашиш қонуниятларини ва хусусиятларини ўрганади.

Иқтисодий география фани табиий ва ижтимоий фанлар ўртасида шаклланган фан бўлиб, жамият ривожланишида рўй бераётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар, бу фаннинг объекти ва предмети ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатиб келади. Иқтисодий география фанининг илк пайдо бўлган даврдан бошлаб, фаннинг объекти ишлаб чиқариш кучлари бўлган бўлса, унинг предмети эса ишлаб чиқариш кучларининг шаклланиши, жойлашиши ва ривожланишининг ҳудудий жиҳатларини ташкил этган.

Жамият ривожланиши жараёнида иқтисодий географиянинг ўрганиш объекти ва предметида ҳам ўзгаришлар намоён бўлади. Иқтисодий география фанининг назарий

асослари, жамиятда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида мунтазам ривожланиб ва такомиллашиб боради. Географик тадқиқотлар фақатгина иқтисодий йуналишда ривожланиб қолмай, балким, унинг ижтимоийлашуви, яъни ижтимоий тизимларни аҳоли, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалар, аҳоли манзилгоҳлари ва ҳокозаларнинг ҳудудий жойлашиши ва ривожланиш доирасида ҳам олиб борилади.

Ҳозирги даврда иқтисодий ва ижтимоий география фанининг асосий объекти, ҳудудий ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимлар бўлиб, уларнинг ҳудудий жойлашиши, шаклланиши, ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари фаннинг предмети ташкил этади.

Табиат ва жамият ўртасида алоқадорлик ва ижтимоий-иқтисодий тизимларни тадқиқ этиш ғоят мураккаб жараёндир. Иқтисодий география фани тадқиқотларида қуйидаги усуллардан:

а) тармоқлар бўйича (мамлакатлар ва иқтисодий районлар хўжалигининг алоҳида тармоқларини, шунингдек, жаҳон хўжалигининг тармоқ таркибини);

б) районлар бўйича: (мамлакатлар ва иқтисодий районлар хўжалик мажмуасини);

в) маҳаллий (локал), яъни алоҳида олинган саноат корхонасини, фирмалар фаолиятини, аҳоли кўрғонлари, деҳқон-фермер ва уй хўжаликлари, ассоциациялар ва бошқа корхоналар хўжалик фаолиятини тадқиқ қилишда кенг фойдаланилади.

⇒ Иқтисодий география фанида тармоқлар бўйича тадқиқот усуллари муҳим ўрин тутди. Бу усул орқали жаҳон хўжалиги, иқтисодий район ва мамлакат бўйича иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ва жойлашиш хусусиятлари, тармоқнинг иқтисодий район ва мамлакат хўжалик ихтисослашувида тутган ўрни, истиқболда ривожланиши ҳамда иқтисодий районларнинг шаклланишидаги ўрни тадқиқ қилинади;

⇒ **районлар бўйича** - яъни район - мамлакат хўжалик мажмуасини, мавжуд табиий шароит, табиий, ижтимоий-иқтисодий ресурслар ҳамда илмий-техника инқилоби ютуқлари асосида самарали ҳудудий ишлаб чиқариш тизимини ривожлантириш ва шакллантириш тадқиқ қилинади. Шунингдек, район ва мамлакат бўйича мажмуали

тадқиқотда район ва мамлакат ҳудудида ривожланаётган ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишнинг самарали шакллари, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва агросаноат мажмуалари, вертикал ва горизонтал ишлаб чиқариш алоқалари ҳамда энергия ишлаб чиқариш босқичлари (цикллари) ўрганилади¹.

⇒ Ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишни такомиллаштириш ва ўзига хос хусусиятларини ўрганишда маҳаллий усул, яъни аниқ корхона, фирмалар фаолияти, аҳоли кўрғонлари, ассоциациялар, деҳқон-фермер ва уй хўжаликларининг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда асосий эътибор маҳаллий шароит, меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш алоқалари, ҳамда истиқболда ривожланиш масалаларига қаратилади.

⇒ Иқтисодий география фани тадқиқотларда тарихий усул кенг қўлланилади. Тарихий усул айти вақтда барча ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ва табиий фанлар тизимида ҳам муҳим тадқиқот усули ҳисобланади. «Иқтисодий география» фанида тарихий усул орқали ишлаб чиқариш кучларининг турли тарихий босқичларида ривожланиши, иқтисодий алоқалар, халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши ва шаклланиши, хўжалик ва аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашиши, табиий ресурсларнинг ўзлаштирилиши, ҳудудларнинг аҳоли томонидан ўзлаштириш ҳолати ва бугунги аҳволи, хўжалик ривожланиши ва жойлашиши хусусиятлари ўрганилади. Шунингдек, тарихий усул ишлаб чиқариш кучларини яқин ва олис истиқболда ривожланиш йўналишларини белгилашда ҳам кенг қўлланилади.

⇒ Статистик усул - иқтисодий-географик ва экологик тадқиқотларда муҳим усуллардан бўлиб аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва ҳудудлар бўйича мажмуали маълумотлар тизимини тадқиқ қилиш имконини беради. Статистик усул орқали халқаро, минтақавий ва маҳаллий ижтимоий-иқтисодий тизимга доир факт ва рақамлар таҳлил қилинади. Чунки, статистик факт ва рақамлар иқтисодий географиянинг ўзига хос «нони» ҳисобланади.

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида ҳудудлардаги иқтисодий-ижтимоий жараён, аҳолининг жойлашиши, умумий демографик жараён, меҳнат ресурслари, урбанизация, шаҳар ва бошқа аҳоли кўрғонлари, шунингдек, иқтисодиётнинг муҳим соҳалари - саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш

¹ Jones G.A. Human Geography. Undergraduate study in Economics, Management, Finance and the Social Sciences. The London School of Economics and Political Science. 2011

инфратузилмалари соҳаларининг ривожланиш ва жойлашиш хусусиятлари ҳамда истиқболда ривожланиш жараёнлари ўрганилади.

⇒ Иқтисодий районлаштириш усули - мамлакатларнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий минтақаларининг мамлакат ички меҳнат тақсимоотидаги ўрни, ихтисослашув ҳолатини ўрганиш, минтақалар бўйича ўзоқ муддатга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради. Бу усул орқали мамлакатнинг ҳар бир минтақасининг ўзига хос табиий шароити, табиий ресурсларининг иқтисодиётни ривожланишдаги ўрни, хўжаликнинг тарихий-иқтисодий ривожланиши ва ҳозирги ҳудудий ташкил этиш ҳолати, мавжуд илмий-техник салоҳиятлардан фойдаланиш негизида самарали ишлаб чиқариш тизимини шакллантиришнинг йўналишлари белгиланади.

⇒ Социологик сўров (анкеталаштириш) - тадқиқотларда кенг қўлланиладиган усуллардан бўлиб, аниқ шароитда ҳудудлар, тармоқлар бўйича кенг маълумотлар олиш имконини беради. Бу усул, айниқса, ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий - иқтисодий - экологик муаммолар мажмуасини аниқлашда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг турли шаклларида юзага келган муаммоларни ўрганишда шунингдек, аҳоли ва меҳнат ресурслари билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ қилишда зарур бўлган муҳим маълумотлар йиғиш имконини беради².

⇒ Таққослаш усули - ҳудудлар хўжалиги ва аҳолининг умумий ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имкониятини беради ва кўпроқ ўқув мақсадларида кенг қўлланилади.

⇒ Фактлар таҳлили усули - асосида тармоқлар ўртасида ва тармоқлар ичидаги фарқлар аниқланади ва корхоналар йўналиши белгиланади. Фактлар таҳлили кўплаб ҳодисаларни умумлаштириш ҳамда тармоқларни моделлаштириш учун керакли маълумотларни тайёрлаш имконини беради.

⇒ Иқтисодий-математик моделлаштириш - усули хўжалик ва аҳолига доир рақамлар мажмуасини таҳлил қилиш, ўрганилаётган жараённи миқдорий баҳолаш имконини беради. Ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги миқдор боғланишларнинг математик ифодасини кибернетика фанларида модел, уни тузиш эса моделлаштириш дейилади.

² Jones G.A. Human Geography. Undergraduate study in Economics, Management, Finance and the Social Sciences. The London School of Economics and Political Science. 2011

Моделнинг аниқлиги, тўпланган маълумотлар даражаси ва ҳажмига, уларнинг тўғрилигига, тадқиқотчининг малакаси ва моделлаштириш жараёнидаги аниқланадиган масаланинг кўламига боғлиқ. Кейинги йилларда тармоқлараро ва ҳудудлараро ишлаб чиқариш тизимларининг баланслашда (мувозанатлаштириш), иқтисодий тармоқларини ва ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришнинг турли вариантларини аниқлашда моделлаштиришдан фойдаланилмоқда. Иқтисодий - математик моделлаштиришда ЭХМ лар кенг қўлланилмоқда. Бунда чизиқли дастурлаштириш усули қўлланилади. Чизиқли дастурлаштириш ғоят хилма-хил иқтисодий жараёнлар учун оқилона ечимларини аниқлаш имконини берувчи математик дастурдир.

⇒ Аэрокосмик тадқиқотлар усули - самарали тадқиқот усулларида бири. «Иқтисодий география» да кенглик бўйича, яъни катта ҳудудларда табиат, хўжалик, аҳоли, атроф-муҳит мажмуасини тадқиқ қилишда кенг фойдаланилмоқда. Айни вақтда, аниқ ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, ҳудудий ташкил қилиш, хўжалик ва аҳоли жойлашуви, шаҳарлар, агломерация ва иқтисодий районлар чегаралари, атроф - муҳит ҳолати тўғрисида аниқ ва янги маълумотлар олиш имконини беради. Шунингдек, бу усул орқали керакли ҳудудни танлаб олиб ўрганиш ва натижаларни бошқа ҳудудларга тадбиқ қилиш ҳам мумкин.

⇒ Баланс ва гуруҳлаштириш усули - баланс усули иқтисодий тармоқлари, тармоқлараро, ижтимоий соҳаларда доимо ўзгариб турувчи иқтисодий кўрсаткичлар мувозанатини ифодаловчи тизимдир.

⇒ Гуруҳлаштириш усули-оммавий статистик маълумотларнинг бир хил, типик бўлган белгиларга кўра гуруҳлаштиришдир. Ушбу усул ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ҳудудлар ва тармоқлар бўйича умумлаштириш имконини беради.

⇒ Эксперт баҳолаш усули - ишлаб чиқариш кучларининг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича истиқболда ривожланишини юқори малакали экспертлар ёрдамида баҳолашдир. Эксперт баҳолаш усули айниқса инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли атроф-муҳитда юз бераётган ўзгаришларни баҳолашда кенг қўлланилмоқда.

⇒ Иқтисодий башорат (прогноз) қилиш усули. Иқтисодий ривожланиши, аҳоли сони ва таркибини, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини илмий башорат қилишдан иборатдир. Иқтисодий башорат қилиш ижтимоий-иқтисодий, экологик

муаммоларнинг олдиндан билиш, бу муаммоларни аниқлаш ва жамият тараққиётининг илмий асосланган ечимларни ишлаб чиқиш имконини беради.

⇒ Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг таркиби мураккаб ва мажмуали фанлар йўналишидан иборат бўлиб, бу тизимни шартли равишда қуйидаги поғоналарга қўйиб чиқамиз.

⇒ Биринчи поғонадаги фанларга географиянинг назарий ва фундаментал тадқиқотларни ўрганувчи фанлар: иқтисодий ва ижтимоий география тарихи, иқтисодий, ижтимоий географиянинг назарияси, умумий табиий география, умумий ер билими, ландшафтшунослик ва бошқа фанлар ташкил этади. Чунки, ҳар қандай иқтисодий ва ижтимоий география фанидаги тадқиқотларнинг асосини ёки унинг устқуртмасини географиянинг назарий масалалари ташкил этади.

⇒ Иккинчи поғонадаги фанлар қаторига географиянинг негизини ташкил этувчи фанлар, табиий–география ва иқтисодий–ижтимоий география фанлари, картография ва ўлкашунослик фанлари киради. Картография фани табиатда ва жамиятда содир бўлаётган воқеъа ва ҳодисаларни карталар ёрдамида акс этириш ва тадқиқ этишни ўз ичига олса, ўлкашунослик фани эса, бу табиий ва иқтисодий география фанларининг мажмуали ёндашувлари асосида ҳар хил ҳудудларни, мамлакатларни ва минтақаларни умумий географик жиҳатдан тавсифлайди.

⇒ Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг учинчи фанлар поғонасини тармоқ фанларидан иборат бўлган ёки махсус фанлар тизимига кирувчи фанлар ташкил қилади. Буларга, аҳоли географияси, саноат географияси, қишлоқ хўжалиги географияси, хизмат кўрсатиш географияси, туризм география, транспорт географияси ва ҳакозалар киради.

⇒ Иқтисодий ва ижтимоий география фанининг тўртинчи поғонадаги фанлар жумласига, бошқа фанлар чегарасида шаклланган фанлар, яъни сиёсий география, ҳарбий география, тижорат географияси, маданият географиясини келтириш мумкин.

⇒ Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тармоқ фанлари алоҳида салмоққа эга бўлиб, бу фанлар бўйича жуда катта илмий йўналишлар олиб борилган. Аҳоли географияси фани иқтисодий ва ижтимоий география фанининг алоҳида бўғини ҳисобланиб, аҳолининг таркибини, жойлашишини ва ҳудудий жиҳатдан ташкил этилиш қонуниятларини ва хусусиятларини ўрганади.

Иккинчидан, таққослашда синхрон принципдан ёки айти пайтда иккала таққосланаётган объект кўрилса, бу усул унумли ва сермазмун бўлади.

Тарихий усул - айти вақтда барча ижтимоий гуманитар фанлар тизимида ва табиий фанлар тизимида муҳим тадқиқот усули ҳисобланади. Иқтисодий ва социал географияда тарихий усул орқали ишлаб чиқарувчи кучларини турли тарихий босқичларда ривожланиши, иқтисодий алоқалар, халқаро бозор ва жаҳон хўжалиги, халқаро меҳнат тақсмотини шаклланиши, хўжалик ва аҳолини ҳудудлари бўйича жойланиши, табиий ресурсларни ўзлаштириши ва ҳозирги хўжалик тизимини тадқиқ қилинади, ҳамда келажак истикболи башорат қилинади.

Статистик таҳлил усули - аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва ҳудудлар бўйича комплекс маълумотлар тизимини тадқиқ қилиш имконини беради. Статистик таҳлил усули орқали халқаро, минтақавий, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий тизимига доир факт ва рақамлар таҳлил қилинади. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида ҳудудлардаги иқтисодий-ижтимоий жарайон, меҳнат ресурслари, урбанизация, шаҳар ва бошқа аҳоли кўрғонлари, шунингдек, иқтисодиётнинг муҳим соҳалари - саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ишлаб чиқариш ва социал инфраструктура соҳаларининг ривожланишини ва жойланиш хусусиятлари ўрганилади.

Тизим - таркиб усули, аслини олганда фалсафий қарашларнинг маҳсули бўлиб, у ўрганилаётган ҳодиса ёки борлиқни узинигина эмас, балки уни бошқа ундан каттароқ доирасида, биргаликда ва ўзаро алоқадорликда таҳлил қилишни талаб қилади. Масалан, маълум вилоят хўжалигини яхлит тизим равишда ўрганиш ва айти пайтда бу вилоят Республика, йирик иқтисодий район ва Ўзбекистоннинг ягона халқ хўжалик комплексининг узвий бир қисми, булагии эканлигини унутмаслик лозим.

Тизим - таркиб усулида яна бир назарий тушунча мавжуд. И.М.Маергайзнинг фикрича иқтисодий ва социал география халқ хўжалигини ҳудудий таркибини ўрганиш лозим. Бу таркиб 4 хил бўлади: моддий ишлаб чиқариш, аҳоли ва аҳоли кургонларининг ҳудудий жойланиш, уларнинг ўзаро муносабати (расселения), табиий шароит ва бойлик ҳамда ишлаб чиқариш инфраструктурасидан иборат. Ўз навбатида бу булақлар узининг ҳудудий таркибига эга. Жумладан: моддий ишлаб чиқариш ҳудудий таркиби бу ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси, табиий шароит ва бойликлар таркибида эса табиий

худудий комплекс (ландшафт). Худди шундай инфраструктурада худудий - инфраструктура комплекси, аҳоли географиясида аҳоли жойлашувининг худудий тизимни куриш мумкин.

Иқтисодий - математик моделлаштириш усули - хўжалик ва аҳолига доир ракамлар мажмуасини таҳлил қилиш, урганилаётган жарайонни миқдорий баҳолаш имконини беради ва ишлаб чиқаришда кенг қулланилади. Ижтимоий-иқтисодий жарайонлардаги миқдор боғланишларининг математик ифодаси, ҳамда ҳозирги ҳолати баҳоланиб, келажак истикболи башоратланади. Моделнинг аниқлиги тупланган маълумотлар даражаси ва ҳажмига, уларнинг тўғрилиги, тадқиқотчининг малакаси ва моделлаштириш жарайонидаги аниқланадиган масаланинг қуламига боғлиқ. Кейинги йилларда тармоқлараро баланслаш (мувозанатлаштириш), иқтисодиёт тармоқларини жойлаштириш моделларини ва ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштиришнинг турли вариантларини аниқлашда фойдаланилмоқда.

Социологик суров (анкеталаштириш) усули - тадқиқотларда кенг қулланиладиган усуллардан бири бўлиб, аниқ шароитда ҳудудлар, тармоқлар, бўйича кенг маълумотлар олиш имконини беради. Бу усул айниқса ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий экологик муаммолар мажмуасини аниқлашда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг турли шаклларида юзага келган муаммоларни шунингдек, аҳоли, меҳнат ресурслари билан боғлиқ жарайонларни тадқиқ қилишда зарур бўлган муҳим маълумотлар йиғиш имконини беради. Шунингдек, иқтисодий ва социал географияда гуруҳлаштириш, аэрокосмик тадқиқотлар ва эксперт баҳолаш усуллардан ҳам кенг фойдаланилади.

Хулқ-атвор усули. Инсоннинг моҳияти ва жамиятда тутган ўрни, ўзини тутиши, руҳияти фанлар доирасида кенг ўрганилади. Турли илмий ва диний таълимотларда бу масалалар турлича талқин этиб келинган. Шундай бўлиши табиий, чунки инсон ижтимоий-тарихий ва маданий мавжудот сифатида ҳар бир янги тарихий-географик шароитда ўзлигини тезда англашга, янгидан-янги шарт-шароитларга чуқурроқ мослашишга, инсоний моҳиятини рўёбга чиқаришга интилаверади.

Сукротнинг «Ўзлигини бил» деган ҳикматли сўзи ҳам ҳар бир тарихий даврда янгича аҳамият касб этади. Зеро, инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашган. Улуғ мутасаввуф Абдулҳолиқ Ғиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган.

Юқоридаги фикрлар кенгрок мушоҳада қилинса уларнинг туб моҳияти инсоннинг ҳулқ-атвори, руҳияти, юриш-туриши билан кўпроқ алоқадор эканлиги кўзга ташланади.

Инсон - ўзида биологик, ижтимоий ва руҳий хусусиятларни мужассамлаштирган онгли мавжудотдир. Унинг биологик хусусиятларига овқатланиш, ҳимояланиш, ўзидан зурриёт қолдириш, шароитга мослашиш кабилар хос бўлса, социал хусусиятларига тил, муомала, билим, онг, маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, бошқариш, ўз-ўзини идора этиш, бадий ижод, ахлоқ, нутқ, тафаккур, қадриятларни киритиш мумкин.

Инсон* шу хусусиятлари орқали яхлит бир тизимни ташкил этади. У мукамал ва мураккаб мавжудот сифатида ўз эҳтиёжларини қондиради ва инсоният давомийлигини таъминлайди. Шу бос, инсонга хос бўлган биологик хусусиятларни ижтимоий хусусиятлардан устун қўйиш ёки руҳий хусусиятларни бўрттириш унинг моҳиятини бузиб талқин этишга, бир ёқламаликка олиб келади.

Инсоннинг руҳий хусусиятларига руҳий кечинмалар, ҳайратланиш, ғам-ташвиш, қайғу, изтироб чекиш, завқланиш, кайфият ва бошқалар киради. Айнан ана шу ҳолатларга атроф-муҳитнинг таъсири ва унинг ҳудудий жиҳатлари **хулқ-атвор географияси** томонидан ўрганилади.

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги изланишлар анча илгари буюк мутафаккирлар асарларида батафсил ёритиб берилган. Жаҳон тиббиётида ўчмас из қолдирган машҳур юнон олими Гиппократ (эр.ав. 460-377) ҳам инсон руҳиятида ташқи муҳит таъсирини алоҳида уқтириб ўтган. Гиппократ табиб ва сайёҳ эди, яъни у кўп саёҳат қилар, турли мамлакатларда бўлар экан, у ўша ерлардаги одамларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари, давлатларнинг иқлими, суви, ҳавоси ва бошқа табиий шароитларини инсон руҳиятига таъсирини ҳам ўрганган. Гиппократ ҳар хил географик шароитларда турлича одамлар яшашларини кўрди, уларнинг ўз тана тузилишлари, юриш-туриши билан фарқ қилишларини аниқлади.

Олим бу ҳақда *“Ҳаволар, сувлар ва жойлар”* номли асарида шундай деган эди: “Одам организмнинг табиатини ташқи муҳит белгилайди. Жамият эса ўз қонун-қоидалари

*Инсон моҳиятини фалсафий жиҳатдан чуқурроқ таҳлил қилишда шахс, индивид, индивидуаллик тушунчаларининг моҳиятини билиш ва уларни бир - биридан фарқлаш муҳимдир. Шахс ўзида социал сифатларни мужассамлаштирган инсонни ифода этади.

билан одам табиатини ўзгартириши мумкин”. Бундан шуни эътироф этиш мумкинки, Гиппократ инсон организмига ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳам яхши англаган.

Жумладан, Беруний ўзининг “*Қадимий халқлардан қолган ёдгордиклар*” асарида биринчи бўлиб одам ранги, қиёфаси, табиати ва ахлоқи турлича бўлишини улар яшайдиган тупроқ, сув, ҳаво ва ерга ҳам боғлиқлигини таъкидлаб, географик алоқадорлик ғоясини илгари суради. Беруний фикрича, инсон ички ва ташқи қиёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Шу билан бирга унинг ички қиёфаси чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгартириши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг соҳиби эканлиги олим фикрларида чуқур мушоҳада қилинган.

Шунингдек, ватандошимиз Абу Али ибн Сино иссиқ ўлкалар табиати ва уларнинг инсон жисмига таъсири ҳақидаги фикрларни ўз асарларида ҳам учратиш мумкин. Чунончи, у иссиқ ўлкаларда одам танасининг қорамтирлиги, сочларининг жингалаклиги, ҳавода намликнинг кўп бўғланиши натижасида кескин камайиб кетиши инсон жисмининг тез қаришига олиб келишини таъкидлаган эди. Олим пастликда жойлашган ҳудудлар аҳолисининг доимий иссиқлик ва димликда яшашлари, бундай ўлкаларда шўрхок ва ботқоқликларнинг кўплиги сабабли сувлар таркиби ҳам салбий хусусиятларга эга эканлигини батафсил ёритиб берган. Бундай ҳудудлар аҳолиси руҳиятида жиззакилик, жаҳлдорлик бирмунча юқорилигини таъкидлаб ўтади (Абу Али Ибн Сино, 1994).

В.П.Семёнов-Тяншанский Россия антропогеографиясининг энг йирик номоёндаси сифатида география фани - кўриш, тасаввур қилиш, кўриш хотираси орқали эгалланадиган фан деб таърифлайди. Кўпгина соҳалардаги каби географияда “интуиция” муҳим ўрин эгаллайди. Айнан интуиция худди санъатдаги сингари география фанини аниқликка етаклайди, дея таъкидлайди. Ушбу фикрлар эса хулқ-атвор географиясининг асосий ғояларидан биридир.

Хулқ-атвор географияси билан боғлиқ тадқиқотлар Россияда илк марта 1940-1950 йилларда олиб борилган ва бунда аҳоли миграцияси билан боғлиқ илмий ишларда мазкур соҳага доир маълумотларга зарурат туғилди. Чунончи,

Л.И.Мечников инсоният тарихида турли табиий географик омиллар таъсирини ўрганиб, буюк дарёлар цивилизацияси ёки дарё маданияти концепциясни яратди. Е.Ф.Зябловский ўз фикрларида кўпроқ хулқ-атвор географияси атамаси ўрнида урф-одат географияси

атамасини қўллашни лозим деб билган. Э.Г. Милуков жиноятчилик билан боғлиқ масалалар ҳам айнан ҳуқ-атвор географияси томонидан ўрганилиши зарурлигини уқтириб ўтган. Б.Б.Родоман, В.Л.Каганский сингари олимлар “зеҳн ва феъл-атвор ландшафт муҳитига, айниқса маданий ландшафтлар билан алоқадор” лиги борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. К.Зауэр - табиий ва маданий ландшафт-инсоннинг ташқи муҳит билан ўзаро мувофиқлигини таъкидлаб ўтади.

Таъкидлаш жоизки, тупроқнинг турли, ҳатто сиёсий-иқтисодий, ижтимоий хусусиятларига ўз даврида Фридрих фон Ратцель ва Видаль де ла Блашлар ҳам эътибор қаратишган. Жумладан, Блаш: “Инсон – тупроқнинг ишончли ўқувчисидир. Бинобарин уни ўрганиш аҳолининг характери, урф-одати каби ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради”, деган эди.

XIX асрнинг охирларида Германияда Ф.Ратцель томонидан антропогеографияга асос солинди. Олим ғоясининг негизида географик детерминизм, яъни инсон, халқларнинг руҳи ва жисмига табиий муҳитнинг ҳал қилувчи таъсир этиш ғояси ётган эди. Мазкур ғоя асосида кейинчалик ҳуқ-атвор географияси шаклланди. Ф.Ратцел ўз қарашларида муҳитнинг ижтимоий ҳаётимизга таъсирини тўрт турга ажратади ва бунда табиий ҳамда психологик таъсирни алоҳида таъкидлаб ўтди.

1960 йилларда ҳуқ-атвор географияси ривожига Карл Зауэр, Дж.К. Райт ва У. Кирк сингари америкалик олимларнинг хизматлари катта бўлди. Дж.Райт ҳудудлар - мазкур жойда яшовчи инсонларнинг мавжуд ақлий жиҳатларига ҳам таъсир этиши борасида ўз фикрини билдирган.

У.Кирк ўз қарашларида **“ахлоқий муҳит”** тушунчасини изоҳлаб ўтади. Муайян ҳудудларда яшаётган инсонларнинг маданиятлилиқ даражаси уларнинг нигоҳларида номоён бўлади. Худди шундай жиноятчилар қилмишлари ҳам уларнинг кўз қарашларида, нигоҳларида ўз аксини топиши олим томонидан эътироф этилган. Шунингдек, у ҳар бир жой аҳолиси ўз ўлкасига нисбатан ўзгача меҳр-муҳаббат ҳиссини туйиши, жумладан тоғли ҳудудлар аҳолиси кўпроқ тоғларга сиғиниши, тоғларга ҳурмат-эҳтиром билан қарашса, суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи халқлар кўпроқ дарёларни (Нил, Ганг ва ҳ.) илоҳийлаштиришлари ҳақида ўз илмий қарашларини билдирган. Бизнинг фикримизча, чиндан ҳам жойларнинг инсон руҳиятига, ахлоқий жиҳатларига таъсири катта. Бу эса ўша жойда яшовчи кишилар

орасида жинойтчилик ёки ахлоқий меъёрлар билан боғлиқ номутаносибликларни олдини олишга ёрдам беради. Бинобарин, айрим манбаларда хулқ-атвор географияси - жойнинг ақлий суратини англатувчи тушунча сифатида ҳам қаралади.

Хулқ-атвор географияси борасидаги тадқиқотларда макон билан боғлиқ рамзий жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда:

- жойнинг (муҳит) муҳим рамзий белгилари сифатида: қорли, ёмғирли, шамолли, туманли, шовқини ва бошқа жиҳатлари муҳим ўрин эгаллайди;
- жой тавсифи моҳиятига кўра (квинтэссенцияси): муқаддас жойлар, модалар марказлари, мусиқа маданияти марказлари, куморбозлик марказлари ва ҳ.к.

Айтиш ўринлики, хулқ-атвор географияси - социал ва инсон географияси борасидаги тадқиқотларнинг ноананавий жиҳатларини ўзида жамлайди.

Унда ҳудудлар(макон, манзил) қуйидагича талқин этилади:

1. Социал макон - аввало, шуни эътиборга олиш лозимки, инсоннинг ўраб турган табиий ва маданий муҳит билан муносабатларини (англаш ва хулқ-атвор) намоиш қилиш хусусияти муайян ҳудудда содир бўлади. Инсонлар истиқомат қиладиган ҳудуд ёки макон – социум, жамоа эҳтиёж ва заруратлари натижасида шаклланади.

2. Шахсий макон - инсонлар танаси атрофидаги бошқа одамлардан ажратиб турувчи чегаравий кўринмас ҳудуд ҳисобланади.

Хулқ-атвор географиясидаги инсонлар яшаш тарзи, юриш-туриши шаклланадиган маконлар, яъни ҳудудлар бир неча турларга ажратилади:

- Асосий макон - уй: инсоннинг ўз шахсий эҳтиёжларини амалга оширувчи, ҳаётий фаоллик даражаси юқори бўладиган, хавфсизлик вазифасини ўтовчи ҳудуд;
- Иккиламчи макон - социал ҳудудлар (гурухлар). Бунда бир хил ўхшаш ҳодисалар кўзга ташланади, ҳаётий фаоллик даражаси анча паст, хулқ-атворида очик муносабатлар кўзга ташланади;
- Жамоавий макон - социал ҳуқуқ ва меъёрлар амал қиладиган, юриш-туришда чегарадан чиқмайдиган, исталган киши фойдаланадиган, вақтинчалик ҳудуд;

Хулқ-атвор географиясидаги муҳим тушунчалардан бири – **бихевиоризм** тушунчаси бўлиб, у инсон хулқ-атворининг хилма-хил жиҳатларини ўрганувчи илмий қарашлар мажмуидир. Шунингдек, у кишиларнинг табиий ва социал муҳитга мослашуви,

уларнинг ақли ва қилмишларига бундай муҳитнинг таъсирини ўрганади. Муҳит билан бихевиоризм биргаликда - ҳуқ-атвор географияси мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Инсон ҳуқ-атвори, урф-одатлари, юриш-туриши ва руҳий кечинмалари ҳам ҳудудий тафовутларга эга. Чунки, ҳудудлар ўз иқлими, рельефи, сув ва тупроғи, иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари билан ўзаро фарқланади. Уларнинг барчаси кишилар ҳуқ-атворининг ҳудудий томонларини ва унинг географик хусусиятларини изоҳлаб беради.

4-маъруза . Ресурслар ва ландшафтлар

Режа.

1. Ресурслар ва уларнинг сақланиши
2. Табиий ресурсларнинг мазмун моҳияти
3. Асосий таъминот, ресурслар ва резерв
4. Қайта тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслар
5. Табиий ресурсларнинг асосий турлари ва уларнинг классификацияси.
6. Табиий ресурсларга иқтисодий баҳо беришнинг назарий асослари.
7. Ўзбекистон республикаси табиий ресурсларига иқтисодий баҳо бериш.

Таянч сўзлар: *Тугайдиган ва тугамайдиган ресурслар, тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслар, Биологик ресурслар, табиий муҳит, Чегараланган заҳиралар.*

Ресурслар ва уларнинг сақланиши

Бизнинг планетамиз космик кема сифатида тасвирланган. Агар биз уни кичик система сифатида оладиган бўлсак, уни ёпиқ система дейишимиз мумкин. Science Fictionга бугунги кунда буни қабул қилишимиз учун ҳеч қандай асос йўқ. Куннинг фундаментал изоляцияси кўтарилиши бўйича. Бу ер бизнинг яшаш оламимиз. Балким одам қанча яшаса шундайлигича қолар.(1969)

География соҳаси бўйича таълим олаётган талаба планетанинг келажаги (24 бобда кўриб ўтганимиздек) тўғрисидаги масалани кўтарган. Ушбу бобнинг асосий мавзуси ер

ресурслари. 1859 йил охирларида Американинг ғарбий қисмида, Пенселванияда илк маротаба нефтни бурғулаб кавлаш ишлари бошланди. 20 метр чуқурликда қазилганда нефт олинган. 20 йил илгари нефт туз қазиб олинадиган жойларнинг дахшатли ифлосланишига олиб келди. Бунгача бўлган даврда унинг юза қисми олинди ва кичкина идишчаларда “тош ёғи” номи остида медицинада маълум бўлмаган даволаш воситаси сифатида сотилди. Бундан 20 йил кейин 30 миллион барел нефт бутун дунёга тарқатилди. Шундан 80% Панселванияда қолди (10.1. расмга қаранг). Энергия таъминотидаги янги давр яқун топди. Нефтнинг одамлар томонидан ҳар қил соҳаларда ишлатилганлиги тарихда қолди. Уни ўхшаш бўлган ривожланишлар билан тўлдириш мумкин эди, масалан мис, уран, қум. Бундай ресурслар ушбу бобда муҳокама қилинадиган масалалардир. “Табиий ресурслар” деганда нима тушунилади ва уни қандай ўлчаш мумкин? Маълум бир ресурснинг фойдаланилиши ёки фойдаланилмаслигини нима ҳал қилади? Агар биз фойдалансак, улар қанча муддатгача сақланиб қолинади? Бундай муаммолар табиий ресурсларнинг сақланиши бўйича бир қанча саволларнинг юзага келишига олиб келади.

10.1. Табиий ресурсларнинг мазмун моҳияти

“Табиий ресурслар” билан боғлиқ тушунчаларни тил нуқтаи назаридан муҳокама қиладиган бўлсак, тушунчалар ўзаро чалкашиб кетган. Ҳаммасидан ҳам ресурсларнинг табиий потенциали Амазон-оқим системасининг сув кучи потенциали маъносида ифодоланади. Улар ёпиқ ресурслар билан чалкаштирилади, масалан электр энергия. Шу сабабдан учта ўхшаш бўлган тушунчаларни фарқлаш мақсадга мувофиқ. Улар: асосий таъминот, ресурслар ва резерв.

Асосий таъминот, ресурслар ва резерв

Барча табиий компонентларнинг умумий қиймати ўлчов ва энергияда намоён бўлади. Олдинги бобда қайд этилганидек ернинг асосий энергия манбаи қуёш нурларидир. Ер кунига 17×10^{13} кв қуёш энергиясини қабул қилиб олади. Барча маҳсулотлар бўйича назарий чегараланишлар мавжуд. Бундан ташқари биз моддий сифат 6.6×10^{21} t материядан олинishi лозимлигини далил келтиришимиз мумкин (10.1. жадвалга қаранг). Унинг ўлчаб бўлмайдиган катталиқга эга бўлишига қарамасдан ернинг ушбу умумий захираси материя ва энергияда биз учун жуда катта бўлмаган

қизиқиш уйғотди. Балки у биз учун бугунги кун технологияси ҳолати сабабдан батамом яқинлашиб бўлмайдиган ҳолатдир, ёки у биз қўллашни билмайдиган субстанция шаклида мавжуддир.

“Ресурс” маданий боғлиқ тушунчадир. Агар улар одам ва унинг эҳтиёжи, яъни озиқ овқат, химоя, иссиқлик ва транспорт учун ишлатилса ресурс ҳисобланади. Техаснинг нефт захираси ва унинг қиймати 1790 ва 1890 йилларда юқори даражада ўзгарди. Бундай ҳолатга яна бир ёрқин мисол бу уран рудасидир.

Ресурснинг асосий таъминотга айланиши қарама қарши ҳолатдир. Милоддан олдинги 500 йилларда темир шох-шаббалар ўрнини милтиқлар эгаллади. Ресурс ўзининг одамлар учук керак бўлмай қолди ва ўз қийматини йўқотди. Ресурсларга биз асосий таъминотнинг бир қисми , яъни техникавий, иқтисодий ва сиёсий шарт шароитларда қўлланила оладиган нарса сифатида таъриф беришимиз мумкин.

Кўришимиз мумкинки, ресурсларнинг қиймати техникавий ва ижтимоий-иқтисодий контекста ўзгаришига боғлиқ. Шу маънода запас бу мавжуд техникавий ва ижтимоий иқтисодий шарт шароитларда намоён бўлувчи ресурсларнинг бир қисмидир. Запас учта энг кичик категорияларда намоён бўлади ва улар аниқ бир вақтда ҳамда замонда ўз аҳамиятига эга.

Қайта тикланадиган ва тикланмайдиган ресурслар

Географиклар табиий ресурсларни 10.02.даги расмда аниқ турларга ажратиб кўрсатади. Дастлаб иккита асосий турга қайта тикланмайдиган ва қайта тикланадиган ресурсларга ажратилиши кўрсатилган. Қайта тикланмайдиган ресурслар инсон нуқтаи назаридан қаттиқ ва ўзгармайдиган бўлиб, моддани ўраб турган узунлик аста секинлик билан ясалади. Кўмир ёки рудалар борки кимдир майда қисмларга ажратмагунча кўп вақт сақланишига қарамасдан умуман ўзгармаган. Табиий газ захираси газ чиқишига олиб келади. Қайта тикланадиган ресурслар шунлай ресурсларки улар ҳар доим бир хил бўлмаса ҳам улар янгидан ишлаб чиқилади. Масалан, сув энергияси. Қайта тикланадиган ресурслар одатда махсулот сифатига кўра вақти вақти билан ўлчаб турилади. Ернинг умумий кўтарилиш ва пасайишининг умумий юза чегараси йилига 1.1 х 10⁹ квга тўғри келади.

Қайта тикланадиган ресурслар яна қисмларга бўлинади. Ишлаб чиқаришни жорий қилиниши инсоний фаолият томонидан таъсир қилмайди. ернинг оқим кучи потенциалига одам қобилияти таъсир қилишини тасаввур қилиш қийин. Аксинча асосий сув ресурслари доимий равишда кучсизлантирилади. Асосий сувни қайтариб олиш орқали ер ости суви сифати бузилиши вужудга келади. Ёки чучук сув ўз ўрнида қолмаслиги мумкин.

Захира даражасининг баҳоланиши

Ўзига ҳос бўлган захира ҳажмини қандай баҳолаш мумкин? Бунинг учун биринчи навбатда ресурсларни кенгайтириш бўйича билимлар муҳим. 10.3 даги расмга қараган ҳолда биз нефтнинг геологик структурасининг тузилишига назар ташлашимиз мумкин. Ушбу воҳаларда чўкма бассейнлар ҳақида гап боради. У ерга дастлаб органик моддалар сочилди. Мавжуд нефт мавжуд бўлган жойларнинг эҳтимолий ҳолати геофизикавий ўлчов орқали тахминан аниқланган ва ёпиқ ҳолатдаги қисқа бурғулаш орқали синаб кўрилган. Маълум бир ёғ олинадиган майдоннинг кейинчалик ҳам фойдаланилиши фақатгина геологик шарт шароитга боғлиқ бўлмаган. 10.04.даги тасвирдан аниқ бўлишича захира катталиги 4та фактор асосида қўшма вазифани тасвирлай олади. Ушбу факторлар қуйидагилар:

1. Нефт сифати, унинг кимёвий хусусияти, унинг таъминоти олтингугурт каби ифлосланишда;
2. Нефт олинадиган майдоннинг катталиги ва шу билан биргаликда катталикнинг етарли даражада эканлиги;
3. Даланинг маҳсус имкониятлари (унинг чуқурлиги)
4. Нефт хусусида сўров (бугунги кундаги нархи бўйича)

Ушбу фактлардан бирининг ўзгариши захира ўзгаришига олиб келади. 10.3 даги тасвирда нарх пасайиши таъсирини кўриш мумкин. Ушбу муносабатни ҳар ҳил ҳолатда кўриб чиқиш мумкин. Потенциал ёғ захираси шимолий денгизда эҳтиёткорлик билан қазилди. Чунки улар давлатлар ихтиёрида бўлган (17.23 тасвирга қара). Бундай ҳолатларда давлатлар ўзининг ёғ манбааларини назорат қилиши лозим. Қайта тикланмайдиган ресурслар захираларида эса аниқ чегараланган асосий захира ифодаланади.

Табиий ресурсларнинг асосий турлари ва уларнинг классификацияси.

I. Табиий ресурслар-табиат элементлари бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ривожланиш даражасида жамият эҳтиёжларини қондиришда фойдаланилаётган (ёки фойдаланиши мумкин бўлган) табиий шароитлар мажмуасининг бир қисми, табиий мухитнинг муҳим компонентлари ҳисобланади.

Табиий ресурслар табиатдан фойдаланишнинг бош объекти ҳисобланади ва улардан фойдаланишга ва қайта ишлаш жараёнларига жалб этилади. Табиий ресурслардан фойдаланиш билан бир қаторда уларни муҳофаза қилиш ва сақлашга (табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг ҳал этилиши) йўналтирилган фаолият ёнма-ён рўй беради.

Табиий ресурсларни пайдо бўлишининг табиий жараён эканлигини ва унинг улкан иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олиб, қуйидагича классификация ишлаб чиқилган:

1. Табиий (генетик) классификация-табиий ресурсларнинг табиий гуруҳларга кўра классификацияси: минерал (фойдали қазилмалар), сув, ер (шу жумладан тупроқ), ўсимлик (шу жумладан ўрмон), ҳайвонот дунёси, иқлим ресурслари, табиий жараёнлар энергияси ресурслари (қуёшнинг нур сочиши ва иссиқлиги, ернинг ички энергияси, шамол энергияси ва бошқалар). Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ресурсларини биологик ресурслар деб ҳам юритилади.

2. Табиий ресурсларнинг экологик классификацияси-уларнинг тугаши ва тугамаслигига қараб қуйидаги турларга бўлинади.

Тугамайдиган табиий ресурслар-ҳозир ва яқин келажакда инсон томонидан ўзлаштириш натижасида тугамайдиган ресурслар (қуёш энергияси, ернинг ички энергияси, сув ва ҳаво энергияси).

Тугайдиган тикланмайдиган табиий ресурслар-узлуксиз ишлатилиши натижасида захиралари иқтисодий мақсадларда қўллаб бўлмайдиган ва кейин тикланмай қоладиган ресурслардир. Минерал ресурслар ана шундай ресурслар жумласига киради.

Тугайдиган тикланадиган табиий ресурслар-тикланиш хусусиятига эга бўлган ресурслардир. Масалан, сув, ўсимлик ва ҳайвонот ресурслари шулар жумласига киради.

Бу гуруҳга ўта секинлик билан тикланадиган ресурслар (ернинг ҳосилдорлиги ва унумдорлиги, юқори сифатли ёғоч берувчи ўрмон ресурслари) ҳам киради.

Табиий ресурслар хўжаликда фойдаланиш имкониятларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

3. Фойдаланишнинг техник имкониятларига қараб табиий ресурслар:

Реал-ишлаб чиқариш кучларининг ҳозирги ривожланиш даражасида фойдаланилаётган табиий ресурслар.

Потенциал-илмий тадқиқот ва кузатиш ишлари асосида аниқланган, жамиятнинг техник ривожланиш даражаси ҳозирги кунда улардан фойдаланиш имкониятини берадиган ва шу билан бирга вақтинча улардан фойдаланиш имконини бермайдиган ресурслар ҳам киради.

Ресурсларнинг алмаштирилиши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига кўра муқобили мавжуд ва муқобили мавжуд эмас турларга бўлинади.

Муқобили мавжуд табиий ресурсларга ёқилғи-энергетика ресурслари киради. У ёқилғи ресурсларининг бошқа турлари билан алмаштирилиши мумкин.

Муқобили йўқ табиий ресурсларга атмосфера хавоси, чучук сувлар киради. Табиий ресурслардан самарали фойдаланишда уларнинг ана шу хусусиятларига эътибор бериш керак бўлади.

Табиий ресурсларга иқтисодий баҳо беришда ва уларнинг иқтисодий аҳамиятини баҳолашда улардан хўжаликда фойдаланиш тури ва йўналишига қараб ҳам классификацияланади. Бу классификациялашнинг мезони сифатида ресурсларни моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларга, яъни товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига мансублигига қараб ҳам бўлинади.

Бу белгига кўра табиий ресурслар саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлабчиқариши ресурсларига бўлинади.

Саноат ишлаб чиқариши ресурсларига саноатда фойдаланиладиган барча табиий ресурслар киради. Лекин шу ерда таъкидлаб ўтиш керакки, саноат ишлаб чиқаришининг жуда кўп тармоқли эканлиги сабабли табиий ресурслар ҳам кўп турларга бўлинади:

1. Энергетик табиий ресурсларга энергия ишлаб чиқаришда ишлатиладиган табиий хом-ашёнинг барча турларини киртиш мумкин. Буларга:

- ❖ Ёнувчи табиий қазилмалар (нефть, газ, кўмир ва бошқалар);
- ❖ Гидроэнергия ресурслари (дарё суви энергияси ва бошқалар);
- ❖ Биоэнергия манбаалари (ёғоч, қишлоқ хўжалигида олинадиган биогаз ва б.қ.лар);
- ❖ Ядро энергияси манбаалари (уран ва бошқа радиактив элементлар).

2. Неэнергетик ресурслар саноатнинг турли тармоқларига хом-ашё берувчи ва ишлаб чиқаришнинг техник хусусиятларига қараб унда иштирок этувчи ресурслар:

- ❖ Рудали ва руда бўлмаган табиий ресурслар (каустобиолитлар гуруҳи);
- ❖ Саноат ишлаб чиқаришида қўлланиладиган сув ресурслари;
- ❖ Саноат объектлари ва инфраструктуралар тагидаги ерлар;
- ❖ Саноат аҳамиятига эга ўрмон ресурслари;
- ❖ Саноат аҳамиятига эга биологик ресурслар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ресурсларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иштирок этадиган табиий ресурслар киради. Булар қуйидагилар:

-Агроиклим ресурслари-маданий ўсимликларнинг ривожланиши ва чорвани озуқа билан таъминлашда зарур бўладиган иссиқлик ва намлик ресурслари.

-Тупроқ-ер ресурслари-биомасса ишлаб чиқариш хусусиятига эга ер ва тупроқнинг усти қатлами.

-Ўсимлик биологик ресурслари-озуқа ресурслари;

-Сув ресурслари-суғоришда ишлатиладиган сув.

Номоддий (хизмат кўрсатиш) соҳаси ресурсларига (бевосита ва билвосита ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур) табиий муҳитдан олинадиган ресурслар ва шу билан бирга рекреацион (дам олиш, истироҳат) хўжалик, кўрикхона ҳудудлари ва б.қ.лар) киради.

Табиий ресурсларни табиий ва иқтисодий жиҳатдан классификациялаш улардан турли мақсадларда фойдаланиш ёки уларнинг муқобилларини топиш имконини беради. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва уларнинг айрим турларини сақлаш йўлларини кўрсатади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш турларининг ўзаро алоқадорлигига қараб табиий ресурслар қуйидагича классификацияланади:

-Бир мақсад йўлида ишлатиладиган табиий ресурслар;

-Кўп мақсадли табиий ресурслар. Буларга: сув ва ер ресурслари киради.

Табиий ресурсларнинг бошқа гуруҳларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунга хўжаликдаги аҳамияти ва захираларининг катта кичиклигига қараб табиий ресурсларнинг қуйидаги шартли гуруҳлари киради:

-Ўта йирик (давлат аҳамиятига эга);

-Йирик (туманлараро ва минтақавий аҳамиятга эга);

-Унча катта бўлмаган (маҳаллий аҳамиятга эга).

Юқоридагилар билан биргаликда табиий ресурсларнинг табиий хусусиятларини ва хўжаликдаги аҳамиятини ҳисобга олган хусусий классификациялари ҳам ишлаб чиқилган. Уларга мисол сифатида мелиоратив классификацияни, дарёларнинг оқимини тартиблаш даражасига кўра гуруҳлари ва бошқа классификацияларни келтириш мумкин.

Саноатда фойдаланиш йўналишларини ўзида акс эттирувчи геологик-иқтисодий классификация ҳам кенг қўлланилади.

Булар:

- ✓ -Ёқилғи-энергетика хом-ашёси (нефть, газ, кўмир, уран ва бошқалар);
- -Қора, легирловчи ва қийин эрийдиган металлар (темир рудалари, марганец, хром, кобальт, вольфрам ва бошқалар.)
- -Ноёб металлар (олтин, кумуш ва платиноидлар);
- -Химиявий ва агрономик хом-ашё (калий тузлари, фосфоритлар, аппатитлар ва бошқалар)
- -Техник хом-ашё(олмос, асбест, графит ва бошқалар).

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида табиий хом-ашёлар билан савдо қилиш характерини тавсифловчи классификациялардан ҳам фойдаланилади. Булар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

-Стратегик аҳамиятга эга бўлган ресурслар. Булар билан савдо алоқаларининг йўлга қўйилиши мамлакатнинг мудофаа қудратини сусайишига олиб келади (уран рудалари ва бошқа радиактив рудалар);

-Экспорт аҳамиятига эга ва валюта тушумларини таъминлайдиган ресурслар (нефть, олмос, олтин ва б.қ.лар).

-Ички бозор ресурслари. Улар кенг тарқалганлиги билан тавсифланади(минерал қурилиш хом-ашёлари).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, табиий ресурсларни классификациялашдан фойдаланиш уларнинг турли гуруҳлари, генетик тавсифи, хўжаликда фойдаланиш имкониятлари, ўрганилганлик даражаси ва улардан оқилона фойдаланиш ва сақлаш йўллари топиш имконини беради. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнига тикланмайдиган ресурсларни жалб этишда улардан оқилона фойдаланиш, тўлиқ ва мажмуали қайта ишлашга эътиборни қаратиш керак бўлади. Тикланадиган ресурслардан фойдаланишда эса ифлосланишнинг турли йўллари олдини олишга ва ҳар томонлама қайта тиклашга эътиборни кучайтириш керак бўлади.

5-март.Тарихий география

Режа:

1. Ерда инсоннинг тарқалиши.
2. Тайёр неъматларни йиғиб олувчи хўжаликдан ишлаб чиқаришга ўтиш. Аграр инқилоб ва унинг оқибатлари.
3. Географик меҳнат тақсиротининг шаклланиши.
4. Осиё, Африка ва Европа мамлакатларида шаҳарларнинг вужудга келиши ва илк цивилизацияларнинг шаклланиши.
5. Буюк Ипак йўлининг Ўрта Осиёнинг ривожланишидаги роли.
6. Жаҳон бозорининг шаклланиши. Европа мамлакатларида саноат инқилоби ва унинг турли минтақаларнинг иқтисодий ривожланишига таъсири.

Таянч сўзлар ва тушунчалар: *синантроп, питекантроп, инсониятнинг вужудга келиши.*

Ушбу мавзуда ўлкашунослик тасвирланган бўлиб, биринчиси океан ва қитъалар, ғарб ва ўрмонлар, барча хилма –хил биологик ҳаётнинг дунёси тасвирланган. Буларнинг барчаси ўлкашунослик бўлимида ёритилган. Бу мавзуда қуйидагилар, инсоннинг асосий ҳаёт тасвири ёритилган - Сиз ва мен, оиламиз, қўшнилариимиз, қишлоқдошлариимиз, аجدодлариимиз – булар ердаги манзаралардир. Бунда биз бир неча тарихий саволлар,

яинким, ердаги одам манзилгоҳларига йўналтирилган. Қуйидаги саволлар ҳам шу бобда қўйилган. Қачон ва қаердан инсоният ҳаёт сахнасига кириб келган? Асосан уларнинг аниқ бир жойда пайдо бўлиши. Дастлаб пайдо бўлган одам, кейин қандай қилиб иккинчи қитъага тарқаб кетган деган каби саволлар жой эгаллаган. Одам манзилгоҳларининг пайдо бўлиши, тарқалиши ва ривожланиши, қандай ва қаерда иккала шаҳар ва мамлакатнинг энг катта дарёлари, ўрта шарқнинг бешиги, худди қадимдан таҳмин қилингандек ривожланиши талқин қилишган. Балким бошқа соҳалар ҳам бир неча географлар томонидан исботлаб берилган. Китобнинг кейинги қисмларида қадимги ҳаётдаги инсонлар тарихи ёки тақдири ёритилган. 5.3 қисмда энг аҳамиятли минтақавий, яъни Хитой ва Ҳиндистоннинг денгиз водийлари, Марказий ва Жанубий Америка ва Шарқий Европанинг ярим ороллари ёритиб берилган. Биз ўзимизга популатция яъни аҳоли қандай қилиб куртак ёйди ва буларнинг кўплари ривожланди деб савол берамиз.

5.4 қисмида эса охирги 500 йиллар океан атрофидаги мамлакатлар маркази, Европадаги ҳолат ва қандай қилиб ривожланиши баён қилинган. 5.5 қисмда эса истиқболдаги жараёнга эътибор қаратамиз. Биз Шимолий Американи биламиз ва унга Европача таъсир ёритамиз, яъни Колумбнинг олдида турган вақт ва дунёни тескари томонидан сузиб етиб келиши. Аҳолининг кўпайиб бориши бугунги давримизгача етиб келди.

Инсониятнинг келиб чиқиши

Бу саволга қуйидагича яъни уч қисмга бўлиб ўрганамиз. Қаерда инсонларнинг гуруҳи тарқалган, қаерда қишлоқ хўжалигининг янгиланиш марказлари жойлашган. Қаерда ва қайси ҳолат ривожланишидан сўнг шаҳар маданияти кириб келди. Бу савол тарихона йўналтирилган. Ҳозирги инсоният билим кўлами бу саволга қуйидагича жавоб беради. Биз бундан 4,5 миллиард олдин ер пайдо бўлган деган тахмин қиламиз. Биринчи ҳаёт тарзи турли хил бактериялар, денгиз ости ўсимликлари 3.8 миллиард олдин пайдо бўлган. Қайси вақтдан бошлаб скелет қолдиқлари турли хил суякларни инсон скелети деб археологлар томонидан исбот қилинган. Замонавий инсон аجدодини 5-8 миллион йил илгари ҳайвондан ажратишган. Турли хил бир - бирига ўхшайдиган турни вақт ўтган сари яъни 3,5 миллион йил олдин аниқлашган. Оддий бир ўхшатишни бериш учун биз бундан 4,5 миллиард илгари библия 7 кунини тенг қўямиз. Бу пайтда Ҳоминиден еттинчи куннинг пешинида чорак вақтда ҳаёт сахнасига кириб келган. Ҳомо сапинис

деган тур 100000 йиллардаги пайдо бўлган. Бизнинг таққослашимиз 7 кун пешин 13 секундни яратдик. Бу мураккаб келиб чиқишни қисман тушуниш мумкин. ДНА ўқитилиши шимпанзе ва горилла келиб чиқиши молекулар фарқнинг айланаси молекулар вақт сифатида фойдаланамиз. Вақт тежаш мақсадида икки шажарани ажралишини 3-8 миллион йилларга қайтаради. Бу ажралиш ривожланиш тарихининг боши ҳисобланади. Қазимша ишлари одам қолдиқлар мураккаб ривожланишини кўрсатади. Бунда ҳар турдагиларни аниқлаш мумкин.

5.2 қисм шажара ривожланиши. Ҳар бир Ҳомо инсоният тури скелет қолдиқлари орқали ҳар хил турларини аниқлашган. Масалан, Ҳомо Рудолф инсоният тури скелетларини шарқий африкадаги Лаки Рудолф деган жойдан қазиб олинган. Тўлиқ ривожланмаган ва инсоний хусусият ҳали ҳануз тўлиқ ўрганилмаган. Инсоннинг ривожланишини гўёки биз кўтариладиган нарвонга ўхшатиш мумкин. Бунда ҳар бир ривожланиш қатлами ўзига хос хусусиятга эга ҳамда ўзгарувчан. Замонавий одам ўз ўзидан кўриниб турибдики, биз ўхшатган нарвоннинг энг юқори зинаси ҳисобланади.

5.2 схемада тасвирланишида энг сўнги топилма бир неча жойдан қазиб олиниб, бир бирига жамланганлигини кўрсатиб бермоқда. Ҳар хил одамнинг ривожланиши параллел бўлган. Схемадан кўриниб турибдики, одам ривожланиши нарвондан кўра бутазорга кўпроқ ўхшайди. Кейинги одам ривожланиш босқичи асосиз қолмоқда. 5.3 схемада тасвирланишича замонавий одамнинг географик келиб чиқиши икки қарама қарши фикрдан иборат. Халқаро регионал ва қандилли қарашлар Ҳомо сапинис одамини дунёнинг учта қитъасида барабар учраши мумкинлиги ғоясини илгари суради. (Африка, Европа ва Осиё). Бу фикрга қарши яна бир фикр борки, унга кўра замонавий одам Африкадан ва бутун дунёга миграция орқали тарқалган. Замонавий одамлар 25000 ёки 30000 йил илгари бутун дунёга тарқалганлиги аниқдир. Бу вақт мобайнида албатта Осиё қуруқликлари ва малайликлар ороллар группаси ерларини тўлиқ эгалашга улгурган бўлиши ҳам керак. Австралияга одамларнинг етиб келишлигини аниқлаш учун ушбу қитъада замонавий тадқиқотлар олиб бориш лозимдир. Одамларнинг бу қитъага етиб келишлиги 60 000 йиллар илгари бўлиши ҳам мумкин.

Саволларнинг жойлашуви

Одамнинг бирон бир жойдан келиб чиққанлигининг аниқланиши турли хил археологик баҳсларга сабаб бўлмоқда. Бизнинг ўтмишимиз янги ва эски дунёга бориб тақалиши

янги археологик топилмалар орқали аниқланмоқда. (5.4 схемасига қаранг) Замонавий тадқиқотларнинг аниқланишича одамларнинг келиб чиқиш жойи Тропик Африка, яъни Шарқий Африка бўлиши мумкин. Осиё эса нафақат иккинчи, балки биринчи келиб чиқиш жойи ҳам бўлиши мумкин, лекин Европа бу борада олдинга чиқа олмайди. Биз ривожланишнинг биологик ва генетик марказларини (хайвонот ванаботот дунёси) ва маданий марказларини (масалан қишлоқ ёки шаҳарларда яшаш шароитлари) тасвирлаб бериш учун Ҳерд (Ўчок) атамасини қўллаймиз.

Одамларнинг уч авлоди, монголлар негроид ва кавказликлар – бир хил вақтда дунёга келган бўлишлари керак.

Музлик даврининг охириларида (яъни милоддан аввалги 25000 йил олдин) ер юзининг деярли ҳамма жойида Антрактидадан ташқари кўчган бўлиши керак. 5.4 схеманинг кўрсатишича одамлар кўчишини кўрсатади. Одамларнинг денгиз йўллари бўйлаб кўчиши уларда муаммолар туғдирган ва шунинг учун ҳам улар ороллар халқаси бўйлаб кўчган. Қўллар музлик даврларида ҳам мавжуд бўлган, улар асосий музлик даврларида ва бутун ер юзи муз парчалари ва океанларга ғарқ бўлганда, одамларнинг кўчиш йўлаги вазифасини ўтаган. Шубҳасиз бу вақтда Беринг бўғози Аляска ва Сибир ер йўлаги орқали бир бири билан боғланган. 5.4 схемсида тасвирланган маршрут шунчаки илгари сурилган бўлиши ва уни қайта аниқлашимиз лозимлигини таъкидлашимиз даркор, чунки янги генетик ишоралар топилиши мумкин. Бизнинг фикримизча Ғарбий Европа, Жанубий Африка, Австралия ва Осиё охириги нуқталар, яъни одамлар кўчиш йўллари охириги нуқталари бўлиши мумкин. Америка қитъаси эса Шарқий Осиёдан кейинги ўринда эгалланган бўлиши мумкин. Одамларнинг тоғ йўли бўйлаб кўчиш йўллари 5.5 схемада кўришимиз мумкин. Дунёда кўпгина кичик ва узоқ ороллар энг биринчилардан бўлиб эгалланган бўлиши керак. 5.6 схемасида кўрсатилишича одамлар асосан тинч океани оролларида тарқалган деган хулосага келиш мумкин. С14 санани ўрганиш методининг аниқлашича, одамларнинг тарқалиш просесси 3000 йиллар, яъни милоддан аввалги 1500 ва милоддан кейинги 1500 йилликгача давом этган. Масалан, Гавайи оролларидаги биринчи қишлоқлар милоддан кейинги 600 йилларга тўғри келади. Балки, Маркиз оролининг биринчи одамлари Таити оролларига милоддан кейинги 1200 йилларга келиб қолгандир. Европа тадқиқотларнинг аниқлашича бу кўчиб юриш жараёни 16 асрга келиб батамом тўхтаган. Ороллар фақат мустамлакачилик

тадқиқотларининг фақатгина бир имкониятини тақдим қила олади. Бухақида 5 А “Мустамлакачилик моделлари” бўлимида яқинроқ танишиб чиқиш мумкин. Олдинги даврлардаги дунё аҳолисига баҳо бериш унчалик ҳам аниқ эмас. Агар одамлар овчилар ва йиғиб териб юрувчилардан иборат кичик гуруҳларда жамланиб яшаганликларида эди, биз бундан ва қадимий қишлоқ хўжалигидан келиб чиқиб уларнинг қанчалик зичлашиб яшаганликлари ҳақида айтиб беришимиз мумкин эди.

5А бўлими. Ороллар мустамлакаси моделлари

Дарвин китоби Оригин оф Спиес китоби нашрдан чиққандан сўнг биогеографлар оролларни бошқача ўрганишга қизиқиб бошлашди. Дарвининг Галапагос оролига ташрифидан сўнг ороллар халқаси тадқиқоти бошланди.

6-маъруза.АҲОЛИ ГЕОГРАФИЯСИ

РЕЖА:

- 1.Аҳоли - ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маркази бугуни сифатида.
- 2.Аҳолининг миллий таркиби.
- 3.Аҳолининг кўпайиши. Демографик сиёсат ва унинг моҳияти.
- 4.Миграция ва унга таъсир этувчи омиллар.
- 5.Меҳнат ресурслари ҳақида тушунча.

Калит сўзлар:*Консолидация. Ассимиляция. Оптимум. Банту тил оиласи .*

Аҳоли - жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи. Аҳолисиз ишлаб чиқаришнинг ўзи ҳам, фан ва техниканинг ривожланиши ва мавжудлиги ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу билан бирга аҳоли саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг, транспортнинг ва хизмат курсатиш соҳаси хилма-хил тарларининг асосий истеъмолсидир. Шу сабабли аҳолининг сони ҳар бир мамлакат учун муҳим омил ҳисобланади.

Хозирги ривожланган жамиятда кишиларда хилма-хил моддий ва маънавий неъматларга, маиший хизматларга эҳтиёж пайдо бўлади. Индивидуал истеъмолчининг эҳтиёжларини бевосита кондирадиган ҳар қандай меҳнат - маиший хизматга киради. Хизмат соҳаси-меҳнат сарфаланадиган мустақил объект истеъмол килинадиган

маънавий неъматларнинг манбаларидан биридир. Турли тармоқлар оркали моддий неъматлар (чакана савдо, умумий овқатланиш, маиший хизматлар тизими оркали) ва маънавий неъматлар (томоша муассасалари, клублар, китоб савдоси, радио ва телевидение, музейлар ва бошқалар) олади. Бундан ташқари маиший хизмат, турли хизматларнинг хилма-хил кўринишларини келтириб чиқаради-ки, буларни моддий неъматларга ҳам, маънавий неъматларга ҳам киритиб бўлмайди: тиббий хизмат, шахсий гигиена, корхоналар ва бошқалар. Бугунги кунда, эратосфен ва Птолемей баъзан географлар сифатида тасвирланади, лекин эратосфен шоир ва спортчи, шунингдек математика ва астрономия бўйича ёзувчи сифатида, Птолемей эса мусиқа ўрганиб, оптика бўйича ва энг яхши бир астроном сифатида танилган эди.

Мегастхенес (Милоддан аввалги с 350 -. 290), Ҳиндистонга саёҳат (с.320 авв) экспедитсия қилди ава Индика ёзди, Апамия Посидониус (милл 135-51) Гаутидга саёҳат қилди ва у ҳақида ёзди.

Бир асосий қадимий манба сифатида ", кашфиёт даврида" Греklar, Биз Италия ва Франсияни номладик, Гретианиянинг Форс истилоси юнон муштамлакачилик ва Ҳиндистоннинг Буюк Искандар томонидан ишғоли келтирилган. Юнонлар учун, „Барбариян,, дунёсида нимани каш қилинди, Греklar барбариянлардек бўлмаган дейилади, халқ сифатида юнонлар тўлиқ инсон сифатида шаклланмаган чунки тўғри гапира олмасдилар.

Бу тушунчага юнонлар ва Массабееcнинг китобининг муаллиф томонидан юнонча яҳудий ёзишга ўзлари қарши бўлишди. Қадимги Яқин Шарқ халқларида - мисол сифатида, Филистлар, Канъон ва бобилликлар – йилда шунга ўхшаш йўл (Момиглиано 1975, Груен 2000) корсатилади.

The Wiley-Blackwell Companion to Human Geography (13-20 pages)

Шахсий эҳтиёж учун сарф бўлган ялпи харажалари ичида ва бинобарин ялпи даромаднинг сарфланишида хизматлар улиши дунда ривожланган мамлакатларда тобора ортиб бормокда ва бу жарайон келажакда яна давом этади. Ҳамдустлик давлатларида бу улиш 30-34%ни ташкил этади (бу пуллик хизмат курсатиш, шунингдек пулсиз, яъний ижтимоий истеъмол фондалари ҳисобидаги хизматлар ҳам киради).

Аҳоли ижтимоий ишлаб чиқариш марказий бугун эканлиги, ибтидодий жамоа, шунингдек, кулдорлик ва феодал тизимида ҳам шакллана бошлаган, лекин бу даврда саёрамиз аҳолиси жуда секинлик билан купайган, бунга асосий сабаб инсоннинг табиатга жуда қарам бўлганлиги, ишлаб чиқариш даражасининг пастлиги, тез-тез бўлиб турган урушлар, юкумли касалликлар ва очарчилик сабаб бўлган. Шунга қарамай аҳоли ижтимоий ишлаб чиқаришда жадал иштирок этган курашган ва ҳозирги кунда ҳам бу жараён давом этмоқда.

Бугунги кунда, "Мен географман" ибораси профессионал ва академик сўзлардан ташкил топган. Ушбу бобда, бошқа томондан эса баъзан бажарилган ишлар билан боғлиқ бўлган ҳолда "География географларсиз" (1967 Мигуел - 1980, вол.1: 191) ёки "география олдин география" (1995 Стасзак) деб ҳам номланган. Мавзу тенг даражада яхши, деб таъриф бериш мумкин, шунингдек "антропологиядан олдин антропология" (Либерсохн 2008) ёки "этнография этнографларсиз" ёки тарихнинг чегараларида, саёҳат ва ҳикоя, Роммдан ёзиш каби (1992), ёзувчи Одиссейдан "Сер Жон МанDEVилле," болиш таклифи шунингдек Давид Ловентхал ҳам "географияларнинг ақли" деб атаган. Бошқача сўз билан айтганда, бу бобда ернинг турли халқлари ундаги йўлларга қаратилган идроклари шунингдек 1500 йил олдинги буюк тасаввур ва қарашлар, XIX-XX асрлардаги интеллектуал ва илмий меҳнатлари акс эттирилган.

Бу икки муҳим қарама қарши ҳавфли фараз: бир тарафдан, ўн тўққизинчи асрда бошланган икки қарама-қарши ҳавфнинг олдини олиш учун географик фикр ва география асоси билан университетлардаги ва бошқа идоралар муҳим аҳамиятга эга бўлган, бошқа томондан кейинчалик керакли фикрларни қидириш, ишланмаларнинг ўрнига масалан, "замонавий географиянинг негизи" (Безлей 1897)нинг, олдинги ёзувчилар ўзларининг даврида контекстида улар истаган ва хоҳлаган, шунингдек оз ҳаракатларини контекста жойлаштириш сўралган (Инсон географияси, chapter 2, *Петер Буркефор Давид Ловентхал* пжд 11-16 pages).

Ер қуррасида аҳоли ниятда нотекис жойлашган. Аҳоли ҳудудий жиҳатдан тупланган 3 та асосий ареални ажратиш мумкин. Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий-Осиё ареаллари. Бу ареаллардаги мамлакатларда аҳолининг уртача зичлиги 1 км²да одатда 100 кишидан ортади. Баъзи жойларда эса 1000-1500 кишига этади ва ундан ҳам

ортади. Аҳолининг бундай зичлигига бу эрда кишиларнинг энг кадимдан яшаши, кўп меҳнат талаб қилувчи интенсив обукур дехкончиликнинг тарихий таркиб топганлиги ва шунингдек, аҳолининг табиий купайиш хусусиятлари сабаб бўлган ва аҳолининг миллий таркибини вужудга келтирган. Кишиларда маълум табиий шароитда узоқ тарихий тараққиёт тил, Ўзаро психологик кайфият, ҳўжалик юритиш шакли ва маънавий-маданий белгилари ҳосил бўлади. Бу белгилар мажмуасини кишиларнинг этник белгилари дейилади. Кишиларнинг этник белгилари, аҳоли сонини усиши, ҳудудий жойланиши, жинсий ва эш таркиби ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришда катнашиш даражасига таъсир қилади. Кишилардаги этник белгилар, «**Консолидация**» ва «**Ассимиляция**» таъсирида узгариб боради.

Консолидация - моддий ва маънавий турмуш тарзларини Ўзаро яқин бўлган кишилар гуруҳларини аралашиб кетиши натижасида учинчи бир ҳаклни пайдо булиш жараенидир. Консолидация жараенига Шаркий славян ҳакларини ўзаро аралашиши натижасида русларни, Марказий Осиёда эса маҳаллий турк қабилалари билан **Мўғул** халқларини аралашиши натижасида киргиз халқларини пайдо бўлиши. Шимолий Америкада маҳаллий қабилалар билан келгинди кишиларнинг аралашув натижасида Америка халқи пайдо бўлган. Шунини таъкидлаш керак-ки, аралашув натижасида вужудга келган халқлар аввалга халқларни тилини, урф-одатини ва бошқа этник белгиларини ривожлантириб боради.

Ассимиляция - бу оз сонли халқ томонидан, кўп сонли халқларни тили, урф-одати, маданияти ва бошқа этник белгиларини қабул қилиб, узларининг этник белгиларини унутиб юбориш жараенидир. Кишилардаги этник белгиларни шаклланишига ижтимоий ва иқтисодий омиллар ҳам Ўз таъсирини курсатади.

Ер шари аҳолиси қуйидаги тил оилаларига мансуб:

1. **Урал тил оиласи** - Россияни эвропа қисмлари ва Сибир халқлар қиради.
2. **Олтой тил оиласи** - Турклар, мугиллар, яъни Урта Осиё, Қирғистон, Қозогистон, Ўзбекистон, Туркменистон қаби давлат халқларини Ўз ичига олади.
3. **Хитой-Тибет тил оиласи** - Шаркий ва Жанубий Осиё халқлари қиради.
4. **Малазия тил оиласи** - Хинд ва тинч океанидаги халқлари қиради.
5. **Дравид тилоиласи** - Хиндистон халқлари.

6. **Монкхмер тил оиласи** - Хинди-Хитой мамлакатлари халқлари гаплашади.
7. **Семит. ҳамит тил оиласи** - Жанубий-Гарбий Осиё ва Африка, шимолий араб халқлари сузлашади.
8. **Банту тил оиласи** - Африканинг жанубий халқлари гаплашади.

Бунданташқари аҳолини эш таркиби, жинсий таркиби, ижтимоий таркиби мавжуд. Аҳолининг эш таркиби аниқлаш мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларини ташкил этишда меҳнат ресурслари ва нафакахурларни сонини аниқлашда истеъмол ва бошқа халқ-хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳимдир.

Аҳоли сонининг усиш суръатлари аввало унинг табиий купайиши хусусиятларига боғлиқдир. Аҳолининг табиий усишининг курсаткичлари турли мамлакатларда бири-бирдан жуда катта фарқ қилади. Шунга карамай аҳоли табиий купайишини икки асосий типга ажратиш мумкин.

Yunonlarning turlixalqlarining qarashlarivafikr konsentratlar haqidayettimash hurtarixi yozuvchilardan ,tortta Greklarvauchta Rimliklardan keltirilgan : Gerodot, Gippokrat, Aristotel, Strabon, Qaysar, Tatsitva Ammianus Marcellinus. (Инсон географияси, chapter 2, *Петер Буркефор Давид Ловентхал* пжд 17-page).

Аҳоли купайишининг биринчи типи. Европа ва Шимолий Американинг ривожланган мамлакатлари учун хосдир. Бу тип ижтимоий-иқтисодий шароитлари тамомила бошқача бўлишига карамай, Россияда ҳам асосий урин тутати. Аҳоли табиий купайишининг биринчи типи учун туғилишнинг урта ва паст курсаткичлари хос бўлиб, бу курсаткичлар купчилик ҳолларда бундан буен янада пасайиб бормокда. Туғилишнинг камайишига шаҳар аҳолисининг тез ортиши (шаҳарларда туғилиш паст, одатда қишлоқ жойлардагидан анча кам бўлади) хатто энг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам бу жараёни кузатиш мумкин.

Бу гурпуадаги мамлакатларда туғилиш жуда паст даражада стабиллашиб бормокда. Натижада ушбу давлатларда аҳолининг табиий купайиши ҳар 1000 кишига, одатда 2-5% атрофида, буни қуйидаги жадвалдан кураимиз.

Аҳоли купайишининг биринчи типи учун ҳозирги вақтда купайишнинг камайиб бораётганлиги ёки ҳеч булмаганда стабиллашаётганлиги (тургунлашаётганлиги)

хосдир. Бу мамлакатларнинг ҳозирги вақтда тугилишнинг ва табиий купайишни рағбатлантиришга қаратилган демографик сиёсат олиб борилмокда.

Аҳоли купайишининг иккинчи типи - Осиё, Африка ва Латин Америкаси Марказий Осиё мамлакатларида намоён бўлмокда. Бу тип учун даставвал тугилишнинг жуда юқорилиги хосдир. Ушбу давлатларда аҳоли уртасидаги табиий купайиш коэффициентлари ҳар 1000 киши ҳисобига 22-25%га тенг.

Шунингдек табиий купайишга қуйидаги омиллар кўпроқ таъсир этади:

- хотин-кизлар билан эркаклар сони уртасидаги нисбат, яъни аҳолининг жинсий таркиби;
- турмуш қуриш ёшини эрта ва кечлиги, айниқса кизларнинг эрта турмушга чиқиши;
- тиббий хизматни ривожланиши ва ундан фойдаланиш даражаси;
- хотин-кизларни ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашиш даражаси;
- хотин-кизларнинг жамиятда тутган урни ва уларнинг ҳуқуқлари;
- турли урушлар;
- шаҳарча яшаш тарзи;
- мамлакатда табиий купайишни рағбатлантириш бўйича чора ва тадбирлар;
- аҳолининг билим ва малака даражаси.

Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги аксарият мамлакатларда кейинги йилларда медицина хизмати яхшилаш натижасида улимни, айниқса юкумли касалликларнинг улишини камайтиришга эришилди. Демографик «портлаш»га сабаб бўлган аҳоли сонининг купайиш суръатнинг тез усиши аҳоли купайишининг айнан иккинчи типдаги мамлакатлар учун хосдир. Бутун жаҳон аҳолисининг 4/5 қисмидан ортиқроғи ҳозирги вақтда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларига тўғри келади. Масалан, Хиндистонда аҳоли сони ҳар йили 13-14 млн. кишига қулаймокда. Бу миқдор бутун Австралия аҳолисига деярли тенгдир. Ривожланаётган мамлакатларнинг қулайлигида тугилишни ва табиий купайишни камайтиришга қаратилган фаол демографик сиёсат юргизилмокда.

Бозор иқтисодиети ривожланаётган қатор мамлакатларда аҳолини тез суратлар билан узишнинг олдини олиш чоралари кулланилмоқда. Бунга Хитой, Хиндистон каби давлатлар мисол бўла олади.

Ўзбекистондаги демографик сиёсатнинг моҳияти она ва болани ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳолини сифат кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган. Бинобарин, 2000 йилнинг «Соғлом авлод» ва 2001 йилни эса «Оналар ва болалар» йили деб эълон қилиниши бу фикримизнинг далили ҳисобланади.

«Аҳоли миграцияси» аҳолининг турар жойини ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчишининг ҳилма ҳил шакллари ўз ичига олади. Ташқи миграциялар аҳоли сони ва динамикасига деярли таъсир кўрсатмайди. Аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши натижасида аҳоли зичлиги, унинг кўпайиш кўрсаткичлари, эш таркиби, аҳоли кўчиб кетадиган ва қоладиган районлардаги демографик вазият ўзгаради.

Аҳоли миграцияси маълум бир ҳудудни аҳолисининг сони жинсий, эш, миллий, ижтимоий таркиби бошқа ҳолатларни ўзгартириб юборади. Шунинг учун иқтисодиётда аҳоли миграциясига катта эътибор берилади. Аҳолининг маятниксимон ҳаракати ҳам мавжуд, аҳолининг - маятниксимон ҳаракати деганда кишиларни яшаш жойдан иш жойига ўқишга турли юмушларга кундалик ҳаракати тушинилади. Шунингдек, аҳоли миграциясида жадаллик (интенсив) ва ўтқоқлик коэффициентларини аниқлаш муҳимдир.

Аҳолини ўзиш ҳақида турли назариялар мавжуд жумладан аҳоли сони ҳақида «**оптимум**» назарияси, бунда аҳоли сонининг ўзиш, ишлаб чиқариш қўлларини ривожланиш даражаси билан тенглаштириш ҳолатлари олдинга сурилади, айниқса, аҳолини ўзиш ҳақида, инглиз иқтисодчиси **Томас Роберт Мальтус** назарияси муҳим роль ўйнайди.

18-аср охири 19-аср бошларида Англия саноатида машинасозлик юз бера бошлади қатор завод ва фабрикалар қўлок манафактурадан машина технологиясига ўтди, натижада завод ва фабрикаларда ишчи қўлларнинг қисқартириш ҳолати юз беради бу эса ишсизлар армиясини пайдо бўлишига олиб қелади. Ишсизлар турли ишташлар,

фабрика завод эгаларига ва давлатга карши намоишлар ташкил этади. Ана шу вақтда машхур инглиз иқтисодчиси Мальтус «Аҳолишунослик қонуни хакида тажриба» деган асарини чоп этирди.

Т.Мальтус бу асарида Англия саноат ишлаб чиқаришда пайдо бўлган ишсизлар армиясини аҳоли сонининг тез усиши билан боғлайди. Аҳоли сонининг тез усишини олдини олиш учун турмуш қуриш ёшини кечиктириш ва турли урушларни бўлиб туриши муқарарлигини таъкидлайди. Аҳоли сонинг усиши геометрик прогрессия асосида ва аҳолига истёмолат моллари ишлаб чиқариш эса математик прогрессия асосида ривожланишни таъкидлайди. Агар аҳоли сонининг усишни олди олинмаса, ишсизлар армияси пайдо бўлиши билан бирга, атроф муҳитни ифлосланишни таъкидлайди.

Т.Мальтусни бу ғоясини икки томонлама таҳлил этмоқ лозим, яъни ҳар бир мамлакатда жамият таракқиётини оқилона ривожланиши учун аҳоли сонининг усиши билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, аҳоли ортиқчалиги ҳолати юзага келади, шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда бозор иқтисодиёти ривожланаётган қатор мамлакатларда аҳолини тез суратлар билан усишини олдини олиш чоралари қулланилмоқда. Бунга Хитой, Хиндистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари мисол бўла олади.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли эки «меҳнат ресурслари» икки мураккаб системани - аҳоли билан ишлаб чиқаришни бир бутун қилиб бирлаштиради. Меҳнат ресурслари - бу жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим компоненти. Меҳнат ресурсларининг сони, динамикаси, малакавий тайёргарлиги ва ҳудудий жойлашиши бутун мамлакат миқёсида ва аиникса минтакалар доирасида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил этилишига катта таъсир қурсатади. Халқ хўжалигида аҳоли бандлигига эришиш учун, кадрлар таъриш уларни ишлаб чиқариш тармоқлари ва айрим ҳудудлар уртасида қайта тақсимлашга қаратилган давлат сиёсати юргизишни тақазо этади. Бу эса аҳоли тарқиб ва географиясида ўз аксини топади.

Ривожланган мамлакатларда хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришга қатнаши ва кенг қатнаши таъминлаш натижасида иқтисодий актив аҳолининг қисми 45-50%ни қамраб, бундан ҳам ортиқча ташкил этади. Иқтисодий актив аҳоли қисми Қарғий

эвропа, Шимолий Американинг ривожланаётган мамлакатларида, Австралияда 40-45%ни, Осиё Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида 30-40%ни ташкил этади. Ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришда банд кишилар салмогининг кичиклигига доимий ишсизлар армияси - "Ортиқча ишсизлар" деб аталувчи кишиларнинг мавжудлиги, Осиё Африка ва Латин Америкаси мамлакатларида эса, ишсизларнинг мавжудлигидан ташқари, иқтисодиётнинг умуман суст ривожланганлиги, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда кам иштироки, кичик эшдагиларнинг купчилиги ташкил этиши сабабдир.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли бўлган 16 эшдан 59 эшгача эркеклар, 16 эшдан 54 эшгача бўлган аёллар, ҳамда ижтимоий фойдали меҳнатда банд бўлган нафақахурлар (ёши ёки ногиронлиги бўйича нафақага чиққанлар) ва 14-16 эшгача бўлган имтиёзли шароитларда меҳнат қилаётган ўсмирлар меҳнат ресурсларига киради. Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 47%ни меҳнат ресурслари ташкил этади. Бу эса Ўзбекистонда меҳнат ресурслари потенциалининг юқорилигидан далолат беради.

Меҳнат ресурслари - бу фақат потенциал ишчи кучи бўлиб, бу кучдан жамият ўз имкониятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турли даражада ҳар томонлама ва самарадорлик билан фойдаланиши мумкин. Меҳнат ресурсларини бошқариш, уларнинг таркиб топиши ва улардан фойдаланиш жараёнлари ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

қишлоқ хўжалигида банд аҳоли салмогининг камайиши саноатда (тахминан 1г5 қисм) ва моддий бойлик ишлаб чиқарувчи бошқа тармоқларда банд аҳоли салмогининг ошиши билан копланиб бормокда. Бироқ фан-техника тараққиёти ривожланиб бораётган даврда моддий бойлик ишлаб чиқармайдиган тармоқларда банд аҳоли салмоги янада тезроқ ўсиб боради. Умуман бу прогрессив тенденциядир.

7-март.Маданий макон(маданият географияси)

Режа:

1. Маданият: бир қанча салбий хулосалар (212 бет)
2. Маданият: бир қанча ижобийхулосалар(213 бет)
3. Ю.Хукслей модели(212 бет)

4. Тил географияси (215)
5. Тилларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши (217)
6. Жойлардаги ўзгаришлар (218)
7. Динлар географияси.

***Таянч иборалар:** Маданий машғулотлар. Генетик дрейф. Генетик . Социофактлар .Артефактлар . Ментифактлар.Эътиқод географияси.Амишлар.Пенсилванча .Дутч.Муқаддас география .Ландшафт.*

1. Маданият: бир қанча салбий хулосалар.

Номаданий (Маданият га боғлиқ бўлмаган) нарсаларни аниқлашни бошлаймиз. Биринчидан (Авваламбор), маданият фақатгина санъаткорона фаолиятга бўлган қизиқиш эмас. Муסיкий, адабий, бадий фаолиятни (машғулотни) тарифлаш учун “маданий машғулотлар” термини ишлатилишига қарамай, “Маданият” тушунчасининг махсус қўлланиши жудаям тор маънога эга. Агар бундай машғулотлар (фаолиятлар) ёрқин ифодаланган намуналарни ва маълум маданий соҳанинг ўзига хосликларини - мисол учун: Швеция муסיкий асбобининг (алпгорн) қўлланилиши Бавария ва Австрия аҳолисигача тарқалиб кетишини кўрсатиб беролганида ҳам – “Маданият” тушунчаси бизнинг мақсадимиз учун жуда тор маънода бўлиб қолаверади. Иккинчидан, “Маданият ” насл (келиб чиқиши) ни ҳам англамайди. Насл айнан бир авлоднинг маълум бир белгилари орқали фарқланадиган аъзоларини таснифлашга оид биологик тушунчадир. Инсонлар умумий хромасомалар сони 46 та бўлган наслдир ва миллиардлаб аъзолар ўртасида жуфтлашиш орқали кўпайиши мумкин. Шунга қарамай инсонларнинг специфик биологик фарқланиши ўз-ўзидан аниқ подгруппага бўлинади (5.1 бўлимга қара). Бундай фарқлар а) ташқи қиёфадаги тафовутдан (мисол учун, тери пигментларида, бош шаклида, соч турларида, кўз очилишида) то б)ички белгилардаги тафовутгача (мисол учун, қон группаси) кўрсатади. Топширилган қон гуруҳлари гуруҳ фарқлашда муҳим кўрсатма бўла олади. Жанубий Франция ва шимолий Италия баск аҳолисининг кўпчилиги Европанинг қолган катта қисмидаги аҳолисига қараганда резус манфий қон гуруҳига эга экан. Бошқа тарафдан эса қон гуруҳидаги манфий резусфактор европаликларга хосдир, осиеликлар, африкаликлар ва индияликлар ўртасида камдан

кам учрайди. Насл фаркланишининг бундай кўриниши шубҳасиз узоқ вақт изоляцияланганлиги билан қайд этилади, уларда авлоддан авлодга ўтувчи генетик вариациялар ҳосил бўлган. Бу фараз фазовий(узоқ вақт ўтиши) бўлиниш орқали маълум генетик шартли касалликларни тасдиқлашини кўрсатади. Бу касалликларнинг бир қанчаси маҳаллий чегараланган: Куру- асаб тизимининг бузилиши, ҳозиргача фақат шарқий **нойгуенанинг** қадим аҳолиси ўртасида машҳурдир. Бошқа касалликлар муайян қитъалараро тарқалади. **Зихелцеллен** анимияси –яъни қон тўқималаридаги нуқсон (**дефект**) Африкада , Сахаранинг жанубида кенг тарқалган, бундан ташқари Индиядан Индонезияга келган.

Генетик дрейф маълум муҳит шароитида группаларнинг узоқ вақт реакциясини ифодалайдими йўқми ҳеч ким аниқ билмайди. Бир қанча фарқлар эса медицина жиҳатидан асосланган- мисол учун, қора ва оқ ўртасидаги терлаш бўйича фарқи, яъни ёмон об-ҳавода эскимосларнинг тери ҳарорати нормалдан юқорироқ бўлиши сабабини, ва австралия туб аҳолисининг модда алмашинувининг тун давомида секинлашишини, бунга тунги паст ҳарорат имконият яратишини мисол тариқасида келтириш мумкин. Турли инсонларда учрайдиган кўптомонлама ғайриоддий қобилятларидан генетик мослашув ҳоллари ажралиб туради. Яъни, яшаш тарзидаги нарсалардан фойдаланиш, соябондан ва чарм нимчадан то фазогирнинг ойга учишда киядиган киймигача, ҳар қандай ноқулай шароитгача мослашишни кўрсатади.

2. Маданият: бир қанча ижобий хулосалар.

Маданият географияси хуманогеографиясидан келиб чиққан ўзига хос бир бўлим соҳасидир. Маданиятни аниқ ва ижобий тарифлаш учун маданият географиясидан то ҳозирги вақтгача кузатилган ўзгаришларни ўрганилади.

Биз уларни тушунчаларини эҳтимол шундай хулосалармиз: Маданият -инсоний муносабатлардан яъни, бир авлоднинг бошқа авлодга ёки группага бўлган фикрлари ва тасаввурлари ёрдамида ҳосил бўлган ўзгармас шаблон (андозалар)дан ўрганилган намуналарни ифодалайди.

Бу таъриф бошқа 3 та нуқтаи назарни келтириб чиқаради:

➤ -Биринчидан кўчиш биологик йўл билан содир бўлмайди. Агар янги туғилган чақалоқ турлича маданиятга эга бўлган ҳар ҳил группаларда яшаса, турлича ўзига хос маданият билан ўсади.

➤ -Иккинчидан асосий куч табиатдаги маданий кўчишдир, бунда тил муҳим рол ўйнайди.(бу ерда; ғавқулодда информациялар қабул қилиш,ҳаёт йиллари давомида ўзлаштирилган тилдаги ва муносабатдаги одатлар назарда тутилмоқда)

➤ -учинчидан маданият - комплекслик ва барқарорлик (ўзгармаслик)ка эга, улар мавжудотлардан ўрганилган муносабатлардан фарқ қилади.

Инсоний маданиятлар ва уларнинг комплекслик хилма хиллиги ажойибдир. Клауди Леви Страусс каби антрополог тадқиқотчи олимлар қандайдур “оддий” маданият мавжуд бўлганлигини аллақачон хулосалаб бўлганлар.

Ҳаттоки энг кичик ва содда маданий гуруҳларда ҳам (мисол учун амазонкадаги кичик овчилар қабиласида ёки микроқишлоқ аҳолисида)катта миқдордаги маданий билимлар ўзлаштирилган. Энг содда жамиятда катта бўлган бола ҳам маданий мозаиканинг миллионлаб парчаларини берилган вақт давомида секинлик билан ўзлаштириб боради ва шу даврлар давомида кейинги авлодга тарқатилиб борилади. Шунинг қайд этишимиз жойизки, а) бундай топшириқлар формальный(расмий) тарбия системаларига боғлиқ эмас (бу ерда мактаб таълими назарда тутилган), б)топшириқлар жараёни ҳар доим ҳам тўлиқ эмас. Шундай қилиб бир группанинг маданий бойликлари ҳар доим яқка индивиднинг маданий бойликларидан кўп қарра каттароқ ҳажмда бўлган. Ҳаёти давомида ўқув жараёнидан кўпроқ билим олган Гарвард профессори ва қишлоқнинг кекса оқсоқоли ҳам, маданият доирасининг “генетик” кодини бирор марта аниқлашаолмаган, у мос равишда ҳаммага тегишли.

3. Хукслей модели

Агар маданият шундай комплекс ва ҳамма нарсани ўз ичига қамраб олувчи нарса бўлса, мутлақ умидлардан ва содда, ўхшаш молекуляр бирликлардан иборат бўлса, уларни биз ўрганаолаемизми, тушунаолаемизми? Маданиятни категориялашнинг оддий йўллари билан бири инглиз биолог Юуллиан Хукслей томонидан таклиф этилган. Бу маданий Эволюция билан биологик эволюцияни таққослашдир. Хукслей модели 3 та

компонентдан иборат: Ментифакт, Социофакт ва Артефактлар.(7.2 тасвирга қара). *Ментифактлар* маданиятнинг аҳамиятли ва унутилмас элементларидир. Бу элементларга дин, тил, магия, халқшунослик, бадиий анъаналар киради. Они в принципе абстрактная и духовная природа. Улар инсон қобилиятига мансуб тафаккур ва ғояларни ривожлантиради ва маданиятнинг бошқа аспекталарини ўлчовчи идеаллар ва тасаввурларни шакллантиради. *Социофактлар* индивидлар ва группалар ўртасида учрайдиган алоқалар элементларини ҳосилқилади. Улар индивидуал планда оилавий структурани, яъни, кўпайиш ва сексуал (**жинсий**) муносабатлар ва болалар тарбиясини ўз ичига олади. Ўта юқори планда улар сиёсий ва тарбия тизимини ўз ичига олади. *Артефактлар* маданиятнинг моддий кўринишидир. “Маданий факт” сифатида ифодаланиб, бунга бир группанинг турар жой, транспорт, озиқ-овқат каби эҳтиёжларини қондирувчи моддий техник ривожланиш аспекталари киради. Ердан ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан фойдаланиш усули ҳам айнан асбоб ва маълум бир қийим кечак формаси каби Артефактлардир. Худди ҳар бир схема каби Хукслей модели ҳам фақат ҳақиқатга яқиндир. Амалиётда эса биз бир томондан чигаллашиб кетган учта компонентларни ва бошқа томондан ечилган арқон учлардек маданият аспекталарини кузатишимиз мумкин.

4. Тил географияси

Маданиятнинг ўзига хос географик кўриниши борми? Бу асосли саволга жавоб бериш учун биз муҳим маданий фарқлардан бирини ажратиб олишимиз керак, -бу тилдир. Бир қатор ифодаланган маънавий, ижтимоий ва моддий мисоллардан факт биттасинигина мисол тарзида кўриб чиқаётганимизни унутмаслигимиз керак. Биз қўяётган саволлар умуман фазовий барқарорлик, тартиб, ўзгаришларга тааллуқлидир. У саволлар эҳтимол бошқа бир китобхонни кўпроқ қизиқтириши мумкин бўлган бошқа бир маданий элементлар таҳлили учун асос яратиши керак.

Тилдаги вариациялар(ўзгариш натижасида юзага келган янги кўриниш)

Тил инсоният маданиятидаги мовжуд алоқа воситасидир. У бир группа аъзоларини бир бирлари билан ўзаро чексиз хабарлашуви имконини беради. Бироқ у бир тил гуруҳи

аъзоларини бошқа тил гуруҳи аъзолари билан ҳеч нарса хабарлашолмасликларига тўсқинлик ҳам қилади.

(216) Бугунги кунда нечта тилда гапирилади деган савол тилни қандай аниқлаймиз деган қисми билан боғлиқдир. 7.1 жадвалда дунёнинг асосий тилларининг тартибланиши кўрсатилган. Агар биз шеваларни аҳамиятсиз қолдирганимиздаям яна 3000 тилда гапирилади. Камида 4000 та тилда бир марта гаплашилган ва ўша вақтларда йўқолиб кетган. Агар биз ўз тил таърифимизни кенгайтирсак ва географик терминлар каби фан терминларини киритсак, унда миқдорини ўлчаб бўлмасди.

Инсонлар сўзлашаётган тиллар сонига кўра жуда оддий таснифланади. Дунё тилларида жуда кўп инсонлар, маҳаллий тилларда эса жуда камчилик гаплашадилар. Дунё тили сифатида инглиз тили тахминан ҳар ўнинчи кишининг она тилисидир ва бошқа кўп кишилар учун иккинчи тил сифатида ифодаланади. Шунингдек, кўпчилик томонидан гапириладиган хиттой тили ўзининг бир қанча диалектлари билан шарқий осийда деярли миллиардлаб инсонлар тилидир. 7.3 графикда (таъсирда) хиндлар субконтинентда (217) гапириладиган тиллар кўрсатилган. Улар энг юқори чўққида турувчи хиттой ва инглиз тиллари каби жаҳон тиллари кетма-кетлигида тахминан ўртадаги ўринни эгаллаган бўларди. Рўйхат охирида эса албатта маҳаллий тиллар турарди. Нойгуениадаги тадқиқотларда бир қанча фарқли тиллар кашф этилган, водийларда бир нечта юз кишилар томонидан 65км² майдонда гаплашилган ва тушунилган. Биринчи 14 та тил дунё аҳолисининг 60% томонидан гапирилган, охириги 500 та тиллар осийнинг олис қисмида, африка, жанубий америка ва австралиянинг миллиондан ортиқ бўлмаган одамлари ўртасида бўлиниб кетган.

5. Тилларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши

Тил мисоли орқали маданият географиясининг иккинчи мавзуси ойдинлашади: Маданият элементларининг келиб чиқиши (боши) ва тарқалиши. Бизнинг саволимиз бу ерда тилларнинг ўзаро муносабатларига тегишли. Бой лингвистик тадқиқотлар бир қанча турли тилларнинг умумий бир илдиздан ривожланганлигини кўрсатади. Шунини мисол қилиш мумкинки, Каюгна, Сенека ва Тускарора каби қўшма штатларнинг шимолида хиндий тиллар умумий бир ирокий илдизда бориб тақалишини, сиокус

тиллар гуруҳи билан лингвистик алоқалар ғарбга бориб тақалишини кўрсатади. Биз ривожланиши ҳақида кўпроқ билган тиллар гуруҳи индоевропа тиллар оиласидир.(7.4 графикка қара). Бу тиллардаги ёзма хужжатларнинг кўплиги асрлар оша тилдаги охишта силжишларни тушунишимиз имкониятини беради. Дунё аҳолисининг ярми бу тилларда гапиришлари бўйича фактларга қарамасдан, улар кўп умумий сўзларга эга. Инглиз тилидаги “mother” немисчадаги “Mutter” сўзи билан яқин қариндош тиллар эканлигини кўрсатади. Шунингдек мутлақ бошқа подгруппадаги сўзларни кўрсак: роман тиллар оиласига мансуб испанчада “madre” ,балтославян тилларидаги русчада “mat”,хинд-эрон группасидаги санскритда “mata”, грекчада эса “meter” .

Қисқа вақт ичидаги ўзгаришларда ички тилларда диалект(шева)ларни кузатиш мумкин, аммо тилларнинг ўзи етарли даражада барқарор(турғун) лигини турли группаларнинг кўчиш тарихида маконларда қолдирган белгилари ёрдамида ифодалаш мумкин. Тилларнинг узоқ узилиб қолиш ҳисобига биров фарқланишини тинч океанидаги Гилберт ва Еллис ороли аҳолисида кўриш мумкин.

6. Жойлардаги ўзгаришлар

Маданий бўлиниш намуналари на жойга на даврга турғун бўлади. Дунё аҳолисининг муносабатлари асосий тилларни нисбатан ўзгартириб юборади, ва уларнинг жойларда мос равишда оммалашини ортади ёки камаяди. Тилларнинг бўлиниши нафақат туғулиш ёки ўлишнинг демографик факторларини ўзгартиради, балки иккитиллиликнинг агрессив (тажаввускорона) тарқалишини ҳам ўзгартиради. Ҳозирги даврда барча шаҳарларда инглиз тилида сўзлашувчи аҳоли қисми ортиб бормокда. 7.5 графикда(тасвирда)нисбатан таъсир қилувчи кучлар ифодаланган. Ферастелунглар орқали йўл топишга ҳаракат қилинг ва тилга оид турли жойлардаги тил ўзгаришларига мисоллар келтиринг. Глобал тилларнинг 219 тарқалиши билан бир вақтда бир қанча кичик тиллар (йўқолиб) ўлиб боради. Ғарбий европанинг келт тиллари тахминан юз йилдан бери француз ёки инглиз тилларининг ер юзида тарқалаётганлигига йўқолиб кетди.Келт тиллари қачонлардир Британия оролларида, Франциянинг бретон ярим оролларида ва Испаниянинг шгимолий ғарбида гаплашилган. Келт тилларидан бири – Cornisch(корн тили) қачонлардир Англиянинг жанубий –ғарбида жуда чекланган. 15 асргача корн тили Корнвал графлигининг катта қисмида гаплашилган, аммо 1600

йилларда ғарбнинг фақат чекка жойларида гаплашилган. Тоғ-кон саноати бу территорияда инглиз тилида гаплашувчи ажнабийлар сонини оширишга сабаб бўлди ва 1800 да корн тили ўлик тилдек бўлиб қолди. Корн тилини эгаллаган охирги одам 1930 йилда вафот этган. Ҳаттоки валис тили каби кучлироқ тиллар ҳам пайдо бўлган ҳудудларида ҳам чекланиб қолди.(7.6 графикка қара).Швецарияда ҳам аҳолисининг 1% кичик элати гаплашадиган ретороман тили ҳам узоқ вақтлардан бери инқирозга учраётганини кузатиш мумкин.(7.7 графикка қара). Германияда немис тили билан бир қаторда бошқа тиллар ҳам ишлатилаётган бир нечта кичик регионлар ҳам бор.(7.В вох “Германиядаги элатлар тили” га қара).

Фақатгина Ирландияда мактабларда миллатларнинг ўзлигини англашни ўқитиш программанинг бир қисми сифатида талаб қилингани учун ирланд тили (галлар ёки ерзе)қайта жонланган тил бўлиб, ўз ўрнини сақлаб қолган.

Албатта биз бундай тенденция(фикр,ғоя)қанчалик барқарор бўлишини ишонч билан айтолмаймиз. Агар бирор тилнинг йўқолиб кетишига таҳдид бўлаётган бўлса, тилни маданий ўзига хосликнинг таркибий қисми сифатида сақлаб қолишга бўлган кучли интилиш ҳам бўлади.

Тилдаги тафовутлар жойдаги тўсиқлар сифатида

Тилдаги ажралиш таъсири ҳудудлар ўртасида тўсиқ ёки филтрлар жойлар учун ўзаро (интерфаол) тайзиқ ўтказади.Бу таъсирлар Канадада ўзининг тафовутлари билан француз тилида сўзлашувчи Кубеслар ва инглиз тилида сўзлашувчи онтариолар ўртасида жуда аниқ кузатилган. Бу ҳолда иккига бўлиниш деярли тўлиқ ҳосил бўлган. Тилларнинг бир –бирига қўшилиб кетган ҳудудлар Оттава водийси ва “лойалистлар” нинг жанубий-ғарбий кубекга кўчишидаги ҳудудларда топилган. Кубек –онтарио чегаралари ажралиш тарзининг бир қанча белгилари шаҳарлар ва улар билан кутилаётган алоқалар (контактлар) ўртасидаги аниқ (ҳақиқий,фактический)кузатувларни таққослаш орқали топилган.(“кутилаётган”алоқалар деганда шаҳар катталиги ва шаҳарлар ўртасидаги маълумотлар(информациялар)алмашинуви бошқарилиши тушинилади). Илмий тадқиқотда Монреал ва атрофида жойлашган шаҳарларнинг алоқалари, шу билан бирга

шаҳарлараро суҳбатли боғланишларининг даврий давомийлиги ўлчанган. Кутилган интеракциялар 7.8 (графикда) тасвирда “аҳоли-масофа-формуласи” кузатилган синовлар қиймати билан бирга тасвирланган. Кубек провинциясидаги бошқа шаҳарлар ва Монреал ўртасидаги алоқалар Монреал ва Онтарио қўшни провинциясидаги Аҳоли-Масофа-қиймат билан таққосланган шаҳарлар ўртасидаги алоқаларга қараганда беш –ўн марта каттароқ бўлган.

Кубек/Онтарио ўртасидаги фарқ тилдаги фарқга ва икки провинция ўртасидаги сиёсий ажралишга алоқадор бўлса, бир фикрга келиш қийин. Интеракцияга Кубек/Онтарио чегаралари орқали ажралиш таъсири жанубдаги халқаро чегараларнинг тўсиқли таъсиридан устун келади. Монреал билан бирлашган давлатлардаги таққосланган шаҳарларнинг коммуникацияси (алоқаси) Кубек провинциясидаги жойлар билан боғлиқликнинг элликдан бир қисмига тўғри келади. Тил тўсиқлари бир томонлама ҳаракатланувчи йўл каби таъсир қилади. Кўпгина япон савдогарлари инглиз тилида равон сўзлашга: аммо америка савдогарларининг жуда озгинаси япон тилида нисбий қобилиятга эга бўлганлар. Тил тўсиқлари қай тарзда бир йўналишда бошқасига нисбатан осонроқ енгиб чиқа олишини кичик ҳудудий қисмлардаги бир томонлама савдо оқимида кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда: тил маданиятнинг муҳим аммо парадоксал (илмий қоидаларга мос келмайдиган) бир элементиدير. У аҳолининг баъзи бир қисмини боғлайди, аммо бошқа қисмларини ажратади. У жойлардаги ўзгаришлар ва ривожланишлар тезлигини ва ўзгармас маданий кўринишларини кўрсатади. Ҳар қандай ҳолда ҳам дунё маданий мозаикасини тушунишни ҳоҳлаган географлар ўз кузатишларига тилларни ҳам қўшишлари керак.

7.3 Эътиқод географияси

Маданий ҳилма-ҳилликлар тиллардаги тафоввутга боғлиқ иш бўлмаганида географларнинг иши осонроқ бўлган бўларди. Фатализм (тақдирга ишониш) да ишонч системаси икки хил тушунишга йўл қўймайдиган тил чегаралари орқали кесишади. Албанлар ва Хитойлар марксизмнинг нозик ўхшашликларини ушлаб олишган, Заир ва коннектикут дин мазхабидагилар католик дин мазхаби шаклига эга.

Мухим динларда жойлардаги хар хиллик.

Хар бир дунё динлари ўз географиясига эга. Европа ва яқин Шарқнинг, Америка қиттаси ва Австралиянинг катта қисмда бир миллиарддан ортиқ Христиан дини тарафдорлари учрайди. Ислом дини эса келиб чиқиш жойи бўлмиш ғарбий Арабистондан Африканинг шимолий ярмига, Марказий Осиёга, Ҳиндистонга, Индонезиягача тарқалган. Хиндизм ва буддизм жой жиҳатидан жуда чекланган, асосан Ҳинд субконтиненти ва бошқа шарқий Осиёда. Хар бир асосий динни хар хил подгруппаларга ажратишимиз (**тақсимлашимиз**) мумкин. Агар биз бирлашган давлатлардаги христиан подгруппасини текширсак, минтақавий тақсимланиш намунасининг ёрқин ифодасини кўрамиз. Янги Англия ва индустриалаштирилган Шимолий шарқ томонидан рим католик черковларидаги ҳукмронликни кўрамиз, баптистлар жанубий давлатларда ва Техасда учрайди, Лутеранлар Винконсин, Миннезота ва шимолий-жанубий Дакотада, Мармонлар Утада учрайди. Ҳаттоки катта шаҳар ҳудудининг ичида диний географик тафовутлар кўзга ташланади, христиан, протестант черковларида бадавлатлар вакиллари учратиш мумкин. Протестантлар черковлари аъзолари инглиз насаблилар ва оқсуяклар бўлиб, улар АҚШ иқтисодиётида ҳаётида ҳукмронлик ролини эгаллашган ва олий табақалилиги билан ажралиб турган. Улар кўпинча Зодагон англосакс протестантлари деб характерланган. Нима учун бундай тафовутлар дунё маданий мозаикасининг ажралишларида (**чегараланишларида**) аҳамиятга эга? Динларнинг жамият структурасидаги роли, давлат ва сиёсат ўртасидаги узвий муносабатлар, ва черковлардаги ўзгариш ва тараққиёт ушбу саволга қисман жавоб беради. Дунё тарихидаги кўпгина сиёсий конфликтлар (**зиддиятлар**) диний келиб чиқишга эга, ва зиддиятлар (мисол учун Исроил ва араб қўшни давлатлари ўртасидаги ёки шимолий ирландия ичидаги каби) диний ажлралишлар чизиғи бўйлаб боради. Географик бўлинишлар таърифидаги дин роли бўйича бир нечта нуқтаи назарларимизни 17-чи бобдаги чегара зиддиятлари ҳақидаги мақоламизда кўриб чиқамиз.

Диний мазҳабларнинг географик кетма-кетлиги

Диний мазҳабларнинг турли шаклда ниҳоятда тез қабул қилинишига қарамасдан, дин маданий табақаланишимиздаги ҳал қилувчи қисми бўлган. Китобнинг V-қисмида айтиб

Ўтилган сиёсий маслақлар динни юқори даража системасида тавсия этади ва инсон географиясининг бир нечта нуқтаи назарини кўриб чиқади. Эътиқод системасининг географик аспекти аниқ жойларда алоҳида аҳамият касб этади. Буларда тарихдан илгариги монументлардан(мисол учун штонехенгалар) то илк овчилик асосларигача (Австралиядаги абарогенлар ватани) тушунилади.

Бошқа географик таъсир кетма-кетлиги хардоим ҳам бунчалик яққол кўзга ташланмайди. Биз бу боғлиқликни иккита мисол ёрдамида тизоҳламоқчимиз.

Эътиқод ва қишлоқ хўжалиги ресурслари билан муомалада бўлиш

Ҳайвонларнинг яшашига тегишли озик-овқат инструкциялари(**кўрсатмалари**) орқали ва рамзий аҳамияти орқали диний эътиқод қишлоқ хўжалиги тараққиётига тескари таъсир ўтказади. Чунки инсонлар биологик жиҳатдан “барча нарсаларни истеъмол қилувчи” сифатида намоён бўлишига қарамасдан, аҳолининг катта қисми маълум нисбатта ўзининг таомлар рўйхатини чеклаб қўйган: Ернинг 300 миллион буддистларининг асосий катта қисми вегетарианлардир. 700 миллион хиндийлар мол гўшти емайдилар ва 20миллион жугутлар(**яхудийлар**) чўчка гўшти емайдилар.

Кичикроқ гуруҳларда янада аниқроқ кўрсатмалар бор: Ҳиндистондаги яин жамоаси(**жамияти**)да (таҳминан 3 миллион аъзога эга) бирон бир мавжудотни ўлдириш ёки ярадор қилиш тақиқланади. Ушбу дунёқарашимизнинг натижаси натижасига кўра шохдор йирик қорамоллар Хиндистонда кўшга кўшиладиган ҳайвонлар ва шартли ўлчамда сут маҳсулоти берувчилар сифатида фойдаланилади. *Ахимза* хиндий- қонунига кўра сигирларни ўлдириш Хиндистоннинг бир қанча штатларида тақиқланади. Натижада кексайган ва яроқсиз бўлган йирик қорамоллар кўшимча яйловларга хайдаб юборилган. Ортиб кетган миқдорининг учдан бир қисмини ва умумий миқдорнинг ярмини сигирлар ташкил қилади.Йирик қорамолларнинг ўта қадрланиши шарқий ва жанубий Африка чорвачилигида ҳам бор. Кениядаги Покотларда бир кишига қарашли бўлган йирик қорамоллар миқдори бутун бир бойлик рамзига тенг бўлган ва қадрланган. Йирик қорамоллар келинлар олишда-алмашинув объекти бўлиб хизмат қилган. Бунда уларнинг миқдори сарподан ҳам муҳимроқ бўлган.

Айниқса мусулмонлар диний тариқатида чўчка ифлос (ҳаром) ҳайвон сифатида қаралган. Малазияда фақатгина хитой анклавлари чўчкани истеъмол воситаси сифатида боқишади. Малайзиянинг маҳаллий аҳолиси ислом қоидаларига амал қилади ва истеъмол воситаларига доим аҳамият беришади.

Эътиқод ва тараққиёт 225

Кўпгина динлар **континуальнийлигига**, анъаналарига, ва жиддий амал қилинишига, узоқ ўрнатилган муносабатлари намуналарига таянади. Улар барқарорлик таъсир кучига, ёки-ўрнига,-ўзгаришларни бартараф қилишига таъсир ўтказган ва бундан кейин ҳам таъсир ўтказади.

Дин кўпинча режалаштирилган оила қуришни тарқалишига асосий тўсқинлик қилувчи сифатида кўрилади. Рим-католик черковларидаги инсоний фотусларни ўрганиш олдида диннинг маънавий-руҳий салмоғи (**қиймати**) аборт (бола олдириш) ва хомиладорликнинг олдини олишнинг муайян усуллари тарқалишига асосий тўсқинлик кўрсатувчи аҳамиятга эга. Оилаларда католицизм тарафдорларига чекловлар аҳамиятга эга бўлган ва ҳаттоки давлат ва черковлар ўртасида кучли боғлиқлик бўлган ўлкаларда ҳам миллий сиёсат ишларигача таъсирини кўрсатган. Шу тарзда хомиладорликнинг олдини олувчи воситалар Ирландияда тақиқлаб қўйилган ва Қўшма штатларнинг ҳар хил штатларида абортга қарши турлича ўзига ҳос қонунлар ишлаб чиқилган.

Қийинлиги шундаки, бу қонунларнинг аҳамияти аҳолининг нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда бўлган. Аҳоли сонининг бошқариш ўлчами (**меъёри**) қадимги ўғит (**насиҳат, ваъда, аҳд**) ларда белгилаб қўйилган, худди шундай эр.ав 5000 йилларда мисрдаги деворий чизмаларга ҳам бориб тақалади.

Тарих давомида инсонларнинг гуруҳларга ажралиши ҳолатлари, агар хохиш пайдо бўлса, оилаларни катталаштиришни бошқариш етарли даражада исботланган. Оилаларни катталаштиришга қарши қонунлар, туғилишни назорат қилишнинг қандай шакллари тадбиқ этиш кераклиги муҳим саволга айланган. Европада дунёнинг барча ҳудудларида туғилиш даражаси пастлиги таққосланадиган катталиклар бор- католик ва католик бўлмаган аҳоли ўртасида миллий даражасида

аҳамиятсиз фарққа эга. Ҳомиладорликка қарши воситалар ва туғилишни назорати бўйича маълумотлар тақиқлаб қўйилган мамлакатларда ҳам худди шундай паст туғилиш даражасига эга бўлган.

Бошқа инсоний муносабатларда, яъни янгиликларни қабул қилишга тайёрликда диннинг таъсири аниқроқ бўлган. Кичик бир мисолни олсак: ернинг 370000 меннонитларининг 20000 таси “амиш”дини қонунларига тобедир. Меннонитлар 16 – асрда швецарияда протестантлар черковига мос келмайдиган тармоқ(оқим) сифатида пайдо бўлган: бугунги кунда уларнинг аъзоларини ярми шимолий Америкада яшайди.”Амишлар” Меннонитлар ҳаракатининг экстремал зурриёдларининг (наслини,зотини,уруғини) вакиллари дир ва ҳозирги кунда Пенсилвания ва Ҳиндистоннинг маълум ҳудудларида қишлоқ ҳўжалигига жалб этилган. Дунёнинг тез тараққий этаётган зоналари ўртасида “амишлар”-манзилгоҳи(овули) анъаналар воҳаси сифатида ажралиб туради.Ибодатла “Пенсилванча Дутч”(инглизча ўзлаштирма сўзлар аралашган пфальский диалект)да олиб борилади, доимо анъанавий содда кийимлар кийишади, телефон ва электр чироқларидан ўзларини четга олишади. отлар ва “буггилар” (енгил икки ўриндиқ) ҳаммаёқда ханузгача автомобил ўрнида транспорт воситасини ўтайди. Бу ерда диний эътиқод инсоний гуруҳлар билан аҳлоқ намуналари ўртасида боғловчи восита вазифасини ўтайди.

Кўпгина тараққий этаётган мамлакатларда 1990 йиллардан бери генотехниканинг ҳаракатга келиш соҳалари ва қўлланиш имкониятлари ҳақидаги маълумотлар бўйича қисман жиддий дискуссиялар (баҳс-мунозара) бор. Ҳозирда нафақат ўсиликларнинг ген материалларини ўзгартириш ва шу тарзда чидамли ва серҳосил навларини яратиш, балки хайвонларнинг ва одамнинг генматериалларига ҳам аралаштириш мумкин. Бу имкониятлар шу вақтгача кўринмаган (яширин) шанслар(қулай шароитлар) борлигини аниқлаб беради.(мисол учун: ҳавфли касалликларнинг тўхтатилиши).Улар аҳамиятга эга бўлган этикага оид саволларни ўртага ташлайди. Ушбу боғланишлар марказидаги саволлардан бири қуйидагичадир; генетик муносабатларга зарурий асосий тўқималарни олиш учун инсон ембрионини етиштириш мумкинми.Ушбу саволга баъзи мамлакатларда қисман турлича жавоблар топилган.

Эътиқод ва дунёқараш

Шартли равишда эътиқод системаси бизнинг дунё ва майдонга ёндошувимизни осонлаштиради. Биз тажрибаларимизни дунё билан тартиблашни ва дунё ҳақида атрофимизда расм (**тасаввур**) ҳосил йилишни ҳоҳлаймиз.

7.10 тасвир бизга икки америкача ҳиндмаданияти ва хитой маданиятини кўрсатади. Хар қандай ҳолатда ҳам тўрт тарафлама шарқ, ғарб, шимол, жануб билан қуршаб олинган дунё марказида одам туради. Хар учала ҳолда хар бир томон маълум бир ранг билан боғлиқлиги эътиборга лойиқ.

Пуебло-индецлари бир ҳайвонни, хитойликлар эса тасаввурларга асосланган мураккаб гапни қўшдилар. Шундай қилиб шарқ нафақат бир ранг(оқ) ва ҳайвон(йўлбарс) билан боғлиқ, балки ҳосил ва урушга рамзий тарзда олтин куз йўналиши ҳамдир. У шунингдек ярим ёруғликнинг, хотираларнинг ва ўзгартириб бўлмайдиган ўтмиш хатоларига афсусланишларнинг йўналиши ҳамдир. Дунё ҳақидаги тасаввурлар якка уйларни, овулларни, шаҳарлар қурилишининг муҳим бир қисми ҳисобланади. Кўплари дунё тасвирининг нусхаси сифатида кичрайтирилган масштабга солинади. Христианлар кейинчалик ўз черковларини мунтазам Шарқ-Ғарб – ориентациясига жорий этишлари мобайнида, ўхшаш тасаввурлар грек цивилизациясига кириб борди. Ҳозирги Хитойда ҳам дунё тасвири қурилиш ишларида муҳим бўлиб қолди. Мисол тарзида Гонконгда ташкил топган хитой Университети -география бўлимини ҳам ўз ичига олган -9 та институтлари биноси-Тим Шида қурилиши керак эди. Ноодатий нуқтаи назар эътиборга олиниши керак бўлса, Фенг шуй билан уйғунлашган турар жойлар танланарди. Хитой ландшафтларида баланд бинолар қуриш ўрнига, ландшафтлар билан уйғунлашган масофалар, архитектура қурилишлари, ўрмон участкалари шундай жойлаштирилади. Ушбу атроф муҳит билан келишув ноодатийдир. Инсон тараққиётининг узок йиллар давомида кўпчилик инсонлар табиатнинг якка элементлари- дарахтлар, булоқлар, тоғларни рухлар эгаллаганига ишонишган. Нарсалар фойдаланишидан олдин аввало рухлари тинчлантирилиши керак бўлади.

Касалликларнинг тарқалишига диний дунёқарашнинг таъсири.

Диний қарашлар ҳаётимизнинг кўп соҳаларига таъсирини ўтказган. Турлича географик масштаб текисликларига бу ўринда касалликларнинг иккита мисоли етарли бўлган.

Жанубий шарқий Осиёда Холера

Холера 19 аснинг классик эпидемиясидир. Улар бактериялар орқали ҳосил бўлади, у инсон организмига касалланган сув орқали ва ўткир, инсон ҳаёти учун ҳавфли дегидрация орқали таъсир қилади. Бу касалликнинг келиб чиқиши Ганг дарёси ва Брамапутра, яъни ҳозирги Бангладеш ҳудудларига бориб тақалади. 19 ас давомида, то ҳозирги кунгача номаълум сабабларга кўра - 6 марта ҳинд субконтинентини махв этган ва қўхна, навқирон дунёга ҳам тезлик билан тарқалган. Европа ва шимолий Америка шаҳарларида ўлим миқдорининг ортишига сабаб бўлган. Ушбу беш пандемиялар 7.11 тасвирда акс этган. Тарқалиш йўналишлари қандай асосларга кўра бошқарилаётганлиги маълум эмас, аммо яхшиланган транспорт имкониятлари ҳал қилувчи рол ўйнаган. Эътиқод географиясига назар солсак, мусулмонларнинг шимолий Ҳиндистондан (ҳозирги Покистон ва Бангладеш) ва шарқий Ҳиндистондан (ҳозирги Индонезия) Ғарбий Арабистондаги маккага ҳаж сафарига боришлари орқали тарқалиб кетган. Бешта картада кўрсатилган тарқалиш стрелкаси шу шаҳар орқали тарқалиш ўчоғи бўлган.

Ом жамоасида Қизамиқ

Биз юқорида таъкидлаганимиздек Омлар меннонитлар жамоасининг бир қисмидир. Уларнинг диний мероси 16 асрда Швецарияга бориб тақалади. Улар илк марта 1709 йилда таъкибдан қочиш учун қўшма штатларга кўчиб боришган. Ҳозирда улар кўп учрайдиган деҳқонлар жамоасидир, улар айнан шарқий қўшма штатларга ёйилган, аммо Пенсилванияда қишлоғида жуда зич жойлашишган. Уларнинг эътиқоди (маслаги, мазхаби) оддий ва хилватдаги ҳаёт тарзидан иборат. Улар отлар ва ҳачирлардан трактор сифатида фойдаланишади. (7.12 расм). Эмлашга қарши ишончсизликлари натижасида иммунитетлари паст бўлиб, бир қатор юқумли касалликлар келиб чиққан. Қанчалик қўшма штатлардаги болалар касалликларининг камайишига вакциналар оммага даъват қилинган бўлса, Омчиларда шунчалик юқумли касалликлар кучайиб борарди. 1987-88 йилларда Пенсилвания болалар мактабларида қизамиқ тошиши давлатнинг ичкарасидаги ва ташқарисидаги ом жамоаларидан тарқала бошлади. Ғарбий Пенсилванияда ланкастер кругида декабрда пасайган бўлса, мерсер кругида мартда эпидемия кучайиб борди. Касалликнинг юқори миқдори ва тарқалиш стрелкасининг солиштирма йўналиши шуни кўрсатадики, диний ажралиш билан бир вақтда ом

бўлмаган кўшни жамоаларни ижтимоий ажратиш касалликларнинг географик тарқалишини келтириб чиқарган.

7.4. Гендер ва маданият географияси

Жинсий қарама –қаршиликни ифодаловчи инглизчадаги “гендер” тушунчаси аёллар ва эркеклар ўртасидаги ўрганилган маданий фарқланиш деб ҳисобланади.

ВОХ 7.В Германиядаги майда миллатлар тили

Тил соҳасида немис тили катта ва кичик ҳудудларда турлича диалектларга (шеваларга) бўлинади. Умумий тил доирасида диалектлар жойларда шартли тил шаклига эга. Агар мисол учун Шарқий денгиз соҳилидаги аҳоли учун гоҳо баварияликни тушуниш қийин бўлганда ҳам, диалектлар ўзига хос бир тилни ифодаламайди. Германияда ҳақиқатда немис тили билан бир қаторда бир нечта кичик мустақил аутохтон тиллар мавжуд. Энг катта аутохтон тил элатибу фризлардир. Германияда анчадан буён, бугунги кунгача давом этиб келаётган жараён бу- фризларнинг тили ва маданияти ўзига хослик сифатида қабул қилинган. Фриз тили иккинчи давлат тили сифатида таъсир кўрсатадиган нидерландия –фризланд шароити фризларни Германиядан янада узоқлаштиради. Фриз тили мустақил тил бўлиб, э.ав. 300 йилда пайдо бўлган. У 3 та диалект гуруҳига бўлинади: Ғарбий-шарқий ва шимолий фризча. {Фриезлар келиб чиқиш шаклига кўра давлатнинг мустақил гуруҳ аъзолари сифатида қабул қилинмагани учун,} Ғарбий фриезчада 40000 га яқин, шимолий фриезчада 10000га яқин ва шарқий фриезчада 15000 та одам гаплашади. Шарқий фриезчада нафақат шарқий фриезландия балки емсландик Сатрландияда ҳам гаплашилади.

Иккинчи катта аутохтон тил элати бу сорблардир. Улар Саксония ва Бранденбург ўртасидаги юқори- ва қуйи лаузиция чегара ҳудудларида яшовчи ғарбий славян халқдир. 40000 тачаси Саксонияда ва 20000 тачаси Бранденбургда яшовчи сорбларнинг аксарияти протестантлардир. Сорб халқлари маданиятининг ўзига хослиги нафақат полякча ва чех тилига яқин турувчи уларнинг ўзига хос тилларида балки ўзига хос урф-одатлари ва анъаналарида ҳам акс этади. (мисол учун, кушлар тўйи, май дарахтининг улоқтирилиши, пасха тухимининг безатилиши). Бу халқнинг халқаро қизиқшларини ифодаловчи сорбларнинг бош бирлашмаси бу домовинадир. У 1992 йилда сорб тили ва

маданиятини кўллаб –қувватлаш учун ташкил топган. 1937 йилда у славян халқларининг ҳақ-хуқуқини чеклаш йўлида NS-ҳокимияти томонидан тақиқлаб қўйилди. 1945 йилда советлар истило қилган зоналарда қайта ташкил топган.1992 йилда сорблар бирлашмасининг янги бош уюшмаси сифатида ташкиллаштирилди ва 1992 йилдан бери Саксония ва Бранденбургда ташкил топган “Сорб халқи фонди” орқали федерал ҳукуматнинг таркибий қисмига киради. Сорбларнинг кўчган ҳудудларида сорб тилига талаб алоҳида аҳамият этишига қарамай, бу тил ортга чекинди. Расмий текширувларга кўра 1858 йилда тахминан 160000 та, 1933 йилда 57000 та сорб тилида гаплашувчи кишилар бўлган эди.Ҳозирги кунда сорбтилида гаплашувчиларнинг сони озчилик,яъни 10000 та деб баҳоланяпти. Сорб тили она тили сифатида кам минг кишигина гаплашишади. Бир тиллик сорбчада бугунда бошқа ҳеч ким гаплашмайди. Аҳолининг кексайиши, аралаш никоҳлар, ёшларнинг ғарбий ва жанубий Германиянинг савдо марказларига кетиб қолишлари орқали сорб тили ва маданияти жиддий ҳавф остида қолмоқда ва фақатгина фольклор сифатида мисол учун шпрей дарёси бўйидаги ўрмонларда сақланиб қолмоқда. Германиядаги жанубий шлесвиг холштейнда яшовчи дания элатлари ҳам худди сорбларнинг миқдорича(50000дан 60000гача киши) бўлган. Урушлар ва чегара силжишлари орқали Шлесвиг Герцоглиги навбатма-навбат Данияга ва немис пруссия қироллигига ,шунингдек кейнчалик немис империясига тегишли бўлган.Биринчи жаҳон уруши тугаши билан территориал саволлар аҳамиятли бурилиш қилди.1920 йилда умумхалқ референдумида(ялпи овозга кўйиш) Шлесвигни бўлишга қарор қабул қилинди. Ушбу ҳукмдан сўнг жанубий Шлесвигда яшовчи дания элатларини ўзининг маданий, сиёсий, ижтимоий инфраструктурасини яратишга қарор қабул қилинди.

Аутохтон тил элатлари билан бир қаторда Германияда бошқа мамлакатлардан кириб келган ишчи кучи(гастарбайтер,мардикор) орқали ҳосил бўлган бир қанча майда тил бирлашмалари бор. Ушбу тил бирлашмаларидан энг аҳамиятлиси турклар(2 миллион киши атрофида), Югославлар(662000), италиянлар(586000), греклар(360000),ва поляклар(276000).

Маданият: бир қанча салбий хулосалар.212

Номаданий(Маданият бўлмаган)нарсаларни аниқлашни бошлаймиз. Биринчидан (Авваламбор), маданият фақатгина санъаткорона фаолиятга бўлган қизиқиш эмас. Мусикий, адабий, бадий фаолиятни (машғулотни) тарифлаш учун “маданий машғулотлар” термини ишлатилишига қарамай, “Маданият” тушунчасининг махсус қўлланиши жудаям тор маънога эга. Агар бундай машғулотлар (фаолиятлар) ёрқин ифодаланган намуналарни ва маълум маданий соҳанинг ўзига хосликларини -мисол учун: Швеция мусикий асбобининг (алпгорн) қўлланилиши Бавария ва Австрия аҳолисигача тарқалиб кетишини кўрсатиб беролганида ҳам – “Маданият” тушунчаси бизнинг мақсадимиз учун жуда тор маънода бўлиб қолаверади. Иккинчидан, “Маданият ” насл (зот) ни ҳам англатмайди. Насл айнан бир авлоднинг маълум бир белгилари орқали фарқланадиган аъзоларини таснифлашга оид биологик тушунчадир. Инсонлар умумий хромасомалар сони 46 та бўлган наслдир ва миллиардлаб аъзолар ўртасида жуфтлашиш орқали кўпайиши мумкин. Шунга қарамай инсонларнинг специфик биологик фарқланиши ўз-ўзидан аниқ подгруппага бўлинади (5.1 бўлимга қара). Бундай фарқлар а) ташқи қиёфадаги тафовутдан (мисол учун, тери пигментларида, бош шаклида, соч турларида, кўз очилишида) то б)ички белгилардаги тафовутгача (мисол учун, қон группаси) кўрсатади. Топширилган қон гуруҳлари гуруҳ фарқлашда муҳим кўрсатма бўла олади. Жанубий Франция ва шимолий Италия баск аҳолисининг кўпчилиги Европанинг қолган катта қисмидаги аҳолисига қараганда резус манфий қон гуруҳига эга экан. Бошқа тарафдан эса қон гуруҳидаги манфий резусфактор европаликларга хосдир, осийликлар, африкаликлар ва индияликлар ўртасида камдан кам учрайди. Насл фарқланишининг бундай кўриниши шубҳасиз узоқ вақт изоляцияланганлиги билан қайд этилади, уларда авлоддан авлодга ўтувчи генетик вариациялар ҳосил бўлган. Бу фараз фазовий(даврий) бўлиниш орқали маълум генетик шартли касалликларни тасдиқлашни кўрсатади. Бу касалликларнинг бир қанчаси маҳаллий чегараланган: Куру- асаб тизимининг бузилиши, ҳозиргача фақат шарқий нойгуенанинг қадим аҳолиси ўртасида машҳурдир. Бошқа касалликлар муайян қитъалараро тарқалади. Зихелцеллен анимияси —яъни қон тўқималаридаги нуқсон (дефект)Африкада , Сахаранинг жанубида кенг тарқалган, бундан ташқари Индиядан Индонезияга келган.

Генетик дрейф маълум мухит шароитида группаларнинг узок вақт реакциясини ифодалайдими йўқми ҳеч ким аниқ билмайди. Бир қанча фарқлар эса медицина жиҳатидан асосланган- мисол учун, қора ва оқ ўртасидаги терлаш бўйича фарқи, яъни ёмон об-ҳавода эскимосларнинг тери ҳарорати нормалдан юқорироқ бўлиши сабабини, ва австралия туб аҳолисининг модда алмашинувининг тун давомида секинлашишини, бунга тунги паст ҳарорат имконият яратишини мисол тариқасида келтириш мумкин. Турли инсонларда учрайдиган кўптомонлама ғайриоддий қобилиятларидан генетик мослашув ҳоллари ажралиб туради. Яъни, яшаш тарзидаги нарсалардан фойдаланиш, соябондан ва чарм нимчадан то фазогирнинг ойга учишда киядиган киймигача, ҳар қандай ноқулай шароитгача мослашишни кўрсатади.

Маданият: бир қанча ижобий хулосалар. 213

Маданият географияси хуманогеографиясидан келиб чиққан ўзига хос бир бўлим соҳасидир. Маданиятни аниқ ва ижобий тарифлаш учун маданият географиясидан то ҳозирги вақтгача кузатилган ўзгаришларни ўрганилади.

Биз уларни тушунчаларини эҳтимол шундай хулосалармиз: Маданият -инсоний муносабатлардан яъни, бир авлоднинг бошқа авлодга ёки группага бўлган фикрлари ва тасаввурлари ёрдамида ҳосил бўлган ўзгармас шаблон (андозалар)дан ўрганилган намуналарни ифодалайди.

Бу таъриф бошқа 3 та нуқтаи назарни келтириб чиқаради:

-Биринчидан кўчиш биологик йўл билан содир бўлмайди. Агар янги туғилган чақалоқ турлича маданиятга эга бўлган ҳар қил группаларда яшаса, турлича ўзига хос маданият билан ўсади.

-Иккинчидан асосий куч табиатдаги маданий кўчишдир, бунда тил муҳим рол ўйнайди. (бу ерда; ғавқулодда информациялар қабул қилиш, ҳаёт йиллари давомида ўзлаштирилган тилдаги ва муносабатдаги одатлар назарда тутилмоқда)

-учинчидан маданият - комплекслик ва барқарорлик (ўзгармаслик)ка эга, улар мавжудотлардан ўрганилган муносабатлардан фарқ қилади.

Инсоний маданиятлар ва уларнинг комплекслик хилма хиллиги ажойибдир. Клауди Леви Страусс каби антрополог тадқиқотчи олимлар қандайдур “оддий” маданият мавжуд бўлганлигини аллақачон хулосалаб бўлганлар.

Хаттоки энг кичик ва содда маданий гуруҳларда ҳам (мисол учун амазонкадаги кичик овчилар қабиласида ёки микроқишлоқ аҳолисида) катта миқдордаги маданий билимлар ўзлаштирилган. Энг содда жамиятда катта бўлган бола ҳам маданий мозаиканинг миллионлаб парчаларини берилган вақт давомида секинлик билан ўзлаштириб боради ва шу даврлар давомида кейинги авлодга тарқатилиб борилади. Шунинг қайд этишимиз жойизки, а) бундай топшириқлар формальный(расмий) тарбия системаларига боғлиқ эмас (бу ерда мактаб таълими назарда тутилган), б) топшириқлар жараёни ҳар доим ҳам тўлиқ эмас. Шундай қилиб бир группанинг маданий бойликлари ҳар доим яқка индивиднинг маданий бойликларидан кўп қарра каттароқ ҳажмда бўлган. Ҳаёти давомида ўқув жараёнидан кўпроқ билим олган Гарвард профессори ва қишлоқнинг кекса оқсоқоли ҳам, маданият доирасининг “генетик” кодини бирор марта аниқлаша олмаган, у мос равишда ҳаммага тегишли.

Хукслей модели 213

Агар маданият шундай комплекс ва ҳамма нарсани ўз ичига қамраб олувчи нарса бўлса, мутлақ умидлардан ва содда, ўхшаш молекуляр бирликлардан иборат бўлса, уларни биз ўргана оламизми, тушуна оламизми? Маданиятни категориялашнинг оддий йўллари билан бири инглиз биолог Юуллиан Хукслей томонидан таклиф этилган. Бу маданий Эволюция билан биологик эволюцияни таққослашдир. Хукслей модели 3 та компонентдан иборат: Ментифакт, Социофакт ва Артефактлар.(7.2 тасвирга қара). *Ментифактлар* маданиятнинг аҳамиятли ва унутилмас элементларидир. Бу элементларга дин, тил, магия, халқшунослик, бадиий анъаналар қиради. Они в принципе абстрактная и духовная природа. Улар инсон қобилиятига мансуб тафаккур ва ғояларни ривожлантиради ва маданиятнинг бошқа аспектларини ўлчовчи идеаллар ва тасаввурларни шакллантиради. *Социофактлар* индивидлар ва группалар ўртасида

учрайдиган алоқалар элементларини хосилқилади. Улар индивидуал планда оилавий структурани, яъни, кўпайиш ва сексуал (**жинсий**) муносабатлар ва болалар тарбиясини ўз ичига олади. Ўта юқори планда улар сиёсий ва тарбия тизимини ўз ичига олади. *Артефактлар* маданиятнинг моддий кўринишидир. “Маданий фрахт” сифатида ифодаланиб, бунга бир группанинг турар жой, транспорт, озиқ-овқат каби эҳтиёжларини қондирувчи моддий техник ривожланиш аспекти киради. Ердан ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан фойдаланиш усули ҳам айнан асбоб ва маълум бир кийим кечак формаси каби Артефактлардир. Худди ҳар бир схема каби Хукслей модели ҳам фақат ҳақиқатга яқиндир. Амалиётда эса биз бир томондан чигаллашиб кетган учта компонентларни ва бошқа томондан ечилган арқон учлардек маданият аспектиларини кузатишимиз мумкин.

7.2 тил географияси 215

Маданиятнинг ўзига хос географик кўриниши борми? Бу асосли саволга жавоб бериш учун биз муҳим маданий фарқлардан бирини ажратиб олишимиз керак, -бу тилдир. Бир қатор ифодаланган маънавий, ижтимоий ва моддий мисоллардан факт биттасинигина мисол тарзида кўриб чиқаётганимизни унутмаслигимиз керак. Биз қўяётган саволлар умуман фазовий барқарорлик, тартиб, ўзгаришларга тааллуқлидир. У саволлар эҳтимол бошқа бир китобхонни кўпроқ қизиқтириши мумкин бўлган бошқа бир маданий элементлар таҳлили учун асос яратиши керак.

Тилдаги вариациялар(**ўзгариш натижасида юзага келган янги кўриниш**)

Тил инсоният маданиятидаги мовжуд алоқа воситасидир. У бир группа аъзоларини бир бирлари билан ўзаро чексиз хабарлашуви имконини беради. Бироқ у бир тил гуруҳи аъзоларини бошқа тил гуруҳи аъзолари билан ҳеч нарса хабарлашолмасликларига тўсқинлик ҳам қилади.

(216) Бугунги кунда нечта тилда гапирилади деган савол тилни қандай аниқлаймиз деган қисми билан боғлиқдир. 7.1 жадвалда дунёнинг асосий тилларининг тартибланиши кўрсатилган. Агар биз шеваларни аҳамиятсиз қолдирганимиздаям яна 3000 тилда гапирилади. Камида 4000 та тилда бир марта гаплашилган ва ўша

вақтларда йўқолиб кетган. Агар биз ўз тил таърифимизни кенгайтирсак ва географик терминлар каби фан терминларини киритсак, унда миқдорини ўлчаб бўлмасди.

Инсонлар сўзлашаётган тиллар сонига кўра жуда оддий таснифланади. Дунё тилларида жуда кўп инсонлар, маҳаллий тилларда эса жуда камчилик гаплашадилар. Дунё тили сифатида инглиз тили тахминан ҳар ўнинчи кишининг она тилисидир ва бошқа кўп кишилар учун иккинчи тил сифатида ифодаланади. Шунингдек, кўпчилик томонидан гапириладиган хиттой тили ўзининг бир қанча диалектлари билан шарқий осийда деярли миллиардлаб инсонлар тилидир. 7.3 графикда (тасвирда) хиндлар субконтинентда (217) гапириладиган тиллар кўрсатилган. Улар энг юқори чўққида турувчи хиттой ва инглиз тиллари каби жаҳон тиллари кетма-кетлигида тахминан ўртадаги ўринни эгаллаган бўларди. Рўйхат охирида эса албатта маҳаллий тиллар турарди. Нойгуениадаги тадқиқотларда бир қанча фарқли тиллар кашф этилган, водийларда бир нечта юз кишилар томонидан 65 км² майдонда гаплашилган ва тушунилган. Биринчи 14 та тил дунё аҳолисининг 60% томонидан гапирилган, охириги 500 та тиллар осийнинг олис қисмида, африка, жанубий америка ва австралиянинг миллиондан ортиқ бўлмаган одамлари ўртасида бўлиниб кетган.

Тилларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши²¹⁷

Тил мисоли орқали маданият географиясининг иккинчи мавзуси ойдинлашади: Маданият элементларининг келиб чиқиши (боши) ва тарқалиши. Бизнинг саволимиз бу ерда тилларнинг ўзаро муносабатларига тегишли. Бой лингвистик тадқиқотлар бир қанча турли тилларнинг умумий бир илдиздан ривожланганлигини кўрсатади. Шунини мисол қилиш мумкинки, Каюгна, Сенека ва Тускарора каби қўшма штатларнинг шимолида хиндий тиллар умумий бир ирокий илдизда бориб тақалишини, сиокус тиллар гуруҳи билан лингвистик алоқалар ғарбга бориб тақалишини кўрсатади. Биз ривожланиши ҳақида кўпроқ билган тиллар гуруҳи индоевропа тиллар оиласидир. (7.4 графикка қара). Бу тиллардаги ёзма хужжатларнинг кўплиги асрлар оша тилдаги охишта силжишларни тушунишимиз имкониятини беради. Дунё аҳолисининг ярми бу тилларда гапиришлари бўйича фактларга қарамасдан, улар кўп умумий сўзларга эга. Инглиз тилидаги “mother” немисчадаги “Mutter” сўзи билан яқин қариндош тиллар эканлигини кўрсатади. Шунингдек мутлақ бошқа подгруппадаги сўзларни кўрсак: роман тиллар

оиласига мансуб испанчада “madre” ,балтославян тилларидаги русчада“mat”,хинд-эрон группасидаги санскритда “mata”, грекчада эса “meter” .7.4 график(тасвир)да кўрганимиз каби,асосий тиллар группасида бир неча минг йилларни ўз ичига олган секин жараён давомида ички кристалланиш(шаффофланиш) содир бўлган.

Қисқа вақт ичидаги ўзгаришларда ички тилларда диалект(шева)ларни кузатиш мумкин, аммо тилларнинг ўзи етарли даражада барқарор(турғун) лигини турли группаларнинг кўчиш тарихида маконларда қолдирган белгилари ёрдамида ифодалаш мумкин. Тилларнинг узок узилиб қолиш ҳисобига бироз фарқланишини тинч океанидаги Гилберт ва Еллис ороли аҳолисида кўриш мумкин.

Жойлардаги ўзгаришлар218

Маданий бўлиниш намуналари на жойга на даврга турғун бўлади. Дунё аҳолисининг муносабатлари асосий тилларни нисбатан ўзгартириб юборади, ва уларнинг жойларда мос равишда оммалашishi ортади ёки камаяди. Тилларнинг бўлиниши нафақат туғулиш ёки ўлишнинг демографик факторларини ўзгартиради, балки иккитиллиликнинг агрессив (тажаввускорона) тарқалишини ҳам ўзгартиради. Ҳозирги даврда барча шаҳарларда инглиз тилида сўзлашувчи аҳоли қисми ортиб бормокда. 7.5 графикда(тасвирда)нисбатан таъсир қилувчи кучлар ифодаланган. Ферастелунглар орқали йўл топишга ҳаракат қилинг ва тилга оид турли жойлардаги тил ўзгаришларига мисоллар келтиринг. Глобал тилларнинг 219 тарқалиши билан бир вақтда бир қанча кичик тиллар (йўқолиб) ўлиб боради. Ғарбий европанинг келт тиллари тахминан юз йилдан бери француз ёки инглиз тилларининг ер юзида тарқалаётганлигига йўқолиб кетди.Келт тиллари қачонлардир Британия оролларида, Франциянинг бретон ярим оролларида ва Испаниянинг шгимолий ғарбида гаплашилган. Келт тилларидан бири – Cornisch(корн тили) қачонлардир Англиянинг жанубий –ғарбида жуда чекланган. 15 асргача корн тили Корнвал графлигининг катта қисмида гаплашилган, аммо 1600 йилларда ғарбнинг фақат чекка жойларида гаплашилган. Тоғ-кон саноати бу территорияда инглиз тилида гаплашувчи ажнабийлар сонини оширишга сабаб бўлди ва 1800 да корн тили ўлик тилдек бўлиб қолди. Корн тилини эгаллаган охирги одам 1930 йилда вафот этган. Ҳаттоки валис тили каби кучлироқ тиллар ҳам пайдо бўлган ҳудудларида ҳам чекланиб қолди.(7.6 графикка қара).Швецарияда ҳам аҳолисининг 1%

кичик элати гаплашадиган ретороман тили ҳам узоқ вақтлардан бери инқирозга учраётганини кузатиш мумкин.(7.7 графикка қара). Германияда немис тили билан бир қаторда бошқа тиллар ҳам ишлатилаётган бир нечта кичик регионлар ҳам бор.(7.В вох “Германиядаги элатлар тили” га қара).

Фақатгина Ирландияда мактабларда миллатларнинг ўзлигини англашни ўқитиш программанинг бир қисми сифатида талаб қилингани учун ирланд тили (галлар ёки ерзе)қайта жонланган тил бўлиб, ўз ўрнини сақлаб қолган.

Албатта биз бундай тенденция(фикр,ғоя)қанчалик барқарор бўлишини ишонч билан айтолмаймиз. Агар бирор тилнинг йўқолиб кетишига таҳдид бўлаётган бўлса, тилни маданий ўзига хосликнинг таркибий қисми сифатида сақлаб қолишга бўлган кучли интилиш ҳам бўлади.

220 Тилдаги тафовутлар жойдаги тўсиқлар сифатида

Тилдаги ажралиш таъсири ҳудудлар ўртасида тўсиқ ёки филтрлар жойлар учун ўзаро (интерфаол) тайзиқ ўтказади.Бу таъсирлар Канадада ўзининг тафовутлари билан француз тилида сўзлашувчи Кубеслар ва инглиз тилида сўзлашувчи онтариолар ўртасида жуда аниқ кузатилган. Бу ҳолда иккига бўлиниш деярли тўлиқ ҳосил бўлган. Тилларнинг бир –бирига қўшилиб кетган ҳудудлар Оттава водийси ва “лойалистлар” нинг жанубий-ғарбий кубекга кўчишидаги ҳудудларда топилган. Кубек –онтарио чегаралари ажралиш тарзининг бир қанча белгилари шаҳарлар ва улар билан кутилаётган алоқалар (контактлар) ўртасидаги аниқ (ҳақиқий,фактический)кузатувларни таққослаш орқали топилган.(“кутилаётган”алоқалар деганда шаҳар катталиги ва шаҳарлар ўртасидаги маълумотлар(информациялар)алмашинуви бошқарилиши тушинилади). Илмий тадқиқотда Монреал ва атрофида жойлашган шаҳарларнинг алоқалари, шу билан бирга шаҳарлараро суҳбатли боғланишларининг даврий давомийлиги ўлчанган. Кутилган интеракциялар 7.8 (графикда)тасвирда “аҳоли-масофа-формуласи” кузатилган синовлар қиймати билан бирга тасвирланган. Кубек провинциясидаги бошқа шаҳарлар ва Монреал ўртасидаги алоқалар Монреал ва Онтарио қўшни провинциясидаги Аҳоли-

Масофа-қиймат билан таққосланган шаҳарлар ўртасидаги алоқаларга қараганда беш –ўн марта каттароқ бўлган.

Кубек/Онтарио ўртасидаги фарқ тилдаги фарқга ва икки провинция ўртасидаги сиёсий ажралишга алоқадор бўлса, бир фикрга келиш қийин.Интеракцияга Кубек/Онтарио чегаралари орқали ажралиш таъсири жанубдаги халқаро чегараларнинг тўсиқли таъсиридан устун келади. Монреал билан бирлашган давлатлардаги таққосланган шаҳарларнинг коммуникацияси(алоқаси) Кубек провинциясидаги жойлар билан боғлиқликнинг элликдан бир қисмига тўғри келади. Тил тўсиқлари бир томонлама ҳаракатланувчи йўл каби таъсир қилади.Кўпгина япон савдогарлари инглиз тилида равон сўзлашга: аммо америка савдогарларининг жуда озгинаси япон тилида нисбий қобилиятга эга бўлганлар. Тил тўсиқлари қай тарзда бир йўналишда бошқасига нисбатан осонроқ енгиб чиқа олишини кичик ҳудудий қисмлардаги бир томонлама савдо оқимида кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда: тил маданиятнинг муҳим аммо парадоксал (илмий қоидаларга мос келмайдиган) бир элементиدير. У аҳолининг баъзи бир қисмини боғлайди, аммо бошқа қисмларини ажратади. У жойлардаги ўзгаришлар ва ривожланишлар тезлигини ва ўзгармас маданий кўринишларини кўрсатади.Ҳар қандай ҳолда ҳам дунё маданий мозаикасини тушунишни ҳоҳлаган географлар ўз кузатишларига тилларни ҳам қўшишлари керак.

7.3 Эътиқод географияси

Маданий ҳилма-ҳилликлар тиллардаги тафоввутга боғлиқ иш бўлмаганида географларнинг иши осонроқ бўлган бўларди. Фатализм(тақдирга ишониш) да ишонч системаси икки хил тушунишга йўл қўймайдиган тил чегаралари орқали кесишади. Албанлар ва Хитойлар марксизмнинг нозик ўхшашликларини ушлаб олишган,Заир ва коннектикут дин мазхабидагилар католик дин мазхаби шаклига эга.

Муҳим динларда жойлардаги ҳар ҳиллик.

Ҳар бир дунё динлари ўз географиясига эга. Европа ва яқин Шарқнинг, Америка қиттаси ва Австралиянинг катта қисмда бир миллиарддан ортиқ Христиан дини

тарафдорлари учрайди. Ислом дини эса келиб чиқиш жойи бўлмиш ғарбий Арабистондан Африканинг шимолий ярмига, Марказий Осиёга, Ҳиндистонга, Индонезиягача тарқалган. Хиндизм ва буддизм жой жиҳатидан жуда чекланган, асосан Ҳинд субконтиненти ва бошқа шарқий Осиёда. Ҳар бир асосий динни ҳар ҳил подгруппаларга ажратишимиз (тақсимлашимиз) мумкин. Агар биз бирлашган давлатлардаги христиан подгруппасини текширсак, минтақавий тақсимланиш намунасининг ёрқин ифодасини кўрамиз. Янги Англия ва индустриалаштирилган Шимолий шарқ томонидан рим католик черковларидаги ҳукмронликни кўрамиз, баптистлар жанубий давлатларда ва Техасда учрайди, Лутеранлар Винконсин, Миннезота ва шимолий-жанубий Дакотада, Мармонлар Утада учрайди. Ҳаттоки катта шаҳар ҳудудининг ичида диний географик тафоввутлар кўзга ташланади, христиан, протестант черковларида бадавлатлар вакиллари учратиш мумкин. Протестантлар черковлари аъзолари инглиз насаблилар ва оқсуяклар бўлиб, улар АҚШ иқтисодиётида ҳаётида ҳукмронлик ролини эгаллашган ва олий табақалилиги билан ажралиб турган. Улар кўпинча Зодагон англосакс протестантлари деб характерланган. Нима учун бундай тафоввутлар дунё маданий мозаикасининг ажралишларида (чегараланишларида) аҳамиятга эга? Динларнинг жамият структурасидаги роли, давлат ва сиёсат ўртасидаги узвий муносабатлар, ва черковлардаги ўзгариш ва тараққиёт ушбу саволга қисман жавоб беради. Дунё тарихидаги кўпгина сиёсий конфликтлар (зиддиятлар) диний келиб чиқишга эга, ва зиддиятлар (мисол учун Исроил ва араб кўшни давлатлари ўртасидаги ёки шимолий ирландия ичидаги каби) диний ажлралишлар чизиғи бўйлаб боради. Географик бўлинишлар таърифидаги дин роли бўйича бир нечта нуқтаи назарларимизни 17-чи бобдаги чегара зиддиятлари ҳақидаги мақоламизда кўриб чиқамиз.

Диний мазҳабларнинг географик кетма-кетлиги

Диний мазҳабларнинг турли шаклда ниҳоятда тез қабул қилинишига қарамасдан, дин маданий табақаланишимиздаги ҳал қилувчи қисми бўлган. Китобнинг V-қисмида айтиб ўтилган сиёсий маслаklar динни юқори даража системасида тавсия этади ва инсон географиясининг бир нечта нуқтаи назарини кўриб чиқади. Ўзбекистон системасининг географик аспекти аниқ жойларда алоҳида аҳамият касб этади. Буларда тарихдан

илгариги монументлардан(мисол учун штонехенгалар) то илк овчилик асосларигача (Австралиядаги абарогенлар ватани) тушунилади.

Бошқа географик таъсир кетма-кетлиги хардоим ҳам бунчалик яққол кўзга ташланмайди. Биз бу боғлиқликни иккита мисол ёрдамида тизоҳламоқчимиз.

Эътиқод ва қишлоқ хўжалиги ресурслари билан муомалада бўлиш

Ҳайвонларнинг яшашига тегишли озиқ-овқат инструкциялари(**кўрсатмалари**) орқали ва рамзий аҳамияти орқали диний эътиқод қишлоқ хўжалиги тараққиётига тескари таъсир ўтказди. Чунки инсонлар биологик жиҳатдан “барча нарсаларни истеъмол қилувчи” сифатида намоён бўлишига қарамасдан, аҳолининг катта қисми маълум нисбатта ўзининг таомлар рўйхатини чеклаб қўйган: Ернинг 300 миллион буддистларининг асосий катта қисми вегетарианлардир. 700 миллион хиндийлар мол гўшти емайдилар ва 20миллион жугутлар(**яхудийлар**) чўчка гўшти емайдилар.

Кичикроқ гуруҳларда янада аниқроқ кўрсатмалар бор: Ҳиндистондаги яин жамоаси(**жамияти**)да (тахминан 3 миллион аъзога эга) бирон бир мавжудотни ўлдириш ёки ярадор қилиш тақиқланади. Ушбу дунёқарашимизнинг натижаси натижасига кўра шохдор йирик қорамоллар Хиндистонда қўшга қўшиладиган ҳайвонлар ва шартли ўлчамда сут маҳсулоти берувчилар сифатида фойдаланилади. *Ахимза* хиндий- қонунига кўра сигирларни ўлдириш Хиндистоннинг бир қанча штатларида тақиқланади. Натижада кексайган ва яроқсиз бўлган йирик қорамоллар қўшимча яйловларга хайдаб юборилган. Ортиб кетган миқдорининг учдан бир қисмини ва умумий миқдорнинг ярмини сигирлар ташкил қилади.Йирик қорамолларнинг ўта қадрланиши шарқий ва жанубий Африка чорвачилигида ҳам бор. Кениядаги Покотларда бир кишига қарашли бўлган йирик қорамоллар миқдори бутун бир бойлик рамзига тенг бўлган ва қадрланган. Йирик қорамоллар келинлар олишда-алмашинув объекти бўлиб хизмат қилган. Бунда уларнинг миқдори сарподан ҳам муҳимроқ бўлган.

Айниқса мусулмонлар диний тариқатида чўчка ифлос (ҳаром) ҳайвон сифатида қаралган. Малазияда фақатгина хитой анклавлари чўчқани истеъмол воситаси сифатида боқишади. Малайзиянинг маҳаллий аҳолиси ислом қоидаларига амал қилади ва истеъмол воситаларига доим аҳамият беришади.

21-бет BOX 7.B Германиядаги майда миллатлар тили

Тил соҳасида немис тили катта ва кичик ҳудудларда турлича диалектларга (шеваланга) бўлинади. Умумий тил доирасида диалектлар жойларда шартли тил шаклига эга. Агар мисол учун Шарқий денгиз соҳилидаги аҳоли учун гоҳо баварияликни тушуниш қийин бўлганда ҳам, диалектлар ўзига хос бир тилни ифодаламайди. Германияда ҳақиқатда немис тили билан бир қаторда бир нечта кичик мустақил аутохтон тиллар мавжуд. Энг катта аутохтон тил элатибу фризлардир. Германияда анчадан буён, бугунги кунгача давом этиб келаётган жараён бу- фризларнинг тили ва маданияти ўзига хослик сифатида қабул қилинган. Фриз тили иккинчи давлат тили сифатида таъсир кўрсатадиган нидерландия –фризланд шароити фризларни Германиядан янада узоқлаштиради. Фриз тили мустақил тил бўлиб, э.ав. 300 йилда пайдо бўлган. У 3 та диалект гуруҳига бўлинади: Ғарбий-шарқий ва шимолий фризча. {Фриезлар келиб чиқиш шаклига кўра давлатнинг мустақил гуруҳ аъзолари сифатида қабул қилинмагани учун,} Ғарбий фриезчада 40000 га яқин, шимолий фриезчада 10000га яқин ва шарқий фриезчада 15000 та одам гаплашади. Шарқий фриезчада нафақат шарқий фриезландия балки емсландик Сатрландияда ҳам гаплашилади.

Иккинчи катта аутохтон тил элати бу сорблардир. Улар Саксония ва Бранденбург ўртасидаги юқори- ва қуйи лаузиция чегара ҳудудларида яшовчи ғарбий славян халқдир. 40000 тачаси Саксонияда ва 20000 тачаси Бранденбургда яшовчи сорбларнинг аксарияти протестантлардир. Сорб халқлари маданиятининг ўзига хослиги нафақат полякча ва чех тилига яқин турувчи уларнинг ўзига хос тилларида балки ўзига хос урф-одатлари ва анъаналарида ҳам акс этади. (мисол учун, кушлар тўйи, май дарахтининг улоқтирилиши, пасха тухимининг безатилиши). Бу халқнинг халқаро қизиқшларини ифодаловчи сорбларнинг бош бирлашмаси бу домовинадир. У 1992 йилда сорб тили ва маданиятини қўллаб –қувватлаш учун ташкил топган. 1937 йилда у славян халқларининг ҳақ-ҳуқуқини чеклаш йўлида NS-ҳокимияти томонидан тақиқлаб қўйилди. 1945 йилда советлар истило қилган зоналарда қайта ташкил топган. 1992 йилда

сорблар бирлашмасининг янги бош уюшмаси сифатида ташкиллаштирилди ва 1992 йилдан бери Саксония ва Бранденбургда ташкил топган “Сорб халқи фонди” орқали федерал ҳукуматнинг таркибий қисмига киради. Сорбларнинг кўчган ҳудудларида сорб тилига талаб алоҳида аҳамият этишига қарамай, бу тил ортга чекинди. Расмий текширувларга кўра 1858 йилда тахминан 160000 та, 1933 йилда 57000 та сорб тилида гаплашувчи кишилар бўлган эди. Ҳозирги кунда сорбтилида гаплашувчиларнинг сони озчилик, яъни 10000 та деб баҳоланяпти. Сорб тили она тили сифатида кам минг кишигина гаплашишади. Бир тиллик сорбчада бугунда бошқа ҳеч ким гаплашмайди. Аҳолининг кексайиши, аралаш никоҳлар, ёшларнинг ғарбий ва жанубий Германиянинг савдо марказларига кетиб қолишлари орқали сорб тили ва маданияти жиддий ҳавф остида қолмоқда ва фақатгина фольклор сифатида мисол учун шпрей дарёси бўйидаги ўрмонларда сақланиб қолмоқда. Германиядаги жанубий шлесвиг холштейнда яшовчи дания элатлари ҳам худди сорбларнинг миқдорича (50000дан 60000гача киши) бўлган. Урушлар ва чегара силжишлари орқали Шлесвиг Герцоглиги навбатма-навбат Данияга ва немис пруссия қироллигига, шунингдек кейнчалик немис империясига тегишли бўлган. Биринчи жаҳон уруши тугаши билан территориал саволлар аҳамиятли бурилиш қилди. 1920 йилда умумхалқ референдумида (ялпи овозга кўйиш) Шлесвигни бўлишга қарор қабул қилинди. Ушбу ҳукмдан сўнг жанубий Шлесвигда яшовчи дания элатларини ўзининг маданий, сиёсий, ижтимоий инфраструктурасини яратишга қарор қабул қилинди.

Аутохтон тил элатлари билан бир қаторда Германияда бошқа мамлакатлардан кириб келган ишчи кучи (гастарбайтер, мардикор) орқали ҳосил бўлган бир қанча майда тил бирлашмалари бор. Ушбу тил бирлашмаларидан энг аҳамиятлиси турклар (2 миллион киши атрофида), Югославлар (662000), италиянлар (586000), греклар (360000), ва поляклар (276000).

Маълумки, дин жамият ҳаётида, кундалик турмушимизда жуда муҳим рол ўйнайди. Бунда давлатнинг иқтисодий ривожланганлик ва аҳолининг билим даражаси катта аҳамият касб этади. Аҳолининг диний таркибини билиш ва уни тўғри баҳолаш дунёда бўлиб ўтаётган воқеа ҳамда ҳодисаларни тўғри тушуниш ва англашга имкон беради.

Шунинг учун ҳам этносларга тавсиф беришда кўпинча мутахассислар уларнинг диний мансублигига эътибор қаратадилар.

Турли тарихий даврларда диний ва этник бирликлар нисбати турлича бўлган. Ибтидоий жамоа тузумида диний ва этник чегаралар ўзаро мос келган. Ҳар бир халқ томонидан яратилган худолар миллий худолар бўлиб, уларнинг таъсир доираси муайян қабила чегарасидан ташқарига ўтмаган. Бу даврда ҳар бир давлат ва унга тегишли этнос ўз худоларига, ўзига хос диний тасаввурларига эга бўлган. Атоқли географ олим В.П.Максаковский “Сиёсий, этник ва диний чегаралар бир-бири билан мос тушган жойда *бир миллатли мамлакатлар* вужудга келади”, деб жуда тўғри таъкидлаган эди.

Жамият тараққиёти, этник алоқаларни кучайиши билан анча катта диний бирликлар вужудга келди, бир динга бир неча халқлар эътиқод қила бошлайдилар. Кейинчалик бир этноснинг маълум қисми эски худоларига сиғинишда давом этсалар, бошқалари янги динни қабул қилиш ҳоллари тез-тез рўй бериб турди. Шундай қилиб, халқлар аста-секин кўпхудоликни қабул қила бошладилар. Жаҳон динларининг вужудга келиши билан этник ва диний чегаралар мувофиқлиги барҳам топади. Баъзи ҳолатларда диний тафовутлар тил жихатдан ўзаро яқин (голландлар ва фламандлар; серблар ва хорватлар ва ҳ.к.) аҳоли гуруҳларининг миллий чегараланишида муҳим рол ўйнайди.


Кейинги даврларда диний мансублик ва этник мансублик ўртасидаги алоқалар сусая борди. Кўпгина йирик замонавий халқлар турли динларга сиғинувчи кишилар гуруҳларини ўзида бирлаштиради, айти пайтда битта динга кўплаб этнослар эътиқод қилишлари ҳам мумкин. Ҳозир фақат баъзан, унда ҳам шартли равишда миллий динлар ҳақида гапириш мумкин (арман-григориан черкови – кўпчилик арманлар, синтоизм – японларнинг асосий қисми, сикхизм – панжобликларнинг маълум қисми ва ҳ.к.).

Баъзи мамлакатларда ҳукмрон мавқега эга динга эътиқод қилмайдиган деярли барча аҳоли миллий камсонли гуруҳлар таркибига киритилади. Жумладан, эронда нафақат арманлар, ассирияликлар, яҳудийлар, шу билан бирга форс халқининг бир қисми бўлган гебрлар (зороастрийлар) ҳам миллий камсонли гуруҳ сифатида эътироф этилади. Айрим араб давлатларида этник камсонли гуруҳларга нафақат мусулмон бўлмаган аҳоли, ҳатто исломнинг мазкур мамлакатда ҳукмрон мавқега эга бўлмаган мазҳабига мансуб гуруҳлар ҳам киритилади.

Дунё динларининг Ер юзи бўйлаб тарқалиши



Этник бирликларда бўлгани каби, диний бирликлар учун ҳам табақалашув хосдир. Ҳар бир дин турли йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар ва секталарга бўлинади. Одатда мамлакатлар ёки халқлар шартли равишда мусулмон, насроний, будда динларига ажратилади, бироқ қуйи таксономик даражаларга тушган сари бундай бир хиллик йўқола боради.



Айрим насроний мамлакатлар диний жиҳатдан бир неча қисмларга бўлинган. Масалан, немислар протестант (унинг икки оқимиға – лютеранлик ва реформатлик) ва католик динларига эътиқод қиладилар; швейсарларнинг турли гуруҳлари орасида протестантлар (реформатлик) ва католиклар тарқалган; шотландлар орасида протестант-пресвитерианлар устунлик қилади.


Битта халқ турли қисмларининг ҳар хил диний оқимларга мансублиги туфайли унинг ичида маданий-маиший тафовутлар келиб чиқади ва бу нарса ўз навбатида *этнодиний* гуруҳлар шаклланишига олиб келади. Бундай гуруҳлар жумласига курдлар орасидаги язидлар диний гуруҳини, Сурия ва Ливан араблари орасида – друзларни, мисрликлар орасида – копитларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бунинг устига, бошқа йўлдош ҳолатлар ҳам унга таъсир этса диний тафовут муҳим этнотабақалашув омили бўлиб хизмат қилади.

Айрим мамлакатларда дин кишилар ҳаётининг кўпгина томонларига, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига, турмуш тарзига ва маданиятига таъсир кўрсатади. Жаҳоннинг қайноқ нуқталарида рўй бераётган сиёсий воқеаларни, агар у ердаги диний вазият ҳисобга олинмаса, тушуниш қийин. XX аср 70-йилларида Ҳиндистон диний

жиҳатдан бўйича икки мустақил давлатга бўлинди, ва натижада Покистондан кўпгина ҳиндлар, Ҳиндистондан эса мусулмонлар кўчиб кетдилар. Бундай миграция жараёнида йигирма миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Турли диний гуруҳларга мансуб кишилар орасида Ливан, Исроил, Филиппин, Афғонистон, Сербия ва бошқа жойларда тўқнашувлар содир бўлди. Аввало, турли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабаблар натижасида келиб чиққан бундай келишмовчиликларда диний омил муҳим рол ўйнади. Дин кўп мамлакатлар ички сиёсий ҳаётига жиддий таъсир кўрсатади; ҳатто уларнинг айримларида сиёсий партиялар ва қасаба уюшмалари диний мансублик тамойили асосида тузилган.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, турли тарихий воқеалар ва ҳозирда рўй бераётган ҳодисалар ҳамда миллий муносабатлар моҳиятини тушуниш учун ўша мамлакат ёки минтақа аҳолиси диний таркибига эътибор қаратиш зарур. Аҳоли диний таркиби билан танишишдан аввал қуйида динлар тарихи ҳақида қисқача маълумот берилган:

Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва дастлабки давлатлар юзага келиши билан аждодлар руҳига топиниш, деҳқончилик ва чорвачиликка хос ибодатлар муҳим аҳамият касб эта бошлади, руҳларнинг иерархияси пайдо бўлди, алоҳида табақа сифатида қохинлик ажралиб чиқди. Жамият синфий табақалашуви шунда ҳам ўз аксини топдики, дин олий ва қуйи худоларга (политеизм) бўлинди, кейинчалик бу жараёнлар яқкахудоликни (монотеизм) келтириб чиқарди.



Эрамиздан аввалги II мингйилликда ҳозиргача сақланиб қолган динлар ташкил топди. Энг қадимий шундай динлардан бири Олд Осиёда юзага келган иудаизм бўлиб, у дастлаб политезмга асосланган, кейинчалик монотеизмга ўтган. Эр. авв. I мингйиллик бошларида шу минтақада бошқа дин – зороастризм (унинг асосида дуализм – яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ҳақидаги тасаввур ётади) ривожлана бошлади, эрамизнинг XI асрида унинг тармоқларидан бири – язидизм пайдо бўлди. Осиёнинг бошқа ҳудудларида политеистик динлар шаклланди. Жанубий Осиёда ҳукмрон бўлган каста тузуми орқали шуҳрат қозонган брахманизм ва каста тузумини инкор қилувчи жайнизм (эр. авв. VI-V асрлар) шулар жумласидандир. Эр. авв. VI-V асрларда Хитойда деярли бир вақтда икки фалсафий-ахлоқий таълимот – даосизм и конфусийлик юзага келди ва кейинчалик улар алоҳида динларга айланди. Японияда ибтидоий жамоа тузуми давридан бу мамлакатда ҳукмрон бўлган аجدодларни ҳурматлаш ва табиатга топиниш асосида синтоизм вужудга келди.

Ер юзи бўйлаб жуда катта ҳудудларда тарқалган айрим динлар жаҳон динлари номини олдилар (одатда уларга буддизм, насронийлик ва исломни киритадилар).

Эрамизнинг I мингйиллиги бошларида Олд Осиёда монотеистик дин – насронийлик юзага келди. 1054 йилда у икки: православ ва католик йўналишларига ажралди. XVI

асрда католик динидаги ислохотлар натижасида ундан (Рим папаси ҳокимиятини инкор қилувчи ва илк насронийликка қайтишни ёқловчи) протестантизм ажралиб чиқди. Протестантизм бир қанча мустақил оқимлар (енг йириклари: англиканлар, лютеранлик, калвинизм, реформатлар ва ҳ.к.) кўринишида шаклланди ва ўз навбатида улар ҳам майда бўлакчаларга бўлиниб кетди. Насронийлик таркибида юқорида қайд этилган учта (православ, католик ва протестант) асосий тармоқдан ташқари, яна иккита нисбатан кам тарқалган, V асрда шаклланиб, диний маросимлари православларга яқин бўлган монофисит ва несториан йўналишлари мавжуд.

Бошқа монотеистик дин – ислом – VII асрда араблар орасида шаклланди. Янги дин орадан кўп ўтмай учта: сунний, шиа ва хорижий йўналишларига ажралиб кетди. Суннийлик ва шиалик ўртасида сиёсий масалаларда, айрим диний маросимлар ва анъаналар бўйича тафовутлар мавжуд. Сиёсий тафовут шундаки, агар суннийлар халифалик ҳокимиятини ёқласалар, шиалар эса имоматтарафдоридирлар. Диний маросимлар ва анъаналардаги фарқлар ҳам анчагина. Суннийликда шиаликда мавжуд бўлган “Мута”, “Шахсей-Вахсей” ва бошқа маросимлар йўқ. Суннийлар Макка ва Мадина шаҳарларини муқаддас ҳисобласалар, шиалар Ироқдаги Карбало ва Нажаф шаҳарларини муқаддас деб биладилар. Суннийлар Суннани бутунлигича этироф этадилар, шиалар эса унинг баъзи қисмларинигина тан олишади. Бу оқимлар орасида бундай тафовутлар жуда кўп, шу билан бирга, малум ўхшашликлар ҳам бор. Масалан, маҳдийлик – замона охир бўлиши ва Маҳдий (арабча, Оллоҳ тамонидан тўғри йўлга етакловчи) келиши ҳақидаги диний таълимот иккала оқимда ҳам мавжуд. Хорижийлар суннийларга яқин бўлиб, улар ўз издошларига қаттиқ талабларни қўядилар – зебзийнатни қоралайдилар, мусиқа ва рақсни таъқиқлайдилар ва ҳ.к.

Алоҳида динларга эътиқод қилувчилар сони ҳақидаги маълумотлар бирмунча ноаниқ ва ишончсиз бўлишига қарамасдан, ҳарҳолда улар турли динларнинг таъсирини баҳолаш имконини беради. Насронийларнинг умумий сони дунё бўйича – тахминан 1,2 млрд. дан ортиқ бўлиб, шундан католиклар – 700 млн., протестантлар – 400 млн. ва православлар – 100 млн. киши атрофида. Католикларнинг асосий қисми Америкада (улар умумий сонининг ярмидан кўпроғи) тўпланган; Европада тахминан 200 млн. киши, Осиё ва Африкада – 100 млн. кишидан. Протестантларнинг 40%и Америкада, 1/3 қисми


Европада (асосан қитъанинг шимолий қисмида), Африка ва Осиёда мос равишда 40 ва 70 млн., Австралия ва Океанияда – тахминан 20 млн. киши. Православлар ва бошқа шарқий черковлар издошлари Жануби-Шарқий Европа, Россия ва Шимоли-Шарқий Африка аҳолиси орасида кенг тарқалган.

Дунёдаги асосий динларнинг рамзий белгилари



Протестантларнинг энг йирик гуруҳларидан баптистлар – 75 млн., лютеранлар – 70 млн., англиканлар – 67 млн., реформатлар ва пресвитерианлар – 52 млн., методистлар – 43 млн., пятидесятниклар – 8 млн., Иегова гувоҳлари – 5 млн., «қутқариш армияси» издошлари – 5 млн., мормонлар – 4 млн., конгрегационалистлар – 3 млн., еттинчи кун адвентистлари – 3 млн. кишини ташкил этади. Шарқий черковлар вакиллари орасида – тахминан 20 млн. монофиситлар ва 100 минг киши несторианлардан иборат.

Дунё бўйича мусулмонлар энг зич яшайдиган ҳудудлар



Мусулмонлар орасида туғилишнинг юқорилиги туфайли кейинги йилларда уларнинг сони насронийлардан ошиб кетди (1,5 млрд. киши атрофида). Уларнинг тахминан 90 фоизи суннийлар, 9,5 фоизига яқини шиалар ва 0,5 фоизи хорижийлардан иборат. Исломга эътиқод қилувчилар асосан Шимолий Африка ва Осиёда (унинг шарқий қисми бундан мустасно) жамланган. Бошқа барча динларнинг издошлари – асосан Осиё аҳолиси. Индуистлар тахминан 550 млн., буддистлар – 300 млн. (улар орасида махая-

Макка шаҳри: космосдан ва асл кўринишлари




нистлар – 60% атрофида), конфусийлар – 200 млн., синтоистлар – 100 млн., даосистлар – 30 млн., сикхлар – 15 млн., жайнлар – 4 млн., зороастризм тарафдорлари – 300 минг, язидлар – 100 минг кишига тенг. Иудаистлар 15 млн. киши атрофида бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғи Америка халқлари ҳиссасига тўғри келади.



Ислам вакиллари



Ортодокс дини вакили



Буддавийлик сиймоси



Рим папаси

Африка, Осиё ва Океанияда сақланиб қолган маҳаллий динларга сиғинувчилар сонини аниқлаш анча мураккаб. Уларни ҳисоблашда муайян динга мансублик ҳақидаги маълумот доим ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Бундан ташқари, мазкур минтақалар аҳолиси статистик жиҳатдан ҳам яхши ўрганилмаган. Ниҳоятда тахминий ҳисоб-китобларга кўра, маҳаллий динларга сиғинувчилар сони дунё бўйича 100 млн. киши атрофида.

Аҳоли диний таркиби ҳақидаги маълумотларнинг ноаниқлиги туфайли, турли динларга сиғинувчилар сони бўйича ўсиш динамикасини белгилаш анча мураккаб. Шунга қарамасдан, мусулмонлар ва индуистлар сонининг жадал ўсиши, бошқа динларга эътиқод қилувчилар ўсиш суръатининг эса пастлиги ёки ҳатто камайиши кузатилмоқда. Бунинг сабаби, индуизм ва ислом ҳукмрон бўлган давлатларда аҳоли орасида туғилиш суръатларининг юқорилиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, ислом Африкада жанубга, унинг тропик қисмига томон жадал силжимоқда, индуизм эса Ҳиндистон қабилалари орасида кенг тарқалмоқда.

Ер шарининг йирик минтақалари бўйича диний гуруҳлар тарқалиши қуйидаги кўринишга эга:

МДХнинг катта қисмини православ динига мансуб кишилар гуруҳлари (Россиянинг катта ҳудудлари, Украина, Беларус, Молдова ва Грузия) ташкил этади. Арманистондаги художўйлар монофисит арман-григориан черковига мансуб, Литвада католик дини, бошқа Болтиқбўйи давлатларида – лютеранлик кенг тарқалган.

Ислом динига Марказий Осиё ва Қозоғистон, Кавказнинг катта қисми, Татаристон ва Бошқирдистон аҳолиси эътиқод қилади. Озарбайжонда асосан шиа оқимиға мансуб мусулмонлар, бошқа ҳудудларда – суннийлар кўпчилиқни ташкил этади. Буддизм-ламаизмға Бурятия, Тува ва Қалмиғистон тубжой аҳолиси эътиқод қиладилар. Художўй яҳудийлар – иудаистлардир.

Европа шимолида протестантлик, Скандинавия давлатлари, Финляндия ва Исландияда – лютеранлик, Англияда – англиканлик, Шотландияда – пресвитерианлик устунлик қилади. Белгия, Люксембург, Франция, Испания, Португалия, Италия, Австрия ва Малтада католик дини тарқалган. Марказий Европада католиклар ва протестантлар сони деярли тенг, бироқ Германияда протестантлар орасида лютеранлар, Швейцария ва Нидерландияда эса – реформатлар устунлик қилади. Грецияда кўпчилик художўйлар православлардан, Туркия Европа қисмида эса – мусулмонлардан иборат. Полша, Чехия, Словакия ва Венгрия аҳолиси орасида католиклар, Болгария ва Руминияда – православлар, Германияда – протестантлар (асосан лютеранлар), Албанияда – мусулмонлар (суннийлар) кўпчилиқни ташкил этади. Собиқ Югославия республикаларида кўпроқ православлар, қисман католиклар ва мусулмонлар мавжуд.

Осиё аҳолиси диний жиҳатдан ниҳоятда хилма-хил. Ислом барча Олд Осиё мамлакатларида (Исроил, Кипр ва Ливандан ташқари), Покистон, Бангладеш, Малдив ороллари, Индонезия ва Малайзияда етакчилик қилади. Кипр, Шарқий Тимор, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Филиппин аҳолисининг муайян қисми мусулмонлардан иборат. Кўпчилик мамлакатларда исломнинг сунний мазҳаби ҳукмронлик қилса, эронда шиалиқнинг мавқеи юқори. Ироқ, Яман Араб Республикаси ва Бахрайнда суннийлар ва шиалар сони деярли тенг. Эрон, Ҳиндистон, Покистонда зороастрийларнинг, эрон, Ироқ ва Туркияда – язидларнинг камсонли гуруҳлари мавжуд.


Ҳиндистон ва Непал индуизм тарқалган асосий ҳудудлардир. Индуистлар Шри-Ланка ва Бангладеш ҳамда Индонезиянинг Бали ороли аҳолиси орасида ҳам учрайди.

Ҳиндихитой мамлакатлари ва Шри-Ланкада аҳолининг кўпчилиги буддистлардан иборат (Ветнамда – махаяна мазҳаби, бошқаларда – тхеравада). Шу билан бирга, айрим Шарқий Осиё мамлакатлари аҳолиси махаяна буддизмидан ташқари, бир вақтнинг ўзида бошқа динларга: жумладан, Хитойда – конфусийлик ва даосизмга, Кореяда – конфусийликка, Японияда – синтоизмга ҳам эътиқод қиладилар. Муғулистоннинг ҳудуджўй аҳолиси – ламаист буддистлардир.

Осиёнинг фақат икки мамлакати, яъни, Филиппин (асосан католиклар) ва Кипрда (православлар) насронийлар етакчилик қилади. Мазкур динга сиғинувчилар Ливан аҳолиси ярмидан озроғини ташкил этади (маронитлар).

Осиёда қабилавий ибодат издошлари сони изчил камайиб бормоқда. Ҳозирги пайтда улар фақат Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг бориш қийин бўлган тоғли ўлкаларидагина сақланиб қолган.

Буддизм дунё харитасида



Африканинг барча араб давлатларида, Сомали ва Жибутида исломнинг сунний мазҳаби ҳукмронлик қилади. Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган бир қатор мамлакатларда (Судан, Чад, Нигер, Юқори Волта, Мали, Сенегал, Гамбия, Гвинея, Гвинея-Бисау, Серра-Леоне, Либерия) мусулмонлардан ташқари, маҳаллий динларга сиғинувчи муайян гуруҳлар сақланиб қолган. Эфиопия аҳолисининг 2/3 қисми насронийликнинг монофисит мазҳабига мансуб. Нигерияда мусулмонлар асосан мамлакат шимолида жойлашган бўлиб, аҳолининг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Шу билан бирга, бу ерда насронийлар ва маҳаллий динларга сиғинувчи гуруҳлар ҳам мавжуд. Қитъанинг бошқа мамлакатларида насронийлар (протестантлар ва католиклар) ҳамда маҳаллий динларга сиғинувчи гуруҳлар турлича нисбатда тақсимланган. Умуман ер шарида сақланиб қолинган маҳаллий динларга сиғинувчиларнинг деярли 80 фоизи Африкада жамланган.

Деярли барча Америка мамлакатларида насронийлик бошқа динлардан устунлик қилади. АҚШ ва Канадада протестантлар кўп бўлиб, улар ўз навбатида хилма-хил диний оқим ва секталарга бўлиниб кетганлар. Жанубий ва Марказий Америка аҳолисининг кўпчилиги – католиклар. Вест-Индиянинг бир оролида сон жиҳатдан католиклар устун бўлсалар, бошқасида – протестантлар. Куба, Гаяна, Суринам ҳамда Тринидад ва Тобагода католик ва протестантлардан ташқари, индуистлар ва мусулмонларнинг маълум гуруҳлари жойлашган. Жанубий Американинг ички ҳудудларидаги ҳинду қабилалари маҳаллий динларга сиғинадилар.

Австралия ва Океанияда художўйларнинг катта қисмини турли оқим ва секталарга бўлинган протестантлар, озроқ қисмини эса католиклар ташкил этади. Янги Каледония, Гуаме ҳамда Уоллис ва Футун оролларида католиклар протестантларга нисбатан кўпроқ. Фиджида насронийлар билан бир қаторда индуистлар ва мусулмонлар мавжуд. Маҳаллий динларнинг тарафдорлари асосан Вануату, Папуа-Янги Гвинея ва Австралия тубжой аҳолиси орасида сақланиб қолган.

Маданий география

Маданият географияси – ижтимоий-иқтисодий географиянинг фазовий-маданий фарқларни нгҳудудий жиҳатларини ўрганувчи йўналиши ҳисобланади.

1930 йилда Карл Сауер томонидан яратилган илмий соҳада, у узоқ Қўшма Штатларда асосан ишлаб чиқилган. Сауер кейин Ричард Хартшорне маданий география шаклланишига катта ҳисса қўшди ва Уилбур Зелинский. Сауер методологияси асосан сифатли ва тавсиф, таҳлил қилиш, 1930 йилда Ричард Хартшорне минтақавий географик географиясини бартараф ҳаракат бўлган чеклашлар ва инқилоб тарафдорлари янада миқдорий таҳлил ҳам қўлланилади. 1970-йилда, у миқдорий усуллар ҳақида география ва ҳаддан зиёд йилда Критика позитивизм оширади.

"Янги маданий география" каби йўналиши 1980 йилдан бери маълум бўлди. Бу статик макон анъанавий тушунчасини рад Мичел де Сертеау ва Гиллес Делеузе, танқидий назарияси асосланган. Бу ғоялар ишлаб чиқиш непрезентативной назарияси олинган.

Маданий география икки асосий бўлимлар қизиқишларига ва билим география бўлади.

Меҳнат Майдонларни

- Глобаллашув, қандай маданий яқинлик тушунтиради
- унга ўхшаш ғарбга ёки модернизатсия жараёнлари, америкалаштириш ва исломийлашиши бошқалар
- маданий мустамлакачиларга орқали маданий юртингизда ёки маданий ассимилятсия назарияси,
- маданий минтақавий фарқ - турмуш тарзи хилма ўрганиш, куч ва бир географик минтақада маданий амалиётини тўлиқ қатор ғоялар, хулқ, тили, ижтимоий тажрибаларни, институтлар ва тузилмаларни ўз ичига олади
- маданий ландшафт ўрганиш,
- жой, мустамлакачилиги, пост-мустамлакачилиги, энтернасёнализмийле, иммигратсия ва эмигратсия, экологик туризм руҳида, шу жумладан, бошқа соҳаларда.

Миллий тупроққа маданий география, албатта, портлаш яшайди. Шу маънода, бу маданий билим тақдири тақдири ўхшаш - ва муаммолар, ва қариши, ва оригинал "нон-тан" асосида ва расмий институализа- қилиш мезонларини кўра. Шу билан бирга,

маданий тадқиқотлар ва дунё маданий география дунё, ҳали бир-биридан нисбатан мустақил бор. Одатда, янги ва тушунарсиз бўлиб ҳисобланадиган "маданий география" тушунчаси биринчи зикрига маданият (шунингдек файласуфлар). Шу билан боғлиқ тушунчага амал "инсон география". шунга ўхшаш методологияси ёрдамида унинг бир қисми маданий географлари, камдан-кам ҳолларда султурологисал ўгирилиб ва фалсафий билим ўзи.

Шундай қилиб, биз муддатли ўзаро бир вазиятни бор, уларнинг мухторият ва мустақиллигини ҳимоя шахсининг шаклланиши нигилистик (ўсмир) босқичи жуда эслатган. Бу кириш мақоланинг мақсади келажакда, турли инсон Анкеталар мутахассислари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, айрим ташқи тутарсизликлар олиб ташлаш мумкин умумий тенденциялари, кўриб иборат.

Маданият география тарихан ижтимоий-иқтисодий география доирасида маълум бир йўналиши сифатида пайдо бўлди. У ўзининг илмий мавзуси уларнинг маданий кимлиги жиҳатидан географик бўшлиқлар аниқлаш асосида, Ернинг вилоятлари ўртасида фазовий ва маданий фарқлар эди. Ортиқча тадқиқот майдони XX асрнинг 30-йилларида Америка олим Карл Сауер томонидан ташкил этилган. маданий география ривожлантиришга салмоқли ҳисса Ричард Хартшорне ва Уилбур Зелинский қилди. Россия маданий география, асосан бир қисм (хузур) географик тадқиқот сифатида талқин. Бироқ, очиқ-ойдин тенденцияси айниқса гўстержебилимсел ва фалсафий ва маданий гуманитар, энг исботланган усуллари маданий география ҳам фойдаланиш.

Россия анъанасида фундаментал тадқиқот (Лотман, ВН Топоров, Жакобсон, Ликҳачев, СС Аверинцев, Бакҳтин, А. Ж. бир қатор бор Гуревич, МС Когон, АЙ учувчисининг бошқ.), гўстержебилимсел ва тарихий ва маданий калитлари ҳам қилди. Улар имплитсит- лекин гуманитар йўналиши ғоясини сақлаб да, улар, "маданий география" соҳасида тегишли ҳеч қачон. Бироқ, издошлари тўғридан маданий (ва инсон) география (Я Веденин, РФ Туrowsкий ғоясини ишлаб чиқиш, маданий ва географик тафаккур, бир алоҳида тренд бор., Когон, ВЛ, ВН . Ка Луск Друзҳинин АГ, ДН Замятин, ВП Максаковский, МВ Рагулина, И. Митин, Лавренова ОА ва бошқ.). Шундай қилиб, маданий география умумий тенденциялари биз кенг маданий уфқда сво- с таъбирини талаб соҳалараро тадқиқот соҳасида билан муомала қилинади, деган фикрдамиз.

"Ландшафт", маданий ва географик билимлар "енг охронний" стратегияси салоҳияти жуда юқори эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бундай умумий маданий тадқиқотлар ва умумий "фанлари таснифлаш" доирасида маданият ҳақида билим соҳаларини аниқлаш каби маданий география муаммоларини зарурлигини муҳокамасида, асосий тадқиқот стратегияси ва тавсиф тартиб мувофиқлаштириш, маҳаллий ақл-идрок асосий фазовий маданий эвренселликларини аниқлаш.

Тажриба кўрсатадики, деб гуманитар (психология, таълим, маданий / гуманитар география ва бошқалар) бошқа соҳаларда дуч муаммолар ўхшаш жиддий султурологисал тайёрлаш, йўлида қийинчиликлар. Маданият география, инсон география, шеърий география (геопоезис), муқаддас география: уларнинг муносабатлар. жисмоний ва ижтимоий, ҳам географик билимлар, узоқ тарихга эга. географлар тарихида кўпинча ҳозир шахсининг ижодий фаолияти учун тегишли ҳисобланади, ва балки ландшафт жисмоний хусусиятларга қилинган эр бўшлиқлар, хусусиятларини тасвирлаб. Шундай қилиб, Геродот салафи бири Милетос қадимий юнон тарихчиси ва географи Гекатей (490-550 БС. Э.), соҳада географик хусусиятлар таърифи билан бирга, эски одатлардан мисоллар ва қадимдан аҳолисини талқин, Бирлашган географик тадқиқотлар "человековедческих эмас ". Иқтисодий, жисмоний ва сиёсий география соҳасида аниқ географик усуллари ҳолиб ва ривожлантириш, янги даврига кирган ҳам фақат мумкин, географик билим ҳисобланади ўз "позитивист" даврида, узоқ тарихи билан ўрин олган. 1960-1970 ГГ Фром. позитивист ва марксистик ёндашувлар танқид муносабати билан биринчи контсептуал тадқиқотлар бирига боғлиқ географик ва умумий маданий пичирлашиб бор эди. Бу билан боғлиқ муҳим география каби соҳаларда пайдо бўлади. Танқидий география (рус транскрипсиялари таркибидаги - "гуманитар") бундан буён "инсонпарвар" деб номланган бўлади, маданий ва географик билимлар, турли арафасида туриб берди ". Янги маданий география" ва географияси Шу билан бирга, бугунги кунда жорий муаммолар деб аталмиш шеърий география (геопоезис) айланади. Компания геопоезис гуманитар илдизлари қадим маданияти топиш мумкин - унинг бадиий жиҳатдан ва назарий тергов (Аристотел "Поэтика") ҳам.

Бизнинг маданиятимиз геосиёсий фикрлаш илдизлари буюк шоир асарларига (Пушкин. Лермонтов, Тютчев, Гумилев, Акхматова. блокировка, Бродский) топиш мумкин ва

ёзувчилар (Толстой, Чехов, Булгаков МА, А. Платонов, А. Гречен) ва санъатнинг бошқа соҳаларида. замонавий султурологисал фикрлаш (В. Кулаков) "еҳтиёжи билан геопетисс келиш". кўплаб тадқиқотлар гостергебилимсел-топологик этказиб томонидан кўрсатилгандек, фазовий англаш энди, "хариталаш" мақомини кўлга киритади нормал кўз шаҳарлар ва транспорт боғламаси фақат геометрик схемасини кўради бадий "вахий" олади. аниқ тушунча мавжуд бўлмаса-да, "маданий география" концепсияси синтетик англашув, Ғарб тадқиқотчилари (а кўриб чиқиш учун ўз нуқтаи назари қаранг. Ушбу мақоланинг тегишли бўлимида) талаб, биз топамиз. Мисол учун, нуфузли инглиз тилидаги сайтлар, бундай Баланчине зове таъриф бериш:

Маданият география (жисмоний география билан бирга) география икки асосий тармоқларидан бири ҳисобланади ва кўпинча инсон география маданий география бутун дунё бўйлаб аниқланади ва улар жойлар географик очко билан боғлиқ қандай бўлган маданий бор, маданият кўплаб жиҳатларини ўрганиш қилинган деб аталади тадбирлар, ва бир вақтнинг ўзида одамлар турли йўналишларда ҳаракат йўлини текширмоқда. қандай ва / ёки тушунтириш ўқув из тили, дини, турли иқтисодий ва давлат тузилмалари, санъат, мусиқа ва бошқа маданий жиҳатларга алоҳида эътибор маданий география айрим ҳудудлар нима учун улар яшаётган ўша жойларда одамлар бор. Бу маънода Глобаллашув "саёҳат қилиб", бутун дунё бўйлаб осонлик қайси турли маданий ҳодисага асосланган муҳим омил бўлади. Бугунги кунда, маданий география амалий аҳамиятга молик ва бундай феминистик география, болалар география, туризм, шаҳар география, жинси, география ва сиёсий география каби яна махсус соҳаларда бўлади. Улар қора собой² боғлиқ даражада - Бу турли маданий дастурлар ва инсон фаолиятини тадқиқ қилиш ривожланади. А ўхшаш тушуниш энсйслопедиа Британниса топилган. Шу билан бирга инглиз Википедия маданий географиясини (маданий география) география гуманитар бўлимига (Инсон география) деб ҳисоблайди.

Маданий ва гуманитар алоқалар географияси келсак, бу масала бўйича нуқтаи бирлик нуқтаси ДН Замятин ҳисобланади. Хусусан, у ишонади инсон география, деб - вакиллик ва руҳий (психик) фаолият, шу жумладан, инсон фаолиятининг эр усти бўшлиқлар, талқин турли йўлларини ўрганади бир фанлараро илмий соҳада. гуманитар географиясини фаолият асосий тушунчалар, - у бир маданий ландшафт (шунингдек,

этник ва маданий ландшафт), географик тасвир, минтақавий (фазовий) ҳисобга олиш, бир фазовий афсона ёки маҳаллий (ҳудудий афсоналар) ҳисобланади. "Инсон география" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ ва ХХИ аср бошида "маданий география", "инсон география", "ижтимоий-маданий (ижтимоий) география", "ижтимоий география", "инсоний география" контсептсиялари билан якунни этилади. "Инсон география" тушунчаси тез-тез "маданий география" учун синоними сифатида идрок қилинади. маданий география фарқли ўлароқ, инсон география: 1) ер усти бўшлиқлар талқинлар билан боғлиқ, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий география ўрганиш турли жиҳатларини ўз ичига олиши мумкин; 2) тўлиқ ёки географик фан унинг асосий оралиғида қисми тегишли эмас дисциплинларараси тадқиқот соҳасида сифатида ўрин эгалланган; 3) шакллантириш ва баён ва бошланғич қуриш мураккаб фазовий идрок ва ваколатхоналари тавсифловчи руҳий тузилмалар ривожлантириш жараёнларини йўналиши бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини маркази ўзгартиради.

Бу сўнгги йилларда деб аталмиш "муқаддас география" ҳақида тобора муҳим тадқиқотлар бормоқда. бошқа "география- э" билан муносабатларни устидан бирлик мунозара муқаддас география аста-секин ўрганиш, хусусан майдонига қўйиб, деб қарамасдан, бор содир ва эмас, у маданий география бўлимлардан бири ҳисобланади. Бу жанр ёзилган асарларнинг аксарияти жуда маданият-контент ва бадиий ифода, диний санъат ва диний фалсафа, маданий ва тарихий тадқиқотлар сифатида маданий билимлар бундай майдони синтез. Бу нуқтаи културологи- кал нуқтаси билан ушбу модданинг муаллифи, кўринади, маданий география умумий масалалар тематик бўлиниши мавжуд бугун услубий ўрнатишига ёки ўрганиш мавзусида фундаментал фарқлар туфайли эмас. Энг тез-тез у Масалан тафаккур турли мактаблар ўртасидаги рақобат, биринчи ўринга учун қураш, ва ҳоказо. Д. ", деб ютилиш" маданий география география гуманитар терминологияси Аслида билан изоҳлаш мумкин, деб маданият, илм-фан каби "маданият" нинг "гуманитар" кенгроқ тушунчага тушунчаси - гуманитар бир қисмидир. Лекин, айти пайтда, "маданият, илм-фан" антропологик билим катта Нефт ўз ичига олади, ва ҳеч қандай "битимларини" бу маънода ҳеч савол бўлиши мумкин. Балки, биз маданий тадқиқотлар ва маданий география чорраҳасида ҳақида гапириш мумкин. Ва бу кесишиши, қисман, маданий ва географик билимлар маданий билим сифатида бўлиши мумкин. Шундай қилиб, термин Студи фақат материя моҳиятини

аралаштирманг. муаллиф замонавий маданий билимлар фикр маданий география ҳақида тўрт навларини гапириш мумкин, маданий-муддатда муҳокама даражадаги (соҳаларда, қатламлари) рай географик билимлар, бир туридир, деб ҳисоблайди:

1. Ибратли даражаси: [янги] маданий география ([янги] маданий география)
2. Мисро даражаси: Гуманитар география (инсон география) 3. метауровен: Шеърый География (геопоетисс - геопоетисс)
4. Муқаддас даражаси: Ҳаром География (сакрал география)

8-майруза. УРБАНИЗАЦИЯ.

РЕЖА:

1. Ҳозирги замон урбанизацияси ва унинг минтақавий хусусиятлари
2. Шаҳар агломерациялари ва мураккаб шаҳар тизимлари
3. Шаҳарларнинг функциялари ва “Глобал шаҳарлар”.

Калит сўзлар. Шаҳарлашув. Урбанизация. Агломерация. Конурбация. Модернизатсия, Шаҳар аҳолиси, Шаҳар, Шаҳарлар географияси, Шаҳарлар иерархияси, Шаҳарларнинг функсиялари, Субурбанизатсия, Урбанизатсия даражаси, Урбанизатсия, Халқаро меҳнат тақсимоти, Яшил зона, Коммуникатсия, Конурбатсия, Мамлакат, Мегалополис, Меганполис, Меҳнат ресурслари, Меҳнат тақсимоти, Дезурбанизатсия, Дунёвий шаҳарлар, Агломератсия, Аҳоли мигратсияси, Аҳоли зичлиги, Аҳолининг табиий о'сиши, Геоурбанистика.

«Урбан» (urban) - шаҳар, «зация» эса жараён демакдир. Шу маънода урбанизация мамлакат ёки бошқа ҳудудларнинг "шаҳарлашувини" англатади. У ўта мураккаб, ижтимоий — иқтисодий ва бутун дунёга хос глобал жараёндир. Бироқ, унинг географик жиҳатлари ҳам кам эмас, чунки урбанизация турли мамлакат ва районларда ўзгача содир бўлмокда.

Урбанизация: мураккаб ҳодиса эканлиги туфайли уни фақат Бизга езон, кўсаткич билан ифодалаш, ўлаш мумкин эмас, Аммо, шундай бўлса — да, барча

учун кулай бир Ўлчов керак. У ҳам бўлса мамлакат ва бошқа ҳудудлар аҳолисининг канчаси, қанча қисми шаҳар жойларда яшаши, улуши, нисбий хиссасидир. Масалан, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 38%, Тожикистонда - 32%, Афғонистонда - 19%, Туркменистонда - 48% ва х.к. Ривожланган мамлакатларда урбанизация коэффициента 90 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этади.

Урбанизациянинг умумий кўрсаткичи билан мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва унинг таркибий тузидиши орасида маълум алоқадорлик бор. Чунинчи, агар урбанизация коэффициенти тахминан 70 — 75 ва ундан ортиқ бўлса, у ҳолда мамлакат саноат жиҳатидан юксак даражада ривожланган индустриал мамлакат ҳисобланади; 50 — 70% — бу ҳам ривожланган, миллий иқтисодиёти индустриал —аграр; 30 — 50% — ривожланаётган аграр — индустриал ва 30 фоиздан паст бўлса, суёт ривожланган аграр мамлакат ҳолатида бўлади,

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, урбанизациянинг юқоридаги кўрсаткичи ҳамма вақт ва ҳамма жойларда-ҳам реал ҳудудий — иқтисодий вазиятни акс эттирмайди, Масалан, Россия Федерациясининг Чукотка ўлкасида - ёки Камчатка, Магадан вилоятларида, ўзимизнинг Қорақалпоғистонда урбанизация кўрсаткичи нисбатан юқори. Бирок, бу ҳудудлар иқтисодий жиҳатидан унча ривожланмаган.

Ердаги ҳар хил халқларининг турли қизиқишлари тарихда қандай муҳокама этишга, уларнинг тез-тез уринишлари, уларнинг ҳулқини ва урф-одатларини тасвирлаш учун, шу нуқтаи назаридан иқлим ва атроф-муҳитнинг бошқа жиҳатлари турли тушунтиришга ҳаракат қилади. Юнон олими тарихчи Геродот олдинги давридаги асосий қарашларни тасвирлаб бедри, Сеневишлиер Колумб, биз бир тарихчи "Ехплорер саёҳатчи" сифатида тасвирланган. Шу йўлда ҳаракат қилган бир инсон (шунингдек Геродот ҳам саёҳат қилди ва Колумб ҳам ёзган), бизга дунёнинг ўша халқларининг билими ва салоҳиятларини эслатади, халқларнинг кўп турдаги илмлари каби, ҳамкорлик ёки мулоқотни амалга ривожланган назария ва амалиёт ўртасидаги, майдонлар орасидаги кузатувчи (савдогарлар орасидаги ўқишларида ҳожилар, элчилар ва Маринерс) ва олимларнинг билимлари (1954 Геродот) берилган. (

Ўзбекистон билан Туркменистонни олайлик: урбанизациянинг демографик кўрсаткичи Туркменистонда бизникидан кўра анча юқори. Ваҳоланки, иқтисодиётда бундай хулоса чиқариш нотўғри бўларди.

Демак, у ёки бу мамлакат урбанизация даражасини бошқа мамлакат билан қиёслаганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

—шаҳар ташкил қилиш мезонлари (масалан, Туркменистонда бунинг учун 5 минг керак, Ўзбекистонда — 7 минг);

—шаҳарларнинг умумий сони ва зичлиги;

—йирик шаҳарларнинг мавжудлиги;

—шаҳар агломерацияларининг ривожланганлиги;

—қишлоқ — шаҳар ва миятниксимон миграция;

—аҳолининг бандлик даражаси ва таркиби;

— қишлоқ, жойлар урбанизацияси, қишлоқликларда шаҳарчасига яиташ тарзининг мавжудлиги/ва х.к.

Юқоридагилар урбанизациянинг нақадар мураккаб ижтимоий'— иқтисодий ходиса эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Албатта, урбанизация — бу объектив ва умуман олганда ижобий жараён. Аммо унинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Чунинчи,

экологик ва социал муаммоларнинг кескинлаш-уви ҳозирги замон глобализациясининг энг кўзга кўринарли салбий «йулдошларидир».

Урта Осиё ва Ўзбекистондаги урбанизация шарқона хусусиятга эга. Бинобарин, бу ерда урбанизация кўрсаткичини яқин келажакда 70-80 фоиз бўлишини тасаввур қилнш қийин ва бундай асло бўлмайдиҳам. Сабаби —бизда шаҳарлар ривожлаиши қишлоқ жойлар билан қадимдан анъанавий ҳолда боғлиқ.

Қолаверса, бундай мамлакатларда, урбаизация ҳам катта аҳамиятга эга. Боз устига, ресиубликамиз раҳбарияти қишлоқ жойларда ижтимоий — иқ'тисодий туб узғаришларни амалга ошириш, қишлоқ индустрияси ва инфраструктурасига жиддий эътибор қаратмоқдаки, 5у ҳам урбанизация!», ичкаридан, «яширинча» ривожланишидан дарак беради. Демак, урбанизациянинг умумий демографик кўрсаткичи гарчи маълум қулаликларга эга бўлса —да, «унинг айрим нозик

жихатлари ҳам мавжуд. Агломерацияларнинг ташки қиёфаси (конфигурацияси) ҳам турлича¹. доирасимон, лентасимон, чўзинчоқ, амфибияга ўхшаш бўлади. Бу ўша жойнинг -ер усти тузилиши, транспорт тизими, гидрографиясига боғлиқ. Одатда, йирик дарёлар бўйида шаклланган агломерациялар 50 — 70 ва ҳатто 100 км —га чўзилиб кетади (Волгоград, Кривой Рог, Братск агломерациялари). Ҳар қайси агломерациянинг тарихий географик “ўқи”-, асоси бўлади. Масалан, республикамызда энг йирик Тошкент агломерацияси' (у 30 га яқин шаҳар ва қишлоқларни бирлаштиради) Чирчиқ дарёси. асосида -вужудга келган. Шу сабабдан бўлса керак, у бироз шимоли — шарқдан жануби — ғарбга чузилган.

Геоурбанистика ёхуд шаҳарлар географияси аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари ва умуман, иқтисодий ва сотсиал географиянинг энг ривожланган йўналишидир. Шаҳарлар бошқа иқтисодий географик объектларга қараганда ўзининг яхлит, дарҳол кўзга ташланиб туриши билан фарқланади. Бунинг сабаби - уларнинг ишлаб чиқаришни, ижтимоий - иқтисодий воқеликни ҳудудда, географик харитада ўзига хос тасвирлашдир.

Маълумки, иқтисодий хариталарда асосан уч ҳудудий шакл кўрсатилади: қизиқлар йўлларга мос келса, ареал ёки майдонлар-қишлоқ хўжалик соҳаларига, нуқта ва тугунлар (тугунчалар) эса саноат марказлари, шаҳарларни акс эттиради. Бинобарин, айтиш мумкинки, иқтисодий ва сотсиал географиянинг асосий тадқиқот объекти ана шу учлик, ҳудудий ёки географик геометрия ҳисобланади ва уларни таҳлил этиш бу фаннинг туб масаласидир.

Шаҳарлар географиясининг иқтисодий ва сотсиал география фани доирасидаги бундай ютуғини боиси нима? Авваламбор, таъкидлаш лозимки, шаҳарлар ҳудудий бирликдир иккинчидан, улар мураккаб сотсиал-иқтисодий категория; учинчидан, шаҳарларда атроф-муҳит, мазкур ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, мисли ойнада аксни топганидек, яхлит мужассамланади; тўртинчидан, шаҳарлар ҳар бир давлат, ҳудуд, иқтисодий ва сотсиал географик тизимнинг таянч нуқталари, «устунлари» бўлиб хизмат қилади. Шаҳарлар-бизнинг ўтмишимиз, ҳозирги кундаги қудратимиз ва истиқболда ривожланиш қуввати ва имкониятимиздир. Улар ердаги чинакам порлоқ юлдузлардир.

Шаҳарлар жуда мураккаб мавжудот бўлиб, серқирали вазифаларни бажаради. Сиёсий жиҳатдан олсак, ҳар бир давлат ўзининг шаҳарлар тўри ва, айниқса, пойтахти (дорулсалтанати) билан кучлидир. Бежиз эмаски, ҳар қандай уруш-юрушлар муваффақияти ва зафари душманнинг шаҳар ва қалъаларини забт этишда, бўйин сундиришда ўз исботини топган. Демак, қадимда шаҳарлар бутун юртга, мамлакатга, бойликка нисбат берилган. Уларни турли мамлакат ёки «иқлимларда» турлича аташган: қубба, мадинат, полис, болиғ, бозор, таун, град, пур, бург, вилл ва хоказолар айна пайтда шаҳарлар географиясининг кенглигидан далолат беради. Бундан кўриниб турибдики, шаҳарлар давлатларнинг сиёсий ҳаётида, уларнинг жаҳон ҳамжамиятида, геосиёсий тузилмасида муҳим рол ўйнайди.

Шаҳарларнинг қудрати уларда мужассамланган иқтисодий салоҳият билан белгиланади. Шаҳарлар, энг аввало, қишлоқ хўжалиги бўлмаган тармоқларнинг ҳудудий ташкил этиш шакли сифатида иқтисодий жиҳатдан самарали, сердаромад, ҳаракатчан (динамик) йўналишларни ўзида мужассамлаштирган. Шу боис ҳар қандай мамлакат миллий иқтисодиётининг таркиби, ривожланганлик даражаси ва халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни, ундаги мавжуд шаҳарлар тизими, урбанизатсия жараёни билан тавсифланади. Айна вақтда шаҳарларнинг илмий-техникавий, маданий салоҳиятлари ҳам салмоқлидир.

Шаҳарлар бозор иқтисодиётига ўтишда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Уларда мавжуд бўлган банк-молия тизимларини бозор инфраструктураси маъносида таърифлаш мумкин. Бинобарин, мустақил мамлакатимизнинг сиёсий ҳаёти ва унинг бозор муносабатларига ўтиш даврида шаҳарларнинг аҳамияти бекиёсдир. Шаҳарларда замонавий тармоқлар, илғор технология жорий этиш имконияти катта; хорижий сармоядорлар ҳам асосан шаҳарлар ва, айниқса инфраструктура тизими мукамал шаклланган марказларни танлашади. Шаҳарларда товар айрибошлаш, пул обороти (айналиши) фаол бўлади. Буларнинг барчаси шаҳарларга янгича қарашни тақозо этади.

Давлатлар ва иқтисодий раёнларни ўрганишда, ўлкашуносликда бу ҳудудларнинг умумий таърифидан шаҳарларга ўтилади, яъни шаҳарлар мамлакатлар ички тузилиши, хўжалик таркиби ва ҳудудий тафовутларни билиб олишда таҳлил қилинади. Демак, бундай анъанавий йўналишда шаҳарлар ўлка, ҳудуд иқтисодий таърифининг поёнида,

якуний бўғинидан ўрин олган. Бироқ бу масалани аксинча, муқобил равишда ҳам ҳал этиш имконияти бор: шаҳарларнинг жамият ҳаёти ва унинг сотсиал- иқтисодий тузилмасини аниқ ва асосий ҳудудий шакли эканлигидан келиб чиққан ҳолда мамлакат тавсифини, унинг шаҳарларидан бошлаш мумкин.

Шаҳарлар мамлакат ва иқтисодий раёнлар географиясида ўрганилиши билан бир қаторда улар алоҳида тадқиқот объекти бўлиб ҳам хизмат қилади. Бу борада, яъни шаҳарларни иқтисодий географик ўрганиш тартиби ҳақида илмий-услубий адабиётларда кўпгина таниқли олимларнинг кўрсатмалари мавжуд. Албатта, шаҳарларни ўрганиш авваламбор уларнинг тарихи, келиб чиқиши, генетик хусусиятларини таҳлил қилишдан бошланади. Натижада, асосан тарихий манбаларга таянган ҳолда, ўрганилаётган шаҳар ёки шаҳарларнинг нима учун айнан шу жойда ва ўтмишнинг айнан шу босқичида вужудга келганлиги ёритилиб берилади.

Шаҳарларни ретроспектив ўрганиш тарихий тамойилга биноан бажарилади: қўйилган мақсад нуқтаи назаридан ўтмиш маълум тарихий даврларга бўлинади ва ҳар бир даврнинг шаҳар (шаҳарлар) шаклланиши ва ривожланишига бўлган таъсири тадқиқ этилади. Аммо, бу ерда тарихнинг «икир-чикирига» ўтиб кетилмайди, география тарих учун эмас, аксинча тарих географияга хизмат қилиши керак.

Мамлакатимиз шаҳарларини ўрганишда, уларни бунёд этилганлигидан бошлаб, ҳозирги кунгача босиб ўтган йўлидаги асосий тарихий, даврий воқеалар қисқача кўрилиб чиқилади ва улар мавжуд борлиқдан келиб чиққан ҳолда баҳоланади. Бошқача қилиб айтганда, шаҳарларнинг тарихи вужудга келган ва ривожланиб кетган давр нуқтаи назаридангина эмас (бу асосан тарихнинг вазифаси), балки уларнинг ҳозирги вақтдаги ҳолатидан келиб чиқиб ҳам таҳлил қилинади. Тарихий география учун эса ҳар бир ҳодиса ўша даврдан келиб чиқиб таҳлил этилиши ва баҳоланиши лозим. Зеро, Гераклит айтганидек, «Айни бир оқимга бир вақтнинг ўзида икки марта тушиб бўлмайди». Чунки, иккинчи марта кирганда оқим(сув) ҳам, унга тушувчи ҳам илгарисидек эмас, ўзгарган бўлади.

Ўзбекистон шаҳарларни ўрганишда, уларнинг қадимий ва бой тарихидан ташқари, рус ва советлар империяси даврлари ҳам кўриб чиқилади. Шундан сўнг шаҳарлар

шаклланиши ва ривожланишидаги мамлакатимизнинг мустақиллик даврига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўрганилаётган шаҳар ёки шаҳарлар тарихига кўра, уларнинг генетик турлари ажратилади, «янги» ва «ески» шаҳарлар гуруҳи аниқланади. Эндиги шароитда «янги шаҳарларни» собиқ советлар даврида вужудга келганлиги билан асослаш нодурустдир. Қолаверса, янги шаҳар тушунчасининг ўзи ҳам нисбийдир. Кенг маънода, юртимизнинг янги тарихига мувофиқ «янги шаҳарлар» деб уларни Туркистон Россия томонидан забт этиб олинган (XIX аср ярми) даврдан сўнг пайдо бўлганларини айтиш мумкин. Бундай шаҳарлар туркумига Фарғона (Янги Марғилон, Скобелов), Когон (Янги Бухоро), Тўрткул (Петроалександровск)лардан бошлаб кейинги йилларда вужудга келган барча шаҳарлар киритилади. Шу маънода собиқ СССР даврида барпо бўлган шаҳарлар (Навоий, Зарафшон, Ширин, Дружба, Маржонбулок, Толимаржон, Янгиер ва бошқалар) ҳам янгилар қаторига киради. Аммо иқтисодий ва сотсиал география нуқтаи назаридан қараганда бутунлай «бўш» ёки ўзлаштирилмаган жойларда ҳамда кейинги қисқа даврда аҳолиси ва хўжалиги кескин ривожланган ва ташқи қиёфаси тубдан ўзгарган манзилгоҳларни том маънодаги янги шаҳарлар деб аташ тўғрироқдир.

Шаҳарлар географиясини ўрганишдаги навбатдаги босқич уларни катта-кичиклиги бўйича табақалаштириш (классифи-катсиялаштириш)дан иборатдир. Бу ерда қўйилган мақсад ва тадқиқ қилинаётган объект хусусиятидан келиб чиқиб, шаҳарлар тўри аҳоли сони бўйича турли даража ёки классларга ажратилади. Энг аввало улар, 3 гуруҳга: катта, ўрта ва кичик шаҳарларга бўлинади, махсус тадқиқотларда эса янада кенгроқ классификация қўлланилади. Табиийки, катта ёки кичик шаҳар тушунчаси ҳам нисбийдир. Масалан, Тошкент даражасидан ҳатто азим Самарқанд ёки Наманган ҳам кичик шаҳардир (Японлар «шаҳар нима?» саволига «бу Токиодир» деб жавоб беришган экан). Айни пайтда мамлакатимиз қишлоқ жойлари, ичкарисидан қараганда туман маркази- кичик шаҳар ҳам улар учун катта, ўлкан кўринади. Мисол учун Қашқадарёнинг Қамаши ёки Чироқчи аҳолисининг нигоҳида шаҳар - бу, энг аввало, Қамаши ва Чироқчидир; Қарши, Самарқанд, Тошкент эса улар учун нихоятда ўлкан, азим шаҳар ҳисобланиди.

Демак, шаҳарларни миқдорий жиҳатдан турлича баҳолаш сунъийликка эга экан. Бирок бундай қараш, одатда оддий ҳалқ, ҳаётий ва анъанавий, кундалик андозаларга мос келади, холос. Илмий изланишларда эса ҳар бир тадқиқот объекти учунгина эмас, балки мамлакат миқёсида расмий равишда қабул қилинган маълум андозаларга амал қилиш керак. Бу айтилган пайтда, турли вилоят ва мамлакатлар шаҳарларни қиёсий географик ўрганишда ҳам қўл келади.

Шаҳарлар келиб чиқиши ва уларни классификациялаш натижалари махсус статистик жадвал, диаграмма, график ва хариталар ердамида тасвирланиши шарт. Жумладан, шаҳарлар табақаланишини пирамида шаклида кўрсатиш ҳам нихоятда мақбул усул ҳисобланади. Чунки, бундай тасвирда мамлакат ёки вилоятнинг қайси бўғинидаги шаҳарлари кўп ёки кам, кучли ёки заифлиги ва ушбу муаммони ҳал этиш йўллари, манбалари яққол кўринади. Айтилган чоғда, бу ҳолат мамлакат ёки раён ҳўжалигининг ҳудудий мужассамлашув хусусиятини акс эттиради.

Шаҳарлар миқдорий даражалари билан бирга, улар сифат кўрсаткичлари, бажарадиган вазифалари (функсиялари) бўйича ҳам бир-бирига ўхшаш эмас. Маълумки, жуда кўп шаҳарлар турли мақомдаги маъмурий марказ вазифасини ўтайдилар. Улар орасида кўпчиликлари туман марказлари, ундан камроғини -вилоят ва фақат биттаси эса мамлакат маъмурий-сиёсий, яъни пойтахт функсиясини бажаради.

Ҳўжалик жиҳатидан ёндошганда, жуда кўп шаҳарлар саноат ва транспорт маркази, айримлари дам олиш (рекреатсия), фан марказлари ҳисобланади. Шаҳарларнинг бажарадиган вазифасини, ихтисослашувини аниқлашда, асосан банд бўлган аҳоли таркиби таҳлил этилади. Шунга кўра, саноат, транспорт ёки фан-техника марказлари ажратилади. Саноат шаҳарлари ичида кўп тармоқли саноат маркази, оғир ва енгил саноат, ресурс шаҳарлар каби функционал типлар белгиланади. Агарда ана шундай шаҳарлар тоифалари уларнинг катта-кичиклиги, босқичлари билан биргаликда кўрилса, тадқиқот янада чуқур ва самарали бўлади.

Ўрганишлар натижасида, шаҳарлар иқтисодий география-сининг энг муҳим қонунияти ўз исботини топади. Бу ҳам бўлса, шаҳарларнинг бажарадиган вазифаси-ихтисослашуви, функсияси уларнинг катта ёки кичиклигини белгилашидир.

Шаҳарларни ўрганишда, уларнинг иқтисодий географик ўрни, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва ҳудудий ташкил этиш шаклларига алоҳида эътибор бериш керак. Бу борада айниқса, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви, ихтисослашуви, кооператсия ва комбинатлашувини, саноат тугуни ва мажмуаларини тадқиқ қилиш муҳимдир. Бундай иқтисодий кўрсаткичлар статистик усуллар, ҳисоб-китоблар ёрдамида аниқланади, шаҳарлар кўрсаткичлари бошқа шаҳарлар ва мамлакатлар ўртача ҳолати билан таққосланади. Жумладан, мужассамлашув ва ихтисослашув коэффитсиенти ва индекслари, тармоқларнинг турланиши (диверсификатсияси), аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулоти, ривожланганлик даражаси ва бошқалар ҳисоблаб чиқилади.

Маълумки, ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш даврида, ишлаб чиқаришнинг юқори даражада мужассамлашуви, йирик корхоналарни қуриш кўп жиҳатдан мақбул эмас. Шу сабабдан бугунги шароитда саноатни жойлаштириш асосида шаҳарларнинг вужудга келиши ва уларнинг кескин ривожланиши нисбатан кам учрайдиган ҳолатдир. Бундан улкан қўшма корхоналар, қурилаётган Асака, Қоровулбозор шаҳарлари мустаснодир.

Шу билан бирга, азалдан мавжуд бўлган кичик шаҳарлар муаммоси ҳозирги кунда бошқача маъно касб этади. Бундай шаҳарларнинг бирдан-бир ижобий имконияти, уларда меҳнат ресурсларининг кўплиги, қишлоқ раёнларига яқинлигидир. Бироқ, кичик шаҳарлар молиявий жиҳатдан заиф, ўз-ўзларини бошқаришлари қийин ва давлат ёрдамига муҳтож. Унинг устига, мазкур шаҳарларда малакали ишчи ходимлар оз, замонавий инфраструктура тизими тўла шаклланмаган. Бинобарин, кичик шаҳарларимизга катта муаммолар хос, деб айтишимиз мумкин.

Ана шундай шароитда, хорижий сармоядорлар кўпроқ катта шаҳар муҳитини истайдилар, қўшма ва кичик корхоналар қуриш имкониятлари ҳам бундай шаҳарларда кенгроқ. Демак, эндиги шароитда, катта шаҳарларда кичик корхоналар кўпроқ яратилмоқда, кичик шаҳарларда эса, агар улар моддий ва молиявий қўллаб-қувватланса, йирик саноат корхоналари ҳам қурилади. Аммо барча кичик шаҳарларни бундай ривожлантириш мумкин эмас: вақт ҳам, капитал маблағ, сармоя ҳам етишмайди. Бинобарин, кичик шаҳарларнинг айримларигина танлаб олинади ва улар ўсиш қутби ҳамда маркази сифатида ривожлантирилади. Бундай шаҳарларни ажратиб олиш эса,

уларнинг кўп омилли таҳлил этилиши ва баҳоланиши (иқтисодий географик ўрни, меҳнат ва хом ашё ресурслари, экологик ҳолати, транспорт ва бошқа инфраструктураси, функцияси, катта-кичиклиги ва х.к.) асосида амалга оширилади.

Шаҳарларни иқтисодий географик ўрганишда, уларнинг транспорт функциясига ҳам алоҳида эътибор берилади. Шаҳар ва транспорт йўллари ўзаро чамбарчас боғлиқ: бири иккинчисисиз бўлмайди, йўллар шаҳарларга келади, шаҳарлардан йўллар кетади. Хуллас, шаҳарлар ва йўллар бу мамлакатнинг иқтисодий асоси, «қовурғаси» ҳисобланади.

Шунингдек, шаҳарларнинг сотсиал функциялари, фан ва таълим тизими, маданияти, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, экологик вазияти, аҳолисининг ўсиши каби масалалар ҳам ўрганилади. Шу ўринда пойтахт шаҳарларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи, халқаро ва дипломатик алоқалар, сиёсий ҳаёти, энг аввало, унинг пойтахти билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, оламшумул ва умумбашарий муаммолар хусусида расмий сўз юритилганда, одатда давлатларнинг пойтахти номидан гапирилади. Шу боис, пойтахт шаҳарларнинг «юки», масъулиятлари нихоятда вазмин: улар бир томондан мамлакатни, ҳудудий-сиёсий жиҳатдан ташкил қилиш, бошқариш вазифасини адо этса, иккинчи томондан бундай марказлар давлатни жаҳон миқёсига муносиб равишда олиб чиқишлари керак. Айнан ана шу маънода ҳар қандай давлат ўз тақдирини пойтахтига топширади.

Кўпчилик ҳолларда шаҳарларнинг генетик типлари уларнинг нима билан шуғулланишини ҳам белгилаб беради. Бу эса уларнинг ҳудудий меҳнат тақсимоотида тутган ўрни, башарасини кўрсатиб туради.

Шаҳарлар ҳам турли соҳаларга ихтисослашади, яъни уларнинг ўзига хос ва мос «касби», вазифаси ва йўналиши мавжуд. Бу жиҳатдан шаҳарлар саноат, транспорт, илму-фан, дам олиш марказлари бўлиши мумкин.

Шаҳарларнинг қайси соҳага ихтисослашуви, уларнинг бажарадиган вазифасини аниқлаш функционал типология доирасида амалга оширилади. Бунда бош мезон қилиб шаҳар аҳолисининг бандлик таркиби олинади, яъни қайси соҳада меҳнат ресурслари

кўпроқ (мамлакат шаҳар жойлари бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори) бўлса, ўша йўналиш мазкур шаҳарнинг функционал типини ифодалаб беради.

Одатда шаҳарлар қуйидаги функционал типларга бўлинади.

1. Кўп функцияли сиёсий-маъмурий марказлар, пойтахт шаҳарлар.
2. Кўп функцияли шаҳарлар-вилоят марказлари.
3. Кўп тармоқли йирик саноат марказлари.
4. Асосан бир ёки икки саноат тармоғига ихтисослашган шаҳарлар.
5. Транспорт марказлари.
6. Агроиндустриал шаҳарлар.
7. Туман марказлари.
8. Рекреатсия шаҳарлари.
9. Илму-фан марказлари, университет шаҳарлари ва х.к.

Юқоридаги функционал типлар шаҳарларнинг катта-кичиклигига қараб ҳам турланади. Бу ҳолда шаҳарларнинг функционал классификацияси вужудга келади.

Ўзбекистонда биринчи ва иккинчи гуруҳ шаҳарларга Тошкент ҳамда барча вилоят марказлари киради. Улар айти пайтда кўп тармоқли саноат марказлари ҳам ҳисобланади. Учинчи типга асосан Чирчиқ, Олмалик, Қўқон каби шаҳарлар мансуб, тўртинчи гуруҳга Марғилон, Ангрен, Охангарон, Муборак, Газли, Зарафшон, Тахиатош, Асака, Учқўрғон, Қувасойга ўхшашларни киритиш мумкин.

Когон, Ховос, Қўнғирот-транспорт шаҳарлари, Чортоқ-рекреатсия, Улуғбек-фан марказларидир.

Республикада жуда кўп шаҳарлар агроиндустриал йўналишга эга, яъни уларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари мавжуд. Улардан ҳам кўпроқ шаҳарлар қишлоқ туманлар маркази вазифасини бажаради. Бироқ, бундай шаҳарлар -«кичик пойтахтлар» айти пайтда агроиндустриал характерига ҳам эга бўлишлари мумкин.

Пойтахт шаҳарлар мамлакат шаҳарлар тури ва тизимида карвонбошчилик қилишади. Аммо улар аҳолиси бўйича энг катта, саноат ўта ривожланган бўлиши асло шарт эмас. Чунки, бундай шаҳарларнинг асосий вазифаси-сиёсий марказ, дорулсалтанат, яъни

пойтахт функсиясини бажаришдан, бинобарин, мамлакатни бошқариш, уни сиёсий, илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий жihatдан ташкил қилишдан иборат бўлиши лозим.

Жуда кўп мамлакатларда пойтахт шаҳарлар муаммоси кескин туради. Бундай шаҳарлар мумкин қадар мамлакат ҳудудининг ўртасида (марказида), тарихан асосий туб миллат тарқалган ҳудудда жойлашган бўлмоғи лозим. Сабаби-улар энг аввало миллий пойтахтлардир. Шу билан бирга, бу шаҳарларда бошқарув функсияси кенг ривожланган бўлиши шарт.

Дунё мамлакатларининг айримларида пойтахт шаҳарлари ўзгариб турган. Масалан, Бразилияда пойтахт Рио-де-Жанейродан Бразилиага, Покистонда Карачидан Исломободга, Қозоғистонда Олма-Отадан Остонага кўчирилган ва хоказо. Бир вақтлар Украинанинг пойтахти Харьков, Россияники Петербург, Туркияники Стамбул, Қорақалпағистонники Тўрткўл бўлган, Ўзбекистон Республикасининг дастлабки пойтахти Самарқанд бўлиб, 1930-йилда бу вазифани бажариш Тошкентга кўчирилган.

Пойтахт шаҳарларнинг нуфузи ҳам, маъсулияти ҳам юқори. Бинобарин, ҳар қандай мамлакат ўзининг бош шаҳри, «йўл бошчисига» катта эътибор бермоғи табиийдир, чунки улар ўша жойда яшовчиларнинг миллий ифтихори ҳисобланади.

Шаҳарлар-мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий, илмий фаолият марказларидир. Шаҳар- аҳолиси асосан саноатда, савдода, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида, бошқарув, фан, маданият шаҳобчаларида банд бўлган йирик аҳоли пунктлари. Шаҳарлар аҳоли сонига қараб катта шаҳарлар (аҳолиси 100мингдан ортиқ), йирик шаҳарлар (аҳолиси 250мингдан ортиқ), жуда йирик шаҳарлар (аҳолиси 500мингдан ортиқ) ва „миллионер шаҳарларъга ажратилади. Улар бир қанча вазифани бажаради. Бундай шаҳарлар кўп функцияли шаҳарлар дейилади. Кўп функцияли шаҳарлар жуда тез ривожланади, улар ёнида йўлдош шаҳарлар вужудга келиб, агломератсияларни ҳосил қилади. Аҳоли пунктининг шаҳар мақомини олиш шарти турли мамлакатларда турличадир. Аҳоли пунктига шаҳар мақомини беришда унда шаҳар турмуш тарзи (урбанизатсия)нинг ҳолати ҳам ҳисобга олинади.



Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланиши, хусусан мужассамлашув натижаида турли функционал тип ва йирикликдаги шаҳарларнинг бир жойда ғуж ҳолда ўрнашган шакли вужудга келадики, уларни илмий адабиётларда шаҳар агломератсияси деб таърифлашади. «Агломератсия» сўзи геологиядаги «агломерат»ни эслатади, яъни бир ҳудудда тўп бўлиб жойлашганликни англатади, иқтисодиёт ва айниқса ғарбда шаклланган минтақавий иқтисодда эса саноат агломератсияси -саноат корхоналарини бир нуқтада тўпланганлигини билдирувчи тушунча мавжуд. Шунга мос равишда агломератсион омил ва агломератсион эффект (самарадорлик) ибараси ҳам бор.

Агломератсиянинг вужудга келиши тахминан қуйидаги схемада (тартибда) амалга ошади. Қулай иқтисодий географик ўринга эга бўлган шаҳар аста-секин йириклашиб бораверади. Сабаби-у ўзига барча янги-янги саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш муассасалари, олий ўқув юртлари, молия-банк ташкилотлари ва бошқаларни тортаверади. Бу пайтда шаҳарнинг тортиш кучи, марказга интилувчи ҳаракат авжда бўлади.

Шаҳарларнинг ёйилиб кетиши, қимматни қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобидан кенгайиши маълум даражагача давом этиб бораверади. Кейинчалик шаҳар ҳудудининг чексиз кенгайиши тўхтаб «қолади», у тоғ ёки дарё, давлат чегараси ёки денгиз каби тўсиқларга дуч келади, шаҳар ичида эса уй-жой, транспорт, экология муаммолари кескинлашади.

Натижада ўзига хос «революцион вазият» вужудга келади: йирик шаҳар муҳити, унинг фан-техника, инфраструктура салоҳияти ўзига янги-янги корхоналарни жалб қилади, бироқ юқоридаги қийинчиликлар буни чеклаб қўяди. Ана шундай тартибда, йирик шаҳарга яқин жойда уни тўлдирувчи, ихтисослашган шаҳар ва шаҳарчалар вужудга келади. Бундай «йўлдош» шаҳарларда марказий шаҳар эҳтиёжини қондирувчи ёки унга хизмат қилувчи объектлар ўрнашади. Шундай қилиб, йирик шаҳар ўз расмий чегарасидан чиқади, миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига ўтади, ҳудудий мужассамлашув ўз шаклини ўзгартиради ва шаҳарларнинг ҳудудий тўплами пайдо бўлади.

Шаҳар агломератсиясининг шаклланиши учун қуйидаги шарт ва шароитлар зарур:

- албатта бир ёки икки йирик шаҳар бўлиши керак;
- унинг атрофида камида иккита шаҳар ва шаҳарчалар бўлиши шарт;
- марказий шаҳар (агломератсия ядроси) ва йўлдош манзилгоҳлар орасидаги масофа энг кўпи икки соатлик вақт доирасида бўлиши керак;
- агломератсия шаҳар ва шаҳарчалари ўртасида «аҳоли» алоқаси бўлади, маятниксимон (тебранма) миграция ривожланган бўлиши шарт;
- йўлдош шаҳарларда энг ками агломератсия аҳолисининг 10 фоизи жойлашган бўлиши зарур ва ҳ.к.


Кўриниб турибдики, агломератсиялар ҳар қандай шароитда ҳам вужудга келавермайди; жуда кўп шаҳарлар бўлса-ю, улар орасида агломератсия ташкил қилувчи марказ бўлмаса, ёки аксинча, йирик шаҳар бир ўзи бўлса бундай ҳолда агломератсия шаклланмайди. Масалан, Жиззах -у катта шаҳар, лекин унинг атрофида шаҳарлар кам; Навоий ҳам деярли шунақа вазиятда, ёки Шахрисабз-бу ерда Китоб, Яккабоғ ва бошқа шаҳарлар ҳам мавжуд, аммо Шахрисабзнинг ўзини агломератсия ҳосил қилиш қудрати паст.

Агломератсиялар бир марказли (монотсентрик) ва кўп марказли (политсентрик) бўлади. Фарғона-Марғилон, Ангрен-Олмалиқ агломератсиялар икки марказли ҳисобланади,

Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қарши, Нукус, Урганч ва бошқа агломератсиялар битта йирик шаҳар атрофида вужудга келган.

Агломератсияларнинг ташқи қиёфаси (конфигуратсияси) ҳам турлича³:

1. Доирасимон
2. Лентасимон
3. Чўзинчок
4. Амфибияга ўхшаш бўлади



Агломератсиянинг ташқи конфигурацияси чизмаси

Бу ўша жойнинг ер усти тузилиши, транспорт тизими, гидрографиясига боғлиқ. Одатда, йирик дарёлар бўйида шаклланган агломератсиялар 50-70 ва ҳатто 100 км-га чўзилиб кетади (Волгоград, Кривой Рог, Братск агломератсиялари).

Ҳар қайси агломератсиянинг тарихий географик ўрни, асоси бўлади. Масалан, республикамизда энг йирик Тошкент агломератсияси (у 30 га яқин шаҳар ва қишлоқларни бирлаштиради) Чирчиқ дарёси асосида вужудга келган. Шу сабабдан бўлса керак, у бироз шимоли-шарқдан жануби-ғарбга чўзилган.

Ўзбекистон (ва Ўрта Осиё) агломератсиялари ўзига хос минтақавий хусусиятларга эга. Улар асосан тоғ олди ҳудудларда суғорма деҳқончилик жойларида, электр транспорти

³Dr Christion Sawyer ap* Human geography crash course. Printed in the United States of America. Green Edition. -2012.185-P.

суст ривожланган, атрофи қишлоқ хўжалик экинлари билан ўралган шароитда вужудга келган. Моҳиятан, бизнинг агломератсиялар шаҳар эмас, балки шаҳар-қишлоқ агломератсияларидир.

Агар шаҳар ва шаҳарчалар, ўзаро ҳудудий тутшиб, қўшилиб кетса, у ҳолда яхлит - улкан шаҳар вужудга келадики, уларни конурбатсия дейишади (Лондон, Рур ҳавзаси конурбатсияси ва х.к.). Бироқ, конурбатсия ҳам агломератсияларнинг бир шакли, кўриниши бўлсада, ҳар қандай агломератсия ҳам конурбатсия эмас.

Шаҳарлар ҳудудий бирлашмасининг яна бир мураккаб шакли мегалополислардир (ушбу тушунчани фанга америкалик олим Жан Готтман 50-йилларда киритган). Мегалополислар агломератсияларнинг ўзаро қўшилиб кетиши натижасида вужудга келади. Масалан, Босваш (Бостон-Вашингтон), Чигпитс (Чикаго-Питсбург), Токио-Иокогама ва бошқа мегалополислар мавжуд.

Ўзимизнинг Фарғона водийсида ҳам аҳоли жойлашувининг ўзига хос шакли вужудга келаган, уни йирик шаҳарларнинг бош ҳарфи билан ФАНЎХ мегаполиси деб аташ мумкин (Фарғона-Андижон-Наманган-Ўш-Хўжанд). Умуман эса мегалополис, ёки мегаполис улкан шаҳар (мега-катта, йирик) маъносини билдиради. Грек архитектори Доксиадис ҳатто ойкуменаполис ҳақида ҳам фикр билдирган (бу бутун дунё шаҳарларининг ягона тизимидир). Дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган шаҳарлар бирикмасини биз делтаполис дейишимиз мумкин.

Жаҳоннинг энг йирик Мегаполислари



Урбанизатсияни таърифлашда АҚШлик олима Др Чристион Сауер қуйидагича таъриф берган:

1. Урбанизатсия шаҳар ландшафтларини ва шаҳар турмуш тарзининг о`сиши ва ёйилишидир.

Ҳамма ҳам шаҳар сифатида классификатсия қилишга керакли одамларнинг сонига мос келавермаслиги сабабли шаҳарни аниқлаш ва таснифлаш қийин бо`лади. (шаҳаршунос олимлар шаҳарларга берадиган та`рифга ёндашув турлича)

2. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар юқори урбанизатсиялашган ҳолда, ривожланаётган мамлакатларда шаҳарда яшовчиларнинг сони ва улуши яқин йилларда анча о`сган.

3. Ривожланаётган мамлакатлардаги ко`плаб шаҳарсозлик идоралари бундай “портловчи” урбанизатсия жараёнини назорат қилишга ҳаракат қилишмоқда. Ҳақиқатда, ҳар йили тахминан 10 млн киши “портловчи” урбанизатсияни кечираётган ҳудудлардаги юқори демографик сиг`им ва етарли даражада инфраструктура та`минотига эга бо`лмаганлиги сабаб бо`ладиган ҳатарли шароитлар туфайли нобут бо`лмоқда⁴.

«Урбан» (урбан) -шаҳар, «затсия»- жараён демакдир. Шу маънода урбанизатсия мамлакат ёки бошқа ҳудудларнинг шаҳарлашувини англатади. У ўта мураккаб, ижтимоий-иқтисодий ва бутун дунёга хос глобал жараёндир. Урбанизатсия — жамият ҳаётида шаҳарлар ролининг ортиб бориши; ишлаб чиқарувчи кучларнинг жойлашуви, аҳолининг ижтимоий, демографик таркиби, турмуш тарзи ва маданиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. У тарихий ривожланиш асосида шаклланган жамият босқичлари ва ҳудудий меҳнат тақсимооти натижасида содир бўлган кўп қиррали географик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик жараёндир. Унинг торроқ доирадаги демографик-статистик тушунчаси дунёда, алоҳида ҳудудларда, мамлакатларда шаҳарларнинг (айниқса, катта шаҳарларнинг) ва шаҳар аҳолиси салмоғининг кўпайиб боришини англатади. Дастлабки шаҳарлар мил. ав. 3—1минг йилликларда Мисрда, Месопотамия, Сурия, Ҳиндистон, Кичик Осиё, Хитой, Ҳиндихитой, шунингдек, Европа ва Африканинг Ўрта денгиз соҳилларида вужудга келган. Юнон Рим дунёсида эса Рим ва Карфаген шаҳарларининг мавқеи юқори бўлган. Ўрта асрлар ва уйғониш даврида капиталистик ишлабчиқариш унсурлари шакллана бошлади. Бу жараён шаҳарларда

⁴Dr Christion Sawyer ap* Human geography crash course. Printed in the United States of America. Green Edition. -2012. 185-P.

аҳоли сонининг ўсиб боришига, концентратсиялашувига олиб келди. Иқтисодий ривожланган давлатларда йирик шаҳарлар пайдо бўла бошлади. Бироқ унинг географик жиҳатлари ҳам кам эмас, чунки урбанизатсия турли мамлакат ва раёнларда ўзгача содир бўлмоқда. Урбанизатсия мураккаб ҳодиса эканлиги туфайли уни фақат битта мезон, кўрсаткич билан ифодалаш, ўлчаш мумкин эмас. Аммо, шундай бўлса-да, барча учун қулай бир ўлчов керак. У ҳам бўлса мамлакат ва бошқа ҳудудлар аҳолисининг қанчаси, қанча қисми шаҳар жойларда яшаши, улуши, нисбий ҳиссасидир. Масалан, Ўзбекистон Республикасида бу кўрсаткич 38%, Тожикистонда-32%, Афғонистонда-19%, Туркменистонда-48% ва х.к. Ривожланган мамлакатларда урбанизатсия коэффитсиенти 90 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этади.

Урбанизатсиянинг умумий кўрсаткичи билан мамлакат иқтисодиётининг ривожланганлик даражаси ва унинг таркибий тузилиши орасида маълум алоқадорлик бор. Чунончи, агар урбанизатсия коэффитсиенти тахминан 70-75 ва ундан ортиқ бўлса, у ҳолда мамлакат саноат жиҳатидан юксак даражада ривожланган индустриал мамлакат ҳисобланади; 50-70%-бу ҳам ривожланган, миллий иқтисодиёти индустриал-аграр; 30-50%- ривожланаётган аграр-индустриал ва 30 фоиздан паст бўлса, сустр ривожланган аграр мамлакат ҳолатида бўлади.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, урбанизатсиянинг юқоридаги кўрсаткичи ҳамма вақт ва ҳамма жойларда ҳам реал ҳудудий-иқтисодий вазиятни акс эттирмайди. Масалан, Россия Федератсиясининг Чукотка ўлкасида ёки Камчатка, Магадан вилоятларида, ўзимизнинг Қорақалпоғистонда урбанизатсия кўрсаткичи нисбатан юқори. Бироқ, бу ҳудудлар иқтисодий жиҳатидан унча ривожланмаган.

Ўзбекистон билан Туркменистонни олайлик: урбанизатсиянинг демографик кўрсаткичи Туркменистонда бизникидан кўра анча юқори. Ваҳоланки, иқтисодиётда бундай хулоса чиқариш нотўғри бўларди.

Демак, у ёки бу мамлакат урбанизатсия даражасини бошқа мамлакат билан қиёслаганда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

-шаҳар ташкил қилиш мезонлари (масалан, Туркменистонда бунинг учун 5 минг керак, Ўзбекистонда-7 минг);

- ✓ -шаҳарларнинг умумий сони ва зичлиги;
- ✓ -йирик шаҳарларнинг мавжудлиги;
- ✓ -шаҳар агломератсияларининг ривожланганлиги;
- ✓ -қишлоқ-шаҳар ва маятниксимон миграция;
- ✓ -аҳолининг бандлик даражаси ва таркиби;
- ✓ -қишлоқ жойлар урбанизацияси, қишлоқликларда шаҳарчасига яшаш тарзининг мавжудлиги ва х.к.

Юқоридагилар урбанизациянинг нақадар мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Албатта, урбанизация -бу объектив ва умуман олганда ижобий жараён. Аммо унинг салбий томонлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, экологик ва сотсиал муаммоларнинг кескинлашуви ҳозирги замон урбанизациясининг энг кўзга кўринарли салбий «йўлдошларидир».

Ўрта Осиё ва Ўзбекистондаги урбанизация шарқона хусусиятга эга. Бинобарин, бу ерда урбанизация кўрсаткичини яқин келажакда 70-80 фоиз бўлишини тасаввур қилиш қийин ва бундай асло бўлмайди ҳам. Сабаби-бизда шаҳарлар ривожланиши қишлоқ хўжалиги билан қадимдан анъанавий ҳолда боғлиқ.

Қолаверса, бундай мамлакатларда қишлоқ урбанизацияси ҳам катта аҳамиятга эга. Боз устига, республикамиз раҳбарияти қишлоқ жойларда ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришларни амалга ошириш, қишлоқ индустрияси ва инфраструктурасига жиддий эътибор қаратмоқда-ки, бу ҳам урбанизацияни ичкаридан, «яширинча» ривожланишидан дарак беради. Демак, урбанизациянинг умумий демографик кўрсаткичи гарчи маълум қулайликларга эга бўлса-да, унинг айрим нозик жиҳатлари ҳам мавжуд. Урбанизация жараёнининг ривожланиши шаҳарларнинг ўсиши ва шаҳар аҳолисининг шаклланиши, шаҳар аҳолисининг табиий ўсиши, шаҳар атрофи ҳудудларининг маъмурий жиҳатдан шаҳарга қўшилиб бориши, қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг шаҳар мақомини олиши билан боғлиқдир. Шаҳарларнинг ўсишида шаҳар атрофи зоналарида шаҳар турмуш тарзининг шаклланиб бориши, яъни Урбанизация жараёнининг кучайиши ҳам аҳамиятлидир. Катта шаҳар атрофида кичик

шаҳарлар пайдо бўлиб, катта шаҳарларга қўшилиб боради ва шаҳарлар агломератсияси ҳосил бўлади.

Аввало, урбанизатсия жараёни ва унинг ҳудудлар бўйича ривожланиш мезонлари ҳақида умумий тушунча ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу аснода табиий шароит омилларининг йирик шаҳарларга таъсирини урбанизатсия жараёнида сезиларли кечишини кўриш мумкин.

Шаҳарлар барча замонларда ривожланиш учун туртки бўлувчи асосий нуқталар сифатида хизмат қилиб келган. Уларнинг бу хусусияти фан-техника тараққиётидан кейин айниқса умумжаҳон мезонига айланди. Бугунги кунда мамлакатларнинг индустриал ва технологик ва ҳоказо мезонлар билан белгиланувчи ривожланиш даражаси урбанизатсия даражаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда урбанизатсия мамлакат тараққиётини белгиловчи асосий мезондир.

Энг биринчи йирик шаҳарлар 4 минг йил олдин Месопотамия, Нил, Ҳинд, Хуанхе дарёлари водийларида вужудга келган. Шаҳарларнинг вужудга келиши иқтисодий тараққиёт билан боғланади. Шаҳарлар ҳукмдорлар яшовчи ҳудудлар, бош вазифаси мудофаа бўлган қалъалар сифатида шаклланган. Бундай ҳолатда улар стратегик жиҳатдан энг қулай жойда бунёд қилинган. Мексика ва Перу ҳудудларида Колумбга қадар даврларда улкан шаҳарлар сивилизатсиялари ривожланган. Қадимий Америка ва Евросиё ҳудудлари бир-биридан бутунлай хабарсиз бўлсада улардалги шаҳарлар сивилизатсияси ўз хусусиятларига кўра жуда ўхшаш бўлган. Ўрта асрларда дунёдаги энг йирик шаҳарлар Нанкин (470 минг киши), Қоҳира (450 минг киши), Виджванагар (350 минг киши), Пекин (320 минг киши) бўлган. Европа минтақасининг энг йирик шаҳри Париж бўлиб, унинг аҳолиси 275 минг киши бўлган. Милан ва Венетсия шаҳарлари ундан икки баробар кичик бўлиб, 19-асрда 870 минг аҳолиси билан дунёнинг энг йирик шаҳри бўлган Лондон аҳолиси ўша вақтда 50 минг кишидан ортмага ХВИИ аср бошида дунё аҳолисининг 10% дан камроғи шаҳарларда яшаган.

Ўрта асрларда энг катта бўлган шаҳарлар ҳозиргача мавжуд, баъзилари ривожланишдан тўхтаб қолган ва провинтсиялар марказига айланган ёки бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Шаҳарлашиш жараёнини қўйидаги хусусиятларда кўришимиз мумкин.

1) Шаҳар аҳолиси сонининг ўсиб боришида.

2) Ишлаб чиқаришнинг шаҳарларда тўпланишида.

Шаҳарлар майдонининг кенгайиб боришида жамият ривожланиши тарихда шаҳарларнинг маъмурий марказ, маданий марказ ҳамда иқтисодий алоқалар қилинадиган марказлар сифатида роли ортиб борди. 1808 йилда дунё аҳолисининг 2,4 % ининг шаҳарларда яшаган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 47 % га ортиб кетди.

Умуман олганда урбанизатсия жараёнини қуйидагича шаклланиш босқичлари мавжуд.

- I. XIX асрда асосан Европа ва Шимолий Америкада юзага келди.
- II. XX асрнинг биринчи ярмида бутун дунёда шаҳар аҳолисининг сони тез сураатлар билан орта бошлади.
- III. XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон мамлакатларида шаҳар аҳолиси сони ортиши билан бирга шаҳарлар майдонлари ҳам кенгая бошлади.

1900 йилда 1,4 % , 1950 йилда 29 %, 1990 йилда 45 % бўлди. Давлатнинг урбанизатсиялашган даражаси қўйидаги кўрсаткичлар асосида белгиланади.

1) 50 % дан юқори бўлса, юқори даражада урбанизатсиялашган .

2) 20 – 50 % ўртача урбанизатсиялашган .

3) 20дан кам бўлса, паст урбанизатсиялашган .

Урбанизатсиянинг қуйидагич кўринишлари мавжуд

- Конурбанизатсия – шаҳар агломератсиялари
- Субурбанизатсия – шаҳар атроф урбанизатсияси
- Рурбанизатсия – “қишлоқ” урбанизатсияси
- “Шаҳар портлаши”
- “Сохта” урбанизатсия

Урбанизатсияни географик ўрганиш қуйидаги хулосаларни келтириб чиқаради.

1. Шаҳарларнинг ривожланиши ва Урбанизатсия жараёни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Ушбу жараённинг

ривожланишида ҳудудда саноат корхоналарининг, транспорт йўлларининг барпо этилиши билан боғлиқ.

2. Урбанизатсия жараёни шаклланиши ҳудудий фарқларга эга. Ривожланган давлатларда шаҳар ҳудудларининг кенгайиши, субурбанизатсия, рурбанизатсия каби замонавий урбанизатсия кўринишлари ривожланаётган бўлса, ривожланаётган давлатларда эса агломератсия, мегалополислар пайдо бўлиши билан бир қаторда сохта урбанизатсия ҳолати ҳам юзага келмоқда.

3. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаҳарларнинг ривожланиши ва урбанизатсия жараёни билан боғлиқ бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Янги шаҳар аҳоли манзилгоҳларининг шаклланиши, шаҳарсозликда замонавий лойиҳалар асосида шаҳарларнинг қиёфасини ўзгариши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон (ва Ўрта Осиё) агломерациялари Ўзига хос минтакавий хусусиятларга эга. Улар асосан тоғ олди -ҳудудларда суғорма деҳқончилик жойларида, электр транспорти суёт ривожланган, атрофи кишлоқ хужалик экинлари билан уралган шароитда вужудга келган. Моҳиятан бизнинг агломерациялар шаҳар эмас, балки шаҳар —кишлоқ агломерацияларидир.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойлашиши, хусусан мужассамлашув натижасида турли функционал тип ва йирикликдаги шаҳарларнинг бир жойда ғуж холда урнашган шакли вужудга келадики, уларни илмий адабиётларда шаҳар агломерацияси деб таърифлашади. “Агломерация” сўзи геологиядаги «агломератни эслатади, яъни бир ҳудудда тўп бўлиб жойлашгашликни англатади, иқтисодиёт ва айниқса Ғарбда шаклланган минтакавий иқтисодда эса саноат агломерацияси — саноат корхоналарини бир нуктада туаланганлиги билдирувчи тушунча мавжуд. Шунга мос равишда агломерацион омил ва агломерация эффекти, (самарадорлик) иоараси ҳам бор.

Агломерациянинг вужудга келиши тахминан қуйидаги схемада (тартибда] амалга ошади. Қулай иқтисодий географик Ўзига барча янги — янги саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш муассасалари, олий Ўқув юртлари, молия —банк ташкилотлари ва бошқаларни тортаверади. Бу пайтда шаҳарнинг тортиш кучи, марказга интилувчи ҳаракат авжда бўлади.

Шаҳарларнинг ёйилиб кетиши, кимматли қишлоқ, хўжалик ерлари ҳисобидан кенгайиши маълум даражагача давом этиб бораверади. Кейинчалик шаҳар ҳудудининг чексиз кенгайиши тўхтаб «колади», у тоғ ёки дарё, давлат чегараси ёки денгиз каби тўсиқларга дуч келади, шаҳар ичида эса уй — жой, транспорт, экология муаммолари кескинлашади. Натижада Ўзига хос «революцион вазият» вужудга келади: йирик шаҳар мухити, унинг фан — техника, инфраструктура салоҳияти Ўзига янги— янги корхоналарни жалб қилади, бироқ юқоридаги қийинчиликлар буни чеклаб қўяди. Ана шундай тартибда, йирик шаҳарга яқин жойда уни тулдирувчи, ихтисослашган шаҳар ва шаҳарчалар, вужудга келади. Бундай «йулдош» шаҳарларда марказий шаҳар эҳтиёжини қондирувчи ёки уёта хизмат қилувчи объектлар ўрналади. Шундай қилиб, йирик шаҳар уз расмий чегарасидан чиқади, миқдор Ўзгариши сифат Ўзгаришига ўтади, ҳудудий мужассамлашув ўз шаклини ўзгартиради ва шаҳарларнинг ҳудудий тўплами пайдо бўлади.

Шаҳар агломерациясининг шаклланиши учун қуйидаги шарт ва шароитлар зарур:

— албатта бир ёки икки йирик шаҳар бўлиши керак;

— унинг атрофида камида иккита шаҳар ва шаҳарчалар бўлиши шарт;

— марказий шаҳар (агломерация ядроси) ва йулдош манзилгоҳлар орасидаги масофа энг қиспи икки соатлик вақт доирасида бўлиши керак;

— агломерация шаҳар ва шаҳарчалари уртасида «аҳоли» алоқаси бўлади, маятниксимон (тебранма) миграция ривожланган бўлиши шарт;

— йулдош шаҳарларда энг ками агломерация аҳолисининг 10 фоизи жойлашган бўлиши зарур ва ҳ.к,

Қўриниб турибдики, агломерациялар ҳар қандай шароитда ҳам вужудга келавермайди; жъда кўп шаҳарлар бўлса — ю, улар орасида агломерация ташкил қилувчи марказ булмаса, ёки аксинча, йирик шаҳар бир ўзи бўлса бундай ҳолда агломерация шаклланмайди. Масалан, Жиззах — у катта шаҳар, лекин унинг атрофида шаҳарлар кам; Навоий ҳам деярли шунақа вазиятда, ёки Шахрисабз — бу

ерда Китоб, Яккабоғ ва бошқа шаҳарлар ҳам мавжуд, аммо Шахрисабзнинг узини агломерация хосил қилиш қудрати наст. Агломерациялар бир марказли (моноцентрик) ва куп марказли (полицентрик) булади. Фарғона — Марғилон, Ангрен — Олмалик агломерациялар икки. марказли ҳисобланади, Тошкент, Самарканд, Андижон, Наманган, Қарши, Нукус, Урганч ва бошқа агломерациялар битта йирик шаҳар атрофида вужудга келган.

Француз, рус адабиётларида агломерацияларга синоним сифатида баъзан конурбация термини ишлатилади. Иккинчи маъноси шуки, агломерация марказларининг (2-3 та) қўшилиб кетиши тушунилади. Бу терминни биринчи марта британиялик Патрик Геддес 1915 йилда киритган. Учинчи маъноси-шаҳар ўз чегарасидан чиқиб атрофи билан қурилиш жиҳатдан яхлит бўлиб қўшилиб кетган жой.

Шаҳар агломерацияларининг бир-бири билан чамбарчас боғланиб, қўшилиб кетишидан йирик урбанизациялашган ҳудудлар вужудга келади. Шимолий Америкада бундай ҳудудлар мегалополис деб аталади. Ушбу терминни фанга америкалик Л.Мамфорд киритган. У Афинадаги 35 та қатор, зич жойлашган аҳоли манзилгоҳларини уларнинг энг каттасининг номи-“Мегалополис” номи билан атаган. Кейинчалик Ж.Готтман Шимолий Американинг шарқий қирғоқлари бўйлаб деярли 1000 км га Бостондан то Вашингтонгача чўзилиб кетган, 50 дан ортиқ агломерацияларнинг қўшилиб кетишидан вужудга келган урбанистик ҳудудни шу ном билан атади. Уларнинг энг йириги сайёрамизнинг шарқида-Япониядаги Токайдо мегалополиси бўлиб бу ерда 70 млн дан ортиқ аҳоли яшайди.

Йирик шаҳар ва шаҳарчалар, ўзаро ҳудудий туташиб, қўшилиб кетса, у ҳолда яхлит — улкан шаҳар вужудга келадики, уларни -конурбация дейишади (Лондон, Рур хавзаси конурбацияси ва х.к.).' Бироқ, конурбация ҳам агломерацияларнинг бир шакли, кўриниши бўлсада, ҳар қандай агломерация ҳам конурбация эмас.

Шаҳарлар ҳудудий бирлашмасининг яна бир мураккаб шакли мегалополислардир (ушбу '1уш.унчани фанга америкалик олим Жан Готтман 50 —.йнлла'рда киритган). Мегалополислар агломерация — ларнинг ўзаро қўшилиб кетиши , натижасида

вужудга келади. Масалан, Босваш (Бостон — Вашингтон), Чнгпитс (Чикаго — Питсбург), Токио —Иокогама ва бошқп мет'алоиолислар мавжуд.

Узимизнинг Фарғона водийсида ҳам • ахоли жойлашувининг узига хос шакли вужудх'а . келаган, уни йирик шаҳарларнинг бош харфи билан ФАНЎХ мегаполиси деб аташ" мумкин (Фарғона — Андижон— Наманган —Ўш — ХЎжанд). Умуман эса мегалбполис, ёки мегаполис, улкан- шаҳар (мега. — катта, йирик) маъносини билдиради. Грек архитектори Доксиадис хатго ойкуменаполис ҳақида ҳам фикр билдирган (бу бутуи дунё шаҳарларининг ягона тизимидир). Дарёларнинг куйи қисмида жойлашган шаҳарлар бирикмасини биз дельтаполис дейишимиз мумкин.

Шаҳарлар орасида пойтахт шаҳарлар алоҳида аҳамиятга эга. Пойтахт шаҳарларнинг нуфузи ҳам, маъсулияти ҳам юкори. Бинобарин, ҳар қандай мамлакат Ўзининг бош шаҳри, «йЎл бошисига» катта эътибор бермоғи табиийдир, чунки улар уша жойда яшовчиларнинг миллий ифтихори ҳисобланади. Бразилиага, Покистонда Карачидан Исломободга, Козогистонда Олма —Отадан Остонага кЎчирилган ва хоказо. Бирх вақтлар Украинанинг гюйтахти Харьков, Россшшики Петербург, Туркияники Стамбул, Қорақалпағистонники ТЎрткЎл бўлган, Ўзбекистон Республикасининг дастлабки пойтахти Самарканд булиб, 1930 —йилда бу вазифани бажариш Тошкентга кЎчирилган.

Аҳолининг жойлашиши кЎп жиҳатдан шаҳарлар геогорафиясига боғлиқдир. Буюк рус географи Н.Н.Баранский шаҳарларни мамлакатнинг «бошқарувчиси» деб бежиз айтмаган. Шаҳарлар жуда кадим замонлардан вужутга келган. Бироқ улар XIX асрда ишлаб чиқаришни машиналаштиришнинг ривожланиши билан айникса тез усди. Н.Н.Баранский «шаҳарларни капитализм бунед этди» деб айтади. эр курраси аҳолисининг XIX аср бошида 3%. XX аср бошида 13% ва 1985 йилда 41% шаҳарларда яшаган. Хозирги вақтда шаҳар аҳолиси эр шаридаги бутун аҳолига караганда икки баравар тез купаймокда: 2015 йилга бориб бутун дуне аҳолисининг ярмидан ортиги шаҳарларда яшайди.

9-майруза.Иқтисодий география

Режа:

1. Иқтисодий географик тадқиқотлар, назариялар, концепцияларнинг моҳияти ва мазмуни.
2. Саноатни жойлаштириш ва ривожлантиришга таъвсир этадиган асосий омиллар, саноатнинг ҳудудий ва тармоқ таркиби.
3. Қишлоқ хўжалигининг ижтимоий ва ҳудудий ташкил қилиш хусусиятлари.
4. Транспортнинг хўжалик тизимидаги ўрни.

Таянч сўзлар: Саноат штандорти, Тюнен халқалари, транспорт тугуни, саноат пункти.

Иқтисодий география бирданига вужудга келмади. Унинг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши борасида олдинги мавзуларимизда ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эдик.

Умуман олганда жаҳон бўйича иқтисодий географияга назарий асос сифатида хизмат қилувчи илмий ишларнинг яратилишида немис олимларнинг хизмати катта. Масалан, XIX аср бошларида И.Тюнен (1826) қишлоқ хўжалигининг жойлашувига доир назарий ишлар яратган. У исътемолича, яъни бозорга нисбатан қишлоқ хўжалик экинларини шаҳар атрофида халқасимон жойлашувини илмий жиҳатдан аниқлаб берди ва фан тарихида қишлоқ иқтисодиетининг асосчиси сифатида ҳақли урин олди.

Немис олими А.Вебер XX аср бошларида (1909) саноат геграфиясининг пойдеворини яратди. У саноат корхонаси кам харажат қилиш тамойилига таяниб, унинг каерда жойлашувини белгилади. А.Вебер номи билан ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш омиллари, саноат агломерацияси, аглмерацион самарадорлик, «штандорт» каби илмий тушунчалар боғлиқ. Кизиги шундаки, бу олим немис миллатига мос ва хос фикр юритишга содик бўлган ҳолда кўпроқ йирик масштаби (микроиқтисод) ишлар билан шуғулланди. Масалан, у Ўз илмий гоясини пиво заводини жойлаштириш мисолида таҳлил килган эди. Агар Тюнен ва Веберлар асосан моддий ишлаб чиқариш соҳалари билан шуғулланган бўлсалар бошқа немис олими А.Леш бу муаммога янада кенгрок каради. У умуман хўжаликни тармоқларини географик жойлаштириш тўғрисида илмий ишлаб олиб борди. Кейинчалик бу йўналиш бошқа немис иқтисодчиси В.Кристаллер томонидан маиший хизмат курсатишни ҳудудий

ташкил этиш, бу соҳа шаҳобчаларини турли йирикликдаги марказларга жойлаштириш муаммоларини ишлаб чиққан эди.

И.Тюнен, айникса, А.Вебер А.Лешлар иқтисодиетининг ҳудудий томонига геоиқтисодиетга, яъни ишлаб чиқаришни ҳудудий таҳлил этишга этибор бердилар. Аммо улар «иқтисодий география» тушунчасини қўлламаган эдилар. Хорижда биринчи бор иқтисодий география тушунчаси Ю.Г.Саушкин фикрича, 1882 йилда Ф.Ратцелнинг шогирди немис В.Готц томонидан ишлатилган экан. Уз-уздан маълумки, иқтисодий жараеннинг ҳудудий томонини унинг жойлашувини ўрганиш иқтисодий районлаштириш масаласига олиб келади. Иқтисодий районлаштиришни кенгрок ва чуқуррок Россияда XIX асрнинг 1-яримидаёқ ишлана бошланди. Бу борада,

К.И.Арсеньев Россияни 2 марта районлаштирди. (1818 ва 1848) шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, уларнинг функционал ва генетик типлари тўғрисида илк бор асарлар яратди. Иқтисодий районлаштириш ва шаҳарлар географиясини яратувчи шахс ҳам айнан шу киши эди. Аҳоли жойлашуви ва шаҳарлар муаммоси билан В.П.Семенов, А.И.Войковлар ҳам XX аср бошларида шуғулланган эдилар.

Шундай қилиб Гарбий эвропа ва энг аввало Германияда ишлаб чиқаришни жойлаштириш, ҳудудий иқтисод бўйича илмий асарлар ва мактаблар яратилди. Россияда кўпроқ статистика иқтисодий районлаштириш аҳоли ва шаҳарлар географиясига оид ишлар олиб борилди. Иқтисодий география ва унга асос бўлган фан йўналишларнинг вужудга келишида бошқа олимларнинг хизмати ҳам сезиларли бўлган. Немис олими, географ ва социолог фон Ратцель узининг антропологиясини яратиб, сиесий география ва сиесий географик детерменизмга мансуб ишлар олиб борган бўлса, ундан кейинрок француз олими Видаль де ла Блаш «Инсон географияси» нинг асосчиси бўлган. Унинг бу илмий мактабини Ратцель антропогеографиясидан фарқи шундан ибортки, у сиесий масалаларни чиқариб ташлаган ҳолда кўпроқ инсон ва унинг фаолиятини атроф географик муҳитга мослашуви, мувофиқлашувига (посиблизмга) этибор берган ва табиий географик омиллар- энг аввало иқлим шароитларининг жамият ривожланишидаги ролини бироз «юмшатган». Кейинчалик Ратцель гоёлари асосида, географик детерменизмни сиесий гоёлар билан бойитилиши, сингдирилиши натижасида ута реакцион географик сиесат (геополитика) вужудга келган.

Аммо бу маънодаги анъанавий географик сиесатни регионал эки ҳудудий сиесат, ҳозирги географик сиесат билан тенглаштириш нотўғри. Иқтисодий география ва умуман география фанини ривожланишида немис олими А.Геттнернинг (1859-1941йй.) ҳам маълум даражада хизматлари йўқ эмас. Бироқ у асосий эътиборни ҳудудга берган ва географияда тарихийлик тамойилга қарши чиққан, география фақат ҳозирги ҳудудий воқеликни ўрганишни уқтирган. Шу боис А.Геттнер географияси «хорология» (яъни ҳудуд) тамойилига асосланган.

Шунингдек, иқтисодий географияга тегишли илмий муаммолар бошқа давлат олимлари ва турли мактаблар томонидан ҳам ўз эчимини топган. Масалан, инглиз Г.Г.Чизхольмнинг утган аср охирида ёзган тижорат географияси, ундан кейинроқ яшаган нидерланд Х.Бос, швецариялик Г.Бешнинг жаҳон хўжалик географияси, америкалик олимлар У.Изард ҳамда В.Леонтьевнинг ҳудудий иқтисод, француз Ф.Перрунинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда кутблар ва ҳудудий тенгсизлик назарияси, П.Хаггетнинг иқтисодий географияда ҳудудий таҳлил, америкалик Ч.Гаррис ва французлар Ж.Божье Гарнье ҳамда Шаболар, швед Г.Александроснинг шаҳарлар географияси, АКШ олими Д.Харвейнинг география фанининг умумназарий масалалари унинг ватандоши Г.Уайтнинг табиий ресурслар ва табиий офатларга бағишланган асарлари шулар жумласидандир. Албатта, мустиқл ўзбекистонинг булажак географ олимлари бу ва бошқа жаҳон фанига молик илмий ишлар билан таниш булишлари замон талабидир.

Биз юқорида фанимизнинг тарихий келиб чиқишига, унинг илмий асосларига, манбаларига қисқача тухтаб утдик. Аммо бу уринда, афсуски маҳалий алломларимизнинг ишларини курсатишга ожизлик қилдик. Шубҳасизки, бизнинг ота - боболаримизнинг ҳам бу борадаги илмий мерослари ва хусусан савдо географияси, деҳқончилиқни жойлаштириш ва ривожлантириш сугориш иншоатларини қуриш, ипак йўли ва шаҳарлар географиясига оид жуда кўп илмий мерослари мавжуд. эҳтимол, соҳибқирон бобоқалонимиз Амир Темур даврида, унинг жаҳон буйлаб юришларида харбий география ва статистика билан боғлиқ масалалар ҳам эритилгандир. З.М.Бобур, Носир Хисрав, Беруний, Беҳбудий, Фурқат, Аловутдин, Али Қушчи каби донишмандларнинг ҳам бу борадаги хизматларини курсатиш мумкин.

Иқтисодий географиянинг шаклланиши ва ривожланишда географик жамиятларнинг ташкил этилиши ҳам маълум аҳамиятга эга бўлган. Чунончи, бундай жамият дастлаб Парижда (1821), сунгра Берлин (1828) ва Лондонда (1830) таъсис этилган эди. Петербургда эса у 1845 йилда ташкил этилди. Россия география жамиятнинг ташкил этилиши ва унинг фаолиятида В.П.Литке, П.Т.Семенов-Тянь-Шанскийларнинг хизмати катта бўлган. Бироқ бу ижтимоий ташкилотлар доирасида соф иқтисодий географик масалалар кам эди. Масалан, Россия География жамиятида 4 та булим мавжуд бўлган: табиий география, математик география ва картография; этнография; антропология ва тарихий география; статистика ва сиёсий иқтисод.

Демак, Россияда ҳам хорижий мамлакатларда ҳамда утган асрда (хато шурулар давригача) иқтисодий география айнан шу маънода ва ҳозирги мақомда вужудга келмаган. Иқтисодий географик маълумотлар статистика, умумий ва сиёсий географияда берилар эди. Аммо шунга қарамай, мазкур фаннинг шаклланишига тарихий ва назарий асос яратилган эди.

Иқтисодий география фанининг тарихий ривожланиши энг аввало шу фан номи билан юритиладиган кафедраларнинг очилишида ҳам Ўз аксини топди. Жумладан, бундай кафедра биринчи марта Россияда яъни Петербург Политехника Институтида профессор В.Е.Ден томонидан 1902 йилда очилган эди. Кейинчалик бу киши Россия иқтисодий географиясининг биринчи профессори, шурулар даврининг дастлабки йилларида шундай кафедрани Санкт-Петербург Университетида ҳам ташкил қилган эди. Собиқ совет иқтисодий географиясининг асосчиси Н.Н.Баранский иқтисодий география кафедрасини 1921 йилда Коммунистлар Университетида очган. Бу уринда эслатиб утамиз, Урта Осиёда бундай кафедра илк бор Тошкент Давлат Университетида 1940 йилда ташкил қилинган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хорижда, масалан, АКШ да «иқтисодий география» бизга нисбатан торроқ маънода қулланилади ва унинг қелиб чиқиб энг аввало қишлоқ хўжалик ва тоғ қон саноати географияси билан боғланади. Бундан ташқари АКШ да қайта ишлаш саноати транспорт географиясига ҳам эътибор берилади.

Уртадаги оралик иккинчи блокни социал-иқтисодий география (1,2) сифатида қарашимизни сабаби - бу турқумга қирувчи фанлар моҳиятига қура қўпроқ социал маънога эга ва уларнинг барчаси аҳоли билан боғлиқ. Аҳоли эса, дағалроқ қилиб

айтганда 100 фоиз социал (чунки ҳамма эш кари ва ишловчи ҳам овкатланади, дам олади, даволанади ва х.к) , ва тахминан 50 %и иқтисодий тушунчадир. Халқ хўжалик тармоқларида ишловчилар ва умуман меҳнат ресурслари жами аҳолининг яримига яқинини ташкил этади. Шунингдек, шаҳар эки қишлоқлар ҳам социал - иқтисодий тизимдир, зеро улар ҳудудий жиҳатдан аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналарини бирикмаси ҳисобланади.

Юқоридаги маънода қулланилган «социал иқтисодий география» тушунчасини эки айнан шу кўринишда э.Б.Алаев, Г.Асанов, С.Я.Ниммик, У.И.Мерестелар ишлатиладиган иборани «иқтисодий ва социал география» билан чалкаштириш хато. Бу уринда биринчиси иккинчисига нисбатан торроқ мазмунга эга. Лекин шу билан бирга худди шу иккинчи блок боғловчи ва «куприк» вазифасини утайди. Н.Н.Баранский Ю.Г.Саушкинлар аҳоли ва аҳолига хизмат курсатувчи соҳалар географияни иқтисодий географиянинг социал қаноти, деб таърифлаган эдилар.

2. Саноатни жойлаштириш ва ривожлантиришга таъвсир этадиган асосий омиллар, саноатнинг ҳудудий ва тармоқ таркиби.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг солоҳияти, аввало, унинг таркибидаги саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланганлиги билан белгиланади. Шу сабабдан ҳам иқтисодий географик тадқиқотларда саноатни ўрганиш алоҳида урин тутати. Ўз навбатида, саноат шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, урбанизация жараёни, транспорт ҳамда, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларнинг шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат курсатади. Чунки саноат иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун моддий - техника воситаларини тухтовсиз такрор ишлаб чиқариш манбаи сифатида ҳар қандай ҳудудий иқтисодий имкониятни, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолатини белгилаб беради.

Жамият тараккиёти билан истеъмол буюмлари ва маҳсулотларига бўлган талаб - эҳтиёж аста-секин ортиб боради. Натижада, қишлоқ хўжалиги-чорвачилик ёки деҳқончилик маҳсулотлари этишмай қолади. Бу аввал хунармандчилик ва қосибчиликни, кейинчалик эса саноат ишлаб чиқариши ва ундаги кооперация шакилларининг дастлабки кўриниши манафактурага замин ясайди. Манафактуранинг риважланиши ҳозирги замон индустриясига кучдики, бу жамият тараккиётида янги

даврга муваффик келади, Саноатнинг бундай тарихий, анъанавий ривожланиб бориши асосан тукимачилик тармоги негизда амалга ошади. Колган тармоқлар, жумладан, машинасозлик ва металлургия саноатининг даслабки шаклланиши кўпроқ анашу тукимачилик саноатининг талаблари билан боғлиқ бўлган.

Шу уринда айтиш лозимки, миллий иқтисодиётнинг шаклланиши ва унинг бозор муносабатларига утиш даврида тукимачилик саноатининг устивор даражада ривожлантирилиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг қатор сабаблари мавжуд: мазкур саноат ишлаб чиқариш жараёни унча мураккаб эмас, унинг шаклланишига катта капитал малағ сарфланмайди (ишлаб чиқариш фондларининг қиймати нисбатан паст), бундай корхоналар тез қурилади, уларнинг ривожланиши учун хом ашё ва ишчи қучи барча жойларда мавжуд. Булардан ташқари, тукимачилик саноатининг яна бир ажойиб хусусияти шуки: унинг маҳсулоти ҳамма учун ва ҳамма вақт керак, уларнинг нархи анча арзон. Шу боис ҳам ушбу саноат тармогининг айланиши, даромат ҳосил қилиш имконияти кенг бўлади.

Иқтисодий ва социал географияда саноатни ўрганиш икки, бир - бирини тулдирувчи йўналишларда олиб борилади. Биринчиси бу тармоқлар йўналиши бўлиб, унда кўпроқ соф иқтисодий масалаларга эътибор қаратилади, ҳамда, тармоқларнинг таҳлили уларнинг ҳудудий ташкил этишини ёритилиши билан уйғунлаштирилади. Демак, бу эрда тадқиқот «тармоқ - ҳудудий» таркибда амалга оширилади.

Иккинчи йўналиш иқтисодий география ва айниқса унинг район йўналишига мос тушадиган ҳудудлар доирасинда амалга оширилишидир. Бу эрда геотизм олдинги уринда туради ва тадқиқот «ҳудуд - тармоқ» йўналишда олиб борилади.

Саноат ишлаб чиқариш географияси ҳам маънода унинг ҳудудий таркиби ва тuzилмасидир. Шунинг учун саноат ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этишини, район ва шаҳарлар бўйича тақсимланишини ўрганиш изланувчи фаолиятининг марказий уринларидан жой олади. Агар объект мамлакат бўлса, саноатнинг ҳудудий таркиби вилоятлар кесимида, агар у вилоят бўлса - туман ва шаҳарлар доирасида тадқиқот олиб борилади.

Саноатнинг ҳудудий тизими унинг жойлаштирилишини натижасидир. У тармоқлар таркибига нисбатан бироз инерт, барқарор ва кам узгарувчан, аммо тармоқлар тизимидаги янгиликлар эртами кеч ҳудудий географик силжишларига олиб келади.

Худудий таҳлилда саноатнинг урбанистик таркибига алоҳида эътибор берилади. Сабаби саноатнинг худудий таркиби бу, энг аввало, унинг турли йирикликдаги шаҳарларда мужассамлашувидир. Шунинг учун шаҳарларнинг саноати улардаги саноат тармоқларининг турланиши (диверсификацияси), ихтисослашуви, иқтисодий самарадорлиги ва бошқа масалалари урганилади.

Хар қандай тадқиқотда бўлганидек, саноат географиясини ўрганиш ҳам уни районлаштириш, саноатда шаклланган ишлаб чиқариш мажмуалари - саноат тугунлари ва саноат агломерацияларининг таҳлили билан якунланади.

Саноатни ривожлантиришни ва уни худудий ташкил қилишда хилма-хил шароитлар ва омиллар катнашади. Уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: иқтисодий географик омилларга ва табиий географик омилларга ажратилади.

Иқтисодий-географик омилларга меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ҳолати ва уларнинг хусусиятлари, ишлаб чиқариш ижтимоий ташкил қилиш шакллари, энергетика, транспорт шароитлари, инфратузилма ҳолати ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси, фан-техника тараққиёти даражаси, географик урин, қаби омилларини курсатиш мумкин.

Табиий-географик омилларга эса табиий шароит (рельеф, иқлим хусусиятлари, тупроқ омиллари) ва табиий ресурслар (биринчи навбатда минерал ҳом ашё ва сув ресурслари) билан таъминланганлик даражаси киради.

Шуниндек, саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси катта аҳамият касб этади. Жамиятнинг моддий-техника базаси моддий ишлаб чиқариш шароитларининг мажмуи бўлиб, техник-ишлаб чиқариш куролларидан ташкил топади. Меҳнат ресурслари саноатини ривожлантириш ва жойлаштиришда муҳим омил ҳисобланади. Меҳнат ресурсларининг худудий жойлашуви, аҳоли, қупайиш курсаткичлари, миграция жараёнлари ва урбанизация саноатни худудий ташкил этишга бевосита таъсир курсатади.

Саноат тармоқларининг ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари, унинг ижтимоий ташкил этиш шакллари, мужассамлашув, ихтисослашув, кооперация ва комбинатлашни турли саноат тармоқларидаги ўзига хос хусусиятларини чуқур аглаб олмок зарур. Шу мақсадда мужассамлашувнинг қархона, шаҳар ва худудий даражасидаги курсаткичлар, унинг бир шаклини қолганлари билан муносибати ва

мувофиқлашуви, ушбу объектив жароённинг ижобий ва салбий томонларини билишни талаб этади. Иқтисослашувининг уч кўриниши, унинг кооперация ва комбинатлаш билан алоқдорлиги, ҳамда саноат ишлаб чиқаришнинг техник - иқтисодий асосларини ҳам ўрганиш лозим. Бу хусусида тор иқтисослашув якка хокимликнинг камчиликлари, турли ҳудудий куламда комплекс (хар томонлама) ривожланиш қонуниятлари ва афзалликларини фарқ қилиши зарур.

Саноатни ҳудудий ташкил этиш ва жойлаштиришда транспорт ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки саноатни хом ашё ва бошқа воситалар билан таъминлашда, корхоналар уртасида ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қуйишда, меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракатида, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга этказишда, транспорт тизими сезиларли таъсир курсатади.

Хозирги пайтда саноат ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишдаги анъанавий омилларнинг таъсири сезиларли тарзда сусаяди ва бунинг эвазига инфраструктура, экология ва айниқса, истеъмол омилларининг роли янада ошди. Бинобарин, у ёки бу жойда маълум саноат корхонасини жойлантириш фақатгина мавжуд шароитларигина эмас, балки уларнинг маҳсулотига, эркин бозордаги талаби билан белгиланади.

Саноат ишлаб чиқаришини илмий таҳлил қилиш, самарадорлигини, усиш суръатларини аниқлаш учун унинг тармоқларини гуруҳларга ажратиш лозим. Кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнидаги маҳсулотларнинг иқтисодий мазмунига кура саноат 2 гуруҳга ажратилади.

1. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи («А» гуруҳ)
2. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи («Б» гуруҳ)

Саноатни табиий ресурс ва табиий муҳитга боғлиқлигига кура, саноат казиб олувчи ва катта ишловчи саноат тармоқларига бўлинади. Казиб олувчи саноатда инсон бевосита табиий муҳитга боғлиқ бўлади. Ушбу саноат тармоқлари таркибига ёғочсозлик, тоғ-кон, гидроелектро-энергетика каби тармоқлар киради.

Ката ишловчи саноатга казиб олувчи саноат оркали хом ашё ва материални қайта ишловчи саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари киради. Мазкур тармоқда тайёр товарлар ишлаб чиқарилади.

Саноат тармоқлари таркибини умумлашган ҳолда тассавур қилиш мумкин. Бундан қуйидаги саноат комплекслари ажратилади: Ёкилги - энергетика мажмуаси;

машинасозлик мажмуаси; хом ашё ва материаллар ишлаб чиқарувчи комплекс (химия, кора металлургия, рангли металлургия қурилиш материаллари, Ўрмон саноатлари); истемол моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлар комплекси (енгил ва озик-овкат).

Етакчи тармоқлар ҳисобланган, энергетика, металлургия, машинасозлик, химия саноати, тармоқлари таркиби ҳозирги кунда янада такомиллашиб бормокда.

Сунги йилларда саноат тармоқлари таркибида куйдаги узгаришлар содир булмокда:

- саноат тармоқларининг янада парчаланиб бориши, янги-янги тармоқларнинг вжудга келиши;
- тармоқлар орасида интеграция жарайонларининг риважланиши, тармоқлараро мажмуаларнинг шаклланиши;
- фан-техника ютуқлари билан бевосита тармоқларнинг тезкор ривожланиши.

Саноат тармоқларини ҳудудий ташкил этиш Ўзига хос хусусиятга эга. Уларни жойлаштириш масалаларини кискача қуриб чиқамиз.

Ёкилги саноат. Тог-кон ёки казиб олувчи саноати тоифасига киради ва ёкилги турлари, казилма бойликларнинг жойланиши табиий, геологик қонуниятларга асосланади. Сабаби кумир, нефть, газ, ёнувчи сланец, торф каби табиий бойликларнинг пайдо бўлиши ва эр юзида (остки) таркалаши ўзига хос хусусиятга эга.

Електр энергетика сув, иссиқлик ва атом станцияларидан ташкил топади. Сув электростанцияларини текислик жойга қура тоғ ва тоғ олди районларида қуриш мақсадга мувофиқ. Чунки, бундай шароитда рельеф шакли, эр тузилишининг киялиги, табиий ҳолда шаршара ва тоғлар орасидаги чуқилмаларнинг мавжудлиги, қулай имкониятлар тугдиради. Бундан ташқари, сув омбори копланган эрлар қишлоқ хўжалигида деярли ишламайди. Сув омбори ва унинг атрофида спорт, дам олиш зоналарини ташкил қилиш, богдорчилик ва баликчиликни ривожлантириш, пастки ҳудудларда эрларни сугориш, каналлар қуриш мумкин. Баъзан ГЭС лар билан биргаликда Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза - коғоз саноати ҳам риважланиб боради (масалан, Сибирда).

Қуришиб турибдики, тоғли районларда қурилган ГЭСлар ҳар томонлама қулай, электр энергияси арзон. Агар шу станциялар текисликда жойлаштирилса катта майдон сув остида қолиб кетади ва тугон қуриш катта маблағ талаб этади.

Иссиклик электр станциялари (ИЕС) икки турда бўлади : ИЕС ва ГРЭС. Уларнинг бири-биридан фарқи қайси мақсадда қурилганлигидир; фойдаланаётган ёки қилинган эса бир хил бўлиши мумкин. Масалан, ИЕЦ - «тепло - электроцентрал», яъни иссиқлик электр маркази, одатда ҳам электр қуввати, ҳам буг (пар) талаб қилувчи саноат корхоналари - туқимачилик, нефтни қайта ишлаш ва к.к. ёнида ёки яқинида қурилади. Демак, бу станцияни жойлаштиришда ишлаб чиқариш истеъмоли асосий аҳамиятга эга. Аммо, ИЕЦ ларнинг бевосита шаҳар ичида қурилиши туфайли улар отроф - муҳитни ифлослантиради. Шу сабабдан экологик жиҳатдан бундай станцияларнинг аҳоли зич жойларда қурилиши унча маъқул эмас. ГРЭС лар эса («Государственная роённая электростанция ») асосан электр энергиясини беради ва шу боис уларни йирикрок ва шаҳардан бир оз узоқрок масофада жойлаштирилади.

Атом электр станциялари қўпинча бошқа турдаги станцияларни қўриш имконияти йўқ ҳудудларда жойлаштирилади. Бунинг учун албатта экология хавфсизлик таъминланиши керак. Шунингдек, АЕС ларнинг барпо этилишида илмий - техника омили ҳам ҳисобга олинади.

Кора металлургия индустриал кудратнинг асосларидан бири, машинасозликнинг пайдеворидир. Оғир саноатнинг бу тармоғи ҳам - ашё ёки қилинган, ёрдамчи материалларни қазиб олиш ва тайёрлаш, прокат ишлаб чиқариш, ундан буюмлар тайёрлашни ўз ичига олади. Унинг таркибига темир марганец ва хромит рудалари қазиб олиш, бойитиш ҳамда агломерациялаш, чуян, домна темир қотишмалари, пулат ва прокат, электр темир қотишмалари ишлаб чиқариш, кора металлларни иккиламчи қайта ишлаш, қўмирни кокслаш, унга чидамли материаллар ишлаб чиқариш ёрдамчи материаллар (флюсли охактошлар, магнезит ва бошқалар) қазиб олиш, чиқариш хўжалик аҳамиятига молик метал буюмлар тайёрлаш қиради. Бу тармоқ ишлаб чиқариш қатталиғи ва юқори қонцентрацияси, ҳам-ашё, ёки қилинган ҳамда, ёрдамчи материаллардан фойдаланиш қўламининг жуда қатталиғи, металлургик қайта ишлов бериш ва унга ёндош соҳалар барча звенолари узоро таъсирининг мустанкамлиғи, саноат қикиндиладаридан қенг фойдаланиши билан ажралиб туради.

Рангли металлургия оғир индустриянинг конструкция материаллари ишлаб чиқарувчи энг муҳими тармоқларидан бўлган рангли металлургия таркибига мис,

кургошин-рух, никель-кобальт, алюминий, титан-магний, вольфрам-молибден, асл металллар, каттик котишмалар, нодир металллар ва бошқа хил металллар ишлаб чиқарувчи тармоқлар киради. Улар чиқарадиган махсулоти турига кура бир-биридан ажралиб туради. Технологик жарайон босқичларига кура даслабки хом ашёни казиб олиш ва бойитиш, металлугик кайта ишлаш, ҳамда рангли металлларга ишлов бериш кабилар ажратилади. Шунинг учун рангдор металлларни казиб олишда комплекс комбинат усули кулланилади.

Тог металлургия комбинатлари хом-ашё районларида курилади, бевосита тозаланган метал эса истеъмол районларида ва хусусан арзон электр энергиясига яқин жойда жойлаштирилади: тозаланган ёки «рафинация» килинган миснинг 1 тоннасига 9-10 кВтгс гача, алюминийга 18-19, титан ва никель учун 50 минг кВтгс.гача электр энергияси ишлатилади. Шу билан бирга рангдор металлургия корхоналарини жойлаштиришда экологик омилнинг роли катта.

Машинасозлик саноати таркиби бойлиги сабабли, унга таъсир қилувчи омиллар тури ҳам ҳар хил. Машинасозлик халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун меҳнат куруллари ишлаб чиқаради. Машинасозлик корхоналарининг жойлашуви ишлаб чиқаришнинг техник - иқтисодий хусусиятига, аввало ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг конструкцион мураккаблигига, шунингдек ихтисослашуви ва кооперативлашувига богликдир. Машинасозликнинг мураккаб технологияли купгина тармоқлари юқори малакали кадрларга эга бўлган ва одатда тайёр махсулотни кўп истеъмол қилувчилар мавжуд бўлган районларда жойлаштирилади. Метални кўп талаб қилувчи огир машинасозлик (вагонсозлик, таг-кон ва шахталар учун асбоб - ускуналар вахаказо) кора металлургия районларида кам, аммо малакали ишчи кучи керак бўлган приборсозлик, электротехника, ҳисоблаш техникалари каби нозик ва аниқ машинасозлик фан-техника тараккий килган марказларда жойлаштирилади.

қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кўп халларда истеъмол районларида ривожланади. Масалан, Ўзбекистонда пахта терими, Украинада галла ва канд лавлаги, Беларусларда - картошка ва зигир, Молдавияда узимчилик, Киргизистонда пичан урувчи ва пресловчи машиналар ишлаб чиқарилади. Демак, мамлакат нимага ихтисослашса уша соҳага хизмат қилувчи машинасозлик тармоги ташкил этилади. Бу қонуният бошқа

тармоқларга ҳам тегишли. Чунончи, Карелияда Ўрмон, Уралда кора металлургия, Донбоссда шахта, Ўзбекистонда тукимачилик, Иркутскда олтин саралаш машинасозлиги ривожланган вахакозлар. Шундай қилиб машинасозлик махсулотига караб уни ривожлантиришга хом - ашё (метали), ишчи кучи, истеъмол, илму - фан, географик урин омиллари таъсир курсатади. Табиийки денгиз кемасозлиги куруклик ичкарасида эмас, порт шаҳарларда жойлаштирилади. Худди шунга Ўхшаш станоксозлик, электротехника, тракторсозлик каби жуда кўп машинасозлик тармоқлари Ўзига хас худудий ташкил қилиш хусусиятларига эга. Албатта, бу саноат тармоги унинг кооперация шакли муҳумлиги туфайли унинг марказлари кулай транспорт географик урнига эга булишлари ҳам лозим.

Химия ва нефтни кайта ишлаш саноати. Асосий химия учун хом-ашё омили унча муҳим эмас. Чунки, бу саноат турли хил хом - ашё, усимлик, менирал, ишлаб чиқариш чикиндилари, хатто сув ва хаво асосида ҳам ташкил этилаверади. Бинобарин, химия санаоти катта эркинликка эга. Аммо унга таъсир этувчи бошқа кучли омиллар мавжуд, бу ҳам бўлса экологиядир

Нефтни кайта ишлаш заводлари хом ашё районларига кура истемол районларида кўпроқ учрайди. Хом нефтни келтириб турли хил махсулот олиш, уларнинг барчасини алоҳида - алоҳида келтиришдан кура арзонрок, кулай ва хавсизрок. Баъзан бундай заводлар магистрал нефт кувурлари утган жойларда ҳам ташкил этилади. Химия саноати учун сув ва электр энергияси омили ҳам ахамиятлирок. Шу сабабдан бўлса керак, Чирчик йирик химия саноати марказига айланган.

Ўрмон, ёғочни кайта ишлаш ва целлюлоза коғоз саноати. Жойлаштириш ҳам Ўзига хос. Жумладан, ёғочни кайта ишлаш аксарият холларда Ўрмонзорларга яқин жойларда амалга оширилади, чунки 40% гача ёғоч (новда ва шох -шаббалар) чикиндига кетади. Целлюлоза - коғоз ишлаб чиқариш эса асосан уч вариантда жойлаштирилади: хом ашё районларида, ёғоч окизувчи дарёларнинг темир йўллар билан кесишган нуктасида ҳамда дарёларнинг куйилиш кисмида. Куруниб турибдики, бу эрда транспорт ва георафик урин омиллари катта ахамиятга эга.

Юқоридаги йўналишлар бўйича целлюлоза коғоз саноатининг жойлашувини Россия Федерацияси мисолида курса бўлади. Масалан, Красноярск, Волгоград, Краснокамс,

Перм, Катлос Болохна, Архангельск ва бошқалар турли вариантларда вужудга келган ушбу саноат марказларидир. Шунингдек, ёғочни қайта ишлаш саноатига мебелсозлик, дафтар - калам, спорт буюмлари ва мусика асбоблари, темир йўл шпаллари, уйсозлик, гидролиз спирти олиш каби жуда кўп тармоқлар ҳам киради. Уларнинг жойлаштириши эса маҳсулотнинг «хом - ашё талаблиги» ҳамда транспорт жиҳатидан қулайлигига қараб ташкил қилинади. Айни вақтда, бу эрда хом - ашё, транспорт, истеъмол омиллари билан бирга сув шароитлари ҳам эътиборга олинади.

Қурилиш саноати бошқа тармоқларга нисбатан «олдинда» бориш керак, зеро усиз янги эрлар узлаштирилмайди корхона ва ташкилотлар бунёд этилмайди. Гишт, цемент, черепица, шифрни ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан хом - ашё билан боғлиқ. Шу сабабдан бўлса керак Россиянинг асосий цемент саноат марказлари - Вольск, Искитим, Новороссийск - атрофида бутун унинг хом - ашё, мерғли, оҳак тош кўп миқдорда мавжуд. Ўзбекистонда ҳам цемент ишлаб чиқариш хом - ашё омиллари эътиборга олган тарзда амалга оширилган (Бекобод, Ангрен, Қувасой, Охангорон). Бундан ташқари, цемент ишлаб чиқариш қора ва рангли металлургия марказларида ҳам ташкил қилинади. Бунинг учун домна печларининг чиқиндиси шлак, алюминий саноатига тегишли глинозём заводлари чиқиндилари ишлатилади. Темир - бетон маҳсулотлари ва қурилмаларини жойлаштириш истеъмол омили орқали ташкил қилинади. Шу боис уларнинг географияси кенг бўлиб, бундай корхоналар барча йирик шаҳарда мавжуд.

Енгил саноатини ҳудудий ташкил қилишда хом - ашё, ишчи қучи ва истеъмол омиллари этарли рол уйнайди. Масалан, пахта тозалаш ва пиллачилик заводлари жун ёки терини ювиш қабилар бевосита хом - ашё районларида жойлаштирилади. Сабаби улардан олинadиган маҳсулот бирлигига жуда кўп хом - ашё сарфланади. Туқимачилик, пояфзал туқув трикатаж, фабрикалари гилам ишлаб чиқариш меҳнатталаб бўлгани учун улар катта кичик шаҳарлар, район марказларида қурилади. Шу билан бирга туқимачилик корхоналари оғир саноат марказларида қурилади, аёллар ишчи қучидан фойдаланиш мақсадида ҳам жойлаштирилади. Мазкур саноатнинг кўп ресурсини талаб қилиши айни пайтда унинг истеъмоли районларида жойлаштириши билан уйғунлашиб кетади. Чунки, меҳнат ресурси, аҳоли енгил саноат маҳсулотининг истеъмолчисидир улар эса ҳамма учун ва ҳар доим керак.

Озик-овкат саноатини жойлаштириш кўпроқ истемол омилларига караб амалга оширилади (бу махсулотлар ҳам барча учун ва доимо зарур). Шунингдек, уларни транспортда ташиш имкониятлари, сифатининг бузилмаслиги ҳам инобатга олинади. Жумладан, ёғ-мой ишлаб чиқариш консерва, вино саноати, канд лавлаги ва тамакини қайта ишлаш кўпроқ ҳам ашё районларида, гушт, сут саноати шаҳар жойларга яқин курилади.

Кондитер фабрикалари бевосита шаҳарлардан жой олади. Ун саноати, дон махсулотлари комбинатлари ҳам аксарият ҳолларда кичик шаҳарларда, галлакор районларда ёки уларга яқин бўлган шаҳарларда ривожланади. Келтирилган ундан турли хил махсулотлар ишлаб чиқариш истемоли районларида-шаҳарларида ташкил қилади. Бундай марказларда баъзан йирик ёғ-экстракция, консерва ва вино саноати, тамаки ферментация корхоналари курилиши мумкин.

Шундай қилиб, озик овкат саноатининг ҳудудий таркиби асосан истемол ва ҳам ашё омиллари таъсирида шакилланади, айти вақтда бу тармоқ қишлоқ хўжалиги билан бевосита боғликлиги туфайли агросаноат мажмуалари кўринишида ҳудудий ташкил этилади.

Полиграфия саноати кўпроқ шаҳарларда хусусан пойтахт шаҳарларида жой олади. Сабаби - бундай шаҳарларга матбуот, китоб газета ва журналлари нашр килдириш Ўзига хос вазифа ҳисобланади.

Биз юқорида саноат ишлаб чиқаришнинг жойлаштириш масаласида омиллардан эмас саноат тармоқларининг хусусиятларидан келиб чиқдик. Омиллар таъсири умумий ҳолда олдинги маърузалардан баён килинган. Бу эрда фақат шуни эслатиш лозмки, ҳозирги шароитда саноат тармоқлари ва корхоналарни аитан каерда жойлаштириш, уларнинг техник - иқтисодий хусусиятлардан ташқари, бозор муносабатлари - талаб ва таклиф, солик ва кредит, нарх-наво ва минтакавий сиёсатлар таъсирлларида амалга оширилади.

Ёнг муҳими жойлаштирилган корхона тадбиркор учун ҳам, давлат учун ҳам кулай ва арзон бўлиши керак. Кулайлик транспорт харажатлари кам, экологик жиҳатдан макбул, арзон демакдир. Демак келажакда махсулот кийматига тан нархига унга ишлатиладиган ҳам ашё сарф-харажатлари, яъни «ресурс учун тулов» ҳам киритилиши керак. Зеро,

бозор муносабатлари даврида у ёки бу ресурсни казиб олган ҳудуднинг ижтимоий - иқтисодий манфаатлари, атроф-муҳитга курсатилган зарар албатта копланиши лозм.

Санотни районлаштиришнинг моҳияти - турли катта-кичиклигидаги ҳудудий ишлаб чиқариш комбинацияларини ажратиш ва асослаб беришдан иборат. Саноат хусусиятларига кура техника ва табиатнинг бир-бирига мантаний таъсири натижасидир. Бу ҳудудий комбинацияларининг Ўзи эса, биринчидан, саноатдаги район ҳосил қилувчи жараёнларнинг асоси бўлса иккинчидан, бир вақтда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилиш корхоналари, ҳамда бошқа хил ишлаб чиқариш корхоналаридан ташкил топган ҳудудий тизмлардан иборат. Бинобарин, саноатни районлаштириш - иқтисодий районлаштиришнинг таркибий қисмидир.

Ҳозирги замон саноатининг таркиби шундай этакчи хусусияти билан характерланадики, бу хусусият иштимоий меҳнат тақсимотининг ривожига ва фан техника тарақиётининг жадаллашуви билан ҳамбарчас боғлиқ. Бир томондан янгидан-янги тармоқ ва корхоналар шаклланиб, ажралиб чиқаётган бўлса, иккинчи томондан, тармоқлараро ва тармоқлар ичидаги алоқалар кенгайиб бормоқда. Шундай қилиб, саноатнинг иқтисослашуви билан бир вақтда корхоналарнинг кооперативлашув доираси ҳам кенгаймоқда.

Саноат мажмуаси - ҳудудий - ишлаб чиқариш мажмуаларининг иқтисодий жиҳатдан энг самарали шаклидир.

Саноат мажмуасининг асосий белгилари қуйидагилардир:

- корхоналарнинг бир бутунлиги ва Ўзаро бир-бирига таъсир этиб туриши;
- корхоналарнинг муайян ҳудудга боғланиши, корхоналар ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг маҳаллий, иқтисодий ва табиий ресурсларига мос қилиши ишлаб чиқариш таркибини мутанасиблиги ҳамда корхоналарнинг ҳудудий жиҳатдан оқилона жойлашуви.

Шундай қилиб, саноат мажмуаси - муайян ҳудуддаги бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ корхоналарнинг уйғунлашувидан иборатдир.

Наманган саноат мажмуасининг энг муҳим иқтисодий географик жиҳатларидан бири - ички алоқаларидир. Ички алоқаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

- турли корхоналарнинг умумий инфраструктурадан фойдаланиш билан боғлиқ алоқалари;
- хом ашё, ёкилги, ёрдамчи материаллар, тайёр маҳсулот бўйича амалга ошириладиган моддий техникавий алоқалар;
- бирон-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда корхоналар уртасидаги кооперативлашув алоқалари;
- дастлабки хом ашёга олдинма-кейин ишлов бериш ва уни қайта ишлаш хом ашёдан ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндаларидан комплекс фойланишга доир алоқалар.

Мамлакатнинг индустриал «синчи»ни ташкил этувчи саноат мажмуасини нисбатда хилма хилдир. Айни вақтда турли комплексларда қўшмача у ёки бу ишлаб чиқариш жараёнларининг бир-бирига Ўхшаш комбинациялари мавжудга келади. Масалан, тула циклли кор мателургия кўп ҳолларда қўшмача коксга айлантириш, амияк, бензол ва бошқа хил химия маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқалар билан боғлиқ. Нефть билан газ қўшмача олинадиган жойларда ҳам, улар ишлатиладиган жойларда ҳам углеводород хом ашёси асосида органик синтез корхоналарининг бир хил типдаги комбинациялари мавжудга келмоқда. Улар чала маҳсулотлар ёки пластмасса, синтетик каучук ва химикатлар товлари қўшмача тула маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Н.Н.Колосовский «ишлаб чиқаришнинг муайян энергия ва хом ашё турини олиш учун асосий бўлган жараённи атрофида бир-бирини тулдириб туриши асосида мавжудга келган типик барқарор комбинацияларига» энергия ишлаб чиқариш цикли деб таъриф берган. У энергия-ишлаб чиқариш циклиларининг қуйидаги типларини ажратган.

- 1) қўшмача металлларнинг пирометаллургия цикли.
- 2) қўшмача металлларнинг пирометаллургия цикли.
- 3) нефть-энергетика цикли.
- 4) гидроэнергия-саноати цикли.
- 5) Қайта ишлаш индустрияси цикллари мажмуи.
- 6) Ўрмон-энергетика цикли.
- 7) индустриал-аграр цикллари мажмуи.
- 8) гидромелиоратив индустриал-аграр цикли.

Исталган саноат мажмуаси таркибини таҳлил қилиш энергия ишлаб чиқариш цикллари, уларнинг таркибини ва Ўзаро алоқаларини Ўрганишга асосланмоғи лозим. Шу жиҳатдан саноат районларининг қуйидаги типлари ажратилади:

1) илгаридан мавжуд бўлган индустриал районлар ҳам ашё ва ёкилги-энергетика ресурслари танқис шароитда иқтисодий-географик уриннинг қулайлиги ва меҳнат ресурслари билан таъмиланганлиги ишлов берувчи саноатига иктисослашган тармоқлар.

2) ундурувчи ва ишлов берувчи саноат тармоқларига иктисослашган тармоқлар райони.

3) янги индустриал районлар.

4) ҳам ашё ва ёкилги-энергетика ресурслари нисоятда қўп, меҳнат ресурслари эса танқис бўлиб, индустриал жиҳатдан биринчи бўлиб узлаштирилган районлар.

Шунингдек, саноатни районлаштиришда саноат тугунлари, саноат пункти ва саноат марказлари муҳим аҳамиятга эга.

3. Қишлоқ хўжалигининг ижтимоий ва ҳудудий ташкил қилиш хусусиятлари.

Қишлоқ хўжалиги умуман иқтисодиётнинг қадимий соҳасидир. Дастлабки ижтимоий меҳнат тақсимооти ҳам аввал чорвачилик, сунгра дехкончиликнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Дехкончилик ва, хусусан сугорма дехкончилик жамият тарақиётида алоҳида, инқилобий аҳамиятга эга бўлган. Сабаби - айнан сугорма дехкончилик жамоа, унинг асосида доимий аҳоли манзилгоҳларининг вужудга келишида муҳим рол уйнаган, кейинчалик дехкончилик хунармандчилик ва савдо-сотиқни, улар эса Ўз навбатида мануфактура ва йирик машина индустриясини ривожлантиришга олиб келган. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун қуйидагилар хос:

- Аграр соҳа бевосита табиий шароит билан боғликлиги туфайли у мавсумий характерга эга;
- Мавсумийлиги учун меҳнат ресурслари ҳам йил давомида банд эмас;
- қишлоқ хўжалиги ривожланиши саноатга нисбатан узгарувчан кўринишда боради;
- бу тармоқда ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил қилиш шакллари Ўзига хос мужассамлашув ва ихтисослашув торроқ, кооперация ва комбинатлашув эса

жуда кам холларда учрайди;

- қишлоқ хўжалиги тармоқлари ареал ёки майдон шаклида ҳудудий ташкил қилади;
- мазкур тармовда экстенсив ва интенсив ривожланиш яккол куринади;
- қишлоқ хўжалигининг тармоқлар таркиби саноатга ўхшаш унча бой эмас;
- қишлоқ, хўжалигида мулкчиликни хусусийлаштириш осонроқ;
- хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, чет эл инвесторларини қишлоқ хўжалигига жалб қилиш камроқ ва х.к.

Юқоридаги хусусиятлар ушбу тармоқнинг иқтисодий ва географиясига жиддий таъсир курсатади. Чунончи, табиий шароитнинг иқлим ва об-ҳавонинг нокулайлиги қишлоқхўжалиги унумдорлиги, у эса қайта ишловчи (озик-овкат) саноатига ва пировард натижада халқнинг турмуш даражасини пасайишига олиб келади. Колаверса, қишлоқ хўжалиги билан саноатнинг бошқа тармоқлари: машинасозлик, химия, қурилиш материаллари саноати ва электр-энергетика ҳам алоқадор.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг мавсумийлиги. ишлаб чиқаришнинг мужассамлашув даражасини юқори эмаслиги мазкур тармоқнинг иқтисодий курсаткичларини пасайтиради. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида эр ишлаб чиқариш воситаси бўлиб, унинг табиий ҳосилдорлиги ҳамма жойда ҳам бир хил эмас.

қишлоқ хўжалиги асосан икки катта тармоқдан, яъни дехкончилик ва чорвачиликдан ташкил топган. эр юзи бўйича қишлоқ хўжалигида дехкончилик олдинда туради, Бироқ, шундай бўлсада дехкончилик ва умуман қишлоқ хўжалигида тармоқларнинг турланиши саноатга нисбатан сустрок бормокда. Айни вақтда қишлоқ хўжалигидаги айрим янги йўналишлар - бройлер паррандачилиги, теплица (иссик хона) хўжалиги, сут ва гушт фабрикалари, узларининг ташкил қилинишига қараб кўпроқ индустриал соҳага яқин туради.

Сунгги йилларда баъзи бир маҳсулотларнинг этиштирилиши (помидор, бодринг, зираворлар ва б.) мавсумий хусусиятини йўқотиб бормокда. Масалан, Тошкент бозорларида бундай маҳсулотлар деярли йил буйи мавжуд. Албатта, бу уринда "географик конвейр"нинг роли ҳам бор. Чунки, юқоридаги қишлоқ хўжалик

махсулотларини этказиб туриш турли ҳудудларда, уларнинг агроиклимий шароитларидан келиб чиққан ҳолда навбатма-навбат амалга оширилади.

Қишлоқ, хўжалиги тармоқларини жойлаштиришга табиий ва ижтимоий -иқтисодий омиллар таъсир курсатади. Табиий компонентлар ичида энг аввало иклим, сув ва тупроқнинг аҳамияти катта. Иклим шароитлари, ҳарорат, эр ости ва эр усти сувлари тупроқ хусусиятлари қишлоқ хўжалигининг тармоқлар ва ҳудудий таркибини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Фойдали ҳарорат, яъни йигиндисийил давомидаги сутка ҳароратининг қ 10°C-дан юқориси ва ижобий ҳарорат йигиндиси (ерта баҳордан то кеч кузгача ижобий ҳароратнинг суммаси) усимлнкларнинг пишиб этиши учун талаб килинадиган вегетация даврини шакллантиради. Масалан, пахта учун биринчи курсаткич энг камида 2000°C, иккинчиси 4000°C бўлиши қррак

Қишлоқ хўжалиги учун эрнинг аҳамиятини таъкидлаган эдик. Аммо ҳар қаидай эр майдони ҳам бу соҳада интенсив фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бинобарин, ҳудудларнинг қишлоқ хўжалик салоҳияти экин эқиладиган ёки хайдаладиган эр ва умумий эр майдонининг нисбати, эр фондининг ҳажми ва таркиби оркали белгиланади. Айниқса, сугориладиган эр майдони билан қишлоқ аҳолисининг таъминланганлик даражаси катта мазмунга эга.

Фойдаланиш мумкин бўлган эр майдонининг ҳажми шу жойнинг геоморфологик ҳолатига ҳам боглик. Чунончи, текис булмаган ҳудудларда эр коэффициенти нисбатан паст бўлиши аниқ.

Айни чоғда бизнинг шароитимизда фақат эр майдонини бўлиши этарли эмас. Бунинг учун албатта яна иссик ҳарорат ва сув, намгарчилик талаб килинади. Чунки, Ўзбекистонда этиштириладиган қишлоқ хўжалик махсулотларининг купчилиги иссик талаб ва сув талабдир. Айниқса, бодринг, помидор, баклажон, шоли кабиларда сув сарфи анча юқори.

Кизиги шундаки, табиатда бир жойнинг узида иссик ҳарорат, дехкончиликка яроқли эр майдони ва сув камдан-кам ҳолларда учрайди. Сув бор жойда кулай эр майдони йўқ (тоғликлар), эр майдони бор жойда сув йўқ (чуллар). Биринчисида дехкончилик учун терраса усули, иккинчисида сунъий сугориш кулланилади,

Кадимда сугорма дехкончилик дарёларнинг куйилиш кисмида, дельтасида ривожланган ва бунинг учун табиий хосилдор аллювиал ётқиқиқлардан фойдаланилган. Бизинг улкамизда дастлабки вохалар айнан мана шундай худудларда вужудга келган. Кейинчалик сугорма дехкончилик географияси дарёларнинг куйилишидан уларнинг юқори кисмларига кутарилиб борган, сув омборлари ва каналлар курилиши муносабати билан тоғ ёнбағри адирлар ҳам ишлаб чиқариш оборотиға киритилган, вохалар бири-бирига туталиб кетган (масалан, Фаргона водийсида).

Сунъий сугориладиган дехкончиликдан ташқари бизда бахорикор эрлар ҳам кўп (Самарканд, Жиззах, Сурхиндарё вилиятлари ва бошқалар). Бундай табиий намгарчиликдан фойдаланиб дехкончиликни юритиш. эрнинг гидротермик режимини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Махсус адабиётларда бунинг учун "Ланге омили" тушунчаси мавжуд бўлиб, у иссиқлик билан ёгин-сочиннисбатини билдиради. Жумладан, бахорикор дехкончиликда йиллик ёгин - сочин микдори уртача йиллик хароратдан камида 15 марта кўп бўлиши талаб этилади. Агар бу коэффициент 15 дан кам бўлса, у холд фақат чул яйловчилиги ривожлантириш мумкин, холос.

Хаво (харорат), сув, тупрок - қишлоқ хўжалиги ривожланиши ва фойдаланишининг асосий уч шартидир, Шу билан бирга мелиорация ва ирригация, меҳнат ресурслари, фан - техника тараккиёти, транспорт ва бошқаларнинг ахамияти ҳам муҳим. Масалан, ишчи кучи омили, айникса, сугорма дехкончиликда, сабзавотчиликда катта рол уйнайди. Аммо, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг бандлиги нихоятда юқори. Бу эса мазкур тармоқ самарадорлигини, унинг меҳнат унумдорлигини нихоятда пасайишига сабаб бўлади. Мавжуд маълумотларга кура, АКШ қишлоқ хўжалигида атига 8,7% меҳнат ресурслари банд. Буюк Британияда, хозирги вақтда қишлоқ хўжалиги махсулотлари четдан келтирилганиги туфайли, бу курсаткич 3%ни ташкил қилади.

Дунё бўйича қишлоқ хўжалигида меҳнатга лаёкатли аҳолининг ярмидан купроги ишлайди. Африка ва Осиё давлатларининг баъзиларида бу курсаткич янада юқори (масалан, Непалда 90%). Айни вақтда ривожланган мамлакатларда саноатнинг "пастки" катламларини ривожланаётган мамлакатларга кучишига ухшаб, уларда қишлоқ хўжалигининг интенсив шакли сакланиб колмокда, холос.

қишлоқ хўжалигида аҳоли бандлигининг кискариб бориши дастлаб Буюк Британияда, сунгра Белгия, Нидерландия, Дания, АКШ ва бошқаларда кузатилган. Натижада, ҳозирги кунда бу мамлакатларда бир фермер тахминан 80 ва ундан ортиқ кишини озиқ-овқат билан таъминлашга қодир. Ваҳолаки, ривожланаётган мамлакатларда меҳнат сарфи ҳаддан ташқари зиёд, қишлоқ жойларда "яширин" ишсизлар кўп аҳолининг нисбий ва ҳатто мутлоқ ортиқчилиги сезилиб турибди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга ва шу асосда ижтимоий масалаларни ҳал этишга катта аҳамият берилмоқда. Бироқ, ҳозирча бу эрда муаммолар кўп: қишлоқларда иш уринлари кам шаҳарлар эса ортиқча иш кучини таъминлай олмаяпти. Бу ҳам бўлса утиш даврининг кийинчиликларидан биридир.

қишлоқ хўжалик тармоқларини жойлаштиришда механизациялаш, агротехника, агрохимия, селекция каби илмий-техника тараққиёти билан боғлиқ йўналишларни ривожлантириш аҳамиятлидир. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги инфраструктураси, суғорш иншоотлари сув омборлари ва каналлар, эрларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиловчи чора-тадбирлар ҳам агробизнесга катта таъсир қурсатади.

Қўпгина мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ҳам шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги ривожланиб бормоқда. Бу эса Ўз навбатида пахта майдонларининг шаҳардан узоқлашишга олиб келади. Шу билан бирга пахтачилик тоғ олди ҳудудларида, қорақалпоғистонда, Сирдарё вилояти ва Қарши чулининг шурланган эрларида кискариб бормоқда. Қисман бу жарайон галла-бугдой майдонларини кенгайтириш асосида ҳам қўлланилмоқда. Демак, келажакда пахтачиликнинг жиддий узгаришларни кутиш мумкин.

Айни вақтда боғдорчилик ва узумчилик, айниқса галла этиштириш майдонлари кенгаймоқда. Бундай узгаришлар жаҳон миқёсида ҳам содир бўлмоқда. Хусусан, 60-йилларда ривожланаётган мамлакатлардаги "яшил инкилоб" галлачилик жойлашишини сезиларли даражада узгартирди.

Дунё бўйича чорвачиликнинг эм-хашак майдони умумий эр майдонининг тахминан 20-25% ташкил қилади, Баъзи мамлакатларда (масалан. Қирғизистон, Қозғистон, Ўзбекистон, Туркменистон ва б.) бу қўрсаткич ундан ҳам юқори. Бунинг устига мазкур мамлакатларда яйловзорларнинг ҳосилдорлиги паст ва, бинобарин уларнинг "чорва

сигими" ҳам юқори эмас. Демак, бу ва шунга Ўхшаш ҳудудларда экстенсив чорвачилик ривожланиб боради.

Чорвачиликнинг сут ва сут-гушт йўналиши унинг анча интенсив ва маҳсулдор соҳаларидир. Сутчилик эса, одатда, мулойим табиий шароитда, унча иссик, булмаган ва ёгин-сочин этарли районларда, дарё кайирлари ва далалар ям-яшил утлоқзорлар билан копланган жойларда жуда яхши ривожланади (Белоруссия, Болтик буйи давлатлари, Россиянинг Кастрема, Ярославл, Вологда вилоятлари, Голландия, Чуй водийси ва х.к.). Жун чорвачилиги эса иссик чул табиатида кулай имкониятга эга (Австралия. Мугилистон, Козогистон ва х.к-),

Сут чорвачилигининг жойланиши шаҳар аҳолиси эҳтиёжи асосида шаклланиши маъкул. Шу билан бирга кейинги йилларда транспорт, хусусан авторефрижераторларнинг таъсири остида бу тармоқ узоқроқ масофада ҳам жойлаштирилмоқда. Келтирилган сут асосида у билан боғлиқ бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш шаҳар жойларда ташкил қилинади.

қишлоқ хўжалиги тармоқлари - дехкончилик ва чорвачиликнинг ҳудудий бирикмалари ҳам мавжуд. Чунончи, галлачилик районларда паррандачилик, картошка этиштириладиган эрларда сут-гушт чорвачилиги, канд лавлаги эқиладиган ҳудудларда чучкачилик ривожланиб боради. Бу эса қишлоқхўжалигида Ўзига хос ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси (комплекси) ни шакллантиради. Бундай мажмуаларнинг энг мураккаб ва ривожланган шакли эса қишлоқ хўжалиги ва қайта ишловчи саноат (расман озик-овкат саноати) асосида вужудга келади.

Агросаноат мажмуани бундан ҳам кенг маънода талкин қилиш мумкин. У ҳолда бу мажмуа саноатнинг қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ барча тармоқларини, транспорт ва омборхоналарини ҳам Ўз камровига олади. Айнан шу мазмунда агросаноат мажмуалари миллий ва минтакавий иқтисодиётнинг узагини ҳосил қилади.

Саноатда бўлганидек қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришда ҳам энг асосий омил бозор муносабатлари бўлиб қолмоқда. Нимани этиштиришни ҳозирги кунда бозор, нарх-наво белгилайди, аммо бу таъсир (қишлоқ хўжалигида маълум вақт утгандан сунг Ўз кучини курсатади (чунки, маҳсулот этиштириш учун анча вақт талаб этилади, саноатда эса бу жарайон нисбатан тез кечади).

Республикамиз шароитида кўп ва ҳар доим истеъмол қилинадиган маҳсулотларнинг бозор конъюктурасида ўзига хос ўзгаришлар бўлиб туради. Масалан, бир йили пиёз қиммати ва қимматчилиги бўлса иккинчи йили, аксинча картошка қиммат бўлиши мумкин. Бундай бозордаги вазиятнинг ўзгариб туриши деҳқончилик ихтисослашуви ва жойланишида тез-тез ўзгаришларга сабаб бўлади. Худди шундай ҳолат сабзи, қарам ва бошқа қўндалик ҳаёт учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирилишида ҳам кузатилади.

4. Транспортнинг хўжалик тизимидаги ўрни.

Транспорт саноати ва қишлоқ хўжалиги билан бирга ишлаб чиқариш ва уни ҳудудий ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади. У хўжалик тизимининг «қон томири», ҳаракатлантирувчи кучи сифатида мамлакат ва районлар иқтисодий алоқаларини амалга оширади, уларнинг геоиқтисодий яхлитлигини таъминлайди. Транспорт иқтисодий географиянинг негизи бўлган ҳудудий меҳнат тақсимооти, маҳсулотни ишлаб чиқарган район билан уни истеъмол қиладиган жой орасида алоқа бўлмайди, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам шаклланимайди. Умуман олганда, услубий тизим (система) ва мажмуа(комплекс)ни транспорт алоқаларисиз тасаввур қилиш қийин.

Юқоридаги макроиқтисодиётнинг уч асосий тармоғини ҳудудий ташкил қилиш шакли ўзига хос «географик геометрия»га эга, Иқтисодий маконда саноат алоҳида нуқтасимон, қишлоқ хўжалиги майдон (ареал) кўринишига эга бўлса, транспорт ҳудудни кесиб ўтувчи ва нуқталарни бирлаштирувчи кесим, чизик, «ўқ» вазифасини ўтайди. Ана шу уч хил шаклларнинг бирлиги геоиқтисодий макон, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг ташқи кўриниши, минтақавий иқтисодиёт тасвирига акс эттиради.

Транспортга турли маънода қараш мумкин. Масалан, у хўжаликнинг алоҳида тармоғи, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркибига кирувчи тўрт элементлардан бири. Шу маънода транспорт нафақат восита, балки муҳим макроиқтисодиёт тармоғи ҳисобланади. Айни вақтда транспорт ишлаб чиқариш инфраструктурасининг асоси ҳамдир. Бу маънода транспорт ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил қилишнинг омили эканлиги

кўриниб турибди. Демак, транспортни тармоқ ҳамда восита-омил кўринишида ўрганиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда транспортнинг ана шу икки функцияси чалкаштирилиб юборилади, унинг макроиктисодиёт тармоғи ва инфраструктура вазифасини бажариши орасидаги фарқ сезилмай қолади. Ваҳоланки, иккинчиси биринчиси учун хизмат қилади, шароит яратади.

Транспортнинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги аҳамияти ғоят катта. Бу омилга биринчи бўлиб немис олими А.Вебер ўзининг «саноат штандорти» назариясида катта ўрин берган. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришни жойлаштиришда «қулай» ёки «ноқулай» деган тушунчаларнинг ўзи аксарият ҳолларда транспорт омили орқали ифодаланади; қулайлик - арзон демакдир, арзон эса транспорт жиҳатидан қулайликни, йўл сарф - чиқимининг камлигини англатади.

Тўғри, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришда хом-ашё ва ёқилғи сарфининг камайиши, темир йўлларнинг электрлашуви, турли хил қувур транспорти, юқори қувватли электр узаташ тармоқлари, денгиз транспортини контейнерлаштириш ва ҳоказолар транспортнинг ишлаб чиқаришни жойлаштиришдаги ролини бироз бўлсада сусайтиради. Аммо, шунга қарамасдан, транспортнинг маҳсулот қиймати шаклланишида, таннархида ҳиссаси катта. Хусусан, бозор иқтисодиёти шароитида, талабнинг индивидуаллашуви, маҳсулот турларининг кўпайиши ва уларни ўз вақтида этказиб бериш транспорт аҳамиятини янада оширади. Транспорт билан аҳоли жойлашуви, шаҳарлар ривожланиши ўртасида катта алоқадорлик мавжуд; бири иккинчисини тақозо қилади, бири иккинчисисиз бўлмайди. Одатда, йўллар шаҳарларга олиб боради, шаҳарлардан ташқарига йўллар панжасимон таралади, тарқалади; шаҳарлар транспорт тугунларига айланади. Н.Н.Баранский йўллар ва шаҳарлар ишлаб чиқаришнинг ҳудудий таркиби ва тизими, район ва мамлакатлар хўжалигининг «қовурғаси», ўзаги сифатида таърифлаганда ҳеч қандай муболаға йўқ. Чиндан ҳам ҳудуднинг ички тузилиши «рентген нури» асосида кузатилганда бизнинг кўз ўнгимизда айнан ана шу йўллар ва шаҳарлар орқали гавдаланади.

Транспортнинг шаҳарлар агломерацияси, шаҳар атрофи хўжалигида ҳам аҳамияти бекиёс. Америкаликларни ҳозирги кунда шаҳар атрофи, шаҳар яқинида яшовчи халқ,

деб таърифлашади. Сабаби, бу эрда урбанизациянинг юқори босқичи -субурбанизация тез ривожланмоқда.

Йўллар янги ўзлаштириладиган ҳудудларга биринчи бўлиб кириб келадиган инфраструктура элементиدير. Йўллар қазилма бойлик конларига боради, уларни ишлаб чиқариш марказлари билан улайди, боғлайди; саноат паркларини шакклантиради. Хуллас, транспорт ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизим ёки мажмуа вужудга келмайди.

Транспорт турининг жойланиши, зичлиги ва шакли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасининг муҳим кўрсаткичидир. Масалан, радиал-айлана, тўрсимон шакл, одатда, ривожланган районларда кузатилади. Агар ҳудуднинг фақат чекка қисмлари транспорт билан таъминланган бўлса, демак, ҳудуднинг ички қисми табиий шароити ўзлаштириш учун ноқулай (Сибир, Узоқ Шарқ,- қозғистон, Туркменистон ва ҳ.к.). Кўпинча йўлнинг, транспортнинг турларини, жойланишига қараб ҳудуднинг хўжалик таркиби, мужассамлашуви ва ихтисослашувини аниқлаш мумкин. Баъзан темир ва автомат йўллар, қувур транспорти, электр узатувчи тармоқ ва каналлар бир -бирига паралелл ҳолда жойлашади, икки йирик марказ орасида серкатнов «коридор» вужудга келади. Йўл бўйидаги аҳоли манзилгоҳларининг кичрайиб бориши марказдан узоқлашишни, йириклашуви -бошқа марказга яқинлашувдан дарак беради.

Мамлакат ва районлар, шаҳарларнинг иқтисодий географик ўрни, салоҳият ва имкониятларини амалга оширувчи ҳам транспортдир. У ҳудудларни бир-бири билан боғлайди, минтақа, миллий ва жаҳон хўжалигини мукаммал система тарзида шакллантиради. Бир вақтлар Н.Н.Баранский: «Волга Россияни Осиё мамлакатига, Днепр Ўрта Денгиз мамлакатига айлантиради», деб айтган эди. Агар бизнинг Амударё ва Сирдарё ҳам Жаҳон океанига бевосита чиққанда эди, эҳтимол Ўлкамизнинг геосиёсий мавқеи, хўжалиги ва маданияти янада бошқача бўлар эди.

Транспорт айниқса ташқи савдо билан алоқадор. Бинобарин, мамлакатнинг савдо алоқалари, халқаро иқтисодий муносабатлар негизида транспорт тизими ётади. Худди шу ўринда миллий иқтисодиётини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган эркин иқтисодий минтақаларни (ЕИМ), технополисларни вужудга келтиришда транспорт ролини таъкидлаш жоиз.

Шундай қилиб, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бирор қисми йўқки, у транспорт билан боғлиқ бўлмаса, Саноат, қишлоқ хўжалиги, аҳоли жойлашуви, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳудудий ташкил этилиши транспорт омилига асосланади.

қадимда транспорт, хусусан денгиз ва дарё транспорти кўп жиҳатдан табиий шароитга боғлиқ бўлган. Ҳозир ҳам қитъа ва мамлакатларнинг қирғоқ чизиғи, шакли табиий ҳолда портларни (бандаргоҳларни) қуриш нуқтаи назаридан қулай ва ноқулай бўлиши мумкин, .

Темир йўл транспортининг табиий омилларга боғлиқлиги бошқаларга қараганда анча кам. Дунёнинг айрим мамлакатларида (Боливия, Перу) темир йўллар 4700 - 4800 м денгиз сатҳидан баландликда жойлашган тоғ минтақаларида темир йўллар одатда дарё, бўйлаб, баъзи жойларда тунеллар орқали ўтади, мураккаб шароитда тор изли йўллар қурилади.

Темир ва автомобил йўллар қурилишида кўприklar ҳам катта аҳамиятга эга. Кўприklarни қуриш эса тоғёки текислик дарёларда ўзига хос хусусиятга эга. Тоғдарёларида кўприklar унча узун эмас, текисликда эса улар узун бўлиб, бунинг учун унинг таянчи қирғоқнинг қаттиқ жинсларидан иборат қисмига қўйилади. Умуман, темир йўлларни қуриш катта вақт ва маблағни талаб қилади, аммо улар шунга мувофиқ узок муддат хизмат қилади.

Табиий шароит, жумладан шамол, ёғин-сочин, булут, туман автомобил, ҳаво ва денгиз транспортига анча таъсир кўрсатади. Тупроқ ва, унинг физик хусусиятлари, гидрогеологик шароит айниқса қаттиқ қатламли автомобил йўлларида қуришда эътиборга олинади.

Хўжалик ва аҳоли жойлашуви ҳам транспорт тури ва таркибига таъсир этади. Жумладан, тоғ-кон, оғир саноат районларида темир йўл, қишлоқ хўжалиги районларида автомобил транспорти, ўрмон хўжалигида дарё транспорти катта аҳамиятга эга бўлади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган, аҳоли, зич жойлашган воҳа ва водийларда, шаҳар атрофида, рекреация районларида транспорт тизими шунга мос равишда мукамал ҳолда шаклланади.

Транспортнинг жойлашувига сиёсий географик омил ҳам таъсир қилади. Масалан, собиқ СССРнинг тарқалиши ва янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши

натижасида ички чегаралар ташқи давлат чегарасига айланди, мамлакат ички қисмларини боғловчи транспорт тизимини шакллантириш зарурияти туғилди. Чунончи, Ўзбекистонда йўл мустақиллигига эришиш мақсадида ғузор-Бойсунқумкўрғон, Учқудук-Жанубий қорақалпоғистон темир йўллари қурилмоқда, Париж-Шанхай ёки Буюк Ипак Йўлини қайта тиклаш учун Ангрен-Поп автомобил йўли кенгайтирилмоқда, республика пойтахтидаги йўллар магистраллаштирилмоқда.

Транспорт тўрининг жойлашишида мамлакат ҳудудининг катта-кичиклиги, ташқи қиёфаси (конфигурацияси) катта мазмунга эга. Агар мамлакат ёки район ўзидан каттароқ ҳудуднинг марказида жойлашган бўлса, у ҳолда унинг марказийлиги транспорт алоқаларда ўз ифодасини топади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини олайлик: у шимоли-ғарбдан жануби-шарққа узоқ масофада чўзилган, Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган. Демак, Ўзбекистон қўшни давлатлар билан алоқа қилишда қулай имкониятларга эга. Айни вақтда ҳудуднинг кесувчанлиги, ўтувчанлиги (транзитлиги) ҳам унинг географик ўрнига боғлиқ.

Агар мамлакат денгиз ёки океан бўйида жойлашган бўлса, унда сув ва қуруқлик транспортининг уйғунлашуви талаб қилинади; денгиз транспорти ташқи алоқаларни, дарё ёки қуруқлик транспорта ташқи алоқаларни ички транспорт тизими билан туташтиради.

Ўз навбатида қуруқлик транспорти ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишда турли хил геометрик шакллари вужудга келтиради. Масалан, Ўзбекистон харитасида Тошкент-Жиззах-Бекобод, Самарқанд-Бухоро-Қарши учбурчаги, Фарғона ҳалқаси яққол кўзга ташланади. Айнан ана шу шакллар мамлакат миллий ва минтақавий иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Транспорт турлари, хусусан автомобил транспортини жойлаштиришга экологик омил ҳам катта таъсир қилади. Маълумки, ҳозирги кунда, айниқса шаҳар экологик муҳитининг ифлосланишида автомобиллар қатновининг ўрни юқори. Автомобил ва самолёт қатновлари муҳитни шовқин жиҳатидан ҳам «ифлослантиради». Бу ҳолат айниқса йирик аэропорт ўрнашган жойларда жуда сезиларли.

Шаҳар ташқарисидаги магистрал автомобил йўллар ёқасида ҳамбу муҳит яхши бўлмайди. Шу боис, баъзи бир маълумотларга қараганда, катта йўлларнинг икки тарафида 50 м. масофада қишлоқ хўжалик экинлари экиш мақсадга мувофиқ эмас.

Сўнги йилларда транспорт турлари кўпайиб ва ривожланиб бормоқда, уларнинг жойланиши ҳам ўзгармоқда, Анъанавий темир ва автомобил, сув (дарё, денгиз ва океан), ҳаво транспорти билан бир қаторда қувур транспорти ҳам ривожланиб бормоқда. У кўпинча нефт-газ саноати мавжуд бўлган ҳудудлардан турли истеъмол районларига тарқалган. Тараққий этган мамлакатларда эса қувурларда ҳатто қаттиқ жинслар - темир рудаси, кўмир кабилар ҳам юборилади («пульпопровод»).

Барча транспорт турларининг икки асосий вазифаси бор: юк ва пассажирлар ташиш. Юк ташишда транспорт тизимида ташиладиган маҳсулот ёки хом-ашёнинг транспорттабеллиги, масофаси ва таркиби, қиймати ҳисобга олинади. энг арзон, одатда, денгиз (океан) транспорти ҳисобланади. Ундан кейинги ўринда йирик дарёлардаги транспорт туради, Темир йўл транспорти ҳам бу борада анча арзон ҳисобланади.

Транспортнинг ўзининг ҳам ҳудудий мажмуалари мавжуд. Бунга транспорт тугунлари мисол бўла олади. Йирик транспорт маркази ва тугунларида ўзига хос объектлар (таъмирлаш заводлари, омборхоналар, бевосита транспорт билан боғлиқ қурилиш материаллари ва бошқа саноат корхоналари) жойлашади.

10- Мавзу. СОЦИАЛ ГЕОГРАФИЯ

Режа:

1. Социал географиянинг объекти, предмет ива вазифалари.
2. Социал географиянинг шаклланиш тарихи.
3. Социал - географик тадқиқотлар.
4. Тиббиёт геогрфияси - социал географиянинг таркибий қисмларидан бири сифатида

Таянч иборалар: *Социал география. Социал - географик тадқиқотлар. Социал соҳалар. Социум. Иқтисодий ва социал гегография, Социал-иқтисодий муаммолар.*

Инсоният тараққиёти асрлар давомида турли хил фанлар ва уларнинг ютуқлари асосида шаклланиб, ривож топиб келган. Шу нуқтаи назардан фанлар тизимида география фани ҳам ўз мавқеига эга ва унинг ривожига кўплаб янги-янги тадқиқот ва изланишлар бўлиши табиий. Хусусан, кейинги йилларда мустақил республикамизда анъанавий

иқтисодий географиянинг социаллашуви ва унинг кенг маънодаги социал географияга айланиб бориш жараёни содир бўлмоқда-ки бу албатта ижобий ҳолатдир.

Ҳозирги замон иқтисодий ва ижтимоий географияси узаро алоқадор бўлган тўрт асосий қисмга, яъни иқтисодий география, ижтимоий – иқтисодий, социал ва сиёсий географияга булинади (Солиев А., 1995). Бунда социал география таркибига қуйидаги йўналишлар киритилган (1-расм).

Социал география аҳолини яшаш тарзи ва шароити, дини, урф-одати, миллий қадриятлари, дам олиши, даволаниши каби кўпгина социал ҳодиса ва воқеаларнинг ҳудудий томонлари ва хусусиятлари туғрисида маълумот беради. Демак, социал география аҳолининг социал (ижтимоий) ва табиий муҳит билан алоқасини ўрганади.


Социал географиянинг энг муҳим тушунчаларидан бири бу социал макон тушунчасидир. Социал макон деганда, энг аввало, кишиларнинг кундалик муайян ҳудуддаги ҳаётини, ўзаро алоқаларини тушунамиз. Бунда турли касб, миллат, ёш ва жинсдаги аҳолининг яшаш жойи, унинг ҳудудий умумийлиги (социуми) назарда тутилади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, социал география таркибига бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясини киритиб бўлмайди, чунки мазкур йўналиш профессор А.С.Солиев таъбири билан айтганда, “бевосита социал ва ижтимоий-иқтисодий география ўртасида туради ва у иқтисодий географиянинг социаллашуви йўналишидаги дастлабки муҳим бўғин бўлиб хизмат қилади”.

Ҳозирги кунда социал география фани тез ривожланаётган фанлар қаторига киради. Социал география билан боғлиқ тадқиқотларининг роли ва аҳамияти мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиб, эндиликда унинг тадқиқот доираси тобора кенгайиб бормоқда. Ушбу фан йўналишининг ноанъанавий соҳаларига тиббиёт географияси, жиноятчилик географияси, дин, туризм,

**Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ички тузилиши
(А.Солиев бўйича)**

Саноат географияси
Қишлоқ хўжалик географияси
Транспорт географияси
Қурилиш географияси
Меҳнат ресурслари ва ҳ.
Аҳоли географияси
Шаҳарлар географияси
Қишлоқ жойлар географияси
Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси
Савдо географияси ва б.



рекреация, фан ва таълим географияси сингариларни киритиш мумкин ҳамда улар социал географиянинг мазмунини янада бойитади, замонавийлаштиради. Айтиш жоизки, замонавий иқтисодий ва социал географияда бевосита аҳоли билан боғлиқ масалаларни ўрганиш муҳим ўрин эгаллади. Айниқса, унинг таркибига кирувчи социал географияда жамият^{*}, аҳоли ва унинг социал жиҳатлари билан боғлиқ қонуниятларни ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Сўнгги даврларда анъанавий иқтисодий ва социал география фанининг тадқиқот объекти ва предмети сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Авваллари илмий тадқиқотларнинг бош мавзуси сифатида асосида кўпроқ, саноат, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш кучлари ва уларни ривожлантириш масалалари ётган бўлса, бугунги кунга келиб, аҳоли ва у билан бевосита боғлиқ бўлган жиҳатларни ўрганишга, айниқса, унинг социал жиҳатларни, саломатлиги, дам олиши, даволаниши, турмуш тарзи, урф-одатлари, дини, ҳуқ-атвори билан боғлиқ жиҳатларни ўрганишга қизиқиш ортди ва шу борадаги илм изланишларнинг ҳажми ортиб бормоқда.

Жаҳонда XX асрнинг ўрталаридан бошлаб бир қатор иқтисодий фанлардаги “социаллашув” жараёни иқтисодий географияга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу ҳол кейинчалик аҳоли географиясининг ва у билан боғлиқ тарзда, социал географиянинг шаклланиб боришига замин яратди.

Шуни таъкидлаш керакки, даставвал XX асрнинг 30-йилларидаёқ Н.Н.Баранский “социал география”ни яратиш масаласини кўндаланг қўйган эди ва кейинроқ, унинг муҳим масалаларини (аҳоли географияси, шаҳарлар географияси ва б) ўрганди. Ўша даврдаёқ Н.Н.Баранский: “Иқтисодий - географ нафақат аҳолининг таркиби, жойлашуви, аҳоли манзилгоҳларининг тавсифини, балки унинг руҳияти, урф -одатлари ва маданиятини ҳам билиши керак” эканлигини таъкидлаган эди.

Аҳолининг меҳнат қилиши, дам олиши, руҳий кечинмалари, соғлиғини сақлаш ва бошқа ижтимоий, маданий - маънавий ҳаёт фаолиятлари билан боғлиқ масалалар хорижда ва шунингдек, собиқ Иттифоқ иқтисодий географияси доирасида ҳам ўрганиб келинган. Шунинг учун ҳам Ю.Г.Саушкин ижтимоий географияни иқтисодий

^{*} Жамият - табиатнинг бир қисми, яъни ижтимоий борлиқ бўлиб, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган жуда кўплаб муносабатлар йиғиндиси, деган турлича таърифлар ҳам бор. Жамият муттасил равишда ривожланувчи, такомиллашиб боровчи мураккаб тизимдир.

географиядан ажратиш, иқтисодий ва социал географияни ривожланишига зид эканлигини, реал борлиқни англашга тўла жавоб бермаслигини, яъни инсонни ижтимоий ҳаёти мураккабликлари билан иқтисодий географиядан “суғуриб” ташлаб бўлмаслигини ҳам уқтиради (Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география, 2003).

Ҳозирги кунда ижтимоий географиянинг тор ва кенг маънодаги талқини профессор А.С.Солиев томонидан эътироф этилган. Олимнинг таъкидлашича, тор маънодаги социал география - бу бевосита инсон ҳаёти билан борлиқ масалаларнинг ҳудудий жиҳатларини, унинг ўзи яшаб турган муҳити билан муносабатини ўрганувчи фандир. Кенг маънодаги ижтимоий география эса ўз ичига тор маънодаги социал география ва инсоннинг ижтимоий ҳаёт тарзи, маданий, маънавий, руҳий ривожланиши масалаларининг ҳудудий қирраларини ҳам қамраб олади.

Тарихий маълумотларга назар ташласак социал географиянинг ривожланишидаги дастлабки қадамлар хорижда кўзга ташланади. Хусусан, «социал география» тушунчаси XIX асрнинг охирларидаёқ француз мактаби вакили, иқтисодчи ва социологи Ле-Пле томонидан фойдаланилганлиги манбалардан маълум. Яна бир тадқиқотчи Г.С.Дунбарнинг таъкидлашича, ушбу тушунча илк бор П.де Рузьенинг 1884 йилда чоп этилган социал география бўйича изланишларида қўлланилган (Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география, 2003).

Ле-Пле илмий мактабининг таниқли намоёнчаси Э.Демолен эса социал географияни “социогеография” тарзида талқин қилади ва унинг моҳияти маҳаллий шарт-шароитлар (шу жумладан табиий шароитлар)ни ижтимоий ривожланишга, “ижтимоий гуруҳ”ларнинг вужудга келишига таъсири сифатида тушунтиради.

1895 йили илк бор социал география тушунчаси Э.Реклюнинг “Умумий география”асарида қўлланилди. Бунда у социал географияни табиий шарт-шароитларнинг кишиларни меҳнат ва турмуш тарзига ҳудудий жиҳатдан таъсир этиши маъносида тушунди ва у ҳам социал география тушунчасининг моҳиятини аниқ очиб беролмадилар.

XX асрнинг бошларида Нидерландияда география ва социологиянинг уйғунлашувидан вужудга келган «янги фан» - социал география пайдо бўлди. Унинг предмети «жамиyatдаги гуруҳлар ва ўзаро алоқадорликларнинг регионал тақсимланишини ўрганиш» деб тушунилади. Мазкур фан тармоғининг айнан Нидерландияда пайдо


бўлиши ҳам бежиз эмас. Чунки, унинг амалий вазифалари, аҳолиси зич ва ер ресурслари тақчил бўлган Нидерландияда минтақавий режалаштириш масалаларини ҳал этишда ўта долзарб аҳамият касб этди.

Социал географиянинг вужудга келиши ва ривожланишига собик, Иттифоқ географ олим ва тадқиқотчилари ҳам муносиб ҳисса қўшганлар. Бу даврда социал географиянинг ривожланишида шартли уч босқични ажратиш кўрсатиш мумкин:

1. XX асрнинг 50 - йилларигача бўлган вақтни;
2. XX асрнинг 50 - 70 йиллари;
3. Сўнгги 30-40 йилларни ўз ичига олади ва социал географиянинг назарий ва амалий жиҳатлари айнан мана шу даврда сезиларли тарзда ривожланди. Айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Социал географик тадқиқотларнинг объекти ва предмети, унинг мазмун - моҳияти. Хусусидаги дастлабки аниқ фикр - мулоҳазаларни Р.М.Кабонинг ишларида учратамиз. Жумладан, унинг фикрича “ижтимоий – маданий” география меҳнат фаолияти билан боғланган аҳоли жойлашуви типлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маданий хусусиятларининг ҳудудий тафовутларини, шунингдек, ҳар бир социал - ҳудудий кишилар гуруҳини ўзида мужассам этган барча элементларнинг мураккаб уйғунлигини ўзида ифодалайди.

Социал географиянинг тузилиши ва вазифаларини М.Ф.Грин янада кенгроқ талқин қилди. Унинг фикрича ижтимоий география социал циклга мансуб географик фанлар билан бирга иқтисодий географияни ҳам қамраб олади. Ижтимоий географиянинг бундай кенг маънодаги талқини В.М.Гохман ва С.Я.Ныммик тушунган «Общественная география»га мос тушади.



2-расм. Социал географиянинг таркибий тузилиши (Воронин В.В., Шарыгин М.Д. бўйича): МУГ-минтақавий умумий география; ИГ-иқтисодий география; СГ-социал география; ШГ-сиёсий, ҳарбий география; АГ-аҳоли географияси; МГ-маданий география; ХАГ-хулқ-атвор географияси; ХКГ-хизмат кўрсатиш географияси; ТГ-тиббиёт географияси; РГ-рекреация географияси; ТФГ-таълим ва фан географияси; ИЭ-ижтимоий экология; КГ-конфесионал география; ТРГ-табiiй ресурслар географияси; ТаГ-тарихий география; БУГФ-бошқа умумий географик фанлар.

Ушбу масалага амалий нуқтаи назардан реал ва асосли равишда ёндошган А.А.Долинин “ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг минтақавий хусусиятларини, минтақаларнинг табиати, иқтисодиёти ва демографик вазиятини тавсифловчи нарсаларни жалб этмасдан чуқур ўрганиб бўлмайди, демак бундай тадқиқотларни иқтисодий - географлар муваффақиятли равишда амалга оширишлари мумкин”. А.А.Долинин фикрича социал географиянинг объекти - бу кишиларнинг ўзаро муносабатлари орқали боғланган ҳудудий бирикмаларидан иборат.

С.Б. Лавров, А.А.Анохин, Н.Т.Агафоновлар эса социал географияни ижтимоий - иқтисодий географиянинг бир бўғини сифатида, социал тузилмаларни муайян

ижтимоий - тарихий шароитларда жойлашуви ва ҳудудий ташкил этилиши қонуниятларини ўрганувчи фан деб таърифлайди.

А.М.Трофимов ва М.Д.Шарыгин фикрларига кўра кенг маънодаги социал география фани қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади (2-чизма). (Трофимов А.М., Шарыгин М.Д., 2007, С.16).

Бизнинг фикримизча, тиббиёт, дин, туризм географияси сингари фан йўналишлари чиндан ҳам фанлар қиррасида юзага келган чегаравий йўналишлар бўлсада, уларни география фанлари тизими аниқроғи социал география фани доирасида кўришни маъқул кўрамиз . Чунки, жумладан тиббиёт географиясини оладиган бўлсак , ер юзида касалликларнинг вужудга келиши ва тарқалишида ҳудудий тафовутлар мавжуд экан, мазкур фан асосини географик омиллар ташкил этади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки биз мазкур қўлланмада тор маънодаги социал географияга дахлдор масаларга эътибор қаратдик.

Таъкидлаш керакки, кенг маънодаги социал география борасида олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларни М.Назаров ва З.Тожиеваларқуйидаги тўрт гуруҳга ажратган:

1. “Социал география мавжуд эмас, аммо географияда ижтимоий жиҳатларни борлиги шубҳасиздир”-деган фикр тарафдорлари. Ушбу йўналишга мансуб муаллифлар социал география мустақил мавжуд эмаслигини ёқлайдилар. Улар жумласига Алаев Э.Б., Ковалев С.А., Ковальская Н.Я., Лаппо Г.М., Лавров С.Б., Сдасюк Г.В., Саушкин Ю.Г., Ткаченко А.А. кабиларни киритиш мумкин, Ушбу олимлар яратган бир қатор асарларда социал ва иқтисодий жиҳатлар бўлинмаслиги ва қатъий бўлишга уринишлар натижасиз бўлиши таъкидланади.

2. “Социал география - мустақил фан бўлиб, география фанлари таркибида энг қуйи поғонада жойлашган. Кўп ҳолларда уни аҳоли географиясининг таркибий қисми сифатида кўриш мумкин” деган фикр муаллифлари. Мазкур йўналишга мансуб фикрларга кўра, социал география мустақил бўлиб, географиянинг қуйи иерархик поқонасида, аҳоли географияси таркибига киради. (Анохин А.А. Костяев А.И. Долинин А.А). Жумладан, А.А.Долинин социал географияни аҳоли географиясининг ўзига хос бўғини сифатида қарайди. Унинг фикрича, социал география одамларнинг ҳудудий бирикмаларини ижтимоий ривожланиш даражаларини аниқлашда мужассамлашган.

А.А.Анохин- ва А.И.Костяевлар эса социал география турли таксономик тоифадаги районларнинг ижтимоий ҳаётини худудий ташкил этилишини ўрганувчи фан сифатида шаклланди деб ҳисоблайдилар. Социал географияни аҳоли географияси доирасидан анча кенг маънода тушунишларига қарамай, юқоридаги муаллифлар, барибир аҳоли географияси асосларидан келиб чиқадилар (Назаров М.,Тожиева З. Ижтимоий география,2003).

3. Социал география - мустақил фан бўлиб, география фанлари таркибида ўрта иерархик поғонада, яъни масалан, иқтисодий география билан бир поғонада жойлашган. Учинчи йўналишга мансуб қарашларга кўра, социал география - бу мустақил фан бўлиб, иқтисодий география билан бир даражада тургани ҳолда, ижтимоий географиянинг (кенг маънода) охириги асосий тармоғи ҳисобланади. бундай нуқтаи - назарни В.М.Гохман ва С.Я.Ниммиклар ёклаб чиқишган ва улар бир ҳил шундай хулосага келишган. Шунингдек, улар ривожланганлик даражасига кўра социал географияни иқтисодий географиядан орқада қоляпти, чунки социал география анча кейин шакллана бошлади деган, фикрдалар. Баъзи бир муаллифлар, масалан С.Нъиммик социал географияни иқтисодий географияга қарамлигини ва шунингдек, социал ва маданий географияни бўлинмаслигини ҳам кўрсатиб ўтади.

4. Социал география - мустақил фан бўлиб, ижтимоий география фанлари таркибида юқори иерархик поғонада жойлашгани ҳолда, ижтимоий географиянинг синоними ҳисобланади; социал (ижтимоий) география таркибига иқтисодий география ҳам киради.

Тўртинчи йўналишга мансуб фикрга кўра социал географияни барча ижтимоий муносабатларни қамраб олган фан сифатида тушуниш мумкин. Бу ерда «социал» ва «ижтимоий» (общественная) тушунчалари. ўзаро мос ва улар ўзаро синонимлардир. Демак, буларга кўра социал география (ижтимоий география) бошқа социал - географик тармоқлар (аҳоли географияси, сиёсий география, харбий география, тарихий география ва бошқалардан ташқари иқтисодий географияни ҳам қамраб олади. Н.Н.Баранский ҳам социал географияни шундай кенг маънода тушунган ва бундай тушуниш маҳаллий олимларга (Солиев А., Отамирзаев О ва бошқалар) ҳам хос.

Ҳозирги вақтда кўпчилик муаллифлар томонидан «социал география» терминини бир вақтнинг ўзида тор ва кенг маънода тушунишнинг зарурати туғилди. У.Мерестенинг

фанларни интеграциялашуви концепцияси бўйича, ижтимоий география (кенг маънодаги социал) социал географиянинг синонимидир. Социал география - барча ижтимоий объектлар ва улар ўртасидаги социал ва географик муносабатларни қамраб олган социал географик тизимларни ўрганади.

Фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинганда, агарда инсон ва унинг турмуш тарзи, меҳнат қилиши, билим ва дам олиши, соғлиғини тиклаши, ўй-ҳаёллари, урф –одатлари билан боғлиқ ёки бир сўз билан айтганда кенг маънодаги ижтимоий воқеа-ходисалар макон ва замонда мавжуд экан, ўз навбатида уларни вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг ҳудудий қонуниятларини ўрганиш заруриятининг туғилиши табиий ва ушбу масала, фанлар мантиқига кўра, аввало география фанининг тадқиқот объекти доирасига киради, аниқроғи у билан социал географиянинг шуғулланиши мақсадга мувофиқдир (Назаров М.,Тожиева З. Ижтимоий география,2003).

Социал ёки тор маънодаги ижтимоий географиянинг Ўзбекистонда шаклланиши ва ривожланишига маҳаллий олимлар, хусусан А.С.Солиев, М.И.Назаров, З.Тожиева, Н.Комиловалар ўз хиссаларини қўшдилар. Жумладан, А.С.Солиев ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида эълон қилинган қатор рисола ва ўқув қўлланмаларида анъанавий иқтисодий географиянинг ривожланиш йўналишларини очиб берган ва шу ўринда мазкур фаннинг социаллашуви (ижтимоийлашуви)га алоҳида урғу берган. А.С.Солиев фикрича, кенг маънодаги ижтимоий география (иқтисодий ва социал география) энг аввало уч блок ёки таркибий қисмдан иборат. Биринчи блокка у иқтисодий география, яъни ишлаб чиқариш географиясини, иккинчи блокка аҳоли билан боғлиқ социал— иқтисодий географик фанларни ва, учинчи блокка эса, тор маънодаги ижтимоий география ёки аниқроғи социал географияни киритади. Шунингдек, А.С.Солиев айрим ҳолларда «социал» тушунчаси тўла «ижтимоий» тушунчасига мос келмаслиги таъкидлаб., биринчи атаманинг ҳам баъзан ишлатилишини мақсадга мувофиқ деб билади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда социал географияга бағишланган қатор ишлар амалга оширилди. А.С.Солиев раҳбарлигида М.Назаров томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муаммолари бўйича ёқланган диссертация (1996) анъанавий иқтисодий географиядан социал география томон муҳим бир қадам бўлди. Бунинг давоми сифатида кейинчалик фан, ва илмий тадқиқотлар географияси (Назарова Х.,

1997), тиббиёт географияси (Комилова Н., 1999; 2012), жиноятчилик географияси (Қаюмов А., 2006) бўйича диссертациялари ёқланди. Кейинроқ тиббиёт географиясига дахлдор яна бир нечта диссертациялар ҳимоя қилинди.

Шундай қилиб, социал география (кенг маънода) - бу география фанлари ва ижтимоий фанлар ўртасидаги интеграция жараёнларида вужудга келаётган география фанлари тизимидан иборат. Ҳозирги даврда ушбу тизимда фанларнинг уйғунлашуви (синтези) рўй бермоқда ва исоциал жтимоий географиянинг умумий назарияси тез шаклланмоқда. Демак, социал география шаклланиш босқичини бошидан кечирмоқда ва шунинг учун ҳам унинг мустақиллиги ва бир бутунлиги истиқболидан далолат беради.

Социал географиянинг мустақиллиги биринчи навбатда, мазкур фан назариясини вужудга келтирилиши билан ва иккинчидан, унинг. атрофида интеграциялашган турли фанларнинг шаклланиши билан таъминланади.

Собиқ Иттифок давридан бошлаб ижтимоий география уч асосий йўналишларда ривожланмоқда. Биринчиси, бу ушбу фаннинг ҳозирга қадар шаклланган бўлимларининг (аҳоли географияси, геодемография, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси ва ижтимоий инфраструктура) ривожланишини давом этиши. Иккинчи йўналиш янги шаклланаётган бўлимларни ўз ичига олади. Буларга тез ривожланаётган рекреация географиясини, турмуш тарзи географияси, маданият географияси ва бошқалар мансуб. Учинчиси, секинлик билан бўлсада, ижтимоий географиянинг умумий назариясини пайдо бўлиши билан боғлиқ (Назаров М.,Тожиева З. Ижтимоий география,2003).

Социал географиянинг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) социал географиянинг назарий жиҳатларини янада кучайтириш, унинг йўналишларни янада таркибиги кирувчи й «тармоқ»ларини ривожлантириш;
- 2) йирик, ўрта ва майда масштабли социал - географик тадқиқотларни олиб бориш;
- 3) социал география борасида хорижий мамлакатларда олиб боридаётган тадқиқотларни ўрганиш ва улар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- 4) социал географиянинг барча йўналишларига тегишли бўлган ўзига хос вазифаси, яъни илмий тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга тадбиқини кучайтириш.

Ҳозирги даврда социал география билан боғлиқ қуйидаги муаммолар кўзга ташланади:

- аҳолининг турмуш тарзи ва дини, ҳуқ-атвор, фан ва таълим олиши билан боғлиқ йўналишларда илмий тадқиқот ишларининг мамлакатимизда олиб борилмаётганлиги;
- тиббий - географик тадқиқотлар ва уларнинг долзарблигини етарлича баҳоланмаслиги;
- социал-географияга оид назарий ва амалий тадқиқотлар учун етарли моддий шарт-шароитларнинг мавжуд бўлмаслиги;
- жиноятчилик географиясига оид илмий тадқиқотларнинг камлиги;
- социал-географик тадқиқот ишлари билан боғлиқ статистик материалларнинг етарлича эмаслиги ва ҳ.

11- Мавзу.Тиббиёт географияси

Режа:

1. Тиббиёт географиянинг фанлар тизимида тутган ўрни. Тадқиқот объекти ва предмети. Бошқа фанлар билан алоқаси.
2. Тиббиёт географиясининг шаклланиши ва ривожланиши.
3. Тиббиёт географияси шаклланишининг тарихий асослари
4. Нозогеография. Нозогеографик тадқиқотларнинг илмий-назарий масалалари
5. Инсон саломатлигига табиий ва ижтимоий -иқтисодиймуҳитнинг таъсири
6. Турли касалликлар билан боғлиқ ўлим.
5. ОИТС/ОИВ географияси
6. Касалликларнинг дунёвий кулфатлари

Мавзу юзасидан таянч тушунчалар: *Тиббий географик тадқиқотлар. Нозогеографик мажмуалар, Нозогеография, Нозогеографик ареал, Нозогеографик ўчоқ, Нозогеографик мажмуалар.*

1. Тиббиёт географиянинг фанлар тизимида тутган ўрни. Тадқиқот объекти ва предмети. Бошқа фанлар билан алоқаси. Сўнгги йилларда замонавий география

фанлари тизимида ижтимоий соҳаларга эътибор кучаймоқда. Жумладан, ҳозирги замон фан ва техника фаолиятининг табиий муҳитга таъсирини фаоллашуви натижасида вужудга келган нохуш экологик вазият кишилар саломатлик ҳолатидаги салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Бу эса, ўз навбатида ижтимоий географиянинг ўзига хос соҳаларидан бири бўлган, аниқроғи, касалликлар ва саломатлик, аҳолининг касалланиш ва саломатлик даражаси ҳамда уларнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганувчи тиббиёт географияси олдида янгидан-янги муаммоларни қўймоқда¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тиббиёт географияси ижтимоий географиянинг кам ўрганилган соҳаларидан бири ҳисобланади. Мазкур фан, тиббиёт ҳамда география фанлари қиррасида ўзига хос «кўприк» вазифасини ўтайди (1-илова). Шу боис, унинг бошқа ижтимоий географик тармоқлардан фаркланувчи ўзига хос хусусияти табиат билан чамбарчас боғланганлигидир. Бироқ, бундай ҳолат инсон саломатлик ҳолати жараёнида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи аҳамиятини сира туширмайди.

Тиббиёт географияси - инсон саломатлиги ва турли хил касалликларнинг вужудга келишига таъсир этувчи омил ва шароитлар, уларнинг мамлакат ҳамда районларда тарқалиш қонуниятларива хусусиятларини ўрганади (Чаклин А.В., 1977). Назарий жиҳатдан тиббиёт географияси тиббиёт ва география фанларининг тегишли қисмларига асосланади. У уч таркибий қисмдан иборат бўлган кенг мазмундаги ижтимоий географиянинг социал блокидан бевосита ўрин олади (Солиев А.С., 1995).

Айни пайтда тиббиёт географияси билан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш географияси ўртасида қисман фарқ мавжуд. Масалан, агар тиббиёт географияси касалликларнинг тарқалиши, унинг омил ва сабабларини, шунингдек, инсон саломатлиги билан боғлиқ ҳудудий қонуниятларни ўрганса, аҳолига хизмат кўрсатиш географияси эса тиббий муассасаларнинг (касалхона, поликлиника, дорихона ва ҳ.к.) жойланиш масалалари билан шуғулланади¹. Шу нуқтаи назардан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари (тиббиёт, таълим, савдо, молия ва ҳ.к.) ёки сервис географиясига киради.

¹ «Тиббиёт географияси» атамаси итальян шифокори Бернардино Рамаццини (1633-1714) томонидан фанга киритилган.

¹ Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш географияси республикамизда Наманган вилояти мисолида М.И.Назаров (1996 й.) томонидан батафсил ўрганилган.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш географиясида аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларининг зичлиги, уларнинг катта-кичиклиги, аҳолининг табиий ҳаракати каби масалалар эътиборга олинади. Худди шу маънода аҳолига хизмат кўрсатиш географияси социал-иқтисодий географияга мос тушса, тиббиёт географияси эса бевосита социал география таркибига киради.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тиббиёт географияси касалликларни даволамайди, аниқламайди, ушбу фаннинг бош вазифаси касалликларнинг вужудга келтирувчи табиий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ҳудудий жиҳатларини таҳлил этиш ҳамда баҳолашдан иборатдир. Бу шароит табиий ёки ижтимоий муҳит кўринишида бўлиши мумкин. Демак, тиббиёт географияси кишиларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорлигини ҳам ўрганади. Шу маънода у экологияга, айниқса унинг ижтимоий йўналишига жуда яқин туради. Эслатиш лозимки, айнан ижтимоий экологияга оид илмий тадқиқот ишлари ривожига А.Ниғматов сингари ватанимиз олимларининг хизматлари ҳам катта.

Тиббиёт географиясининг предмети мураккаб, кўп қирралидир. Чунончи, тиббиёт географияси ҳозирда географик патология, табиий география, иқтисодий ва ижтимоий география, демография, биогеография, мамлакатшунослик, иқлимшунослик, ландшафтшунослик, тупроқшунослик, саломатлик экологияси, гельминтогеография ва бошқа географик фанлар билан чамбарчас боғланган¹. Ушбу соҳалар орасида айниқса географик патология ўз объект ва предметиға кўра тиббиёт географиясига жуда яқин туради. Географик патология тирик организмларнинг географик омиллар билан узвий боғлиқ бўлган патологик ҳолатларини ўрганувчи тиббий-биологик фандир. Географик патологиянинг предмети бу патологик жараёнлар ва уларнинг ҳолати, шунингдек, касалликлар мажмуаси ҳисобланади. Мазкур соҳа ривожига А.П.Зильбер, Е.Н.Павловский, К.И.Скрябинларнинг хизматлари катта (Прохоров Б.Б., 1999, с. 59).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур фан кўпроқ касалликларни келтириб чиқарувчи патологик ҳолатлар ва таъсирларнинг географик жиҳатларини ўрганади. У ўз ўрнида қатор махсус тиббиёт фанлари билан боғлиқ. Хусусан, улар орасида эпидемиология,

¹Саломатлик экологияси (саноекология) - ташқи муҳит омилларининг аҳоли саломатлик даражасига таъсири билан боғлиқ қонуниятларни аниқлайди; Гельминтогеография - нозогеография ҳамда гельминтологиянинг алоҳида йўналиши бўлиб, турли хил гельминтлар ва улар туфайли юзага келувчи касалликлар, уларнинг тарқалишини ўрганади. (Прохоров Б.Б., 1999).

нозоэкология, паразитология, тиббиёт статистикаси, гигиена, социал гигиена кабилар алоҳида ўрин эгаллайди².

Эслатиш лозимки, тиббиёт географияси борасидаги тадқиқотлар XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб тез ривожлана бошлади. Бунда хорижий ва собиқ Иттифок олимларининг хизматлари сезиларли бўлди. Мазкур фаннинг предмети, авваламбор, инсон саломатлиги, касалликлар ва уларнинг тарқалиш масалаларини кўпроқ тадқиқ қилиш билан белгиланган бўлса, ҳозирги кунда у янада мукаммаллашиб, жойнинг табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳисобга олган ҳолда инсон саломатлигига тегишли ҳудудий қонуниятларни илмий тадқиқ этиш билан белгиланади (Шошин А.А., 1962).

Шу билан бирга тиббиёт географиясининг предмети ҳақидаги фикрларни кўпгина хорижий олимлар асарларида ҳам учратишимиз мумкин. Жумладан, Э.Икавитц (1885): «Тиббиёт географиясининг предмети ер шарининг турли халқ ва мамлакатлари орасида саломатлик ва хасталиклар, ҳаёт ва ўлимнинг акс этишидир», деб ёзган эди (Шошин А.А., 1962). Бошқача қилиб айтганда, олим тиббиёт географиясининг предмети сифатида инсон саломатлик ҳолатини ва касалликларнинг тарқалишини ер шарининг турли ҳудудларида ўрганишни таъкидлаб ўтади.

Тиббиёт географияси билан боғлиқ масалалар собиқ Иттифок олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Масалан, тиббиёт географиясининг фан тўғрисидаги таърифини Д.К.Заболотный қуйидагича ифодалайди: «Тиббиёт географияси тиббиётнинг муайян тармоғи сифатида ер шаридаги турли касалликларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганувчи фан» (Заболотный Д.К., 1929), Е.И.Игнатьев эса «Тиббиёт географияси - географик муҳитнинг инсон жисмига таъсирини ўрганувчи географиянинг бир соҳасидир», деб кўрсатади (Игнатьев Е.И., 1962).

² Нозоэкология (касалликлар экологияси) - аҳоли орасида учрайдиган касалликлар ва уларнинг табиий ўчоқлари, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва тарқалиш қонуниятларини ўрганади. Мазкур фан объекти эпидемиология объектидан фаркли равишда нафакат зооантропонозлар, антропонозлар, эндемик касалликлар, шунингдек, онкологик ва юрак, қон-томир ҳамда бошқа патологияларни ҳам ўз ичига олади; Гигиена (юнонча-соғлом) - кишилар соғлиғига турмуш ва меҳнат шароитлари таъсирини ўрганади ҳамда касалликларни олдини олиш, яшаш учун энг қулай шароит яратиш, соғлиқни сақлаш ва узайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади; Социал гигиена - атроф муҳит, уй-жой, маиший хизмат, меҳнат шарт-шароитларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганувчи тиббиётнинг муҳим тармоғидир. Шунингдек, мазкур соҳа социал-иқтисодий омиларнинг инсон саломатлигига ижобий ва салбий таъсирини ҳам ўрганади; Тиббиёт статистикаси - аҳолининг касалланиши, ўлим ва ногиронлиги тўғрисидаги жамланган туркум маълумотлар ҳақидаги фан соҳаси. Тиббиёт статистикаси инсон экологияси ва тиббиёт географияси учун муҳим ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади (Прохоров Б.Б., 1999).

А.В.Чаклин мазкур фанга қисқача тарзда: «Тиббиёт географияси - бу саломатлик ва касалликлар географиясини ўрганувчи фандир», деб таъриф беради (Чаклин А.В., 1986.).

Тиббиёт географиясининг алоҳида фан даражасидаги ривожланишида хорижлик Гирш¹, Финке, Фукс, Боже Гарьне сингари олимлар хизматларини ҳам алоҳида кўрсатиш жоиз.

Таъкидлаш керакки, тиббиёт географияси фан сифатида турли олимлар томонидан турлича ёндашувларга сабаб бўлмоқда. Бунда айримлар, жумладан, Д.К.Заболотный тиббиёт географиясини тиббиётнинг бир соҳаси мақомида қараса, аксинча Е.Н.Павловский, Е.И.Игнатъев, Е.Л.Райх ва бошқалар унинг кўпроқ географияга тегишли эканлигини эътироф этишади. Айни вақтда, баъзи олимлар тиббиёт географиясига мустақил, алоҳида фан даражасида қарайдилар. Улар мазкур фанни гарчи тиббиёт ва география фанлари оралиғида юзага келганлигини тан олсаларда, лекин уни ўзига хос мустақил фан мақомида талқин қиладилар. Бундай олимлар қаторига А.А.Шошин, А.В.Чаклин ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, айрим олимлар тиббиёт географиясини фан сифатида ўзига хос йўналишларга эга бўлган чегаравий фан деб ҳам қарашга мойилликлари бор. Масалан, А.П.Авцыннинг фикрича, тиббиёт географияси мураккаб фан тизими бўлиб, у қатор табиий ва ижтимоий фанлардан иборат, деб таъкидланса (Авцын А.П., 1972), А.Г.Воронов уни биохимия, биофизика, биогеография фанлари сингари чегаравий фан шаклида таърифлайди (Воронов А.Г., 1981.).

А.М.Трофимов ва М.Д.Шарыгин фикрларига кўра тиббиёт географияси социал экология, тиббиёт ва аҳоли географияси билан жуда яқин алоқада. У турли хил патологик ўзгаришларнинг географик жиҳатларини табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг аҳоли касалликларига таъсири ва бу касалликларнинг ҳудудий ареалларини ўрганади (Трофимов А.М., Шарыгин М.Д., 2007, С.16).

Аҳоли саломатлик ҳолатининг юзага келишида, касалликлар ва уларнинг келиб чиқиши ҳамда тарқалишида, узок умр кўришида ҳудудий омиллар, табиий ва ижтимоий муҳит муҳим аҳамиятга эга. Яна шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугунги кунда жаҳонда

¹Тиббиёт географиясининг фан мақомида ўрганиш ғояси фақатгина XIX асрнинг охирида, аниқроғи-1884 йилда немис олими Гирш томонидан тавсия этилган эди (Чаклин А.В., 1986, с. 14.).

ижтимоий омилларнинг таъсири тобора ортиб бормоқда. Бунинг оқибатида кишилар орасида «цивилизация касалликлари» салмоғи сезиларли тарзда ортиб бормоқда ва бу ҳол ҳам касалликлар тарқалиши ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни ижтимоий география таркибида тадқиқ этишни тақозо этади.

Баъзи олимлар (Воронин В.В., Шарыгин М.Д., 2006) фикрича ҳам тиббиёт географияси сиёсий ёки хулқ-атвор географияси сингари социал географиянинг алоҳида тармоғи ҳисобланади (2-чизма). Мазкур чизма маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳақиқатдан ҳам тиббиёт географияси социал географиянинг таркибий қисмидир. Зеро, инсон саломатлиги ва касалланиш жараёнларига ижтимоий муҳит омиллари таъсир кўрсатар экан, бу масала албатта ижтимоий географик фанлар қаторига кирувчи тиббиёт географияси томонидан ўрганилади десак, хато бўлмайди. Қолаверса, аҳолининг саломатлиги, унинг касалланиши борган сари табиий омиллардан кўра ижтимоий-иқтисодий омилларга боғлиқ бўлиб бормоқда.

Собиқ Иттифоқ даврида тиббиёт географияси фани бир неча йўналишларни ўз ичига қамраб олган. Булар¹: касалликлар географияси яъни нозогеография; тиббиёт ландшафтшунослиги; тиббиёт мамлакатшунослиги; тиббиёт картографияси; табиий ва социал-иқтисодий омилларни тиббий географик жиҳатдан баҳолаш (Бяков П.В, Веселов Е.И.,1989). Ҳозирги вақтда ушбу таркибий қисм янада кенгайиб, бир неча янги йўналишларни ҳам ўз ичига қамраб олади (тиббиёт космографияси, географик патология ва б.).

Тиббиёт географиясининг асосий тадқиқот ва илмий йўналишлари борасида А.А.Шошин (1962) қуйидагиларни таъкидлаб ўтади:

- касалликларнинг вужудга келиши ва тарқалишида, аҳоли саломатлигини белгилашда унга таъсир кўрсатувчи табиий ва иқтисодий-ижтимоий омилларнинг барча элементларини тиббий географик баҳолаш;
- аҳоли саломатлик ҳолатига таъсир кўрсатувчи табиий мажмуаларни ўрганиш;
- иқтисодий районлаштиришнинг мавжуд бирликларида (халқ хўжалик мажмуалари, маъмурий-ҳудудий бирликларда) инсон касалликларининг юзага келишига сабаб

¹ Шошин А.А.(1962) фикрича тиббиёт географияси мана шу «тўрт кит»нинг устида туради.

бўлувчи ва аҳоли саломатлик ҳолатига ўз таъсирини кўрсатувчи табиий, иқтисодий ва тиббий санитар шароитларни аниқлаш;

- ҳудудларнинг келажақдаги тиббий географик ҳолатини мавжуд кўрсаткичлар асосида башорат қилиш;

- табиий ва иқтисодий-ижтимоий омилларнинг алоҳида элементларини ижобий ёки салбий таъсир кучини тасвирлаб берувчи махсус тиббий-географик карталар тузиш.

Тиббиёт географияси айрим манбаларда инсон экологияси номи билан юритилади. Лекин, ушбу соҳалар бир-бирига жуда яқин бўлишига қарамай, улар орасида ўзаро фарқ мавжуд. Инсон экологияси бу фанлараро илмий йўналишдир. У одамларнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқа таъсири қонуниятларини, бунинг натижасида аҳолининг ўсишини, муайян мақсадга йўналтирилган бошқарув муаммоларини, аҳоли саломатлигини сақлаш, Ҳомо сапиэнс турини такомиллаштириш муаммоларини тадқиқ этади (Казначеев В.П., 1983, с. 79). Тиббиёт географияси эса асосан инсон саломатлиги ва унинг касалликлари, ушбу касалликларни вужудга келтирувчи сабаб ва қонуниятларни ўрганади. Демак, тиббиёт географияси инсон экологияси ва ҳатто унинг кенг маънодаги талқинидан ҳам ўзгачароқ тушунча ҳисобланади (Комилова Н.Қ., Солиев А.С., 2005).

Тиббиёт географиясининг объекти масаласи кўпчилик олимларни қизиқтириб келаётган муаммолардан биридир. Бу ҳақдаги билимларни бир неча гуруҳларга ажратиш орқали англашимиз мумкин. Масалан, Е.Л.Райх фикрича (1989, 30-37 б.), замонавий тиббиёт географиясининг объекти ҳақидаги фикрлар уч босқичга бўлинади:

I. Биринчи, дастлабки босқичда фаннинг 1920-1930 йилларидаги ҳолати, ривожланганлик даражасига мос равишда, унинг объекти инсонга (аҳолига) ва унинг саломатлигини белгиловчи патологик жараёнларга қаратилган.

II. 1940-1950 йилларда эса тиббиёт географиясининг объекти нафақат инсонга, балки инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро алоқадорликка асосланган. Бу ҳол Д.К.Заболотный, Н.Л.Гайский, Е.Н.Павловский каби олимлар ишларида яққол намоён бўлади.

III. Навбатдаги босқич асосан 1950-1960 йиллар оралиғини ўз ичига олади. Бунда фаннинг ўрганиш объекти нафақат инсон ва табиатга, балки умуман унинг ташқи яшаш муҳити, яъни табиий, ҳўжалик, социал шароитларга ҳам қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тиббиёт географиясининг объекти 1970-1980 йилларга келиб бироз бўлсада ўз кўламини кенгайтирди, бунда фаннинг объекти юқоридаги босқичларни тўлдирган ҳолда анча мукаммаллашди. Эндиликда тиббиёт географиясининг объекти фақатгина инсон ва табиат ёки инсон ва ташқи яшаш муҳити билан чекланмайди, балки у уларнинг ўзаро ички алоқадорлиги ва бошқарувни ҳам ўз ичига қамраб олди.

Дарҳақиқат, тиббиёт географиясининг объекти даврлар ўтиши билан янада кенгайиб, мураккаблашиб бораверади. Чунки, унинг ривожига таъсир кўрсатувчи омиллар тобора янгиланиб, ўзгариб бормокда. Шунга мувофиқ ҳолда тиббиёт географияси ҳақидаги фикрлар ҳам такомиллашиб борган. Юқоридаги босқичлар таҳлили шуни кўрсатадики, дастлаб (1-босқич) биз ўрганаётган фаннинг объекти ва предмети тор бўлиб, у асосан патологик жараёнлар билан чекланган, холос. Бинобарин, бу шароитда ҳали унинг географик жиҳатлари деярли йўқ эди.

Иккинчи босқичда фаннинг ўрганиш доираси кенгайиб, у умуман география фанининг бош фалсафий масаласи бўлмиш инсон ва табиат ўртасидаги алоқадорликгача кўтарилади. Бу эса, шубҳасиз, унинг географик мазмунини бойитишдан дарак беради. Кейинги босқич эса тиббиёт географияси тўғрисидаги қарашларимизнинг янада кенгайганлигини кўрсатади; инсон саломатлигининг барча ташқи муҳит (табиий ва нотабиий) омиллари билан алоқадорлигига асосланади. Бундай ҳол айна пайтда география фанининг таркибий жиҳатдан мураккаблашуви ва ривожланиб боришига ҳам мос келади. Биз бу ерда нисбатан тор маънодаги социал география фанининг вужудга келишини назарда тутмоқдамиз.

Тиббиёт географияси предмети ва объекти ҳақидаги билимларнинг ўзгариб бориши, умуман олганда, экология тўғрисидаги дунёқарашнинг ўзгариб боришига айнан ўхшаб кетади. Чиндан ҳам экология (унинг асосчиси немис олими Геккель) дастлаб биологик, аниқроғи ҳайвонлар организмининг патологик ҳолатини белгиловчи фан сифатида талқин қилинган эди. Кейинчалик у табиат, яъни атроф-муҳит, ижтимоий муҳит билан

биргаликда, ўзаро алоқадорликда қараладиган бўлди. Бошқача қилиб айтганда, соф биологик (табiiй) мазмундаги экология аста-секин ижтимоийлашиб, ўз доирасини кенгайтириб борди. Худди шундай ўзгариш инсон экологиясида ҳам юз берди.

Маълумки, «инсон экологияси» тушунчаси даставвал америкалик олимлар, жумладан, чикаголик врач Хэрлен Берроуз томонидан таклиф этилган бўлиб, у асосан инсон организмнинг ўзаро алоқадорлигини англатади. Шундан сўнг бу фикр мазмун ва моҳиятан кенгайиб борди ва ҳатто инсон экологияси ўша даврда Ғарбий Европада инсон географиясига мувофиқ даражада эътироф этилди (Солиев А.С., 1995).

Умуман олганда, эса ушбу соҳадаги мунозаралар ҳозиргача ўз ечимини тўлалигича топгани йўқ ва бу борада янги-янги изланишлар амалга ошиши, табiiй.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ва бошқа хорижий мамлакатларнинг тиббiiй географик жиҳатдан ўрганишда муайян ҳудудларда аҳоли саломатлигига доир прогнозлар ишлаб чиқиш, касалликлар ва уларнинг тарқалишини ўзида акс эттирувчи карталар яратиш, табiiй ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг аҳоли саломатлигига таъсирини таҳлил ва ташҳис қилиш каби масалаларга эътибор бериш талаб этилади. Шу муносабат билан тиббиёт географиясининг асосий вазифалари қаторига энг аввало табiiй шароитлар мажмуининг аҳоли саломатлигига таъсир қонуниятларини ўрганиш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг вужудга келиши ҳамда тарқалишида табiiй ва ижтимоий-иқтисодий омиллар, уларнинг ролини аниқлаш киради. Шу билан бирга ер юзасининг муайян табiiй мажмуаларида, турли ҳудудларда (мамлакат, минтақа, материк, тоғ ва текислик, дарё ҳавзаларининг юқори ва қуйи қисми, чўл ва воҳа) алоҳида касалликларнинг географик тарқалиш қонуниятларини ўрганиш каби масалалар ҳам ушбу фан доирасида муҳим ўринга эга.

Бошқа фанлар сингари тиббиёт географияси ҳам ўз тадқиқотларида муайян усулларга таянган ҳолда иш олиб боради. Жумладан, табiiй географик тавсиф, картографик таҳлил, дала ва стационар тадқиқотлар, районлаштириш, социал-демографик мазмундаги анкета сўровларини қўллаш ушбу йўналишдаги тадқиқотларни олиб боришда катта аҳамиятга эга. Юқоридагилар қаторида баъзи бир умумий усуллардан ҳам кенг фойдаланилади. Чунончи, тизим-таркиб, статистик, математик моделлаштириш, тарихий, таққослаш усуллари бу борада самарали натижалар беради.

Замонавий тиббий географик тадқиқотлар аҳолининг саломатлик ҳолати (касалланиш) ва уни географик омиллар билан ўзаро алоқаси, боғлиқлиги, оқибатлари ва уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш билан белгиланади. Бунда айниқса ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ҳал қилувчи ролини эътиборга олмасдан бўлмайди.

Тиббиёт географиясида ҳам анъанавий районлаштириш усулининг аҳамияти катта. Тиббий географик районлаштириш мажмуавий тиббий географик тадқиқотларнинг муҳим натижасидир.

Тиббий географик районлаштиришда даставвал нозогеографик ўчоғлар ва ареаллар аниқланади. Бинобарин, тиббий географик районлаштиришнинг асосий токсономик бирликлари нозогеографик ўчоқ, нозогеографик ареал ва районлардан таркиб топади.

Нозогеографик ўчоқ -у ёки бу касалликнинг вужудга келган (вужудга келтирган) жойидир. Табиий географик нуқтаи назардан уни Е.Н.Павловскийнинг юқумли-паразитар касалликларнинг табиий ўчоқлари хусусидаги ғоясига мос келади. Иқтисодий ва ижтимоий географияда эса улар маълум аҳоли манзилгоҳи, саноат корхона ва марказлари бўлиши мумкин.

Нозогеографик ареал муайян касалликнинг бевосита тарқалиши ёки шу касаллик мавжуд бўлган ҳудуд ҳисобланиб, у нозогеографик район асосини ташкил этади. Эпидемиологик жиҳатдан ёндашилганда бу жараён географик диффузия қонуниятларига ўхшаб кетади. Умуман олганда эса нозогеографик ареаллар фақатгина юқумли касалликларга тааллуқли бўлмасдан, у барча касалликларнинг ҳудудий таркибини ҳам англатади.

Тиббий географик тадқиқотлар натижасида тематик карталар мажмуасини яратса бўлади. Бундай карталар Россия Федерацияси Фанлар Академиясининг География институтида, ЎзР ФА География бўлимида тузилган.

Аҳоли жойлашувини унинг саломатлиги нуқтаи назардан районлаштиришда ажратилган ҳудудлар бир-биридан турли хил касалликларнинг тарқалиш хусусиятлари билан ўзаро фарқланади. Шу жиҳатдан қаралганда, тиббиёт географиясининг назарий ва услубий асоси сифатида ижтимоий географиянинг муҳим соҳаси аҳоли географияси хизмат қилади. Бундан ташқари, у саноат ва қишлоқ хўжалик географияси, табиий

географиянинг кўпгина йўналишлари, айниқса ландшафтшунослик билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Демак, тиббиёт географиясидаги илмий тадқиқотлар ўз мазмун-моҳиятига кўра тўлиқ маънодаги комплекс тадқиқотлар ҳисобланади.

Тиббиёт географиясини ўрганишда, бошқа географик тадқиқотларда бўлганидек, мажмуавий, яъни комплекс ёндашув ҳам катта аҳамият касб этади. Бунда икки хил маъно назарда тутилади: биринчидан тадқиқот объектини комплекс, атрофлича, ўзаро алоқадорликда ўрганиш бўлса, иккинчидан, тадқиқот жараёнида уни синтез қилиш асосида объектив борликда мавжуд бўладиган ҳудудий мажмуаларни аниқлашдан иборатдир. Бу айниқса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасига кўпроқ тааллуқлидир.

3.2. Тиббиёт географияси шаклланишининг тарихий асослари

Инсоният тарихи кўплаб минг йилликларни ўз ичига қамраб олган. Зеро, унинг илк босқичларидаёқ соғлиқни сақлаш ва муҳофаза қилишнинг дастлабки ғоялари вужудга келди. Қадимги Миср, Хитой, Ўрта Осиё ва Грецияда эрамиздан аввалги бир неча минг йиллар илгари ташқи муҳитнинг инсон организмига таъсири хусусида бир қанча асарлар ёзилди. Кейинчалик география ва тиббиёт соҳалари орасида уларни боғловчи янги фан соҳаси— инсон саломатлиги ва касалликлари географияси яъни тиббиёт географияси шаклланди.

Тиббиёт географияси тарихига назар ташлар эканмиз, унинг илдизлари олис ўтмиш сари бизни етаклайди. Шу боис фан тарихини чуқурроқ англаш мақсадида уни бир неча қисмларга бўлиб ўрганишни ўринли деб топдик.

1. Дастлабки босқич антик давр бўлиб, бу вақтда ёзилган асарлар ҳам айнан мазкур даврга мос ҳолатдадир. Шу ўринда эслатмоқ жоизки, тиббиёт географиясининг илк асослари эрамиздан аввалги минг йилликларда ёзилган манбаларга бориб тақалади.

Қадимги Ҳиндистонда яратилган илк тиббиётга оид асар бу «Аюр Веда»лар (Ҳаётни билиш) ҳисобланади. Унда касалликни келтириб чиқарувчи асосий манбалар биринчи ўринда иқлим ва об-ҳавонинг ўзгариши, инсонларнинг яшаш жойи, оғир жисмоний меҳнат, овқат режимининг бузилиши деб кўрсатилган (Қодиров А.А., 1993).

Ташқи муҳитнинг инсон организмига таъсири ҳақида эр. ав. IX-VI асрларда қадимги Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги ҳудудларда кенг тарқалган зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби ҳисобланган «Авесто»да зарурий фикрлар ёритиб берилган. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида «Авесто» ва ундаги табобат ҳамда соғлиқни сақлаш тадбирларига оид кўплаб маълумотлар кўрсатиб ўтилган (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002). Ушбу муқаддас китобда инсон ўз саломатлигини қандай асрашлиги, гигиена, руҳий ва тана поклиги ҳақида фикрлар берилган. Шу билан бирга, асарда ер, ҳаво ва сув эъзозланиб, касалликларнинг тарқалиши ҳамда уларни олдини олишга доир нодир фикрлар ҳам битилган.

Тиббий географик билимларнинг шаклланишида қадимги юнон олимларининг ўрни катта. Жумладан, Гомернинг «Илиада» достонида икки афсонавий Юнон табиблари ҳақида фикр юритилган. Корнелий Целц ўзининг тиббиёт тўғрисидаги асарида «қадимги тиббиётни уч қисмга ажратган эди: бири-ҳаёт тарзи билан даъволайди; иккинчиси дори-дармон билан; учинчиси эса жарроҳлик йўли билан», деган эди (Чаклин А.В., 1977).

Жаҳон тиббиётида ўчмас из қолдирган машҳур юнон олими Гиппократ (эр.ав. 460-377) ҳам инсон саломатлигини белгилашда ташқи муҳит таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтган. Гиппократ табиб ва сайёҳ эди, яъни у кўп саёҳат қилар, турли мамлакатларда бўлар экан, у ўша ерлардаги одамларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари, давлатларнинг иқлими, суви, ҳавоси ва бошқа табиий шароитларини инсон касалликларига таъсирини ўрганар эди. Гиппократ ҳар хил географик зоналарда турлича одамлар яшашларини кўрди, уларнинг ўз тана тузилишлари, характер хусусиятлари билан фарқ қилишларини аниқлади (Қодиров А.А., 1993).

Олим бу ҳақда шундай деган эди: «Одам организмнинг табиатини ташқи муҳит белгилайди. Жамият эса ўз қонун-қоидалари билан одам табиатини ўзгартириши мумкин». Бундан шуни таъкидлаш мумкинки, Гиппократ инсон организмига ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳам яхши англаган.

Гиппократ томонидан «Гиппократ тўплами», «Ҳаволар, сувлар ва жойлар», «Тиббий қасам», «Эпидемиялар», «Қонун» сингари кўплаб асарлар ёзилган. Айниқса олимнинг

«Ҳаволар, сувлар ва жойлар» номли китоби тиббиёт географиясига оид дастлабки асар бўлиб, у эрамиздан аввалги 424 йилда яратилган (Прохоров Б.Б., 1999, с. 146).

Тиббий географик билимлар ривожининг илк даврида айнан шу соҳа номи билан аталган асарлар, илмий мулоҳазалар мавжуд бўлмасада, бироқ улар ўз мазмун-моҳияти билан тиббий географик билимларнинг илк наъмуналаридир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Гиппократ, нафақат тиббиётнинг, қолаверса, тиббиёт географиясининг ҳам асосчисидир. Чунки, олим томонидан яратилган асарлар бу соҳадаги дастлабки, шу билан бирга ниҳоятда муҳим манбалар саналади.

2. Тиббиёт географияси тарихининг иккинчи босқичи эрамизнинг И-ХВ асрларини ўз ичига олади. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудида яшаб ўтган кўпгина файласуф олимлар асарларида тиббиёт географиясига оид билимлар кенг ёритилган.

Абу Али ибн Сино касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда ва даволашда ташқи шароитнинг (иқлим, об-ҳаво, турар-жой, овқатланиш ва х.к.) таъсирига алоҳида эътибор қаратган эди. У баъзи касалликларни даволаш учун иқлимни ўзгартириш зарурлигини, денгизларда саёҳат қилиш, мусаффо ҳаволи жойларга боришни тавсия қилган (Абу Али ибн Сино, 1994).

Ўрта Осиё ҳудудида яшаб ижод қилган машҳур табиблар, жумладан, Абу Бакр Ар-Розий асарларида кишиларда учрайдиган касалликларнинг аксарият қисми унинг яшаш жойи билан боғлиқлиги қайд этилган. У ҳатто касалхоналар қурилишида жойнинг иқлими, жойлашган ўрни каби жиҳатларга эътибор бериш зарурлигини таъкидлаган (Абу Бакр Ар-Розий, 1994).

Шарофуддин Айлоқий, Нажибуддин Самарқандий, Исмоил Журжоний, Султон Али Хуросоний, Мансур Ибн Маҳмуд, сингари олимлар асарларида ҳам шунга ўхшаш тиббий географик маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, бундай фикрлар ватандошимиз Абу Райҳон Беруний томонидан ҳам илгари сурилган эди. Унинг ёзишича, «Одамлар тузилишларининг ранги, сурати, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, кишилар яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир» (Абу Райҳон Беруний, 1993).

3. Тиббиёт географияси ривожининг навбатдаги босқичи XV асрдан то XX асрнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Бу даврда тиббий географик тадқиқотлар айниқса Россия, Германия, Франция ва АҚШда яхши йўлга қўйилди. Бундай тадқиқот ишлари Россияда XVIII асрдаёқ вужудга келган эди. Ушбу ишлар Пётр I фармони билан минерал сувлар, доривор ўсимликлар ва фойдали ҳамда заҳарли ҳайвонлар тўғрисида маълумотларни тўплашга қаратилган. Илк тиббий географик ахборотлар рус олимлари В.Н.Татищев, В.В.Ломоносов, С.П.Крашенинников ишларида ёритиб берилган. Улар иқлим, ўсимликлар, туб аҳолининг урф-одатлари, мазкур даврда ўлкада кенг тарқалган касалликлар ҳақида маълумотлар тўплади.

Тиббий географик билимларнинг шаклланишида ҳарбий врач П.З.Кондоиди (1710-1760) нинг хизматлари катта. У кўплаб ҳарбий саёҳатларда бўлиб, аскарларни саломатлик ҳолати турли жойларда ҳар хил бўлишини, ҳудудларнинг табиий шарт-шароитларини уларнинг ҳаётий фаолиятларига таъсирини аниқлади, ҳудудларни топографик жиҳатдан баҳолади. Бу даврда Россия ва Эрон ўртасидаги муҳим савдо йўлида жойлашган «Кизляр» қалъасида касалланиш ва ўлим ниҳоятда ортиб бораётган эди. Кондоиди ушбу қалъада вужудга келган касалликлар сабаблари инструкциясини ишлаб чиқди ва бу тиббиёт географияси тарихидаги биринчи ёзма дастур эди. Бундан анча кейинроқ «Кизляр» қалъасига келган врач В.Я.Гевитт ушбу инструкцияни батафсил ўрганиб чиқди. Аскарларнинг социал шарт-шароитлари, хизмат ва яшаш тарзи ҳақида зарурий маълумотларни қўлга киритди ва Кондоидини биринчи тиббий-топограф сифатида эътироф этди (Бяков П., Веселов Е., 1989, С. 18-19).

Дастлабки тиббий географик ишлардан бири 1792-1795 йилларда ёзилган Финкенинг «Опыт общей медико-практической географии» номли асаридир (Бяков П., Веселов Е., 1989, С. 24-26). Худди шу йили (1792 йил) тиббиёт географияси хусусидаги яна бир асар Финснинг «Обобщение всеобщей медицинской практической географии» номли асари чоп этилди. Ҳар иккала асарларда ҳам тиббиёт географияси инсон жисмига жойнинг таъсирини ўрганувчи фан сифатида қаралади (Чаклин А.В., 1977.). Демак, бу ерда ҳам ўзига хос детерминистик ёндашув бор.

XIX асрда жаҳонда аҳоли касалликларини ифодаловчи бир қанча атласлар яратилди. 1856 йилда инглиз тилида нашр этилган Сонстоннинг махсус атласида жаҳонда кенг

тарқалган касалликларнинг дастлабки хариталари чоп этилди. Шунингдек, 1880 йилда Ломбардо тамонидан нашр қилинган атласда ҳам иқлим таъсирида касалликларнинг тақсимланиш хариталари намоёниш этилди.

1856 йилда немис эпидемиологи ва гигиенисти Гирш ўзининг географик патология борасидаги мақоласини ёзди. У 1861, 1862 ва 1884 йилларда уч жилдни ташкил этган «Географик патология» номли асарини яратди. Шу ўринда айтиш лозимки, тиббиёт географиясининг фан сифатида шаклланиши, ушбу иборанинг ишлатилиши ҳам айнан шу олим номи билан чамбарчас боғлиқ.

ХVIII аср охири XIX асрда тиббий географик тадқиқотлардан бош мақсад жаҳон миқёсида кенг тарқалган ўлат, вабо сингари эпидемияларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Бу даврда тиббиёт географияси катта ютуқларга эришди. Масалан, рус ҳарбий врачлари М.Мудров, Р.Четыркин, И.Энегольм кабилар турли географик зоналардаги ҳарбий хизматчилар ва улар организмларига таъсир этувчи омилларни ўрганди. 1845 йилда Россия География жамияти таркибида икки машҳур тиббиёт олимлари: В.И.Даль ва К.М.Бэр фаолият кўрсатдилар. 1830-1845 йилларда тиббиёт-жарроҳлик академияларида тиббиёт географияси ўргатила бошланди. Аср охирига келиб тиббиёт географияси тиббиёт ва географиядан ажралиб чиққан алоҳида мустақил фан сифатида шаклланди. Ушбу фаннинг назарий масалаларини ёритишда С.П.Ловцов, Э. Х.Икавитц ва Н.И.Торопов сингари олимларнинг хизматлари катта бўлди (Шошин А.А., 1964).

4. XX аср бошларида тиббий тадқиқот ишлари сезиларли тарзда ўзгарди. Чунки, бактериология, гигиена, статистика соҳаларининг юзага келиши мазкур соҳа тараққиётида ҳам туб бурилиш ясади. Америкалик олимлар Лайт (1944), кейинчалик Мей (1950), япон олимларидан Масако (1956), мексикалик олим Саэнс де ля Кальсада (1956) сингари олимлар фан ривожига ўз улушларини қўшдилар. Шунингдек, жаҳон тиббиёт географиясининг назарий ва амалий масалаларининг ёритилишида чет эл олимларидан Ратцель, Стэмпл, Божё-Гарнье ва бошқа кўпгина олимларнинг хизматлари ҳам катта бўлди (Прохоров Б.Б., 2002).

1950-1960 йилларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида тиббиёт географиясининг асосий тармоқларидан бири бўлган нозогеография яъни касалликлар географияси

борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Чунончи, 1954 йилда Вашингтонда бўлиб ўтган География жамияти Халқаро анжумани саратон касаллиги, унинг келиб чиқиш сабаблари ва географиясига бағишланди (Чаклин А.В., 1989. С. 121-125). 1963 йилда Миланда бўлиб ўтган Халқаро анжуманда лейкоз касаллиги, 1966 йилда эса инфаркт-миокард касаллигининг ер шарининг кўплаб мамлакатларида кўпайиб бораётганлиги сабаблари муҳокама этилди. Хуллас, Халқаро География Иттифоқининг Патология бўлими ушбу йилларда бир қанча касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва халқаро миқёсдаги ҳолатини ўрганиб, аниқ фикрлар берди.

Россияда ҳам бу даврда катта ишлар амалга оширилди. 1954 йил собиқ СССР География жамияти қошида тиббиёт географияси комиссияси ташкил топди. Академик Е.Н.Павловский таклифи билан унинг таркибига кўплаб иқлимшунослар, шифокорлар, тупрокшунослар, курортолог ва бошқа мутахассислар жалб қилинди (1957 йилдан бошлаб шу комиссия қошида «Медицинская география» рефератив журнали чиқарила бошлаган). Кейинчалик у (1963) тиббиёт географияси бўлимига айланди ва уни 23 йил мобайнида таниқли рус тиббий географи А.А.Шошин бошқарди.

Кўпгина олимлар (Г.А.Попов, Е.Н.Павловский, А.В.Чаклин, Е.Н.Рижиков) бу вақтда айрим касалликларнинг географик тарқалишини аниқласалар, баъзилари (Е.И.Игнатьев, В.П.Бяков, В.А.Никонов) табиий зоналар ва ландшафтлар, уларнинг инсон саломатлигига таъсирини ўргандилар, яна айримлари эса (А.А.Шошин, А.А.Келлер, Б.В.Вершинский) тиббиёт картографияси устида иш олиб бордилар. 1959 йилда мазкур комиссия бир қанча илмий тўпламлар нашр этди.

1960-1970 йилларда собиқ Иттифокда тиббиёт географияси соҳасида бир неча илмий марказлар тадқиқотлар олиб борди. Булар орасида айниқса:

-География жамиятининг Москва филиали (А.Д.Лебедев, В.Я.Подольн, А.П.Авцын, А.Г.Воронов, Е.Л.Райх, А.В.Чаклин ва бошқ);

-Томск илмий маркази (бу ерда машҳур иқлимшунос В.И.Русанов бошчилигида тадқиқотлар олиб борилди);

-Иркутскда эса Е.И.Игнатьев бошчилигида Б.Б.Прохоров, Б.В.Вершинский, С.П.Буслов сингари йирик тиббий географлар фаолият кўрсатдилар.

1962 йилда А.А.Келлер тиббий географик районлаштиришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқди ва мазкур тамойиллар асосида бир қанча минтақалар тиббий географик жиҳатдан районлаштирилди. Жумладан, Б.Б.Прохоров томонидан БАМ (Байкал-Амур магистрали) нинг таъсир минтақаси 29 тиббий географик районга ажратилди (Прохоров Б.Б., 1979).

Тиббиёт географиясининг ривожиди В.Н.Беклемишевнинг хизматлари катта бўлди. Унинг ишлари безгак касаллигининг эпидемиологик ўчоқларини аниқлашга қаратилган эди. Олим касаллик қўзғатувчиларнинг ареалларини аниқлаб, фанга янги «псевдо» ўчоқ, яъни сохта ўчоқ тушунчасини киритди (Прохоров Б.Б., 1999).

1980-1983 йилларда В.Я.Подольн, В.П.Бяков, А.А.Келлер ва бошқалар томонидан тиббиёт географиясининг усул ва илмий йўналишлари устида тадқиқотлар олиб боришди. Улар тиббиёт географиясининг эпидемиология, паразитология, географик патология, гигиена, экология, иқлимшунослик, ландшафтшунослик ва аҳоли географияси сингари фан соҳалари билан узвий алоқадорлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, собиқ Иттифокнинг кўпгина университетларида, жумладан, Қозоғистонда Н.И.Кереев, Қирғизистонда Б.И.Хўжамбердиев сингари олимлар тиббиёт географияси бўйича тадқиқотлар олиб борган.

5. 1990 йилдан кейинги даврда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида халқаро миқёсда кун сайин ортиб бораётган касалликлар (саратон, лайма, парранда гриппи, шизофрения, ўткир пневмония) устида фаолият олиб борилмоқда. Бу борада айниқса Россия тиббий географлари (Б.Б.Прохоров, А.Г.Вишневский, С.А.Куролап, А.С.Мартынов, В.С.Тикунов) ишлари таҳсинга лойиқ.

Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистонда тиббиёт географияси соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар кўламини кенг деб бўлмайди. Шундай бўлсада, ҳозирги вақтда мазкур соҳани ривожлантириш борасида маҳаллий олимларимиз ҳам изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институтининг курорт

ресурсларини ўрганиш ва ҳимоя қилиш бўлими ходимлари олиб бораётган тадқиқотлар бунга яққол мисолдир.

Тиббиёт географиясига яқин соҳада, инсон саломатлиги билан боғлиқ масалаларни аниқлашда ва ҳал этишда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида фаолият олиб бораётган «Саломатлик ва тиббий статистика» институти ходимларининг ҳам хизматлари салмоқли. Айни пайтда тиббиёт географиясининг муҳим тармоқларидан бири бўлган тиббий географик хариталаштириш соҳасида Ш.М.Мухиддиновнинг олиб борган тадқиқотлари ҳам таҳсинга лойиқ. Шу билан бирга, айнан тиббиёт географияси доирасида бўлмасада, бевосита мазкур фан йўналишига яқин, яъни аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида М.И.Назаров томонидан ҳам тадқиқот иши олиб борилган. Аммо, шунга ўхшаш илмий ишлар республикамиз миқёсида анчагина бўлсада, мамлакатимиз ҳудудини тиббий географик жиҳатдан ўрганилганлик даражаси бошқа мамлакат ва минтақаларга нисбатан орқада. Шу сабабли мазкур фан тармоғини янада ривожлантириш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир¹.

1.2. Тиббиёт географияси шаклланишининг тарихий асослари

Инсоният тарихи кўплаб минг йилликларни ўз ичига қамраб олган. Зеро, унинг илк босқичларидаёқ соғлиқни сақлаш ва муҳофаза қилишнинг дастлабки ғоялари вужудга келди. Қадимги Миср, Хитой, Ўрта Осиё ва Грецияда эрамиздан аввалги бир неча минг йиллар илгари ташқи муҳитнинг инсон организмига таъсири хусусида бир қанча асарлар ёзилди. Кейинчалик география ва тиббиёт соҳалари орасида уларни боғловчи янги фан соҳаси— инсон саломатлиги ва касалликлари географияси яъни тиббиёт географияси шаклланди.

¹Сўнгги йилларда ушбу мавзу билан боғлиқ илмий тадқиқотлар кўлами биров кенгайди. Масалан, Х.Т.Турсунов ўзининг номзодлик диссертациясида (1994й.) Тошкент шаҳри экологияси муаммолари доирасида аҳолининг касалланиши масалаларини ўрганган. Шунингдек, И.Р.Турдымамбетов (2005 й) томонидан олиб борилган илмий изланишлар ҳам айнан аҳоли саломатлигининг географик жиҳатларига бағишланган.

Тиббиёт географияси тарихига назар ташлар эканмиз, унинг илдизлари олис ўтмиш сари бизни етаклайди. Шу боис фан тарихини чуқурроқ англаш мақсадида уни бир неча қисмларга бўлиб ўрганишни ўринли деб топдик.

1. Дастлабки босқич антик давр бўлиб, бу вақтда ёзилган асарлар ҳам айнан мазкур даврга мос ҳолатдадир. Шу ўринда эслатмоқ жоизки, тиббиёт географиясининг илк асослари эрамиздан аввалги минг йилликларда ёзилган манбаларга бориб тақалади.

Қадимги Ҳиндистонда яратилган илк тиббиётга оид асар бу «Аюр Веда»лар (Ҳаётни билиш) ҳисобланади. Унда касалликни келтириб чиқарувчи асосий манбалар биринчи ўринда иқлим ва об-ҳавонинг ўзгариши, инсонларнинг яшаш жойи, оғир жисмоний меҳнат, овқат режимининг бузилиши деб кўрсатилган (Қодиров А.А., 1993).

Ташқи муҳитнинг инсон организмига таъсири ҳақида эр. ав. IX-VI асрларда қадимги Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги ҳудудларда кенг тарқалган зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби ҳисобланган «Авесто»да зарурий фикрлар ёритиб берилган. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида «Авесто» ва ундаги табобат ҳамда соғлиқни сақлаш тадбирларига оид кўплаб маълумотлар кўрсатиб ўтилган (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002). Ушбу муқаддас китобда инсон ўз саломатлигини қандай асрашлиги, гигиена, руҳий ва тана поклиги ҳақида фикрлар берилган. Шу билан бирга, асарда ер, ҳаво ва сув эъзозланиб, касалликларнинг тарқалиши ҳамда уларни олдини олишга доир нодир фикрлар ҳам битилган.

Тиббий географик билимларнинг шаклланишида қадимги юнон олимларининг ўрни катта. Жумладан, Гомернинг «Илиада» достонида икки афсонавий Юнон табиблари ҳақида фикр юритилган. Корнелий Целс ўзининг тиббиёт тўғрисидаги асарида «қадимги тиббиётни уч қисмга ажратган эди: бири-ҳаёт тарзи билан даъволайди; иккинчиси дори-дармон билан; учинчиси эса жарроҳлик йўли билан», деган эди (Чаклин А.В., 1977).

Жаҳон тиббиётида ўчмас из қолдирган машҳур юнон олими Гиппократ (эр.ав. 460-377) ҳам инсон саломатлигини белгилашда ташқи муҳит таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтган. Гиппократ табиб ва сайёҳ эди, яъни у кўп саёҳат қилар, турли мамлакатларда

бўлар экан, у ўша ерлардаги одамларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари, давлатларнинг иқлими, суви, ҳавоси ва бошқа табиий шароитларини инсон касалликларига таъсирини ўрганар эди. Гиппократ ҳар хил географик зоналарда турлича одамлар яшашларини кўрди, уларнинг ўз тана тузилишлари, характер хусусиятлари билан фарқ қилишларини аниқлади (Қодиров А.А., 1993).

Олим бу ҳақда шундай деган эди: «Одам организмнинг табиатини ташқи муҳит белгилайди. Жамият эса ўз қонун-қоидалари билан одам табиатини ўзгартириши мумкин». Бундан шуни таъкидлаш мумкинки, Гиппократ инсон организмга ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳам яхши англаган.

Гиппократ томонидан «Гиппократ тўплами», «Ҳаволар, сувлар ва жойлар», «Тиббий қасам», «Эпидемиялар», «Қонун» сингари кўплаб асарлар ёзилган. Айниқса олимнинг «Ҳаволар, сувлар ва жойлар» номли китоби тиббиёт географиясига оид дастлабки асар бўлиб, у эрамыздан аввалги 424 йилда яратилган (Прохоров Б.Б., 1999, с. 146).

Тиббий географик билимлар ривожининг илк даврида айнан шу соҳа номи билан аталган асарлар, илмий мулоҳазалар мавжуд бўлмасада, бироқ улар ўз мазмун-моҳияти билан тиббий географик билимларнинг илк наъмуналаридир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Гиппократ, нафақат тиббиётнинг, қолаверса, тиббиёт географиясининг ҳам асосчисидир. Чунки, олим томонидан яратилган асарлар бу соҳадаги дастлабки, шу билан бирга ниҳоятда муҳим манбалар саналади.

2. Тиббиёт географияси тарихининг иккинчи босқичи эрамызнинг I-XV асрларини ўз ичига олади. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудида яшаб ўтган кўпгина файласуф олимлар асарларида тиббиёт географиясига оид билимлар кенг ёритилган.

Абу Али ибн Сино касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда ва даволашда ташқи шароитнинг (иқлим, об-ҳаво, турар-жой, овқатланиш ва х.к.) таъсирига алоҳида эътибор қаратган эди. У баъзи касалликларни даволаш учун иқлимни ўзгартириш зарурлигини, денгизларда саёҳат қилиш, мусаффо ҳаволи жойларга боришни тавсия қилган (Абу Али ибн Сино, 1994).

Ўрта Осиё ҳудудида яшаб ижод қилган машҳур табиблар, жумладан, Абу Бакр Ар-Розий асарларида кишиларда учрайдиган касалликларнинг аксарият қисми унинг яшаш

жойи билан боғлиқлиги қайд этилган. У ҳатто касалхоналар қурилишида жойнинг иқлими, жойлашган ўрни каби жиҳатларга эътибор бериш зарурлигини таъкидлаган (Абу Бакр Ар-Розий, 1994).

Шарофуддин Айлоқий, Нажибуддин Самарқандий, Исмоил Журжоний, Султон Али Хуросоний, Мансур Ибн Маҳмуд, сингари олимлар асарларида ҳам шунга ўхшаш тиббий географик маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, бундай фикрлар ватандошимиз Абу Райҳон Беруний томонидан ҳам илгари сурилган эди. Унинг ёзишича, «Одамлар тузилишларининг ранги, сурати, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг, кишилар яшайдиган жойларнинг турличалигидан ҳамдир» (Абу Райҳон Беруний, 1993).

3. Тиббиёт географияси ривожининг навбатдаги босқичи XV асрдан то XX асрнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Бу даврда тиббий географик тадқиқотлар айниқса Россия, Германия, Франция ва АҚШда яхши йўлга қўйилди. Бундай тадқиқот ишлари Россияда XVIII асрдаёқ вужудга келган эди. Ушбу ишлар Пётр I фармони билан минерал сувлар, доривор ўсимликлар ва фойдали ҳамда заҳарли ҳайвонлар тўғрисида маълумотларни тўплашга қаратилган. Илк тиббий географик ахборотлар рус олимлари В.Н.Татищев, В.В.Ломоносов, С.П.Крашенинников ишларида ёритиб берилган. Улар иқлим, ўсимликлар, туб аҳолининг урф-одатлари, мазкур даврда ўлкада кенг тарқалган касалликлар ҳақида маълумотлар тўплади.

Тиббий географик билимларнинг шаклланишида ҳарбий врач П.З.Кондоиди (1710-1760) нинг хизматлари катта. У кўплаб ҳарбий саёҳатларда бўлиб, аскарларни саломатлик ҳолати турли жойларда ҳар хил бўлишини, ҳудудларнинг табиий шарт-шароитларини уларнинг ҳаётий фаолиятларига таъсирини аниқлади, ҳудудларни топографик жиҳатдан баҳолади. Бу даврда Россия ва Эрон ўртасидаги муҳим савдо йўлида жойлашган «Кизляр» қалъасида касалланиш ва ўлим ниҳоятда ортиб бораётган эди. Кондоиди ушбу қалъада вужудга келган касалликлар сабаблари инструкциясини ишлаб чиқди ва бу тиббиёт географияси тарихидаги биринчи ёзма дастур эди. Бундан анча кейинроқ «Кизляр» қалъасига келган врач В.Я.Гевитт ушбу инструкцияни батафсил ўрганиб чиқди. Аскарларнинг социал шарт-шароитлари, хизмат ва яшаш тарзи ҳақида зарурий

маълумотларни қўлга киритди ва Кондоидини биринчи тиббий-топограф сифатида эътироф этди (Бяков П., Веселов Е., 1989, С. 18-19).

Дастлабки тиббий географик ишлардан бири 1792-1795 йилларда ёзилган Финкенинг «Опыт общей медико-практической географии» номли асаридир (Бяков П., Веселов Е., 1989, С. 24-26). Худди шу йили (1792 йил) тиббиёт географияси хусусидаги яна бир асар Финснинг «Обобщение всеобщей медицинской практической географии» номли асари чоп этилди. Ҳар иккала асарларда ҳам тиббиёт географияси инсон жисмига жойнинг таъсирини ўрганувчи фан сифатида қаралади (Чаклин А.В., 1977.). Демак, бу ерда ҳам ўзига хос детерминистик ёндашув бор.

XIX асрда жаҳонда аҳоли касалликларини ифодаловчи бир қанча атласлар яратилди. 1856 йилда инглиз тилида нашр этилган Сонстоннинг махсус атласида жаҳонда кенг тарқалган касалликларнинг дастлабки хариталари чоп этилди. Шунингдек, 1880 йилда Ломбардо тамонидан нашр қилинган атласда ҳам иқлим таъсирида касалликларнинг тақсимланиш хариталари намоёниш этилди.

1856 йилда немис эпидемиологи ва гигиенисти Гирш ўзининг географик патология борасидаги мақоласини ёзди. У 1861, 1862 ва 1884 йилларда уч жилдни ташкил этган «Географик патология» номли асарини яратди. Шу ўринда айтиш лозимки, тиббиёт географиясининг фан сифатида шаклланиши, ушбу иборанинг ишлатилиши ҳам айнан шу олим номи билан чамбарчас боғлиқ.

XVIII аср охири XIX асрда тиббий географик тадқиқотлардан бош мақсад жаҳон миқёсида кенг тарқалган ўлат, вабо сингари эпидемияларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Бу даврда тиббиёт географияси катта ютуқларга эришди. Масалан, рус ҳарбий врачлари М.Мудров, Р.Четыркин, И.Энегольм кабилар турли географик зоналардаги ҳарбий хизматчилар ва улар организмларига таъсир этувчи омилларни ўрганди. 1845 йилда Россия География жамияти таркибида икки машҳур тиббиёт олимлари: В.И.Даль ва К.М.Бэр фаолият кўрсатдилар. 1830-1845 йилларда тиббиёт-жарроҳлик академияларида тиббиёт географияси ўргатила бошланди. Аср охирига келиб тиббиёт географияси тиббиёт ва географиядан ажралиб чиққан алоҳида мустақил фан сифатида шаклланди. Ушбу фаннинг назарий

масалаларини ёритишда С.П.Ловцов, Э. Х.Икавитц ва Н.И.Торопов сингари олимларнинг хизматлари катта бўлди (Шошин А.А., 1964).

4. XX аср бошларида тиббий тадқиқот ишлари сезиларли тарзда ўзгарди. Чунки, бактериология, гигиена, статистика соҳаларининг юзага келиши мазкур соҳа тараққиётида ҳам туб бурилиш ясади. Америкалик олимлар Лайт (1944), кейинчалик Мей (1950), япон олимларидан Масако (1956), мексикалик олим Саэнс де ля Кальсада (1956) сингари олимлар фан ривожига ўз улушларини қўшдилар. Шунингдек, жаҳон тиббиёт географиясининг назарий ва амалий масалаларининг ёритилишида чет эл олимларидан Ратцель, Стэмпл, Божё-Гарнье ва бошқа кўпгина олимларнинг хизматлари ҳам катта бўлди (Прохоров Б.Б., 2002).

1950-1960 йилларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида тиббиёт географиясининг асосий тармоқларидан бири бўлган нозогеография яъни касалликлар географияси борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Чунончи, 1954 йилда Вашингтонда бўлиб ўтган География жамияти Халқаро анжумани саратон касаллиги, унинг келиб чиқиш сабаблари ва географиясига бағишланди (Чаклин А.В., 1989. С. 121-125). 1963 йилда Миланда бўлиб ўтган Халқаро анжуманда лейкоз касаллиги, 1966 йилда эса инфаркт-миокард касаллигининг ер шарининг кўплаб мамлакатларида кўпайиб бораётганлиги сабаблари муҳокама этилди. Хуллас, Халқаро География Иттифоқининг Патология бўлими ушбу йилларда бир қанча касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва халқаро миқёсдаги ҳолатини ўрганиб, аниқ фикрлар берди.

Россияда ҳам бу даврда катта ишлар амалга оширилди. 1954 йил собиқ СССР География жамияти қошида тиббиёт географияси комиссияси ташкил топди. Академик Е.Н.Павловский таклифи билан унинг таркибига кўплаб иқлимшунослар, шифокорлар, тупроқшунослар, курортолог ва бошқа мутахассислар жалб қилинди (1957 йилдан бошлаб шу комиссия қошида «Медицинская география» рефератив журнали чиқарила бошлаган). Кейинчалик у (1963) тиббиёт географияси бўлимига айланди ва уни 23 йил мобайнида таниқли рус тиббий географи А.А.Шошин бошқарди.

Кўпгина олимлар (Г.А.Попов, Е.Н.Павловский, А.В.Чаклин, Е.Н.Рижиков) бу вақтда айрим касалликларнинг географик тарқалишини аниқласалар, баъзилари (Е.И.Игнатъев, В.П.Бяков, В.А.Никонов) табиий зоналар ва ландшафтлар, уларнинг инсон

саломатлигига таъсирини ўргандилар, яна айримлари эса (А.А.Шошин, А.А.Келлер, Б.В.Вершинский) тиббиёт картографияси устида иш олиб бордилар. 1959 йилда мазкур комиссия бир қанча илмий тўпламлар нашр этди.

1960-1970 йилларда собиқ Иттифокда тиббиёт географияси соҳасида бир неча илмий марказлар тадқиқотлар олиб борди. Булар орасида айниқса:

-География жамиятининг Москва филиали (А.Д.Лебедев, В.Я.Подольн, А.П.Авцын, А.Г.Воронов, Е.Л.Райх, А.В.Чаклин ва бошқ);

-Томск илмий маркази (бу ерда машҳур иқлимшунос В.И.Русанов бошчилигида тадқиқотлар олиб борилди);

-Иркутскда эса Е.И.Игнатъев бошчилигида Б.Б.Прохоров, Б.В.Вершинский, С.П.Буслов сингари йирик тиббий географлар фаолият кўрсатдилар.

1962 йилда А.А.Келлер тиббий географик районлаштиришнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқди ва мазкур тамойиллар асосида бир қанча минтақалар тиббий географик жиҳатдан районлаштирилди. Жумладан, Б.Б.Прохоров томонидан БАМ (Байкал-Амур магистрали) нинг таъсир минтақаси 29 тиббий географик районга ажратилди (Прохоров Б.Б., 1979).

Тиббиёт географиясининг ривожиди В.Н.Беклемишевнинг хизматлари катта бўлди. Унинг ишлари безгак касаллигининг эпидемиологик ўчоқларини аниқлашга қаратилган эди. Олим касаллик қўзғатувчиларнинг ареалларини аниқлаб, фанга янги «псевдо» ўчоқ, яъни сохта ўчоқ тушунчасини киритди (Прохоров Б.Б., 1999).

1980-1983 йилларда В.Я.Подольн, В.П.Бяков, А.А.Келлер ва бошқалар томонидан тиббиёт географиясининг усул ва илмий йўналишлари устида тадқиқотлар олиб боришди. Улар тиббиёт географиясининг эпидемиология, паразитология, географик патология, гигиена, экология, иқлимшунослик, ландшафтшунослик ва аҳоли географияси сингари фан соҳалари билан узвий алоқадорлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, собиқ Иттифокнинг кўпгина университетларида, жумладан, Қозоғистонда Н.И.Кереев, Қирғизистонда Б.И.Хўжамбердиев сингари олимлар тиббиёт географияси бўйича тадқиқотлар олиб борган.

5. 1990 йилдан кейинги даврда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида халқаро миқёсда кун сайин ортиб бораётган касалликлар (саратон, лайма, парранда гриппи, шизофрения, ўткир пневмония) устида фаолият олиб борилмоқда. Бу борада айниқса Россия тиббий географлари (Б.Б.Прохоров, А.Г.Вишневский, С.А.Куролап, А.С.Мартынов, В.С.Тикунов) ишлари таҳсинга лойиқ.

Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистонда тиббиёт географияси соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар кўламини кенг деб бўлмайди. Шундай бўлсада, ҳозирги вақтда мазкур соҳани ривожлантириш борасида маҳаллий олимларимиз ҳам изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институтининг курорт ресурсларини ўрганиш ва ҳимоя қилиш бўлими ходимлари олиб бораётган тадқиқотлар бунга яққол мисолдир.

Тиббиёт географиясига яқин соҳада, инсон саломатлиги билан боғлиқ масалаларни аниқлашда ва ҳал этишда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида фаолият олиб бораётган «Саломатлик ва тиббий статистика» институти ходимларининг ҳам хизматлари салмоқли. Айни пайтда тиббиёт географиясининг муҳим тармоқларидан бири бўлган тиббий географик хариталаштириш соҳасида Ш.М.Муҳиддиновнинг олиб борган тадқиқотлари ҳам таҳсинга лойиқ. Аммо, шунга ўхшаш илмий ишлар республикаимиз миқёсида анчагина бўлсада, мамлакатимиз ҳудудини тиббий географик жиҳатдан ўрганилганлик даражаси бошқа мамлакат ва минтақаларга нисбатан орқада. Шу сабабли мазкур фан тармоғини янада ривожлантириш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир¹.

1.3. Нозогеографик тадқиқотларнинг илмий-назарий масалалари

¹Сўнгги йилларда ушбу мавзу билан боғлиқ илмий тадқиқотлар кўлами биров кенгайди. Масалан, Х.Т.Турсунов ўзининг номзодлик диссертациясида (1994й.) Тошкент шаҳри экологияси муаммолари доирасида аҳолининг касалланиши масалаларини ўрганган. Шунингдек, И.Р.Турдымамбетов (2005 й) томонидан олиб борилган илмий изланишлар ҳам айнан аҳоли саломатлигининг географик жиҳатларига бағишланган.

Нозогеография ёки инсон касалликлари географияси тиббиёт географиясининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, у ер шарида тарқалган касалликлар, уларни вужудга келтирувчи сабаб ва қонуниятларни ўрганади. Тиббиёт географияси вужудга келган вақтданок нозогеография ушбу фаннинг асосий йўналишларидан бири сифатида шаклланди². Бу борадаги илмий изланишлар XVIII асрдан бошланган. Олиб борилган тадқиқотларнинг асосий қисми инсонларда учрайдиган айрим касалликларга, хусусан юқумли–паразитар касалликларга қаратилган. Ушбу тадқиқотлар XVIII аср бошларида тиббиёт географиясининг алоҳида бир йўналиши сифатида юзага келди. Шунингдек, бу борадаги тадқиқотларни олиб боришда, яъни касалликларни географик тарқалиш хусусиятларини аниқлашда тиббиётнинг бошқа соҳалари (эпидемиология, паразитология) билан ҳам илмий ҳамкорлик қилиш зарурлиги сезилиб қолди.

Даврлар ўтиши билан касалликларнинг вужудга келиши ва тарқалиш сабабларини аниқлашда махсус назарий ва амалий тадқиқотлар амалга оширилди. Масалан, собиқ Иттифок даврида мазкур тадқиқотлар паразитология, ландшафт эпидемиологияси ва бошқа илмий йўналишлар доирасида амалга оширилди. Бу борада асосий изланишлар Е.Н.Павловский, К.Н.Скрябин, Г.Я.Змеев, В.Я.Подольн кабилар томонидан олиб борилди. Хорижда инсон касалликлари географияси махсус илмий ишларда (Ж.Мей, 1950; 1954), инсон касалликларининг тарқалиши тўғрисидаги карта ҳамда атласларда ҳам ўз аксини топган.

Инсон касалликлари географияси масалаларини ҳал этишда XVIII Халқоро География конгрессининг тиббиёт географияси секцияси муҳим ўрин тутди. Ушбу конгресс 1956 йил август ойида Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтди. Конгрессда Халқоро патологик география жамияти «касалликлар ва географик муҳит ўртасидаги алоқадорлик»ни ўрганиш ғоясини илгари сурди. Рак касаллигининг географик тарқалишини ўрганиш билан халқаро ракка қарши Иттифок шуғулланди.

²Нозогеография (юнонча *nosos*–касалик ва география) - қадимда ва ҳозирги вақтда кишиларда учрайдиган касалликларнинг тарқалиш географиясини ўрганувчи тиббиёт географиясининг бир қисми. Унинг асосий масаласи нозоареаллар, уларнинг тузилиши ва динамикаси, шунингдек, касалликларнинг вужудга келтирувчи шароитни ўрганишдир (Прохоров Б.Б.,1999). Даставвал тиббиёт географияси тиббиёт ландшафтшунослиги, тиббиёт мамлакатшунослиги, нозогеография, тиббиёт картографияси сингари бир қанча йўналишларни ўз ичига олган (Шошин А.А, 1962).

Собиқ Иттифоқ даврида ҳам тиббиёт географиясига оид тадқиқотлар олиб боришга катта эътибор қаратилди. Бунга 1962 йилда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида ўтказилган тиббиёт географиясининг ҳолати ва келажаги тўғрисидаги илмий анжуман ҳам мисол бўла олади. Иккинчи анжуман (конференция) ҳам шу шаҳарда 1965 йилда ўтказилган бўлиб, у аҳоли саломатлиги ва географик муҳит масалаларига бағишланган эди. Учинчи анжуман (Ленинград, 1968 й.) бевосита инсон касалликлари географияси, тўртинчисига (1973 й.) тиббий географик кадастр муаммолари муҳокама этилган.

Навбатдаги илмий анжуман Россиянинг Кириши шаҳрида 1979 йилда ўтказилди ва у тиббий географик районлаштириш ҳамда уни прогноз қилишга бағишланган эди. 1983 йилдаги йиғилишда эса тиббиёт географиясининг назарий асослари билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилган эди.

Хуллас, инсонларда учрайдиган турли касалликлар, уларнинг вужудга келиши ва тарқалиши сабаблари кўпчилик мамлакатларда ўрганила бошланди. Хавфли ўсма, юрак, қон-томир, грипп, полиомелит, ошқозон-ичак инфекциялари шулар жумласидандир.

Айтиш ўринлики, нозогеографиянинг асосий масаласи инсонларда учрайдиган касалликлар тарқалишининг умумий географик қонуниятларини аниқлаш, алоҳида касалликлар нозокомплекс ва нозоареаллари, уларнинг динамикасини тадқиқ этишдан иборат. Шундай экан, нозогеография ўз тадқиқот объектига эга бўлган тиббиёт географиясининг алоҳида йўналишидир. У айрим касалликларнинг ўтмишда ва турли даврлардаги ҳолати билан ҳам шуғулланади. Чунки, касалликлар географияси эволюцияси, баъзи касалликларнинг умуман йўқолиб кетиши, аксинча, айримларининг кенг ҳудудлар бўйлаб тарқалиб кетиши бундай изланишларнинг муҳим назарий аҳамият касб этишини англатади.

Кишилиқ жамияти шаклланишининг дастлабки даврларидан бошлабқ инсониятни у ёки бу касаллик билан касалланиш ҳолатлари қийнаб келади. Ҳатто бундай хасталикларнинг айримлари минг-минглаб кишиларни ёстиғини қуритгани, юзлаб аҳоли пунктларнинг (қишлоқ, овуллар) бутунлай йўқолиб кетишига сабаб бўлгани кўпчиликка маълум. Айниқса айрим юқумли касалликлар (ўлат, чечак, вабо, безгак) бутун бир минтақаларда асрлар давомида аҳолининг кўплаб қирилиб кетишига олиб

келган. Шундай касалликлардан бири ўлат бўлиб, у эр. ав. 430-425 йилларда «Фукид ўлати» номи билан кўпчиликка таниш бўлган. Эрамизнинг 251-266 йилларида «Антониана» ёки «Гален» ўлати номлари билан аталиб, катта майдонларда тарқалган. Кейинчалик (эр.ав. 531-580 й.й.) Константинопол, Миср, Сурия, Кичик Осиё ва Африканинг баъзи ҳудудларида мазкур касаллик эпидемияси мислсиз қурбонлар келтирди. Эрамизнинг XIV-асрида Европанинг кўпгина мамлакатларида ўлат яна пайдо бўлди. У «Қора ўлим» номи билан 60 йил давомида 24 млн. кишини ҳаётдан олиб кетди. Ўлат касаллигининг энг йирик ўчоқларидан бири Ўрта Осиё ҳудуди бўлиб, «Буюк ипак йўли» орқали касаллик Россия ҳудудларига тарқалиб кетди. Фақатгина 1894 йил А.Иверсен ўлат кўзгатувчисини кашф этгани ва 1896 йилда В.М.Хавкин томонидан ўлатга қарши вакцина яратилганидан сўнг мазкур касалликка барҳам берилди. Ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистон аҳолиси ушбу вакцина билан эмланиб турилади (Большая медицинская энциклопедия, 2006, С. 762-764.).

Яна шундай касалликлардан бири чечак бўлиб, қадимги ҳинд ва хитой ёзма манбаларида у ҳақда маълумотлар берилган. Европада бу касаллик шарққа нисбатан анча кеч кириб келди. Ўрта асрларда чечак айниқса Европанинг ғарбий қисмига тарқалиб улгурган эди; 1707 йилда биргина Исландия аҳолисининг 2/3 қисми мазкур хасталик туфайли қирилиб кетган эди. 1796 йил Женнер томонидан унга қарши махсус эмлаш воситаси ишлаб чиқилгандан кейингина мазкур касаллик анча камайди (Большая медицинская энциклопедия, 2006, С. 403-407.).

Маълумотларга кўра, 1967 йил 2 млн. дан ортиқ киши чечак билан касалланган. Бироқ, 1980 йилга келиб Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ер юзида чечак касаллиги батамом тугатилганини эълон қилди. Ҳозирги кунда чечак кўзгатувчилари фақатгина уч лабораторияда (АҚШ, Россия, ЖАР) сақланган, халос.

Инсоният тарихида кўплаб қурбонлар келтирган касалликлардан яна бири вабо ҳисобланади. У дастлаб (1816 й.) Ҳиндистонда (Ганг дарёси водийсида) пайдо бўлган; бу ерда турмуш шароити оғир бўлгани учун аҳолининг бир қисми бошқа давлатларга кўчиб кета бошлайди. Натижада, вабо Европага, кейинчалик бутун дунёга, чунончи Бирма (1819 й.), Ява ва Барнео ороллари, Хитой (1820 й.), Эрон (1821й.), Япония ҳамда Россияга (1822 й.) тарқалди.

1823-1925 йилларда Россияда вабо эпидемияси 55 марта қайд қилинган. Бу касаллик Туркистон ўлкасига Афғонистон ва Эрондан ўтган. Вабо вибриони 1883 йил Кох ва 1906 йил Готшлих томонидан топилган (Жуков-Вережников Н.Н., Мусабаев И.К., Завьялова Н.К., Клиника, лечение и профилактика холеры. -Т., 1966, С. 123-126.). Ҳозирги вақтда вабо касаллиги жаҳонда деярли учрамайди.

Бугунги кунда ҳам кишилар орасида айрим юқумли касалликлар мавжуд. Қизиғи шундаки, кўплаб касалликларга қарши даъво чоралари топилган бўлсада янги-янги касаллик турлари юзага келмоқда. Жумладан, «ХХаср вабоси» деб ном олган ОИВ/ОИТС касаллиги ҳозирги вақтда инсоният келажагига катта хавф солмоқда. Ҳозирда жаҳонда 45 млн.га яқин киши мазкур касаллик билан касалланган, 30 млн. киши эса ушбу касаллик туфайли ҳалок бўлган. Афсуски, ОИВ/ОИТС га қарши вакцина ҳанузгача топилгани йўқ¹. Олимлар ушбу касаллик вирусини худди биологик қурол сингари инсоният ҳаёти учун хавфли, деб эътироф этмоқдалар. Бугунги кунда ушбу касаллик Ўзбекистон Республикаси учун ҳам жиддий муаммога айланган. 1987-1999 йилларда ОИВ инфекциясини юқтирган 76 киши рўйхатга олинган бўлса, 2000 йилдан буён уларнинг сони муттасил ортиб бормоқда. Биринчи мартаба вирус аниқланган 1987 йилдан 2005 йилга қадар мамлакатимизда ОИВ вирусини юқтирганлар сони 7600 нафарга етди. 1987 йилдан ҳозирги кунгача ОИВ вирусини юқтирган 574 киши ҳаётдан кўз юмди ва уларнинг 70 нафарига ОИТС ташҳиси қўйилди.

Хуллас, қачонлардир тарихда ўлат, чечак, вабо сингари ўта мудҳиш касалликлар кенг тарқалган бўлса, даврлар ўтиши билан улар батамом йўқолиб, ўрнини янгидан янги касалликлар эгалламоқда. Ушбу касалликларнинг Ер шарида тарқалиши, келтириб чиқарувчи шароит ва қонуниятлар эса нозогеография томонидан ўрганилади.

Ҳозирги вақтда нозогеография тиббиёт географиясининг муҳим йўналиши сифатида қатор масалалар билан шуғулланади. Жумладан, у:

-инсон касалликлар географиясининг назарий-услубий асосларини ўрганади;

-инсон касалликларининг вужудга келиши ва географик тарқалишида табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирини баҳолайди;

¹ ОИВ-одам иммунитетни танқислиги вируси; ОИТС-ортиртirilган инсон иммунитетни танқислиги синдроми.

-айрим касалликлар географияси қонуниятларини таҳлил қилади ва тегишли (тематик) нозогеографик карталар тузади;

-нозогеография инсонларда учрайдиган турли касалликларнинг ҳудудий мажмуа ва нозоареалларини тадқиқ этади, районлаштиради;

-нозогеографик вазиятни баҳолаш асосида уни яхшилашнинг асосий йўналишларини прогноз қилади ва х.к.

1.1-жадвал

Айрим касаллик гуруҳлари ва улар таркибига кирувчи касаллик турлари

Касаллик гуруҳлари	Касаллик турлари
Олиш аъзолари	Олиш аъзолари касалликлари, пневмония, ангина, ларингит, ринит, тонзиллит, бронхиал астма, бронхит, плеврит, туберкулёз ва х.
Қон-томир аъзолари	Қон-томир аъзолари касалликлари, аритмияси, атеросклероз, гипертония, гипотония, миокардит, перикардит, стенокардия, инфаркт, юрак ишемик касаллиги ва б.
Ҳазм қилиш аъзолари	Ҳазм қилиш аъзолари касалликлари, гепатит, панкреатит, холангит, холицистит, цирроз, метеоризм, энтер-колит, дизентерия, гельминтоз ва б.
Остикул тизими	Остикул тизими касалликлари, остеоартроз, артрит, ревматизм, подагра, миозит, чурра (грыжа) ва б.
Экстремум тизими	Экстремум тизими касалликлари, радикулит, паралич, неврит, невралгия, миозит, чурра (грыжа) ва б.
Бузилишлар	Бузилишлар, неврастения, эпилепсия ва х.

	ин аъзолар тизим	диабет, қандсиз диабет, эндемик буқоқ, бронхит ва б.
--	------------------	--

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Таҳлиллар кўрсатадики, нозогеография соҳасидаги тадқиқотлар даставвал инсонларда учрайдиган юқумли касалликларга қаратилган. Собиқ Иттифокда мазкур тадқиқотларнинг асосий қисми табиий-ўчоқлар, трансмиссив касалликлар ва гельминтозлар устида олиб борилган. Бу борада хусусан йирик олим, академик Е.Н.Павловскийнинг хизматлари катта бўлган. У муайян табиий ландшафтларда учрайдиган, уларга хос ва мос бўлган касалликлар «ўчоғи» ҳақидаги илмий таълимотни яратган (Павловский Е.Н., 1964). Юқумли касалликларнинг табиий ўчоқлари тўғрисидаги Е.Н.Павловскийнинг таълимоти муайян табиий шароитда паразитларни ўзида сақловчи иссиқ қонли ҳайвонлар ҳамда бўғимоёқли тарқатувчилар ва уларни инсонлар юқтирадиган касалликларнинг ҳудудий бирлигига асосланади. Сўнгги йилларда ушбу йўналишдаги тадқиқот ишлари нафақат юқумли касалликлар тўғрисида, балки юқумли бўлмаган касалликлар устида ҳам амалга оширилмоқда. Нозогеография соҳасидаги олиб борилган амалий тадқиқотлар натижасида инсонларда учрайдиган барча турдаги касалликларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) юқумли ва паразитар касалликлар;
- 2) юқумли бўлмаган табиий-эндемик касалликлар¹;
- 3) бошқа юқумли бўлмаган касалликлар ва заҳарланишлар.

Умуман олганда, турли хил касалликлар йирик касалликлар гуруҳини ташкил этади (1.1-жадвал). Уларнинг вужудга келишида табиий ёки ижтимоий-иқтисодий омиллар асосий рол ўйнайди.

Инсонларда касалликлар қачонки ташқи муҳит омиллари билан организм ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, мувозанат бузилгандагина келиб чиқади. Бинобарин, бунга сабаб бўлувчи эндоген ёки экзоген омиллар таъсирини ўрганиш катта амалий аҳамият касб этади. Асаб ва руҳий бузилишлар, инфекция ва интоксикациялар, модда алмашинувидаги бузилишлар ирсий ёки айрим аъзолар ривожланишидаги нуқсонлар ва

¹ Мазкур жойдаги ашолли ырласида доим учраб турадиган касалликлар эндемик касалликлар деб аталади (Воловская Л.М., 1977).

бошқалар эндоген омиллар таркибига киради. Экзоген омиллар эса ижтимоий-маиший омиллар, меҳнат шароитларидаги ноқулайликлар, юқори ва паст ҳарорат сингари ҳолатлар шулар жумласига киради.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсонларда учрайдиган касалликлар ўз хусусиятларига кўра бир неча гуруҳларга ажратилади. Улар орасида нафас олиш, юрак, қон-томир аъзолари, овқат ҳазм қилиш тизими билан боғлиқ касалликлар энг катта гуруҳларни ташкил этади (1.1-жадвал).

Маълумки, иқтисодий ва ижтимоий география ҳамда умуман география фанида ҳудудий мажмуалар (комплекслар) муҳим ўрин тутди. Бу фан учун комплекс ёндошув, турли хил ҳудудий тизим, ҳудудий таркиб ва ҳудудий мажмуаларни аниқлаш катта методологик аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан инсон касалликлари географияси - нозогеографияда ҳам бундай мажмуаларни ўрганиш талаб этилади.

Нозогеографик мажмуалар ёки нозогеографик комплекслар маълум табиий географик ва ижтимоий-иқтисодий, социал муҳитда (маконда), уларнинг таъсири остида вужудга келадиган турли хил касалликларнинг ҳудудий бирикмаси, бирлигидир. Бошқача қилиб айтганда, маълум ландшафт-экологик ва ижтимоий муҳит негизида вужудга келадиган асосий касаллик ва у билан боғлиқ ёки унинг таъсирида пайдо бўладиган касалликлар бирлиги касалликларнинг ҳудудий мажмуи дейилади. Ушбу назарий ғоя Чикаголик тиббиёт олимларининг инсон экологияси ҳамда иқтисодий-ижтимоий географияда яратилган ҳудудий мажмуалар ва энергия ишлаб чиқариш цикллари ғояларига асосланади.

Касалликларнинг ҳудудий мажмуалари бу нозогеографик район эмас, балки унинг асосидир. Чунки ҳар қандай нозогеографик районда касалликларнинг ҳудудий мажмуидан ташқари алоҳида учрайдиган бошқа касалликлар ҳам мавжуд бўлади. Патологик жараёнларга ҳудудларнинг ландшафт-экологик ва ижтимоий географик омиллари ўз таъсирини кўрсатар экан, уларни ўрганиш назарий жиҳатдан муҳим аҳамият ҳисобланади. Демак, айтиш мумкинки, касалликларнинг ҳудудий мажмуаси методологик жиҳатдан нозогеографик районларни таҳлил қилиш ва айна вақтда прогношлаш усули ҳисобланади. Бундай комплекслар, одатда, табиий географик ва иқтисодий ландшафтлар билан муайян социогеографик муҳит билан боғлиқ бўлади. Шу


билан бирга касалликларнинг мажмуа шаклида вужудга келишида биогеоценозларнинг роли ҳам катта. Нозогеокомплексларни ўрганишда аввало уларни юзага келтирувчи ҳолатнинг бир-бирига бевосита ёки билвосита таъсирини англаш лозим. Бундай социал географик мажмуалар бир бутун тизим бўлиб, унинг бир қисмини ўзгариши иккинчи қисмини ҳам кескин ўзгартириб юборади. Шу боис, нозогеокомплексларни ўрганиш жараёни катта амалий ва назарий тадқиқотлар талаб этади. Масалан, эндемик буқоқ нозогеомажмуаси инсон жисмида сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида йод тақчиллиги оқибатида юзага келади. Озиқ-овқатларни йод моддаси билан бойитиш мазкур касалликка қарши ҳимоя мақсадига қаратилган.


Нозогеомажмуалар ҳақида сўз юритар эканмиз айтиш ўринлики, ташқи муҳит ва организм ўртасидаги ўзаро алоқадорлик оддий ёки тўғридан-тўғри, баъзида эса уч ва ундан ортиқ омилларга боғлиқ бўлади. Бундай ҳудудий мажмуаларда кўплаб трансмиссив ва паразитар касалликларни (лейшманиоз, безгак ва б.) учратишимиз мумкин.

Нозогеомажмуаларда ўзгаришларни юзага келиши учун энг кам 20-30 йил вақт керак бўлади. Даврлар ўтиши билан айрим турдаги касалликлар камайиб, баъзиларининг эса янги хил шакллари юзага келади. Жумладан, сўнгги йилларда сил касаллигини ўлимга сабаб бўлувчи турлари йўқолиб

Нозогеографик вазиятга таъсир кўрсатувчи омиллар

1.2





кетмоқда. Юқумли ичак инфекциялари, айниқса амёбиоз ва лямблиоз сингари касаллик турлари эса сезиларли тарзда ортиб бормоқда.

Нозомажмуаларни куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Иқлим билан боғлиқ нозомажмуалар - бунда уларнинг шаклланишига ва ривожланишига ҳаво ҳарорати ва намлиги, атмосфера босими ва бошқаларнинг таъсири бирламчи бўлади.
2. Гидроген нозомажмуалар - ер усти сув манбалари, жумладан, каналлар, ботқоқликлар, дарё ёки кўлларнинг касалликларнинг вужудга келиши ва тарқалишида етакчи омил эканлиги эътироф этилади (безгак, вабо ва б.).

3. Гидрогеоген нозомажмуаларга ер ости сувларининг касалликлар келтириб чиқарувчи таъсири асосий ўрин тутди, масалан, буйрак, айириш тизими касалликлари, моддалар алмашинувининг бузилиши туфайли юзага келувчи хасталиклар.

4. Химоген нозомажмуалар - ландшафтларнинг геохимёвий таркиби, жумладан, баъзи микроэлементларнинг етишмовчилиги ёки ортиқчалиги билан боғлиқ тарзда у ёки бу касалликларнинг шаклланиши (эндемик буқоқ, уролитиоз ва б.).

5. Биоген нозомажмуалар - тирик организмларнинг (вируслар, бактериялар ва бошқа микроорганизмлар; ҳашоратлар, кемирувчилар ва б.)

касалликлар келтириб чиқарувчи манба эканлиги ва улар туфайли шаклланувчи касалликлар мажмуаси.

6. Социал-иқтисодий нозомажмуалар - асосан саноат ёки транспорт тугунларида, демографик босим юқори ҳудудларда кўзга ташланади. Бундай нозомажмуаларда юрак, қон-томир, асаб тизими, хавфли ўсма касалликлари кўпроқ учрайди. Табиий нозогеографик нозомажмуаларни тузилишига кўра икки турга ажратиш ўринли. Булар: нозоциклик ва ҳудудий тузилмалар. Ҳудудий тузилмалар ўз навбатида яна иккига бўлинади (зонал ҳамда ареал кўринишида).

Касалликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва қонуниятларни аниқлашда уларнинг нозоареалларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Касалликларнинг муайян ҳудудда тарқалиши уларнинг ареаллари ҳисобланади. Касалликлар ареали ёки «ўчоғи» атамаси эса, юқорида таъкидлаганимиздек, дастлаб рус олими Е.Н.Павловский ишларида ёритиб берилган эди. Айнан ана шу ареаллар нозогеографик тадқиқотларнинг асосий объекти бўлиши лозим.

Инсон касалликларининг тарқалишини ўрганишда шунинг гувоҳи бўлиш мумкинки, айрим касалликлар ер шарининг барча қисмларида, баъзилари эса муайян чегара бўйлаб ёки аниқ бир ҳудудда тарқалган бўлади. Нозогеографияда кенг қамровли, катта ҳудудларни эгалловчи касалликлар эврихор касалликлар (грекча «эврис» кенг, «хорос» қобик, ҳудуд) дейилади. Чегараланган ареаллардагина тарқалган касалликлар маҳаллий ёки «стенохор» (грекча «стенос» тор, «хорос» қобик, ҳудуд) касалликлар дейилади.

Эслатиш жоизки, юкумли касалликларнинг деярли барчаси учун локал (маҳаллий) турдаги ареаллар хосдир. Юкумли бўлмаган касалликларнинг кўпчилиги эса эврихор касалликлар ҳисобланади.

Нозоареаллар турларининг тақсимланиши ва уларнинг динамикасидаги қонуниятларни ўрганиш аҳоли касалланишининг жадаллашувида у ёки бу нозоареалнинг тутган ўрнини аниқлашда назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Нозоареалларни икки асосий туркумга, яъни ёппасига ёки тарқоқ нозоареалларга ажратиш мумкин. Ўз навбатида, тарқоқ ареаллар нозогеографик ўчоқ доирасида ва тўғри чизик бўйлаб тарқалувчи турларга бўлинади. Ушбу ареаллар ёйиқ ареаллар ҳам дейилади, яъни бундай ареалларда касалликлар бир бутун ҳудуд миқёсида ёппасига тарқалган бўлади. Мазкур касалликлар муайян ҳудуддаги типик табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароит маҳсули ҳисобланади.

Ёйиқ ареалларга хос касалликларга кўпгина табиий ўчоқ ва юкумли касалликлар, шунингдек, турли хил табиий омиллар таъсирида инсон организмида юзага келган нозологик шаклларни киритиш мумкин. Баъзи бир касалликлар ўзининг географик хусусиятига кўра ҳудудларнинг айрим қисмларида тўғри чизик шаклида тарқалади. Масалан, дарё ёки кўл соҳилларида, ер усти алоқа йўллари йўналишида тарқалган касалликлар шулар жумласидандир.

Тарқоқ ареаллар алоҳида чегараланган ҳудудлар доирасида учрайдиган инсон касалликлари учун хос бўлиб, бунга жумладан, эндемик буқоқ касаллиги киради. Умуман, нозогеографияда «ўчоқ» атамаси кўп ишлатилади. «Ўчоқ» дейилганда юкумли касаллик рўй бериши мумкин бўлган ёки касаллик рўй бериб бўлган жойлар тушинилади ва улар табиий географик (алоҳида ландшафт турларида) ёки ижтимоий географик муҳитда (аҳоли зич жойлашган) вужудга келади.

Л.И.Громашевский фикрича, юкумли касаллик ўчоғи деб инфекция манбаи турган жой билан унинг атрофидаги ҳудуднинг мазкур аниқ вазиятда ушбу манба томонидан инфекция тарқала оладиган қисми тушинилади. Касалликларнинг бу ўчоқдан тарқалиши эса ижтимоий географияда швед олими Т.Хегерstrand томонидан яратилган «янгиликларнинг диффузион тарқалиши» ғоясини ҳам эслатади.

Табиий жараёнлар инфекция юқишида муҳим рол ўйнайди. Чунончи, очик сув ҳавзалари оқар сувлар билан кўпроқ ифлосланади ва йилнинг совуқ пайтида сув орқали тарқаладиган қорин тифи эпидемиясининг тарқалишига сабаб бўлади (Воловская М.Л., 1977). Қишда кишиларнинг кўп вақтни бино ичида ўтказиши йилнинг шу фаслида нафас йўллари инфекциясининг юқишига олиб келса, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмай туриб иссиқ кийимга ўраниб юриши тошмали ва қайталама тиф тарқатувчилари–битларнинг кўпайишини чақиради.

Эпидемик жараённинг ўтишига табиий омиллардан кўра ижтимоий омиллар кўпроқ таъсир кўрсатади. Ижтимоий омил дейилганда аҳоли турмушининг барча шарт-шароитлари: турар жойлар, уларда яшовчи кишиларнинг сони (зичлиги), канализация, маиший иншоотларнинг ҳолати, аҳолининг моддий фаровонлиги, овқатининг таркиби, санитария маданиятининг даражаси, миграция жараёнлари, аҳолининг меҳнат тури ва шароитлари, соғлиқни сақлаш тизимининг аҳволи ва бошқалар тушинилади.

Бундан ташқари, тиббий географик тадқиқотларда ҳудудларнинг нозогеографик вазият (1.2-расм) нуқтаи назаридан таҳлил этиш ҳам чуқур маъно касб этади. Бизнинг фикримизча, нозогеографик ҳолат ёки вазият, энг аввало, маълум бир жой ёки ҳудудда аҳолининг ўлим даражаси, жумладан болаларнинг ўлим кўрсаткичи, ўртача умр кўриш ва умумий касалланиш даражаси, айрим гуруҳ касалликлар ўчоқлари ёки ареалларининг мавжудлиги билан тавсифланади. Нозогеографик вазият жуда нозик ҳудудий тизим сифатида, турли табиий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида ўта ўзгарувчан бўлади. Бунда айниқса юқумли касалликларнинг тарқалишига экологик ҳолатнинг ифлосланиши каби омиллар катта таъсир кўрсатади (Солиев А., Комилова Н., 2000).

Нозогеографик вазият, ўз навбатида, демографик ва экологик ҳолат билан чамбарчас боғлиқ. У ушбу ҳудуд ёки мамлакатнинг умумий ижтимоий ҳолати, аҳолининг яшаш даражасини ҳам белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан нозогеографик вазиятни аниқлаш ва баҳолаш социал географик тадқиқотларда муҳим аҳамият касб этади.

1.4. Инсон саломатлигига табиий ва ижтимоий -иқтисодий муҳитнинг таъсири

Табиатда турли хил ландшафт кўринишлари - куруклик ва сувликлар, чўл ва ўрмонлар, тоғ ва текисликлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида инсонлар ўзига хос яшайди ва фаолият кўрсатадилар. Ҳар бир ландшафт доирасида ташқи муҳит омилларининг у ёки бу тури инсон жисмига кўпроқ таъсир кўрсатади. Улар орасида айниқса иқлим, рельеф, жойларнинг сув ва тупроқ таркиби, ўсимлик ва ҳайвонот оламига ўхшаш табиий омиллар муҳим аҳамиятга эгадир.

Инсон саломатлиги ва уларда учрайдиган касалликлар ҳудудий тафовутларга эга. Чунки, ушбу ҳудудлар ўз иқлими, рельефи, сув ва тупроғи, иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари билан ўзаро фарқланади. Уларнинг барчаси аҳоли саломатлигининг ҳудудий томонларини ва унинг географик хусусиятларини изоҳлаб беради. Шу ўринда сув, ҳаво ва тупроқнинг ёки бизнинг фикримизча, нозоиқлимий шароитнинг инсон саломатлигига таъсирини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Инсон саломатлигини белгилашда айниқса, жойларнинг иқлим хусусиятлари муҳим ўрин тутди. Дарҳақиқат, иқлим ушбу ҳудуд табиий шароитини белгиловчи зарурий омиллардан биридир. XVIII асрда яшаб ижод қилган француз олими Монтескье ўзининг «Қонунлар руҳи тўғрисида» номли асарида «Иқлимнинг ҳукмронлиги барча кучлардан устунроқдир», деган шиорни олға сурган экан (Чаклин А.В., 1977). Бундан бир неча асрлар илгари машҳур сайёх Н.Н.Миклухо-Маклай ҳам лор органлар (кулоқ, бурун, тамок) ҳолатига иқлим омилларининг ўзаро алоқадорлигини батафсил қайд этиб ўтган (Комилова Н., Солиев А., 2005).

Бироқ, эътироф этиш зарурки, инсон жисмида касалликларнинг вужудга келишида иқлимнинг катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги ғоялар анча илгари (Демокрит, Гиппократ, Гален, Ибн Сино асарларида) ёритилган бўлсада, фақатгина XVIII асрдан буён иқлим тиббиёт соҳасининг асосий объектларидан бири сифатида ўрганила бошланди. Жумладан, машҳур қомусий олим М.В.Ломоносов инсон саломатлигида иқлим ва унинг айрим (метеорологик) омилларининг роли сезиларли эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидаёқ *тиббиёт метеорологияси* соҳасида рус иқлимшунослари А.И.Воейков, А.П.Соколов, А.А.Каминский каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Айниқса, бу хусусда тиббиёт географиясида иқлим билан

боғлиқ масалаларни ўрганишда рус олими Л.С.Берг томонидан ишлаб чиқилган иқлимнинг синфларга ажратилган тавсифи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Олим тиббий географик жиҳатдан мамлакат иқлимини 12 табақага ажратган. У иқлим ва об-ҳавони синфларга ажратиш орқали саломатликнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганишга ҳам эътибор берган (Будыко М.И., 1972).

Маълумки, иқлим тушунчаси ўз таркибига ҳаво ҳарорати, намлик, атмосфера босими, шамоллар, об-ҳавонинг доимий ҳолати кабиларни киритади. Кўпчилик олимлар тиббиёт хусусида иқлим ва об-ҳавони бир хил тушунча сифатида қарайдилар. Лекин, аслида иқлим анча кенгроқ мазмунга эга бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятларига инсон жисми вақт ўтиши билан мослаша (адаптация) боради. Жойларнинг об-ҳавоси эса мазкур иқлим шароитининг айнаи вақтдаги ҳолатидир. Қизиғи шундаки, об-ҳавонинг иқлимга нисбатан инсон жисмига таъсири сезиларли, яъни об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши билан инсон жисмида маълум маънода ўзгаришлар содир бўлиб туради, айниқса, буни баъзи аъзоларимиз жуда тез сеза олади. Шунингдек, об-ҳаводаги айрим жиддий ўзгаришларни баъзи касалликларга (радикулит, ревматизм, қон босими хасталиклари) чалинган кишилар анча олдинроқ пайқайдилар. Содир бўлиб турадиган магнит бўронлари таъсирида ҳам инсон ва бошқа барча тирик организмлар танасида ўзига хос ўзгаришлар кузатилади. Қон босимининг ортиши, асаб тизимидаги ўзгаришлар, моддалар алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар шулар жумласидандир (Ермакова Л.Н., Толмачева Н.И., 2006).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, саломатлик географиясини тадқиқ қилишда жойнинг иқлим хусусиятларининг ўрганиш талаб этилади. Ер юзасининг турли хил ҳудудларини иқлими ўзаро фарқланар экан, унинг саломатликка таъсири ҳам ўзгачадир. Масалан, юқори намликка эга бўлган ҳудудларда юрак, қон-томир ва нафас олиш аъзолари билан боғлиқ касалликлар кўпроқ учрайди. Доимий шамол ва қаттиқ совуқ ҳукм сурган ўлкаларда қон босимининг пастлиги ва нафас олишнинг қийинлиги кузатиладики, бу ҳолатлар муайян хасталикларни келтириб чиқаради (Авцын А.П., Жаваронков А.А., Марачев А.Г., 1985). Доимий туманли ўлкалар табиати ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ҳуқ ва умумий кайфиятга таъсир қилади ва инсон жисмида қон

босими ҳамда нафас олиш аъзолари билан боғлиқ касалликларни келтириб чиқариши мумкин (жумладан, Буюк Британия, Ньюфаундленд).

Мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кишилар орасида учрайдиган баъзи хасталиклар-грипп, ревматизм, бронхиал астма, Боткин касаллиги ва гипертоник касалликлар, айниқса иқлим ва об-ҳаво шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга аппендицит, холицистит сингари хасталиклар ва айрим юқумли паразитар касаликларга ҳам иқлим ва об-ҳаво шароитлари маълум миқдорда таъсир кўрсатиши аниқланган (Шошин А.В., 1962).

Айни пайтда атмосфера босими, булутлилик, ҳавонинг чанг таркиби каби омиллар саломатликка бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳар бир табиий-иқтисодий географик ўлкани тиббий географик жиҳатдан районлаштиришда иқлимнинг юқоридаги барча омилларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шундай қилиб, аҳоли саломатлигини белгилашда, касалликларнинг вужудга келиши ва тарқалишида, нозогеографик мажмуа ва ареалларнинг шаклланишида иқлимнинг таъсири катта¹. Бас шундай экан, иқлим тиббиёт ходимлари ва географларнинг асосий тадқиқот объектларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Жойларнинг рельефи, ер юзасининг тузилиши ҳам инсон саломатлигини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Баланд тоғ минтақаларида ўз номи билан «тоғ касаллиги» деб аталувчи касаллик кенг тарқалган бўлиб, у ҳақидаги дастлабки маълумотлар испан сайёҳи Акоста томонидан ёзиб қолдирилган. Унинг ёзишича, 1590 йил Анд тоғлари бўйлаб саёҳат чоғида 4500 метр денгиз сатҳидан баландликда ҳамроҳлари орасида қандайдир касаллик юзага келганлиги, уларнинг юрак уришлари ўзгариб, бош айланиш, нафас сиқиши, бурунларнинг қонаши ва қулоқларнинг шанғиллаши каби ҳолатлар кузатилган. Бу тоғ касаллиги бўлиб, у фақатгина 1887 йилда француз олими Берт томонидан аниқланди ва унинг бош сабаби кислород етишмовчилиги эканлиги қайд этилди. Турли тоғ баландликлари иқлими инсон саломатлигига ҳар хил таъсир кўрсатади. Паст тоғлар ва ўрта тоғлар дам олишда, туризм ва баъзи касалликларни даволашда қимматли аҳамиятга эга. Баланд тоғда (2000 метрдан юқори) яшовчи

¹ Республикамизда иқлим ўзгариши билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммолар В.Е.Чубнинг докторлик диссертациясида ырганилган (Чуб В.Е., 2003).

кишилар доимий равишда шу шароитда яшаганликлари туфайли уларнинг жисми мазкур муҳит шароитида яшашга мослашган. Альпда тоғ касаллиги 2500 метрдан, Кавказ тизмасида 3000 метр, Ҳимолайда эса 4000 метрдан бошланади. Демак, касалликлар ҳам ўзига хос баландлик (гипсометрик) зоналик хусусиятига эгаки, буни социал географик тадқиқотларда эътиборга олиш зарур (Чаклин А.В., 1986).

Кейинги йилларда тоғларда яшовчи кишиларнинг юрак фаолиятини ўрганилиши натижасида ушбу ҳудудда яшовчилар юраги бошқа ҳудуддагиларга нисбатан анча фарқ қилиши, яъни уларнинг юрак ўнг қоринчаларининг қалинлиги (гипертрофия) аниқланган. Кузатишлар яна шуни кўрсатадики, 3500-4000 метр баландликда яшовчиларнинг барчасида шу ҳолат учрайди (Чаклин А.В., 1986).

Ер юзидаги қуруқликларнинг ўртача баландлиги денгиз сатҳидан 750 метр юқорида бўлиб, баланд тоғли минтақаларда дунё аҳолисининг анчагина қисми яшаб келади. Ундан ҳам баландроқда, яъни 3000 метрдан юқорида ер шари аҳолисининг 30 миллиондан ортиғроғи яшайди. Шунинг учун бундай ландшафтларда яшовчиларнинг мавжуд шароитга мослашганлик даражасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тоғли ўлкаларда жойлашган аҳоли орасида тоғ касаллигидан ташқари, куёш уриши, офтальмия, эндемик буқоқ каби хасталиклар кўп учрайди. Жумладан, Швейцария, Карпат орти ўлкалари, Кавказ ва Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудларида (масалан, Фарғона водийсининг айрим тоғ олди ҳудудларида) бу ҳолатни кузатиш мумкин.

Маълумки, жаҳон бўйича узоқ умр кўрувчиларнинг асосий қисми тоғ ва тоғ олди минтақаларига тўғри келади. Ушбу ҳудудлар иқлимнинг инсон саломатлигига кўрсатувчи ижобий таъсири ҳам сир эмас. Лекин, сўнгги йилларда тоғ, айниқса, тоғ водий ҳудудларида тоғ-кон саноати тармоқларининг ривожланиб бориши мазкур ҳудудларда экологик муҳитнинг ифлосланишига ва шу атрофда яшовчилар саломатлигига таъсир кўрсатмоқда¹.

Денгиз ва бошқа йирик сув ҳавзаларида фаолият кўрсатувчи кишилар орасида эса кўпинча «денгиз касаллиги» деб номланувчи хасталик кенг учрайди. Бу ҳам юқорида

¹ Ўзбекистонда тоғ ҳудудлари муаммолари иқтисодий ва ижтимоий география фани нуқтаи-назаридан Т.Жумаев томонидан батафсил ырганилган (Жумаев Т., 2004).

қайд этилган тоғ касаллиги каби айнан мазкур ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари билан баҳоланади. Аниқроғи, ушбу касаллик кема чайқалиши натижасида вужудга келади (самолётда, поезд ёки автобусда, шунингдек, лифтда ҳам айнан денгиз касаллигига ўхшаш белгилар рўй бериши мумкин). Одатда, кема чайқалишдан тўхтагач, барча ҳолатлар тезда йўқолиб кетади. Денгиз касаллигининг келиб чиқиши ва ривожланишида асаб тизимининг ҳолати ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўрмон (тайга) ҳудудларда ҳам ўз номи билан ўрмон касаллиги деб номланувчи касаллик кўп учрайди. Бундай хасталик айнан мазкур ҳудуднинг ўзига хос географик хусусиятлари билан изоҳланади. Бунда киши жисмида ҳар хил руҳий ҳолатлар, қарахтлик, тинимсиз уйқу ва бошқа жараёнлар кузатилади.

Чўл ва унга ёндош ҳудудлар ҳам ўзига хос хусусиятлари билан инсон жисмига маълум ҳолатда таъсир кўрсатади ва шу ер учун мос хасталикларни келтириб чиқаради. Мазкур ҳудудлар ҳаво ҳарорати ва буғланишнинг юқорилиги, нисбий намликнинг пастлиги билан тавсифланади. Аслида инсон жисмининг ҳаёти учун 18-21 градусли ҳаво ҳарорати ва 40-60 фоизли нисбий намлик қулай ҳисобланади. Доимий юқори ҳарорат ва намликнинг маълум меъёردа бўлмаслиги киши танасига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳол, ўз навбатида, асаб ва гормонал тизимлар билан боғлиқ хасталикларни, шунингдек, қон-томир касалликларини келтириб чиқаради. Бундай шароитда кўпинча дармонсизланиш, алаҳлаш, чидаб бўлмас ташналик белгилари билан ажралиб турувчи «чўл касаллиги» кўп учрайди. Ушбу касаллик ҳақидаги дастлабки маълумотлар сайёҳ-географлар томонидан ёзиб қолдирилган.

«Чўл касаллиги»га чалиниш оқибатида руҳий хасталиклар ҳам юзага келиши мумкин. Жумладан, тропик мамлакатлар аҳолиси орасида астиния касаллиги тарқалган ва унинг вужудга келиши мазкур ҳудудлар табиий шароити билан узвий боғлиқдир.

Иссиқ ўлкалар табиати ва уларнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақидаги фикрларни Ибн Сино асарларида ҳам учратиш мумкин. Чунончи, у иссиқ ўлкаларда одам танасининг қорамтирлиги, сочларининг жингалаклиги, ҳавода намликнинг кўп буғланиши натижасида кескин камайиб кетиши инсон жисмининг тез қаришига олиб келишини таъкидлаган эди. Табиб баландлик ёки пастликда жойлашган ҳудудлар аҳолисининг доимий иссиқлик ва димликда яшашлари, бундай ўлкаларда шўрҳок ва

ботқоқликларнинг кўплиги сабабли сувлар таркиби ҳам салбий хусусиятларга эга эканлигини батафсил ёритиб берган (Абу Али Ибн Сино, 1994).

Инсон саломатлигини белгилашда жойларнинг тупроқ хусусиятлари ҳам етакчи аҳамиятга эга. Чунки, тупроқ таркибида доимий равишда касаллик туғдирувчи бактерия ва микроорганизмлар ҳаёт кечирилади. Тадқиқотларга кўра, 1 г тупроқ таркибида мингдан бир неча миллионгача микроорганизмлар ҳаёт кечириши аниқланган. Тупроқдаги бу мавжудотлар тур ва миқдори ер юзининг турли ҳудудларида турлича (Шошин А.А., 1962).

Тупроқ-турли хил микроорганизмлар учун макон ҳисобланади. Инсон организмига тупроқнинг таъсири ўсимликларда паразитлик қилувчи микроорганизмлар орқали амалга ошади. Ўлат, туляремея, гангрена сингари кўплаб касалликларни ташувчилар айнан тупроқда яшайди. Шундай микроорганизмлар борки, уларнинг тухумлари личинка ҳолига келгунга қадар айнан тупроқда яшаши керак. Улар геогельментлар¹ дейилади.

Машҳур тиббий географ Шаал (Scaal, 1957) ўз тадқиқотларида сальмонеллезларнинг вужудга келиши ва тарқалиши масалаларига асосий эътибор қаратиб, бунда кўпгина табиий омиллар билан бир қаторда тупроқ омилини алоҳида кўрсатиб ўтган эди (Чаклин А.В., 1986).

Тупроқ ҳақида сўз юритганда шуни таъкидлаш зарурки, тупроқ таркибидаги ҳар қандай элементнинг миқдори унда ўсувчи ўсимлик ва озиқа маҳсулотларига тасир кўрсатади. А.П.Виноградов ва Б.В.Ковальскийлар шуни исботладикки, тупроқ таркибида ўртача кальций-1,37%; стронций-0,03; марганец-0,085; рух-0,005; мис-0,002; кобальт-0,008 ва йод-0,0005% бўлиши керак. Фақат баъзи геохимёвий хусусиятлари билан фарқланувчи ҳудудлардагина уларнинг айримлари кўп ёки кам миқдорда бўлиши мумкин. Мураккаб занжир орқали тупроқ ва сув ҳайвонлар организмига, кейин эса ўсимликлар орқали инсон организмига киради. Шунинг учун айтиш лозимки, тупроқ бу—бир бутун мажмуа, унинг физик, химёвий таркиби, ундаги микроорганизмлар салмоғи, микроэлементлар миқдори ва бошқа озиқа маҳсулотлари орқали инсон организмига таъсир кўрсатади.

¹ Геогельментлар-тухумлари орали= хыжайинларсиз ты\ридан-ты\ри тупро=да ривожлана-диган паразит чувалчанглардир (Зикрёев А. Биологиядан изошчи лу\ат. -Т., 1993, 41 б).

Буюк рус тупроқшуноси В.В.Докучаев тупроқни ўрганиш орқали тиббиёт географияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Олим «Тупроқ ва унинг таркиби, радиоактивлик ҳолати, унда ўсувчи ўсимликлар дунёси-мазкур ҳудудда яшовчи популяциялар (ҳайвонот олами, инсонлар) саломатлик даражасига ўз таъсирини кўрсатади», деган эди (Чаклин А.В., 1977).

Дарҳақиқат, кишилар саломатлигига ҳудудларнинг радиация ҳолати ҳам муҳим таъсир кўрсатади. Радиация миқдорининг юқорилиги эса қатор касалликларни, жумладан, хавфли ўсма хасталиклари (айниқса, оқ қон касаллиги) салмоғининг кескин ортишига сабаб бўлади.

Тупроқларни санитар жиҳатдан муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ифлосланган тупроқлар кўплаб касалликларнинг нозогеографик ўчоғи ҳисобланади. Бунда: ичак инфекциялари-ич терлама, вабо, ичкетар; зоонозлар-бруцеллез, куйдирги; чанг туфайли юзага келувчи инфекциялар-туберкулёз, йирингли касалликлар; тупроқда кўп учрайдиган микроблар-газли гангрена сингари касалликларни тупроқ орқали тарқалиши кўпчиликка яхши маълум. Шу сабабли тупроқ ва унинг таркиби нафақат тупроқшунослар, шунингдек, микробиолог, эпидемиолог ва тиббий географлар томонидан ўрганилиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, инсон саломатлиги учун тупроқ ва қумларнинг таъсири ҳам жуда муҳимдир. Хусусан, ёз фаслида саратон қум ва тупроғидан баҳра олиш, инсоннинг қиш фаслининг аёзли кунларида шамоллаш ва шу сингари хасталикларга бардошлигини оширади.

Тупроқнинг физик ва кимёвий хоссалари инсон саломатлигига таъсири нуқтаи назаридан кам ўрганилган. Шубҳа йўқки, бу борада ҳам олимлар тўлалигича аниқламаган сирлар мавжуд. Тупроқларнинг ифлосланиш жараёни ўз-ўзидан сувларнинг ифлосланишига ҳам олиб келади. Тупроқдаги барча микроэлементлар инсон организмига сув орқали ўтади. Шунинг учун йирик аҳоли манзилгоҳларида ичимлик суви доимо хлор эритмаси билан қайта ишланади.

Умуман олганда, тупроқнинг аҳоли саломатлиги ва унинг яшаши учун аҳамияти жуда ката, чунки инсон саломатлигига таъсир этувчи кўпгина омиллар тупроқ орқали содир

бўлади. Тупроқ ўз навбатида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг озуқаси ва асосий таянчидир. Қолаверса, тупроқнинг бевосита инсон жисмига ҳам таъсири катта, бироқ бундай қонуниятлар фанда ўрганилмаган. Шундай қилиб, нозоиқлимий жиҳатларни инсон саломатлигига таъсири нуқтаи назаридан «сув-ҳаво-тупроқ-ўсимлик-ҳайвонот дунёси-инсон» тизимида тасвирлаш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, тупроқнинг турли, ҳатто сиёсий-иқтисодий, ижтимоий хусусиятларига ўз даврида Фридрих фон Ратцель ва Видоль де ла Блашлар ҳам эътибор қаратишган. Жумладан, Блаш: «Инсон–тупроқнинг ишончли ўқувчисидир. Бинобарин уни ўрганиш аҳолининг характери, урф-одати каби ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради», деган эди.

Маълумки, нафақат юқумли касалликлар, шу жумладан баъзи юқумли бўлмаган касалликларнинг (қатор урологик касалликлар ҳам ичимлик суви билан узвий боғлиқ) вужудга келишида мазкур ҳудудларнинг гидрологик ҳолати, яъни сувларининг таркиби муҳим ўрин тутди. Чунончи, эндемик буқоқ касаллигининг юзага келишини айнан шунга мисол қилиш мумкин. Унинг шаклланишида инсон организмига ташқи муҳитдан қабул қилинадиган микроэлементларнинг таъсири катта.

А.П.Виноградов тадқиқотларидан шу нарса маълумки, инсон организми бир кеча кундузда 120 гамм йод қабул қилиши керак, шундагина организмнинг меъёрий физиологик эҳтиёжи қондирилади. Шундан 70 гамм ўсимликлардан ва 40 гамм эса ҳайвон маҳсулотларидан олинади. Демак, инсон организми йоднинг асосий қисмини ўсимликлардан олади. Йодни эса ўсимликлар сув орқали тупроқдан олади (Виноградов А.П.,1946).

А.П.Виноградов назариясига кўра, тоғли ва кулранг тупроқли ҳудудларда йод танқислиги мавжуд бўлиб, шу туфайли бундай минтақаларда зарурий тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги қайд этилади.

Сув билан боғлиқ касалликлардан яна бири уролиттиоз бўлиб, у кўпроқ сув таркибида кремний микдорининг мўллиги билан изоҳланади. Шунингдек, кўплаб юқумли касалликлар, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиши сув манбалари билан узвий

боғлиқ. Вабо, ичтерлама, ичкетар, безгак, сарик касаллиги сингари қатор ичак инфекцияларининг тарқалишида сув асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Умуман, муайян ҳудудларда касалликларнинг географик тарқалиш қонуниятларини аниқлашда уларнинг тупроқ ва гидрографик шароити муҳим омиллардан ҳисобланади. Айниқса улар таркибидаги микроэлементлар ва уларнинг миқдори муҳим аҳамият касб этади.

Аҳоли касалланиши билан улар истеъмол қилинадиган ичимлик сув таркибига алоқадор корреляцион боғлиқликни таъсири аниқланган ва бу ҳолат айрим касалликларнинг ортишига сабаб бўлиши таҳлил қилинган. Таъкидланишича, биокимёвий вазият тупроқ ва озиқа маҳсулотларидан кўра сувда кўпроқ ўз аксини топади. Жумладан, ошқозон саратони келиб чиқишида кўпгина ҳолатларда асосий ўринлардан бирини сув ва унинг биокимёвий таркиби белгилаб беради.

Худди шундай, Голубев И.М. тадқиқотларида кўпгина касалликлар ичимлик сув таркибидаги кимёвий бирикмалар миқдори ёки уларнинг мавжудлиги кўзга ташланади (1.2-жадвал).

Касалликлар билан сув таркибидаги биокимёвий бирикмалар корреляцияси таҳлидан шуни гувоҳи бўлиш мумкинки, баъзи бирикмалар касаллик тур ва гуруҳларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади (Голубев И.М., 1986).

1.2-жадвал

Айрим касалликлар ва сувнинг кимёвий таркиби ўртасидаги корреляцион алоқадорлик		
Асосий гуруҳ ёки турлари	Касалликлар билан сув таркибидаги биокимёвий бирикмаларнинг корреляцияси	
	Асосий	Асосий
Асосий	Асосий	Асосий

		ги, нитритлар: сульфатлар
нинг барча шакллари	лар: фторидлар, ртлар	ртлар, хлоридлар : сульфатла
азм қилиш касалликлар(1)		лар: фторидлар(1)
изм	лар : фторидлар	лар
фагида тош йиғилиши стит	й : магний	лар : сульфатлар
-айириш клари	тизий: натрий : магний	ьфатлар, фторидлар

Жадвал И.М.Голубев маълумотлари асосида тузилди.

Тадқиқотларда аниқланишича, тупроқ таркибидаги микроэлементлар ҳам инсонлар саломатлигига бевосита таъсир кўрсатади. Жумладан, тупроқлар таркибида йод, йод: молибден (1), йод: титан, йод: марганец сингари микроэлементларнинг биргаликда мавжудлиги бундай минтақаларда хавfli ва хавфсиз ўсма хасталикларининг ортишига сабаб бўлар экан (Голубев И.М., 1986). Худди шундай баъзи бирикмалар касалликларнинг вужудга келишида тескари алоқадорликка эга бўлади.

Худудлар нафақат ўз иқлим, рельеф, тупроқ таркиби, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан ҳам фарқланади. Бу, ўз навбатида, мазкур ўлкаларда фаолият кўрсатувчи кишилар саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Инсон жисмининг хилма-хил табиий шароитларга мослашиш масаласи тиббиёт географиясининг муҳим муаммоларидан биридир. Олимлар фикрича, киши жисмининг ташқи муҳит шароитларига мослашуви, яъни адаптацияси-бу унинг турли табиий шарт-

шароитларга: совуқда, юқори ҳарорат ва намликда, чўл ва денгизда, тоғ ва текисликда мослашув жараёнидир (Чаклин А.В., 1986).

Табиий муҳитнинг ўзгариши билан инсоннинг тана тузилиш, хулқ атвори, шу жумладан касалик турлари ҳам ўзгаради. Ташқи муҳит таассуротларига мослашиш турларидан бири-инсон тана тузилиши, унинг вазнининг ҳар хиллигидир. Бу борада америкалик олим К.Орр қуйидагиларни аниқлаган эди: Шимолий Финландияда яшовчиларнинг ўртача оғирлиги 69,3 кг, монголлар, шунингдек, айрим жанубий кенгликларда яшовчилар вазни 63,9 кг, испанлар жумладан, деярли совуқ бўлмайдиган ўлкаларда яшовчиларда тана вазни 59,4 кг. жаҳонда энг кичик вазндагилар бушменлар бўлиб, улар Калахарида яшайди. Бу ўлкада эркакларнинг ўртача вазни 40 кг, аёлларнинг вазни эса 28-30 кг. ни ташкил этади (Чаклин А.В., 1977). Тана тузилишидаги бу номувофиқлик маълум қонуниятга асосланади. Масалан, тана тузилиш ва вазни кичик кишига нисбатан йирик вазли кишининг совуқ билан курашуви анча осон. Чунки, уларнинг тана юзасининг катталиги кичик организмларга қараганда шу шароит учун афзаллик туғдиради.

Табиий муҳит билан боғлиқ ҳолда озуқа таркибининг ўзгариши ҳам ўзига хос касалликларни келтириб чиқаради. Тиббиёт олими В.П.Эфроинсон ўзининг «К вопросу об адаптации племен, ведущих примитивный образ жизни» номли асарида маълум ҳудудлардаги озуқа билан боғлиқ касалликлар ҳақида фикр юритади. Чунончи, Марказий ва Жанубий Африкада Мексика, Чили ва Вест Индияда «квашиоркор» деб номланган касаллик кенг тарқалган бўлиб, у озуқа таркибидаги оксилларнинг етишмаслиги оқибатида келиб чиқади (Мей Ж., 1957).

Вьетнам, Таиланд, Бирма ва Бангладешда яшовчилар озукасида кўпроқ йод етишмовчилиги кузатилмоқда. Аляскада яшовчи эскимослар овқати оксилга бой бўлсада, унинг таркибида йод жуда кам. Турли ҳудудларнинг озуқа таркиби ўз навбатида, айрим касалликларни келтириб чиқаради. Озуқа билан боғлиқ шундай касалликлардан бири-паканаликдир. Бундай халқлар Африка, Ҳиндистон ва Тинч океани ороллариининг тропик ўрмонларида яшайди. Мазкур касаллик инсон жисмининг озуқа етишмовчилигига ирсий жиҳатдан мослашганлик оқибатидир.

Юқорида таъкидлаб ўтилган табиий муҳит шароитлари билан бир қаторда жойларнинг иқтисодий-ижтимоий шароитлари ҳам кишилар саломатлиги ва касалликлар географиясига ўз таъсирини кўрсатади. Инсон саломатлигига таъсир этувчи ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар икки гуруҳга бўлинади:

- иқтисодий географик омиллар. Улар таркибига аҳоли ва аҳоли пунктлари, жойлашуви, аҳоли миграцияси, саноати ва қишлоқ хўжалиги, алоқа йўллари кириштириш мумкин;
- тиббий санитар шарт-шароитлар: соғлиқни сақлаш муассасалари, тиббий кадрлар, ветеринар кадрлар, экологик инфратузилма ва б.

Юқорида санаб ўтилган омилларнинг ҳар қайсиси алоҳида ва биргаликда аҳоли саломатлигига таъсир этади. Жумладан, аҳоли ва аҳоли пунктларининг тиббий географик жиҳатдан ўрганишда аввало:

- аҳолининг сони ва таркиби (ёши, жинси, миллий таркиби, маданият даражаси, асосий машғулоти турлари);
- аҳолининг географик жойлашуви ва зичлиги;
- миграция жараёнларига эътибор қаратиш талаб этилади.

Хуллас, кишилар саломатлигини белгилашда ҳудудларнинг табиий шароитлари билан бир қаторда жойларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолатлари, иқтисодий ва транспорт географик ўрни ҳам муҳим омиллардан саналади. Шу ўринда айтиш лозимки, аҳолининг яшаш тарзи ва саломатлик ҳолати шаҳар ёки қишлоқда, турли иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатларда турличадир.

Инсоннинг яшаш тарзи, у яшаётган табиий, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий муҳит унинг саломатлигига бевосита таъсир кўрсатар экан, улар орасида мавжуд касалликларнинг ҳам турли хил бўлишига олиб келади. Айни пайтда инсоният тарихининг турли даврларида кишилар орасида учрайдиган касалликлар вақт давомида уларнинг яшаш шароитлари билан боғлиқ тарзда ўзгариб боради. Масалан, ўрта асрларда Ғарбий Европада сил ва шунга ўхшаш юқумли касалликлар кенг тарқалган (биргина Франция қиролларидан уч нафари ўрта асрларнинг турли босқичларида фақатгина сил касаллигига чалиниши туфайли вафот этганлар) бўлса, Ўрта Осиё ҳудуди

эса узоқ асрлар мобайнида вабо, безгак, ришта сингари юқумли касалликлар ўчоғи бўлиб келган. Ўлкада тиббий назорат ва муассасалар фаолиятининг кучайиши билан мазкур касалликлар кейинчалик батамом тугатилган.

Умуман, жаҳон миқёсида даврлар ўтиши билан кўплаб юқумли ва бошқа турдаги касалликлар йўқолиб, улар ўрнида янги турдаги касалликлар авж олиб бормоқда. Бундай касалликлар орасида айниқса «XX аср вабоси» номи билан кўпчиликка маълум бўлган ОИВ/ОИТС, саратон, эндокрин, сил, аллергия ва захарланиш, ҳамда ирсий касалликлар кескин ортиб бормоқда. Бундай касалликлар кўпинча тараққиёт касалликлари ҳам дейилади¹.

Жаҳон мамлакатларида олиб борилган тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, аҳоли орасида учрайдиган касаллик гуруҳлари ва турлари шаҳар ҳамда қишлоқларда кескин фарқланади. Чунончи, шаҳарлар учун кўпроқ асаб, нафас олиш тизими ва хавфли ўсма хасталиклари характерли (айниқса, йирик саноат марказлари ва юқори урбанизациялашган ҳудудларда бу ҳол янада сезиларли) бўлса, қишлоқларда эса бундай касалликларга чалинганлар сони анча камчиликни ташкил этади.

Инсон саломатлиги мураккаб жараён бўлиб, унинг сифат ва миқдор жиҳатлари ўзи яшаб турган ижтимоий муҳитга мос тарзда доимо ўзгариб туради. Унинг касалликлар этимологияси ва патогензининг ўзгариши айрим хасталикларнинг кўпайиб кетиши ёки йўқолиб бориши, янгидан-янги касаллик турларининг юзага келиши ўз-ўзидан содир бўладиган жараён бўлмасдан, балки уларнинг асосида ижтимоий шароит ётади. Жумладан, кейинги йилларда нафақат Ўрта Осиё мамлакатлари, қолаверса, ер шарининг кўпгина минтақаларида экологик муҳитнинг ўта ифлосланиши ва қатор ижтимоий сабаблар туфайли аҳоли орасида аллергия касалликлар тобора ортиб бормоқда.

Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар муайян қонуниятлар асосида ривожланиб боради. Мазкур қонуниятларнинг бузилиши эса экологик инқирозга олиб келади.

¹ Тара==иёт ёки цивилизация касалликлари-и=тисодий жиҳатдан тара==ий этган мамлакатлар аҳолиси орасида кенг учрайдиган касалликлар (гипертония, юрак ишемик касалликлари, ош=озон ва ын икки бармо=ли ичак яраси, диабет, бронхиал астма, модда алмашинув, неврозлар, руший бузилишлар) былиб, улар асосан катта шаҳарлар (ю=ори шов=ин, гиподинамия, щавонинг кучли ифлосланиши ва х.к.) учун хосдир (Прохоров Б.Б., 1999, с. 37.).

Сўнгги йилларда инсониятнинг табиат устидан чексиз ҳукмронлиги, унинг ўзи олдида янги-янги муаммоларни қўймоқда. Шаҳарлашув (урбанизация) жараёни, ижтимоий муҳитдаги салбий ўзгаришлар кишилар орасида турли туман касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарлашувнинг жадаллашуви, ўз навбатида ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга шаҳарлар ҳозирги вақтда кишилар руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи шовқин марказлари ҳисобланади. Шовқин асаб тизими, эшитув аъзолари ва юрак фаолиятининг бузилишига олиб келувчи асосий манба сифатида бугунги кунда айниқса йирик саноат ва аҳоли ўта зич шаҳарларда юқоридир.

Европалик олимлар маълумотларига кўра, шаҳарларда шовқин туфайли аҳолининг яшаш даври бир неча йилга, аниқроғи 9-10 йилга қисқариб борар экан. Ҳозирги даврда жаҳонда бирор шаҳар йўқ-ки унда шовқин бўлмаса. Шовқин кучи децибель билан ўлчанади. Энг паст шовқин бир децибель бўлиб, энг кучли шовқин эса 200 децибелни ташкил этади (Прохоров Б.Б., 1999). Шовқин кучи тўрт гуруҳга бўлинади:

- 1) шовқин кучи 0-50 дБ меъёрий ҳолат ҳисобланади. Бунга майин мусиқа товуши, кишиларнинг оҳиста сўзлашуви, кушларнинг чуғурлашини мисол қилиш мумкин.
- 2) 51-99 дБ ли шовқин қулоқларимиз учун ёқимсиз бўлиб, бунга чанг ютгич, кир ювиш машинаси, қуриштиш мосламаларининг овози киради.
- 3) 100-120 дБ га эга бўлган овоз инсон саломатлигига ёмон таъсир кўрсатади. Жумладан, автомобиллар, мотоцикллар, турли қишлоқ хўжалик машиналари, станоклар товушларини бунга мисол бўлаолади.
- 4) шовқин кучи 121-200 дБ гача бўлган товушлар кишилар саломатлиги учун ўта хавфли саналади. Бунда бош мияга қон қуйилиши, эшитиш аъзоларининг ишдан чиқиши, турли хил асабий тарангликлар келиб чиқиши, ҳатто инсоннинг ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бизнинг республикамиз йирик шаҳарларида шовқин 70-80 дБ га етмоқда, айрим ҳудудларда эса бундан ҳам биров юқори. Маълумотларга кўра, жаҳондаги энг шовқинли шаҳар бу Рио-де Жанейро бўлиб унинг шовқин даражаси 100 дБ га яқин. Шунинг учун ушбу шаҳар аҳолисининг кўпчилиқ қисми эшитиш тизимларининг носозлигидан азият

чекади. Албатта, мазкур ҳолат бундай шовқин марказларида яшовчи аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичларининг пасайишига ҳам олиб келади.

Шовқин қишлоқ жойларга қараганда шаҳарларда кучли. Чунки, уни келтириб чиқарувчи барча манбалар (саноат корхоналари, транспорт тўрининг зичлиги) асосан шаҳарларда жойлашган. Айниқса шаҳарлар яқинидаги аэропортлар шовқин кучини янада ортиб кетишига сабаб бўлади. Бинобарин, аэродромлар¹ аҳоли пунктларидан зарурий узоқликда жойлашган бўлиши лозим.

Шундай қилиб, инсонлар саломатлиги ҳақида қайғурганда ташқи таъсирлар орасида жойларнинг шовқин даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Турли хил иншоотлар (касалхоналар, мактаблар, дам олиш оромгоҳлари ва имкони бўлса аҳолининг доимий яшаш жойлари) қурилишида буни эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Фан, ишлаб чиқариш қанчалик юксалиб борар экан, инсоннинг ўзи томонидан яратилган ускуналар бир ёқдан унинг ишини осонлаштиради, иккинчи томондан, унинг ҳаётига зомин бўлувчи қурол ҳамдир. Биз кундалик ҳаётимизда узлуксиз равишда фойдаланадиган буюмларимизнинг кўпчилиги соғлиғимиз учун зарарли эканлигини ҳатто билмаймиз.

Сўнгги йилларда тиббиёт олимлари инсон танасига электромагнит майдонларининг қанчалик хатарли таъсир қилишини аниқлади. Шу сабабли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти инсон соғлиғига жиддий таъсир этувчи омиллар қаторига айнан электромагнит майдонлари таъсирини қўйганлиги бежиз эмас.

Электромагнит майдони айниқса инсоннинг асаб, эндокрин, қон айланиш тизимларига кучли таъсир кўрсатади. Электромагнит майдони узоқ вақт ва кучлироқ таъсир кучга эга бўлганда одамларда хавфли ўсма хасталиклари авж олади, асаб тизими, жинсий аъзолар заифлашади, тўсатдан юзага келувчи ўлим ҳоллари кузатилади. Ҳатто, она қорнида ривожланаётган ҳомилага ҳам электромагнит майдон тез таъсир қилади ва унинг нобуд бўлишига сабаб бўлади.

¹ Аэродромлар синфларига қыра аҳоли яшайдиган шудуддан 5 км. дан 30 км. масофада жойлашган былиши керак. Орали=да санитар щимоя зонаси былиши лозим (Прохоров Б.Б., 1999).

Кундалик турмушимизда кенг фойдаланиладиган совутгичлар, телевизорлар, компьютерлар, иситиш мосламалари, электр печлар, лифт, кўча-кўйдаги турли ҳажмдаги кабеллар электромагнит майдонини юзага келтирувчи манбалар ҳисобланади. Мутахассислар фикрича, йирик ҳажмдаги электр симлар ўтган магистрал йўллар атрофида яшовчи кишилар орасида саратон касаллигига чалиниш ҳолатлари кўпроқ кузатилади экан. Шунингдек, жаҳондаги ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Буюк Британия ва бошқаларда болалар орасида оқсон касаллигига чалиниш ҳоллари кўп кузатилади. Тиббий текширув хулосалари эса бунинг бош сабаби уларнинг доимий видео ўйинлар, электр кўрпалар, компьютерлардан ва бошқа электр мосламалардан ўта кўп фойдаланиш оқибати эканлигини аниқлади.

Айни чоғда метро, трамвай, троллейбуслар ҳам бирмунча юқори электромагнит майдонига эга. Улардан доимий фойдаланиш эса кишиларда юрак, қон-томир хасталикларини келтириб чиқаради. Хуллас, атроф муҳитдаги ҳар бир электромагнит майдон манбалари нотўғри ёки меъёридан ортиқча фойдаланилганда инсонлар саломатлиги учун хавф-хатарга айланиши мумкин.

Умуман айтганда, ХХІ аср инсоният тарихида катта имкониятлар асри бўлиши билан бирга у кишиларни ўз саломатликлари учун аввалги даврларга нисбатан ҳам янада кўпроқ қайғуришга даъват этади.

Ер юзасининг турли мамлакат ва минтақаларида табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг хилма-хиллиги туфайли мазкур ҳудудларда яшовчи кишилар саломатлик даражаси ҳам турлича. Зеро, ҳудуд ўзгариши билан инсон саломатлиги ва хасталиклари: тоғ ва текисликда, чўл ва ўрмонда, турли баландлик минтақаларда, шаҳар ёки қишлоқда, ҳар хил ривожланиш даражасига ҳамда географик ўринга эга бўлган мамлакатларда турлича тавсифга эга экан, унинг ўзига хос қонуниятларини географик жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда аввало, тиббий географик жиҳатдан ўрганилаётган муайян ҳудуднинг умумий тавсифи, жойлашган ўрни ва чегаралари ҳамда унинг мамлакат ёки маълум иқтисодий географик район ҳўжалигида тутган мавқеига асосий эътибор қаратиш зарур. Чунки ушбу маълумотларга эга бўлмай туриб, тадқиқот ишини иқтисодий, социал ва тиббий санитар шароитларини

батафсил таҳлил қилиб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири эса бугунги кунда долзарб омиллардан бири бўлган экологик шароитлар билан ҳам узвий алоқададир (1.2-расм).

Аҳоли саломатлигини белгилашда етакчи аҳамият касб этувчи табиий шароитлар таркибига рельеф, иқлим, тупроқ, ер ости ва ер усти сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси сингари омиллар киритилади. Мазкур ҳудудни иқтисодий жиҳатдан изоҳлашда эса кўпроқ унинг аҳолиси ва аҳоли пунктлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалари кўзда тутилади.

2.1. Илк тиббий билимларнинг шаклланиши ва бунда географик муҳит шароитларининг таъсири

Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичида соғлиқни сақлаш олдига замон тақозоси билан юзага келган ўз вазифаларини кўндаланг қилиб қўйди. Соғлиқни сақлашнинг ривожланиши, бир томондан, тиббиётнинг ютуқларига, иккинчи томондан, жамият тараққиётининг даражасига, жумладан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳатто диний-фалсафий жиҳатларга боғлиқ бўлди. Мазкур масалалар ўз навбатида тиббиёт географияси борасидаги билимларнинг ҳам ривож топишига замин яратди. Касалликлар ва ўлимнинг ҳақ эканлиги буларга илож қилишни ҳамма замонларда ҳам долзарб қилиб қўйди ва кишиларда дунёқарашни (жумладан диний ва ижтимоий ғояларни) шакллантирди, шу нарса саломатликнинг муҳофазасига олдини олиш ва уларни вужудга келтирувчи географик омилларни ўрганишга имкон берди.

Урушлар ва очарчилик билан боғлиқ бўлган инфекцион касалликлар амалий профилактика йўллари излаб топиш ишларини бутун одамзот тарихи давомида рағбатлантириб келди. Бунга кўпинча ўша касалликларнинг этиологиясини илму-фан тушунтириб бермасидан олдин эришилди ҳам, технология эса, терапия воситаларини ишлаб чиқди. Касалликларнинг тарқалиши тўғрисидаги тушунчалар эволюцияси касалликларнинг турини у ёки бу шаклда аниқлаш, уларнинг қанчалик тарқалганини ўлчаб билиш ва олдини олиш усуллари топиш йўлидаги уринишларга боғлиқ бўлди.

Ҳозирги жамият олдида саломатликни муҳофаза қилиш соҳасида бир неча муҳим вазифалар бирданига кўндаланг бўлиб туриб қолдики, булар мамлакатлар ва минтакалар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий-маданий, экологик ва ҳоказо тафовутларга боғлиқдир. Бир томондан,

ривожланиб бораётган мамлакатлар вабо, безгак, сил ва бошқа инфекцион касалликлар худди авваллардагидек шиддатга кириб турибди (булар бир мунча фаровон давлатларда ҳам баъзан кўпайиб туради), иккинчи томондан, уларга сурункали касалликлар, техноген ўлим сабаблари (травматизм) кўшилиб қолди. Шу билан бир вақтда янги муаммолар: СПИД ва қўзғатувчилари ҳозирги дорилар таъсирига берилмайдиган, шу сабабдан бемалол тарқала оладиган бошқа вирусли ҳамда бактериал касалликлар пайдо бўлиб турибди. Соғлиқни сақлаш ана шундай мураккаб шароитларда янги патоген омилларга қарши курашиш воситаларини излаб топаив йўлида, ўзгариб турувчи экологик ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ўз эволюциясини давом эттириб бормоқда.

Замонавий тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, ибтидоий ҳакимларнинг ишларига бир хилда баҳо бериб бўлмайди. Бир томондан, бундай ҳакимликнинг мақсадга мувофиқ анъаналари ва ниҳоятда катта эмпирик тажрибаси кейинги даврлардаги анъанавий тиббиёт ва, ниҳоят, замонавий илмий тиббиётнинг манбаларидан бири бўлди. Иккинчи тарафдан, ибтидоий ҳакимликнинг мистик маросимларга асосланган томони тиббиётнинг янада тараққий этишига тўсқин бўлиб қолди.

Инсоннинг яшаш муҳити билан ўзаро таъсири саломатлик ва касаллик муаммоларини шакллантириб борадиган асосий негиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Янги ҳаёт-фаолият шароитларига экологик жиҳатдан мувозанатлашиб, мосланиб олиш мавзуси соғлиқни сақлашнинг ривожланиш жараёнини яна таҳлил қилишда марказий мавзу бўлади.

Жамият тараққий этиб борган сайин инсонларнинг турмуш шароитлари, булар билан бирга эса, овқатланиш тарзи ва касалликларнинг тарқалиш шароитлари - шаҳарлар пайдо бўлиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишларининг ривожланиши муносабати билан айниқса жадаллашган жараёнлар - ўзгариб борди. Аҳолининг кўпроқ шаҳарларда макон топиши, бир томондан, турмуш даражасини кўтариб, унга анча қулайликлар берди (сув таъминоти, канализация ва иситиш системалари), иккинчи томондан, аҳоли зичлигини кескин ошириб, эпидемиялар тарқалишига йўл очди. Шу нарса омон қолиш ва муҳитни соғломлаштириш учун жамиятдан янги хатти-ҳаракатлар қилишни талаб этди.

Кўпгина қадимги эътиқодларда тозалик, поклик илоҳий ибтидо тушунчаси билан боғланар, маросимлар эса, турар жой ва баданни тозалашни ўз ичига олар эди. Хитой, Миср, Ҳиндистоннинг қадимги жамоаларида, инклар маданиятида санитария

тамойиллари диний маросимларнинг бир қисмини ташкил этар, шаҳар жойларида эса, ичимлик сувни етказиб бериш, канализация системалари ва ботқоқ-лашган ерларни қурутиш расм бўлган эди.

Қадимги Хитойда милоддан аввалги X-XI асрларда ичимлик сув учун чуқур қудуқлар қазилар ва кейин уларни ахлат ва кемирувчилардан асраш санитария чоралари бўлиб ҳисобланарди. Милоддан аввалги I асрнинг ўрталарида хитойлар энди водопровод ва канализация система-сидан фойдаланадиган бўлдилар. Қадимги Хитойда икки ибтидо («инь» ва «янь» — эркак ва аёл ибтидоси) билан организм муҳитлари (қон, лимфа, сафро, сув ва бошқалар) нинг ўзаро таъсирига асосланган мураккаб диагностика ва даво системаси ишлаб чиқилдики, у неча-неча асрлардан кейин бизнинг замондаги муқобил тиббиётда ҳам қўлланиладиган бўлди. Хитой тиббиёти методлари гиёҳлар билан даволаш, мувозанатлашган ҳолда овқатланиш, массаж ва акупунктурани ўз ичига олади.

Қадимги ҳинд шаҳарлари озодаликни сақлаб бориш чораларини ҳисобга олиб қурилар эди: кўчаларга тош ётқизиш, оқава сувлар учунариқлар қазилар ва бошқалар шулар жумласидандир. Қадимги ҳинд тиббиёт мактаби қадимги ҳинд афсоналари билан боғланган эди. У милоддан аввалги VIII асрда, тарихда маълум бўлган дастлабки тиббий мактаблар пайдо бўлган замонларда вужудга келди. Тиббиёт, жумладан жарроҳлик бўйича бизгача етиб келган қўлёзмаларнинг дастлабкилари ана шу даврга мансубдир. Аюверда мактабининг равиши эрамининг VIII асрига қадар, ҳинд ҳакимларининг билим ва тажрибалари Осиёнинг бошқа мамлакатларига ҳам тарқала бошлаган замонларгача давом этиб келди.

Қадимги Мисрда ривожланган қишлоқ хўжалиги ва ирригация паразитар касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келди. Шу муносабат билан шахсий гигиенанинг муҳимлигини ҳисобга олиб, шаҳарларда дренаж системаларини қура бошладилар. Қадимги Миср ҳакимлари қадимги дунёда дастлабкилардан биринчи бўлиб даволашнинг жарроҳлик методларини қўлланишга киришдилар ва турли тиббий мутахассисликларни ривожлантира бошладилар, шу нарса кейинчалик қадимги юнон тиббиётининг қарор топишига катта таъсир ўтказди. Бундан 3400 йил муқаддам ёзилган машҳур Г.Эберс папирусида миср тиббиётининг назарияси ва амалиёти батафсил баён этилган. Эллилар мисрликларни тиббиёт, хусусан профилактик тиббиёт «ихтирочилари», деб ҳисоблар эдиларки, бу - тасодифий эмас.

Қадимги яхудийларнинг Моисей қонуни (Бешкитоб) касалликларни даф этиш, жумладан, шахсий ва жамоат гигиенасига риоя қилиш, репродуктивлик ва оналар саломатлигини сақлаш, шунингдек диний амалиётнинг муҳим қисми тариқасида оилавий ва жинсий ҳаётни уйғунлаштириш йўли билан дарду-касалликларнинг олдини олиш зарурлигини таъкидлаб ўтади; тиббий қонунлар асосини яратиш юзасидан уринишлар бўлган. Мохов ва бошқа «нопок» касалликлар билан оғриган беморларни алоҳидалаб қўйиш одат эди. Шахсий саломатлик ва жамият фаровонлиги тўғрисида қайғуриш ҳафтасига бир кун дам олишни, сув манбалари ва санитария иншоотлари гигиенасига риоя қилишни, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати устидан назорат олиб боришни, диний қонун-қоидалар доирасида, шарт қилиб қўйган эди. Касаллик одамнинг қилган гуноҳлари учун унга берилган бир жазо деб ҳисобланишига қарамасдан, қадимги яхудийларнинг одоб-ахлоқ бобидаги қарашлари инсоннинг ҳаёти муқаддасдир ва дарддиларга ёрдам бериш зарур деган қоидага асосланар эди. Ҳаётни қутқариб қолиш жамоа ва диний ҳаётнинг марказий тамойили бўлиб қолган, шу билан бирга битта одамнинг ҳаётини сақлаб қолиш «бутун жаҳонни қутқариш» билан тенглаштирилар эди. Яхудийлар, насронийлар дини ва ислом динларининг анъаналари учун кейинчалик асос бўлиб қолган қадимги яхудий қонунларининг мажмуасида индивид ва жамоа учун соғлом юриш-туришнинг шу кунларгача сақланиб қолган баъзи тамойиллари таърифлаб берилган.

Крит ва миной маданиятларида касалликларнинг асосий омиллари иқлим ва атрофдаги муҳит, деб ҳаёл қилинар эди. Безгак касаллигипастқамликлар ва ботқоқликларга боғлиқ, деб ҳисобланар ва бундай жойлардан макон тутмасликка ҳаракат қилинади.

Қадимги Юнонистонда жисмоний соғлиқ ва соғлом одатларга, жумладан шахсий гигиена, тўғри овқатланиш, спорт билан шуғулланиш ва аҳоли яшайдиган жойлар санитариясига катта эътибор бериларди. Гиппократ ўзининг «Ҳаво, сув ва жой» деган асарида касалликларнинг келиб чиқишини шу уччала экологик омилга боғлайди (ҳозирги замон тили билан айтганда). Унинг инсон саломатлиги ва касалликлари тўғрисидаги назарияси, худди одам типлари (сангвиник, флегматик, холерик ва меланхолик)нинг таснифи сингари, кейинги бир ярим минг йил давомида, то замонавий фанда илмий назариялар пайдо бўлган пайтгача, тиббиётда ўз аҳамиятини сакдаб келди. Қадимги замон файласуфларининг фикрига Караганда, касалликлар табиий йўл билан

келиб чиқади ва даво таъсирига берилади. Ана шу фикр тиббиётнинг касб тариқасида ривожланиб бориши ва юнон шаҳарларидаги камбағаллар билан қулларга тиб ёрдами кўрсатишнинг асоси бўлиб қолди. Шаҳарларни режалаштиришда ботқоқликлар ва пастқам жойларнинг безгак пайдо бўлишидаги роли ҳисобга олинар, шу муносабат билан шаҳарлар, одатда, баланд жойларга қурилар эди. Саломатликни сақлашни юнонлар ҳар хил ҳаётий кучларни, жисмонан зўр бериш ва дам олишни, овқатланиш ва чиқариш функцияларини мувозанатга келтириш натижасидир, деб билишар ва бу одамнинг ёшига боғлиқ, деб ўйлашар эдилар. Шаҳарларнинг ҳукмдорлари ичимлик ва оқава сувларнинг аҳволини назорат қилиб боришлари лозим эди.

Қадимги Рим ўша замонлардаги юнонларнинг одам бадани ва саломатлиги тўғрисидаги тушунчаларининг кўп қисмини ўзига қабул қилди. Империя пойтахти ва вилоятларида сув таъминоти ва санитария назорати юзасидан бир мунча юқори техник савияда чоралар кўрилди. Римликлар акведук системаси-водопроводнинг дастлабки моделини (Римда булар 13 та эди), шунингдек безгакнинг олдини олиш учун бир мунча мураккаб канализация ва дренаж системаларини яратдилар. Жамоат ҳаммомларига бориб туриш рим фуқароларининг ҳаётий одати бўлиб қолди, бой хонадонларда фавворалар ва ҳовузлар бўлар эди.

Ҳарбий тиббиёт биринчи марта Қадимги Римда мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиқди. Рим кўшни дала шароитида санитария чораларини кўрадиган ва тиббий ёрдам берадиган ўз системасига эга эди. Рим ҳакимлари жуда ёшлигидан ҳакимларга шогирд тушар ва вояга етганларидан кейин юқори ижтимоий мақомга эга бўлиб қолар эдилар. Қайшиндгар ва қулларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун шаҳарларда касалхоналар очилди, ҳакимларнинг меҳнати учун шаҳар ҳукмдорлари ҳақ траир эдилар.

Рим шаҳарларининг кўчаларига тош ётқизилган, ахлатни йиғиштириш ишлари марказлаштирилган эди. Одамларнинг ўша замонларда маълум бўлган зарарли моддаларга (масалан, кон ва шахталарда кўрғошинга) яқин юришини камайитириш учун баъзи чоралар кўрилди. Умуман олганда, рим маданияти санитария асосларини, шаҳарларни режалаштириш ва тиббий ёрдамни ташкил этиш асосларини яратди. Рим ҳакими Клавдий Гален ўзининг юнон ўтмишдоши Гиппократнинг шон-шуҳратини

абадийлаштириб, тиббиётнинг тараққиётига то XV-XVI асрларгача катта таъсир ўтказиб келган антик тиббиёт тушунчаларини ягона таълимот кўринишида умумлаштириб берди.

IV асрда Рим империяси Ғарбий ва Шарқий империяларга парчаланиб кетди. Варварлар босқини натижасида V асрда Рим империясининг куни битди. Империянинг пойтахти Константинополда бўлган шарқий қисми омон қолди ва вақти келиб марказлашган кучли давлат - Византияга айланди. Византияни кейинчалик мусулмонлар эгаллаб олди, лекин саломатлик тўғрисидаги фалсафий таълимотлар ва тасаввурларнинг негизлари антик замонлардан бери бу ерда сақланиб қолди. Собиқ империянинг ғарбий қисмлари насронийликни ва унга (шунингдек, бошқа мажусий таълимотларга ҳам) характерли бўлган касаллик гуноҳлар учун берилган жазодир деган ақидани ҳам қабул қилди. Шунга яраша тоат-ибодат қилиш, нафсни қаттиқ тийиш ва шайтонни даф этиш йўли билангина одам дарддан фориқ бўлиши мумкин, деган тушунча ҳукм суриб келди. Тарихнинг узок давом этган кейинги даври ўша замоннинг асосий ижтимоий института бўлиб қолган насроний черковининг жуда кучли таъсири остида ўтди. Илкфеодал Оврупода феодал ер эгалари ҳукмдор синф бўлиб, неча-неча минглаб крепостнойлар буларга хизмат қилишар эди. Тан заифлиги ва касалликларни черков таълимоти энг биринчи ва кейинги гуноҳлар учун муқаррар равишда бериладиган жазо ва қисмати азал деб талқин қиларди. Бу дунёда тортган азоб-уқубатлари эвазига инсон нариги дунёда албатта роҳат-фароғатда бўлармиш. Бироқ, насроний динининг ажралмас хислати раҳм-шафқат бўлиб қолдики, шу фалсафанинг амалий давоми тариқасида дардмандлар ором топиб, ўз замонларига яраша тиббий ёрдам олиши мумкин бўлган монастир касалхоналари очилди. Касалликларнинг олдини олиш ғоясига эса, Тангрининг иродасига аралашуш деб қаралар эди.

Овруподаги асосий йўллар чорраҳаларида сайёҳлар ва бемор кишиларга бошпана берадиган монастирлар очилди. Вақт ўтиши билан монастирлар асосий маърифат марказлари, дунёдан кўз юмиб кетаётганларга тиббий ёрдам бериб, парвариш қилувчи марказларга айланди. Монастир касалхоналарида Муқаддас китоб руҳига, шунингдек ҳакимлик амалиёти тўғрисидаги Гален таълимотига амал қилувчи роҳиблар ҳакимлик қилишарди. Одамнинг ўртача умри 30 йилдан ортмас, болаларнинг 75 фоизи эса, 5 яшар бўлмасидан олдин ўлиб кетар, кўпгина аёллар туғруқ пайтида нобуд бўларди. Илму-маърифат бошдан-оёқ черков таъсири остида қолган, схоластика етакчи фикрга айланган ва илму-фаннинг

ривожланишига тўсқинлик қиларди. Илк ўртаасрларнинг охирларида черков бидтат ва сеҳргарликларни йўқ қилиш юзасидан машъумлиги билан машхур бўлган ўз фаолиятини бошлади ва бошқа дин аҳдларини насроний шаҳарлардан қувиб чиқариб, бидъатчилар билан жодугарларни ҳамманинг кўз ўнгида гулханда қуйдирди.

Оврупода илм-фан турғунликка учраган бўлса, VII-VIII асрларда Шарқда, бунга қарама-қарши ўлароқ, тиб илми равақ топа бошлади. ҳақимликнинг Шарқда асосланган антик анъаналарини Ибн Сино ва Абу Бакр Розий ўз асарлари билан бойитдилар. Араблар Испанияни истило этганларидан кейин Қурдобада ҳам тиббий мактаблар пайдо бўлди ва шарқий тиббиёт анъаналари шу ердан Жанубий ҳамда Ғарбий Оврупога тарқалди. Шуларнинг таъсири остида кўп ўтмай Оврупода анатомия, физиология ва клиник медицина асослари ривожлана бошлади.

Саломатликка дойир антик концепциялар кейинчалик сақланиб, мусулмон империяларида ривожланиб борди. IX ва X асрлар давомида Қоҳира, Боғдод ва Дамашқда тиббий мактаблар ва касалхоналар пайдо бўлаверди. Қордобадаги академия то мусулмонлар Испаниядан чиқариб юборилгунича Оврупода тиббий маълумот берадиган асосий марказ бўлди. Ундан тарбияланиб чиққан яҳудий файласуфи ва XII аср ҳақими Моше бен Маймон (Маймонид) ўз таълимотида юнон-рим ва шарқ тиббиётининг назарияларини санитария ва юқумли беморларни алоҳидалаб қўйиш хусусидаги қадимги яҳудий қоидалари билан пайваста қилган ҳолда бирлаштириб, тиббиётнинг ривожланишига ғоят катта ҳисса қўшди.

VIII-XII асрларда Ғарбий Оврупода монастир касалхоналари очилди(дастлабки монастир касалхоналари Русда XI асрда пайдо бўлди). XII-XVI асрларда муниципал ва хайрия касалхоналари, шунингдек савдсмитлар уюшмаларига қарашли касалхоналар очила бошлади. XV аср ўртарига келганда Англияда 750 касалхона бор эди. Катта-катта шаҳарлардаги хунармандлар цехлари ва уюшмалар ўз аъзолари ва оилаларини тиббий суғурталаш системасини амалда жорий эта бошладилар. Шаҳарлар аҳолиси орасидаги бадавлат кишилар хусусий врачлар хизматидан фойдаланадиган бўлиб қолишди.

Ўша замондаги врачлар, худди авваллардагидек, роҳиблардан иборат, тиббий адабиёт эса, қадимги манбалардан териб олинган асарларнинг ўзи эди. Бироқ католик черковининг пешволари XII - XVIII асрларда черков ходимларининг ҳақимлик қилишини чеклаб қўядиган ва шу билан ҳақимликнинг дунёвий касб тариқасида ривожланиб боришига ёрдам берган бир

қанча фармонларни чиқардилар. 1224 йилдаёқ Сицилия қироли Фредерик II ҳакимлик фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиб бориш йўлига қадам қўйди. У тиббий маълумот олишга биринчи марта стандарт талабларни жорий этди: уч йил фалсафани, беш йил - тиббий илмларни ўрганиш, бир йил - тажрибали ҳаким кузатуви остида шогирдлик қилиш, шундан кейин эса, имтиҳон топшириб, диплом олиш керак эди. Тез орада Испания (1238) ва Германияда (1347) ҳам шунга ўхшаш тартиблар жорий этилди.

Маълумки, ўрта асрлардаги муҳим ҳодисаларнинг бири Шарққа уюштирилган салб юришлари бўлди (1096 - 1272). Тангри Тобутини халос этувчиларнинг Фаластиндан қайтиб келган отрядлари оврупо тиббиётини шарқ назариялари ва клиник малакалари билан бойитдилар ва шу билан бирга мохов (лепра) қўзғатувчисини Оврупога олиб келдилар. Госпитальерлар ордени Родос ва Мальтада зиёратчилар ҳамда салб юриши қатнашчиларига хизмат кўрсатувчи касалхоналар очди. Қоҳирада барча эҳтиёжмандларга ҳукумат ҳисобидан ёрдам берадиган «Ал Мансур» касалхонасига асос солинди. Оврупо ичида ва Оврупо билан Осий ўртасида кенгайиб бораётган савдо алоқалари ҳам янги касалликлар, ҳам тиббиёт ва гигиенага оид янги билимлар тарқалиб боришига йўл очди.

Мохов (лепра) ўрта асрлар Оврупосининг кўпгина мамлакатларидаги аҳоли бошига тушган бало бўлди. Бу касаллик XIII-XIV асрларда кенг тарқалди ва у билан оғриган беморларни оммавий равишда алоҳидалаб қўйиш чоралари биринчи марта ўша вақтдаёқ қўлланила бошлади. XIVасрда биргина Франциянинг ўзида 2 мингга яқин лепрозорийлар бор эди. Тиббиётнинг асосий муаммоси бўлган моховни XIV асрнинг охирларига келганда янги бир бало - чума (тоун) сиқиб чиқарди.

«Қора ўлат» (ўпка чумаси билан бубонли чума) Оврупога Генуя, Венеция ва Неаполь орқали олиб келинган. 1346 ва 1350 йиллар орасида чума эпидемияси Оврупода 24 млн. дан 50 млн. гача киши, яъни аҳолидан яқин учдан бир қисмининг ёстиғини қуришиб, катта-катта ўлкаларни хонавайрон қилди. Чума мўғул-татар қўшинлари билан Хитойга олиб ўтилди, бу ерда ушбу улкан мамлакат аҳолисининг ярми 200 йил ичида (XIII-XV асрларда) уруш ва эпидемияларнинг қурбони бўлиб кетди. Чума қўшинлар, савдогар қарвонлари, кейинчалик эса, денгиз кемалари билан мамлакатдан мамлакатларга олиб ўтилар эди. Маҳаллий ҳокимиятларнинг беморларни алоҳидалаб қўйиш, касаллик ўтган шаҳарларда карантин жорий этиш борасидаги уринишларга қарамай, эпидемия ўзининг ғолибона босқинини давом

этирди. Чуманинг тарқалиш йўллари тўғрисидаги нотўғри тушунчалар хато хатти-ҳаракатларга сабаб бўлиб, аҳволни янада мушкуллаштирди, холос. Ғарбий Оврупода кўп кишилиқ диний маросимлар ва жамоат билан дафн этиш маъракалари уюштирилди, булар эса, чуманинг юқиб қолиш ҳолларини кўпайтирди эди. Чумани мушуклар тарқатади, деб ўша даврда пайдо бўлган фикр шаҳарларда буларни кўплаб қириб ташлашга олиб келдики, шу нарса инфекциянинг асл тарқатувчилари бўлмиш каламушлар ва каламуш битларининг кўпайиб кетишига сабаб бўлди. Олимларнинг ҳисобига кўра, чумадан биргина XIV асрнинг ўзида ер юзиди 50 млн. киши нобуд бўлган.

Ваҳима ичиди қолган порт шаҳарлари XV асрда касал юққан кишиларни алоҳидалаб қўйишнинг библияда айтилган тамойилини қўллани бошладилар ва эпидемия тарқалган ўлкалардан келган кемаларни олислардаги бандаргоҳларга олиб бориб, 40 кунлик карантинга қўядиган бўлдилар (1465 йилда Рагузда ва 1485 йилда Венецияда). Эпидемияга қарши курашиш учун қўрилган шу эҳтиёт чораси карантин тўғрисидаги жамоат қонунига асос солди, бу қонун самарали бўлиб чиқди ва тез орада кенг қўлланилиб, эпидемиянинг тарқалишига тўсқинлик қиладиган бўлди. Русда савдо йўллари бўйлаб жойлашган шаҳарлар эпидемиялар даврида йўл ва кўчаларда ҳаракатни тўхтатиб қўйиш чораларини кўришар эди. Бу пайтга келиб черков илк ўрта асрларда унга хос бўлган ролини - билимлар хазинаси деган мақомини узил-кесил йўқотиб қўйди. Чунончи, Флоренцияда санитария соҳасида ишлайдиган кишиларнинг ҳаммаси чума тарқалишининг олдини олишга - беморларни алоҳидалаб қўйиш ва чума муносабати билан уюштириладиган ибодатларда қатнашишни тақиқлашга урингани 1630 йилда учун черковдан ажратилди.

XVI асрда Новгородда чума эпидемиялари даврида ўлганларни оммавий маросим билан дафн этиш тақиқланди, XII асрда эса, подшоҳ Борис Годунов савдо-сотикқа алоқадор бўлган, диний ва бошқа оммавий маросимлар ўтказишни бекор қилиб, карантин белгилади. Чума эпидемиялари кейинчалик: 1665 йили - Лондонда, 1720 йили - Марсел. 1771 йили Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларида, бутун XIX аср давомида - Ҳиндистон ва Яқин Шарқда неча-неча марта такрорланиб турди. Чума эпидемиялари XX асрда Хитойда (1911), Миср (1940) ва Ҳиндистонда (1995) ҳам давом этди (Альбер Камюнинг «Чума» китобида қаралсин). Ҳозирги кунда бу касалликнинг эпидемия ўчоқларида вақти-вақти билан пайдо бўлиб туриши рўйхатга олинади.

Ғарбий Оврупода крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилиниб, феодализмнинг инқирозга юз тутиши ва капиталистик муносабатларнинг ривожланиб бориши аҳоли зич жойлашган ва шароитлари санитарияга ҳилоф бўлган шаҳарлар пайдо бўлиб, кенгайиб боришига олиб келди.

Шаҳарларнинг тез ўсиб бориши жамият соғлиғини сақлаш муаммо-ларини ҳал қилишни талаб этади. Одамлар ва ҳайвонларнинг ғуж бўлиб яшаши, сув таъминоти, канализациянинг йўқлиги, ахлатларни йиғиш-тириш ишларининг ташкил этилмагани, кўчаларга тош ётқизилмагани - мана шуларнинг ҳаммаси инфекцион касалликларнинг тез кўпайиб боришига йўл очди, шунинг учун шаҳар ҳокимиятлари ичимлик сув манбаларини муҳофаза қилиш ва бошқа оддий санитария чораларини кўриш тўғрисида қайғура бошлашди. XIII асрда Дублин, Базел ва Брюггеда қувурли водопроводлар қурилди, X - XI асрларда Новгородда (археологик маълумотларга қараганда) сув келтириладиган ва сув олинадиган сопол ва тахта тарнов ҳамда сардобалар бўлган. Шаҳарларда ҳаммомлар очилди, лекин оврупоча шахсий гигиена стандартлари, худди авваллардагидек ўша замондаги жамиятнинг ҳамма табақалари учун жуда паст даражада қолаверди.

Тиббий ёрдам, худди илгаридагидек, симптомларга даво қилишдан иборат бўлиб, имкониятлари кам эди. Анъанавий халқ табobati, гарчи черков уни жодугарлик деб ҳисоблаб, тақиқлаб қўйган бўлса ҳам, ҳаётини, асосан, қишлоқларда давом эттирди. Ҳақимлар ўз хизматлари учун ҳақ тўлашга қодир бўлган кишиларга хизмат кўрсатишар, лекин тиббий ёрдам амалий кўникмалар, мистицизм ва черков томонидан муқаддаслаштирилган Гален савиясидаги илмий билимлар қоришмасидан иборат эди. Чечак, вабо, қизамиқ ва бошқа касалликлар эпидемиялари бутун Оврупо бўйлаб тарқалди.

Бироқ, ўзгариб турадиган турмуш шароитлари, шаҳарларнинг ўсиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожланиши илму-фаннинг янада тараққий этишига йўл очди. Париж, Болонье, Падуя, Неапол, Оксфорд, Кембриж ва бошқа шаҳарларда қирол имтиёзларига эга бўлган университетларнинг барпо этилиши бевосита черков таъсир этолмайдиган илмий база бўлиб қолди. Ўрта асрлар университетларида: Салерно (X аср), Париж (1110)), Болонье (1158), Оксфорд (1167), Момпелье (1181), Кембриж (1209), Падуя (1222), Тулуза (1233), Севилья (1254), Прага (1348), Краков (1364), Вена (1365), Гейдельберг (1386). Базель (1460) ва Копенгаген (1478) да тиббиёт факультетлари очилди. Асосан шаҳарлардаги ўрта табақалардан келиб чиққан

медик-талабалар схоластик таълимотларни, араб адабиёти ва антик манбалар - рим ҳамда юнон матнларини (Аристотель, Гиппократ ва Гален асарларини), шунингдек бир мунча замонавий асарларни (Розий ва Ибн Сино асарларини) ўрганар эдилар.

XII - XIII асрлар бир қанча муҳим кашфиётлар билан нишонланди: механик соат, чархпалак, шамол тегирмон, тўқиш дастгоҳи ва бошқаларихтиро қилинди. Марко Поло экспедицияси илмий тадқиқотларга йўл очиб берди, Фома Аквинский, Рожер Бэкон, Данте асарлари фалсафа ва табиий фанларнинг ривожланишига тurtки бўлди. Янги билимлардан баҳраманд бўлишга иштиёқ зўрайган буюк географик кашфиётлар даври яқинлашиб қолган эди.

ҚОРА ЎЛАТТАРИХИ ва унинг географик жиҳатлари

Манбаларга кўра мазкур касаллик Хитойда пайдо бўлган ва Ҳиндистон билан Эронга, Месопотамия, Сурия билан Мисрга тарқалган даҳшатли касаллик тўғрисидаги миш-мишлар, ниҳоят, 1346 йилда Европога етиб келди. Даҳшатли фалокат кўламлари тўғрисида Ҳиндистоннинг аҳолиси зич ўлкалари хонавайрон бўлиб, у ерларда бирорта ҳам тирик одам қолмаганмиш, ҳаммаёқ мурдалар билан тўлиб кетганмиш, деган гап-сўзлар юрарди. Папа Климент IV Авиньонда ўз қавмларига «қора ўлат»дан ўлган кишиларнинг умумий сони деярли 24 млн. нафарга етиб қолди, деб хабар қилди. Лекин, касаллик юқиши тўғрисидаги лазариядан ўша замонларда беҳабар бўлган Европа бир мунча вақт давомида - то савдо кемалари ўлимга сабаб бўладиган молларни олис ўлкалардан Мессинага олиб келмагунича ва юқумли қўй сурувлари Генуя билан Венецияга ўтиб қолмагунича пассив бўлиб қолаверди.

1348 йилнинг январига келиб, эпидемия Марсель порти орқали Францияга ва Тунис орқали Мағриб мамлакатларига етиб келди. Чума денгиз соҳиллари ҳамда кемалар қатнайдиған дарёлар бўйлаб кемаларда ғарбга томон ҳаракат қилиб борди - Лангедок порти орқали, Рон бўйлаб Авиньонга етиб келди, бу ерда ўша йилнинг май ойида пайдо бўлди. Феврал билан май орасида у Нарбонн, Монпелье, Каркассон ва Тулузага, шунингдек Рим билан Флоренцияга етиб борди. Июнь-августда чума энди Бордо, Лион ва Парижда бўлади ва бу ердан Бургундия, Нормандия ва ҳатто жанубий Англияга тарқалади. Ёз давомида у Альпни

кесиb, Швейцарияга ўтади ва Венгриянинг ғарбий чегараларигача етиб боради(Манба Tuchman B. W., A. Distant Mirror: The Calamitous 14th Century. P, 93.)

Уруш ва эпидемияларда одамлар ақл бовар қилмайдиган даражага кўп нобуд бўлиб кетганларига қарамай, XIV аср янги тарихий давржнг боши бўлди — унда феодализм куёши сўниб, капиталистик жамият юзггг кела бошлади. «Қора ўлат» эпидемиясидан кейин бошланган давр бирқанча янгиликлар ва ўзгаришлар даври бўлди. Қишлоқ жойларида ишчи кўлларнинг етишмаслиги ергаишлов бериш вачорвачилик билан шуғулланиш учун янги усул-амаллар ва механизмлар пайдо бўлишига, аграр инқилоб деб ном олган ўзгаришлар рўй беришига олиб келди, кейинчалик индустриал инқилоб ҳам бошланди. Натижада қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ошди, озиқ-овқат захиралари кўпайди ва сотишни талаб қиладиган ортиқча маҳсулотлар пайдо бўлди. Американинг кашф этилиши ва денгиз ортидаги бошқа ерларнинг ўзлаштирилиши Оврупода янги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари - картошка, помидор ва қалампир пайдо бўлишига олиб келдики, булар Оврупо аҳли овқатининг хилларини анча бойитиб, қишлоқ хўжалигининг янада ривожланишига туртки берди.

Қишлоқ хўжалигидаги тараққиёт деҳқонларнинг озод бўлиб, шаҳарларга кўчиб ўтишига йўл очди, бу нарса саноатда меҳнат резервлари пайдо бўлишига олиб келди. Кўп ўтмай бошланган саноат тараққиёти прагматик йўналишдаги соғлиқни сақлашнинг, илмий базаси ҳамон заиф бўлишига қарамай, жадаллик билан қарор топиб олишини талаб этди.

Кейинги ўрта асрлар ва Уйғониш даври I

(XV аср - XVIII асрнинг ўрталари)

Географик кашфиётлар, савдо-сотиқ, саноат ва денгиз сафарлари ишларининг жадал ривожланиши саноатда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган янги турдаги товарларнинг кенг бозори ҳамда анча қулай бўлган шаҳар турмуш тарзи шаклланишига олиб келди. Бироқ, халқаро алоқалар ривожланиши, товар айирбошлаш авж олиши, одамларнинг жойдан жойга кўчишининг ножўя натижалари тарзида авваллари маҳаллий бўлиб ҳисобланган тиф, чечак, захм ва чума эпидемиялари бутун Оврупо бўйлаб ва унинг ташқарисига тез тарқалди.

Скарлатина ва безгак, шунингдек цинга (лавша) айниқса узок сафарга чиққан денгизчилар орасида жиддий муаммо бўлиб қолди.

Захм, бунинг айниқса вирулент штамми XVаср охири - XVI аср бошларида, афтидан, Колумб кемаларида Америкадан олиб келинган, Оврупо шаҳарлари бўйлаб тез тарқала бошлади. Бу касалликнинг жинсий йўл билан юқиши бир мунча тез пайқаб қолинди ва дастлабки назорат чоралари фоҳишаларни рўйхатга олиш ва тиббий текширишдан ўтказиш, жамоат ҳаммомларини ёпиб қўйиш, касалларни ҳисобга олиш ва махсус клиникаларда алоҳидалаб қўйиш, касал фоҳишалар ва дарбадарларни шаҳарлардан қувиб чиқаришдан иборат бўлди. Ўша пайтдан бошлаб захмнинг вирулентлиги камайиб, самарали даво усуллари пайдо бўлди-ю, лекин бу муаммо ханузгача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Русда тиббиёт ва соғлиқни сақлашнинг ривожланиши Ғарбий Овру-подагидан кура секинроқ борди. XVI асрда Иван Грозний инглиз қироли-часи Елизаветанинг розилиги билан қирол ҳакимларидан бирини ўз оиласи ва сарой аҳлларини даволаш учун таклиф этди. Инглиз лейб медици Роберт Якоб бир неча нафар бошқа ҳаким ва фармацевтларни ўзи билан бирга олиб келди, булар рус табибларини ғарбий тиббиёт методлари билан таништирди. Рус қўшинларида уруш кампаниялари пайтида ажнабий ҳакимларнинг усул-амалларини қўлланадиган табиблар қадимдан бор эди. XVII асрнинг ўрталарига келиб, барча йирик рус шаҳарларида ҳарбийлар ва фуқароларга хизмат кўрсатадиган дорихоналар пайдо бўлди. Дорихоналарнинг иши устидан, шунингдек дори тайёрлаш, суд тиббиёти ва юқумли беморларни алоҳидалаб қўйиш устидан назорат олиб борадиган Дорихона маҳкамасига асос солинди. Бу фаолият солиқлар ҳамда ароқ сотишдан тушадиган даромадлар ҳисобига маблағ билан таъминланар эди. 1654 йилда ҳарбий врачлар (табиблар) тайёрлаш иши тартибга солинди: энди улар камида 5-6 йил ўқишлари керак эди. XVII асрга қадар касалхоналар фақат монастирлар қошида бўларди, дастлабки дунёвий шаҳар касалхоналари 1682 йили Москвада очилди.

Оврупо мамлакатларида шаҳарларнинг ўсиб, саноатнинг ривожланиши қишлоқлардаги қашшоқларнинг кўплаб шаҳарларга кўчиб ўтиши ва аҳолиси зич жойлашган қашшоқ мавзелар пайдо бўлиши билан бирга давом этиб борди, шу нарса шаҳарлар ҳукмдорларини касалликлар чиқиб қолишига йўл қўймаслик ва одамларнинг санитария эҳтиёжини қондириш юзасидан чоралар кўришга мажбур этди. 1601 йили қиролича Елизавета даврида

камбағаллар тўғрисида паст табақаларнинг фаровонлиги ва саломатлиги учун қайғуриш мажбуриятини шаҳар ҳукмдорларининг зиммасига юклайдиган қонунлар мажмуаси эълон қилинди. Бироқ, тозаликни сақлаш иши марказлаштирилмаган ва ҳар бир фуқаро кўчанинг ўз хонадонига яқин қисмини тозалар эди.

Жамият тараққиёти суръатларининг умуман жадаллашуви тиббий фанлар: анатомия, физиология, кимё, микроскопия ва клиник медици-нанинг ривожланиб боришини ҳам жонлантirdи. Инфекцион касаллик-ларнинг сабаблари юқум юқишидир, деган назарияни дастлаб 1546 йили итальян врач Д. Фракасторо майдонга қўйди, кейинчалик эса, Парацельс қўллаб-қувватлади, шу билан бирга улар «инфекция» ва «дезинфекция» тушунчаларини ўша замонлардаёқ таклиф этишди.

Янги назария ўша пайтларда ҳамма томонидан қабул қилинган ва аслида Гален таълимотидан бошланиб, касалликларнинг сабаби миазмлар (заҳарланган ҳаво) дир, деб ҳисоблайдиган назария билан рақобат қша бошлади.

1662 йили иқтисодчи ва статистик У. Петти тарихда биринчи марта Ирландия аҳолисини рўйхатдан ўтказди ва бунинг натажаларини эълон қилди. Жон Граунт Англияда «Ўлим ҳоллари устида ўтказилган табиий ва сиёсий кузатувлар» номли дастлабки демографик асарни бостириб чиқарди (1662). Шу тариқа демография ва ҳаётий ҳодисалар ҳамда саломатлик аҳолининг статистик таҳлилига асос солинди. Ёзувчи Даниэль Дефо шу хилдаги ҳужжатлардан фойдаланиб, 1665 йили Лондонда авжига чиққан чума эпидемиясининг батафсил тасвирини қолдирди.

1670 йилда микроб назариясидан Антон Левенгук томонидан ўша йили яратилган микроскоп ёрдамида тасдиқлаш имкони пайдо бўлди. Ўша замоннинг йирик тиббий марказлари - Лейден, Париж, Монпельеда микроскоп ёрдамида микроорганизмлар устидан ўтказилган кузатувлар биринчи марта тасвирлаб берилди.

Россияда Буюк Петр (1682-1725) сиёсат, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги талайгина ислохотларнинг ташаббускори бўлди. Унинг ташаббуси билан дворян хонадонларидан чиққан кўпгина ёшлар ўқиш учун, жумладан тиббиётдан ҳам таълим олиш учун Оврупога жўнатилди. 1707 йили Москва ҳарбий госпитали қошида Россиядаги биринчи тиббий госпитал мактабига асос солинди. 1717 йилда анатомия музейи ҳам очилди.

1724 йили рус олими ва давлат арбоби В. Н. Татищев империянинг барча губернияларида аҳоли саломатлигининг аҳволи, эпидемик касалликлар ва улар давосининг методлари тўғрисида анкеталар билан суров ўтказди.

Маърифат, илму-фан ва революциялар даври (1750 — 1830)

Бу давр ижтимоий ва сиёсий фикрнинг эркин бўлиб олиши, дунёвий маданият, илму-фан, технология ва саноат ишлаб чиқаришининг тез ривожланиб бориши билан нишонланди. Қишлоқ хўжалиги технологиясининг мукаммаллашувда давом этиши қишлоқ хўжалиги унумдорлигининг кескин ўсишига олиб келди ва очарчилик муаммоси чекина бошлади. Мана шуларнинг ҳаммаси болалар ва катта ёшдаги кишилар ўлимини камайтирди, бу нарса туғилиш юқори бўлгани ҳолда аҳоли сонининг тез кўпайиб боришини билдирар эди. Қишлоқ хўжалигидаги революция неча ўн минглаб ишчи қўллар бўш қолишига олиб келди, бушаҳарлар ўсиб, саноат ривожланиши ва янги ерлар эгаллаб олинишига олиб келди. Янги ерларнинг кашф этилиши ва эгаллаб олиниши савдо-сотиқ, молия системаси ва саноат ривожланиб боришига туртки берди. Мана шу жараёнларнинг ҳаммаси илмий таъминот бўлишини талаб қиларди, пугна кўра илму-фан тез суръатлар билан ривожланиб борди.

Шу билан бирга тез ривожланиб бораётган саноат марказлари оч қашшоқлар билан тўлиб кетган эдики, булар, меҳнат шароитларининг оғирлигини гапирмаганда ҳам, энг оддий қулайликларсиз яшар эди. Мана шу нарса аста-секин оммавий норозиликлар бошланишига, "инсон ҳуқуқлари" тушунчаси пайдо бўлиши ва Америка (1775) билан Франциядаги (1789) революциялар давомида феодал тартиб-қоидаларидан халос бўлишга олиб келди. Наполеон 1815 йили Ватерлоо яқинида узил-кесил мағлуб бўлганидан кейин Оврупонинг консерватив ҳукуматлари буржуазия ("учинчи табақа") нинг зўр ҳаракатларига дуч келди. Бу ҳаракатлар ижтимоий кучлар ва турмуш шароитларининг тақсимланишида фуқаролар саломатлигига сезиларли таъсир ўтказган ўзгаришлар рўй беришига олиб келди.

Амалий эпидемиологиянинг пайдо бўлиши

Цинга (лавша) узок сафарга чикувчи денгизчилар ўртасида ўша замонлардаги соғлиқни сақлашнинг кескин муаммоси бўлиб ҳисобланар, чунки бу касаллик савдо-сотиқ, қидириб-текшириш ёки ҳарбий мақсад-ларда ўтказиладиган денгиз сафарларини жуда мушкул қилиб қўярди. Чунончи, 1498 йили Васко де Гама ўз командасининг 55 нафар аъзосини йўқотди, булар кўп ойлик денгиз сафари вақтида ўлиб кетди. Даниялик денгизчилар овқат рационида янги сабзавот ва цитрус мевалар бўлиши цинга билан оғришни сезиларли даражада камайишини XVI асрдаёқ пайқашди. XVII асрнинг ўрталарида британиялик ҳарбий врач Ж.Вудал цингага даво қилиш учун лимон ва апельсин ишлатишни тавсия этди, лекин бу тавсиялар кенг қўлланилмай қолди. XVII - XVIII асрларда рус ва бошқа оврупо қўшинлари овқатига цинганинг олдини олиш учун тузланган карам қўшиб бериладиган бўлди.

Бироқ, янги сабзавот ва меваларнинг цинганинг олдини олишда қимматли эканлиги фақат XVIII асрнинг иккинчи ярмидагина илмий нуктаи назардан исботлаб берилди. 1754 йили Британия флотининг врачлари капитан Жеймс Линд денгизчиларни биринчи марта эпидемик текширувдан ўтказди, натижада лимон суви кемаларда албатта овқатга қўшиб бериладиган ва цингадан сақловчи восита тариқасида ишлатиладиган бўлди. Мана шу текширув ва ундан кейин ўтказилган профилактик ишлар эпидемиологик кузатувларнинг муҳимлиги, шунингдек саломатлик учун тўғри овқатланишнинг аҳамияти катталигини кўрсатди. Витаминлар гарчи 150 йилдан кейин кашф этилган бўлса-да, леюгк :у иш клиник эпидемиологик тадқиқотларнинг муҳимлигини ва овқатланишнинг соғлиқни сақлашдаги ролини белгилаб берди.

1.2 илова

ЖЕЙМС ЛИНД ВА ЦИНГА

Неча-неча йиллар давомида цинга (лавша) узок сафарларга чиқадиган денгизчилар орасида учрайдиган асосий касаллик ва ўлим сабабчиси бўлиб келди. Бу касаллик мева ва сабзавот захиралари тугганидан кейин бошланар ва узок денгиз сафарлари вақтида матросларнинг талайгина қисмини ишдан чиқариб қўяр эди.

«Солсбери» номли қирол кемасининг капитани Ж. Линд 1747 йилнинг май ойида цинга билан оғриган 12 нафар денгизчига 6 та ҳар хил овқатланиш тартибини буюриб, тарихда биринчи марта

клиник-эпидемиологик тадқиқот ўтказди. Лимон ва апельсинларни кўп олиб турган икки нафар денгизчи 6 кундан кейин соғайиб, хизматни давом эттиришга киришди, ҳолбуки қолган денгизчиларнинг аҳволи ёмонлашаверди. Линд айнан цитрус мевалар цингани бартараф этиб, унинг олдини олишга қодирдир, деган хулосага келди. У ўз кузатувининг натижаларини 1757 йили «Цинганинг табиати, сабаблари ва давоси хусусидаги тадқиқот» деган китобида эълон қилди

Бу кашфиёт анча узоқни кўра биладиган капитанлар ишига бир мунча тез жорий этилди ва, жумладан, Ж. Кукга унинг 1768 — 1771 йиллардаги дунё узра узоқ давом этган экспедициясида ёрдам берди.

1795 йилга келиб, сафарлар вақтида денгизчиларни лимон (ёки лайма) суви билан таъминлаш Британия флотида одат бўлиб қолди.

Ж. Линд денгизчилар турмушининг шароитларини яхшилаган муҳим ислохотларни ҳам ўтказдики, бу нарсa Британия флотининг жаҳонда биринчи бўлиб олишига кўп ёрдам берди.

Мўри тозаловчилар орасида учрайдиган ёрғоқ раки хусусида Потт томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари, шунингдек қўрғошиндан захарланиш (қўрғошин санчиқлари) ҳодисасининг Ж. Бейкер томонидан баён этилган тасвирлари замонавий эпидемиологиянинг ривожланишини бошлаб берди.

Женнер ва вакцина эмлаш

Чечак хавфли ва одамлар қиёфасини бузиб қўядиган касаллик бўлиб, милoddан аввалги III асрдан бери маълум. Уни X асрдаёқ Абу Бакр Розий тасвирлаб берган. Ўша пайтларда бу касалликни кизамиқ билан адаш-тиришар ва у Осиёда, Яқин Шарқ ва ўрта асрлар Оврупосида кўпларга маълум бўлган эди. Чечакни аввалига болалар касаллиги деб ҳисоблашди, ўлим тўғрисида 1629 йили Лондонда тузилган гувоҳномаларда уни ўлим сабаби деб аниқ белгилашди. Чечак эпидемиялари XVII, XVIII ва XIX асрларда давом этди, шу билан бирга ундан ўлиш ҳоллари баъзан 40 фоиздан ортар, омон қолган кишилар орасида эса, баданини чўтир босганлар кўп бўлар эди.

Неча-неча асрлар давомида чечак энг оғир ва ўлимга олиб келувчи юқумли касалликларнинг бири бўлиб келди, жаҳоннинг турли қисмларидаги бутун-бутун халқлар бу касалликдан азоб тортар эди. Испан истилоси бошланганида Жанубий Америкада бўлиб ўтган чечак эпидемияси ацтек ва қитъадаги бошқа туб халқларнинг равнақ топган маданияти йўқ бўлиб кетишида муҳим омил бўлди. Қадимги Хитой ва бошқа бир қанча Шарқ мамлакатларидаги эпидемиялар вақтида касалликнинг вирулент шаклла-ридан ҳимояланиш мақсадида дарддан соғайиб келаётган кишилардаги пустулалардан олинган материални соғлом одамларга юқтириш иши чечакка қарши эмлаш ишининг дастлабки тимсоли бўлиб хизмат қилди. XVIII асрнинг бошларида бу усул Англияда қўлланиладиган бўлди (бу тўғрида Константинополдаги Англия элчисининг рафиқаси - Мэри Монтегю хабар қилди). XVIII аср охирларига келиб Англияда шу усулга кенг амал қилинадиган бўлди-ю, лекин қитъада ҳали анча кам қўлланилар эди. Шуниси қизиқки, Россияда Буюк Екатерина ва валиахд Павел англиялик сарой врачлари томонидан эмланди, шу билан бир вақтда Франция қироли Людовик XV чечакдан вафот этиб кетди.

ЖЕННЕР ВА ЧЕЧАК

Инглиз графлиги Глостердан чиққан қишлоқ врачлари Эдуард Женнер (1749 -1823) қишлоқдаги кишиларнинг молларга қаровчи аёллари одамда учрайдиган чечак касалиги билан ҳеч қачон оғримайди, деган гапларига қизиқиб қолди. У бунинг сабаби ўша аёлларнинг сизир чечагига яқин юриши бўлса керак, деб тахмин қилди. Бир куни Женнер сизир соғувчи аёл Сар Нельме қўлидаги чечак пуфакчасидан суюқлик олиб, ўша ерлик Жеймс Фипс деган ўсмир қўлининг зарарланган терисига суртди. Шундан кейин Фипс чечакка қарши иммунитетга эга бўлди. «Вакцина инокуляциясининг келиб чиқиши» китобида Э. Женнер чечакка қарши оммавий эмлашда қўлга киритган ўз ютуқларини тасвирлаб берди ва «ушбу муолажа оммавий равишда жорий этиладиган бўлса, чечак-одамзот бошига тушган шу бало барҳам топади», деб башорат қилди.

Э. Женнер вакцинацияни қадимги⁴Хитойда (милoddан аввалги 320 йилда) ҳам маълум бўлган ва чечак пуфакчалари суюқдигини одамга таъсир эттиришдан иборат эмлаш усулининг ўрнини босувчи метод тариқасида қўлланди. Бу метод XVIII аср ўрталаридаёқ кенг қўлланилди ва врачларга жуда катта фойда келтирадиган даромал манбаи бўлди. Вакцинацияга тиббий ва илмий доираларда жуда каттиқ қаршилик кўрсатилди ва парламент фармони билангина у расман эътироф этилди.

1800 йили вакцинация амалиёти Британия армиясида, 1803 йили Дания» қабул қилинди, тез орада эса, бошқа мамлакатларда ҳам расм бўлди. Чечакка қарши вакцинация ўтказиш XIX асрда аста-секин бутун жаҳонга ёйилди. 1978 йилда, сўнгги чечак ҳодисаси аниқланганидан кейин бир йил ўтгач. Жаврш Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти бу касаллик йўқолиб кетди, деб эълон қилди.

1976 йилда англиялик қишлоқ врачлари Эдуард Женнер кўп йиллик тажрибасига таяниб туриб, биринчи марта чечакка қарши вакцина эмлаш усулини қўллади ва бунда сугир чечаги вакцинасини ишлатди. Вакцинация 1800 йилда Британия армиясига жорий этилди, кейин эса, Оврупода, Шимолий ва Жанубий Америка, шунингдек бутун Британия империясида қўлланила бошлади. 1800 йили Данияда вакцинани мажбурий равишда эмлаш тўғрисида қонун қабул қилинди ва шундан кейин кўп ўтмай бумамлакатда чечак бутунлай йўқ бўлиб кетди. Баъзи медикларнинг қаршилик кўрсатишига қарамай, вакцина эмлаш олдиниға аҳолининг юқори табақалари орасида, кейинчалик эса, эмлашни касалликдан халос бўлишнинг йўли деб билган оддий одамлар ва кўнгиллилар орасида тез расм бўлди.

Россияда чечакка қарши эмлаш 1802 йилда жорий этилди ва вакцинани бу ерга Э. Женнернинг ўзи юборди. Кейинчалик чечакка қарши эмлаш кўпгина мамлакатларда мажбурий бўлиб қолди ва, Женнер башорат қилганидек, чечак 1978 йили жаҳон миқёсида йўқ бўлиб кетди.

XVIII аср ислохотлари

Бу давр табиий ва тиббий фанларнинг гуриллаб ривожланиши билан нишонланди. XVIII аср ўрталаридан бошлаб Оврупо ва Америкада ҳайрия касалхоналари тармоғи пайдо бўла бошлади. Англияда Жон Ховард бошчилигида муниципал ва қамоқхоналарга тегишли касалхоналар ҳамда лазаретлар ислохоти ўтказилди, шунинг натижасида беморларни боқиш шароитлари кескин яхшиланди. 1793 йили Францияда доктор Филипп Пинель руҳий касалликлар билан оғриган беморлардан занжирларни Париж яқинидаги Бисетр шифохонасида биринчи марта олиб ташлади ва психиатрия шифохоналарини либераллаштириш ғояси-инглиз квакерлари тез орада ёқлаб чиққан ғоянинг фаол тарафдори бўлиб қолди.

Тиббиёт статистикаси ва эпидемиология

Демография, яъни аҳоли ва унинг ривожланиши тўғрисидаги фан асосини туғилиш ва ўлим ҳолларини рўйхатга олиб бориш ташкил этади.

Эпидемиология демография, социология ва статистика билан маҳкам боғланган. Ф. Бэконнинг илмий тадқиқотлар методологиясига дойр, Р. Бойлнинг кимё соҳаси, И. Ньютоннинг физика соҳасидаги асарлари XVIIасрнинг бошларида шу фанларга илмий асос солди. Ж. Граунт-ўз маблағлари билан Лондон қироллик жамиятига асос солган (1662) савдогар ҳамда фан ва санъат ҳомийси -"Ўлим бюллетенлари устидаолиб борилган табиий ва сиёсий кузатувлар" деган ва классик бўлиб қолган асарни 1662 йили чоп эттириб, унда ўлим ҳолларини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш хусусидаги ўз усулини таклиф этди ва буларнинг табиий ҳамда ижтимоий омилларга боғлиқлигини кўрсатиб берди. Жумладан, у шаҳарларда ўлим қишлоқлардагига қараганда кўпроқлигини кўрсатиб берди, шунингдек ўлимнинг мавсумларга қараб озайиб-кўпайиб туришини аниқлади. Граунт асари ижтимоий омилларни (масалан, одамларнинг қишлоқларданюммавий суратда шаҳарларга кўчиб ўтишини) таҳлил қилиш ва тиббий ёрдамни режалаштириш учун ўлим статистикасидан фойдаланишнинг тарихдаги биринчи мисоли эди. У ўлим билан турмуш шароитлари ўртасидаги боғланишни ва одамларнинг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб ўтиши ўлим кўрсаткичларини оширишини кўрсатиб берди.

Россияда Буюк Петр 1722 йили ҳарбий мақсадларни кўзлаб, ўғил болалар туғилишини рўйхатга олиб бориш тартибини жорий этди.

1755 йилда М. В. Ломоносов ташаббуси билан таркибида тиббиёт факультета бўлган Москва университетига асос солинди. М. В. Ломоносов ўзининг сиёсий арбоб И. И. Шуваловга юборган машҳур хатида туғилиш, гўдақлар ўлими, ичкиликбозлик, тиббий ёрдам бормаслиги ва бошқа кўрсаткичларни вақт-вақти билан текшириб туришга асосланган демографик статистиканинг Россия учун зарурлигини таъкидлади. У врач ва акушеркалар тайёрлашни яхшилаш, шунингдек санитария назоратини кучайтириш зарурлигига аҳамият берди.

Ўлим ҳоллари (умр узокдиги) нинг дастлабки математик жадвалларини Д. Бернулли тузди, у ўша жадваллар ёрдамида ёш болалик даврида чечакка қарши эмлаш бир умрлик иммунитет

беришини ва ўртача умрни 2 йилга чўзишини кўрсатиб берди. Тиббиёт статистикаси ва эпидемиология революциядан кейинги Францияда, аввало, ҳозирги замоннинг дастлабки эпидемиологи деб ҳисобланадиган Пьер Луи асарларида яна ҳам ривожланиб борди. Текширилаётган ва назоратда бўлган (контрол) гуруҳларни қиёслаб кўриш методидан фойдаланиб П. Луи, жумладан, турли касалликларга даво қилишнинг ўша пайтларда кенг расм бўлган усули - қон олиш бефойда ва ҳатто зарарли эканлигини исботлаб берди. П. Луининг шогирдлари-Францияда м. д'Эпин ва Англияда У. Фарр - тиббий муаммоларни ўрганиш учун статистик методлардан кенг фойдалана бошладилар (3 ва И бобларга қаралсин).

Соғлиқни сақдаш соҳасидаги ижтимоий муаммолар учун тиббиёт статистикасининг муҳимлиги Э. Чедвик, Л. Шаттак ва Ф. Найтингейз: асарларида қайд қилиб ўтилган. Ўз тадқиқотларида Э. Чедвик соғлиқни сақлаш ва касалликларнинг олдини олайш ишларини режалаштириш учунаниқ статистик маълумотларнинг ғоят катта аҳамиятн борхжгжззтаъкидлаб ўтди. Унинг фаолияти 1836 йилда Англияда Руйхатга олиш бош бюросини ташкил этишга ўз таъсирини ўтказди. Бу бюронинг директори этиб, унинг ишини соғлиқни сақлаш муаммоларига қаратган У. Фарр тайинланди. У. Фарр Ливерпулдаги ўлим ҳоллари кўрсаткичларини таҳлил қилиб, одамнинг ўртача умри ўша пайтларда бутун Англия бўйлаб 45 ёш бўлгани ҳолда, бу шаҳар аҳлининг деярли ярми атиги 6 ёшгача умр кўришини кўрсатиб берди. Унинг тадқиқотлари натижасида 1846 йили Англия парламенти Ливерпулдаги санитария шароитлари тўғрисида қонун қабул қилди, санитария қонунлари мажмуасини яратди ва маъқуллади, санитария нозири лавозимини, шунингдек маҳаллий санитария комиссияларини таъсис этди. 1850 йили асос солинган Лондон эпидемиология жамияти асосий тадқиқот муассасаси ва жамият соғлиғини сақлаш ишининг ғурури бўлиб қолди. Унинг чечак оқибатлари хусусида ўтказган текширишлари чечакка қарши мажбурий эмлашни 1853 йили Англияда жорий этишга асос бўлган қонунни қабул қилишга олиб келди.

Бостонлик врач Л. Шаттак 1842 йили Массачусетс штатида витал(одамнинг ҳаётида рўй берадиган) ходисаларни руйхатга олиш усулинижорий этди, бу усулдан кейинчалик барча штатларда модел тариқасидафойдаланилди. Унинг ҳисоботи жамият соғлиғини сақлаш соҳасига оидбошқариш ва режалаштириш ишларининг ривожига муҳим босқичбўлди. Бу ҳисоботда у одамнинг ёши, жинси, ирқи ва машғулотинингтури тўғрисидаги

маълумотларни йиғиш методларига обзор бериб ўтди ва касалликлар ҳамда ўлим сабабларини рўйхатга олишда ишлатиладиган атамаларни бир қолипга келтириш зарурлигини кўрсатиб берди. У маълумотлар ва ахборотлар билан алмашилишда шаблонлар системасининг аҳамиятини таъкидлаб ўтди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ф. Найтингейл беморни касалхонадан чиқаришда рўйхатга олишнинг аҳамияти борлигини таъкидлади. У беморнинг касалхона бўладиган маълумотларни йиғиш ва улардан фойдаланиш ғоясини қўллаб-қувватлаб, касалхона беморлари тўғрисидаги ахборотнинг жуда муҳим маълумотлар манбаи эканлигини, чунки беморни касалхонада даволаш касаллик тарихининг муҳим пайти эканлигини исботлади.

1873 йили Макс фон Петтенкофер Мюнхендаги ўлим кўрсаткичларини ўрганиб, буларни Лондонга тегишли кўрсаткичлар билан солиштириб кўрди. Унинг жамият саломатлигининг қимматли эканлиги тўғрисида омма олдида қилган маърузалари Лондонда, шунингдек Берлинда санитария соҳасида ислохотлар ўтказишга олиб келди, Берлиндаги ислохотлар ташаббускори Р. Бирхов бўлди. Петтенкофер жамият соғлиғини сақловчи муассасалар амалиётига лаборатория текширувларини жорий этди ва Мюнхенда гигиена ва жамият соғлиғини сақлаш бўйича биринчи кафедрага асос солди ва бу билан соғлиқни сақлаш базасини мустаҳкамлади.

Давлат ва ижтимоий ислохотлар

1646 йилдаги фуқаролар урушидан кейин Англияда уруш ветеранлари парламентни демократик ислохотларнинг бир қисми тариқасида бутун мамлакатда бенул таълим билан бепул тиббий хизматни жорий этишга даъват қилдилар, лекин бу уриниш беҳуда кетди ва уларнинг революцион ғоялари кейинги диний можаролар ҳамда монархияни тиклаш учун кураш давомида қўллаб-қувватланмади.

Россияда давлатнинг соғлиқни сақлашдаги роли Петр ислохотлари даврида кучайди. Кейинчалик, XVIII асрда инфекцион касалликлар пайдо бўлишини назорат остида тутиш юзасидан муваффақиятли уринишлар бўлди, масалан, 1771-1772 йилларда Москвада граф Г.Г.Орлов бошчилигида чума эпидемиясини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлинди. Айтилган вақтда чумага барҳам бериш юзасидан эпидемияга қарши чора-тадбирларни давлат йўли

билан ташкил этиш, жумладан уларни давлат йўли билан режалаштириш, маблағ билан таъминлаш ва назорат қилишнинг янги методлари таърифлаб берилди ва амалда татбиқ этилди. Давлатнинг соғлиқни сақлашдаги ролини кучайтиришнинг тарафдори «Давлат назорати-энг яхши доктор» деб номланган докторлик диссертациясини 1784 йили ёқлаган рус врач И. Л. Данилевский бўлди. XVIII-XIX асрлардаги умумий либерал ислохотлар давомида ҳукумат оддий тиббий ёрдамни ташкил этиш, шаҳарларда санитария аҳволини яхшилаш ва бошқа йўллар сари қадамлар қўйди. Николай I подшолик қилган даврда ислохотларнинг суръатлари гарчи сусайган бўлса-да, бу ғояларни кейинги ҳукуматлар у ёки бу даражада амалга оширди.

Францияда 1789 - 1793 йиллардаги революциядан кейин Таъсис кенгаши Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича комиссия тузди (1797). Камбағалларни қўллаб-қувватлаш юзасидан миллий дастур тасдиқланди. Париж муниципалитети бир мунча кенг доирадаги ваколатларга эга бўлди, вақти билан эса, XIX асрдаги индустрлаш жараёнида бошқа шаҳарларда ҳам муниципалитетлар қошидаги Соғлиқни сақлаш бўлимларини мустаҳкамлаш сари қадамлар қўйилдики, шу бўлимларга 1797-1830 йилларда эпидемияларни бирёқлик қилишга тўғри келди. 1802 йили Париж соғлиқни сақлаш бўлими санитария муаммолари, озиқ-овқат маҳсулотларини назорат қилиш, тиббиёт статистикаси, касб касаллшаара. биринчи ёрдам ва тиббий таъминот масалалари билан шуғулланди. Франциянинг бошқа катта шаҳарлари ҳам бундан намуна олиб. соғтаясэисақлашни бошқаришнинг ушбу жиҳатлари миллий даражага кўтарилган 1848 йилгача шу тариқа ишлаб боришди. Болалар ижтимоий хизматлари Францияда XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб юзага кела бошлади.

Аҳолининг табиий ҳаракатланиш статистикаси герман мамлакатлари ва Францияда мустаҳкамланди ва ўлим сабабларини эпидемиологик жиҳатдан тадқиқ этиш ишлари унинг асосида ривожланиб борди.

Соғлиқни сақлашни ташкил этишга давлат йўли билан ёндашувни Иоганн Петер Франк (1779 - 1817) XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларида ўзининг «Тиббий сиёсатнинг тўла системаси» деган туркум китобларида таърифлаб берди. Унинг таклиф этган системаси жамият ва шахе ҳаётининг фуқаролар саломатлиги ва фаровонлигига бир қадар дахддор бўлган жиҳатларини (кўчалар, жамоат жойлари ва хонадонларнинг санитария аҳволи, никоҳ ва оила тўтрисидаги қонунлар, туғруққа ёрдам бериш ва бошқаларни) давлат йўли билан

идора этишни ўз ичига олар ва ўша замондаги барча герман мамлакатларида жорий этилган эди. Бу чора-тадбирлар, хусусан, ҳомиладор аёллар устидан тиббий кузатув олиб бориш, кўзи ёриган аёлларга дам ва нафақа олиш ҳуқуқини бериш, мактаб ўқувчилари саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларни овқатлантириш, канализация системаларини марказлаштириш ва ахлатларни муниципал хизматлар иштирокида йиғиштириб олишни ўз ичига олар эди. Соғлиқни сақлаш соҳасида Франк таклиф этган сиёсат тиббиёт статистикаси, ҳарбий тиббиёт, касалхоналарни тегишлича сақлаш, таносил ва бошқа инфекцион касалликлар устидан назорат ўрнатиш масалаларини ҳам қамраб олган эди.

Франкнинг фундаментал асари Россияда соғлиқни сақлашнинг ривож-ланишига катта таъсир кўрсатди, Франк Россияда уч йил (1805-1807) давомида Петербургдаги ҳарбий-тиббий академияга бошчилик қилди. Бироқ, бошқа ғарб мамлакатларида асосий ролни давлат ва маҳаллий тузилмалари ўйнашига таяниб туриб, соғлиқни сақлашга шу тариқа марказлаштирилган усулда ёндашиш эътирозларга сабаб бўлдики, булар Наполеондан кейинги даврдаги абсолютизм инқирози пайтида айниқса кескинлашди.

Англияда, парламент системаси ва ривожланган фуқаролик институтлари туфайли, талайгина ижтимоий ислохотлар амалга оширилди. Матбуот ва У. Хогарднинг ичкиликбозликдан кулувчи ажойиб сатирик гравюралари томонидан қўллаб-қувватланган алкогольга қарши ҳаракат юридик ва полиция ислохотларига олиб келди. Империя гуллаб-яшнаган даврдаги энг оммавий касб ахлларида бири - денгизчиларнинг турмуш шароитлари Ж. Кукнинг денгиз сафарлари ва Спитхед портидаги матрослар кўзғалонидан кейин анча яхшиланди. Америка Қўшма Штатларида XVIII аср охирларида денгизчилар учун бир қанча госпиталлар очилди ва улар Америка соғлиқни сақлаш системасининг асоси бўлиб қолди.

Буюк Британияда меҳнат тўғрисидаги қонунлар (конлар ва фабрикалар ҳақидаги қонунлар)нинг ислоҳоти болалар ва аёлларнинг ер остида ишлашларини тақиқ қилишга, кейинчалик эса, иш кунини 10 соатгача қисқартиришга ҳам олиб келди (40- йилларда). XIX асрнинг ўрталарида транспорт (буғ двигатели, пароходлар, темир йўллар) ва алоқа воситалари (арзон турадиган оммавий газеталарни нашр қилиш, почта ва телеграф) соҳаларида рўй берган техника тараққиёти одамлар ва давлатлар ўртасидаги ахборот алмашинувига йўл

очди. Англияда 1876 йили мажбурий бошланғич маълумотнинг жорий этилиши умумий саводхонлик ошишига ва босма ахборотдан баҳраманд бўлишга ёрдам берди.

Англия қонунлари аҳоли камбағал табақаларининг таъминоти учун масъулиятни 1834 йили маҳаллий тузилмалар зиммасидан олиб, марказий тузилмалар зиммасига юкладики, бу нарса камбағалларнинг қишлоқлардан ўсиб бораётган саноат шаҳарларига эркин равишда кўчиб ўтишини қонунлаштирди. Инглиз социологлари ва иқтисодчилари (буларнинг орасида Адам Смит ва Жереми Бентам) «мумкин қадар кўпроқ сондаги фуқаролар учун фаровонликни мумкин қадар кўпроқ» таъминлаши учун либерализм, рационализм, эркин савдо, сиёсий ҳақ-ҳуқуқлар ва ижтимоий ислохотлар ғояларини ҳимоя қилдилар. Оврупо қитъасида ҳукумат бошлиқларининг муътадил ислохотларга кўрсатган қаршиликлари мавжуд аҳволни тубдан ўзгартиришга қаратилган уринишларнинг такрорланишига олиб келди. Оврупо революциялари мағлубиятга учраганидан кейин янада консервативроқ кучлар ҳокимият тепасига келишди.

Турар жой, меҳнат гигиенаси ва санитария шароитлари ёмонлашиб қолгани туфайли Британияда ишчилар орасида ўлим ҳоллари кўпайди. Саноат марказларида, масалан, Манчестерда 1875 йили соғлиқни сақлаш бўйича кўнгиллилар кенгаши тузилди, лекин шаҳар муҳитини сақлаб туриш ва касалликлар чиқишига йўл қўймаслик учун уларнинг ваколатирўй-ростига камлик қиларди. Бу кенгашлар сув таъминоти, канализации, инфекция тарқатадиган ҳайвонларга қарши кураш, сув ва овқатсифатининг пастлиги ҳамда шаҳар муҳитининг таҳдид соладиган даражада ифлосланиб бораётгани хусусидаги муаммоларни ҳал қилишга эмас эди.

1.4 илова

ЭДВИН ЧЕДВИК ВА КАМБАҒАЛЛИК БЎЙИЧА ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ БРИТАНИЯ КОМИССИЯСИ

Қуйи синфларнинг ижтимоий ва маиший аҳволини ўрганиш мақсадида 1834 йили парламентда камбағаллик бўйича комиссия тузиди. 1842 йилда Британия ишчилари турмушининг санитария шароитларига дойр комиссия унинг ишчи органи бўлиб қолди. Бу комиссияга Э.Чедвик бошчилик қилди. Комиссия маърузаси мамлакатнинг барча

минтақаларида турмуш ва меҳнат шароитларининг жуда оғир бўлиб, камбағаллик ва касалланиш ўртасида боғланиш борлигини кўрсатиб берди, унда ишчилар кўп ўлиши сабабларининг таҳлили ҳам бор эди. Маъруза санитария назорати бўйича махсус комиссиялар тузиш ва аҳолининг санитария ҳамда тиббий эҳтиёжларини таъминловчи қонунни қабул қилишни таклиф этди. Чедвик комиссиясининг фаолияти натижасида Буюк Британияда биринчи марта 1848 йили Соғлиқни сақлаш тўғрисида умуммиллий қонун қабул қилинди ва мамлакатнинг ҳамма қисмларида муниципал соғлиқни сақлаш комиссиялари тузилди. Британия қонунлари Америкадаги соғлиқни сақлаш сиёсатига кучли таъсир ўтказди.

Э. Чедвик фаолияти ва Буюк Британия ишчилари турмушининг санитария шароитлари бўйича унинг бошчилигидаги комиссия маърузаси (1842) Камбағаллик бўйича комиссия фаолияти доирасида ўтказилган бир қанча ислохотларни бошлаб берди. Британия парламенти шаҳарларда соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларни ва Соғлиқни сақлаш тўғрисидаги умуммиллий қонунни қабул қилди (1848). Мана шу қонунларга асосан йирик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида санитария назоратини олиб борадиган муниципал ва маҳаллий комиссиялар тузилди. Ушбу ислохотлар «санитария инқилоби» ни бошлаб бердики, бунинг натижасида инглиз шаҳарларининг санитария ҳолати анча яхшиланди, инфекцион касалликлар - вабо, тиф ва сил эпидемияларининг сони анча камайди.

Санитария назоратининг шунга ўхшаш дастурини амалга ошириш учун 1850 йили АҚШ Массачусетс штатининг д-р Л. Шаттак бошчилигидаги Санитария комиссияси тузилди. Шу комиссиянинг 1970 йили қайта нашр этилган ҳужжатлари санитария сиёсатининг классик намунаси бўлиб, унинг асосий қоидалари АҚШ да ҳозирги кунда ҳам долзарб ҳисобланади.

Саломатлик муҳофазаси юзасидан Британия ва Американинг баъзи шаҳарларида жамоатчилик асосида иш юритувчи мавжуд муниципалкомиссиялар XVIII аср охирлари - XIX аср бошларида тузилган эди. Соғлиқни сақлашга дойр марказий комиссия Британияда 1805 йили олдинига мамлакатни сариқ иситма ва вабодан ҳимоя қиладиган карантин хизмати тариқасида тузилган. Шаҳарлар, канализациянинг санитария аҳволи, шунингдек йўллар, чироқларнинг ҳолати яхшиланди, метал водопроводлар ўтказилди, сув манбаларини филтрлаш ишлари бошланди, лекин бу фаолиятнинг ҳаммаси ташкилий жиҳатдан бетартиб ҳолда қолаверди. Сув таъминоти билан ҳеч ким назорат қилмайдиган бир нечта

агентликлар ва хусусий компаниялар шуғулланди. Лондон муниципалитетида йўллар, чирокдар ва ахлатни йиғиштириш бўйича 100 га яқин, ижтимоий муаммолар бўйича эса, 172 та комиссия ва соғлиқни сақлаш муаммоларига алоқадор бошқа кўпгина муассасалар бор эди. 1885 йили буларнинг ҳаммаси Лондон Муниципал ишлар бошқармасига қўшилди.

Англияда Чедвик (1842) ва АҚШ да Шаттак (1850) маърузаларидан кейин соғлиқни сақлашга дойр қонунларни ишлаб чиқиш ва буларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлган ҳамда жойлардаги санитария шароитларини назорат қилиш ва тартибга солиш учун кенг ваколатлар берилган муниципал органларни тайинлаш зарур, деган концепция юзага кела бошлади. Бу комиссияларнинг вазифалари жумласига шаҳарларни режалаштириш ва минтақаларга ажратиш, турар жойлар ҳудудларида турли ҳайвонларни сақлаш ва саноат корхоналарини жойлаштиришни чеклаб қўйиш, меҳнат шароитларини тартибга солиш ва маҳаллий инфраструктуранинг бошқа жиҳатлари кирар эди.

Буюк Британияда бошланган биринчи вабо эпидемияси (1832) саломатлик муҳофазаси юзасидан маҳаллий бўлимлар тузиш зарурлигини исботлади, бу бўлимларнинг ваколатлари олдинига катта эмас эди. Иккинчи катта эпидемия (1848) парламентни Чедвик комиссиясининг таклифлари асосида Саломатлик муҳофазаси юзасидан марказий комиссия тузиш тўғрисидаги қонунни қабул қилишга мажбур этди. Бу муассаса 1848 йилдан то 1852 йилгача ишлаб келди ва шу йиллар давомида Буюк Британиянинг саноат шаҳарларидаги соғлиқни сақлаш хизматларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаб турди. Вабодан қўрқиш аҳолининг хусусий ишларига ҳукумат аралашувини ёқтирмаслик одатини енгишга ёрдам берди ва шу туфайли Лондонда замонавий водопровод қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Саломатлик муҳофазаси юзасидан марказий комиссия узок умр кўрмаган бўлса-да, муниципал доирадагибундай органлар бутун мамлакат бўйлаб тузилди. Санитария назорати соҳасидаги шунга ўхшаш ташкилий қарорлар Америкада ҳам қабул қилинди.

1869 йилда Массачусетс штатининг Соғлиқни сақлаш бўйича марказий кенгаши ташкил этилди, Буюк Британия Қироллик санитария комис-сияси иш бошлади. 1872 йили америка соғлиқни сақлаш соҳасида асосий профессионал, таълимий ва сиёсий куч бўлиб қолган Америка соғлиқни сақлаш ассоциациясига асос солинди. Ушбу Ассоциация саъйи-

ҳаракатлари билан жамият саломатлиги учун муҳим бўлган талайгина қарорлар жамоалар, штатлар ва умуман мамлакат миқёсида амалга оширилди. Бу Ассоциация уччала бўғиннинг ҳар қайсисидаги соғлиқни сақлаш ишларининг сифат кўрсаткичларига дойр муҳим системани ҳам ишлаб чиқдики, бу система маҳаллий органлар учун бир мўлжал бўлиб қолди.

Санитария билан ижтимоий гигиенанинг ўзаро боғлиқлиги ижтимоий гигиена асосчиси Р. Вирхов асарларида таъкидлаб ўтилган эди. Р. Вирхов ва Берлин билан Мюнхендаги экспериментал гигиенанинг биринчи профессори - М. Петтенкофернинг саъйи-ҳаракатлари билан санитария ва экологияга оид кўпгина муаммолар ҳал қилинди. Бу олимлар «соғлом шаҳар» тушунчасини муомалага киритишди ва шаҳар муҳитининг фуқаролар саломатлигига таъсир қилишини, шунингдек маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг шаҳар муҳитини ҳимоя қилиш учун жавобгар эканлигини таъкидлашди.

Россияда 1861 йили крепостной ҳуқуқ бекор қилинганидан кейин бир қанча либерал ислохотлар ўтказилди, жумладан, университетларнинг мустақиллик мақоми қайтариб берилди ва қишлоқ жойларида ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари системаси - земстволар таъсис этилди. Земстволарнинг вазифалари илгари тиббий ёрдам бўлмаган жойларда бепул тиббий ёрдам кўрсатиш кирарди. Уезд шаҳарлари ва талайгина йирик қишлоқларда дипломли врач ва фельдшерлар ишлайдиган амбулаториялар, касалхоналар ва туғруқхоналар очилди. 1860 - 1870 йилларда Россиядаги асосий университетларнинг тиббиёт фа-культетларида шаҳар ва саноат корхоналаридаги санитария шароитларини ўрганши.учун гигиена бўлимлари очилди. Россиядаги илмий гигиена асосчиси Ф. Ф. Эрисман экспериментал фан, клиник тиббиёт ва ижтимоий гигиена уртасидаги алоқаларни кенгайтиришни ёқлаб чиқди.

Германияда канцлер Бисмарк 1883 йили барча саноат ишчилари учун улар шикастланиб, майиб бўлиб ва касалланиб қолган маҳалларида мажбурий суғурталаш ҳақидаги қонунни жорий этди. Худди шунга ўхшаш қонун Англияда бош вазир Ллойд Жорж томонидан 1911 йили, Россияда - 1912 йили жорий этилди; Ғарбий ва Марказий Оврупонинг деярли барча мамлакатларида шундай қонун бор эди. Кўрилган мана шу ва бошқа чоралар шунга олиб келдики, ривожланган барча мамлакатларнинг ҳукуматлари аҳолининг саломатлиги ва

тиббий таъминоти учун жавоб-гарликнинг катта қисмини XX асрнинг ўрталарига келгандаёқ ўз зимма-ларига оладиган бўлди (13 бобга қаралсин).

Санитария маорифи (1830 — 1875)

Оврупонинг саноат ривожланган ва конлар қазиладиган марказларидаги ишчилар турмуш ва меҳнат шароитларининг оғирлиги саноат революцияси даврида ижтимоий ислохотларни амалга ошириш учун туртки бўлди, бу ислохотларнинг бир қисми ишчилар мавзеларида санитария шароитларини яхшилашга қаратилган эди. Юқумли касалликларнинг табиатан микробларга боғлиқлиги ҳали маълум бўлиб, уларни аниқлашнинг лаборатория методлари ишлаб чиқилмасдан олдиноқ эпидемиологик текшириш методининг ривожланиши ва соғлиқни сақлаш амалиётида уни қўлланишда кескин ўзгариш рўй берди. Бу ўзгариш Жон Сноу номи билан боғлангандир.

Жон Сноу вабо тўғрисида

1832 йили Ҳиндистонда бошланган вабо пандемияси 1854 йилга келиб бутун Оврупо қитъаси бўйлаб тарқалди ва Америкага етиб борди. 1829 ва 1830-1831 йилларда Москвада вабо бошланган пайтларда яқин 33 минг киши ҳалок бўлиб кетди. Парижда 1832 йилдаги вабо эпидемияси вақтида шаҳарликларнинг 18 минг нафари nobуд бўлдики, бу - мамлакат аҳолисининг 2 фоизини ташкил этарди.

1854 йили Лондонда ҳам вабо бошланди, буни ўрганиш билан Лондон эпидемиология жамиятининг аъзоси, киролича Викториянинг шахсий врачси Жон Сноу шуғулланди. У вабо тарқалиши Лондондаги сув таъминоти системаси билан боғлиқ, деб тахмин қилди, кейинчалик эса, буни исботлади, ҳам. Шу нарса касалликнинг юқиши жанубий Лондоннинг катта-катта қисмларига етказиб бериладиган Темза сувларига боғлиқ, деб ҳисоблашга имкон берди. Тажриба тариқасида Жон Сноу шу жойдаги сув насосини беркитиб қўйиш тўғрисида келишиб олди, шунда янгидан касалланиш ҳоллари кўп ўтмай барҳам топди. Бу нарса Жон Сноуга вабо билан касалланиш ифлосланган сувдан фойдаланишта боғлиқлигини аниқдашга имкон берди.

ЖОН СНОУ ВА ВАБО, ЛОНДОН (1854)

1848 ва 1854 йиллар орасида Лондонда бир неча марта вабо эпидемиялари бўлиб ўтди. Шаҳарнинг суцни хусусий компаниялар етказиб берадиган ҳудудларида рўйхатга олиган касаллар сони ҳаммадан кўп бўлди, бу кампаниялар сув олиш учун битта жойдан фойдаланар эди. Бир сафарги вабо эпидемиясидан кейин «Ламбет» кампанияси сув олинадиган жойни Темзанинг ташландилар билан камроқ ифлосланадиган қисмига кўчирди.

1854 йилнинг август ва сентябр ойларида доктор Жон Сноу Броуд кўчасига ёндошган Сохо минтақасидаги янги вабо эпидемиясининг сабабларини текшириб кўрди. У 10 кун давомида вабодан ўлиб кетган 500 кишининг манзилларини ва сув етказиб берадиган кампания номини аниқлади. Ўша одамларнинг ҳаммаси ё Броуд кўчаси ҳудудида яшар ёки шу кўчадан олинадиган сувдан фойдаланар экан. Жон Сноу шу ҳудуддаги пиво заводининг ишчилари ва ўша жойдаги ғарибхонада яшовчи кишилар зарарланмаган ҳавзаларнинг сувини ишлатишлари ва касал бўлмаганларини, ҳолбуки, Броуд кўчасидаги сув манбаларидан олинган сувни ишлатган кишилар касал бўлиб қолганини аниқлади. У Броуд кўчасидаги сув манбаидан фойдаланишни тўхтатиш зарурлигига маҳаллий ҳокимиятни ишонтирди, шунда эпидемия бир неча кундан кейин барҳам топиб кетди.

1854 йилнинг сентябридан октябрга қадар Сноу вабонинг бошқа бир эпидемиясини текшириб кўрди ва яна касаллик сувдан тарқалади, деб тахмин қилди. У ўлганларнинг турар жойларини ва тегишли мавзеларга сув етказиб берган кампаниянинг номини аниқлади. Сноу сувни икки кампаниянинг биридан олиб турадиган мавзеларда 4 ҳафта давомидаги ўлим кўрсаткичларини ҳисоблаб чикди. «Саутворк ва Воксхолл» кампаниясидан сув билан таъминланадиган уйларда ўлим жуда кўп, ҳолбуки, сувни «Ламбет» кампанияси етказиб берадиган жойларда эса, вабодан ўлиш кўрсаткичлари Лондонда ҳаммадан паст эканлиги аниқланди.

Сноунинг ишлари ҳозир ҳам касалликларнинг микроб назарияси -ўша замонларда рақиблари кўп бўлган назариянинг ривожланишига катта ҳисса қўшган классик эпидемиология деб ҳисобланади. Бу ишларнинг бошқа бир натижаси хусусий кампаниялар томонидан етказиб

бериладиган сувни албатта филтрлашни жорий этган 1857 йил қонунидир. Вабо вибриони эса, Мисрдаги вабо эпидемиясини ўрганган Роберт Кох томонидан 1883 йилдагина кашф этилди. Жон Сноу тадқиқотлари инфекцион касалликлар соҳасидаги эпидемиологик тадқиқотлар намунасидир.

1.1.-жадвал

Лондоннинг хусусий кампаниялар томонидан сув билан таъминланган турли қисмларида 1854 йилнинг етти ҳафтаси давомида вабодан ўлиш ҳоллари

ияларнинг номлари	сони	н ўлганлар сони	инг уй ҳисобида н ўлим кўрсаткичи
орк ва Воксхолл т» ари			

Манба: Snow J. On the Mode of Trasmission of Cholera \ Snow on Cholera. N. Y.: The Commonwealth Fund, 1936.

УильямБадд-БристолдагиҚиролликгоспиталиврачи-касалликлармикробларданпайдобўлади, деганилмийназариянингасосчилариданбириэди. У тиф иситмаси эпидемиологиясини текширди ва букасалликнинг ичимлик сувга боғлиқлигини аниқлади. 1853 йили тифиситмаси вақтида 140 киши иштироки билан Коубриж шаҳарчасидабўлган балдан кейин меҳмонларнинг ҳаммаси тез орада тиф билан оғрибқолди. У. Бадднинг текшириши тиф билан оғриган бир беморнинг байрамдан бир неча кун илгари ўша байрам ўтказилган жойда бўлгани ваахлати қудуқ ёнидаги ариққа тушганини, байрам дастурхонига ишлатилган сув эса, шу қудуқдан олинганини кўрсатиб берди. Инфекциянингифлосланган сув орқали тушгани аниқ бўлиб қолди. У. Бадд тиф иситмасининг бошқа маҳаллий эпидемияларини ҳам шу тариқа текшириб кўрдива ўз кузатувларининг натижалари бўйича «Тиф иситмаси, унинг келибчиқиши, юқиш усуллари ва олдини олиш йўллари» деган илмий асариничоп

эттирди (1873), бу асар сув билан тарқаладиган ичак касалликлари эпидемиологиясига оид классик кўлланма бўлиб қолди.

У. Бадд билан Жон Сноунинг эпидемиологияга дойр ажойиб тадқиқотлари эпидемиология ва жамият соғлиғини сақлаш соҳасидаги (ифлосланган сувга боғлиқ касалликлар соҳасидагина эмас) янги йўналиш учун асос бўлди. Бу тадқиқотлар эпидемиология соҳасидаги илмий текшириш-ларнинг юқумли касалликлар тарқалишига йўл қўймаслик учун катта ҳисса қўшган янги стандартларини белгилашга имкон берди.

Миазмлар назариясига қарши микроб назарияси

XIX асрнинг биринчи ярмида касалликларнинг табиатига доир илмий мунозаралар икки йўналишда: микроб юқиши тўғрисидаги назариямиазмлар тўғрисидаги бир мунча эски назария хусусида борди. Миазмлар тушунчаси - юқумли, зарарли ҳаво тўғрисидаги тушунча - антик тиббиёт назариясига бориб тақалади. Бу ғоя тарафдорлари шаҳарларнинг аҳолиси зич жойларидаги органик ташландилардан - ахлатхоналар, канализация оқавалари, чириётган ҳайвон мурдалари ва бошқалардан чиқувчи буғлар одамларга ҳалокатли таъсир кўрсатади, деб ҳисоблар эдилар. Профилактика чоралари тариқасида яшаш муҳитларини миазмлар манбаларидан тозалаш таклиф этиларди.

1.6. илова

П. ПАННУМ ФАРЕР ОРОЛЛАРИДА ЧИҚҚАН ҚИЗАМИҚНИ ЎРГАНАДИ (1846)

Копенгаген университетини битириб чиққан 26 яшар Питер Л. Паннум Фарер оролларида чиқиб қолган қизамиқни ўрганиш учун Дания ҳукумати томонидан 1845 йили ўша ороллар (Атлантик океаннинг шимоли)га юборилди. Ундан олдинги қизамиқ эпидемияси ўшандан анча йиллар илгари (1781 йилда) рўйхатга олинган, янгиси эса ҳаддан ташқари кўп тарқалгани билан ажралиб турарди: ородда яшовчи 7782 нафар кишидан 6 мингтага яқини қизамиқ билан оғриб қолган ва 102 нафари ўлиб кетган эди. Касалликнинг бир кишидан бошқаларга ўтиш йўллари аниқлаш учун Паннум архипелагнинг олисдаги ҳамма чеккаларини текшириб чиқди. Ўз кузатувларига асосланиб туриб, у қизамиқ касал

кишидан соғ одамга улар бир-бирига яқин юрганидагина юқади (ўша замонда хукм суриб турган фикрга қарама-қарши ўлароқ), касаллик билан оғриб ўтган киши умр бўйи иммунитетга эга бўлиб қолади, деб хулоса чиқарди.

У ўзининг ажойиб тажрибасида қизамиқнинг табиатан инфекцион касаллик эканлигини, унинг яширин даври борлигини, бу даврда касаллик ҳали билинмаса ҳам, аммо юқумли бўлишини ишончли қилиб исботлаб берди. У касалликнинг «ўз-ўзидан қўзиши» ва миазмлар орқали тарқалиши тўғрисидаги фикрни рад этди ҳамда профилактиканинг самарали усули тариқасида беморларни алоҳидалаб қўйишни таклиф қилди.

Манба: Раппит P. L. Observations Made During the Epidemic of Measles on the Faros Islands in the Year 1846. From: Roueche B [ed] op. cit. London, 1963: P. 210 - 236.

Микробларборлигининг объектив далиллари ўша замонларда ҳалий ўқлигига қарамай, касаллик юқади деган назария (микроб назарияси), аксинча, касалликлар бемор киши соғ одамлар билан муомала қилганида, улар бир-бирига яқин юрганида юқиб қоладива шу сабабдан эпидемияларни чеклаб қўйишнинг асосий воситаси касаллик юққан кишилар учун карантин белгилашдир, деб таъкидлар эди. Голландиялик А. Левенгук 1673

йилда микроскопи ихтиро этганидан кейин микроб назарияси обдонтасдиқланди, микроскоп ёрдамида инсон кўзимикродунёни кўришга биринчи марта қодир бўлиб қолди. Микроб назариясининг тарафдорлари касалликларнинг кўзгатувчилари айнан шу микроорганизмлардир, булар бемор киши баданининг суякдиклари ёки ахлати одамга теккан маҳалда, шунингдек бошқа воситалар ва муҳитомиллари (сув, кемирувчилар, канализация оқавалари ва бошқалар) орқали ўтиб қолганида касаллик юқади, деб таъкидладилар.

Бубаҳсда Ж. Сноу ва У. Бадднинг юқори дати лга олиб ўтилган, касалликларнинг кўзгатувчилари ичимлик суворқали ўтишини ўтган асрнинг ўрталарида исботлагани шлар микроб назариясининг ғалаба қозонишига йўл очиб берди. П. Паннумнинг Фарероролларидаги қизамиқ эпидемиялари устида олиб борган ва касаллик беморга бевоситая яқин юрилганида юқишини, уюққанидан кейин инфекция даври бўлишини, оғриб ўтган кишиларда турғун иммунитет ҳосил қилишини исботлаган текширишлари ҳам шунинг

алишд аталқинқилинди. Касалликюқади, деганназариянинггузил-
кесилғалабаси Луи Пастер ва Роберт Кохишлари билан боғлиқдир.

Бу иккала назария тарафдорлари ўртасида ги мунозаралар кескин бўлганига қарамай,
амалий жиҳатдан олганда, уларнинг иккаласи ҳам санитария-гигиена чора-
тадбирларини кўриш, сув сифатини назорат қилиб бориш, канализация системалари,
ахлатларни марказлаштирилган усулда йиғиштиришишларини алоҳида лаш ва ҳоказолар зарурли
гини кўрсатиб берди ва ўрта с рнинг охирлари да Оврупова Америка нинг катта шаҳарлари да шу
ндай қилинди, ҳам.

Микробназариясини қўллаб-қувватлайдиган далил-
исботлар ва жиддий асослар тўпланиб борар экан, «санитария революцияси» давом этаверди.
Вабо ваҳимаси 1866 йил да Нью-
Йорк шаҳри ҳокимиятини Саломатлик муҳофазасига дойр комиссия тузишга мажбур қилди.
Гамбург да Саломатлик муҳофазасига дойр комиссия 1892 йили,
шаҳар да вабо эпидемияси авж олганидан кейингина тузилди.
Шу билан бир вақт да қўшни Альтон да сув нитозалаб берадиганин шоотлар бўлгани учун касалла
ни шҳоллари рўйхатга олинган ий ўқ.

Касалликлар сабабий омилининг аниқланиши (микробназариясй)
жамият соғлиғини сақлаш тараққиётининг йўналишлари дан бири бўлди.
Шу билан бир вақт да касалликларнинг экологик манбаларини кўрсатиб берган миазмларназариясй
ҳам эпидемиология ва соғлиқни сақлаш нтгяг ривожланишига ижобий таъсир ўтказди,
чунки у инсон организмнинг саломатлиги га атрофда ги муҳит (ҳаво, сув, озиқ-
овқат маҳсулотлари сифати ва бошқалар) нинг таъсир қилишини ва организмнинг ўзига хос патогент
аъсирларга бери лувчан бўлишини ҳақлис урат да таъкидлар эли.

Машҳур немис врачиватадқиқотчиси Р.

Вирхов патологиянинг хужайрана назариясй асосларини таърифлаб берди, шунингдек касалликлар
ижтимоий шароитларга бевосита боғлиқ, деб ҳисоблади. Р. Вирхов,
гарчи микробназариясининг тарафдори бўлмаса ҳам,
илмий тадқиқотлар методологиясининг муҳим таъмоий иллари ни (кузатув,
фаразларни майдон га қуйиш ва текшириб қўриш, илмий тажриба методика ситаъмоий иллари ни)
ишлаб чиқдики, булар тибиётнинг фан сифати да тараққий этиб боришига йўлоч иб берди.

Касалхоналарислоҳоти

Уйғонишдавридамонастирларқошидаваҳайриямақсадларидаочилган:
касалхоналарфақатгинакамбағалкишиларучунмўлжалланганэди.

Касалхона ёрдамини кўрсатиш амалиёти «санитария революцияси» ва касалликларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги тушунчаларнинг кенгайиши билан бирга аста-секин ўзгариб борди. XVIII аср Оврупосидаги касалхоналар, аслида, касалликларнинг уяси бўлиб, у ерларга одамлар даволаниш учун эмас, балки ўлиш учун борарди. Англиядаги касалхоналар ислоҳоти касалхоналар ишининг XVIII аср охирларидаги аҳволи ҳақида Жон Ховард маърузалари билан жонлантирилди ва ўша даврдаги умумий ижтимоий ислоҳотлар билан бир вақтга тўғри келди. Касалхоналаришида бир мунча профессионал ўзгаришлар антисептика тамойилларини амалиётда татбиқ этган Жозеф Листер, Флоренс Найтингейл, Оливер Холмс ва Игнац Ф. Земмельвейс сингари машҳур медикларнинг таъсири билан XIX асрнинг охирларидагина рўй берди. Мана шу тамойилларкасалхоналар аҳволи ва даво натижаларини кескин яхшилашга асос солди.

1.7 илова

К. Ф. КРЕДЭ ВА ЧАҚАЛОКЛАР ГОНОКОККЛИ ОФТАЛЬМИЯСИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

XIX асрда Оврупода сўзак, яъни гонорея касаллиги жамиятнинг барча табақатари орасида кенг тарқалган ва чақалокдар гонококкли инфекцияси кўпинча болалар қиёфасини чандиқлар билан бузиб, кўзини кўр қилиб қўяр эди. Лейпцигдаги университет клиникасининг профессор-акушери Карл Франц Кредэ чақалокларда бўладиган гонококкли кўз касаллигига ҳар хир препаратлар билан даво қилишга уриниб кўрди. Бошқа дорилар қаторида у шифо бўладиган ва касалликнинг олдини оладиган восита тариқасида қумуш нитрани ишлатдики, бу - XIX асрнинг 50- йилларида ушбу оғир касалликка даво қилишда жуда катта наф берди. Кумуш нитратни акушерликда ишлатиш усули мажбурий даво методига айланиб қолмасидан анча илгариёқ у бир касалхонадан бошқасига ўтиб, расм бўлиб бораверди. Гонококкни 1879 йилдагина А. Л. Нейссер ажратиб олди. Кумуш

нитратни неча ўн йилликлар давомида қўлланиш Оврупода яқин бир миллион нафар болани кўр бўлиб қолишдан асради.

XVIII асрнинг 40- йилларида туғруқ иситмаси оналар ўлимининг асосий сабаби эди. Америкали врач Оливер Холмс бу касаллик одамга одамдан юкишидан пайдо бўлади, деган фараздан келиб чиқиб, уни текшириб кўрди. Вена клиник касалхонасида ишлайдиган И. Ф. Земмельвейс туғриқ иситмаси билан касалланган аёллар мурдаларини ёриб кўрганидан кейин туғруқ бўлимида ишлайдиган врач қўлларидан юкади, деб тахмин қилди. Земмельвейс врач қўлида кўзи ёриган аёллар орасида туғруқ иситмасидан ўлиш ҳоллари акушерка ёрдамида туққан аёллардагига қараганда 2 - 5 баравар кўп бўлишини кўрсатиб берди. У ўликхонада ишлаб бўлинганидан кейин врачлар ва акушеркалар қўлларини хлорли сув билан зарарсизлантиришни таклиф этди, шу нарса биринчи гуруҳдаги аёллар орасида учрайдиган ўлим ҳолларини иккинчи гуруҳ даражасигача камайтиришга имкон берди. И, Земмельвейс томонидан батафсил тасвирлаб берилган ва тавсия этилган шу янгилик тиббиётда жуда секинлик билан расм бўлиб борди ва 40 йилдан кейингина узил-кесил қабул қилинди. У стрептококк инфекциясидан бўладиган ўлим ҳолларини кескин камайтириш ва халқаро амалиётда туғруққа ёрдам бериш даражасини кўтаришга имкон берди.

Кумуш нитрат препаратини қўлланиш юзасидан Лейпцигда К. Кредэ томонидан ишлаб чиқилган усул туфайли 50- йилларда чақалоқлар кўзининг кўр бўлиб қолиш ҳолларига барҳам беришга муваффақ бўлинди. Бу препарат бутун тиббиёт оламида ишлатиладиган бўлиб қолди.

Крим уруши даврида (1854-1856) ҳарбий-дала госпиталининг ташкилотчиси ва тиббий ҳамшира бўлиб ишлаган Флоренс Найтингейл ҳарбий тиббиёт савиясини ошириш, госпитал ёрдамини, жумладан, касалхона статистикасини тўплашни ташкил этишга, шунингдек жамоаларда ҳамширалар амалиёти методларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ўша уруш вақтида рус қўшинининг ҳарбий хирурги Николай Иванович Пирогов ҳарбий-дала хирургияси ва жароҳатларни уруш майдонида тозалашнинг янги методларини ишлаб чиқди, булар ярадорлар ўлимини анча камайтирди.

Бактериологии революция

Санитарияга оид чоралар XIX асрнинг иккинчи ярмида Оврупо шаҳарларида тез расм бўла бошлади ва ахлатларни йиғиштириш, турмушда ишлатиладиган сувларни тозалаш, канализацияни яхшилаш, кўчаларга тош ётқизиш ва ҳоказо ишлар ҳукумат томонидан марказлаштирилган ҳолда бажарилишига олиб келди. Шу билан бир вақт касалхоналарда санитария ҳамда ходимларнинг касб маҳоратига талаблар кучайди. Янги бошланган шу ишлар юқумли касалликларнинг табиатан микробларга боғлиқлигини исбот этган илмий кашфиётлар туфайли тез орала янада авж олди.

Пастер, Кон, Кох ва Листер

Бактериология асосчиси, тиббиёт ва соғлиқни сақлашнинг экспериментал базасига ғоят катта ҳисса қўшган буюк француз олими Луи Пастернинг ишлари XIX асрнинг 50 — 70-йилларига тўғри келади. У 1856 йил билан 1880 йиллар орасида микроб назариясини тўла-тўқис асослаб берди, унинг вино ва пиво ишлаб чиқаришдаги фермент жараёнларига доир ишлари эса, кейинчалик «пастерлаш» технологиясига асос бўлди.

Унинг кашфиётлари яна бир янги илмий соҳа - иммунологиянинг муҳим негизи бўлиб қолди. Ўзининг классик асарларида у товуклар вабоси, чўчкалар сарамаси, куйдирги (1877) ва қутуришга (1885) сабаб бўлувчи патоген микроорганизмларнинг заифлаштирилган штаммларидан вакциналар тайёрлаш методини тасвирлаб берди.

Пастер молларни куйдиргидан химоя қилиш учун вакцина тайёрлашга оид муваффақиятли ишларидан кейин одамларда қутуришга қарши вакцина эмлашга доир тадқиқотларни давом эттирди. Қутуриш ўша вақтларда касал ҳайвонларнинг тишлашидан юқадиган ва ўлимга олиб борадиган касаллик тариқасида ҳамманинг кўнглига ваҳима солар эди. Пастер касалликни пайдо қиладиган юқум сўлак орқали ўтади ва нерв системасини зарарлайди, деб тахмин қилди. У касал ҳайвонлардан олинган ва қуриштириш (десикация) йўли билан заифлаштирилган биологик материални кўнгиллилар баданига юборди ва шу билан уларни касалликдан асраб қолди.

Эльзасли 14 яшар Жозеф Мейстерни қутурган бир ит 1885 йилда қаттиқ қопиб олди. Маҳаллий докторлар, Пастер гарчи врач бўлмаса ҳам, иммунлаш усулини болага ишлатиб кўришга рухсат бердилар, чунки касалликнинг ўлим билан тугаши муқаррар эди. Бола омон қолди.

Кейинчалик мана шундай ҳолларда беморларни ҳамиша Пастерга юборишадиган бўлишди ва иммунлаш уларнинг ҳаётини қутқариб қолаверди.

Пастер узоқ вақтларгача ўз ҳамкасбларининг танқидий ҳуружларига учраб келди, лекин унинг соғлиқни сақлаш ишига қўшган бебаҳо ҳиссаси, ахийри, тўла-тўқис эътироф этилди.

Бреслау университетидаги ботаника профессори Фердинанд Кон (1828 - 1898) бактериологияга оид тадқиқотларни ривожлантириб, тартибга солди ва микроорганизмларнинг асосий хусусиятларини аниқлаб берди, бу хусусдаги билимлар кейинчалик микробиологияга асос бўлиб қолди.

Умумий амалиёт билан шуғулланувчи немис қишлоқ врачлари Роберт Кох (1843 - 1910) касал мол қонини сичқонларга эмлаб, куйдирги уствда текшириш олиб борди. У касалликни сичқонларнинг 20 дан ортиқ авлодларида пайдо қилишга муваффақ бўлди. У конкрет касалликни конкрет бир микроорганизм юктиришини ишонарли қилиб исботлаб, бактериологик методларни анча яхшилади, шунингдек куйдирги қўзғатувчисини кашф этди (1877). Кох кашфиётлари инфекцион касалликлар авж олишининг бактериологик назариясига асос бўлди. 1882 йилда Р. Кох «Кох таёқчаси» деб ном олган сил қўзғатувчисини биринчи марта ажратиб олди ва ўстириб кўрди. У Вабо бўйича герман комиссиясига ҳам бёшчилик қилди, бу комиссия 1883 йили Ҳиндистон ва Мисрда шу касалликни ўрганди; ўтказилган текширишлар натижасида Кох вабо вибрионини ажратиб олди. Ичак инфекцияларининг олдини олиш учун сувни филтрлаш наф беришини Кох тез орада намоиш қилиб кўрсатди.

1.8. илова

КОХ-ХЕНЛИНИНГ КАСАЛЛИКЛАР САБАБИ - МИКРООРГАНИЗМЛАРДИРДЕГАН ПОСТУЛАТЛАРИ

—Ҳар бир ҳолдаги касалликда микроорганизм (агент) борлиги уни соф культура кўринишида ажратиб олиш йўли билан исботлаб берилиши керак.

—Бошқа ҳар қандай касалликда бу агент топилмаслиги лозим.

—Ажратиб олинганидан кейин агент бир қанча культураларда ўсиши ва айни вақтда тажриба ҳайвонларида мазкур касалликни пайдо қилиш хусусиятини сақлаб қолиши керак.

—Ҳайвонларга юборилган агент кейинчалик ўша ҳайвонлардан яна ажратиб олинадиган бўлиши

ЛОЗИМ.

Р. Кох ўз кашфиётларига асосланиб ва бошқа бир немис врачлари Якоб Хенле постулатларига таяниб, инфекцион касалликнинг микроорганизм (инфекцион агент) билан этиологик боғликлиги мезонларини таърифлаб берди.

Шотландиялик хирург Жозеф Листер юкумсизлантиришга оид Луи Пастер ишлари ва И. Ф. Земмельвейс тадқиқотлари таъсири билан операция заллари ва асбобларни дезинфекция қилиш учун, буларга карбол кислота билан ишлов бериб, 1860 йилда антисептика тамойилларини қўлланди. Операция жароҳатларини тозалаш учун ҳам худди шу модда ишлатиб кўрилди, бу нарса хирурглар ишининг сезиларли даражада яхшиланишига олиб келди. Шундай қилиб, касаллик микроблардан юқади, деган назария тиббиёт амалиётида муваффақият билан татбиқ этилди ва бактериологик революцияни бошлаб берди. Бу нарса оммавий инфекциялар устидан ғалаба қозониш ишига кейинчалик яратилган вакциналар ва антибиотиклар билан биргаликда ҳал қилувчи ҳисса қўшди ва ўлим сабабларининг асосий қисмини ноинфекцион касалликлар чекига ўтказиб қўйди.

Кох - Хенле постулатлари соф ҳолида жуда қатъий бўлиб чиқди, шунга кўра кўпгина касалликларнинг қўзғатувчиларини ажратиш олишга имкон бермас, лекин микроб назарияси ички мантиқининг қарор топиши ва аср охирида мавжуд бўлган кўпгина муқобил этиологик назарияларни рад этиш учун жуда муҳим эди. Эванс томонидан қайта ишланган (1976) бу мезонлар кейинчалик ноинфекцион касалликлар ва уларнинг агентлари (масалан, холестерин) хусусида ҳам татбиқ этилди.

Инфекция тарқатувчилар

Инфекцион касалликлар эпидемиологияси соҳасидаги бир қанчамуҳим кашфиётлар инфекцияни тарқатувчилар - ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг ролини тушуниб етишга боғлиқ бўлди. Шу билан бирвақтда XIX асрдаги кўпгина илмий марказларда паразитар касалликлар- гельминтозлар, филяриатоз ва ветеринар паразитозлар, масалан, Техасда мол иситмаси ўрганила бошланди. Дэвид Брюс 1894 - 1895 йилларда Зулунд (Жанубий Африка)да от ва бошқа молларнинг касаллишига це-це пашшаси тарқатадиган трипаносома паразити сабаб бўлганини кўрсатиб берди, шу нарса касаллик юқишига йўл

қўймасликучун зарур чораларни кўришга олиб келди. Ўша вақтда қилинган кашфиётлар қаторида француз ҳарбий хирурги Альфонсо Навернотомонидан 1880 йили Жазоирда безгак тарқатувчиси (вектор)нинг кашф этилгани ҳам бор. XIX асрдаги кўпгина тадқиқотчилар безгак паразитиничивин тарқатади, деб гумон қилишар эди, 1897 йилда эса Р. Росс (1902 йилдаги Нобель мукофоти совриндори) ва Д. Менсон (Англия), шунингдек Б. Грасси (Италия) безгак қўзғатувчисини анофелес чивини тарқатишини исбот этдилар.

1.9 илова

ГАВАНА ВА ПАНАМА: САРИҚ ИСИТМА ВА БЕЗГАК УСТИДАН ҒАЛАБА

Сариқ иситма - чамаси, Қора Африкадан Америкага олиб келинган ва жанубий штатларда эндемик бўлиб қолган касаллик бўлиб, мамлакатнинг шимолига ҳам тарқала бошлади. Унинг Филадельфиядаги 1798 йилги эпидемияси шаҳар аҳолисининг деярли 8 фоизини нобуд қилди. XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Нью-Йоркда бўлиб ўтган сариқ иситма эпидемиялари вақтида неча ўн минглаб кишилар ўлиб кетди.

Кариб денгизи ҳавзаси ва Марказий Америка мамлакатлари сариқ иситма ва безгак эпидемияларининг доимий ўчоғи эди. Ҳиндистондаги британия қўшинининг врачлари Р. Росс безгакнинг чивинлари (*Anopheles aegypti*) чақиши орқали тарқалишини исбот этди. Бунинг учун у 1902 йилда Нобель мукофоти билан мукофотланди. Америка қўшини томонидан Кубага юборилган Безгак комиссиясига ҳарбий врач У. Рид бошчилик қилди. Кубалик врачлар К. Финлей ва Ж. Лазар билан биргаликда у сариқ иситманинг 1901 йилда Кубага тарқалиш муаммосини текшириб кўрди. У кўнгиллиларда тажрибалар ўтказиб, касалликнинг чивин (*Stegomyia fasciata*) чақиши орқали тарқалишини исботлади. Комиссия «чивин сариқ иситма тарқатувчиси дир», деган хулосага келди.

Америка қўшини врачлари У. Горгас сариқ иситма касаллигини йўқ қилиш кампаниясини ташкил этиш учун шу касалликнинг тарқатувчиси тўғрисидаги ахборотдан фойдаланди. У Гаванада сариқ иситма юқиш ҳоллари устидан назоратни таъминлашга, касал бўлиб қолган кишиларни ажратиб қўйиб, чивин чақишидан сақлашга ва чивин кўпаядиган жойларда махсус бригадалар ёрдамида дезинсекция ўтказишга даъват қилди. Шу ишлар натижасида Гавана 8 ой мобайнида касаллик тарқатувчилардан тозаланди. Бу нарса чивинлар тарқатадиган

бошқа касалликлар, асосан безгак ва унинг тарқатувчиси *Anopheles*-га қарши кураш дастурлари учун асос бўлиб қолди. Горгас 1904 - 1906 йилларда шу чивин популяциясини назорат остига олиш ва шу тариқа сариқ иситма ҳамда безгакнинг тарқалишига йўл қўймасликка муваффақ бўлдики, шу нарса америкаликларга Панама каналини қуришга киришиш учун имкон берди.

1884 йили А. Йерсен ва С. Китагато чума қўзғатувчисини топдилар, француз эпидемиологи П. Л. Симмон эса, чума каламушлар касаллиги эканлигини, каламуш бургалари орқали одамларга ўтишини кўрсатиб берди.

Сариқ иситма устидан қозонилган ғалаба касалликлар микроб юқишидан бўлади, деган назариянинг миазмлар тўғрисидаги назария устидан тантана қилганидан дарак берар эди. Кубалик врач К. Финлейнинг сариқ иситма тарқалиши муаммоси юзасидан чиқарган хулосалари У. Риднинг 1901 йилдаги тажрибалари билан тасдиқланди. Финлей билан Риднинг тадқиқотлари касалликнинг бемордан соғлом одамга ўтиши натижасида бошланмай, балки чивинлар чақиши натижасида бошланишини, чивинлар орқали юқишини исботлади. Безгак дунёнинг кўпгина қисмларида назорат остига олинди-ю, лекин бу касалликни охиригача енгиш ҳозирча мумкин бўлмай турибди. 1961 йилдан бошлаб у кўпгина тропик мамлакатларда вақт-вақти билан пайдо бўлиб қолмоқда.

Микробиология, иммунология ва инфекцион касалликлар устидан назорат

Луи Пастер аттенуинланган, яъни патоген микроорганизмни бир қанча ташувчи-ҳайвонлар орқали «ўтказиш» ва ҳар сафар уни тобора заифлашган ҳолда ажратиб олиш йўли билан кучи қирқиб қўйилган вакциналар тайёрлаш юзасидан талайгина тажрибалар ўтказди. 1881 йили у товукларга заифлаштирилган товук вабоси вирусини эмлаб, кейин уларга янги вирулент вирус юқтирди ва паррандаларнинг ҳаммаси соғ қолганини кўрди: улар да иммунитет пайдо бўлган эди. 1884 -1885 йилларда у худди шу тариқа қутуришга қарши вакцинани эмлаб кўрди.

Иммунология ривожланишига 1883 йили фагоцитоз ҳодисасини - оқ қон ҳужайраларининг ёт микроорганизмларни йўқ қилиб юборишини кашф этган рус олими Иван Ильич Мечников ғоят катта ҳисса қўшди. И. И. Мечниковнинг яллиғланиш жараёнлари, гуморал

иммунитет билан хужайра иммунитети тўғрисидаги асарлари унинг шуҳратини бутун дунёга ёйди ва 1908 йили унга Нобель мукофотини келтирди. Қон зардобининг бактерицид хоссаларини бошқа бир қанча тадқиқотчилар ҳам текширишди. Ўша пайтларда Германияда Э. А. Беринг ва Японияда С. Китагато қоқшол ва дифтерияга қарши иммунлаш мумкинлигини аниқладилар (хайвонлар устидаги тажрибалар), кўп ўтмай одамлар учун заифлаштирилган дифтерия вакцинасини ҳамда касаллик юққанидан кейин пассив иммунлаш учун антитоксинини ишлаб чиқдилар.

XIX аср охирларида инфекцион касалликларнинг кўзғатувчилари бўлмиш кўпгина микроорганизмлар бирин-кетин кашф этилди.

Касалликларга сабаб бўладиган янги микроорганизмларни ажратиб олиб, аниқлаш ишлари XIX аср охирларига қадар тез суръатлар билан давом этиб борди (1.2 жадвалга қаралсин).

Шу тадқиқотлар натижасида XIX асрнинг охирги чорагида одам организмига заифлаштирилган касаллик кўзғатувчиси вакцинасини юбориш унда мазкур микроорганизмга қарши антителолар ишланиб чиқиши туфайли пассив иммунитет пайдо қилиши узил-кесил аниқланди. Пассив иммунлаш касаллик юқиб қолган одамга заифлаштирилган микроорганизм билан олдиндан эмлаб қўйилган хайвон қонини юбориш йўли билан ўтказилиши мумкин. Таркибида антителалар бўлган қонзардобни касаллик кўзғатувчисининг токсинларига яхшироқ қаршилиқ кўрсатишга имкон беради. Луи Пастер вакциналари қаторига кўп ўтмай чума билан вабога қарши Хавкин вакциналари, тифга қарши Р. Пфейфер ва К. Райт, силга қарши А. Калметт ва А. Гуэрин ҳамда сариқ иситмага қарши А. Тейлер ва Т. Смит вакциналари пайдо бўлди.

Бактериология ва иммунология соҳасида ўтган йилларда қилинган кашфиётларни соғлиқни сақлаш амалиётида кенг татбиқ этиш XX аср бошларида давом этди. Женнер томонидан 1796 йиддаёқ кашф этилган вакцинадан фойдаланиш туфайли чечак касаллиги 1997 йилда бутун ер юзида узил-кесил йўқ қилинди. Дизентерия кўзғатувчисини 1884 йилда Э. Клебс ва Ф. Лёффлер (Кох шогирди) текширган эдил ар, 1912 йилда пайдо бўлган вакцина эса, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бу касалликни аста-секин назорат остига олишга имкон берди. Авваллари неча-неча минглаб гўдакларнинг умрига завола бўлган болалар инфекциялари аста-секин иммунологик назорат остига олинди.

Э. Женнер, Р. Кох, Луи Пастер, буларнинг шогирд ва издошларининг ишлари авваллари ниҳоятда хатарли деб ҳисобланган талайгина касалликларни даф қила олган XX аср иммунологиясига асос бўлди. Ана шундай касалликларнинг бири полиомиелит эди.

1.2 жадвал

Патоген микроорганизмларнинг кашф этилиши (1880 — 1898)

	вчи	шф этган тадқиқотчи
	мохов)	
		н
	жокк	зен
	ия	, Лёффлер
		т
	жокк	х
	жокк	х
		ер
	диллез	х
	жокк	ль

	иситмаси	
	шанкр	
	ингрена	атталь
		Китасако
	зм	мангем
	рия	

Манба: Rosen G. A. History of Public Health. Baltimore: Johns Hopkins University Press, 1993. P. 290.

[XAҒҒЕТ](#)

Касалликларнинг дунёвий кулфатлари 2000 йилда дунё бўйлаб, ҳар бир соатда 1500 бола дунёга келган. Уларнинг кўпчилиги туғруқ травмасини бошдан кечирган, уларнинг ҳар ўнтасидан тўққизтаси фақат 5 ёшгача тирик яшаши мумкин. Уларнинг ярми балки 2075 йилда ўзларининг 75 йиллик таваллуд аёмини нишонлашлари мумкин. Аммо уларнинг жуда камчилигига 21 асрни тўлиқ, 22 аср бошларини кўриб юз ёшга кириш насиб этади. Аммо бу дунёвий тренд асосида айтилган бир қарашдир. 2000 йилда туғилган ҳар бир боланинг келажаги ҳар хил бўлади. Баъзилари яхши озиқ-овқат билан таъминланади, баъзилари эса ўта камбағалликда яшашади. Баъзиларининг генлари уларга сахийлик кўрсатган, яъни жудаям соғлом, лекин баъзилари туғма ногиронлардир. Афсуски сўнги йилларда кўпчилик туғилаётган болаларда одам иммунитетини танқислиги вируси (ОИВ) мавжуд бўлиб, бу вируснинг таъсири одам иммун танқислиги синдроми (ОИТС) кўринишида уларнинг кейинги ҳаётида намоён бўла бошлайди.

Аммо бу ҳаёт истиқболлари бир хил жойдан келиб чиқмайди. У аниқ бир таваккал учрайдиган географик жойда пайдо бўлади. Боланинг қаерда туғилиши унинг ҳаётини истиқболини таъминлайди. Ҳаёт ёки ўломга қарши турадиган қарама қаршиликларга

ҳеч қандай географик аспект мавжуд эмас. Яхши ва ёмон соғлиқ, касаликларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига оид қарама қаршилиқлар кўп эмас. Бу охириги бўлимда биз қисман оммавий хуружлар ва қисман касалликларнинг дунёвий кулфатлари ҳақида гаплашамиз. Биз 20.1 боби билан касалликларни бошлаймиз. Бу атама нимани билдиради? Касалликларнинг сабаби нима? Биз уларнинг аҳолига бўлган таъсирини қандай ўлчаймиз? Қайсилар энг муҳим касалликлар? Биз асосан эпидемик касалликлар ва бир вақтда ва бир жойда тарқалган касалликлар тўғрисида гаплашамиз.

Қуйидаги икки бўлим касаликлар географиясини ўз ичига қамраб олади. Биз уларни икки қисмга бўламиз. Биринчиси эски одамзод ирқини қийнаган касалликларнинг ўзгарган географияси ҳақида боради. Асосан бунда тезлик билан (масалан Болалар фалажлиги) ўзгараётганлари ёки ўзгаришларга бардош бераётганлари (масалан Туберкулоз) ҳақида гап боради. Иккинчидан биз янги касалликларнинг географияси билан шуғулланамиз. Биз бу жараёнда асосан энг янги катта территорияларга тарқалган эпидемик касалликлар, жумладан СПИД билан атрофлича танишамиз. Бу эса касалликлар ва дунёвий ўзгаришларга тўғридан тўғри алоқа линиясини ўрнатади. Шунинг учун биз 20.4 бўлимида касалликлар ўзгаришининг демографик, иқтисодий ва атроф муҳит нуқтайи назаридан келиб чиқиб атрофлича ўрганишни мақсад қилдик. Ва энг охирида 20.5 бўлимида биз ҳозирги ҳаётдаги касалликларнинг ўзгариши, уларнинг географик тарқалиши ва бу ўзгаришларнинг таъсири ҳақида фикр юритамиз.

20.1 касаликлар кулфатларининг аниқланиши

Бу бўлимда биз касалликларнинг маъноси ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари билан шуғулланамиз. Бу атама нимани билдиради? Касалликларнинг келиб чиқиш сабаби нима? Уларнинг аҳолига таъсирини биз қандай ўлчаймиз? Энг муҳим касалликлар қайсилар?

Касалликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари

Тилшуносликда касаллик атамаси ҳамма турдаги оғриқ, ёмон соғлиқ ва азобларни аташ учун қўлланилади. Кўпинча бу маълум бир тана аъзосининг безовта қилиниши сабабини ҳам ифодалайди. 20.1 жадвали касалликларнинг эисберг концептини кўрсатмоқда. Бу графикда касаликлар охириги учбурчакда ифодаланган бўлса, ўлим

унинг энг учки қисми ҳисобланади. Унинг ёнида, яъни б жадвалда касалликларнинг одам организмига хужуми тасвирланган. Баъзилари ички, баъзилари ташқи ва баъзилари эса ҳам ички ҳам ташқи таъсир юзасидан вужудга келиши кўрсатилган. Касалликларнинг класификация қилиш бундан 2000 йил олдин биринчи хитойлик, кейинчалик грек ва араб врачлари томонидан амалга оширилган. Ўрта асрларда врачлар касалликларни тўрта миждга бўлишган. 19 асрда био медитсина тадқиқотларининг олға силжиши натижасида касалликларнинг стандарт таърифлари тўғрисида аниқ бир тўхтамга келинди. Биринчи касалликлар халқаро классификацияси 1893 йилда чикагода жудаям ингичка китоб кўринишида нашрдан чиққан. Бир аср ўтиб бу китобнинг қайта ишланган минглаб тўпламлари яратилди. Кўплаб касалликларнинг пайдо бўлиши ҳақида ахборот берувчи эпидемиологик ташкилот томонидан нашр этиладиган ҳафталик ахборотномани варақлаб чиқадиган бўлсак, касалликларнинг қанчалик кўплигига гувоҳ бўламиз. Австриянинг Соммунисабле Дисеасес Интеллигенсе Буллетин нашрининг хабар беришича, тахминан танланган бир ҳафта (бу 1994 йил 4 апрелда тугаган) ичида 120 дан ортиқ турли хил касалликлар ва бу инфекцияларни ташиб юручилар мавжуд экан. Тепки касаллиги асосан ғарбий австралияда пайдо бўлган, гепатит С нинг 131 ҳолати, рос дарёси вируси инфекцияси шимолий территорияда пайдо бўлган. Океан ортидаги қисмнинг хабар беришича Б тоифасидаги Жапон энсифалити шри Ланкада, безгак касаллиги янги гвинея папуасидаги Тробреан оролларида топилган. Бир вақтнинг о'зида Россиянинг 21 та шаҳри бо'йлаб А тоифадаги грипп вируси тарқаган эди, ва шимолий Мозамбик томон ҳам вабо бостириб борар эди.

Глобал баҳолашлар

Дунё б'ойлаб энг муҳим касаллилар қайсилар?

Агар биз касалликлари баҳолашни энг оддий критериялардан бошласак – шу билан бирга ўлимга олиб борувчи касалликлар, 20.2 жадвалини бу ҳолатнинг асримиз бошларидаги ҳолатлар ҳақида хабар беради. Бу жараён дунё соғлиқни сақлаш ташкилотигаъзо бўлган давлатлар рақамларига асосланади. Бу рақамларнинг аниғи давлатдан давлатга нисбаттан ўзгариб боради.

Дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг ахборот беришича 2000 йилда 50 Миллиондан зиёд ўлим ҳолати юз берган. Биринчи қисмнинг а жадвалида кўрсатилишича энг муҳим 6 та касаллик гуруҳлари кўрсатилган. Вафот этганларнинг учдан бир қисмига асосий сабаб инфекцион ва паразит касалликлардир. (масалан Туберкулос, диарея, безгаг ва ОИВ). Дейрали яна шунча (29%) ўлим ҳолати юрак атрофи касалликлари билан ҳам боғлиқ. (масалан юрак қон томирлари касалликлари) ва қолган 12% рак касалликлари натижасида юзага келган. Бу ўлимнинг уч ҳолати ўлим юз берган ҳолатларнинг тўртдан уч қисмини асосий сабаби ҳисобланади. (ривожланган ва ривожланаётган давлатлар орасидаги қарама қаршиликлар 20.2 жадвалида келтирилган).

Ёш боланинг ўлими, қари бир инсон ўлими билан тенглаштирилса бўладими?

Биринчи ҳолатда ҳаёт қисқартирилган, бошқаларида эса батамом фойдаланилган. Бу фарқларни баҳолашнинг турли хил имкониятлари мавжуд.

20 А Бох

Ўлимларнинг сони

Касалликларнинг дуёвий фалокатини ўлчаш учун ўлим билан якулланган ҳолатларни аниқлашга бориб тақалади, лекин шунда ҳам бир савол жавобсиз қолади. Ҳамма ўлим ҳолатлари бир хилми? Бу саволга жавоб бизнинг диний томонимизга бориб тақалади. Илоҳиёт таълимотига кўра тириклар ва марҳумлар бир даражага эгадирлар. Бу ҳақда озгина чуқурроқ ўйлашга ҳаракат қиламиз. Биз ҳаммамиз қачонлардир ўламиз. Боланинг ўлими биз учун фожеа ҳисобланган пайтда, бироқ бир қария ёки касалманд одамнинг вафоти унчалик ҳам фожеа ҳисобланмайди. Бошқа сўзлар билан ифодаласак: агар бирон бир ёш инсон вафот этса, ундан гўёки яхши яшаш имкони бўлган ҳаёти тортиб олинган деб изоҳласа бўлади. Бу жудаям содда ўхшатиш бўлиб, кўпгина ахлоқий саволлар жавобсиз қолади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ҳамда касалликларни назорат қилиш маркази ташкилотлари яхши яшаш имкони йўқолган ҳаёт йилига бағишланган статистик маълумотларни таҳлил қилиб чиқдилар. Бунда энг кўп ўлим ҳолати юз берган йил инобатга олинди. Агар бизкўпчилик миллий аҳолишунос ташкилотлар томонидан тузилган вафот этганлар рўйхатини кўлимизга оладиган бўлсак, ҳаётнинг нақадар узунлигининг гувоҳига айланардик. 2000 йили Англияда 20

ёшли йигит ўзининг кейинги 55 ёшини (аёлларда 60 ёш) интизорлик билан, агар 80 ёш бўлса, яна кейинги 7 йиллик ҳаётини кутаётганлигини гувоҳи бўламиз. ЙПЛЛ ўлчовининг аниқланишича 2 та ўлим ҳолати турлича таққосланиб кўрилган. Вафот этганларнинг ёшроғи қарироғига қараганда анчагина семизроқ бўлган. Бу ўлчов сонининг натижаси шундан иборатки, ўлимга олиб боровчи сабабларнинг рўйхати анча ўзгаради. Бу рўйхатнинг илк сатрларида инфекцион касалликлар (асосан болаларда учрайдиган) ва жароҳатланишлар (одатда ҳамма ёшдаги инсонларда учрайди) ўрин олган бўлса, сўнги йилларда юрак касалликлари ва рақ касалликлари (одатда кекса кишиларда учрайди) анчагина камайганлигини кўрсатади.

Касалликлар ва ногиронликларнинг сабабларига бир хил бўлган аргументлар келтирилиши мумкин. Ортиқча вазн бу касалликларни ва умр бўйи ногиронликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу каби ўлчовларнинг сони ва қўлланишига оид муаммоларга кириш қуйидаги ташкилотда топилади. Алан Д. Лопез эт ал. Тҳе Глобал Бурден оф Дисеасе

Ўлимларнинг сони касалликларни баҳолаш ўчови ҳисобланади. 20.1 жадвали икки турли касалликлар сабабли вафот этган индикаторларни бир бирига таққослайди. Таққослаш натижасига кўра, ўша йили 10 жойда олиб борилган текширувларнинг дейрали ярми инфекцион касалликларни ўлим сабаби қилиб кўрсатмоқда. Инфекцион ва паразит касалликлар жами бўлиб, 16,4 миллион инсон ҳаётини зарарлайди, 9,7 Миллион инсон юрак касалликларидан вафот этади. 20.1 жадвалида йиллик янги касалликлар ҳолатини кўрсатида. Бу жадвал яна алоҳида ажралиб турадиган инфекцион касалликларнинг жойлашувини ҳам кўрсатади. Энг кенг тарқалган касаллик асосан диарея касаллиги бўлиб, у асосан 5 ёшдан кичик бўлган болалар ичида кенг тарқалган. Бу касаллик билан касалланганлар ҳар йили 1,8 миллионни ташкил қилади. Болаларда нафаснинг сиқиши, тери таносил касаллиги, қизамиқ ва кўкйўтал касалликлари ҳар доимгидек муаммоли касаллик бўлиб қолишади.

Касалликларни белгилашнинг яна бир тури, касалликлар тарқалиши, маълум бир касалликка чалинган инсонлар сони ва касаллик оқибатида келиб чиқадиган ногиронликка бориб тақалади. Дунёвий маълумотларни эслаб қолиш жуда қийин, бундан ташқари биз ҳали минглаб инфекцион касалликларни аниқлаганимизча йўқ.

Шистосомоз касаллиги (тропик ўлкаларнинг паразитли қурт касаллиги) билан ҳар йили дунё бўйлаб 200 Миллион одам касалланади, болалар фалаж касалликлари билан йилига 10 миллион одам касалланади.

Миллий баҳолаш

Касалликларнинг миқдорининг баҳоланишининг алтернатив белгиси ҳар бир мамлакатда учрайдиган сонининг қўлланилишига бориб тақалади. Анлантадаги соғлиқни сақлаш ташкилоти АҚШ учун мавжуд бўлган касалликлар саналар тайёрлади. Бу маълумотноманинг айтилишича, ҳар йили АҚШда 740 Миллион Инфекцион симптомлар учрайди, бунда ҳар йили 200000 ўлим ҳолати юзага келади. Бу касалликлар оқибатида дафн маросими, йўқотилган ойлик маошлари ва тўғридан тўғри сарфланган харажатлардан ташқари 17 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар сарфланади. Ҳар йили бу касалликларнинг учдан бир қисми ўлимдан сақлаб қолинади, қолган уч қисмини олди олинади. Агар замонавий турли хилдаги усуллар қўлланилса.

20.3 Жадвал бу марказнинг натижалари жамланади. Бу жадвалда инфекцион касалликлар ва унинг оқибатида ўлим юз берган ҳолатлари логарифмик шкалада кўрсатилган. Энг эътиборлиси шундаки, бу жадвалда ҳар йили камида 10 та ўлимга олиб келадиган касалликлар ёки 1000 касалликка чалинишга олиб бориши мумкин бўлган касалликлар келтирилган. Кўпчилик ўлим ҳолатлари (32000) пневмония бактериялари сабаб келиб чиқади, сурункали (24700) ва кучли (26400) даволанишларда потологик ўлим ҳолатлари кейинги босқичларни қамраб олади. Касаликка чалинганлик ҳолатининг кўпчилигига шомоллаш вируслари (Рино вируслари, бурун касалликлари вируслари) (125 Миллион) асосий сабаб ҳисобланади, кейинги ўринда инфлуенза грипп вируслари киради. (20 Миллион

12- Мавзу. Сиёсий география

Режа:

1. Сиёсий география, унинг объекти ва предмети.
2. Сиёсий географиянинг инсон географияси фанлари тизимидаги ўрни ва алоқалари.

3. Сиёсий географиянинг шаклланиш хусусиятлари ва бунда ғарб олимларининг хизматлари.

4. Сиёсий географиянинг тузилиши.

5. Сиёсий география ва геосиёсат. Уларнинг ўзароалоқадорлиги ва ривожланиш хусусиятлари.

Таянч атамалар: *Сиёсий география, Абсолют (мутлақ) монархия; Чекланган монархия (конституцион ва парламентар монархия), Федерация; Унитар; Конфедератив. «Қирғоқбўйи зонаси» («Римленд») ёки «Қуруқлик ва денгиз синтези». Геосиёсий вазият.*

Сиёсий географик фикрлар, ғоялар, қарашлар ва тадқиқотлар билан олимлар қадимдан шуғулланиб келадилар. Жумладан, жамиятнинг сиёсий – географик тузилиши, дунё сиёсий харитасининг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари масалалари билан энг аввало географлар шуғулланадилар.

Сиёсий география- ижтимоий географик фан ҳисобланади. Унинг вужудга келишидаги илк тадқиқотлар, салмоқли асарлар аввало ғарбда вужудга келди. Собиқ иттифокда эса унинг ривожланиши қийин кечди. 1980йилларнинг ўрталаридан бошлаб мамлакатда чуқур ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ўзгаришларнинг бошланиши билан сиёсий географияна ривожлана бошлади.

Сиёсий географияга совет даврида 1960йилда чоп этилган “Краткий энциклопедический словарь”да қуйидагича таъриф берилган эди: - “Сиёсий география – бу дунё сиёсий харитасининг тарихи, замонавий ҳолати, мамлакат ва районларнинг ривожланишининг ўзига ҳосликлари, уларнинг ижтимоий – иқтисодий тузилишига боғлиқ ҳолда синфий кучларнинг жойлашиши масалаларини ўрганувчи географик фандир”. Ушбу энциклопедияда сиёсий географияга атиги 8 varaқ ажратилган бўлиб, бу хатто тупроқлар географиясидан ҳам 10 марта кам эди.

Бундан 10йиллар ўтиб Б. Н. Семевский сиёсий географияга атрофлича таъриф берди. Совет географлари сиёсий географияни одатда иқтисодий географиянинг ажралмас бир қисми деб тушунадилар. Айрим олимлар сиёсий географияни иқтисодий география

билан боғлиқ бўлган мустақил географик фан деб ҳам ҳисоблайдилар. Б.Н.Семевский ва бошқа кўплаб географлар сиёсий географияни иқтисодий географиясиз тасаввур қилолмадилар ва бу билан бир томондан сиёсий географияни мустақил бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб ҳам қўйдилар. Аксинча, сиёсий географияга ғарбда кўпроқ мустақил фан тармоғи сифатида қаралди. Жумладан, 1961 йили Лондонда чоп этилган машҳур “Умумгеографик терминлар луғати” да: - “Сиёсий география – бу давлатларнинг бошқарув шакллари, чегаралари ва маъмурий бўлинмалари ҳақидаги географик фандир”, ёки, “Сиёсий география – бу ижтимоий географиянинг бир бўлими бўлиб, давлатларнинг чегаралари, маъмурий бўлинмалари, ҳудуди ва ресурсларини ўргатади”. Сущность политической географии (стр.6-24).

1970 – 1980йилларда Р. А. Горбачевич сиёсий географияни илмий – методологик жиҳатдан янада юқорига кўтарди. У 1976йили сиёсий географияни “географик маконда (пространство) жамиятнинг сиёсий – ҳудудий ташкил этилишини ўрганувчи фан” деб атади.

Сиёсий географиянинг ривожланишидаги янги давр ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошланди. Энг янги илмий ишланмалар орасида В. А. Колосовнинг “Политическая география: проблемы и методы. Л. 1988” номли монографияси сиёсий географиянинг ривожланишига катта туртки бўлди. Унда муаллиф сиёсий географияни ҳам географик, ҳам сиёсий фанлар қиррасида тез ривожланаётган фан тармоғи деб атади. У сиёсий география “ўзига ҳос географик фан бўлиб, жамият сиёсий ҳаётининг ҳудудий ташкил этилиши қонуниятларини ўрганади” деб таъкидлади.

Шундай қилиб, “Сиёсий география – жамият сиёсий ҳаёти ва ҳудудий сиёсий тизимларнинг ҳудудий ташкил этилишини ўрганади”.

Сиёсий география – географик фан сифатида қуйидагича ички тузилишга эга:

- а) умумий ва назарий сиёсий география (илмий – назарий асосларини ўрганади);
- б) функционал (тармоқ) сиёсий география (жамият геосиёсий фаолиятининг турлари (давлат, партия, ижтимоий, диний, этник, ҳарбий), электорал география, этносиёсий географияни ўрганади);
- в) минтақавий (интеграл) сиёсий география (турли даражадаги геосиёсий тизимларни, уларнинг шаклланиши, характеристикалари, мамлакатларнинг сиёсий – географик типологиясини ўрганади);

г) амалий сиёсий география – ушбу фанни амалиётга чиқишини таъминловчи бошқарув, таълимий, сиёсий, картографик, мафкуравий йўналишларини ўрганади.

Сиёсий география– келиб чиқишига кўра географик фан бўлиб, у ижтимоий – географик ва табиий – географик фанларнинг ўзига ҳос “боғловчиси” (интегратори) бўлиб ҳисобланади. Аммо, сиёсий географияни сиёсатшунослик фанининг таркибий қисми дейиш бутунлай нотўғридир.

Сиёсий географиянинг асосий тадқиқот объекtlари:

1. *Фаннинг илмий-тадқиқот объекти ҳақида тушунча.*
2. *Ҳудудий сиёсий тизимлар – сиёсий географиянинг асосий тадқиқот объекти сифатида.*
3. *Давлатнинг ташиқил этилиши шакллари.*
4. *Давлат ҳудуди – давлатнинг фаолият кўрсатиши ҳамда аҳоли ҳаётининг табиий асоси эканлиги.*
5. *Давлат чегараси ҳақида тушунча.*

1. Ҳар қандай фаннинг мустақил фан сифатида шаклланишининг илк пойдевори – унинг ўз илмий тадқиқот объектига (яъни нимани ёки қайси воқеа-ҳодисани ўрганади) ҳамда предметига (воқеа-ҳодисанинг қайси жиҳатини ўрганади) эга эканлиги билан белгиланади.

Сиёсий география ҳам бошқа фанлар сингари ўзининг мустақил илмий тадқиқот объекти ва предметига эга бўлиши билан бирга, ўзи мансуб бўлган замонавий иқтисодий ва ижтимоий географиянинг илмий тадқиқот объекти билан ҳамоҳангдир.

Маълумки, иқтисодий ва ижтимоий география ижтимоий географик фан тармоғи сифатида жамиятни ёки ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимларни (Манак, 1985) ўрганса, бунга уйғун ҳолда сиёсий география жамият ривожланишининг ҳудудий-сиёсий жиҳатларини тадқиқ қилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, сиёсий географиянинг асосий илмий тадқиқот объекти – бу ҳудудий сиёсий тизимлар бўлиб хизмат қилади.

2. Худудий сиёсий тизимлар (ХСТ) – сиёсий географиянинг бош илмий тадқиқот объекти бўлиши билан бирга, у мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ўзаро худудий жиҳатдан уйғунлашган турли компонентларидан ташкил топган.

Худудий сиёсий тизимларни таҳлил қилишдан асосий мақсад жамиятнинг сиёсий-худудий ташкил этилишини муайян бир давлат доирасида ўрганишдан иборат. Бунда, энг аввало, қуйидаги учта муҳим худудий тузилмаларни ўрганишга эътибор қаратилади:

- 1) Давлатнинг сиёсий-худудий қурилиши;
- 2) Сиёсий кучлар, ташкилотлар, институтлар;
- 3) Аҳолининг электорал ҳулқ-атвори, яъни олий ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловларда аҳолининг хоҳиш-иродасини ўрганиш ёки социологик тадқиқ қилиш.

Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, сиёсий география муайян давлат худуди доирасида ижтимоий (синфий) ва сиёсий кучларнинг худудий тақсимланиши ва ривожланиши қонуниятларини, уларга таъсир қилувчи тарихий, табиий географик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳамоҳанглигида ўрганади.

Худудий сиёсий тизимларнинг шаклланиши ва ривожланишининг асосида худудийлик тамойили ётади. Бунда ҳар бир олинган худуд инсон ҳаёт фаолиятининг, жумладан унинг сиёсий ҳаёт фаолиятининг майдони сифатида аҳамият касб этади.

ХСТларни тадқиқ қилишда муҳим бўлган элементлардан бири – бу сиёсий географик ўриндир. Сиёсий географик ўрин деганда, энг аввало, муайян давлатнинг, давлатлар гуруҳининг, жаҳон минтақасининг сиёсий бирлик сифатида бошқа давлатларга ёки давлатлар гуруҳига нисбатан тутган ўрнига айтилади.

Агарда табиий географик ўрин табиий картада, иқтисодий географик ўрин иқтисодий картада аниқланса, давлатнинг сиёсий географик ўрни сиёсий картада аниқланади. Бунда сиёсий картани қотиб қолган эмас, балки, аксинча сиёсий-худудий жараёнларнинг ривожланишини ўзида акс эттирган доимий ҳаракатдаги жараёнлар йиғиндиси сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ.

Маергойз И.М. томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тадқиқотларда қўлланилган иқтисодий географик ўрин (Маергойз И.М., Новосибирск, 1986. с. 51-59) методикасини

сиёсий географик ўринни тадқиқ қилишга қўллаш натижасида сиёсий географик ўриннинг қуйидаги уч даражсини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) макро сиёсий географик ўрин;
- 2) мезо сиёсий географик ўрин;
- 3) микро сиёсий географик ўрин.

Макро сиёсий географик ўрин деганда, энг аввало, муайян давлатнинг дунё сиёсий харитасида етакчи рол ўйнаётган давлатлар ёки регионларга нисбатан тутган ўрни тушунилади. Масалан, Ўзбекистоннинг АҚШ, Ғарбий Европа ёки Японияга нисбатан тутган ўрни, мавқеи.

Мезогеографик ўрин деганда эса, муайян давлатнинг ўзи ўрнашган минтақада тутган ўрни тушунилади. Масалан, Япониянинг Шарқий Осиёда ёки Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрни, мавқеи.

Микрогеографик ўрин деганда муайян бир давлатнинг бевосита қўшни давлатларга нисбатан тутган ўрни тушунилади.

Юқоридагилар билан бирга, сиёсий географик ўриннинг қуйидаги шакллари ҳам ажратилади:

- ✓ периферик ёки чуқур, марказий ва ўртача сиёсий географик ўрин;
- ✓ субконтинентал, континентал ва континентлараро сиёсий географик ўрин (давлатга нисбатан олинганда);
- ✓ сиёсий географик ўриннинг қўшничилик шакли (қўшничилик даражаси ўлчанади).

Сиёсий география ёҳуд геосиёсат фанининг классик намояндалари асарларида геосиёсий ўрин тушунчасига атрофлича эътибор қаратилган. Ушбу тушунча замонавий сиёсий географик, геосиёсий тадқиқотларда қўлланилмоқда (Сорокин К. Геополитические и геоэкономические проблемы России. СПб., 1995. – С. 10-18).

Геосиёсий ўрин баъзан сиёсий географик ўрин тушунчасининг синоними сифатида ҳам тушунилади. Геосиёсий ўрин деганда муайян мамлакат ёки минтақанинг жаҳонда тутган ўрни тушунилади.

Геосиёсий ўрин сиёсий географик ҳамда иқтисодий географик ўрин тушунчаларининг умумлашмаси сифатида ҳам тушунилади. Бунда давлатнинг сиёсий географик ўрнига

транспорт, иқтисодий, экологик, демогеографик омилларнинг таъсирини инкор қилиб бўлмайди.

Сиёсий географик ўрин муайян давлатнинг дунё сиёсий харитасида тутган ўрни ва мавқеи, унинг дунёнинг ривожланган давлатларига, минтақаларига ва қоаверса, сиёсий-ҳарбий кучларга нисбатан жойлашуви ва унинг сиёсий оқибатлари билан боғлиқ бўлиши билан бирга, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан ҳам аҳамиятлидир. Бу ерда сиёсий географик ўриннинг иқтисодий-ижтимоий оқибати бўйича давлатлар турлича мавқега эга. Масалан, Ўзбекистоннинг сиёсий географик ўрнидаги салбий ҳолат сиёсий нотинч вазият ҳукмрон бўлган Афғонистон билан бевосита қўшничилиги билан боғлиқ бўлса, бу борада республика вилоятлари турлича мавқега эга. Жумладан, Тошкент вилоятига нисбатан Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида унинг бевосита Афғонистонга қўшничилиги салбий таъсир кўрсатади. Юқоридагилар билан бирга, давлатнинг дунё сиёсий харитасида ўзини эркин тутишига унинг кескин континентал (қуруқликнинг ўта ичкарисида) жойлашиб қолганлиги ҳам салбий таъсирини кўрсатади.

Агарда, ҳар қандай давлат аслида муайян сиёсий-ҳудудий тузилма эканлиги ҳамда фаолият кўрсатиши эътиборга олинса, юқоридаги ҳолатда мазкур давлат бевосита жаҳон океанига чиқа олмайди. Бу эса унинг транспорт географик ўрни билан боғлиқ. Булардан иқтисодий географик ва с сиёсий географик ўрин ўзаро уйғунлашувини кўриш мумкин.

Давлат ҳудудини сиёсий географик тадқиқ қилишда унинг қуйидаги параметрлари муҳим аҳамиятга эга:

- тузилиши;
- конфигурацияси;
- ичкари жойлашуви;
- компакт жойлашуви;
- чегараланиш даражасини баҳолаш;
- маъмурий-сиёсий чегаралари;
- давлат чегаралари.

Булар давлатнинг сиёсий географик ўрни ва ҳудудий-сиёсий тизимларини интеграл баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий-маъмурий чегара ҳудудий-сиёсий тизимларнинг муҳим тадқиқот объектларидан биридир.

Давлатни ҳудудсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, чегара ҳам ҳар қандай давлатнинг атрибутларидан биридир.

Сиёсий чегаранинг муҳим вазифаларига қуйидагилар киради:

- тўсиқ қўйиш;
- ажратиш;
- филтрлаш.

Давлатларни сиёсий географик ўрганишда давлат чегараси муҳим кўрсаткичлардан биридир. Чегараларнинг характери, қуруқлик, сувликдан ўтиши, баланд тоғ ва аксинча текислик (чўл) ҳудудлардан ўтган чегараларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳудудий сиёсий тизимларни тадқиқ қилишда аҳоли муҳим ўринни эгаллайди. Бунда, айниқса унинг демографик тузилиши, такрор барпо бўлиш режими, “сифати”, яъни маданий ва маълумотлилик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва бошқаларнинг ўрни беқиёс.

Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва этномаданий хусусиятлари ҳудудий сиёсий тизимларни ривожланишини белгилаб беради.

ҲСТларга аҳоли жойлашуви ҳам катта таъсир кўрсатади. Зеро, шаҳарлар, айниқса йирик шаҳарлар ҲСтларнинг “ядро”си, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётининг муҳим “асаб тугунлари” бўлиб хизмат қилади.

3. Сиёсий географик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири – бу дунёнинг сиёсий харитасини тадқиқ қилиш билан боғланган.

Барча сиёсий географик бирликлар ўзаро уйғунликда дунё сиёсий харитасини ҳосил қилади ҳамда қуйидаги 2 та ўзаро тенг бўлмаган гуруҳга ажратилади:

- 1) Тўла ўзини бошқариш мақомига эга, суверен давлатлар. Уларнинг сони ҳозирда 190 тадан ортиқ.
- 2) Ўзини-ўзи бошқара олмайдиган, бошқа давлатларга турли даражада қарам давлатлар.

Давлатни ташкил этилиши шаклларида бири – бу унинг *давлат тузуми*дир. Жаҳон мамлакатлари давлат тузумига кўра:

- *монархия*;
- *республика*

типидаги давлатларга ажратилади. Уларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Монархия – давлат бошқарувининг шундай шаклики, унда олий давлат ҳокимияти монарх – якка шакс томонидан бошқарилади. Масалан, подшо, қирол, шоҳ, амир, султон, шайх ва ҳ.к. Монархия – давлат бошқарувининг энг қадимги шаклларида биридир.

Монархия типидаги давлатларда давлат бошқаруви қоидага биноан наслдан наслга ўтиб келади.

Монархия, ўз навбатида:

а) абсолют (мутлақ) монархия;

б) чекланган монархияга бўлинади (конституцион ва парламентар монархия).

Абсолют монархия типидаги давлатларда давлат бошқаруви ҳеч қандай чекловларсиз якка шахс томонидан амалга оширилади (масалан, Баҳрайн, Қатар, Омон султонлиги, БАА ва б.).

Чекланган монархия типидаги давлатлар ҳам иккига ажралади:

а) конституцион монархия (бунда монархнинг олий давлат ҳокимияти конституция билан чекланган);

б) парламентар монархия (бунда монарх ҳокимияти парламент томонидан чекланган).

Швеция конституцион монархия, Буюк Британия эса парламент монархиясига мансубдир.

Швеция қироллиги конституцион монархия типидаги давлат бўлиб, парламент бошқаруви шаклига эга. Ушбу давлатда қирол швед давлати ва миллатининг рамзи вазифасини бажаради, холос. Қирол ҳеч қандай сиёсий ҳокимиятга эга эмас ва мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этмайди. Унинг асосий вазифаси ҳар йили октябр ойида риксдаг, яъни швед бир манфаатли парламент сессиясини очиб беришдан иборат.

Буюк Британия парламентар монархияга мансуб. Ушбу давлатда конституция мавжуд эмас. Аммо, шундай қонуний актлар мавжудки, улар парламент томонидан қабул қилинган ҳамда конституцион аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда (1852 йил 6 февралдан бошлаб) Буюк Британия монархи – бу қиролича Елизавета IIчидир. Қиролича ижро ҳокимиятининг олий давомчиси, қуроли кучлар бош қўмондони, англикан черкови бошлиғи ҳисобланади. У парламент сессиясини

чақириш, қонун лойиҳаларига санкция бериш, халқаро шартномаларни имзолаш (ратификация қилиш) ҳукуқига эга. Булардан кўринадики, Буюк Британия қироличаси ҳукуқи жуда кенг бўлишига қарамай, амалда қиролликнинг барча масалалари министрлар кабинети ва парламент томонидан бажарилади.

Абсолют монархияда барча қонун чиқарувчи ҳамда ижро ҳокимияти бутунлай давлат бошлиғига тегишлидир. Бунга Омон султонлиги мисол бўлади (1974 йилдан бошлаб Қобус бен Саид). Омон султони бир вақтнинг ўзида бош вазир, олий бош қўмондон бўлиши билан бирга, ташқи ишлар, муҳофаа ва молия вазилиги лавозимларини эгаллайди. Мазкур мамлакатда конституция қабул қилинмаган.

Монархия давлат бошқарувининг яна бир шакли – бу абсолют теократик (диний) монархиядир. Бунда давлат бошлиғи бир вақтнинг ўзида ҳам давлат ҳамда дин бошлиғи бўлиб ҳисобланади. Буларга Ватикан, Бруней султонлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

1997 йиллар дунё сиёсий харитасида жами 30 га яқин монархия давлатлари ҳисобга олинган.

Жаҳонда давлат бошқарувининг республика типигаги давлатлар асосий кўпчиликни ташкил қилади. Ҳозирда уларнинг сони 140 дан ортиқроқдир.

Республика типигаги давлатларда барча олий давлат органлари ё сайланади ёки парламент томонидан шакллантирилади.

- 1) Президентлик республикалари
- 2) Парламент республикалар.

Президентлик республикаларининг ажралиб турувчи хусусияти сайланган президент томонидан давлат ҳамда ҳукумат бошлиғи ваколатларини ўз қўлида бирлаштиришдир, бунинг натижасида у катта ҳокимиятга эга бўлади, яъни ҳукуматни тузади, парламентни муддатдан олдин тарқатиб юборади (масалан, АҚШ, Аргентина, Бразилия).

Парламент республикаларида ҳокимият парламент олдида ўзининг фаолияти юзасидан коллектив сиёсий жавобгардир. Бундай республикаларда президент роли кам, аксинча реал ҳокимият бош вазир қўлида тўпланган (Италия, Польша, Финляндия, ГФР, Австрия, Ҳиндистон ва бошқалар).

Жаҳон давлатлари давлат ҳудудий бошқаруви шаклига кўра қуйидагиларга ажратилади: федерация; унитар; конфедератив.

Геосиёсат фанининг объекти, предмети ва фанлартизимида турган ўрни.

Жамиятнинг сиёсий - ҳудудий ташкил этилиши ва ўзаро алоқадорликда ривожланиши қонуниятлари қадим замонларданоқ тадқиқотчилар эътиборини ўзига жалб этган. Бу борада кўплаб олимлар етишиб чиқди, илмий асарлар ва янги йўналишлар вужудга келди. Аммо, шуларга қарамай ҳозирга қадар инсониятнинг геосиёсий тараққиёти муаммоларини илмий тадқиқ этиш замонавий фаннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунда геосиёсат фани алоҳида ўрин тутadi.

Геосиёсат қандай фан, у нимани ўрганади, унинг тадқиқот объекти ва предмети нима, фанлар тизимида қандай ўрин тутadi, бу ва шу каби бошқа масалалар ҳар қандай янги шакалланаётган фан тармоғи каби геосиёсат олдида турган муҳим масалалардандир. Геосиёсатнинг фан сифатида илк вужудга келиши ҳақида шуни айтиш лозимки, ҳар қандай фаннинг шаклланишида энг аввало муайян шарт-шароит ва унга бўлган эътиёж муҳим роль ўйнайди. Бинобарин, (кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича) геосиёсат фан сифатида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида вужудга келди. Чунки, айнан шу даврга келиб дунё ўзаро қарама-қарши ва доимий кураш олиб боровчи сиёсий кучлар, давлатларга батамом ажралди. Яъни дунё сиёсий харитасида пайдо бўлган янги сиёсий кучлар ва уларнинг марказлари, бўлиб бўлинган дунёни қайта бўлиш ғояси билан чиқдилар. Уларнинг асосий мақсадлари ўзларининг мафкуравий доктриналарини сиёсий-ҳудудий жиҳатдан ёйиш, мустаҳкамлаш ва янги имкониятларга эга бўлишдан иборат бўлди.

XIX ва XX оралиғидаги рўй берган бундай геосиёсий жараёнлар ва айниқса, XX асрнинг бошларида дунё сиёсий харитасидаги кескин ўзгаришлар замонавий фан олдида уларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулосалар олиш вазифасини кўндаланг қўйди. Моҳият ва мазмунига кўра энг аввало ҳудуд ва сиёсий жараёнлар омуктасидан иборат бўлган ёки ҳудуд ва унинг ташкил этилиши ва ривожланиши билан боғлиқ юқоридаги ўзгаришларни илмий-амалий ўрганиш зарурати геосиёсатни реал фан сифатида айнан XX асрда интенсив шаклланишининг бош сабабларидан биридир.

Геосиёсат фанининг вужудга келишида эса аввало классик геосиёсат катта аҳамиятга эга бўлди. Ушбу фаннинг асосчиси ҳақи равишда немис олими Фридрих Фон

Ратцелдир. (1844-1904, Германия). Геосиёсат тушунчасини эса фанга илк маротаба Ратцелнинг шогирди швед олими Рудольф Челлен (1864-1922) ўзининг 1916 йил Стокгольмда чоп этган «Давлат ҳаёт шакли сифатида» (Staten som livsform) деб номланган асарида эълон қилган эди. Булар классик геосиёсатнинг йирик намоёндаларидир. Шунингдек, улар қаторига Х.Макиндер, А.Мехен, Н.Спайкмен, К.Хаусхофер, ва бошқалар ҳам киради.

Юқорида геосиёсатни фан сифатида XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Германияда вужудга келди деб таъкидланди. Собик иттифокда эса у ғарбнинг сохта буржуа политологик концепцияси тарзида қабул қилиниб, амалда таъқиқланган эди. Аммо, жамиятнинг ҳудудий-сиёсий ривожланиши қонуниятлари геосиёсатнинг энг яқин йўлдоши сиёсий география мавқеидан туриб совет иқтисодий географлари томонидан ўрганиб келинган. Бунда, Н.Н.Баранский, Ю.Г.Саушкин, Майергойз, Колосов ва бошқаларнинг хизматлари катта.

XX асрнинг 80-йилларида собик Иттифокнинг жаҳон геосиёсий аренасида кучли даалат сифатида ўз мавқеини йўқота бошлаши билан геосиёсатга бўлган муносабат ҳам ўзгара бошлади. Чунончи, энди геосиёсат сохта буржуазия фани деб эмас, балки «давлат сиёсати, айниқса унинг ташқи сиёсати асосан географик омиллар, яъни ҳудудий жойлашуви, табиий ресурслари бор-йўқлиги, иқлим, аҳоли зичлиги ва унинг ўсиш суръати ва бошқа омиллар ёрдамида аниқланади» деб таърифланди (Философский энциклопедический словарь: 2-с изд. М., 1989.-с.116.)

Ҳар қандай мустақил фан учун ўз тадқиқот объекти ва предметини аниқлаб олиш жуда муҳим. Бу энг аввало мазкур фан тармоғини мустақил ривожланишининг илк шартларидан биридир. Аммо, геосиёсат ҳақида бундай дейиш қийин. Чунки, мазкур фан тармоғининг тадқиқот объекти ва предмети хусусида миллий жамоатчилик орасида ҳам ҳануз бир тўхтамга келинмаган ва ҳозирга қадар баҳс-мунозаралар мавжуд.

Геосиёсат фани нимани ўрганади, унинг тадқиқот объекти нима ёки геосиёсат тушунчасининг таърифи масалаларига тадқиқотчилар томонидан турли-туман ёндошувлар мавжуд. Жумладан, немис классик геосиёсатининг отаси Ф.Ратцель - «Геосиёсат-давлатни, энг аввало атроф ҳудудларда бўлган муносабатини ўрганади ва бундай ҳудудий муносабатлардан келиб чиқувчи муаммоларни ҳал қилишни мақсад қилиб қўяди», деб таъкидлаган. Шу ўринда айтиш жоизки, Ратцель биринчилардан

бўлиб давлатни қотиб қолган, доимий, ўзгармас нарса деб эмас, балки динамик ўзгарувчан, худди тирик ҳодиса сифатида ўрганишни таклиф қилган.

Ф.Ратцелнинг шогирди ва классик геосиёсатнинг йирик намоёндаларидан бири ҳисобланган Р.Челен эса - «Геосиёсат-бу давлатни худди географик организм ёки ҳудудий сифатида қаровчи доктрина» ёки «Геосиёсат-бу ҳудудда мужассамланган ва худди географик организм сифатида бўлган давлат ҳақидаги фандир» деб тушунтиради. Шунингдек, О.Маул ҳам давлатни статик, қотиб қолган эмас, балки худди тирик жонзот сифатида геосиёсатнинг предмети деб ҳисоблайди.

Ҳозирги замон рус геосиёсий тадқиқотчиларидан бири, қатор геосиёсат дарслик ва ўқув қўлланмаларининг муаллифи Н.Нартов: «Геосиёсат-бу ҳудуд устидан назорат қилиш ҳақидаги билимлар тизими, фандир» (2000, с.10) ёки «Геосиёсат-бу сиёсий институтлар томонидан, энг аввало давлат ва давлатлар иттифоқи томонидан ҳудуд (макон) устидан назорат қилиш асослари, имкониятлари, механизм ва шакллари ўрганувчи фандир (Нартов, 2000, с.24) деган хулосага келади.

Геосиёсатга янада муфассалроқ таъриф К.Хаусхофер томонидан «Zeilschrift Geopolitik» номли немис геосиёсат журналида эълон қилинди. Унга кўра: «Геосиёсат-бу ер ва сиёсий жараёнларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги фандир. У географиянинг кенг пойдеворига, яъни энг аввало ҳудуддаги сиёсий организмлар ва уларнинг тузилиши ҳақидаги сиёсий географияга асосланган. Геосиёсат сиёсий ҳаракатларни тегишли воситалар билан таъминлаш ва умуман олганда сиёсий ҳаётга йўналиш беришни мақсад қилиб кўяди.

Шундай қилиб, геосиёсат санъат, яъни амалий сиёсатни бошқариш санъати сифатида гавдаланади.

Геосиёсат-бу давлатнинг географик онгидир». (Dorpalen Andreas. The World General Haushofer. Geopolitics in Action. New York, 1942, p.XIIю-сю24-25).

Геосиёсатҳақидакенгтарқалганнуқтаи-назарларданбиришунданиборатки, геосиёсаттабииймуҳитомилларитаъсиринихисобгаолганҳолдамиллийсиёсатнианиқлашг ахизматқиладиёкидавлатнингстратегиксалоҳиятигатаъсиркўрсатувчи ваўзароалоқадоргеографик, тарихий, сиёсий ва бошқа омиллар мажмуини ўрганувчи ватаҳлил қилувчи фан деб номланган (Тихонравов, 2000, с.17).

Шунингдек, геосиёсатни давлат ташқи сиёсатининг муҳим бўлаги сифатида тушуниш шакли ҳам кенг учрайди.

Ю.Тихонравовнинг фикрича «Геосиёсат-бу сиёсий ва географик муҳитнинг (жойлашган ўрин, рельеф, иқлим, ландшафт, фойдали қазилмалар, иқтисодиёт, экология, демография, харбий қудрат) ўзаро таъсир қонуниятларини ўрганувчи фандир (М., 2000, с.18.)

Геосиёсат фанига берилган кўплаб юқоридаги таърифлардан ҳам кўриниб турибдики, ушбу фан тармоғининг тадқиқот объекти икки асосий омил билан чамбарчас боғланган. Улар, бир томондан ҳудуд ва унинг салоҳияти, иккинчи томондан эса давлат, давлатлар гуруҳи ва уларнинг сиёсатидир.

Ҳозирги даврга келиб геосиёсатни муайян давлат ёки давлатлар гуруҳи, бирикмаси билангина боғлаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди. Чунки, ҳозирги мавжуд геосиёсий жараёнлар нафақат якка давлат, регион миқёсидагина вужудга келиб, ривожланиб қолмай, балки дунё сиёсий харитасини тўла қамраб олган. Агарда, масалага бундай ёндошилса, у ҳолда «Геосиёсат-жаҳон мамлакатларининг ўзаро алоқадорликдаги сиёсий-ҳудудий ривожланиш стратегияси, манфаатлари ва уларни бошқариш ҳақидаги фанга айланиб қолади.

Геосиёсат - бу, аввало қирравий фан, яъни у география ва сиёсатшунослик фанлари қиррасида вужудга келди. Бошқача қилиб айтганда, геосиёсат «оёғи билан ерга-географияга, боши билан эса сиёсатшуносликка - давлат сиёсатига туташган. Улардан қайси бири геосиёсатни шаклланишида бирламчи асос эканлиги борасида эса унинг ҳудуд билан боғлиқ томони, яъни ҳар қандай давлатни ташкил топишининг илк шарти ҳисобланган ҳудуд асос, пойдевор эканлигини таъкидлаш жоиз. Ҳақиқатдан ҳам, кўпчилик тадқиқотчиларнинг ҳақли таъкидлашларича агарда геосиёсат бевосита ва асосан давлат, давлатлар ва уларнинг ҳаёт фаолиятлари билан боғлиқ сиёсий-ҳудудий жарёнларни қамраб олар экан, шуни унутмаслик лозимки, ҳудуд ва унинг салоҳиятисиз давлатнинг мавжудлиги ва фаолиятини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Геосиёсатни эса давлатларсиз, сиёсий-ҳудудий тузилмаларсиз мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас.

Демак геосиёсат ягона воқеа - ҳодисанинг икки қирраси ва ўз навбатида уларнинг яхлит намоён бўлиш шаклидир. Шунинг учун ҳам геосиёсатдан на ҳудудни, ва на сиёсатни суғуриб олиб ташлаб бўлмайди.

Юқоридагилар билан бирга, геосиёсат фани моҳият эътиборига кўра синтетик хусусиятга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Унинг предмети нафақат ҳудуд ва сиёсатни ўрганувчи фанлар, балки геоиктисод, халқаро муносабатлар, социология ва бошқалар билан ҳам чамбарчас боғланган.

Юқоридагилардан кўринадики, геосиёсатга муносабат унинг нисбат қисқа тарихий тараққиёт мобайнида ўта мураккаблиги билан эътиборни жалб этади. Кўпчилик тадқиқотчилар уни фан сифатида ёқлаб чиқсалар, бошқалар инкор этадилар. Ўз даврида Р.Челлен геосиёсатни фан сифатида талқин қилган. К.Хаусхофер эса геосиёсатни бир жойда фан сифатида, бошқа бир жойда ёндошув сифатида тушунган. «Геосиёсат журналы»ни нашр этган К.Вовинкель аввал бошда геосиёсатни фан деб эмас, балки билишнинг йўли, ёндошуви (Геосиёсат журналы, 1936, №5, б.334) деб тушунган бўлса, кейинроқ «Геосиёсат фан сифатида» номли мақола чоп этди (Геосиёсат журналы, 1944, №1/2, б.20). Геосиёсатчи олимлардан бири, проф. А.Грабовский эса геосиёсатни фан деб атади. Шунингдек, у геосиёсатни айнан XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида вужудга келиши империализм даври билан боғлиқлигини куйидагича тушунтиради: геосиёсатнинг вужудга келиши учун «ҳам сиёсий соҳасида, худди шу каби ҳам иқтисодиёт соҳасида макон (ҳудуд)га бўлган интилиш, ҳукмрон бўлган империализм даврининг келиши шарт эди».

Геосиёсат фанининг ҳозирги ривожланиш босқичида унинг тадқиқот объектини аниқлаш ва ифодалашнинг мушкул эканлиги юқорида таъкидлаб ўтилди. Чунки, ушбу фан айнан нимани ўрганади (тадқиқот объекти) ва қандай ўрганади (предмети) саволига тадқиқотчилар томонидан тўла-тўқис жавоб берилмаган. Уни худди демография фани каби илмий тадқиқот объекти-аҳоли, предмети эса аҳолининг такрор барпо бўлиши сифатида аниқ ва лўнда тасвирлаб бериш қийин.

Геосиёсат фанининг тадқиқот объектини аниқлашнинг қийинчилиги энг аввало у ўрганаётган воқеа-ҳодисаларнинг кўп қирралилиги ва мураккаблиги билан белгиланади. Бунда, энг аввало, масаланинг икки жаҳатига эътиборни қаратиш, лозим. Бу бир томондан ҳудуд ва унинг салоҳияти, иккинчи томондан эса давлат ва унинг сиёсати билан, сиёсат бўлганда ҳам бевосита давлат жойлашган ҳудуд, уни ўраб олган атроф ҳудудлар, дунё океани ва уларнинг геосалоҳиятидан келиб чиққан ҳолда давлат фаолиятини белгилаб берувчи сиёсат билан боғлангандир.

Геосиёсатнинг табиий муҳит элементлари, жумладан муайян ҳудуд, ҳудудлар ёки дунё океанисиз таъсаввур этиб бўлмайди. Ер юзаси 510 млн. км.кв.ни ташкил этар экан, унинг 149 млн.км.кв. қисмигина қуруқликдан иборат холос. Дунёнинг ана шу қуруқлик қисми эса материклар, қитъалар, ороллар, яримороллар, тоғлар, тексликлар, чўллар кўринишида турли ярим шарларда жойлашган, ҳамда турлича шакл –шамойилга, катта-кичикликка, табиий-географик, минерал хом ашё, демографик ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга. Булар эса ўз навбатида ушбу ҳудудларнинг табиатан ҳар-хил имкониятларга эга эканлигини кўрсатади. Шунингдек, уларда жойлашган давлатлар ҳам турлича геосиёсий мавқе, имконият ва салоҳият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, геосиёсат фанининг тадқиқот объектини бевосита геосиёсий жараёнлар деб, геосиёсатни эса географик муҳит ва сиёсатнинг ўзаро алоқадорлиги таъсирида давлат фаолиятини белгилаш ва уни бошқариш қонуниятларини ўрганувчи фандир деб ифодалаш ўринли.

Геосиёсатнинг вужудга келишида олимлар учта йирик илмий ёндошувни алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Булар, цивилизацион, ҳарбий-стратегик ва географик детерминизм ғояларидир. Бинобарин, цивилизацион ёндошувнинг асосчиси бўлган рус олими Н.Я.Данилевский (1882-1885) инсониятнинг геосиёсий тараққиёти тарихида давлат ёки алоҳида миллат эмас, балки йирик диний-маданий бирикмалар асосий роль ўйнайди деб таъкидлайди. Бундай диний-маданий бирикмалар кейинчалик «цивилизациялар» деб атала бошланди. Цивилизация назарияси кўпчилик олимларни, шу жумладан геосиёсатчиларнинг ҳам диққатини ўзига жалб этди. Жумладан, Гарвард университети география профессори С.Хантингтон «Цивилизациялар тўқнашуви» (1993) асарида, XXI асрдаги геосиёсий ихтилофларнинг асосий манбаи иқтисодиёт ёки мафкура эмас, балки цивилизациялар тафовути билан боғлиқ деб таъкидлайди.

Геосиёсатнинг вужудга келишидаги ҳарбий-стратегик назария И.Макиавелли (1469-1527), К.Фон Клаузевиц (1780-1831), Х.И.Монтескье (1848-1916)лар томонидан яратилди. Айниқса, унга А.Мехен (1840-1914) катта ҳисса қўшди. Жумладан, у ўзининг «Влияния марской силы на историю» (1890) деган асарида денгиз ҳукмронлигига эга давлатларнинг геосиёсий салоҳияти ва ривожланиши қонуниятларини таҳлил қилади.

Олимлар геосиёсатни илмий шаклланишида географик детерминизм ғоясининг ролига алоҳида аҳамият берадилар. Географик детерминизм, яъни жамият тараққиётида табиий

географик омилларнинг (географик ўрин, иқлим, тупроқ, дарё, денгиз ва б.) ролига етакчи эътибор ва урғу бериш қадим замонларданоқ олимларнинг асарларида ўз аксини топган. Ҳақиқатдан ҳам, инсонни ўраб олган табиий муҳит элементлари, нафақат унинг ҳаёт тарзига, балки характери, ўй-фикрларига ҳам муайян ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек, табиий муҳит элементларини (географик ўрин, иқлим, тупроқ ва б.) давлат ёки бутун бир цивилизацияларнинг тараққитётида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги немис географи В.Фон Гумбольдт (1769-1859) ва бошқалар томонидан таъкидланган.

Детерминистик ғоялар, фикрлар, хулосалар антик давр олимлари Геродот, Аристотел, Платон, Страбон, ўрта аср олимлари Ибн Халдун, Жан Боден, кейинчалик эса Монтескье, А.Гумбольдт, К.Риттер, И.Кант, Гегел, Г.Бокл, Л.Мечников ва бошқа кўплаб олимларнинг асарларида баён қилинган.

Ҳозирги замон геосиёсий жараёнларининг ривожланишида, дунёдаги геосиёсий кучлар нисбатини ўзгартиришда, геосиёсий ҳолат ва вазиятларни келтириб чиқаришда сиёсий, ҳудудий, иқтисодий, социал, ҳарбий, этнодемографик, миллий ва бошқа омиллар катта роль ўйнайди. Улар орасида ҳозирда иқтисодий омиллар етакчи ўринга чиқиб олди. Чунки бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг келажак ҳаёт фаолиятини таъминлаш энг аввало унинг бош стратегик вазифаларидан биридир. Бу эса биринчи навбатда мамлакатни моддий ресурслар билан қанчалик таъминланганлигига боғлиқ. Аммо, моддий ресурслар, жумладан ёқилғи, энергия манбалари, хом ашё, озиқ овқат ва бошқалар дунё ҳудуди ва мамлакатлари бўйича жуда нотекис тақсимланган. Улар устидан бевосита, ёки билвосита назоратни ўрнатиш, таъсир доирасига киритишга бўлган интилишлар ва бошқа ҳаракатлар эса замонавий геосиёсий жараёнлар, вазиятлар учун характерлидир. Шунинг учун ҳам ҳозирда ҳар қандай геосиёсий вазиятнинг таҳлили иқтисодий омилларни ҳисобга олмай туриб илмий асосланган хулосалар беради дейиш тўғри эмас.

Агарда, армия ёки ҳарбий куч-қудрат ҳозирда дунёда содир бўлаётган кескин геосиёсий ҳатти-ҳаракатларнинг асосий воситаларидан бирига айланиб қолган бўлса, геосиёсий вазиятларни келтириб чиқаришда эса сиёсий кучлар, бирлашмалар, уюшган халқаро жиноятчилик, терроризм олдинги ўринга чиқди.

Геосиёсий вазият геосиёсат фанининг фундаментал тушунчаларидан бири ҳисобланади. Мавжуд адабиётларда унга деярли таъриф берилмаган. Бизнингча, геосиёсий вазият

деб, муайян ҳудуд (минтақа, давлат ёки давлатлар) маъмурий-сиёсий тузилмасининг бир бутунлиги ва яхлитлигига сиёсий путур етиши билан боғлиқ ҳолда вужудга келган вазиятга айтилади. Ўз навбатида геосиёсий вазият геосиёсий ихтилофлар билан чамбарчас боғлиқ. Н.Нартовнинг таъкидлашича, геосиёсий ихтилофлар кўпинча дунёни бўлиш, қайта бўлиш, таъсир доирасини кенгайтириш ва низоли ҳудудлар учун бўлган ҳаракатлар натижасида келиб чиқади.

Геосиёсий вазиятнинг ҳудудий қамрови даражасига кўра шартли қуйидаги йирик турларга ажратиш мумкин:

- планетар;
- регионал;
- локал.

Агарда геосиёсий вазият асосан миллий давлат ёки икки қўшни давлат миқёсида содир бўлса ва чегараланса, у ҳолда у локал характерга эга. Бунга, Россияда «Чечен муаммоси», Япония билан «Курил ороллари муаммоси», «Курдлар муаммоси», «Ольстер муаммоси», «Кашмир муаммоси» ва бошқалар мисол бўла олади.

Геосиёсий вазият дунёнинг ўзига хос табиий-географик, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан алоҳида минтақасида содир бўлса ва шу минтақада жойлашган давлатларнинг маъмурий-сиёсий тузилмаси, сиёсий барқарорлиги ҳамда комплекс ривожланишини издан чиқарса, бундай ҳолда у регионал (минтақавий) аҳамият касб этади. Уларга мисол қилиб Яқин шарқ (Исроил-Фаластин муаммоси), Афғон муаммоси, Форс кўрфази ва Болқонда вужудга келган вазиятларни киритиш мумкин.

XX аср бошларида жаҳон геосиёсий харитасида давлатларнинг икки йирик сиёсий қарама-қарши лагерга ажралиши, Иккинчи Жаҳон урушидан кейин 90-йилларгача давом этган «совуқ уруш» даври қамда собиқ Иттифокнинг парчаланиши билан боғлиқ ҳолда жаҳонда таркиб топган геосиёсий вазият планетар аҳамиятга молик.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, геосиёсий вазиятларни муайян турларга ажратишда улар ўртасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Кўп ҳолларда улар биридан иккинчисига ўтиб туради. Аммо, бундай геосиёсий типология шартли бўлиб, улар ўртасида кескин тафовутлар мавжуд деган маънони англатмайди. Чунки, ҳар бир геосиёсий можаро, вазият ёки воқеа-ҳодиса қайси даражада ва ер шарининг қайси қисмида содир бўлмасин

инсониятнинг умумгеосиёсий тараққиёти қонуниятларига кўра ўзаро алоқадорликка ва уйғунликка эга.

Геосиёсатни халқаро, яъни планетар миқёсда тушуниш шундан далолат берадики, бунда барча геосиёсий ҳатти-ҳаракатларнинг замирида дунё ёки ер шари устидан (ер шарининг ўта муҳим геосиёсий ареаллари устидан) назоратни ўрнатиш ёки ҳукмронлик қилиш ғояси ётади. Бунга инсониятнинг геосиёсий тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Геосиёсатнинг планетар масштабда намоён бўлиши ер юзасининг барча қуруқлик ва сувлик қисмларини, уларда жойлашган материклар, қитъалар ва оролларни қамраб олган ҳолда дунёнинг геосиёсий қутблари, марказлари ва уларнинг геосиёсий ҳатти-ҳаракатлари, фаолиятларини ўзида мужассам этади.

Геосиёсатни минтақавий тушуниш шакли, энг аввало дунёнинг муайян региони билан боғлиқ ҳолда таркиб топган геосиёсий жараёнларни қамраб олади. Бундай геосиёсат шу минтақада жойлашган давлатлар ва қўпинча айрим кучли давлатларнинг геосиёсий ҳуқ-атвори ҳамда ушбу минтақага ташқаридан бўлган геосиёсий таъсирлар натижасида шаклланади.

Геосиёсатнинг давлат миқёсида намоён бўлишини, муайян давлат фаолияти билан боғланган ва шу давлат умумиллий сиёсатининг муҳим бўғини сифатида қараш мумкин. Бунда геосиёсатнинг асосий мазмуни энг аввало, давлатни, уни ўраб олган қўшни давлатлар, ҳудудлар ёки сиёсий кучларга нисбатан, дунёнинг йирик геосиёсий минтақалари ва марказларига нисбатан тутган муносабати ва мавқеи билан белгиланади. Аксарият ҳолатларда иқтисодий ва айниқса, ҳарбий жиҳатдан тараққий этган ҳамда улкан «ҳаётий макон (жизненное пространство)», геосиёсий салоҳиятга интилаётган якка давлатнинг ҳатти-ҳаракатлари натижасида геосиёсатнинг шу шакли минтақавий ва ҳатто планетар аҳамият ҳам касб этиши мумкин.

Агарда геосиёсатни давлат (мамлакат) мавқеидан туриб таҳлил қилинса, у гўёки мамлакатнинг «ташқарисида»ги, яъни шу давлатни бевосита қўшни ҳудудлар ва давлатларга, ўзи жойлашган минтақа, дунёнинг кучли давлатлари ва сиёсий марказларига нисбатан тутган мавқеи ва муносабатларини ўзида мужассам этишини англатади. Ақсинча, маъмурий-ҳудудий ва сиёсий жиҳатдан барқарор давлатнинг «ичкарисига» нисбатан геосиёсат ўз мазмунини йўқотади. Агарда давлатнинг ривожланишига, биринчи навбатда унинг маъмурий ҳудудий тузилмасига путур етса,

худуд ва ҳокимият давоси билан янги сиёсий кучлар майдонга чиқса ҳамда сиёсий бошқаруви издан чиқса, бундай ҳолатда мамлакатнинг «ичкарисиди» ҳам геосиёсий вазият таркиб топади.

Бошқа фанлардаги каби геосиёсат фани ҳам муайян объектив қонунлар асосида ривожланади. Асосий геосиёсий қонуниятлардан бири-бу фундаментал дуализмдир.

Маълумки, ер юзаси худуди табиий-географик жиҳатдан икки қисм (муҳит)га: қуруқлик ва сувлик(денгиз)ка ажратилган. Унинг бундай қўшалок (дуалистик) тузилиши ўз навбатида инсониятнинг ривожланишида, турлича тарихий цивилизация типларини (денгиз ва қуруқлик давлатлари шаклида) вужудга келишида ўз аксини топган.

Классик геосиёсатнинг Челлен, Мехен, Маккиндер, Хаусхофер каби йирик намоёндалари ва бошқа тадқиқотчилар фундаментал дуализмни икки қарама-қарши куч: қуруқлик ва денгизни ёки аниқроғи уларнинг бевосита таъсирида шаклланган қуруқлик (теллуократик) ва денгиз (талассократик) давлатларининг ўзаро қарама-қарши қўйиш шакли деб тушунадилар.

Ер юзасининг бу икки муҳити эса турлича имкониятларга эга. Жумладан, Ер шарининг сувлик қисми унинг қуруқлик қисмидан уч баробардан ортиқ макон - худудга эга бўлган ягона дунё океанини ҳосил қилади. Шунингдек, ер юзасидаги ҳар қандай катта-кичикликдаги қуруқлик дунё океани ичида гўёки «орол» бўлиб, унга денгиз ёрдамида ҳар томондан бориш имконияти мавжуд. Аксинча, ер юзасидаги ҳоҳлаган қуруқликдан туриб дунёнинг ҳоҳлаган сувлик қисмига бевосита чиқиш имконияти мавжуд эмас. Шунингдек, денгиз йирик қуруқликлар ва улар жойлашган давлатларни ўзаро туташтирувчи кўприк вазифасини ҳам ўтайди.

Жаҳон миқёсида техникани ва айниқса, кемасозлик, савдо ва товар айрибошлашнинг жадал ривожланиши билан денгизни, бошқача қилиб айтганда денгиз давлатлари, денгиз цивилизацияларининг мавқеи ҳам кучайди. Бунга қадар эса тарихан қуруқлик давлатларининг цивилизацияси ҳукмрон бўлиб келган эди.

Денгиз цивилизацияси ёки денгиз кучлари мавқеининг ортиб бориши билан геосиёсатнинг «инсоният тарихида макон (худудий макон) омилининг кучайиши» қонуни келиб чиқади. Буни денгиз кемасозлигини тараққий эттириш асосида дунёнинг улкан худудида ўз ҳукмронлигини ўрнатган ва шу асосда тараққиётнинг баланд чўққисига эришган Англия мисолида ҳам кўриш мумкин.

Денгиз кучлари Буюк географик кашфиётлар давридан бошлаб кўпроқ Испания, Португалия билан боғланган бўлса, кейинчалик Англия билан XX асрнинг ўрталаридан бошлаб АҚШ билан чамбарчас боғлиқдир. Бу даврда қуруқлик кучларининг қудрати эса собиқ СССР билан белгиланган эди.

Шунингдек, геосиёсат фанида юқоридаги қуруқлик ва денгиз дуализмининг ўзаро ҳосиласи - «қирғоқбўйи зонаси» («Римленд») ёки «Қуруқлик ва денгиз синтези» қонунини ҳам аниқлаш мумкин.

Геосиёсат фани ўз тадқиқотларида тизим-таркиб, таққослаш, тарихий, функционал, картографик ва бошқа тадқиқот усулларида кенг фойдаланади. У билиш, башорат, бошқарув вамафкуравий вазифаларни бажаради.

13- мавзу. Географик тузилмалар ва жараёнлар

Режа

1. Жойлаштириш, жойланиш ҳақида умумий тушунча.
2. Меркантилизмдан фритредизмга.
3. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришда И.Тюнен ва А.Вебер ғоялари.
4. Кристаллер-Лёш назарияси.
5. Янгиликларнинг ҳудудлар бўйлаб тарқалиш ғояси.

Таянч сўзлар:*Тугунлар ва иерархия. Ареаллар. Оқимлар ва коммуникациялар. “Марказий жойлар” . Ҳудудий (пространственные) моделлар.*

Ер юзида бутун борлиқ, мавжудот бир текис тарқалмаган ёки тақсимланмаган. Чунончи, ҳаво ҳарорати, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, қазилма бойликлар, аҳоли ва у томонидан яратилган ишлаб чиқариш тармоқларининг жойланиши, зичлиги бир хил эмас. Айнан ана шундай нотекислик география фанининг чин моҳиятини, унинг диний ва дунёвий аҳамиятини асослаб беради, кишиларнинг ҳаёт-фаолиятини, ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ҳатто жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатларнинг географик сиёсатини белгилаб беради.

қизиги шундаки, инсоният тарихида доимо турли нарсаларнинг нотекис жойланишига барҳам бериш ва уларнинг бир текис тарқалишига уриниб келинган, аммо ҳеч қачон бу нотекислик бутунлай йўқолмаган, турли минтақалар ва жойлардаги ҳаёт турличалигича қолаверади. Демак, география ҳам абадий, у ҳаракатдаги олам сирларини ўрганувчи фан сифатида ўз илмий ва амалий аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Унинг бундай вазифаси айниқса ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда яққол кўзга ташланади.

Шу ўринда баъзи терминологик масалаларни аниқлаштириш талаб этилади. Масалан, жойланиш(и), жойлаштириш, жойлашиш каби тушунчаларнинг маъноси бир хил эмас. Жойланиш ёки жойлашиш деганда кўпроқ юзага келган ҳолат, географик манзара, назарда тутилади ва у ҳамма вақт ҳам инсон томонидан яратилган бўлавермай, балки ўзига хос турли хил, энг аввало, табиий қонуниятлар асосида вужудга келади. Жумладан, тайга ўрмонлари, денгиз ва океанлардаги балиқлар, ер ости қазилма бойликларни ҳеч ким жойлаштирмаган, улар ўзларича бошқа қонуниятлар асосида жойлашган. Бинобарин, жойлаштириш оддий жойланишдан фарқ қилиб, кимдир томонидан амалга оширилади.

Собиқ Иттифок даврида ўта марказлашган, директив режалаштириш шароитида ишлаб чиқариш кучларини ягона Давлат планлаштириш ташкилоти («Госплан») жойлаштирган. Ҳозирги бозор муносабатлари, мулкчиликнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши шароитида «жойлаштириш» ўзининг аввалги моҳиятини йўқотади, бироқ бундай вазиятда ҳам турли хил мулк эгалари, тадбиркор ёки бошқа ишбилармонлар ўзига тегишли соҳани маълум тамойиллар асосида жойлаштиради. Кенг миқёсда эса давлат ўзининг турли хил воситалари (механизмлари) орқали ишлаб чиқаришнинг жойлашувини тартибга солиб, бошқариб боради. Илмий жиҳатдан бундай жойлашувни «**худудий ташкил этиш**», деб аташ ҳам тўғрироқ бўлади. Бу тушунча эса ўз ўзидан тартиб, тизим, мувозанат, бошқарувни кўзда тутди ва ташкил этиш асосан худудий мажмуа шаклида бўлади.

Жаҳон ҳўжалигининг ягона тизими вужудга келганга қадар халқаро (географик) меҳнат тақсимооти унча ривожланмаган эди. Ҳатто XVII-XVIII асрларгача кўпгина мамлакатлар халқаро иқтисодий муносабатларда ўзларининг ички бозорларига чет эл

маҳсулотларини киритишга қарши сиёсат олиб борар эдилар. Бу сиёсат ёки импортни чеклаш иқтисодиёт тарихида **меркантилизм** номи билан ўрин олган.

Албатта, бундай шароитда жаҳон бозори хусусида сўз юритиш мумкин эмас. Жаҳон бозори эркин иқтисодиёт, очик савдо тизимини жорий қилишни тақозо этади. Ана шундай йўналиш **фритредизм**, яъни эркин савдо деб аталади. Унинг илмий асосини яратишда А.Смит ва, айниқса Д.Рикардонинг хизмати катта бўлган. Уларнинг ғоялари халқаро географик меҳнат тақсимотини кенг кўламда ривожлантириш, мамлакатлараро савдо-сотиқни фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, у мутлоқ ваёки нисбий қулайлик (афзаллик) қонуни номини олган. Бу қонуннинг асл моҳияти шундаки, ҳар бир мамлакат ўзининг ички имконият ва шароитларидан келиб чиққан ҳолда маълум маҳсулотни маълум вақт мобайнида бошқа давлатларга қараганда арзонроқ, яъни камроқ харажат билан етиштиради ва уни бозорда осон сотади. Сотилган маҳсулотнинг пулига ўзида йўқ, ёки етиштириши қимматроқ, серхаражат товарларни бошқа ҳудудларда нисбатан арзонроқ ишлаб чиқарилган нарсаларни харид қилиб олади. Бундай товар айирбошлаш нақд пулсиз, яъни бартер усулида ҳам олиб борилиши мумкин.

Фритредизм ғояларини амалга татбиқ қилиш жаҳон хўжалигининг шаклланишига, меҳнат тақсимотининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Айни пайтда мамлакатлар иқтисодиётининг ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил қилишида ҳам ўзгаришлар юз беради.

Бевосита ишлаб чиқаришни жойлаштиришга оид илмий ғоялар даставвал Германияда яратилган. Масалан, немис мулкдори Иоган Генрих Тюнен XIX асрнинг 20-30-йилларида ўзининг қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш бўйича илмий фикрларини махсус асарида баён қилди (русча номи «Изолированное государство»).

Тюнен ғоясининг асосий моҳияти ягона шаҳар, яъни истеъмол маркази атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини маълум тартибда етиштиришни ҳудудий ташкил қилишдан иборат. У бу ғояни амалга татбиқ қилиш учун хўжалик билан шаҳар ёки бозор (унинг мисолида бу шаҳар –Мекленбургдаги Росток) ўртасидаги масофа, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи, қиймати ва ер рентасига асосланади. Ер рентаси эса унга қўйилган маблағ билан олинган даромад нисбати билан белгиланади.

Юқоридаги шартлар ёрдамида И.Тюнен шаҳар атрофида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойлашув тизимини ёки ҳудудий мажмуасини яратади. Бу тизим адабиётда «Тюнен халқалари» номи билан машҳур. Чунки, турли маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашган ҳар хил тармоқлар истеъмол маркази атрофида халқасимон жойлашади. Масалан, биринчи халқа-боғдорчилик, сабзавотчилик ва қисман сут чорвачилиги; иккинчиси – ўрмон хўжалиги (ўша даврда ўтин учун), учинчи халқа- картошка, арпа етиштириш ва уруғчилик, тўртинчи-юқори унумдор ғаллачилик ва сут-гўшт чорвачилиги, бешинчи- ғаллачилик ва, ниҳоят, олтинчи халқа –яйлов чорвачилиги.

И.Тюненнинг хизмати шундаки, у биринчи бўлиб ердан фойдаланиш масалаларини кўтариб чиқди ва илмий адабиётга «иқтисодий макон» тушунчасини киритди. У ўзининг абстракт моделида маҳсулотнинг бозорга-истеъмолчига арзон ва сифати бузилмаган ҳолда етказиб беришга катта эътибор беради. Шундай қилиб, И.Тюнен қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришнинг дастлабки илмий пойдеворини яратувчиси бўлди ва шу маънода уни қишлоқ хўжалиги географиясининг асосчиси сифатида эътироф этиш мумкин.

1909 йилда Тюненнинг ватандоши –Альфред Вебер саноат штандорти тўғрисида илмий изланишлар олиб борди. У ўзининг диққат-эътиборини саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришга таъсир этувчи омилларга қаратди. Шу мақсадда Вебер омилларнинг таъсир кучига қараб табақалаштирди, асосий ҳал қилувчи омилни аниқлади.

А.Вебер саноат штандорти ва саноат географиясининг асосчисидир. Штандорт эса-корхонанинг ўрнашган жойи ёки корхонанинг оптимал (стандарт) жойлашган, қулай нуқтаси маъносини англатади. Жойлаштириш омили у ёки бу корхонани қуришда кўзда тутилган иқтисодий самарадорлик, фойда нуқтаи назаридан баҳоланади. Бу фойда, Вебер фикрича, асосан хом ашё, маҳсулотни реализация қилиш, транспорт ва ишчи кучига кетган харажатлар нисбати ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматидан ташкил топади. Кейинчалик у хом ашё ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ омилни умумий транспорт сарф-харажатларига киритди. Чунки, маҳсулотнинг таннархига хом ашёни келтириш, маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам киради.

Натижада, саноат штандортини белгиловчи иккита омил –транспорт ва ишчи кучи (меҳнат ресурси) олинди. Вебер кейинроқ уларга яна бир муҳим омилни қўшди – у ҳам бўлса агломерация омилидир. Айнан ана шу омил, яъни саноат корхонасини бошқа корхона, инфратузилма тармоқлари ёнида қуриш катта иқтисодий самарадорликга олиб келади ва бундан жойлашув ҳудудий мажмуа кўринишини олади. Эҳтимол, Н.Н.Колосовскийнинг «ишлаб чиқаришни ҳудудий мажмуалари» ғояси ана шу Вебернинг ишлаб чиқариш агломерацияси ҳақидаги таълимотидан келиб чиққан ёки назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

А.Вебер транспорт омилига маҳсулот ёки хом ашёнинг вазни, ташиладиган масофа, меҳнат ресурсида иш хақи, агломерация омилида эса корхоналарнинг бир жойда тўпланишини ҳисобга олган.

А. Вебер илмий адабиётда ўзининг штандорт назарияси, «жойлаштириш омили» ва «агломерация самарадорлиги» тушунчаларини киритганлиги билан машҳурдир. Агломерация самарадорлиги-бу асл моҳиятига кўра мужассамлашув (концентрация) самарадорлиги бўлиб, у ҳозирги кунда корхоналарнинг йириклашувидан, яъни миқёс, масштаб иқтисоди асосида эмас, балки корхоналарнинг кооперация ва ихтисослашув («хилма-хиллик» ёки сифат иқтисоди) натижасида эришилади.

И.Тюнен (қишлоқ хўжалиги) ва А.Вебернинг (саноат штандорти) ғоялари абстракт шароитларни ҳисобга олган ҳолда яратилган бўлсада, уларнинг илмий аҳамияти ҳозиргача йўқолмаган. Бу олимларнинг ғояларини «омиллар таҳлили» шаклида умумлаштириш мумкин. Омиллар эса ҳудудда айрим жойларни танлаб олиш ва пировард натижада ҳудудий мужассамлашув, ҳудудий нотекисликларни ёки географик тенгсизликни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг икки асосий тармоғи, яъни қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуалари бўйича илмий ғоялар яратилди. Энди навбат- аҳоли жойлашуви, аҳолига хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳаларнинг ҳудудий ташкил этиш муаммоларига келди. Бу ҳақдаги ишланмалар ҳам немис олими Вальтер Кристаллерга тегишли. У 1930-йилларда аҳолининг ҳудудий тарқалиши ва жойланиши масалаларини ўрганиб, ўзининг «Жанубий Германия марказий ўринлари» номли китобини ёзди.

Марказий ўринлар турли йирикликдаги шаҳар ва бошқа аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, улар ўзига хос таъсир доираси, хизмат кўрсатиш радиусига эга. Идеал ҳолатда ҳар хил миқёсдаги марказий ўринлар географик муҳитда олтибурчак шаклга эга ва улар асаларининг уясини эслатади.

Кристаллер учун ҳам ҳудуд барча шароитлар бўйича бир хил бўлиши, яъни ҳудуд теп-текис, аҳоли, аҳоли манзилгоҳлари, йўл ва бошқалар бир хил жойлашган. Ана шундай идеал манзарадан келиб чиққан ҳолда у ўзининг илмий ғоясини яратди. Унинг номи билан «марказий ўринлар», иерархия, шаҳарлар классификацияси каби тушунчалар, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий мажмуа шаклида жойлаштиришга оид илмий фикрлар боғлиқ.

Бошқа, ёш ва истеъдодли немис олими Август Лёш ўзидан олдинги ватандошларининг илмий ишланмаларини умумлаштириб (у А.Вебернинг ўқувчиси эди), барча хўжалик тармоқларини жойлаштириш тўғрисида иш олиб борди. А.Лёш ғояларининг моҳияти унинг махсус китобида (русча номи «Географическое разме́жение хозяйства»-М., 1959) баён этилган. Китобнинг асл нусхаси қўлёзмаси 1940 йилда нашр қилинган.

А.Лёш қишлоқ хўжалигининг ареал, майдон сифатида, саноатнинг эса нуқтасимон ҳудудий ташкил этиш хусусиятларини асослаб берди. У биринчи бўлиб «бозор муҳити ёки макони», «иқтисодий ландшафт» (ҳозирги кунда – иқтисодий район, ўзига хос ҳудудий мажмуа) тушунчаларини яратди ва фанга киритди. Агар аввалгилар, хусусан И.Тюнен ва А.Вебер алоҳида корхонани, тармоқни ўрганишган бўлишса, А.Лёш ишлари барча хўжалик соҳаларини қамраб олди ва ўз моҳиятига кўра бозор муносабатлари, унинг таъсир доираси ҳақиқий район ташкил қилувчи омил эканлиги таъкидланди, математик усулларни кенг қўллади. Айнан ана шу тамойилларни ҳозирги кунда Ўзбекистонни иқтисодий районлаштириш масалаларига татбиқ қилиш аҳамиятдан холи бўлмаса керак.

Таъкидлаш жоизки, И.Тюнен ва А.Вебер ғоялари ўз даври талабига мос келарди. Сабаби – у даврда ҳудуднинг иқтисодий сиғими, зичлиги унча юқори эмас, ҳудудий-иқтисодий манзара қутбийлашмаган, яъни деярли бир текис эди. Ана шундай иқтисодий географик ҳолат алоҳида корхона ёки тармоқларни айрим жойларда ўринлаштириш таъсирида ўзгаради, нотекислик хусусиятини олади. Бошқача қилиб айтганда, аввалги

табiiй кўринишдаги иқтисодий текислик нотекисликка, худудий мужассамлашувнинг кўчайишига ўзгаради. Бунинг натижасида нотекисликни текислашга уриниб кўрадиган илмий изланишлар талаб этилди. Худди шундай регуляризи тизимга мослашган ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини худудий ташкил қилиш ғояларини В.Кристаллер ва А.Лёш яратди.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан унча ўзлаштирилмаган, хўжалик сиғими паст худудларни ривожлантириш ва жонлантириш борасида ўсиш қутблари ва ривожланиш марказлари тўғрисидаги назария ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг асосчиси француз олими Франсуа Перрудир.

Ф.Перру «марказий ўринлар» ғоясидан келиб чикди, омилларни эмас, тармоқларни ривожланиш хусусияти, ҳаракатчанлиги, атрофга таъсири бўйича табақалаштирди ва уларни уч гуруҳга ажратди. У энг аввало худудий–иқтисодий муносабатларда тенгсизлик, нобаробарликни тан олди ва мутлоқ жихатдан тенгликни амалга ошириш мумкин эмаслигига тўла ишонди.

Перру фикрича, учинчи гуруҳ тармоқлари тез, жадал ривожланиш, район (мажмуа) ҳосил қилиш салоҳиятига, қобилиятига эга бўлиб, айнан ана шундай минтақавий иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи тармоқлар ривожланиши ўсиш марказларини ташкил қилади. Марказларнинг мустаҳкамланиши, уларда турдош корхоналарнинг кўпайиши, атрофга бўлган таъсир доирасининг кенгайиши натижасида ўсиш қутблари вужудга келади. Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 40-нчи йилларида худди шунга ўхшаш «иқтисодий учоқлар» ғояси рус олимлари, жумладан А.Г.Александров ва Н.Н.Колосовский томонларидан ҳам яратилган эди.

Ўсиш қутблари ғояси швед олими - Лунд университети профессори (Швеция, 1954) Т.Хагерстранднинг янгиликлар диффузияси назариясига ўхшаб кетади. Фақат муаллиф бу ғояни кўпроқ социал география бўйича ишлаб чиққан.

Чиндан ҳам, жаҳон тараққиёти, дунё хўжалик тизимининг ривожланиш тарихи фан-техника ютуқлари, илмий янгиликлар ва кашфиётлар, инновациялар технологик детерминизм билан боғлиқ. Тарих нуқтаи назаридан ёндошганда, жаҳон хўжалиги ривожланишида маълум циклларни ажратиш мумкин. Бу давр ёки цикллар янги

кашфиётларнинг ихтиро этилиши, татбиқ этилиши, тарқалиши ва уларнинг ўрнига бошқа инновацияларнинг келиши билан белгиланади.

Махсус адабиётларда америкалик У.Ростоунинг (XX аср, 58-60-йиллар) иқтисодий ривожланишнинг босқичлари, стадиялари, рус иқтисодчиси Н.Д.Кондратьевнинг 30-йиллар илмий-техника ўзгаришларига асосланган «узун тўлқинлар» назарияси мавжуд. Шунингдек, америкалик олим Р.Верноннинг (XX аср ўрталари) экспорт товарининг ҳаёт цикли, австралиялик Йозеф Шумпетернинг тадбиркорлик тўғрисидаги ғоялари ҳам янгиликларнинг диффузияси ва технологик детерминизм билан яқиндан боғлиқ.

Диффузия (физикадан олинган бўлса керак) кенгайиш ва тарқалиш хусусиятига эга бўлиши мумкин. Биринчисида янгиликнинг амалий татбиқ доираси аста-секин кенгайиб боради, иккинчисида эса бу бирин-кетин содир бўлади, янгилик биридан иккинчисига кўчади. Худди шу хусусда америкалик иқтисодчи М.Портернинг (1993) марказдан четга кашфиётларнинг, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларининг кўчиши, бир мамлакатдан иккинчи, учинчисига ва ҳ.к. даражаларга каскадсимон ўтиши, миграцияси ҳақидаги илмий ишланмалари ҳам бор.

СССР парчаланиши ва мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан геосиёсий вазият ўзгарди. Ана шундай шароитда чегара атрофи минтақаларини ўрганиш, «Марказ-чекка» (перифирия) муносабатларини тадқиқ қилиш масалалари ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан бевосита алоқадордир.

Жаҳон ҳўжалиги тизими (бу тушунча асосчиси америкалик И.Валлерстайн), унинг тараққиётидаги циклар даврий, тарихий хусуситга эга. Бундай ёндошувни тик эмас, горизонтал, яъни географик жиҳатдан ҳам қўллаш мумкин. Натижада, иқтисодиёт ривожланишининг худуддан-худудга ўтиши, бизнинг иборамизда - **«географик тўлқинлар»** кўз олдимизга келади.

Н.Д.Кондратьев жаҳон ҳўжалиги динамикасида 5 та цикл ажратади, улардан тўрттаси индустрия даврига, охирги 5-ундан кейинги, яъни постиндустриал даврга тўғри келади. Бу даврда электроника, лазерлар технологияси, биотехнологиялар устувор аҳамиятга эга. Худди шунга ўхшаш худудий-иқтисодий ривожланишнинг кетма-кетлигини кузатиш мумкин. Бу ўринда И.Мечниковнинг жаҳон цивилизацияси босқичлари ва

бунда буюк тарихий дарёларнинг роли хақидаги асарини ҳам эътибордан четга қолдирмаслик керак. Муаллиф жаҳон маданияти ва тараққиётида дарё, Ўрта денгиз ва океан цивилизацияларини ажратади. Улар бир вақтнинг ўзида эмас, балки турли даврларда, бирининг ўрнини иккинчисини олиши билан юзага елган.

Дарҳақиқат, жаҳон тараққиёти Узоқ Шарқ, Япония ва Хитойдан бошланиб, Ўрта ва Яқин Шарққа, ундан Ўрта денгиз ва Пиреней ярим оролига, улардан Англия ва ниҳоят Америкага (АҚШ)га кўчди. Ҳозирги даврда тарихни, иқтисодий-ижтимоий ҳаётни ривожлантирувчи минтақалар «учбурчаги», яъни АҚШ-/арбий Европа-Япония ҳисобланади. Айни вақтда, етакчи кучнинг аста-секин яна шарққа кўчиши аломатлари сезилмоқда. Буни Япония таъсири ва бошчилигида янги индустриал мамлакатлар – Жанубий Корея, Сингапур, Тайланд, Малайзия, Индонезия, Филиппиннинг пайдар-пай (изма-из) жадал суръатлар билан ривожланишида кўрамиз. Демак, бизнинг назаримизда, иқтисодий тараққиётнинг цикл хусусиятига эга эканлиги фақат давр, вақт доирасидагина эмас, балки Ер шари, глобал, географик маконда ҳам содир бўлмоқда. Бундай географик тўлқинлар, силжишлар эса, албатта, жаҳон ҳўжалигининг ривожланиш ва унинг ҳудудий таркибига таъсир қилади.

Шу билан бирга иқтисодий географлар, минтақа иқтисодчилари В.Леонтьев ва У.Изардларнинг тармоқлараро ва ҳудудлараро баланси ҳамда минтақавий иқтисодиёт фани тўғрисидаги илмий ғояларини, Зипфа ва Стюарт, Дж.Фридман кабиларнинг шаҳарлар ривожланиши, бошқа олимларнинг «дунёвий шаҳарлар» хақидаги янги ишларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Зеро уларнинг барчаси ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ҳудудий мажмуалар билан бевосита боғлиқ.

Биз юқорида ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг илмий ғояларини асосан /арб олимлари асарлари бўйича талқин қилдик. Ўз-ўзидан савол туғилиши табиий: нахотки узоқ тарихга, маданиятга эга бўлган ўзимизнинг юртимизда бундай ишлар қилинмаган бўлса? Шубҳа йўқ, албатта бу борада ҳам ўлкамиз катта ва бой меросга эга. Муаммо фақат уларни тарихий манбалардан қидириб топиш, ўрганиш, тарғиб ва ташфиқот қилиш, амалга татбиқ қилишдан иборат бўлмоғи лозим. Масалан, бу ерда хусусан деҳқончиликни ривожлантириш ва жойлаштириш, алмашлаб экиш, суғориш иншоотларини қуриш ва фойдаланиш, савдо ва ҳунармандчилик соҳалари, шаҳарсозлик

тўғрисида дунё аҳамиятига молик ихтиролар яратилгани сир эмас. Математика, тиббиёт каби фанлар туғилган бу Замин ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқа соҳаларига, жаҳон маданияти ва тарихига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг классик ғоялари:

1. Жойлаштириш, жойланиш ҳақида умумий тушунча.
2. Меркантилизмдан фритредизмга.
3. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришда И.Тюнел ва А.Вебер ғоялари.
4. Кристаллер-Лёш назарияси.
5. Янгиликларнинг ҳудудлар бўйлаб тарқалиш ғояси.

Ер юзиде бутун борлиқ, мавжудот бир текис тарқалмаган ёки тақсимланмаган. Чунончи, ҳаво ҳарорати, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, қазилма бойликлар, аҳоли ва у томонидан яратилган ишлаб чиқариш тармоқларининг жойланиши, зичлиги бир хил эмас. Айнан ана шундай нотекислик география фанининг чин моҳиятини, унинг диний ва дунёвий аҳамиятини асослаб беради, кишиларнинг ҳаёт-фаолиятини, ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ҳатто жаҳон ҳамжамиятидаги мамлакатларнинг географик сиёсатини белгилаб беради.

қизиғи шундаки, инсоният тарихида доимо турли нарсаларнинг нотекис жойланишига барҳам бериш ва уларнинг бир текис тарқалишига уриниб келинган, аммо ҳеч қачон бу нотекислик бутунлай йўқолмаган, турли минтақалар ва жойлардаги ҳаёт турличалигича қолаверади. Демак, география ҳам абадий, у ҳаракатдаги олам сирларини ўрганувчи фан сифатида ўз илмий ва амалий аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Унинг бундай вазифаси айниқса ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришда яққол кўзга ташланади.

Шу ўринда баъзи терминологик масалаларни аниқлаштириш талаб этилади. Масалан, жойланиш(и), жойлаштириш, жойлашиш каби тушунчаларнинг маъноси бир хил эмас. Жойланиш ёки жойлашиш деганда кўпроқ юзага келган ҳолат, географик манзара, назарда тутилади ва у ҳамма вақт ҳам инсон томонидан яратилган бўлавермай, балки ўзига хос турли хил, энг аввало, табиий қонуниятлар асосида вужудга келади. Жумладан, тайга ўрмонлари, денгиз ва океанлардаги балиқлар, ер ости қазилма бойликларни ҳеч ким жойлаштирмаган, улар ўзларича бошқа қонуниятлар асосида

жойлашган. Бинобарин, жойлаштириш оддий жойланишдан фарқ қилиб, кимдир томонидан амалга оширилади.

Собиқ Иттифоқ даврида ўта марказлашган, директив режалаштириш шароитида ишлаб чиқариш кучларини ягона Давлат планлаштириш ташкилоти («Госплан») жойлаштирган. Ҳозирги бозор муносабатлари, мулкчиликнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши шароитида «жойлаштириш» ўзининг аввалги моҳиятини йўқотади, бироқ бундай вазиятда ҳам турли хил мулк эгалари, тадбиркор ёки бошқа ишбилармонлар ўзига тегишли соҳани маълум тамойиллар асосида жойлаштиради. Кенг миқёсда эса давлат ўзининг турли хил воситалари (механизмлари) орқали ишлаб чиқаришнинг жойлашувини тартибга солиб, бошқариб боради. Илмий жиҳатдан бундай жойлашувни «**ҳудудий ташкил этиш**», деб аташ ҳам тўғрироқ бўлади. Бу тушунча эса ўз ўзидан тартиб, тизим, мувозанат, бошқарувни кўзда тутати ва ташкил этиш асосан ҳудудий мажмуа шаклида бўлади.

Жаҳон ҳўжалигининг ягона тизими вужудга келганга қадар халқаро (географик) меҳнат тақсимоти унча ривожланмаган эди. Ҳатто XVII-XVIII асрларгача кўпгина мамлакатлар халқаро иқтисодий муносабатларда ўзларининг ички бозорларига чет эл маҳсулотларини киритишга қарши сиёсат олиб борар эдилар. Бу сиёсат ёки импортни чеклаш иқтисодиёт тарихида **меркантилизм** номи билан ўрин олган.

Албатта, бундай шароитда жаҳон бозори хусусида сўз юритиш мумкин эмас. Жаҳон бозори эркин иқтисодиёт, очик савдо тизимини жорий қилишни тақозо этади. Ана шундай йўналиш **фритредизм**, яъни эркин савдо деб аталади. Унинг илмий асосини яратишда А.Смит ва, айниқса Д.Рикардонинг хизмати катта бўлган. Уларнинг ғоялари халқаро географик меҳнат тақсимотини кенг кўламда ривожлантириш, мамлакатлараро савдо-сотиқни фаоллаштиришга қаратилган бўлиб, у мутлоқ ваёки нисбий қулайлик (афзаллик) қонуни номини олган. Бу қонуннинг асл моҳияти шундаки, ҳар бир мамлакат ўзининг ички имконият ва шароитларидан келиб чиққан ҳолда маълум маҳсулотни маълум вақт мобайнида бошқа давлатларга қараганда арзонроқ, яъни камроқ харажат билан етиштиради ва уни бозорда осон сотади. Сотилган маҳсулотнинг пулига ўзида йўқ, ёки етиштириши қимматроқ, серхаражат товарларни бошқа ҳудудларда нисбатан арзонроқ ишлаб чиқарилган нарсаларни харид қилиб олади.

Бундай товар айирбошлаш нақд пулсиз, яъни бартер усулида ҳам олиб борилиши мумкин.

Фритредизм ғояларини амалга татбиқ қилиш жаҳон хўжалигининг шаклланишига, меҳнат тақсимотининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Айни пайтда мамлакатлар иқтисодиётининг ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил қилишида ҳам ўзгаришлар юз беради.

Бевосита ишлаб чиқаришни жойлаштиришга оид илмий ғоялар даставвал Германияда яратилган. Масалан, немис мулкдори Иоган Генрих Тюнен XIX асрнинг 20-30-йилларида ўзининг қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш бўйича илмий фикрларини махсус асарида баён қилди (русча номи «Изолированное государство»).

Тюнен ғоясининг асосий моҳияти ягона шаҳар, яъни истеъмол маркази атрофида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини маълум тартибда етиштиришни ҳудудий ташкил қилишдан иборат. У бу ғояни амалга татбиқ қилиш учун хўжалик билан шаҳар ёки бозор (унинг мисолида бу шаҳар –Мекленбургдаги Росток) ўртасидаги масофа, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи, қиймати ва ер рентасига асосланади. Ер рентаси эса унга қўйилган маблағ билан олинган даромад нисбати билан белгиланади.

Юқоридаги шартлар ёрдамида И.Тюнен шаҳар атрофида қишлоқ хўжалиги тармоқларининг жойлашув тизимини ёки ҳудудий мажмуасини яратади. Бу тизим адабиётда «Тюнен халқалари» номи билан машҳур. Чунки, турли маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашган ҳар хил тармоқлар истеъмол маркази атрофида халқасимон жойлашади. Масалан, биринчи халқа-боғдорчилик, сабзавотчилик ва қисман сут чорвачилиги; иккинчиси – ўрмон хўжалиги (ўша даврда ўтин учун), учинчи халқа- картошка, арпа етиштириш ва уруғчилик, тўртинчи-юқори унумдор ғаллачилик ва сут-гўшт чорвачилиги, бешинчи- ғаллачилик ва, ниҳоят, олтинчи халқа –яйлов чорвачилиги.

И.Тюненнинг хизмати шундаки, у биринчи бўлиб ердан фойдаланиш масалаларини кўтариб чиқди ва илмий адабиётга «иқтисодий макон» тушунчасини киритди. У ўзининг абстракт моделида маҳсулотнинг бозорга-истеъмолчига арзон ва сифати бузилмаган ҳолда етказиб беришга катта эътибор беради. Шундай қилиб, И.Тюнен қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришнинг дастлабки илмий пойдеворини

яратувчиси бўлди ва шу маънода уни қишлоқ хўжалиги географиясининг асосчиси сифатида эътироф этиш мумкин.

1909 йилда Тюненнинг ватандоши –Альфред Вебер саноат штандорти тўғрисида илмий изланишлар олиб борди. У ўзининг диққат-эътиборини саноат ишлаб чиқаришини жойлаштиришга таъсир этувчи омилларга қаратди. Шу мақсадда Вебер омилларнинг таъсир кучига қараб табақалаштирди, асосий ҳал қилувчи омилни аниқлади.

А.Вебер саноат штандорти ва саноат географиясининг асосчисидир. Штандорт эса-корхонанинг ўрнашган жойи ёки корхонанинг оптимал (стандарт) жойлашган, қулай нуқтаси маъносини англатади. Жойлаштириш омили у ёки бу корхонани қуришда кўзда тутилган иқтисодий самарадорлик, фойда нуқтаи назаридан баҳоланади. Бу фойда, Вебер фикрича, асосан хом ашё, маҳсулотни реализация қилиш, транспорт ва ишчи кучига кетган харажатлар нисбати ҳамда асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматидан ташкил топади. Кейинчалик у хом ашё ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ омилни умумий транспорт сарф-харажатларига киритди. Чунки, маҳсулотнинг таннархига хом ашёни келтириш, маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам киради.

Натижада, саноат штандортини белгиловчи иккита омил –транспорт ва ишчи кучи (меҳнат ресурси) олинди. Вебер кейинроқ уларга яна бир муҳим омилни қўшди – у ҳам бўлса агломерация омилидир. Айнан ана шу омил, яъни саноат корхонасини бошқа корхона, инфратузилма тармоқлари ёнида қуриш катта иқтисодий самарадорликга олиб келади ва бундан жойлашув ҳудудий мажмуа кўринишини олади. Эҳтимол, Н.Н.Колосовскийнинг «ишлаб чиқаришни ҳудудий мажмуалари» ғояси ана шу Вебернинг ишлаб чиқариш агломерацияси ҳақидаги таълимотидан келиб чиққан ёки назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

А.Вебер транспорт омилига маҳсулот ёки хом ашёнинг вазни, ташиладиган масофа, меҳнат ресурсида иш ҳақи, агломерация омилида эса корхоналарнинг бир жойда тўпланишини ҳисобга олган.

А. Вебер илмий адабиётда ўзининг штандорт назарияси, «жойлаштириш омили» ва «агломерация самарадорлиги» тушунчаларини киритганлиги билан машҳурдир. Агломерация самарадорлиги-бу асл моҳиятига кўра мужассамлашув (концентрация) самарадорлиги бўлиб, у ҳозирги кунда корхоналарнинг йириклашувидан, яъни микёс,

масштаб иқтисоди асосида эмас, балки корхоналарнинг кооперация ва ихтисослашув («хилма-хиллик» ёки сифат иқтисоди) натижасида эришилади.

И.Тюнен (қишлоқ хўжалиги) ва А.Вебернинг (саноат штандорти) ғоялари абстракт шароитларни ҳисобга олган ҳолда яратилган бўлсада, уларнинг илмий аҳамияти ҳозиргача йўқолмаган. Бу олимларнинг ғояларини «омиллар таҳлили» шаклида умумлаштириш мумкин. Омиллар эса ҳудудда айрим жойларни танлаб олиш ва пировард натижада ҳудудий мужассамлашув, ҳудудий нотекисликларни ёки географик тенгсизликни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг икки асосий тармоғи, яъни қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришини жойлаштириш, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий мажмуалари бўйича илмий ғоялар яратилди. Энди навбат- аҳоли жойлашуви, аҳолига хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳаларнинг ҳудудий ташкил этиш муаммоларига келди. Бу ҳақдаги ишланмалар ҳам немис олими Вальтер Кристаллерга тегишли. У 1930-йилларда аҳолининг ҳудудий тарқалиши ва жойланиши масалаларини ўрганиб, ўзининг «Жанубий Германия марказий ўринлари» номли китобини ёзди.

Марказий ўринлар турли йирикликдаги шаҳар ва бошқа аҳоли манзилгоҳлари бўлиб, улар ўзига хос таъсир доираси, хизмат кўрсатиш радиусига эга. Идеал ҳолатда ҳар хил миқёсдаги марказий ўринлар географик муҳитда олтибурчак шаклга эга ва улар асаларининг уясини эслатади.

Кристаллер учун ҳам ҳудуд барча шароитлар бўйича бир хил бўлиши, яъни ҳудуд теп-текис, аҳоли, аҳоли манзилгоҳлари, йўл ва бошқалар бир хил жойлашган. Ана шундай идеал манзарадан келиб чиққан ҳолда у ўзининг илмий ғоясини яратди. Унинг номи билан «марказий ўринлар», иерархия, шаҳарлар классификацияси каби тушунчалар, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий мажмуа шаклида жойлаштиришга оид илмий фикрлар боғлиқ.

Бошқа, ёш ва истеъдодли немис олими Август Лёш ўзидан олдинги ватандошларининг илмий ишланмаларини умумлаштириб (у А.Вебернинг ўқувчиси эди), барча хўжалик тармоқларини жойлаштириш тўғрисида иш олиб борди. А.Лёш ғояларининг моҳияти унинг махсус китобида (русча номи «Географическое размежение хозяйства»-М., 1959) баён этилган. Китобнинг асл нусхаси қўлёзмаси 1940 йилда нашр қилинган.

А.Лёш қишлоқ хўжалигининг ареал, майдон сифатида, саноатнинг эса нуқтасимон ҳудудий ташкил этиш хусусиятларини асослаб берди. У биринчи бўлиб «бозор муҳити ёки макони», «иқтисодий ландшафт» (ҳозирги кунда – иқтисодий район, ўзига хос ҳудудий мажмуа) тушунчаларини яратди ва фанга киритди. Агар аввалгилар, хусусан И.Тюнен ва А.Вебер алоҳида корхонани, тармоқни ўрганишган бўлишса, А.Лёш ишлари барча хўжалик соҳаларини қамраб олди ва ўз моҳиятига кўра бозор муносабатлари, унинг таъсир доираси ҳақиқий район ташкил қилувчи омил эканлиги таъкидланди, математик усулларни кенг қўллади. Айнан ана шу тамойилларни ҳозирги кунда Ўзбекистонни иқтисодий районлаштириш масалаларига татбиқ қилиш аҳамиятдан холи бўлмаса керак.

Таъкидлаш жоизки, И.Тюнен ва А.Вебер ғоялари ўз даври талабига мос келарди. Сабаби – у даврда ҳудуднинг иқтисодий сиғими, зичлиги унча юқори эмас, ҳудудий-иқтисодий манзара кутбийлашмаган, яъни деярли бир текис эди. Ана шундай иқтисодий географик ҳолат алоҳида корхона ёки тармоқларни айрим жойларда ўринлаштириш таъсирида ўзгаради, нотекислик хусусиятини олади. Бошқача қилиб айтганда, аввалги табиий кўринишдаги иқтисодий текислик нотекисликка, ҳудудий мужассамлашувнинг кўчайишига ўзгаради. Бунинг натижасида нотекисликни текислашга уриниб кўрадиган илмий изланишлар талаб этилди. Худди шундай регуляр тизимга мослашган ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ҳудудий ташкил қилиш ғояларини В.Кристаллер ва А.Лёш яратди.

Иқтисодиёт нуқтаи назаридан унча ўзлаштирилмаган, хўжалик сиғими паст ҳудудларни ривожлантириш ва жонлантириш борасида ўсиш кутблари ва ривожланиш марказлари тўғрисидаги назария ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг асосчиси француз олими Франсуа Перрудир.

Ф.Перру «марказий ўринлар» ғоясидан келиб чиқди, омилларни эмас, тармоқларни ривожланиш хусусияти, ҳаракатчанлиги, атрофга таъсири бўйича табақалаштирди ва уларни уч гуруҳга ажратди. У энг аввало ҳудудий–иқтисодий муносабатларда тенгсизлик, нобаробарликни тан олди ва мутлоқ жиҳатдан тенгликни амалга ошириш мумкин эмаслигига тўла ишонди.

Перру фикрича, учинчи гуруҳ тармоқлари тез, жадал ривожланиш, район (мажмуа) ҳосил қилиш салоҳиятига, қобилиятига эга бўлиб, айнан ана шундай минтақавий

иқтисодий тармоқлар ривожланиши ўсиш марказларини ташкил қилади. Марказларнинг мустақамланиши, уларда турдош корхоналарнинг кўпайиши, атрофга бўлган таъсир доирасининг кенгайиши натижасида ўсиш қутблари вужудга келади. Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 40-нчи йилларида худди шунга ўхшаш «иқтисодий учоқлар» гоёси рус олимлари, жумладан А.Г.Александров ва Н.Н.Колосовский томонларидан ҳам яратилган эди.

Ўсиш қутблари гоёси швед олими - Лунд университети профессори (Швеция, 1954) Т.Хагерстранднинг янгиликлар диффузияси назариясига ўхшаб кетади. Фақат муаллиф бу гоёни кўпроқ социал география бўйича ишлаб чиққан.

Чиндан ҳам, жаҳон тараққиёти, дунё хўжалик тизимининг ривожланиш тарихи фан-техника ютуқлари, илмий янгиликлар ва кашфиётлар, инновациялар технологик детерминизм билан боғлиқ. Тарих нуқтаи назаридан ёндошганда, жаҳон хўжалиги ривожланишида маълум циклларни ажратиш мумкин. Бу давр ёки цикллар янги кашфиётларнинг ихтиро этилиши, татбиқ этилиши, тарқалиши ва уларнинг ўрнига бошқа инновацияларнинг келиши билан белгиланади.

Махсус адабиётларда америкалик У.Ростоунинг (XX аср, 58-60-йиллар) иқтисодий ривожланишнинг босқичлари, стадиялари, рус иқтисодчиси Н.Д.Кондратьевнинг 30-йиллар илмий-техника ўзгаришларига асосланган «узун тўлқинлар» назарияси мавжуд. Шунингдек, америкалик олим Р.Верноннинг (XX аср ўрталари) экспорт товарининг ҳаёт цикли, австралиялик Йозеф Шумпетернинг тадбиркорлик тўғрисидаги гоёлари ҳам янгиликларнинг диффузияси ва технологик детерминизм билан яқиндан боғлиқ.

Диффузия (физикадан олинган бўлса керак) кенгайиш ва тарқалиш хусусиятига эга бўлиши мумкин. Биринчисида янгиликнинг амалий татбиқ доираси аста-секин кенгайиб боради, иккинчисида эса бу бирин-кетин содир бўлади, янгилик биридан иккинчисига кўчади. Худди шу хусусда америкалик иқтисодчи М.Портернинг (1993) марказдан четга кашфиётларнинг, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқларининг кўчиши, бир мамлакатдан иккинчи, учинчисига ва ҳ.к. даражаларга каскадсимон ўтиши, миграцияси ҳақидаги илмий ишланмалари ҳам бор.

СССР парчаланиши ва мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан геосиёсий вазият ўзгарди. Ана шундай шароитда чегара атрофи минтақаларини ўрганиш, «Марказ-чекка»

(периферия) муносабатларини тадқиқ қилиш масалалари ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан бевосита алоқадордир.

Жаҳон хўжалиги тизими (бу тушунча асосчиси америкалик И.Валлерстайн), унинг тараққиётидаги цикллар даврий, тарихий хусуситга эга. Бундай ёндошувни тик эмас, горизонтал, яъни географик жиҳатдан ҳам қўллаш мумкин. Натижада, иқтисодий ривожланишининг ҳудуддан-ҳудудга ўтиши, бизнинг иборамизда - **«географик тўлқинлар»** кўз олдимизга келади.

Н.Д.Кондратьев жаҳон хўжалиги динамикасида 5 та цикл ажратади, улардан тўрттаси индустрия даврига, охириги 5-ундан кейинги, яъни постиндустриал даврга тўғри келади. Бу даврда электроника, лазерлар технологияси, биотехнологиялар устувор аҳамиятга эга. Худди шунга ўхшаш ҳудудий-иқтисодий ривожланишнинг кетма-кетлигини кузатиш мумкин. Бу ўринда И.Мечниковнинг жаҳон цивилизацияси босқичлари ва бунда буюк тарихий дарёларнинг роли ҳақидаги асарини ҳам эътибордан четга қолдирмаслик керак. Муаллиф жаҳон маданияти ва тараққиётида дарё, Ўрта денгиз ва океан цивилизацияларини ажратади. Улар бир вақтнинг ўзида эмас, балки турли даврларда, бирининг ўрнини иккинчисини олиши билан юзага елган.

Дарҳақиқат, жаҳон тараққиёти Узоқ Шарқ, Япония ва Хитойдан бошланиб, Ўрта ва Яқин Шарққа, ундан Ўрта денгиз ва Пиреней ярим оролига, улардан Англия ва ниҳоят Америкага (АҚШ)га кўчди. Ҳозирги даврда тарихни, иқтисодий-ижтимоий ҳаётни ривожлантирувчи минтақалар «учбурчаги», яъни АҚШ-/арбий Европа-Япония ҳисобланади. Айни вақтда, етакчи кучнинг аста-секин яна шарққа кўчиши аломатлари сезилмоқда. Буни Япония таъсири ва бошчилигида янги индустриал мамлакатлар – Жанубий Корея, Сингапур, Тайланд, Малайзия, Индонезия, Филиппиннинг пайдар-пай (изма-из) жадал суръатлар билан ривожланишида кўрамиз. Демак, бизнинг назаримизда, иқтисодий тараққиётнинг цикл хусусиятига эга эканлиги фақат давр, вақт доирасидагина эмас, балки Ер шари, глобал, географик маконда ҳам содир бўлмоқда. Бундай географик тўлқинлар, силжишлар эса, албатта, жаҳон хўжалигининг ривожланиш ва унинг ҳудудий таркибига таъсир қилади.

Шу билан бирга иқтисодий географлар, минтақа иқтисодчилари В.Леонтьев ва У.Изардларнинг тармоқлараро ва ҳудудлараро баланси ҳамда минтақавий иқтисодий фани тўғрисидаги илмий ғояларини, Зипфа ва Стюарт, Дж.Фридман кабиларнинг

шаҳарлар ривожланиши, бошқа олимларнинг «дунёвий шаҳарлар» хақидаги янги ишларни ҳам назардан қочирмаслик керак. Зеро уларнинг барчаси ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, ҳудудий мажмуалар билан бевосита боғлиқ.

Биз юқорида ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг илмий ғояларини асосан /арб олимлари асарлари бўйича талқин қилдик. Ўз-ўзидан савол туғилиши табиий: нахотки узоқ тарихга, маданиятга эга бўлган ўзимизнинг юртимизда бундай ишлар қилинмаган бўлса? Шубҳа йўқ, албатта бу борада ҳам ўлкамиз катта ва бой меросга эга. Муаммо фақат уларни тарихий манбалардан қидириб топиш, ўрганиш, тарғиб ва ташфиқот қилиш, амалга татбиқ қилишдан иборат бўлмоғи лозим. Масалан, бу ерда хусусан деҳқончиликни ривожлантириш ва жойлаштириш, алмашлаб экиш, суғориш иншоотларини қуриш ва фойдаланиш, савдо ва ҳунармандчилик соҳалари, шаҳарсозлик тўғрисида дунё аҳамиятига молик ихтиролар яратилгани сир эмас. Математика, тиббиёт каби фанлар туғилган бу Замин ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бошқа соҳаларига, жаҳон маданияти ва тарихига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

14-мавзу. Инсон географияси ва экология

Режа:

1. Инсон фаолиятининг экологик ўзгаришлардаги салбий таъсири.
2. Экологиянинг тарихий келиб чиқиши ва фан сифатида шаклланиши.
3. Экологияни шартли асосда икки тармоққа бўлиниш жараёни.
4. Ижтимоий экологиянинг инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлари.
5. Тиббиёт географияси назариялари ва экологик қонунлар.

Таянч иборалар:Энтомологик.Экотизимлар. Биосфера. Урбосоциоэкология. Географик экология. Глобал экология. Математик экология.Агломерация. Конурбация . Меганполис .

1. Инсон фаолиятининг экологик ўзгаришлардаги салбий таъсири.

Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан унинг олдида ўзи ҳис қилмаган қанчадан-қанча муаммолар мавжуд. Зеро, фан ва техниканинг жадал ривожланиб бориши бир-бири

билан чамбарчас боғлиқ қатор жаҳоншумул муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ана шундай муҳим дунёвий муаммолардан бири бу экологик муаммолардир.

Сўнгги йилларда сайёрамизда инсон фаолияти туфайли қатор экологик ўзгаришлар содир бўлмоқда: иқлим ва об-ҳаво ер шарининг барча минтақаларида сезиларли тарзда ўзгариб бормоқда, сув ва тупроқлар таркиби тобора ифлосланмоқда, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари камайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ер юзида яшовчи барча инсонларнинг соғлигига кескин таъсир кўрсатмоқда.

Бутун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳозирги кунда жами касалликларнинг 80 фоизга яқинроғи экологик муаммолар оқибати эканлигини қайд этади. Шундай экан бундай экологик хавф-хатарни олдини олиш нафақат экологлар, қолаверса, кенг жамоатчилик, шу жумладан тиббий географлар олдига ҳам қатор масалаларни кундаланг қўймоқда.

Тиббиёт географиясининг саволлари?

Тиббиёт географияси географик йўналишларнинг методологияларини ва тушунчаларини, соғлиқла тегишли бўлган мавзулардан фойдаланади. Бир нуктаи назар доирасида биосферанинг шакллари ва маданий тизимларнинг турларининг ҳаракати яхлит ҳисобланади. Бу фактларда эркин тасвирланган яни тушунчалар, назариялар ва бошқа ижтимоий, жисмоний ва биологик фанларнинг техникалари, бу озининг истиқболлари ва асосий саволлари орқали касалликларга ёндашувлари ва ўз фазовий таҳлилларининг техникаларидан кенг фойдаланишади. Соғлиқни сақлаш/тиббиёт географияси бу комплекс бўлиб, мутахассисларнинг кенг имкониятлари учун кўп тармоқли тарғибот ҳисобланади.

Тиббиёт географияси бу ҳам қадимги истиқболли ҳам янги ихтисослашув саналади. Бу малумотларнинг олдинги тасвирланишига биноан, Гиппократ (460-377 мил.ав.) бундан 2000 йилдан кўпроқ олдин маданий-экологиянинг аҳамияти билан таниш эди. Бу касаллик этиологиясини ўрганиш учун муҳим бўлган тасирларни билиш, шунингдек соғлиқни сақлаш, ёрдам ва соғлиқни сақлаш хизмати билан таминлаб шу кунларда тиббиёт географиясидек давом этмоқда. Деярли эски касалликлар унитилгани каби, янги хатарлар ўртасида: асосан дунё аҳолисининг кўпчилиги шаҳарликлар бўлиб шунингдек

томонларнинг сонининг барқарор ҳаракати:тиббиётда биехнологияларнинг ўзгаришлари каби,қишлоқ хўжалиги ва биз биладиган табиий ҳаёт ва иқлим ўзгаришидек,ҳаво ва сувнинг ифлосланиши истемол метасози ва касалликнинг экологиясининг паразитик тенгсизлик шакли шу асосида одамларнинг қадимий ўрганиш ҳақида,уларнинг турли хил муҳитлардаги маданияти ва жамиятлари,яралиши ва касалликларнинг тарқалиши ,саломатлини тиклаш ва касалларга мувофиқ бўлмаган ғамхорликларни кўрсатишдан иборат.Бу интерактив жараёнларни тушуниш жуда муҳим бўлиб, атроф муҳит ва маданий ҳаётни ўзгариши,шунингдек жойнинг шаҳарлараро аҳамиятини кўрсатади.Шундай қилиб,тиббиёт географияси фақат юқори даражадаги билимни эмас ,балки таҳлил қилиш ва натижаларга мурожат қилишни ўргатади.

Бу биринчи бобда уч асосий нарсани ўз ичига олади.Биринчидан ,тиббиот географияси ва соғлиқни сақлаш географиясини таништиради.Бунинг учун,мураккаблик учун малум бир кўриниш тақдим этади,шу асосида бу тиббиёт географияси,биологис фанлар ва ижтимоий фанлар орасидаги экологикал парадигмалари орасидаги фарқини тушунтириб беради.Бундан ташқари умумий яхлит саволлар табиатнинг географик йўналишида акс эттирилади.Иккинчидан ,бу бобда тиббиёт географиянинг тарихийлиги шунингдек АҚШ ни ва дунёнинг кескин эволутсон ўзгариётганлигини кўрсатилади.Учинчидан ,қисқача бази асосий фан ҳақида гапириш учун терминология таништирилади.Бу географлар томонидан „тиббиёт географиянинг қийинчиликлари,, деб ёпилади.

Номланиши қандай?

Бу тиббиёт географияси термини йигирманчи асрнинг ўрталарида АҚШ да фойдаланилган.Ўша вақтларда бу кескин ривожланган,бизнинг фикримизча консепсиялар,методологиялар н ичида бўлган шунингдек касаллик ва соғлиқни сақлаш географияси фанлари билан боғланган.Бунинг тузилиши биология,атроф муҳит ва сотсиал фанларига яқиндир;бу статистик анализ ва картографиянинг методологияларини иккаласидан ҳам тенг миқёсда фойдаланилади,шунингдек инсонлар орқали энг яхши малумот олиш ва интервью олиш техникаларидек бўлган.Соғлиқни сақлаш географияси жамиятда жуда машҳур термин бўлиб,марказий иқтисодий

ривожланган мамлакатларда ҳам бўлган. Бу соғлиқни сақлаш ва соғлиқ шаҳарлар қобилиятсиз ва тажрибасизларнинг, ёшларнинг тушунишлари учун зарур саналади. Соғлиқни сақлаш географларини фикрлари одатда тиббиёт географияси касаллик этиологияси билан яқиндан боғланиб, моделлар билан асосий тарзда башоратда „тиббиёт“, билан фойдаланилади.

Medical Geography book. Melinda S. Meade, Michael Emch

2. Экологиянинг тарихий келиб чиқиши ва фан сифатида шаклланиши.

Маълумки, экология тушунчаси даставал 1869 йилда немис биологи Эрнест Геккель томонидан фанга киритилган эди. Олим «экология» сўзини барча тирик мавжудотларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқадорлигини ифода этувчи зоологиянинг (биологиянинг) бир тармоғи сифатда ишлатди. Экология сўзи грекча сўз бўлиб, «ойкос»-уй, яшаш жойи, логос-фан, таълимот маъноларини англатади.

Таъкидлаш жоизки, экологияга тегишли фикрлар Гиппократ, Аристотель сингари олимлар асарларида ҳам тилга олинган бўлсада, у фан сифатида анчагина кейинроқ юзага келди.

Манбаларда таъкидланишича, экологиянинг ривожланиши табиатни ўрганиш ва тавсифлашдан бошланган. Бу борадаги дастлабки иш француз олими Жон Анри Фабернинг «Энтомологик эсдаликлар» (1879) номли асари ёзилган даврларга тўғри келади. Аслида, экологиянинг фан сифатидаги ривожи айрим ҳайвонот ёки ўсимлик турлари яшайдиган муҳитни, уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишдан бошланган бўлиб, бу унинг шаклланишида дастлабки босқичдир. Экологиянинг тараққиётини иккинчи даври экотизимлар ва уларнинг бир бутун тизим сифатида ўрганилиши билан боғлиқ.

Учинчи даврда эса асосан экотизимларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг ўзаро боғлиқлик ғоялари ишлаб чиқилди. Экологиянинг тўртинчи даври биосферани бир бутун ҳолатда ўрганишга қаратилган бўлиб, бешинчи даврда эса инсоннинг биосферадаги ўрнини ўрганиш долзарб бўлиб қолди. Бу даврда инсоннинг биосфера билан алоқадорлиги тан олинган ҳолда, унинг таъсир кучига ҳам эътибор берилди. Бунда экология инсоннинг

биосферадаги тутган ўрнини ўрганиш долзарб бўлиб қолди. Бу даврда инсоннинг биосфера билан алоқадорлиги тан олинган ҳолда, унинг таъсир кучига ҳам эътибор берилди. Шу жиҳатдан қараганда экология инсоннинг биосферадаги тутган ўрнини ўрганар экан, унинг биосферага бўлган ўзига хос муносабатларини ҳам ҳисобга олиш назарда тутилади.

Аҳоли саломатлиги ижтимоий борлиқнинг ривожланиши ва ташкил этилиши билан ҳам боғлиқ. Ижтимоий муҳитнинг табиий борлиққа таъсири ортиб бораётган ҳозирги даврда аҳоли саломатлигига таъсир этувчи экологик омиллар (ёки геоекологик омиллар) иқтисодий - ижтимоий шароитлар билан бирлашиб, комплекс таъсир этувчи кучга айланиб бормоқда. (1-расм).

Худуднинг саноатлашуви, урбанизатсия даражаси, транспорт тўрининг зичлиги, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашуви ва технологик қуролланиш ҳолати, аҳоли жойланиши, антропоген ва техноген босим маконнинг нозогеографик турланишига, умуман олганда, ижтимоий омил ёки муҳит табиий-экологик шароит билан биргаликда муҳим таъсир этувчи кучга айланган.

Ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида хўжалик соҳаларининг экстенсив тарзда олиб борилиши табиий муҳитнинг издан чиқишига, ижтимоий муаммоларнинг янада чуқурлашувига олиб келмоқда. Шундай минтақалар қаторига Ўрта Осиё мамлакатлари ҳам киради. Минтақанинг экстраарид чўл шароити аҳоли турмуш-тарзига маълум даражада қийинчилик туғдириши билан бирга инсон таъсирида кучли деградатсияга учрамоқда.

Минтақа аҳолисининг саломатлиги ва ижтимоий фаолиятини салбийлашувида Орол денгизи фожеаси асосий ўринга кўтарилмоқда. Денгизнинг 500 км радиус қисмидаги атрофи жаҳон ҳамжамияти томонидан «экологик фожеа» худуди деб эътироф этилган. Хоразм вилояти ҳам бевосита ушбу худуд доирасида жойлашган.

Аҳоли саломатлиги инсон тараққиётини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан биридир. Ушбу муаммо худуднинг экологик тизими билан чамбарчас боғлиқ бўлишига қарамасдан, уни географик ўрганиш масалалари яқин ўтмишга бориб тақалади. Хусуан, тиббиёт географияси доирасидаги тадқиқотлар XX асрнинг иккинчи ярмидан тез

ривожлана бошлади. Бундай тадқиқотлар ҳозирда кўпгина ривожланаётган мамлакатларда шаклланиш босқичида бўлса, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари, шу жумладан, МДХ мамлакатларида анча тараққий этган.

Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини географик жиҳатдан ўрганишнинг бошланганлигига унча узоқ вақт бўлмади. Собиқ Иттифок даврида Фарғона водийсини тиббий географик ўрганилиши тарихи бўйича АА Абдуллаева тадқиқотлар олиб борган. Бу фаннинг Ўзбекистонда ривожланиши мустақиллик йилларида АС)Солиев, М. И. Назаров, Н. Қ. Комилова, Ҳ.Т. Турсунов ва И.Т.Турдимамбетовларнинг мазкур соҳадаги илмий ишлари билан боғлиқ бўлди.

Аҳоли сонининг ортиб бориши ҳамда унга мутаносиб равишда табиий муҳитга бўлган таъсирнинг кучайиши ўтган аср давомида ўнглаб бўлмас турли даражадаги экологик муаммоларни инсоният олдида кўндаланг қилиб қўйди. Янги асрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан “Минг йиллик барқарор ривожланиш” контсептсияси ишлаб чиқилди. Унда атроф-муҳит, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, саводхонлигини ошириш, саломатлигини тиклаш, оналик ва болалик муҳофазаси, болаларни ақлий ва жисмоний ривожланишини таъминловчи ва яна бир қатор ижтимоий масалалар ўрин олган.

Инсон экологияси фани антропоэкологик системаларнинг келиб чиқиши, яшаши ва ривожланиши қонуниятларини ўргатади.

Антропоэкологик системалар — муҳит билан динамик мувозанатда бўлган ва шу муносабат орқали ўз эҳтиёжларини қондирадиган одамлар жамоасидир.

Антропоэкологик системаларнинг табиий экосистемалардан асосий фарқи — унинг таркибида одамлар жамоаларининг мавжудлигидир. Маълум ҳудудда яшайдиган одамлар жамоасининг фаоллиги уларнинг атроф-муҳитга кўрсатадиган таъсир даражаси билан аниқлана-ди. Ривожланаётган жамоа аҳоли сонининг ортиб бориши билан бирга озиқ маҳсулотларига, хомашёга, сув ресурсларига, чиқиндиларни жойлаштиришга эҳтиёжлари ҳам ортиб бориши билан таърифланади. Бу эса ўз навбатида табиий муҳитга таъсирни кучайтиради, биотик ва абиотик омиллардан фойдаланишни жадаллаштиради.

Соғлиқни сақлаш чораларининг яхши йўлга қўйилиши, тиббиёт фанининг қўлга ки-ритган ютуқлари, инсонларнинг ўртача умр кўриш муддатининг узайиши, болалар ўлимининг камайиши натижасида сайёрамизда аҳоли сонининг жадал ўсиши — XX аср-нинг асосий демографик ўзига хослигидир.

1999-йилда аҳоли сони 6 миллиардга етди. XX асрнинг ўзида аҳоли сони 4,4 млрд га кўпайди, XX асрнинг фақат охириги 12 йилининг ўзидаёқ аҳоли сони 1 млрд га ортди (XIX асрда эса аҳоли сони фақат 0,6 млрд га ортган

Аҳоли сонининг тез ўсиши унинг муҳитга антропоген таъсирини (қишлоқ хўжалигининг, саноатининг, транспортнинг жадал ривожланиши, шаҳарлар эгаллаган ҳудудларнинг ортиши) янада кучайтиради.

Аҳолиси жуда кўп бўлган мамлакатларда аҳоли сони ўсишини чеклаш, оилани режалаштириш чоралари амалга оширилмоқда. (масалан, Хитойда ва Ҳиндистонда.

Антропоекологик системаларда инсонлар ва табиий муҳитнинг ўзаро таъсири икки хил йўналишда кечади:

- 1) айрим индивидларнинг ва бутун жамоанинг биологик ва ижтимоий кўрсаткичлари ўзгаради;
- 2) муҳитнинг ўзи ҳам одамларнинг эҳтиёжини қондириш жараёнида ўзгара боради.

Инсон экологиясини ўрганишда муҳит биогеографик хусусиятларининг одамлар популяциясининг биологик ўзгарувчанлигига таъсири, антропоекологик системаларда инсоннинг саломатлиги масаласи катта аҳамиятга эгадир.

Одам экологик омилларнинг таъсир объекти бўлиши билан бирга ўзи ҳам муҳитга таъсир қилади.

Одамнинг экологик омил сифатида ўзига хослиги, унинг табиатга таъсирининг *онгли*, *мақсадга мувофиқли* ва *кучли* бўлишидир.

Ҳар қандай биологик тур чекланган энергетик ресурсга эга. Шунинг учун унинг табиатга таъсир этиш имконияти чеклангандир. Яшил ўсимликлар Қуёш энергиясидан

фойдаланади, бошқа организмлар эса ўзидан аввалги озиқ даражасининг органик моддалари энергияси ҳисобигаяшайди.

Одам ўзининг онгли фаолияти жараёнида жуда кучли энергия манбалари — *ядро* ва *термоядро реакцияларини* яратди. Натижада инсоннинг имкониятлари жуда кенгайди. У сайёранинг ҳар қандай экологик бўшлиқларини эгаллай олиш кудратига эгадир.

Инсоннинг экологик омил сифатида ўзига хослиги яна унинг фаолияти *фаол, ижодий характерда* эканлигидир. Инсон ўз атрофда *сунъий муҳит* ярата олиши ҳам унга бошқа экологик омиллардан ажратиб туради.

Инсон учун ташқи муҳитнинг асосий омилларидан бири *овқатдир*. Овқат туфайли организмда сарфланадиган энергия ўрни тўлдирилади, хужайра ва организмнинг пластик алмашилиши таъминланади. Инсон учун бир сутка давомида камида *2500 ккал* энергия зарур, бу энергия асосан *углеводлар, ёғлар* ва *оқсиллар* ҳисобига тўлдирилади. Енгил ҳазм бўладиган ҳайвон, қуш ва балиқ маҳсулотлари оқсилнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Овқат сифатли ва калорияга бой бўлиши, унда оқсил, ёғ ва углеводлардан ташқари витаминлар (айниқса, организмда синтезланмайдиган витаминлар) етарли бўлиши зарур.

Организм учун ферментларни фаоллаштирувчи оқсиллар ва биологик фаол моддаларнинг таркибий қисмига кирувчи минерал моддалар (На, К, Са, П ва бошқалар) ҳам зарурдир.

Тўйиб овқат емаслик ёки овқатнинг таркибида зарур моддалар етишмаслиги организмда ҳар хил функциялар бузилишига сабаб бўлади. Масалан, овқат таркибида оқсил ва витаминлар етишмаслиги ўсиш ва ривожланишнинг сусайишига сабаб бўлади.

Океанлардан узоқлашган континентал ҳудудларда, масалан, Марказий Осиёда, ташқи муҳитда, шунинг натижасида овқат таркибида ҳам ёд етишмайди. Натижада қалқонсимон безнинг фаолияти бузилади. Бундай бузилишларнинг олдини олиш учун ош тузининг таркибига албатта ёд қўшилиши лозим.

Инсониятнинг экологик ихтисослашиши - Табиий ва сунъий муҳит омиллари инсонга доимо таъсир кўрсатади. Сайёранинг турли жойларида ҳар хил табиий

омилларнинг таъсирида инсоният ривожланиши тарихи давомида ер шари аҳолисининг экологик ихтисослашиши натижасида одамларнинг *адаптив (мослашгари) типлари* келиб чиққан.

Адаптив тип — яшаш шароитига биологик реакция нормаси бўлиб, инсоннинг ўша шароитга яхши мослашишини таъминловчи морфологик, функционал, биокимёвий, иммунологик белгилар комплексининг ривожланиши билан таърифланади. Ҳар хил иқлимли ҳудудларда яшовчи халқларнинг овқатланишида ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Шу туфайли уларнинг ҳазм ферментлари синтезида, ажратилишида ва сифатида ҳам мосланув-чанлик ўзгаришлари кузатилади.

Инсонларнинг қуйидаги адаптив типлари фарқ қилинади: *арктик, тропик, ўрта иқлим зоналари, баланд тоғлиқ, чўл ва чалачўл адаптив* типлари.

Арктик адаптив тип. Совуқ иқлим ва кўпроқ ҳайвон маҳсулотлари билан озиқланиш шароитида шаклланади. Арктика халқлари ҳазм системасида ўсимликлар таркибидаги С ви-таминни кам истеъмол қилишга мосланишхусусияти ривожланган. Арктик адаптив типнинг характерли белгиларига тананинг суяк-мускул системаси яхши ривожланганлиги, қонда оксил, ёғларнинг кўп миқдорда бўлиши ва бошқалар киради. Арктик тип учун энергия алмашинувининг кучлилиги ва терморегулятсиянинг яхши ривожланганлиги ҳам харак-терлидир.

Тропик адаптив тип. Иссиқ ва нам иқлим, озиқ ратсионида ҳайвон оқсили нисбатан кам шароитда шаклланади. Экологик шароитнинг хилма-хиллиги ҳам бу типнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам субтропик ва тропик вилоятларда яшовчи аҳоли ирқий, этник жиҳатдан хилма-хил гуруҳларга киради. Негроидлар учун характерли белгиларга тананинг узунчоқ шакли, мушак массасининг камлиги, оёқ ва қўлларнинг узунлиги, кўкрак қафаси торлиги, тер безларининг кўп бўлиши ҳисобига тернинг кўп ажралиши каби белгилар характерлидир.

Тоғ адаптив типи. Бу типнинг шаклланишида асосий аҳамиятга эга бўлган экологик омил — гипоксия (ҳавонинг таркибида кислороднинг миқдори камлиги ҳодисаси) ҳисобланади.

Баланд тоғликда яшовчи аҳолида унинг қандай ирққа киришидан қафий назар моддалар алмашинуви жадал, кўкрак қафаси кенг, қонда эритроцитлар кўп бўлиши куза-тилади.

Марказий Осиё аҳолиси орасида тоғ адаптив типига мансуб популятсиялар ҳам учрайди (Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудлари).

Сахро, яримсахро, чўл адаптив типи Қуёш нурланиши кучли, иссиқ, қуруқ, ўта континентал иқлим шароитида шаклланади. Бу тип учун иссиқликнинг, кўп ажралиши, тер безларининг яхши ривожланиши, сувнинг кўп

истеъмол қилиниши характерлидир. Марказий Осиё ҳудудида яшовчи кўпчилик аҳоли шу адаптив типга киради.

Шундай қилиб, тарихий ривожланиш жараёнида инсоният экологик омил-лар таъсирида ихтисослашиб, бир-биридан айрим белгилари билан фарқ қилув-чи адаптив (мослашган) типларга ажралган.

Адаптив типлар ирқий мансублигидан қафий назар, турнинг генофонди билан белгиланув-чи мослашиш механизмлари асосида, конкрет экологик муҳитга мослашиш натижасида шаклланган.

Антропоген экосистемалар, уларнинг инсон саломатлигига таъсири. Энг муҳим ҳозирги замон антропоген экосистемаларига шаҳарлар, қишлоқлар, транспорт коммуникациялари киради.

Шаҳарларда табиат муҳитининг ўзгариши яққол намоён бўлади. Саноат ва тур-муш чиқиндилари тупроқда, сувда, ўсимликларда микроэлементларнинг кўпайиб кетиши-га сабаб бўлади, шаҳар аҳолисининг зичлиги натижасида юқумли касалликлар кенг тарқалади. Ҳавонинг ифлосланганлиги натижасида, ер юзасига ултрабинафша нурларнинг анча миқдори етиб келмайди. Ёруғлик етишмаслиги эса Д авитаминозини кўпайтиради.

Қишлоқ экологик системалари ўз хусусиятлари жиҳатидан шаҳар экосистемасидан анча фарқ қилади. Қишлоқда ҳайвон ва ўсимлик турларининг хилма-хиллиги кузатилади. Ҳайвонлар орқали юқадиган юқумли ва паразитар касалликлар қишлоқда кўпроқ уч-райди.

Ҳозирги авлод кўз ўнгида маҳаллий ва регионал экологик инқироз вазиятлари кузатилмоқда. Бунда инсон томонидан ўзгартирилган табиатнинг ижтимоий тараққиётга таъсирининг кескин ортиши кузатилади.

Инсоният тарихида экологик инқирозлар кўплаб кузатилган. Уларнинг натижасида миллионлаб гектар ерлар чўлга айланган, минглаб ўсимлик ва ҳайвон турлари қирилиб кетган, ўрмонларнинг майдони қисқарган, гуллаб яшнаган тсивилизатсиялар инқирозга юз тутган.

Атроф муҳитдаги катта кўламидаги салбий экологик ўзгаришлар ХВИИ асрдан бошланган ва XX асрнинг бошларига келиб ер юзидаги экологик системаларнинг 20% бузилган. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб қисман ва тўла бузилган экосистемалар ҳиссаси 63% дан ошди.

1960-йиллар охирида ривожланган ғарб мамлакатларда атроф муҳитнинг ифлосланишига қарши кучли жамоатчилик ҳаракати вужудга келган, дастлабки экологик қонунлар қабул қилинган, мингга яқин экология ва ривожланиш масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар тузилди.

1968- йили 10 та давлатдан 30 кишидан иборат фан, маданият, маориф, бизнес вакиллари «Рим клуби» деб номланган нодавлат ташкилотини тузишди. Клуб аъзолари инсониятнинг ҳозирги ва келажакдаги мураккаб аҳволини муҳокама қилиш ва инқироздан чиқиш йўллариини ўрганишни асосий мақсад деб белгиладилар. 1972 -йил 13 -мартда «Рим клуби» учун тайёрланган «Ўсиш чегаралари» маърузаси эълон қилинди. Маърузада сайёрамиз келгуси экологик ҳолатини башорат қилиш бўйича глобал модел таҳлил қилинган. Моделда сайёрада ўсишни ва унинг чегарасини белгилайдиган беш асосий омил: аҳоли сони, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, табиий ресурслар, саноат ишлаб чиқариши ва атроф муҳитнинг ифлосланиши асос қилиб олинган. Маърузада аҳоли сонининг ортиши суръатлари ва истеъмол модели ўзгармаса ХХИ асрнинг 30-йилларига келиб чуқур экологик инқирозлар башорат қилинган.

«Рим клуби»нинг эълон қилинган кейинги глобал моделларида(1974; 1990; 1992) янги шароитлар ҳисобга олинган, ўсиш истикболларига, экологик халокат хавфига қарашлар ўзгарган.

1972 йил 5 июнда Стокгольмда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти(БМТ)нинг Атроф муҳит бўйича биринчи Умумжаҳон Конферентсияси ўтказилди. Унда 113 давлат вакиллари қатнашдилар. Конферентсияда экологик йўналтирилган сотсиал-иқтисодий ривожланиш ғояси олдинга сурилган бўлиб, унга мувофиқ аҳоли турмуш даражасининг ортиши яшаш муҳитининг ёмонлашиши ва табиий системаларнинг бузилишига йўл қўймаслиги лозим.

Экологик ривожланиш давлатлар ўртасидаги муносабатлар ва иқтисодиётдаги чуқур ўзгаришлар, ресурсларни тақсимлаш ва фойдаланиш стратегиясида, дунёнинг ривожланишида туб бурилишни кўзда тутди. Экологик ривожланишнинг асосий талаблари Конферентсияда қабул қилинган 26 принтсипдан иборат «Стокгольм декларатсияси»да келтирилган. Бу принтсиплардан бирида « Ҳар бир инсон қулай атроф муҳитда яшаш ҳуқуқига эга, унинг сифати эса инсонларни муносиб ҳаёт кечиришга ва тараққиётга эришадиган даражада бўлиши керак» деб таъкидланади. Қабул қилинган «Тадбирлар режаси» 109 банддан иборат бўлиб, унда алоҳида давлатлар ва ҳалқаро ҳамжамият ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ташкилий, сиёсий ва иқтисодий масалалари ёритилган. Ҳалқаро ташкилотлар фаолиятини оширишга алоҳида эътибор кўрсатилган. Конферентсия қарори билан унинг очилиш куни- 5 июн Бутунжаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш куни деб белгиланди.

Конферентсиядан сўнг, белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун БМТнинг Бош ассамблеяси атроф муҳит бўйича махсус дастури-ЮНЕП(УНЕП)ни тузди. ЮНЕП биринчи навбатда энг долзарб муаммолар- чўллашиш, тупроқлар деградатсияси, чучук сув захираларининг камайиши, океанларнинг ифлосланиши, ўрмонларнинг кесилиши, қимматли ҳайвон ва ўсимлик турларининг йўқолиши муаммолари бўйича таклифлар ишлаб чиқиши керак эди. Бутунжаҳон атроф-муҳит жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма БМТга аъзо давлатларнинг бадали ҳисобига ривожланаётган мамлакатлардаги турли экологик муаммоларни ҳал қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириши белгиланди.

Стокгольм Конферентсиясидан кейин жаҳон ҳамжамияти экологик йўналтирилган тараққиётга эришиш бўйича дастлабки қадамларни ташлади. 1975-йили аҳоли сони 4

миллиард, 1987-йили 5 миллиарддан ошди. Дунёнинг турли чеккаларидаги экологик инқироз вазиятлари чуқурлашди. Орол денгизининг қуриши, Шимолий Африка мамлакатларидаги қурғоқчилик, Чернобил АЕС ҳалокати, океанларнинг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши, «озон туйнуклари» муаммолари чегара билмаслиги, регионал ва глобал оқибатлари билан намоён бўлди.

1983-йили БМТ Бош Котибининг ташаббуси билан Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро комиссияси тузилди. Норвегия бош вазири Г.Х. Брунтланд бошчилигидаги комиссия 1987-йили «Бизнинг умумий келажагимиз» деб номланган маърузани эълон қилди. Ушбу ҳужжатда йирик экологик муаммоларни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммолардан ажралган ҳолда ҳал қилиб бўлмаслиги баён қилинди. Комиссия атроф муҳит учун хавфсиз бўлган иқтисодий-экологик ривожланиш даврига ўтиш зарурлигини ёқлаб чиқди. Маърузада илк бор жамиятнинг барқарор ривожланиш йўлига ўтиши зарурати рад қилиб бўлмайдиган ҳулосалар асосида исботлаб берилди.

Барқарор ривожланиш деганда ҳозирги авлодлар ҳаётининг эҳтиёжларини келгуси авлодлар эҳтиёжларини қондиришга зарар етказмасдан амалга ошириладиган ривожланиш тушунилади. Барқарор ривожланиш мазмун бўйича экологик ривожланиш тушунчасига жуда ҳам яқиндир.

1992-йилнинг 3-14 июнь кунларида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида БМТнинг Атроф муҳит ва ривожланиш бўйича Конференцияси бўлиб ўтди. Унда 179 давлатларнинг раҳбарлари, ҳукумат вакиллари, экспертлар, нодавлат ташкилотлари, илмий ва ишбилармон доиралар вакиллари қатнашдилар. Бу вақтга келиб жаҳонда оламшумул воқеалар рўй берди. 1991- йили Шарқий Европа ва СССРдаги тоталитар система инқирозга учради. Жаҳон уруши ҳавфи кескин камайди ва жуда катта молиявий ресурслардан тинчлик мақсадларида фойдаланиш имконияти вужудга келди.

Конференция қуйидаги муҳим ҳужжатларни қабул қилди:

- Атроф муҳит ва ривожланиш бўйича Рио декларацияси;
- Барча турдаги ўрмонлардан унумли фойдаланиш, уларни сақлаш ва ўзлаштириш принтсиплари тўғрисидаги Баённома;

■ ХХИ асрга Кун тартиби-жаҳон ҳамжамиятининг яқин келажакнинг экологик-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга тайёргарлигига йўналтирилган ҳужжат.

Бундан ташқари Конферентсия доирасида Иқлим ўзгариши бўйича чегаравий Конвентсия ва Биологик хилма-хилликни сақлаш Конвентсиялари тайёрланди.

27 принтсипдан иборат «Рио декларатсияси» халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унга кўра давлатлар бошқа мамлакатларнинг муҳитига зарар етказадиган ҳар қандай фаолият учун жавобгарликни тан олиши, экологик қонунчиликнинг самарадорлигини ошириш, фалокатлардан огоҳлантириш, экологик ҳавф манбаларини бошқа давлатлар ҳудудига ўтказмасликка чақиради.

«ХХИ асрга Кун тартиби» инсониятнинг янги асрда барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлиб, унда атроф муҳит муҳофазаси ва ривожланишга доир муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва воситалари кўрсатилган. Конферентсия қарорларида ҳар бир алоҳида мамлакатда барқарор ривожланиш контсептсияси ва миллий даражада «ХХИ асрга Кун тартиби» ни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш мажбурияти юкланган.

«Рио-92» Конферентсиясида ўрмонларнинг тартибсиз кесилишининг олдини олиш ва уларни муҳофаза қилишга қаратилган муҳим Баённома қабул қилинди. Конферентсияда энг долзарб глобал муаммолар- иқлимнинг ўзгариши ва биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Конвентсияларнинг имзоланиши бошланди.

«Рио-92» Конферентсияси алоҳида давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти барқарор ривожланишининг стратегик вазифаларини белгилаб берди ва уни амалга оширишнинг ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий асосларини ишлаб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Рио декларатсиясини ратификатсия қилди. Ўзбекистон Иқлимнинг ўзгариши тўғрисидаги Конвентсия ва Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвентсияларга қўшилди. 1998-йили Барқарор ривожланиш Контсептсияси тайёрланди. 1999-йили Барқарор ривожланишнинг Миллий стратегиясини ишлаб чиқилди. 2002-йили Ўзбекистонда «ХХИ асрга Кун тартиби» қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланишни таъминлаш устувор масалага айланди.

90-йилларда алоҳида давлатлар, жаҳон ҳамжамияти, ҳалқаро ташкилотлар «XXI асрга Кун тартиби»ни амалга ошириш бўйича ҳаракатларни амалга оширдилар.

2000-йили Нью-Ёркда Минг йилик Саммити бўлиб ўтди ва унда «Минг йиллик Декларатсияси» қабул қилинди. Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича жаҳоннинг барча мамлакатларида саъйи-ҳаракатлар бошланди.

Қилинган ишларни сарҳисоб қилиш мақсадида 2002-йил Ёханнесбургда БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон Саммити бўлиб ўтди. Унда «Барқарор ривожланиш Бутунжаҳон Саммити қарорларини бажариш режаси» ва «Ёханнесбург декларатсияси» қабул қилинди. Саммит режасида сайёрамизнинг турли минтақаларида бақарор ривожланишни таъминлашга асосий эътибор берилди ва унинг принтсиплари барқарор ривожланишнинг уч таркибий қисми: иқтисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси талабларига жавоб беради. Бутунжаҳон Саммитида қашшоқликни йўқотиш ва атроф муҳит муаммоси бош масалалар сифатида таҳлил қилинди. Дунёдаги ривожланаётган камбағал мамлакатларда 1 млрд) дан ортик аҳоли доимий овқат етшмаслиги шароитларида яшайди. Бу давлатларга молиявий ёрдам бериш масалалари кўрилди. Ёханнесбург Саммити барқарор ижтимоий-иқтисодий-экологик ривожланиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Ривожланган давлатлардаги юқори ҳаёт даражасини таъминлаш табиий ресурслардан катта миқдорда фойдаланиш ва ўз навбатида атроф муҳитни кучли ифлослаш ҳисобига амалга ошади. 1–расмда ривожланган мамлакат- Германия Федератив Республикаси(ГФР) ва ривожланаётган мамлакат фуқаросининг атроф-муҳитга таъсири солиштирилган.

1-расм. ГФР ва ривожланган мамлакат фуқаросининг атроф-муҳитга таъсирини солиштириш(Гладкий, 2002).

Ҳозирги вақтда ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси ГФР ёки АҚШ аҳолиси ҳаёт даражасига етишиши учун яна бир Ер сайёраси ресурсларини ўзлаштириш лозим бўлади. Ер эса Коинотда ягонадир. Табиат ва жамиятнинг мутаносиб, бир-бирига мос ривожланиши-коеволютсия деб юритилади. Жамиятнинг ривожланиши суръатлари жуда юқори, табиат эволютсияси тезлиги ўзгармайди. Коеволютсияга эришиш учун жамият ўзининг айрим эҳтиёжларидан воз кеча олиши лозимдир.

XXII асрга келиб, атроф муҳитга таъсир суръати юқорилигича қолмоқда. Дунё океанининг ифлосланиши, чўллашиш, биологик хилма-хилликнинг камайиши, чучук сув етишмаслиги ва бошқа муаммолар тезкор чоралар кўришни талаб этади. Аҳоли сонининг ўсиш суратлари юқорилигича қолмоқда. Экологик ҳавфсиз, барқарор ривожланиш йўлидаги саъйи-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини ҳам бермоқда. Ривожланган мамлакатларда атроф-муҳит муҳофазасига сарфланадиган маблағлар ошмоқда. ва ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин(2-расм).

XXIIаср бошларига келиб ривожланган давлатларда экологик инқирознинг олдини олиш тадбирларига Ички Ялпи Маҳсулот (ИЯМ)нинг 1,5-2,5% улуши сарфланиши лозим. Атроф-муҳит анча аянчли аҳволга тушиб қолган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 4-5%дан кам бўлмаслиги кераклиги таъкидланади.

2-расм. Ривожланган мамлакатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга сарфланган(1994) маблағлар (Ички Ялпи Маҳсулот (ИЯМ)га % ҳисобида,млрдДоллар). (9)

Экологик таълим-тарбияни ривожлантириш, жамоатчилик ролини ошириш, экологик технологияларни жорий қилиш барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамияга эгадир.

Ҳозирги вақтда табиат ва инсон ҳаётининг экологик хавф остида қолиш жараёни янада мураккаблашиб, мушкуллашиб бормоқда. Атроф-муҳит билан жамият ўртасидаги алоқалар мувозанатининг бузилиши табиий ҳолатга путур етказмоқда. Ер юзи табиатининг барқарорлиги, турғунлиги ва унинг ўзига хос қонунларини инсоният томонидан бузилишининг асосий сабабларидан бири кишиларнинг атроф-муҳит муҳофазаси ҳақидаги билимларининг етишмаслиги ҳамда табиатнинг келажакдаги экологик ҳолатини кўра билмасликларидир.

экологик вазиятни тубдан яхшилаш учун экологик сиёсатга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган вазирликлар, корхона ва ташкилот раҳбар кадрларининг фаолиятида ижтимоий – экологик вазиятга тўғри баҳо бериш, уни химоя қилиш, сақлаш ва такомиллаштириш каби тушунчаларни қалбдан ҳис этишни шакллантириш, яъни уларда экологик муаммоларга муҳим ижтимоий-сиёсий иш сифатида қарашни тарбиялашдир. Ушбу раҳбар кадрларида табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини тўғри ечиш ва башорат қилишни уддалаш, юзага чиқиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни олдини олиш шароитларини яратиш каби ҳислатларни барпо этиш ҳисобланади.

Экологик тарбия оиладан бошланиши лозим. Ота-оналар экологик саводхон бўлишлари лозимдир. «Боғча-мактаб-олий мактаб-малака ошириш» тизимида узлуксиз экологик таълимни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. 3-расм. Экологик фаолият имкониятлари(18)

Узлуксиз

экологик

таълим

қуйидагича

бўлмоғи


зарур: 1-

босқич –

оилада ва

мактабгача

таълим



муассасаларида; 2-босқич мактаб-академик литсей ва касб-хунар коллежларидаги экологик таълим; 3-босқич – олий ўқув юртларидаги таълим; олий таълимдан кейинги босқич – кадрларни қайта тайёрлаш ва мунтазам равишда малакасини ошириб бориш; олий босқич - аспирантура, докторантура

Ўзбекистонда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда «...барча таълим муассасаларида экологик таълим мажбурий» деб белгиланган. Ўрта мактаб, литсей ва коллежларда экология бўйича алоҳида фан ўқитилиши зарурдир. Бу барқарор ривожланиш учун таълимнинг асосини ташкил қилиши лозимдир. БМТ барқарор

ривожланиш учун таълимни 2005-2014 йиллар давомида ҳар бир мамлакатда амалга оширишни режалаштирган.

XXI аср-экология асри бўлиши шубҳасиздир. Ҳар бир инсон она сайёрамиз табиатига зиён етказмасдан ўзгартириши, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиши ва яшаш муҳитини сақлашдек муқаддас ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозимдир.

Умуман олганда, экология мустақил фан сифатида XX асрнинг бошларида юзага келган (Одум, 1986). Г.В.Стадницкий, А.И.Родионовлар фикрича, «экология- бу тирик мавжудотларнинг улар ҳаёт кечирадиган ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганадиган фандир». Яна шундай таърифлардан бирида экология тирик мавжудотларнинг ҳаёт фаолияти қонуниятларини, улар ҳаёт кечирадиган табиий муҳитни инсон омилининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрганадиган фандир, деб таъкидлаган (Радкевич, 1972).

Экология фани анъанавий тарзда табиатшуносликнинг турли соҳалари билан боғланган (биология, кимё, география, тиббиёт). Шу сабабдан кейинги йилларда «географик экология», «глобал экология», «математик экология», «кимёвий экология» каби тушунчалар юзага келмоқда.

3. Экологияни шартли асосда икки тармоққа бўлиниш жараёни

Бироқ, экологияни энг аввало шартли асосда икки тармоққа, яъни табиий ва ижтимоий экологияга ажратиш тўғрироқ. Табиий экология табиий муҳитнинг инсон ва барча тирик мавжудотларга таъсирини ўрганса, ижтимоий экология эса инсоннинг бевосита табиатга таъсирини ва шу туфайли юзага келадиган ўзаро муносабатларни ўрганади.

Ижтимоий экология умумий экологияга ёки «табиий» экологияга нисбатан анча кейинроқ вужудга келди. У табиий ва ижтимоий фанлар негизида юзага келди. Ижтимоий экология айниқса биринчи жаҳон урушидан сўнг жадал ривожлана бошлади. XX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи 1966 йилда бўлиб ўтган Халқаро социологларнинг умумий конгресси унинг ривожига тurtки бўлди. Кейинроқ эса 1970 йил Варнада бўлиб ўтган социологларнинг конгресси ижтимоий экология олдида турган долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича шуғуланувчи социологларнинг Бутун жаҳон бирлашмаси тадқиқот қўмитасини яратди. Даставал шаҳар социологияси

(урбосоциоэкология) номи билан пайдо бўлган ижтимоий экология кўпроқ ғарб мамлакатлари шаҳарларида кишилар жойлашувини зарурий тарзда ташкил қилиш бўйича ишлар олиб боришди (Парк, Борджерс).

Ижтимоий экология билан бир қаторда, хусусан, махсус илмий адабиётларда инсон экологияси тушунчаси ҳам мавжуд. Таниқли америкалик олим Радерик Мак Кензил инсон экологиясининг асосчиларидан бири бўлган (1920). У ижтимоий экологияга қуйидагича таъриф берган: «Ижтимоий экология фақат мазкур вақтда мавжуд экология билан алоқадор эмас. Инсон зотлари ўзаро таъсири сифатида пайдо бўладиган фазога оид муносабатлар ва ҳаётни сақлаб қолиш бўйича экология ва маданий омиллар мажмуига реакция сифатида ўзгаришлар жараёнида муттасил мавжуд бўлади. Табиий ва қўзғатувчи кучлар фаолияти қонун қоидаларини тушуниб олиш учун ана шу жараёнларни ўрганиш ижтимоий экологиянинг вазифасидир, деб таъкидлаган эди.

Мак Кензил инсон экологиясини кишиларнинг ҳудудий ва замон билан белгиланадиган муносабатлари ҳақидаги фан шаклида таърифлайди. Кейинчалик бу борадаги билимлар Л.Шуор ва Д.Дунконлар томонидан яратилган ғоялар асосида янада ривожланди. Инсон экологиясининг намоёндаларидан бири А.Хоули экология соҳасида ўзининг «ижтимоий панэкологизм» ғоясини тарғиб этди. У «Ижтимоий экология барча нарсани тушунишга қобилиятли бўлган ҳар томонлама такомиллашган ижтимоий фанга айланиши керак», деб уқтирган эди (Комаров, 1977).

Ижтимоий ёки социал экология социал географияга жуда яқин. Социал экологиянинг шаклланишида эса инсон экологиясининг роли катта бўлган. Баъзи маълумотларга кўра, инсон экологиясининг маркази А+Ш нинг Чикаго шаҳри ҳисобланади. Чикаго университети география фанининг социология билан биргаликда ривожланиши натижасида инсон экологияси вужудга келди. Унинг муҳим тармоғи сифатида шаҳар экологияси (урбоэкология) шаклланди. Шунинг учун Чикагонинг урбоэкология илмий мактаби дунёга машҳур. Айни пайтда инсон экологияси биогеографиянинг ривожланишига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Алоҳида қайл этиш жоизки, «Инсон экологияси» тушунчасини биринчилар қаторида 1921 йилда америкалик олимлар Бордшерс ва Парк тиббиёт фанининг бир қисми сифатида ишлатишган. Инсон экологиясининг фан ёки илмий йўналиш мақомида юзага келиши Чикаголик Харлен Берроуз номи билан боғлиқ. У 1923 йилда «География ёхуд

инсон экологияси» номли асарини ёзади ва бу тушунчаларни тенг маъноси деб ҳисоблайди. (Солиев, 1995, 43 б.).

Шундай қилиб, ижтимоий экология жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро таъсир қонуниятларини, инсон ва ташқи муҳит муносабатларини шакллантириш тўғрисидаги фан ҳисобланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, ижтимоий экология-бу инсон, жамият ва табиатнинг ўзаро муносабатлари, қонуниятларини тадқиқ этувчи фандир (Шодиметов, 1994, 53 б.).

4. Ижтимоий экологиянинг инсон ўртасидаги ўзаро муносабатлари.

Ижтимоий экологиянинг предмети-бу табиат, ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларини ўрганишдан иборат. Мазкур фан барча табиий ва ижтимоий фанларни ўзида акс эттирувчи мажмуа фан ҳисобланади. Г.А.Бачинский фикрича, ижтимоий экология уйғунлашган фанлараро хусусият бўлгани сабабли, у тизимли бир бутунликка эгадир. Айни ҳолада ушбу фан география, биология, иқтисодиёт каби фанларни ўзаро уйғунлашган кўринишидир.

Маълумки, инсон саломатлигининг тиббий кўрсаткичлари ташқи муҳит билан узвий боғлиқ. Шу туфайли айрим олимлар фикрича, инсон экологияси (антропоэкология), тиббиёт географияси ва атроф муҳит гигиенаси сингари йўналишлар билан биргаликда ижтимоий экология таркибига киради.

Айрим манбаларда инсон экологияси ва тиббиёт географияси атамалари бир хил маъноларда қўлланилган. Лекин ушбу соҳалар бир-бирига жуда яқин бўлса-да, улар орасида ўзаро фарқ ҳам мавжуд. Тиббиёт географияси умуман жонли мавжудотлар ва уларда учрайдиган касалликлар, уларнинг тарқалиш сабаб ва қонуниятларини, шунингдек, уларнинг саломатлик ҳолатларини ҳам ўрганади. Демак, тиббиёт географияси инсон экологияси ва ҳатто унинг кенг маънодаги талқинидан ҳам ўзгачароқ, кенгроқ тушунчадир.

Инсон экологияси ижтимоий экологиянинг фақатгина инсон билан боғлиқ масалаларини ва унинг атроф-муҳит муносабатларини ўрганувчи алоҳида йўналишидир. «Инсон экологияси» кишиларни қуршаб турган табиий ва ижтимоий муҳитни ҳамда уларнинг ҳам теварак атрофга ва бир-бирларига муносабатлари сифатида аввалроқ таъкидлаганимиздек, биринчи марта америкалик социологлар

Р.Парк ва У.Борджерс томонидан ишлатилган. Жумладан, Борджерс «инсон экологияси»нинг вазифаси айти кишилар ижтимоий муносабатларини биологик популяция жараёнига туташтиришдан иборатдир», деб талқин этади ва уни биология экологиясига хос тушунчалар билан изоҳлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, америкалик олим Ж.Мей ҳам инсон экологиясини биологиялаштиришга уринди.

Умуман, атроф-муҳитнинг ўта ифлосланиб бориши, инсоннинг табиат устидан чексиз ҳукмронлиги инсон экологияси, қолаверса, у билан боғлиқ касалликларнинг ер юзида тарқалиш сабаб ва қонуниятларини тадқиқ этувчи тиббиёт географияси олдига янгидан-янги муаммоларни қўймоқда.

Фан ва техниканинг жадал тараққиёти, инсоннинг табиатга бўлган таъсирининг тўхтовсиз ортиб бориши ва шу туфайли табиий муҳитда юз бераётган қатор салбий ўзгаришлар инсон саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Табиий муҳитнинг ифлосланиши, шаҳарлашув жараёни, аҳолининг шаҳарларда ўта тигиз жойлашуви, ижтимоий муҳитдаги салбий ўзгаришлар кишиларда қадим замонларга хос ва мос бўлмаган асаб ва бошқа турдаги касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарлашув (урбанизация) жараёнининг жадаллашуви ўз навбатида ҳаво, сув ва тупроқнинг ифлосланиши каби муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу билан бирга ҳозирги вақтда шаҳарлар кишилар руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи шовқин марказлари бўлиб келмоқда. Ер шаридаги энг шовқинли шаҳар Рио-де Жанейро бўлиб, унинг ўртача шовқин даражаси 85 дБ га тенг. Шовқин асаб тизими, эшитув аъзолари ва юрак фаолиятининг бузилишига сабаб бўлувчи асосий манба сифатида бугунги кунда, айниқса, йирик саноат ва аҳоли ўта зич шаҳарларда юқоридир.

Урбанизация жараёнининг ривожланиши, шаҳарларнинг йириклашуви, улкан агломерация, конурбация ва мегаполисларнинг вужудга келиши, ишлаб чиқаришнинг юқори даражада мужассамлашуви ва бошқа ҳаётий жараёнларнинг жадаллашуви бундай муҳитда кишиларнинг яшашлари учун жуда катта ноқулайликлар туғдиради. Одатда, йирик шаҳарларда кишиларнинг қон босимлари юқори бўлади, улар орасида асаб таранглиги ҳоллари тез-тез учраб туради. Бундай шароитда ўзига хос хасталиклар вужудга келадики, уни олимлар «урбанит» деб ҳам номлашади.

Аҳоли саломатлиги даражасини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар яна шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда жаҳонда хусусан, юрак қон-томир, овқат ҳазм қилиш ва

нафас олиш аъзолари тизими билан боғлиқ касалликлар етакчи ўринни эгаллайди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, жаҳон миқёсида кенг тарқалган касалликларнинг кўпчилиги асосан ривожланаётган ва ривожланишдан орқада қолган, иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган мамлакатлар зиммасига тўғри келади. Хусусан, ҳар хил юқумли ва паразитар касалликларнинг аксарият қисми иқтисодий жиҳатдан аҳолининг турмуш даражаси ниҳоятда паст бўлган Африка ва Лотин Америкасининг айрим давлатлари учун хос. Жумладан, 1900 йилдан то 1950 йилгача бўлган даврда Африка қитъаси мамлакатларининг кўпчилигида ўлат касаллиги кенг тарқалган эди (Шошин, 1962).

Шу ўринда айтиш лозимки, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари аҳолиси яшаш тарзининг оғирлиги, тўйиб овқат истеъмол қилмасликлари, шунингдек, табиий шарт-шароитларининг ўта ноқулайлиги улар орасида турли хасталикларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Чунончи, Сомали, Чад, Нигер, Гайяна, Суринам каби Африка ва Лотин Америкасининг айрим давлатлари бунга яққол мисол бўла олади. Шу туфайли жаҳон аҳолиси орасида очлик ва касалланиш даражасининг асосий қисми ана шу давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Дунё мамлакатларида рўй бераётган кўплаб табиий офатлар (сув тошқинлари, зилзилалар, ўрмонлага ўт кетиш ҳоллари, чўллашув жараёни, озон туйнукларининг кенгайиб бориши) оқибатида турли юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар ортиб бормоқда. Масалан, Ява ороллари ҳудудида сўнгги ўн-ўн беш йил давомида аҳоли орасида тери раки билан касалланиш ҳоллари кескин кўпайиб борган. Бунинг асосий сабаби- мазкур ҳудудда тинимсиз ракеталарнинг учирилиши оқибатида унинг озон қатламида ёриқларнинг кенгайиб бориши куёшдан келадиган турли хил нурларни тўғридан-тўғри ер юзига кириб келишига шароит яратмоқда. Натижада, кишиларнинг терилари зарарланиб, улар орасида рак касаллигининг ниҳоятда ортиб бориши кузатилмоқда. Шу билан бирга ҳарбий соҳада атом қуролларини синаш ишлари олиб бориладиган ҳудудлар, қайсики кўпгина орол мамлакатлари аҳолиси орасида эса нурланишнинг юқорилиги қайд этилмоқда⁵.

5. Тиббиёт географияси назариялари ва экологик қонунлар.

Сўнгги йилларда жаҳон мамлакатларининг кўпчилигида тоғ-кон саноатининг тез суръатларда ривожланиб бориши ҳам мазкур ҳудудлар экологик ҳолатига ўз таъсирини

⁵ Жумладан, Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск, Россиянинг Челябинск, Украинанинг Чернобыль шаҳарлари атрофида вужудга келган нохуш экологик вазият бунга мисол бўла олади.

кўрсатмоқда. Жумладан, Европа давлатлари ҳудудида жойлашган Рур, Галле Лейпциг, Эльзас ва Лотарингия ҳавзаларида, ўзимизда Ангрен-Олмалик саноат райони ҳамда Навоий шаҳри атрофида қазилма ишларининг олиб борилиши оқибатида атроф-муҳит сезиларли тарзда ифлосланган.

Хуллас, атроф-муҳитнинг бузилиш даражасининг ортиб бораётганлиги табиатдаги барча мавжудотлар, жумладан инсон саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли табиатни муҳофаза қилиш ишлари кейинги пайтларда янада оммавий тус олмоқда. Ҳатто, айрим мамлакатларда давлат томонидан экологик сиёсат юритилаётганлиги ҳам сир эмас. Шунингдек, бу борада қатор қонунлар (табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги биринчи қонун 1273 йилда Англия қироли Эдуард I томонидан чиқарилган эди) қабул қилинди, жарималар тизими ишлаб чиқилди, табиатни муҳофаза қилиш давлат идоралари ташкил этилди. Чунончи, шу хусусдаги ишлар доимий равишда БМТнинг атроф-муҳит бўйича махсус ташкилоти ЮНЭП (Кения-Найроби) томонидан назорат этиб борилади.

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган Халқаро «Экосан» жамияти ҳам бу бўлади. Катта ва самарли ишларни амалга оширмоқда. Экология билан боғлиқ масалаларни, ушбу тушунчанинг табиат ва жамият тизими, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсирини инсон саломатлиги ҳамда тиббиёт географияси назарияси нуқтаи назаридан қисқача таҳлил қилиш қуйидагича хулосаларни чиқаришга имкон беради:

❖ Экология тушунчаси дастлаб табиий фанларда қўлланилиб, у ўша даврда табиатнинг жамиятга нисбатан устуворлик даврига тўғри келади. Бинобарин, бу даврда алоқадорлик энг аввало биологик мавжудотларнинг ўзаро ва ташқи муҳит билан алоқадорлигини аниқлаган.

❖ Табиат ва жамият ўртасидаги мувозанатнинг аста-секин жамият томонига ўтиши, яъни акс таъсирнинг кучайиши оқибатида «нотабиий», аниқроғи ижтимоий экология вужудга келди. Ижтимоий экологияда авваламбор инсоннинг ўз атроф муҳити билан алоқаси эътиборга олинади ва бу муҳит икки кўринишда –табиий ва ижтимоий шаклда бўлади. Инсоннинг саломатлик ҳолати ҳам айнан ана шундай мураккаб ҳолат билан белгиланади.

❖ Инсон экологияси ижтимоий экологиянинг асосини ташкил этади. Унинг асосчилари Борджерс ва Парк (1921) аниқроғи Чикаго экология мактабининг вакиллари

инсон экологиясини тиббиёт географиясининг бир қисми сифатида талқин қилишган эди. Айти пайтда инсон экологияси шаҳар экологияси билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Урбанизация жараёнининг илдам ривожланиши ушбу йўналишнинг шаклланишига олиб келди ва унинг илк маркази ҳам Чикаго шаҳри эди.

❖ Бошқа америкалик олим Х.Берроуз 1923 йилда «География ёхуд инсон экологияси» номли асар ёзди ва бу икки тушунчани маънодош қарашга уринди. Демак, инсон экологияси бир томондан тиббиёт билан, иккинчи томондан география билан боғланади.

❖ Юқоридаги тушунчалар билан ҳамоҳанг равишда вужудга келган «экотизим» (экосистема) ҳам даставвал инсонга, унинг саломатлик ҳолатига нисбатан қўлланилган эди. Ҳақиқатан ҳам, инсон жисми ўта мураккаб, етук ва юқори даражада ривожланган мукамал тизимдир.

❖ Тиббиёт географияси асосида экологик ёндошув ётади. Бу эса, ўз навбатида, моҳиятан географик детерминизмга бориб тақалади. Географик детерминизм ҳам аввалроқ табиатни (айниқса, иқлим шароитларини) инсонга, унинг хўжалик фаолияти ва ҳатто юриш-туриши, ҳулқ-атвориға таъсири мазмунида қўлланилган эди. Шу нуқтаи назардан инсон саломатлигини ўрганишда демерминистик ёндошувнинг ҳам аҳамияти катта.

❖ Худди шу маънода Э.Сэмпл «Инсон-ер юзасининг маҳсулидир», ёки К.Риттер «Инсон табиат ойнаси» деб айтган эди. Дарҳақиқат, бу ибораларда табиатнинг инсонга таъсири ўз аксини топган. Аммо, ҳозирги кунда инсон ҳаёт фаолиятига ижтимоий-иқтисодий омилларнинг аҳамияти ҳам кучайиб бормоқда.

Шундай қилиб, асрлар оша табиий ва ижтимоий муҳит ўзгариб, мураккаблашиб ва тифизлашиб бормоқда, инсон ана шундай ўзгаришларга мослашиб бориш (адаптация) қобилиятига эга. Бироқ, шунга қарамасдан бу мослашув кечикиши ёки инсон ва, айтиқса, табиатнинг эволюцион тарзда ривожланиши жамиятнинг ҳозирги даврдаги тараққиётига мос, мувофиқ келмай қолиши мумкин. Ана шундай шароитда ва, хусусан, ер юзасининг турли минтақаларида ўзига хос касалликлар вужудга келадики, улар билан тиббиёт географияси шуғулланади.

